

ЎЗБЕКИСТОНРЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙВАЎРТАМАХСУСТАЎЛИМВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТДАВЛАТИҚТИСОДИЁТУНИВЕРСИТЕТИ



Худойқулов С.К.

# МОЛИЯ ВА СОЛИҚЛАР

Дарслик

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан “Солиқлар ва солиққа тортиш” мутахассислигида таълим олувчи бакалаврият талабалари учун дарслик сифатида тавсия этилган.*

ТОШКЕНТ–ИQTISODIYOT – 2020

UO‘K: 336.22:32(075.8)

KBK: 65.261 (02)

Худойқулов С.К. «Молия ва солиқлар»: Дарслик. – Т.: «ИQTISODIYOT», 2020. – 554 б.

Мазкур дарслик бакалавриятнинг Бакалавриятнинг (Бизнес информатика), 5111000 – Касб таълими (5330200 – Информатика ва ахборот технологиялари (иктисодиёт)), 5230100 – Иктисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича), 5230400 – Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича), 5230500 – Божхона иши (фаолият турлари бўйича), 5231100–Жаҳон иктисодиёти ва халқаро иктисодий муносабатлар (минтакалар ва фаолият турлари бўйича), 5231400–Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича), 5231600 –Мехнат иктисодиёти ва социологияси, 5231700–Кадрлар менежменти, 5231800 – Ижтимоий соҳа ва инсон ресурслари менежменти, 5231900–Корпоратив бошқарув, 5232300 – Минтақавий иктисодиёт, 5232400 –Иктисодий хавфсизлик, 5232500 – Логистика, 5232600 –Бизнес информатика, 5330200– Информатика ва ахборот технологиялари (иктисодиёт), 5610200 – Мехмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш, 5610300–Туризм (фаолият йўналишлари бўйича) таълим олаётган талабалар учун мўлжалланган бўлиб, унда "Молия" фанининг ривожланиш тараққиёти, молиянинг элементлари ва молиявий муносабатларнинг иктисодий муносабатлар тизимидаги аҳамияти, молия категорияси ва тизимининг амал қилиш механизмлари назарий ва амалий жараёни очиб берилган. Шунингдек, ушбу дарсликда хўжалик юритувчи субъектларда молияни ташкил этиш ва молиявий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда улар томонидан тўланадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш тартиблари кенгрок тарзда ёритилган бўлиб, ушбу материаллар иктисодиёт тармоқларида иктисодчи мутахассисларнинг касбий касбий билимларини оширишга хизмат қилади.

ISBN 978-9943-6363-5-4

UO‘K: 336.22:32(075.8)

KBK: 65.261 (02)

© «ИQTISODIYOT», 2020.

© Худойқулов С.К., 2020.

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....		<b>9</b>
<b>1-БЎЛИМ. МОЛИЯ</b>		<b>12</b>
<b>I – БОБ.</b>	<b>МОЛИЯ" ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ЎРГАНИШ УСУЛЛАРИ</b>	<b>12</b>
1.1.	Молия фанининг предмети, мақсади ва вазифалари	12
1.2.	Молия фанининг ўрганиш усуллари ва бошқа фанлар билан ўзаро алоқаси	15
1.3.	Молия фанининг бошқа фанлар билан алоқаси	18
	Таянч сўз ва иборалар	20
	Назорат учун савол ва топшириқлар	20
<b>II - БОБ.</b>	<b>МОЛИЯНИНГ МОҲИЯТИ ВА УНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ НЕГИЗИ</b>	<b>21</b>
2.1.	Молиянинг юзага келишининг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари ва ривожланиш жараёнлари	21
2.2.	Молиянинг иқтисодий моҳияти ва белгилари	29
2.3.	Молиянинг функциялари ва тамойиллари	37
2.4.	Молия фанининг ривожланиш жараёни ва молия масалаларининг иқтисодий назариялардаги талқини	41
	Таянч сўз ва иборалар	48
	Назорат учун савол ва топшириқлар	48
<b>III - БОБ.</b>	<b>МОЛИЯ ТИЗИМИ</b>	<b>49</b>
3.1.	Молия тизими тушунчаси ва унинг таркиби	49
3.2.	Молия сиёсати	53
3.3.	Молиявий бошқарув	59
3.4.	Молиявий назорат ва уни амалга ошириш тартиби	64
3.5.	Молиявий режалаштириш ва прогнозлаштириш	82
3.6.	Молия механизми	90
	Таянч сўз ва иборалар	107
	Назорат учун савол ва топшириқлар	107
<b>IV - БОБ.</b>	<b>ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ</b>	<b>108</b>
4.1.	Бюджетнинг иқтисодий моҳияти, функция ва белгилари	108
4.2.	Бюджет тизимининг моҳияти ва принциплари	112
4.3.	Давлат бюджети даромадлари манбалари ва уларни шакллантириш тартиби	116
4.4.	Давлат бюджети харажатлари таркиби, уларни ҳисобга олиш ва тақсимлаш тартиби	122
4.5.	Бюджет жараёни ва уни амалга ошириш тартиби	128
4.6.	Бюджетлараро муносабатлар ва уларни мувофиқлаштириш	136

4.7.	Давлат бюджетининг солиқли даромадларини прогнозлаштириш тартиби	140
	Таянч сўз ва иборалар	147
	Назорат учун савол ва топшириқлар	147
<b>V - БОБ.</b>	<b>ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ</b>	<b>148</b>
5.1.	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси	148
5.2.	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси	157
5.3.	Ўзбекистон Республикаси Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси	163
5.4.	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси	168
5.5.	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси	174
5.6.	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси ва Давлат мулкни хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармаси	178
5.7.	Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	183
	Таянч сўз ва иборалар	189
	Назорат учун савол ва топшириқлар	189
<b>VI-БОБ.</b>	<b>ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР МОЛИЯСИ</b>	<b>191</b>
6.1.	Хўжалик юритувчи субъектларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ва уларда молияни ташкил этиш асослари	191
6.2.	Хўжалик юритувчи субъектларда пул фондларини шакллантириш ва тақсимлаш тартиби	199
6.3.	Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий натижаларни аниқлаш механизми	212
6.4.	Хўжалик юритувчи субъектлар молия тизимида молиявий коэффициентларнинг роли ва уларни аниқлаш тартиби	215
6.5.	Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий бошқарув	222
6.6.	Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий режалаштиришни ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби	227
6.7.	Бюджет ташкилотларида молиянинг ташкил этилиши ва уларнинг фаолиятини молиялаштириш механизмлари	235
	Таянч сўз ва иборалар	243
	Назорат учун савол ва топшириқлар	243

	<b>2-БЎЛИМ. СОЛИҚЛАРНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ</b>	245
<b>VII-БОБ.</b>	<b>СОЛИҚЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИАТИ</b>	245
7.1.	Солиқларнинг иқтисодий моҳияти	245
7.2.	Солиқлар ва солиқсиз тўловларнинг ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатлари	253
7.3.	Солиқларнинг функциялари ва вазифалари	257
7.4.	Солиқларнинг юзага келиши ва ривожланиш тарихи	260
	Таянч сўз ва иборалар	278
	Назорат учун савол ва топшириқлар	278
<b>VIII-БОБ.</b>	<b>СОЛИҚҚА ТОРТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ЭЛЕМЕНТЛАРИ</b>	280
8.1.	Солиқ ва солиққа тортиш тамойилларининг моҳияти	280
8.2.	Солиққа тортишнинг классик тамойиллари	282
8.3.	Солиққа тортишнинг замонавий ва хусусий тамойиллари	285
8.4.	Солиқ элементлари ва унинг таркиби	293
8.5.	Солиқ субъектлари	294
8.6.	Солиқ объектлари	300
8.7.	Солиқ базаси	302
8.8.	Солиқ ставкалари	305
8.9.	Солиқларни ҳисоблаб чиқариш, солиқ даври, солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва солиқларни тўлаш тартиби	308
8.10.	Солиқ имтиёзлари ва преференциялари	313
	Таянч сўз ва иборалар	318
	Назорат учун савол ва топшириқлар	318
<b>IX-БОБ.</b>	<b>СОЛИҚ СИЁСАТИ</b>	319
9.1.	Солиқ сиёсати ва унинг мазмуни	319
9.2.	Солиқ сиёсатининг шакллари	322
9.3.	Солиқ сиёсатининг ишлаб чиқилиши	326
9.4.	Солиқ сиёсати стратегияси ва тактикаси	336
9.5.	Ўзбекистон солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари	339
	Таянч сўз ва иборалар	350
	Назорат учун савол ва топшириқлар	350
<b>X-БОБ.</b>	<b>СОЛИҚ ТИЗИМИ</b>	351
10.1.	Солиқ тизимининг иқтисодий моҳияти ва унинг таркиби	351
10.2.	Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг гуруҳланиши	355
10.3.	Солиқ механизми	362
10.4.	Солиқ менежменти	369
	Таянч сўз ва иборалар	374
	Назорат учун савол ва топшириқлар	374
	<b>3-БЎЛИМ. СОЛИҚҚА ТОРТИШ АМАЛИЁТИ</b>	375
<b>XI-БОБ.</b>	<b>ЮРИДИК ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ФОЙДА СОЛИҒИ</b>	375

11.1.	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг иқтисодий моҳияти, бюджет тизимида тутган ўрни ва солиқ тўловчилари	375
11.2.	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг объекти ва солиқ базасини аниқлаш тартиби	378
11.3.	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкалари ва солиқ имтиёзлари	384
11.4.	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ҳисоблаш ва бюджетга ўтказиш тартиби	387
11.5.	Кредит, суғурта ташкилотлари ҳамда қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари даромадларига солиқ солиш тартиби	393
	Таянч сўз ва иборалар	397
	Назорат учун савол ва топшириқлар	397
<b>XII-БОБ.</b>	<b>ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИ</b>	398
12.1.	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг иқтисодий моҳияти, бюджет тизимида тутган ўрни ва солиқ тўловчилари	398
12.2.	Жисмоний шахслар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг солиқ объекти ва солиқ базаси	401
12.3.	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича солиқ имтиёзлари ва солиқ ставкалари	404
12.4.	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаш ва бюджетга ўтказиш тартиби	406
12.5.	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини декларация усулида ундириш тартиби	410
12.6.	Хорижий давлатларда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ўзига хос хусусиятлари	413
	Таянч сўз ва иборалар	420
	Назорат учун савол ва топшириқлар	420
<b>XIII-БОБ.</b>	<b>ҚўШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ</b>	421
13.1.	Қўшилган қиймат солиғининг иқтисодий моҳияти, бюджет тизимида тутган ўрни ва солиқ тўловчилари	421
13.2.	Қўшилган қиймат солиғи объекти ва солиқ базасини аниқлаш тартиби	425
13.3.	Қўшилган қиймат солиғининг ставкаси ва солиқ имтиёзлари	431
13.4.	Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби	436
	Таянч сўз ва иборалар	445
	Назорат учун савол ва топшириқлар	445

<b>XIV-БОБ.</b>	<b>АКЦИЗ СОЛИҒИ</b>	446
14.1.	Акциз солиғининг иқтисодий моҳияти ва бюджет тизимида тутган ўрни	446
14.2.	Акциз солиғининг тўловчилари	450
14.3.	Акциз солиғи объекти ва солиқ базаси	452
14.4.	Акциз солиғи ставкалари ва солиқни ҳисоблаш тартиби	455
14.5.	Акциз маркаларни қўллаш тартиби	458
14.6.	Акциз солиғини бюджетга тўлаш тартиби	462
	Таянч сўз ва иборалар	466
	Назорат учун савол ва топшириқлар	466
<b>XV-БОБ.</b>	<b>МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ</b>	467
15.1.	Мол-мулк солиғининг иқтисодий моҳияти, бюджет тизимидаги аҳамияти ва солиқ тўловчилари	467
15.2.	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг объекти ва солиқ базаси	470
15.3.	Мол-мулк солиғига тортиш мақсадида юридик шахсларнинг асосий воситаларини қайта баҳолашни ўтказиш тартиби ва унинг аҳамияти	475
15.4.	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг ставкаси, солиқ имтиёзлари ва солиқни ҳисоблаш тартиби	481
15.5.	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ундириш тартиби	485
	Таянч сўз ва иборалар	488
	Назорат учун савол ва топшириқлар	488
<b>XVI-БОБ.</b>	<b>ЕР СОЛИҒИ</b>	489
<b>16.1.</b>	Ер солиғининг тарихий ривожланиш жараёни	489
16.2.	Ватанимизда амал қилган давлатчилик ва чет эл босқинчиликлари даврида ер солиғини ундиришнинг хусусиятлари	492
16.3.	Ер солиғининг бюджет тизимида тутган ўрни ва солиқ тўловчилари	496
16.4.	Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи объекти, солиқ базаси ва солиқ имтиёзлари	498
16.5.	Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича солиқ ставкалари ва солиқни ҳисоблаш тартиби	500
16.6.	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	504
16.7.	Ягона ер солиғини ундириш механизми	508
	Таянч сўз ва иборалар	512
	Назорат учун савол ва топшириқлар	512
<b>XVII-БОБ.</b>	<b>ЯГОНА СОЛИҚ ТЎЛОВИ</b>	513
17.1.	Ягона солиққа тортиш назарияси ва амалиётининг ривожланиши	513

17.2.	Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибида ягона солиқ тўлови бўйича солиқ тўловчилари ва солиққа тортишнинг умумий қоидалари	553
		518
17.3.	Ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солиш объекти ва базасини аниқлаш тартиби	522
17.4.	Савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан ташқари кичик корхона ва микрофирмалар томонидан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқиш тартиби	525
17.5.	Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини ҳисоблаш тартиби	531
17.6.	Қатъий белгиланган солиқни тўлаш тартиби	541
	Таянч сўз ва иборалар	544
	Назорат учун савол ва топшириқлар	544
<b>ГЛОССАРИЙ</b>		545
<b>ҲОҶДАТЛАРНИНГ АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ</b>		553

## КИРИШ

Молия категорияси ҳам иқтисодий ҳам тарихий категория сифатида жамиятнинг иқтисодий муносабатлар тизими асосий локомотив функцияни бажариб келади. Молия категорияси ва муносабатлар ўзагини пул фондлари ва улар билан боғлиқ пулли муносабатлар ташкил қилади. Молия категориясининг тарихийлиги шундаки у давлат фаолияти билан боғлиқ бўлиб, дастлабки давлатчилик шакллари пайдо бўлгандан то ҳозирги кунга қадар узоқ даврдаги ривожланиш эволюциясига эга бўлиб, ривожланиб келмоқда. 2007 йилда бошланган ва 2008 йилда бутун жаҳон иқтисодиётини қамраб олган ва ҳозирги вақтда ҳам айрим давлатларнинг миллий иқтисодиёти унинг бухронларидан қутила олмай турган молиявий инқироз молиявий муносабатлар тизимида ҳали ўзига хос янги қонуниятлар мавжудлиги, молиявий муносабатлар тизими жаҳон интеграциясининг янги босқичларига мувофиқ тарзда ўзгача шаклда ривож топиб бораётганлигини кўрсатди. Бошқача қилиб айтганда молиявий пул фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш (тақсимлаш, эгаллик қилиш) механизмлари анча мураккаб тусга кириб бормоқда. Молиявий инқироз эса молия бозорлари орқали товар ва хизматлар бозорларига, провардида эса такрор ишлаб чиқариш жараёнларини қамраб олди. Корхоналар эса ўзларининг бошқарув стратегияларида молиявий активларини жойлаштириш, уларни ўзларига боғлиқ бўлмаган иқтисодий хавф-хатардан сақлаш ҳамда ўзларининг молиявий ресурсларидан самарали фойдаланиш учун молиявий муносабатлар, аниқроғи молиянинг иқтисодий қонуналаридан яхшироқ хабардор бўлишининг бугунги кунда долзарблиги яна ошиб бормоқда. Молиянинг моҳиятини очиб беришда иқтисодчилар унинг кўлами жиҳатидан уч хил шаклга: давлат молияси, хўжалик юритувчи субъектлар молияси ва уй хўжаликлари молиясига. Ушбу молия тизими бўғинларининг асосий даромад манбаи эса миллий даромад ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримов ўзининг "Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат мафкура" номли асаридан "... Миллий даромадни қайта тақсимлаш - давлат қўлидаги энг асосий манба ва воситадир, ... Давлат билан корхоналарнинг молиялари бир-биридан ажратиб қўйилиши муҳим қоида ҳисобланади. Корхоналар ё ўз ресурсларига, ёки тижорат банкларининг кредитларига умид боғлашлари лозим"<sup>1</sup> деб таъкидлаган бўлса, "Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида" номли асаридан эса "Молия бу - ўзбек тилида "ҳазина" дегани. Ҳазинанинг ўзи нима? Давлатнинг ҳазинаси, унинг даромад ва буромадини, бугунги ва эртанги кунини белгилайдиган бойлик..."<sup>2</sup> деб таърифлаган эди. Дарҳақиқат, Юртбошимизнинг молиянинг ўзагини миллий даромадни тақсимлаш муносабатлари ташкил этишлиги, молия бу пул

<sup>1</sup>Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат мафкура. Т.: «Ўзбекистон» нашриёти, 1996 йил, 65, 343 бетлар.

<sup>2</sup>Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. Т.: «Ўзбекистон» нашриёти, 2005 йил, 516 б.

фондлар(ҳазина)дан иборатлиги ҳақидаги илмий-назарий қарашлари молиянинг моҳиятини очиб беришга тўлақонли хизмат қилади. Ўз навбатида давлат молияси ва корхоналар молияси ўртасидаги муҳим фарқлар уларда молиявий муносабатлар ўзига хос тарзда кечишини билдиради. Шу жиҳатдан олганда эса иқтисодчи мутахассислар молиянинг давлат доирасида ҳамда корхоналар доирасида ўзига хос қанақа хусусиятлар мавжудлиги билиши лозим бўлади. Ушбуларни эътиборга олган ҳолда дарслик уч қисмга ажратилган. Биринчи қисмида молия категориясининг моҳияти, молиянинг вужудга келиш ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари, давлат фаолияти билан боғлиқ ҳолда молия муносабатларининг ривожланиш жараёнлари, давлат хўжалигида молиянинг тугган ўрни, давлат молиясининг асосий даромад манбалари ва уларнинг турли тарихий даврлардаги кўринишлари, давлат молияси тизимида Давлат бюджетининг юзага келиш асослари, унинг ҳозирги цивилизация босқичидаги хусусияти, Ўзбекистон молия тизимида марказлаштирилган пул фондлари: Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари мақсади жамғармаларни ташкил этиш ва уларнинг маблағларидан фойдаланиш тартиблари, молия тизимида молиявий бошқарув, назорат, режалаштириш, прогнозлаштириш жараёнларини амалга ошириш механизмлари ҳамда молиявий ресурсларнинг юзага келиш иқтисодий асослари ва уларнинг молиянинг турли бўғинларидаги хусусиятлари каби масалалар ёритилган. Маълумки, "Иқтисодиёт(тармоқлар бўйича) йўналиши бўйича тахсил олаётган талабалар келгусида иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги корхона ва ташкилотларда иқтисодчи ёки молиячи лавозимларида фаолият кўрсатишлари мумкин. Корхоналарда молиявий муносабатларнинг ҳолатини ҳисобга олиш, пул фондларини ташкил қилиш, молиявий ресурсларни самарали бошқариш, улардан самарали фойдаланишининг стратегик йўналишларни ишлаб чиқиш ва шу каби жараёнларни амалга ошириш эса корхонанинг иқтисодчилари, ҳисобчилари ва молиячилари томонидан амалга оширилади. Корхона ҳисобчилар(бош ҳисобчи) аслида корхонага тегишли маблағлар ва уларнинг ташкил топиш манбаларининг ҳолати ва ҳаракатини жараённинг ҳисобини олибборадилар. Ушбу мутахассислар эса молиявий муносабатлар ва жараёнларнинг самарадорлик даражаларини аниқлаш билан шуғулланишмайди, ўз навбатида эса уларнинг касбий малакасига(хизмат лавозимига кирмайди) дахлдор эмас. Бу жараёнлар эса корхона иқтисодчилари ва молиячиларининг зиммасига юклатилади. Шу боисдан иқтисодчи мутахассислар хўжалик юритувчи субъектларда молияни ташкил этиш ва уни амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятларини билиши зарурий касбий малака талабларидан бири саналади. Ушбуларни эътиборга олган ҳолда дарсликнинг молия қисмида хўжалик юритувчи субъектлар молиясигаалоҳида урғу берилди. Бунда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ванотижорат(нодавлат нотижорат ва бюджет ташкилотлари) ташкилотлари қисмида молиянинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш нуқтаи назаридан ёндошилди.

# 1-БЎЛИМ

## 1-БОБ. "МОЛИЯ" ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ЎРГАНИШ УСУЛЛАРИ

### 1.1. Молия фанининг предмети, мақсади ва вазифалари

Фанларнинг юзага келиши инсон эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлиб, инсониятнинг табиат ва у билан ҳамда ўзларининг ўзаро муносабатларининг кўриниши сифатидаги жамият юз берадиган объектив ва субъектив тарзда рўй берадиган муносабатлар тизимини ўз маънафатларидан келиб чиқишга интилиши натижасидир. Фанларнинг юзага келиши инсониятнинг маълум бир тоифалари томонидан табиат ва жамиятнинг ўзига хос мураккаб қонуниятларини ўрганиб, жамиятнинг бошқа вакилларига содда ва раво тарзда етказиши тарзида ривож топди. Табиат қонунлари аксарияти ўзгармас бўлиб, уларнинг баъзиларини бир марта кашф этиш билан унинг хусусиятлари эгалланади, аммо, жамиятга оид бунақа хулоса қилиш қийин. Жамият айтганимиздек, инсонларнинг ўзларининг фаолиятининг самарасидир. Инсоният табиат ва ўзлари билан ўзаро муносабатларни ташкил қилиши орқали ўта мураккаб бўлган муносабатлар тизимини ҳам яратади. Ушбу муносабатлар тизимининг хусусиятларини билиш эса жамиятнинг ривожланишининг асосий гарови ҳисобланади. Ўз навбатида бундай муносабатлар социал, ижтимоий, сиёсий иқтисодий ва шу каби соҳалар сифатида амал қилади. Жамиятнинг иқтисодий соҳаси эса бошқа соҳаларнинг моддий асоси бўлиши билан биргаликда унда объектив қонуниятлар кўпроқ амал қилади. Инсоннинг турмуш тарзи ва уни маълум бир тизинга солиб бориши унинг иқтисодиётини келтириб чиқаради, аниқроқ қилиб айтганда уй хўжалигини юритиш керак бўлади. Бу ерда уй хўжалиги қўламини кўра давлат миқёсида, корхоналар миқёсида ҳамда оила(соф уй хўжалиги) доирасида амал қилади. Уларнинг ҳар бири ташкилий ва жамиятдаги ўрни ҳамда мақсадлари жиҳатидан фарқланади. Иқтисодий муносабатлар тизимининг ўзига хос қонуниятларини ўрганишга бўлган эҳтиёж эса дастлаб турли хил назарий қарашлар ва ғояларни вужудга келтира бошлаган бўлса, кейинчалик ушбу ғоя ва назариялар амалий тажрибалар билан боғланган ҳолда улар алоҳида алоҳида фанларга бирлаша бошлади. Иқтисодиёт назарияси жамиятда юз берадиган иқтисодий ҳодиса ва воқеяларнинг умумий тарзда амал қилиши ва унинг кишилар фаолиятида қандай акс этишини ўрганган бўлса, бу ўрта асрларга келиб жамият эҳтиёжини қондира олмай қолди. Сабаби жамиятдаги иқтисодий муносабатлар иқтисодиёт назариясидан анча илгарилаб кетган эди. Таъкидлаш жоизки, 16-17 асрлар ҳатто 18-асрларнинг бошларига қадар аксарият иқтисодиёт фанлари иқтисодиёт назариясининг бир бўлаги сифатида унинг қоидалари асосида ўрганилган, жумладан молия фани ҳам. Моҳияти жиҳатидан молия фанининг қуртаклари давлатнинг пайдо бўлиб, давлат ўз молиявий хўжалигини юрита бошлаган даврларига бориб

Дарсликнинг иккинчи қисми бевосита солиқларнинг назарий асосларига бағишланди ва унда солиқ категориясининг моҳияти, иқтисодиётда юзага келиш шарт-шароитлари, солиқлар ва солиқсиз тўловларнинг ўзаро фарқлари, солиқ тизими, солиқ сиёсати, солиқ элементлари ҳамда солиққа тортиш тамойиллари ва шу каби умумий назарий масалалар алоҳида ёритилди. Дарсликнинг учинчи қисмида эса бевосита Республикамиз солиқ тизимида амал қиладиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиблари кенгрок тарзда мисоллар асосида ёритиб беришга ҳаракат қилинди. Бу жараёнда хорижий давлатлардаги айрим жараёнлар мавзудан келиб чиққан ҳолда қисман ёритилди.

Дарсликни ёзишда Юртбошимиз Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримовасарлари, молия, солиқ тизими оид илмий ва ўқув адабиётлар, ишончли интернет сайтлар манбалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунлари ва қонун ости ҳужжатларининг мазмунига таянилди. Дарсликнинг материаллари молия, солиқ соҳасида билимини оширувчи китобхонлар ҳамда иқтисодчи мутахассисларнинг бу борадаги билимларини бойитишга хизмат қилади деб умид қилинади. Дарсликдаги муаллифнинг айрим назарий қарашлари баҳсли бўлиши илмий нуқтаи назаридан баҳсли бўлиши ва дарслик камчиликларга эга бўлиши табиий. Шу боисдан бу борадаги танқидий фикрлар қелгусида ушбу дарсликни мазмунан ва услубий жиҳатдан янада бойитади деб ҳисоблаймиз.

тақалади.<sup>3</sup> Давлатнинг фаолиятининг молиявий асосларини амалий жиҳатдан ташкил этиш билан биргаликда уни янада такомиллаштириш ҳақидаги назарий қарашлар ҳам бир вақтнинг ўзида параллел равишда ривож топиб борди. Молиянинг ўзагини аксарият иқтисодчилар таъкидлангандек, иқтисодий тақсимот муносабатлар ташкил этиши, у давлат фаолиятининг муҳим ажралмас функциялари сифатида ҳам амал қила бошлади. Давлат ўз эҳтиёжларини молиявий жиҳатдан қондиришнинг асосий воситаси бумиллий даромадни қайта тақсимлаш ташкил эта бошлади (дастлабки даврларда бундай тақсимот анча содда шаклда амалга оширилган, ҳали пул пайдо бўлмаган шароитда тақсимот муносабатлари ҳам ҳам шунга мос ҳолда амалга оширилиб келинган). Ушбу тақсимот муносабатлари эса давлат миқёсида қандайдир пул фондларини шакллантиришни тақозо эта бошлади. Ушбу пул фондлари миллий даромаднинг бир қисмини қиймат шаклда ифода этиб, уни тақсимлаш жараёни ҳам алоҳида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизими ва фаолиятни ташкил этади. Миллий даромадни қайта тақсимлаш ўз-ўзидан амалга ошмайди, уни тақсимлашнинг энг оптимал усули эса мажбурий тўловлар-солиқларни жорий этишга олиб келди. Бу ерда шунга кўриш мумкинки, давлат ўзининг фаолиятни олиб бориш учун зарур бўладиган молиявий маблағларни таъминлаш (уни жамиятдан ундириш) билан бир қаторда жамиятнинг икки соҳаси: ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳасида ўзаро мувозанатни (пропорцияни) таъминлашнинг ижтимоий зарурлиги кенг қамроқли молиявий муносабатларни келтириб чиқаради. Бу жараёнларга хос хусусиятлар, бу ерда амал қиладиган қонунларни очиб беришга эса алоҳида фанга эҳтиёж туғилади, бу фан эса молия фани сифатида юзага чиқади. Фанларга оид умумий талаблар (шартлар) дан бири бу унинг ўз предметига эга бўлишигидир. Агар, фаннинг ўрганиш предмети (ўрганиш соҳаси, чегараси) бўлмаса, демак, у фан сифатида эътироф этилмайди. Фаннинг предмети деганда содда қилиб айтганда муносабатлар доирасида илгари ўрганилмаган ёки ўрганилмаётган жараёнлар (муносабатлар қисми)нинг аниқ чегарасини белгилаб олиш тушунилади. Таъкидлаш жоизки, тақсимот муносабатлари фақат давлат доирасида амал қилмайди, микродаражада фаолият қилувчи ва миллий даромадни асосий яратувчилари бўлган корхоналарда ҳам тақсимот муносабатлари ва уларда ҳам пул фондлари (марказлашмаган) ни юзага келтирилади. Демак, молиявий муносабатлар макро ва микро даражада амал қиладди ва молиянинг қўламини белгилаб беради. Демак, молия фани ўзтадқиқот (ўрганиш) объектига эга. Ватанимиз ва хориқлик молия фани бўйича тайёрланган аксарият иқтисодий ва ўқув адабиётларида *молия фанининг предмети сифатида миллий даромадни қайта тақсимлаш жараёнида турли даражадаги марказлашган ва марказлашмаган пул фондларини ташкил этиш ва уларни тақсимлаш жараёни билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар тизими келтирилади*. Албатта ушбу иқтисодий муносабатлар чегараси замирида молиявий муносабатлар этади. Ушбу

молиявий муносабатлар тизимида эса ҳам давлат ҳам хўжалик юритувчи субъектлар, қолаверса уй хўжаликлари турли даражадаги ўзларига хос тарзда пул фондларини юзага келтиради, унинг манбаларини аниқлайди, даромадларни шакллантиради, уларни ўзларининг мақсадлари йўлида сарфлаш механизмларини ишлаб чиқади ва амалга оширади, бошқа субъектлар билан молиявий операциялар юзасидан муносабатларга киришади, шунингдек эса ўзларига тегишли бўлган молиявий активларини самарали фойдаланиш (жойлаштириш) бўйича молиявий бошқарув ҳамда назорат жараёнларини амалга оширади. Ушбу муносабатларнинг барчаси эса молия фанининг предмети доирасида кўриб чиқилади.

Молия фанини ўқитишдан мақсад эса иқтисодчи мутахассислар тайёрлашда уларнинг фан доирасидаги билимлар билан қуроллантириш, молияни ташкил этиш ва уни амалга ошириш жараёнларини ҳам назарий ҳам амалий жиҳатлари билан таништириш, талабаларда давлат молияси тизими ва иқтисодиётнинг турли тармоқларида молиячи мутахассисларга қўйилган малака талаблар доирасидаги касбий билимларни беришдан иборатдир. Бундан ташқари молия фани унга қизиқувчи ва унга эҳтиёж сезувчи амалиётчи мутахассисларнинг касбий малакаларини ошириш учун муҳим бўлган маълумотлар ва базавий билимларини чуқурлаштиришга хизмат қиладди. Молия фанининг предмети ва мақсадларидан келиб чиқиб унинг ўзига хос вазифаларининг мазмуни аниқланади. Молия фанининг вазифалари сифатида қуйидагилар юзага чиқади:

- ✦ Молия ва унинг таркибий категорияси бўлган солиқларнинг иқтисодий моҳиятини очиб бериш ва ушбу категорияларнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимида юзага келиши ва ривожланиш жараёнларини кўрсатиб бериш;
- ✦ молиянинг асосий элементлари бўлган молиявий ресурслар, молиявий активлар, молиявий режалаштириш, прогнозлаштириш, молиявий бошқарув, молиявий назорат жараёнлари билан боғлиқ механизмларининг хусусиятларини ёритиб бериш;
- ✦ молия тизими таркибига қирувчи молиянинг шаклланинг хусусиятлар ва уларнинг фарқларини очиб бериш;
- ✦ давлат молиясида турли даражадаги пул фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш (тақсимлаш) тартибларини ёритиб бериш;
- ✦ хўжалик юритувчи субъектларида молияни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб бериш;
- ✦ давлат, хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда уй хўжаликлари доирасида молиялаштириш шакллари ва усулларининг амал қилиш механизмларини ёритиб бериш;
- ✦ молиявий муносабатлар билан боғлиқ назарий ва амалий муаммоларнинг мазмунини очиб бериш ва уларга оид стратегик илмий тадқиқотларнинг асосий йўналишларини кўрсатиб бериш;

<sup>3</sup>Ушбу таъкидлар баҳсли бўлиши мумкин.



- ✦ иктисодий тараққийнинг ҳозирги босқичида молия тизимида ахборот технологияларни қўллаш ва унинг ўрни ёритиш ва шу каби вазибаларни бажаради.

## 1.2. Молия фанининг ўрганиш усуллари ва бошқа фанлар билан ўзаро алоқаси

Ҳар қайси фан ўзининг ўрганиш чегарасини(предметини) маълум бир усуллар орқали ўрганади. Фаннинг ўрганиш усуллари фаннинг моҳияти, унинг хусусиятлар ва қонуниятларини тез ва осон ўрганишга хизмат қилувчи услубий ёндошувлар йиғиндисидан иборатдир. Бошқа муносабатлар сингари иктисодий муносабатлар ҳам ўта мураккаблиги, тез ўзгарувчанлиги ва объектив ва субъектив қонуниятлар амал қиладики, уларнинг ҳар бирини ўрганишда ва уларнинг моҳиятини очишда алоҳида ўзига хос усулларни қўллашни тақозо қилади. Фанларни ўрганишнинг умумий ва хусусий усуллари мавжуд бўлиб, умумий усуллар деганда барча фанлар учун умумий хизмат қиладиган усуллар тушунилади. Аксарият ўқув ва илмий адабиётлар ижтимоий фанлардан фалсафа фани, иктисодий фанлардан эса иктисодиёт назарияси фанининг ўрганиш усуллари иктисодий фанлар учун умумметодологик аҳамият касб этиши келтирилади. Дарҳақиқат ушбу фанларнинг илмий билишга оид ёндошувлари бошқа иқтисодий фанлар сингари молия фани учун ҳам асос бўлиб хизмат қилади. Хусусий усуллар деганда эса фаннинг хусусиятидан келиб чиқиб қўлланиладиган усулларга айтилади. Масалан, экономтерик ва статистик таҳлил усуллари ҳамма фанларда ҳам қўллаб бўлмайди, аммо молия фанида қатта аҳамият касб этади. Қуйида эса молия фанининг предметини ўрганишда қўлланиладиган ўрганиш(тадқиқот) усулларининг айримлари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

**Диалектик метод**<sup>4</sup>. Диалектика[юн. dialektike (techne) — суҳбат олиб бориш, баҳслашиш санъати] — борлиқнинг вужудга келиши, унинг тараққийи ҳақидаги фалсафий таълимот ҳамда воқеликни билиш ва унга асосланган тафаккур услубидир.<sup>5</sup> Диалектик метод фан тадқиқот марказида турган масала ёки муаоммани бошқа элементларнинг мавжудлиги билан бирга қараш, ўрганиш ва улар ўзаро таъсирда кечадиган деган жараён сифатида олиб қарашни ифодалайди. Молия фанида молиянинг вужудга келиши, унинг элементлари ва молиявий муносабатларнинг ривожланиш жараёнлари ўзаро боғлиқликда ўрганилади. Молия категориясининг ўзини уни зарурий омиллари билан боғлиқ ҳолда ўрганишни, молиявий муносабатларнинг ҳар бир иштирокчисини бир-бирини тақозо этувчи элементлар сифатида қаралишни тақозо қилади. Диалектик метод фанни ўрганишда эволюцион ёндоқишни тақозо этади, у ёки бу ёки объектнинг моҳияти ва ривожланиш хусусиятларида албатта бошқа муҳим омиллар таъсирида юз беришини назарда тутишни билдиради. Молия фани диалектик

методнинг асосида унинг молияни давлат фаолияти билан ўзаро боғлиқликда қараш ва шундан келиб чиққан ҳолда молиявий муносабатлар ташкил этилиши жараёнлари туради. Давлат ва молия категорияси ўзаро диалектик боғлиқликда қараш асосий ядро бўлиб хизмат қилади, ундан кейинги жараёнлар эса кейинги диалектик боғланишлар асосида ўрганила бошланади.

Демак, диалектик метод орқали фан объектини ўрганишда ҳар бир иктисодий жараённинг ўзини бошқа омиллар келтириб чиқарганлиги ва уларнинг таъсирида мавжуд бўлишлигини ҳамда унинг ўзининг ажралмас ички элементларига эгаллиги аниқланади ва шу тартибда объект кашф этилади ва унинг хусусиятлари аниқланади.

**Абстракция методи.** Абстракция лотин тилидан олинган бўлиб, "abstractio"-диққатни четга тортиш, чалғитиш деган маънони англатади. Тадқиқотнинг умумий мантикий методи сифатида ўрганилаётган ҳодисанинг бир қанча хоссалари ва нисбатларидан фикран узоқлашиш, айти пайтда тадқиқот жараёнида қизиқтирган хоссаларни (энг аввало, муҳим, умумий хоссаларни) ажратиш жараёни. Мазкур жараён натижасида ҳар хил «мавхум предметлар» олинади. Бунда «мавхум предметлар» деганда алоҳида тушунчалар ва категориялар («ривожланиш», «қарама-қаршилик», «фикрлаш» ва б.) ҳамда уларнинг тизимлари тушунилади. Молия фани мазкур метод орқали молиянинг хоссаларини ўрганаётганда бевосита молия категорияси ва муносабатига хос бўлмаган жараёнлардан вақтинча узоқлашиш орқали диққат марказда турган жараёнга эътибор беришни тақозо этади. Иккинчи даражали деб қараладиган(айнан шу вақтда муҳим бўлмаган, аммо кейинги босқичларда муҳим бўлиши ҳам мумкин) жараёнларда узоқлашиш фикрларни, хулосаларни умумлаштиришга имкон беради. Масалан молия сиёсати тушунчаси ўрганилаётганда унинг моҳияти назарий жиҳатдан талқин қилинганда молия сиёсатини амалга оширишда турли хил ваколатли органларнинг фаолиятининг самарадорлигини талқин қилишдан вақтинча узоқлашиш, молия сиёсатининг ўзини чуқурроқ тушунишга ёрдам беради. Аммо, иккинчи даражали деб қаралган молия сиёсатини амалга оширишда турли хил ваколатли органларнинг фаолиятининг самарадорлиги масаласи кейинги босқичларда уларнинг ўзи диалектик метод орқали молия сиёсатининг ўзи билан боғлиқ ҳолда тушунтирилади. Тадқиқотнинг абстракция методи фан ўз тадқиқот предметини, тушунчалар ва жараёнларни ўрганаётганда(тушунтираётганда) асосий диққатни жамлаш, ортикча нарсалар(ҳодисалар)га аралашиб қолмаслик, ҳаддан ташқари майдалашиб кетмасликни таъминлайди ва мақсадга эришишда ёрдам беради.

**Индукция ва дедукция методлари.** Фаннинг тадқиқот методлари сифатида индукция ва дедукция тушунчалари ҳам луғавий маънода лотин тилидан олинган бўлиб, "Inductio" – билиб олмақ, тагига етмоқ, deductio – ҳабар олиш, қайтиб кўриш" деган маъноларни англатиб, ўрганиш жараёнида тадқиқот объектнинг қайси қисмлари бўйича йўналиш лозимлигини кўрсатиб беради. Бошқача қилиб айтганда молия категорияси ва у билан боғлиқ муносабатлар ҳамда жараёнларини тушунтириш ва ўрганишда унинг

<sup>4</sup>Аксарият адабиётларда усул ва метод битта синоним сифатида қаралади, фаннинг ўрганиш усулларида метод термини ҳам фойдаланилади.

<sup>5</sup>Қаранг: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси "Д" харфи. Тошкент, 242-463 бетлар.

айрим қисмларини алоҳида ҳолда ўрганиб, унинг асосида умумий хулосалар чиқариш, ҳамда умумий хулосалар(тушунчалар)дан куйи томонга қараб йўналишга асосланишни билдиради. Индукция ва дедукция бир-бирига боғлиқ бўлади ва улар ўрганилаётган тадқиқот объектини ягона тизим асосида ўрганишга ёрдам беради.

**Синтез ва таҳлил методлари.** Ўрганишнинг синтез методи грекча сўз бўлиб, "σύνθεσις", "synthesis-бирлаштириш, боғлаш, жойлаштириш, тўлдириш" деган маъноларни англатиб, молияга оид тушунчалар ва муносабатлар ўрганилаётганда уларнинг чала, етишмаётган қисмларини тўлдирган ҳолда, уларни бир бутунликда тушунтириш лозимлигини билдиради. Молия фанида Давлат бюджетини тушунтиришда, масалан, бюджет жараёнини молиявий режалаштириш(даромадлар ва харажатларни режалаштириш)сиз тушунтириш қийин, агар бюджет жараёнида Давлат бюджетини режалаштириш амалга оширилмаса бюджетни тузиш имкони бўлмайди ва бюджет жараёнининг кейинги босқичлари маънога эга бўлмай қолади, бу ерда бюджет жараёнида унинг барча қисмлари(бўғинлари) бир-бирини тўлдириб, яхлит бир механизмга эга бўлади. Молия фанини ўрганишда эса жараён ва ҳодисаларни синтез ва таҳлил қилиш методларини қўллаш катта аҳамиятга эга.

Таҳлил жараёнида эса фикрлар мураккабликдан оддийликка, тасодифдан заруратга қараб, хилма-хилликдан айниётга ва бирликка қараб ҳаракат қилади. Таҳлил қилишнинг мақсади қисмларни, мураккаб бутуннинг унсурлари сифатида билиш ва улар ўртасидаги алоқа ва қонуниятларни аниқлашдан иборатдир. Синтез бирликдан тафовутга ва хилма-хилликка қараб йўналтирилган бўлиб, умумийлик ва айримликни, бирлик ва хилма-хилликни муайян жонли бутунга бирлаштиради. Таҳлил ва синтез чамбарчас боғлиқ ҳолда амал қилади.

**Мантикий метод.** Ҳар қайси даражадаги ўрганиш мантиккаасосланади. Билишга интилиш мантикий ҳаракат бўлиб, мазкур метод барча фанлар учун умумий методологик аҳамият касб этади. Молия фани ҳам бошқа фанлар сингари ўзининг тадқиқот предметини ўрганишда мантикий ёндошувларга таянилади. Масалан, молия категориясининг ички муҳим категорияси ҳисобланган биринчи солиқ тури ва шакли қайси йилда жорий қилингани ҳақида тарихий маълумотлар мавжуд эмас, аммо, мантикий ёндошувга кўра маълумки, молия ва солиқлар давлатнинг пайдо бўлиши ва унинг амал қилиши билан боғлиқ. Демак, молия ва солиқларнинг вужудга келишида мантикий методга асосланади.

Худди шунингдек, Давлат бюджетининг солиқли даромадлари бўйича тушумларининг келиб тушиш жараёнини прогноزلашда ҳам мантикий метод катта аҳамиятга эга бўлади. Илмий билишнинг мантикийлик методи иктисодий кўрсаткичлар етарли самара бермаганда ёки уларни қўллаш имкони бўлмаганда, жараёнларнинг ҳаракатида ҳаддан ташқари стихиялилик кўп кузатилганда, иктисодий қонуниятлар кечиши турлича касб этган ва шу каби ҳолатларда ўрганишнинг ва хулоса қилишнинг самарали метод сифатида намоён бўлади.

**Моделлаштириш методи.** Ҳозирги замонавий шароитларда иктисодий фанлар, жумладан молияга оид фанларни ўрганишда моделлаштириш методлари катта аҳамият касб этиб бормоқда. Моделлаштириш асосан моделларга асосланади. Яъни ўрганилаётган жараённинг модели ишлаб чиқилиб, у моделлаштирилади. Мазкур метод молия фанида молиявий режалаштириш, бюджетни тузиш, молиявий ресурслар ва молиявий активларнинг самарадорлигини баҳолашда ҳамда бюджетнинг даромад манбалари ҳамда харажатларнинг молиялаштириш учун зарур бўладиган молиявий маблағлар ҳажмини ва уларга таъсир этувчи омилларни баҳолашда(аниқлашда) эконометрик моделлар катта аҳамиятга эга бўлиб, ушбу методдан фойдаланиш молия фанининг ўрганиш объектини очиб беришга хизмат қилади.

**Тарихийлик методи.** Бу метод ўз-ўзидан кўринадики, ҳодиса, жараёнлар ва воқеяликларнинг моҳиятини ўрганишда уларнинг тарихий амал қилиш ҳолатларига асосланади. Молиянинг тарихий категория сифатида ривожланиш жараёнлари, дастлабки пул фондлари қандай шаклланганлиги, Давлат бюджети ва бошқа муҳим молиявий тушунчаларнинг луғавий маънолари қандай тарихийликка эга эканлиги ва шу каби муҳим масалаларни ўрганишда тарихийлик методидан фойдаланилади. Тарихийлик ёндошув асосида эса молия ва солиққа оид категория ва муносабатларнинг ўзгариш тенденциялари аниқланади, улардан қайси вақтларда қандай фойдаланилганлиги ва улар қандай самара берганлигини таҳлил қилиш имконияти туғилади. Ушбу қайд этиб ўтилган фан предметни ўрганиш усулларини молиянинг тегишли бўғинларида ўринли қўллаш муҳим масала ҳисобланади. Молия фанининг моҳияти ва унинг мазмуни ўрганишда ушбу усуллар(методлар)дан самарали фойдаланиш молия фани доирасидаги масалалар ва муаммоларнинг моҳиятини соддароқ тартибда англаш имкониятини беради. Шунингдек, ушбу қайд этиб ўтилганлардан ташқари яна илмий билишнинг бошқа методлари ҳам мавжудки, улардан ҳам фан предметини ўрганишда у ёки бу даражада фойдаланиш мумкин.

### 1.3 Молия фанининг бошқа фанлар билан алоқаси

Ҳар бир фан ўзининг ўрганиш предметини бошқа фанларнинг предметлари билан қисман биргаликда ўрганади. Чунки, ҳеч қайси йўқки фақат ўзининг ўрганиш чегараси билан чекланадиган. Бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорликда ўрганиш бундай алоқадорликдаги фанларнинг барчаси учун ҳам самарали ҳисобланади. Фанларнинг ўзаро алоқадорлиги у ёки бу тушунчани ёки муносабатлар (жараён, ҳодиса, воқеяликлар)ни биргаликда тушунтириш (ўрганиш), бир-бирларининг ўрганиш усулларидан фойдаланиш, айрим мураккаб жараёнларни биргаликда тадқиқ этиш каби ҳолатларда кечади. Бошқа фанлар сингари молия фани ўз ўрганиш предметини бошқа бир қатор аниқ, ижтимоий ва иктисодий фанлар билан биргаликда ўрганади.

Молия ҳамда солиқларга оид илмий назарий қарашлар уларнинг шаклланиш жараёнларини "Иқтисодий назарияси", "Иқтисодий таълимотлар тарихи", "Иқтисодий тарих" каби фанлар билан биргаликда ўрганилса, Молия тизимида молиянинг макроиқтисодий жиҳатларини "Макроиқтисодиёт", "Миллий ҳисоблар тизими" каби фанлар билан, бюджетга солиқ тушумлари, молиявий активлар, бюджетдан маблағ олувчилар ва хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек, солиқ тўловчиларнинг динамик ҳолатда ўзгаришларини "Статистика", "Миқдорий усуллар", "Ахборот технологиялари" каби фанлар билан ўзаро алоқадорликда ўрганади. Бозор иқтисодиёт шароитида молиянинг асосий бўғинини солиқлар ташкил этади. Давлат бюджети ва бошқа марказлаштирилган пул фондларига уларнинг солиқлар ва солиқсиз тўловлар(мажбурий тўловлар) сифатида келадиган даромадлар манбаларини "Солиқлар ва солиққа тортиш", бюджетга солиқ тушумларининг келиб тушиши ва унинг келгусидаги ҳолатларини эса "Солиқ статистикаси ва прогнози" каби фанлар билан боғлиқ ҳолда ўрганади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, солиқ категорияси ва солиққа оид муносабатлар молиянинг асосий бўғинлари ҳисобланади, бозор муносабатлари шароитида эса солиққа оид муносабатларнинг роли муҳим саналади, шу боисдан ушбу муносабатларни ўрганишга бағишланган қатор солиққа оид фанларнинг юзага келишини тақозо қилади ва уларнинг ҳар бири ҳам ўзига хос ўрганиш предметиға эға бўлади.

Молия фанини "Менежмент" фанисиз тасаввур қилиш қийин. Чунки, молиянинг ўзакларидан бирини ҳам бошқарув жараёни ташкил қилади. Молиявий муносабатларни юзага келтириш, уларнинг бир маромда боришини таъминлаш, турли даражадаги пул фондларини шакллантириш ва уларни тақсимлаш жараёнларини амалға ошириш кенг қамровли молиявий бошқарув жараёнларидан иборатдир. Бу жараёнда менежмент фанининг ўзига хос жиҳатлари ва унда қўлланиладиган бошқарув усулларининг моҳияти билан биргаликда молиявий бошқарувни тушунтириш ва уни тадқиқ этиш яхши самара беради. Ваҳоланки, бозор муносабатлари шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиятининг самарадорлиги ҳам кўпинча молиявий бошқарувнинг ташкил этилиши ва амалға оширилиши, аниқ ва пухта асосланган молиявий қарорлар қабул қилишиға ҳам боғлиқ бўлади.

Молиявий ресурслар(активлар) ва бошқа молиявий муносабатлар доирасида келиб чиқадиган молиявий операцияларни, шунингдек, пул фондларининг ҳолати ва унинг маблағларининг ҳаракатини эса молия фани "Бухгалтерия ҳисоби" фани билан биргаликда ўрганади. Масалан, пул фондларининг асосий манбаи бўлган молиявий натижаларни аниқлаш эса бухгалтерия ҳисобининг қоидалари асосида, унинг маълумотларига асосланган ҳолда аниқланади, бу эса молия механизми учун муҳим кўрсаткич саналади. Ўз навбатида турли даражадаги молиявий активлардан самарали фойдаланиш ҳолатини ўрганиш, яъни молиявий коэффициентлар даражасини

аниқлашда эса албатта "Иқтисодий таҳлил" фанлари билан боғлиқни тақозо қилади.

Молия ва солиқларнинг тарихий ривожланиш аспекти ва унга оид дастлабки илмий назарий қарашларни ижтимоий фанлар, жумладан "Тарих", "Археология", "Фалсафа" каби фанлар билан ўзаро боғланади. Шунингдек, молия тизимида молиявий жавобгарлик, молиявий интизом, давлат бюджети маблағларидан самарали фойдаланиш(уни талон-тарож қилмаслик, у кўпнинг мулки эканлиги, кўпнинг мулкиға хиёнат қилмаслик ҳам диний ҳам дунёвий кадриятға эға тушунча эканлиги ва шу қабилар) масалалари қабиларни ўрганишда эса "Психология", "Ҳуқуқ" каби фанларға таянади.

Умумий қилиб айтганда молия фани ўзининг тадқиқот предметиға бошқа ижтимоий иқтисодий фанлар билан боғлиқ ҳолда, уларнинг тадқиқот методлари ва хусусиятларидан фойдаланган ҳолда ўрганади.

#### **Таянч сўз ва иборалар:**

*Фан, предмет, объект, илмий билиш, тадқиқот методлари, диалектик метод, абстракция методи, индукция методи, дедуция методи, мантиқийлик методи, тарихийлик методи, фаннинг вазибалари, тақсимот, фанлар билан алоқа, моделлар, методлар.*

#### **Назорат учун савол ва топшириқлар:**

1. Фан предмети деганда нима тушунилади?
2. Фан сифатида юзага келишининг асосий шарти нимада?
3. Фанлар ўз ўрганиш соҳаларини нима учун методлар орқали ўрганади?
4. "Молия" фанининг бошқа иқтисодий фанлардан нималари билан фар қилади?
5. "Молия" фани ўз предметида илмий билиш ва фанни ўрганишнинг қандай методларидан фойдаланади?
6. "Молия" фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлигини изоҳланг.
7. "Молия" фанининг солиқ соҳасида мутахассислар тайёрлашдаги аҳамияти нималарда деб ҳисоблайсиз?
8. "Молия" фанининг предметиға айтиб беринг.
9. "Молия" фанини ўрганишда синтез ва таҳлил методининг аҳамиятни тушунтириб беринг.

## 2-БОБ. МОЛИЯНИНГ МОҲИЯТИ ВА УНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ НЕГИЗИ

### 2.1. Молиянинг юзага келишининг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари ва ривожланиш жараёнлари

Маълум бир иқтисодий категориянинг моҳиятини ўрганишда уни уч томонлама ўрганиш самара бериши илмий тадқиқот методологиясида кўп такрорланади. Бу аввало категориянинг луғавий(этимологик) моҳияти, унинг ижтимоий-иқтисодий жараённинг маълум бир қисмини ўзида акс эттириш жараёни ва унинг юзага келишига замин-яратган шарт-шароитлардир.

Аввало "Молия" сўзи(иқтисодий категория)нинг луғавий маъносига тўхталсак. Ушбу категориянинг ўзбек тилига кириб келиши араб лексикологиясига бориб тақалади. Араб тилида مالیه сўзи مال "мол"-мулк, бойлик, пул жамғармаси" каби маъноларни англатади, яъни бу сўзнинг замирида бойлик ва жамғарма тушунчалари ётади.<sup>6</sup> Бу сўзнинг ўрта асрларда лотин тилидаги маъносига "finare"-тўлов, "finis"- тўлов муддатини ифодалаган бўлса, ўрта асрларнинг охирларида Германияда "Finanz" сўзи орқали одамлардаги айёрлик, муғомбирлик каби хулқ атворларни ифодалашдаги қўллаш билан бирга давлат фаолиятида кўпроқ пул йиғиш жараёнига нисбатан ишлатилган. Шу билан бир қаторда Францияда "finances" сўзи ҳукуматга тегишли барча моддий бойликлар ва давлат хўжалигини ифодалашга хизмат қилган.<sup>7</sup> Айнан ушбу сўз инглиз лексикологиясига ҳам кўчиб ўтиб, "finance"- молия, пул даромадлари, пул муносабатлари, маблағларни сақлаш каби маъноларда ишлатида бошланди.

Ҳозирги замонда эса ушбу сўзи француз тилида "finances"-пул маблағлари, рус тилида "финансы"-молия каби маъноларни англатади. Демак, молия категориясининг луғавий келиб чиқиши асосан моддий бойликлар, у билан боғлиқ тўловлар, давлат хўжалиги ҳамда пул маблағлари каби иқтисодий инструмент ва жараёнларни ифодалаш билан боғлиқ бўлган. Аммо, молиянинг ҳозирги замонавий талқинидаги фондлар билан боғлиқ жиҳатлари унинг луғавий маъносига унчалик акс этмайди. Иқтисодий категорияларнинг луғавий маъносининг келиб чиқиши ва ушбу категориянинг иқтисодий моҳияти билан ўзаро боғлиқлик ҳамма вақт ҳам тўғри келавермайди. Айнан молиянинг муҳим бўғини бўлган "бюджет" категорияси(сўзи)ни олайлик. Бу сўзнинг луғавий маъноси эски норманд тилидан "bougette"-сумка, ҳамён, теридан ишланган сумка, пул сақланган сумка каби маъноларни англатган бўлса, кейинчалик бу сўз инглиз тилига ҳам айнан "budget"-сумка, ҳамён, портфел тушунчаларни ифодалашга ва ҳозирги замонда эса давлатнинг даромад ва харажатлари баланси сифатида ҳам ишлатилади.

<sup>6</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж. II. -Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2006.-Б.611.

<sup>7</sup>Учебник финансового права. Иловайский С.И. - Одесса, - 1904г. // Allpravo.Ru -2005. с.25.

Бу ерда бюджет сўзининг иқтисодий муносабатларни ифодалаши билан унинг айнан луғавий маъноларида фарқлар катта бўлиб, уларнинг ўртасидаги боғлиқликни англаш учун эса, категориянинг иқтисодий мазмуни билан бирга унинг пайдо бўлишининг шарт-шароитлари(омиллари)ни ҳам параллел равишда ўрганишни тақозо қилади. Ана шундагина эса у ёки бу иқтисодий категориянинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятни тўлароқ англади. Шу босидан ҳам молиянинг моҳиятини ҳам тарихий ҳам иқтисодий жиҳатдан унинг келиб чиқиш омилларини ўрганиш зарур бўлади. Молия назарияси билан шуғулланувчи аксарият олимларнинг фикрига кўра молия категориясининг негизида тақсимот муносабатлари ётади. Дарҳақиқат молиянинг вужудга келишида иқтисодий аксиомали таъкидлардан бири бу унинг давлат фаолияти билан боғлиқ бўлса, иккинчиси бу молиянинг илдизи тақсимот муносабатларига бориб тақалишидир.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлигича молиянинг иқтисодий илдизи аслида давлатнинг юзага келишидан олдинги даврларга бориб тақалади. Бу давронинг мазмунида ибтидоий жамоага асосланган формацияли жамият даврида ҳам айниқса, унинг сўнги босқичлари(ҳали давлат пайдо бўлмаган шароитда)да кишилик жамиятида одамлар ўртасида стихияли бўлсада, аммо, иқтисодий турмуш тарзи бўлган, бундай турмуш тарзида тақсимот муносабатлари қандайдир шаклда бўлса ҳам мавжуд бўлган. Бу тақсимотнинг мезонида қабил, уруғ ёки жамоага кимнинг қанча ов ўлжаларини қўшиши, иқтисодий меҳнат қилиши билан биргаликда жамоанинг умумий манфаатлари эътиборга олинган ҳолда умумий мулк(топилган кун кечириш моддий неъматлар) қайта тақсимланиб турилган. Агар, бундай бўлмаганда ҳам эди, бу формациянинг иқтисодий ҳолати давлатни талаб қиладиган даражада ҳолатга келмас эди. Демак, иқтисодий муносабатлари тизими(хўжалик юритиш, истеъмол қилиш, айирбошлаш ва тақсимот) мураккаблашиб бориши, провардида эса уни ягона куч сифатида тартибга солиб туришга алоҳида сиёсий кучни тақозо қилган. Бундай сиёсий куч сифатида эса давлат юзага чиқади. Бу ерда давлат жамиятдаги роли ўзига хос тарзда бўлади, у ижтимоий ва сиёсий қурилиши жиҳатидан ўзининг органларига эга бўлиши тақозо этилади, унинг хўжалик юритиши ва жамиятни бошқариш билан боғлиқ фаолияти эса унинг жамият аъзоларининг бойликларини ўз ва жамият манфаатлари йўлида қайта тақсимлашни тақозо этади. Демак, энди молиянинг ҳақиқий мазмунида шаклланишига ҳам шарт- шароит туғилади. Бу ерда молиянинг шаклланиши ва ривожланиши эса давлатнинг сиёсий тузилмаси ва унинг ўз хўжалигини юритиш шаклига мос ҳолда кечган.

Иқтисодчи олимларнинг фикрича молия амалиёти унинг назариясидан анча илгари юзага келган. Давлатнинг пайдо бўлишининг дастлабки вақтларида давлатнинг молиявий фаолияти билан боғлиқ жараёнлар баъзи вақтларда ҳукмдорнинг сиёсатига боғлиқ бўлган. Масалан, эрамаизданаввалги дастлабки юз йилликнинг ўрталарида Қадимги Римда ўша вақтдаги император Август Октавианнинг давлатни бошқаришда сенат,

магистрат(аҳоли томонидан шаҳар бошлиқларини сайлаш тизими) тизимини ислоҳ қилиш билан биргаликда давлатнинг молиявий фаолиятини бошқаришга оид ислохотлар ўтказиб, тарихда биринчи бор солиқ ислохотлари сифатида эътибоф этиладиган солиқ сиёсатининг умумий йўналишларини белгилаб бериши билан бирга, давлатда пул тизимини жорий қилди ҳамда давлат молияси бўйича ҳисоботларни эълон қилиш тизимини яратди. Илгари вақтинчалик характерга эга бўлган фавқулотдаги солиқ, кейинчалик ҳарбий ҳаракатлар сабабли улар давлат молиясининг асосий манбаиларидан бири сифатида доимий қилиб қўйилди. Шу билан биргаликда айнан А.Октавианнинг талаби билан давлат даромадларини ҳисобга олувчи алоҳида ғазна(fiscus) ташкил қилинди, бунга Римнинг провинцияларидан тушган даромадлар ҳисобга олиб борилган, бундан ташқари, сенат томонидан назорат қилинадиган умумий давлат молия фонди бўлган(aerarium) — эрарий фондини шакллантирди, шунингдек, айнан императорнинг мол-мулки ва ундан тушадиган даромадларни ҳисобга оладиган шахсий мулк фонди(patrimonium)ни ташкил қилди.

Ўз навбатида Октавиан эрарий фондинининг маблағлари ва унинг сарфланишига доимий аралашиб турган. А.Октавиан номи билан боғлиқ давлат бошқарувидаги тамойиллар (principatus-принципатлар)нинг мазмуни айнан ҳукмдор томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унинг асосини давлат бошқаруви ва унинг молиявий асосларининг асосий тамойиллари белгилаб берилган эди. Бундан кўринадики, молиянинг шаклланиши ва унинг ривожланишида дастлабки пайдо бўлган давлатларнинг ижтимоий-сиёсий қурилишлари билан биргаликда унинг ҳукмдорларининг шахсий ташаббуслари, ислохотлари асосида юзага келган тартиб-тамойилларга боғлиқ ҳолда бўлган. Шу билан биргаликда молиянинг амалий жиҳатдан шаклланишида йирик сиёсатчилар, файласуфлар ва иқтисодчиларнинг ғоявий таълимотлари ҳам катта роль ўйнаган. Масалан, қадимги Римда ва Грецияда Ксенофонт, Аристотель, Цицерон, қадимги Хитойда Конфуцийлик, қадимги Ҳиндистонда эса Архашастра таълимотлари, ўлкамизда А.Навоий, А.Фаробий, Арабистонда И.Халдун ва шу қабиларнинг таълимотлари айнан давлат ҳукмдорларига давлат бошқарувида, айниқса унинг молиявий таъминоти хусусида қандай йўл тутиш кераклигини кўрсатувчи ғояларнинг ҳам молиянинг шаклланиш жараёнига жуда катта таъсир кўрсатиб келган.

Ксенофонт Қадимги Греция давлати ҳукмдорига давлат фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбалари сифатида давлат мулкларини ижарага бериш, эрксизлардан фойдаланиш ва уларни Лаврион кончиларига ижарага бериш орқали даромадни (бу ерда қуллар назарда тутилган), божхона божлари ва солиқларни кўрсатиб ўтиш биргаликда, давлатга меҳмонхоналар қуриш, товарларни сақлаш омборларини қуришни ва уларни ижарага бериш ва ҳатто қарзлар бериш орқали давлатнинг ғазнасини молиялаштириш ҳақидаги ғояларни илгари суради. Ўз даврининг буюк файласуфи деб тан олинган италиялик Фома Аквинский(1225-1274) томонидан ҳам давлатнинг молиявий асосларини шакллантириш билан боғлиқ амалий қарашлари ўз

даврининг ҳукмдорлари томонидан амалга оширила борилиб, молиянинг ўзига хос тартибда ривожланишига таъсир кўрсатган. Албатта давлат қурилишининг ҳолатига унинг молиявий фаолияти мослашган ҳолда ривожланган ва бу эса молиянинг жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрнини ҳам белгилаб берган. Давлат фаолиятини молиялаштиришнинг бундай шакллари аста-секинлик билан асосий молиявий манбалар сифатида доменлар ва регалиялар роль ўйнай бошлади.

Доменлар (домен французча сўз бўлиб, "domaine"-вилоят, бирлик, таркиб деган маъноларни англатади) давлатнинг молия хўжалигида асосий роль ўйнай бошлади. Доменлар давлатга тегишли мулклар бўлиб, бу вақтларда унинг асосий кўринишлари ер, ўрмонлар, давлатга тегишли бўлган турли хил капиталлар ва айрим ҳуқуқлар бўлиб, булар давлатнинг асосий молиявий манба бўлиб келди. Бироқ, давлат фаолиятини молиялаштиришда доменлар кейинчалик етарли бўлмай қолди ва доменлар билан биргаликда регалиялар асосий молиявий манба сифатида юзага чиқа бошлади ва улар давлат молия хўжалигининг ажралмас қисмига айланиб борди. Қадимги Греция, Рим, Европа ва Осиё давлатларида шаклланган қадимги давлатчилик шаклларида давлатнинг асосий фаолиятининг йўналишлари сифатида турли хил бинолар, иншоотларнинг қурилиши, умумий манфаатларга хизмат қилувчи соҳаларни(суд, ҳуқуқ тартибот, почта, пулни зарб қилиш ва алмашинувлар, умумий фойдаланишга хизмат қилувчи транспорт тизими ва ш.к.) шакллантириш, аҳолининг айрим гуруҳлари томонидан амалга ошириш имконияти чекланган тармоқларни ривожлантириш(масалан, рудаларни қайта ишлаш)га эътибор бериб келинган ва улар давлатнинг даромад олиш манбалари сифатида катта роль ўйнаб келган.

Регалияларнинг энтомолигик моҳияти турлича қўлланиб келинган. Регалия лотинча сўз бўлиб, "regalis-шоҳга тегишли, шоҳники" деган маънони англатиб, кейинги вақтларда ундан шахсларга тегишли махсус ва ноёб нарсаларга(масалан, турли хил ёрликлар, медаллар, совринлар, касбий буюмлар) нисбатан қўлланилиб келинади. Дастлабки вақтларда шоҳга(ҳуқумат бошлиғига) тегишли барча мол-мулк ва буюмларга нисбатан қўлланилган ҳолда, давлатчиликнинг илк кўринишларида баъзи давлатларда шоҳ ва давлатга тегишли бўлган мол-мулк ўртасида тўлиқ ажралишлар бўлмаган шароитда давлатга тегишли бинолар ва бошқа даромад келтирувчи мол-мулк ва ҳуқуқлар ҳам регалиялар таркибига киритилган. Кейинчалик давлат мулки ва даромадларининг ажралиши регалиялар давлат мулки ва унга даромад келтирувчи даромад сифатида изоҳланиб келинган. Немис олими Герман Штраухнинг тадқиқотларига кўра регалия тушунчаси XII асрда Италия қонунчилигида келтирилган бўлиб, унда императорга тегишли барча ҳуқуқлар, суд ва бошқарувга нисбатан ишлатилган. Бу тушунча XIII асрда Германияда кенг қўлланилиб бошланди. Бу даврда олтинни қазишишлари ривожланиш тусига кириши регалиялар ноёб металлларга нисбатан ҳуқуқ сифатида қўлланилган. Ўрта асрларда эса регалиялар фарқланиб бошланди. Ҳуқуматга тегишли барча ҳуқуқлар, суд ва бошқарув, давлат

рамзлари(тож, подшоҳ хассаси) "regalia majora" деб номланган бўлса, "regalia minora" ёки "regalia utilia fisci" номли регалиялар орқали давлат тегишли бошқа барча нарсалар(мол-мулк, бойлик) тушунилган. XVII асардан бошлаб немис иктисодий адабиётларида асосан давлатга қарашли нарсаларга ва унинг даромад манбаи сифатида кенг қўлланилиб келина бошланди. Иктисодий адабиётларда давлат монополиясини регалиялардан фарқли эканлиги изоҳланади. Масалан, тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш

жамият манфаатларига хизмат қилмаганлиги учун тамаки саноати эмас,

ундан олинган солиқлар, шунингдек, қимор ўйинлари, лотарей ўйинларига тегишли ҳуқуқлар эмас, балки ушбу фаолиятдан олинган даромадлар регалиялар ҳисобланиши регалия сифатида фарқлашлар ҳам мавжуд. Давлатларнинг ривожланиб бориши ва уларда пул дастаклари, почта алоқалари ва телефон тармоқларининг ривожланиши ва улардан олинган даромадлар асосан регалиялар сифатида изоҳланди. Давлат регалияларининг орасида пул регалиялари энг қадимий ҳисобланади. Пул регалияларини давлат ўз қўлига олиб уни чоп этиш орқали даромадга эга бўлган, яъни уни чоп этиш номинал харажатлари ва унинг ҳақиқий баҳоси ўртасиди фарқ давлат даромадлари сифатида баҳоланган. Кейинчалик унинг турларининг кенгайиши, масалан, чек, вексел, муомала воситалари, банк билетларини муомалага киритиш давлатга маълум даромадлар олиб келган. Пул регалияларнинг даромадлилик даражаси унинг бошқа пулларга алмашиши даражасининг(курсининг) ошиши айрим давлатларда бундай регалияларни ривожлантиришга катта эътибор берилди бошланди. Почта, темир йўл, телеграф, телефон хизматлари, мулкларни расмийлаштириб бериш, шахсларга оид ҳужжатларни расмийлаштириш ва шу қабилардан олинган даромадлар солиқ тизими давлатнинг асосий иктисодий ричагига айлангангунга қадар давлат даромадларининг(бюджетининг) асосий даромад манбаи сифатида аҳамият қасб этиб келган. Демак, жамиятнинг таракқийлашуви ва давлатларнинг молия ва солиқ тизимининг ривожланиши орқали регалияларнинг ўрни ва уларнинг давлат ҳамда жамият ҳаётидаги молиявий роли ўзгариб борган. Ҳозирги вақтда давлат регалияларнинг куйидаги шакллари келтирилиб ўтилади: Саноат(монополия тармоқларидан олиннадиган даромад, рухсатномалар ва лицензиялар беришдан олинган даромад, рўйхатдан ўтказанлик учун йиғимлардан олинган даромад); суд ишлари(суд божлари, суд қарори ижро этилганлик учун йиғим, жарималар ва мулкни давлат фойдасига ўтказиш); пул( пул ва бошқа қимматли қоғозларни чоп этишдан даромадлар); божхона(бож тўловлари ва ноқонуний молларини давлат фойдасига ўтказиш) регалиялар келтириб ўтилади.<sup>8</sup>

Албатта молиянинг амалий жиҳатдан ривожланиши турли даврларда турлича кечган. Бунда жамиятдаги ижтимоий сиёсий ҳолат билан биргаликда диний қарашлар ва давлат бошқарувида диннинг роли даражаси ҳам катта

мулкларни хусусидаги қарашлари молиянинг ривожланишига ҳам таъсир қилмасдан қолмаган. Бундай ҳолат ислом динининг ривожланиши ва унинг ёйилиши билан ўзгача қасб этиб борган. Араб олами, жумладан исломий ақидаларга хос молиянинг ривожланиши Муҳаммад пайғабардан кейинги даврларда ҳукмронлик қилган Абу Бакр ва Умар ибн ал-Хаттоб даврларида ўзига хос ривож топиб борди. истило этилган ҳудудлардаги иктисодий аҳволни ҳисобга олган. Шимолий Арабистон Янги ривожланиб келаётган

давлатнинг иктисодий тизими шаклланишида «Байт ал-мол» (بيت المال –

давлат ғазнаси, пул ва бошқа қимматбаҳо буюмларни сақлаш учун омбор) нинг ташкил топиши асосий рол ўйнади. Бу муассасада даромад манбалари ва уларни қаерларга сарф этиш борасидаги маълумотлар сақланган. Байт ал-молга келадиган солиқларнинг ҳаммаси ҳам фақат пул шаклида бўлмай, балки натурал солиқлар – дон, қорамоллар, матолар ва қурол-аслаҳа турлари ҳам мавжуд эди.

Абу Бакр даврида Мадина давлати тасарруфининг кенгайиши бошлаши ва ар-Ридда ҳаракати орқали бошланган араб юришлари натижасида давлат ғазнасига келиб тушадиган солиқлар миқдори ошиб борди. Аввалига Абу Бакр давлат ғазнасини ўз уйида, кейинчалик Пайғамбар масжидида сақлади. Марказлашган Мадина давлати бошқаруви Умар ибн ал-Хаттоб қўлига ўтгач, давлатнинг ижтимоий-иктисодий шакли аввалги ҳолатини тубдан ўзгартирди. У забот этилган ҳудудларнинг давлат бошқарувидаги иктисодий тизимларни ислом давлати амалиётига киритди. Шунингдек, Умар ибн ал-Хаттоб девонлар тизимини эронийлардан ўзлаштиргач, бу девонларни бир ерга бирлаштириш мақсадида байт ал-мол муассасасини ташкил этди. Шиддат билан ривожланиб бораётган давлатдаги қурилишлар, давлатнинг ҳарбий салоҳиятини ошириш, ижтимоий таъминот, иктисодий ислохотларни давлат ўз тасарруфи доирасида ушлаб туриши учун қопланадиган маблағлар ва ҳукуматнинг бошқа сарфлари учун кетадиган харажатлар байт ал-молдан олина бошланди. Буларнинг ҳаммаси байт ал-молга Умар ибн ал-Хаттоб даврида асос солинганлигини кўрсатади. Давлатдаги тушумларнинг ошиши билан бир қаторда унинг харажатлари ҳам ошиб борди. Умар ибн ал-Хаттоб даврида олиб борилган солиқлар сиёсатидаги ислохотлар натижасида давлатнинг иктисодий равнақи Муҳаммад пайғамбар раҳбарлиги даври кўринишидан тубдан фарқ қилди. Бошқарув тизимининг шаклланишида халифа Умар ибн ал-Хаттоб даврида девон (ديوان)ларнинг жорий этилиши муҳим роль ўйнади. Девон тизими Сосонийлар давлати анъаналаридан ўзлаштирилди. Девон – форс тилида «рўйхат», «қайд қилиш» ёки «дафтар» маъноларини англатади. Унда бир неча бўлимлар мавжуд эди. Жумладан,

Аскарлар девони (الجند ديوان) да аскарлар номи, қабилалар таркиби ва таъсир қилган. Европанинг аксарият давлатларида ўрта асрларда диний руҳонийлар солиқлар, давлат молиясининг бошқа манбалари ва диндорлар

---

<sup>8</sup>Қаранг: <https://ru.wikipedia.org>.

уларнинг ҳар бирига бериладиган маошлар белгиланди. Харож девони ( الخراج ديوان)да «Байт ал-мол»га топшириладиган солиқлар қайд этиб борилган. Бу даврда девоннинг доимий таркибини ўз ичига олувчи рўйхат тузилган бўлиб, унда кирим ва чиқим, шунингдек, давлатдан маош олиш ҳуқуқига эга бўлган кишилар рўйхати қайд этилди. Девон тизими марказий ҳокимият таркибида

жойлашди. Истило қилинган ерлардаги қирим-чиқимни назорат қилиш эса бевосита волийлар зиммасида эди.<sup>9</sup>

Агар, ватанимиз тарихини ўрганувчи ўзбек олимлари ва бошқа чет-эллиқ тарихчиларнинг ишончли манбаларига қараганда юртимиз давлатчилиқ тарихида қадимги давлатларнинг молия тизими анча ўзига хос тарзда ривож топган. Масалан, "Ўзбек давлатчилиги тарихи" китоби муаллифининг келтиришича<sup>10</sup> Милоддан аввалиги 170 йилларида Хоразмда давлатида иқтисодий ривожланиш тараққиёт топиб, ўша вақтдаёқ ўзининг пул бирлигини жорий қилинган, Бизнинг юртимизда милоднинг бошланиши даврларида Хоразм давлатидан ташқари Бактрия, Парфия, Фарғона ва Тохаристон каби қадимий давлатларда давлатнинг мулкни, унинг даромадларини ҳисобга олиш ишлари ривож топиши билан биргаликда бу давлатларнинг ўз пул бирликларига ҳам эга бўлган. Ватанимизда амал қилган давлатчилиқ шаклларида молиянинг жумладан, солиқлари ундириш жараёнлари VII асрнинг охири ва VIII асрнинг бошларида араблар истилоси ва ислом динининг кириб келиши билан анча ўзгарди. Давлатчилиқнинг кейинги даврларида Фарғона, Исфижоб, Шош, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Чоғаниён, Хутталон, Кеш, Хуросон ва Сейистон каби ўлкаларни бирлаштирган йирик Сомонийлар давлати юзага келди. Бу давлатнинг шаклланиши милоддан кейинги 800-900 йилларга тўғри келиб, унда молия-солиқ тизими анча такомиллаштирилди. Давлат бошқарувида 10 га яқин девонлар(вазирликлар) ташкил этилиб, уларнинг орасида давлатнинг молиявий масалалари билан шуғулланадиган Молия ишлар девонлиги тузилиб, унда давлат ғазнасига тушадиган барча даромадлар, жумладан солиқларнинг келиб тушиши ва ундан давлат манфаатлари йўлида сарфланиш масалалари назорат қилинган. Вилоят ва туманлар(шаҳарлар)дан солиқ йиғувчилар томонидан ундирилиладиган солиқларнинг ҳисоб-китоб ишлари ушбу девоннинг зиммасига юклатилган. Шунингдек, давлатда бош вазирга бўйсинувчи Давлат расмий ҳужжатларини ишлаб чиқиш девони ҳам бўлиб, ушбу девонда давлатнинг бошқа фаолиятига тегишли бошқа ҳужжатлар сингари молиявий масалалар ва солиқларни жорий этиш ва ундириш билан боғлиқ ҳужжатлар ҳам тайёрланган. Вақфлар девонида эса диний муассасаларга тегишли мол-мулк, ер, сув ва улардан олинадиган солиқларни ва бошқа даромад манбаларини ҳисоблаш ишлари амалга оширилган.

Сомонийлар давлати даврида давлатнинг молиявий ишлари доим такомиллаштирилиб борилиши натижасида халқаро савдо сотиқ ишларини соддаштириш мақсадида чек(чак деб аталган)дан фойдаланиш йўлга қўйилди. Бу эса пул майдалаш ва алмаштириш билан шуғулланувчи махсус бўлинмалар (саррофлар) томонидан амалга оширилган. Давлатнинг ташқи

<sup>9</sup>«Ислом дини тарихи ва фалсафаси» фани бўйича МАЪРУЗАЛАР МАТНИ. Тошкент 2010 й. Тузувчи: С.Оқилов.<http://library.ziyouet.uz/uploads/books/47828/53be79941f061.pdf>.

<sup>10</sup>Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. "Шарк" нашриёти, Т.: 2001, 30-54 бетлар.

савдоларининг кенгайиши, молларнинг(асосан заргарлик, кулолчилик, шиша буюмлар, турли хил тоғ жинслари ва қазилма бойликлардан тайёрланган нодир маҳсулотлар ва шу кабилар) четга экспорт қилиниши ҳамда халқаро савдогарларни кўпроқ жалб қилиш мақсадида чекдан самарали фойдаланилган. Чеклар вазифасини баъзи вақтларда ип газлама маҳсулотлари ҳам ўтаган. Сомонийлар давлатидан кейин амал қилган Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Ануштегинийлар давлатчилигида ҳам молия-солиқ тизими ва уларни бошқариш жараёнлари деярли бир-бирига ўхшаш бўлган.

Бирок, Салжуқийлар вақтида солиқ тизими анча ривожлантирилди.

Мамлакатда Бош вазирга(Девони аъло) бўйсинувчи Истифо девонлиги солиқлар ва бошқа молиявий маблағларнинг қирим чиқимларини олиб бориш билан бирга солиқ йиғувчиларнинг ҳисоботларини қабул қилиб, Бош вазирга бу ҳақда ахборот тайёрлаш билан ҳам шуғулланган. Ҳар бир солиқ турлари бўйича солиқ тўловчилар ва уларга тегишли бўлган мол-мулк, ерлар ва бошқа солиқ объектларининг рўйхатини тузиб чиққан. Бундан ташқари Ишроф девони ҳам тузилган бўлиб, унда барча назорат ишлари, жумладан солиқларни ундиришнинг ҳолати, молиявий маблағларнинг мақсадли сарфланганлигини, солиқ йиғувчиларнинг берган ҳисоботларида кўрсатилган ва ундирилган солиқ тушумлари билан ҳақиқий ҳолатлар таҳлил қилиб борилган. Бу эса Девоннинг вилоятлардаги бўлинмалари томонидан доимий олиб борилган. Ушбу давлатларнинг барчасида давлатнинг ғазнасининг асосий даромад манбаини ерлардан ундириладиган солиқлар, хунармадлардан олинадиган солиқлар, бож ва савдо йиғимлари ташкил этган.

Молия-солиқ тизимининг ривожланиши А.Темур ва темурийлар даврида ўзига хос шаклда ривожлантирилди. А.Темур ҳукмронлиги даврида давлатнинг бошқарув тизими икки бўғинга, яъни Даргоҳ ва Девонларга бўлинган. Давлатнинг молиявий ва солиқларни ундириш билан боғлиқ ишларни Мулкчилик ва солиқ ишлари вазири ҳамда Молия вазири томонидан ташкил этилган. Мулкчилик ва солиқ ишлари вазири турли сабабларга кўра эгасиз қолган мол-мулкларни рўйхатга олиш, уларни тақсимлаш, савдогарлардан закот ва бож тўловларни олиш, жорий қилинган солиқларнинг ҳисобини юртиш ва уни ундириш ишларини ташкил этиш, мамлакат чорвалари яйловзор ва майзозор ерларни бошқариш, улардан тушадиган даромадларни ҳисобга олиш, мулкчилик бўйича меросхўрлик мақомларини белгилаш масалалари билан шуғулланишган. Молия ишлари вазири эса давлат ғазнасига келиб тушган даромадларнинг сарфлаш ҳамда уни назорат қилиш, даромадларни кўпайтириш йўллари аниқлаш ишлари билан шуғулланишган. Шунингдек, мамлакатга тегишли бошқа ҳудудларда молиявий ишларни йўлга қўйиш, маҳаллий ҳокимлик ва бекликлар томонидан солиқ ундириш ва берилган маблағлардан қандай фойдаланаётганликларини назорат қилиш мақсадида бошқа вазирлик даражасидаги бўлинмалар ҳам фаолият юритган.



А. Темурнинг набираси, буюк олим ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек ҳам давлатни бошқариш жараёнида турли хил иқтисодий қарашларни илгари сурган ва уларни амалга оширган. Шулардан муҳимлари сифатида мамлакатда пул ислохотларининг ўтказилиши, мамлакатдаги хунармандларни иқтисодий(солиқлар воситасида) қўллаб қўвватлаш ва ҳимоялаш мақсадида ташқи савдодан келадиган "тамға"(асли моҳияти бож тўлови) тўловларини оширган. Келтирилган ушбу тарихий манбалар шундан дарак берадики, бизнинг юртимизда амал қилган илгариги давлатчиликнинг турли босқичларида молия ва солиқ муносабатлари анча ривож топиб борган, Сомонийлар даврида жорий қилинган чеклар воситасида муомала қилиш тартиби эса бир неча асрлардан кейин дунё молия тизимида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишда асосий инструмент сифатида намоён бўлганлиги ҳам бунинг яққол исботларидан биридир.

## 2.2. Молиянинг иқтисодий моҳияти ва белгилари

Юқорида молиянинг давлатнинг юзага келишидан сўнг унинг амалий ривожланиш жараёни ва унинг давлат бошқаруви тамойиллари ҳамда бу билан боғлиқ назарияларнинг таъсирини кўриб ўтдик. Аммо, таъкидлаш

керакки молия аввало иқтисодий категория ҳисобланади, яъни, унинг ўзаги иқтисодий муносабатлар доираси билан белгиланади. Жамиятда давлатнинг пайдо бўлишидан кейинги давлат бошқаруви тамойиллари, шакллари ва услублари ўзгариб, такомиллашиб бориши билан молиянинг иқтисодий моҳияти кўпроқ намоён бўла бошлаган. Таъкидлаганимиздек, молиянинг ўзаги бу тақсимот муносабатларидир. Аслида давлатнинг пайдо бўлишининг

иқтисодий асослари ҳам тақсимот муносабатларини тартиблашга бўлган объектив эҳтиёждан келиб чиққан. Бу ҳақда юқорида қисман тўхталган эдик. Бу ерда эса ушбу тақсимот муносабатлари доирасида молиянинг юзага келишининг иқтисодий шарт-шароитлари хусусида тўхталамиз. Ҳар қандай иқтисодий тизим шароитида ҳам давлатнинг муҳим ва бош функцияларидан бири бу жамиятнинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳасидаги ўзаро тенгликни(пропорцияни) таъминлаш ҳисобланади. Бу орқали эса давлат иқтисодиётнинг бир маромда боришини таъминлашга, провардида эса социал-иқтисодий ривожланишнинг асосий йўналишларини белгилаб олишга эришади. Аслида молиявий ва солиқ муносабатларининг вужудга келиши ҳам ушбу жараёни ташкил этилишидан келиб чиқади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, молиянинг юзага келиш шарт-шароити(илдизи) жамиятнинг икки соҳаси ўртасидаги нисбат муносабатларни таъминлаш заруриятига, бошқачароқ қилиб айтганда тақсимот муносабатларига бориб тақалди. Ўз навбатида таъкидлаш мумкинки, умуман олганда давлатнинг ўз функцияларини бажариши билан боғлиқ барча иқтисодий категориялар ва муносабатларнинг пайдо бўлиши илдизини ҳам айнан тақсимот муносабатларидан излаш лозим бўлади. Буни куйидаги расм орқали тушуниб оламиз.



1-расм. Молия ва солиқларнинг юзага келишининг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари.

Бу ерда: 1 - Ишлаб чиқариш соҳасида яратилган маҳсулот(миллий даромад)ни солиқлар воситасида қайта тақсимланиши.  
2 - Марказлашган пул фондлари(бюджет) маблағларининг ноишлаб чиқариш соҳаси ўртасида қайта тақсимланиши.  
3 - Ноишлаб ишлаб чиқариш соҳасидаги хизмат(иш)ларнинг ишлаб чиқариш соҳасига ўтказилиши.

Бу келтирилган расмдан кўринадики, агар давлат ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларида нисбатни таъминламаса, диспропорция келиб чиқади ва унинг оқибатида эса жамият поракандалашади, провардида эса давлатга эҳтиёж қолмайди. Бундан яна шу нарса маълум бўладики, давлатнинг ички соҳадаги бош функцияси тақсимот муносабатларини тартиблаш орқали соҳалар ўртасидаги нисбатни таъминлаш ва жамиятнинг бир маромда ривожланиши таъминлаш ҳисобланади. Бу борада ишлаб чиқариш соҳасида яратилган миллий даромадни қайта тақсимлаш орқали алоҳида олинган марказлашган пул фондларини шакллантириш ва у орқали ноишлаб чиқариш соҳасини молиялаштириш давлат томонидан ўйлаб топилган энг муҳим вариантлардан бири саналади. Ушбу вариант давлатчиликнинг дастлабки вақтлариданоқ то ҳозирги кунга қадар ҳам энг мақбул усул сифатида деярли барча давлатларда фойдаланилиб келинмоқда.

Жамиятнинг соҳалари ўртасидаги нисбат муносабатларини ўрнатиш давлатнинг жуда кўплаб функция ва вазифаларининг вужудга келишига сабаб бўлади. Албатта нисбат муносабатларини таъминлаш иқтисодий, социал, ҳуқуқий, ҳатто сиёсий муносабатларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Демак, молиянинг асосини тақсимот ташкил қилади. Тақсимотнинг натури ва қиймат шаклида бўлиши эса турли даврларда ўзаро фарқланган. Юқорида келтириб ўтилганидек, давлатчиликнинг илк даврларида

тақсимотнинг натура шаклда бўлиши, бу ҳали яратилган  
маҳсулотларнинг

қийматини ўлчайдиган ягона воситанинг йўқлиги билан изоҳланади, аммо тақсимот муносабатлари бўлган. Тақсимот стихияли бўлган, маълум бир иқтисодий қонунлар ва иқтисодий(молиявий) инструментлардан деярли фойдаланилмаган. Шу жиҳатдан олганда жамиятда тақсимот муносабатлари доирасида умумий фондларни ташкил этиш билан боғлиқ жараёнларда молия юзага келган деб айтишга асос бор. Аммо, бу ерда шу нарсани ҳам эътиборга олиш керакки, ҳамма тақсимот муносабатлари ҳам молияни ифодала олмайди, қайсики, умумманфаатга хизмат қилиш борасида фондларни ташкил этиш билан боғлиқ тақсимот муносабатларигина молиянинг ўзагини ташкил этади. Бу айтиб ўтилганлар молиянинг муҳим ўзига хос томонларини кўрсатиб беради ва бу одатда *молиянинг ўзига хос белгилари* деб изоҳланади. Демак, қайд этилганлардан кўринадики, молиянинг моҳиятини очиб беришга хизмат қилувчи белгилари мавжуддир.

Молиянинг *биринчи белгиси сифатида тақсимот муносабатлари ва унинг объектив зарурлигини* келтириш мумкин. Тақсимот муносабатларисиз молия вужудга келмайди ва молиянинг тақсимот муносабатларидан ташқари тасаввур қилиб бўлмайди. Таъкидланганидек, гарчи натура шаклда маҳсулотлар давлат(ибтидоий жамоа тузуми вақтида эса уруғ, қабила) манфаатлари ва кишилари ўртасида тақсимланган ва бу тақсимланиш ўз-ўзидан шу нарсани кўрсатадики, албатта қандайдир умумий фонд ҳам бўлган, албатта бу мантикий ёндошувдир.

Молиянинг кейинги белгиси бу унинг фондлар билан боғлиқлигидир. Молиянинг бу белгиси албатта унинг биринчи белгисидан келиб чиқади. Демак, яратилган маҳсулот(замонавий тилда айtilганда ялпи ички маҳсулот ва унинг асосий қисми бўлган миллий даромад) тақсимланиши албатта фондлар билан боғлиқ бўлади. Молиянинг бу белгисининг амал қилиши албатта давлатнинг молиявий сиёсатидан келиб чиқади. Бундай фондлар давлатчиликнинг дастлабки вақтларида давлат бошлиғига тегишли ва давлатга тегишли умумий фондлар ягона бўлган ҳолатлар ҳам мавжуд бўлиб, кейинчалик давлат манфаатларига хизмат қилувчи фонд(лар) билан давлат бошлиғи(шоҳ, ҳукмдор, император ва х.к.) алоҳидалашган. Тараққиёт босқичларининг ривожланиши билан ҳар бир давлатда умумий(давлат бюджети) фонддан ташқари умумий мақсадларга хизмат қилувчи бошқа умумий фондларни(бюджетдан ташқари фондлар) ташкил этиш жараёни кучайиб борди. Албатта, бундай фондларнинг сони, уларнинг даромад манбаларини аниқлаштириш ва улардан фойдаланиш тартиби ҳар бир давлатда ўзига хос тартибда бўлиши мумкин.

Ишлаб чиқарувчиларнинг ўзларида ҳам ички тақсимот муносабатлари доирасида ҳам турли даражаги(марказлашмаган) фондлар ташкил этилиб борилади, бундай фондларнинг сони, уларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиблари эса давлат миқёсидаги умумий қонунлар билан биргаликда қорхона ва ташкилотларнинг ўз молиявий сиёсатидан келиб

чиқиб амалга оширилади (давлат миқёсидаги ва қорхоналар миқёсидаги бундай фондларни ташкил этиш ва улардан фойдаланиш тартиби хусусида

кейинги тегишли мавзуларда батафсил тўхталамиз). Молиянинг тақсимот билан боғлиқ белгиси турли даврларда турлича кўриниш касб эта боради. Масалан, рус молия назариячиси Н.В. Миляковнинг таъкидлашича, ўтган асрнинг бошларида дунёда умумий ялпи ички маҳсулотнинг 9-10 фоизи атрофида молия тизими орқали қайта тақсимланган бўлса, ҳозирги вақтда қарийиб 50-60 фоиз атрофида ялпи ички маҳсулот молия тизими орқали қайта тақсимланмоқда.<sup>11</sup> Ялпи ички маҳсулот ва унинг асосий қисми бўлган миллий даромадни молия тақсимланиш услублари, унда қўлланиладиган инструментлар, бу жараёни бошқариш ва баҳолаш тартиблари ҳам тараққиёт ривожланиши билан такомиллаштириб бормоқда. Тақсимот нафақат ялпи ички маҳсулот ёки миллий даромадни, шунингдек, ташкил қилинган пул фондлари ўртасида қайта тақсимлаш жараёнлари кучайиб борди, бу фондларнинг ялпи ички маҳсулотга таъсири доираси кенгайиб борди, ҳатто шу даражага келдики, айрим турдаги фондларни қайта тақсимлаш механизмлари(масалан, Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Йирик жамғармалар(Сорос фонди) айрим давлатларнинг ялпи ички маҳсулоти ҳажмидан бир неча ўн марта катталиқда амал қила бошлади. Демак, молиянинг тақсимот белгиси тараққиёт босқичларида турлича касб эта боради.

Молиянинг кейинги муҳим ўзига хос белгиларидан бири сифатида унинг *қиймат билан боғлиқлик белгисидир*. Аксарият иқтисодий адабиётларда буни молиянинг товар-пул муносабатлари билан боғлиқлиги деб ҳам тушунтирилади. Қайд этиш жоизки, унинг бу белгиси хусусидаги ёндошувлар турли тумандир. Шу билан биргаликда молия бу пул муносабатларидир деб изоҳланадиган таърифлар ҳам ўзига хос мунозарага эгадир. Шаҳ-шубҳасиз молияни пул муносабатларидан айри ҳолда тасаввур қилиш қийин. Аммо, бунга қиймат нуқтаи назардан ёндошиш анча тўғрироқ бўлади деб ҳисоблаймиз.<sup>12</sup> Молиянинг қиймат белгисининг моҳияти шу билан изоҳланадики, тақсимот объекти бўлган ҳар қандай нарса(маҳсулот, хизмат, иш, даромад, иш ҳақи, рента, фоиз ва шу к.) албатта ўз қийматига эга бўлади. Бу қиймат иқтисодий жиҳатдан қараганда у индивидуал ва ижтимоий қийматга эга бўлади. Агар, натура шаклдаги тақсимот муносабатларини оладиган бўлсак, бу вақтда ҳам тақсимот объекти бўлган маҳсулот( ва шу каби нарсалар)лар пул шаклида тақсимланмаган бўлсада, аммо ушбу маҳсулотларни яратиш(ишлаб чиқариш, етиштириш)да маълум бир меҳнат сарфи ва ўз қийматига эга бўлган ва тақсимот жараёнида эса қиймат натуралашган ҳолда амал қилган. Қачонки, товарларни ягона ўлчови сифатида пулнинг пайдо бўлиши эса, маҳсулотларнинг аниқ қийматини ифодалаб бера бошлаган. Шу жиҳатдан олганда тақсимот объектига эга бўлган ҳар қандай нарса ўз қийматига эга бўлиб, молия айнан ушбу қийматни унинг эгалари ва жамият миқёсида қайта тақсимлаб туради. Аслини олганда ҳам тақсимотда эса қиймат асосий объект бўлади.

<sup>11</sup>Қаранг: Миляков Н.В. Финансы. Учебник. М.: "Инфра-М", 2004. - с. 10.

<sup>12</sup>Муаллифнинг ушбу ёндошуви ҳам баҳсли бўлиши табиий.

Молиянинг мавжудлигини фақат пул муносабатлари билан боғлаш ҳам бироз бахслидир. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, молия пул пайдо бўлмасдан олдин ҳам мавжуд бўлган, сабаби ҳали пул кашф қилинмасдан туриб ҳам тақсимот муносабатлари, турли даражадаги фондлар, ўз навбатида эса тақсимот объектига тортилган маҳсулотларнинг ўз қиймати бўлган.

Тарихий манбаларда келтирилишича <sup>13</sup>, қадимги дастлабки пуллар(албатта кумуш метали) эрамиздан аввалги 280 йилларнинг бошларида пайдо бўлган бўлиб, аслида бунга қадар ҳам молиявий муносабатлар бўлган. Тақсимот муносабатларининг ривожланиши ва унинг тобора мураккаблашиб бориши эса, ягона айирбошлаш ва муомала воситаси ўзига хос товар-пулни ижтимоий-иқтисодий зарурат қилиб қўйди. Тараққиётнинг ҳозирги босқичида эса молиявий муносабатларни пул муносабатларисиз тасаввур қилиш қийин бўлсада, аммо натура шаклдаги тақсимот муносабатлари қисман бўлсада мавжуддир. Албатта пул муносабатлари молиявий муносабатлардан кенгроқ жараёнга эгадир. Бу эса барча пулли муносабатларни молиявий муносабатлар деб қарамасликни билдиради. Баъзи иқтисодий адабиётларда эса, <sup>14</sup> молия-бу пулли муносабатлардир деб изоҳлайдилар. Аммо, молияни асосан пулли муносабатлар доирасида тушуниш унинг моҳиятини англашда мавҳумликларни келтириб чиқаради.

Шу боис молияни пулли муносабатлар билан боғлашда молиянинг ўзагидан келиб чиқиш лозим бўлади. Яъни молиянинг ўзагини тақсимот ва унинг натижасида шакллантириладиган турли даражадаги фондлар билан боғлиқ пулли муносабатлар доирасида тушуниш керак. Масалан, олайлик корхонада маҳсулот таннархига қўшиладиган материал, иш ҳақи, амортизация ва бошқа харажатлар пулли муносабатлар бўлиб, уларни молия тушунчасига дахли камроқ. Аммо, фойдани тақсимлашда корхонанинг ихтиёрида шакллантириладиган турли хил фондларга маблағ ажратиш, ушбу фонд маблағларидан харажатларни амалга ошириш, корхонанинг солиқ тўловлари билан боғлиқ харажатлар, юқори турувчи органларнинг тармоқ жамғрамаларига маблағларни ажратиш ва шу каби жараёнлар билан боғлиқ пулли муносабатлар айнан молиянинг моҳиятига тегишли бўлади. Бу ерда молия категориясининг бошқа иқтисодий категориялардан фарқ қиладиган муҳим жиҳати намоён бўлади. Яъни, молия-молиявий муносабатлар(операциялар) ва молиявий кўрсаткичлар мазмунан қисман ўхшаш бўлсада, амал қилиш доираси бўйича анча фарқланади. Молиявий ва пулли муносабатлар шунингдек, улар бажарадиган функциялар орқали ҳам фарқланади. Пул махсус товар сифатида барча товарларнинг қийматини ўзида акс эттириб, уларнинг ишлаб чиқарувчиларнинг меҳнатини ўлчаб беради. Молия эса бундай пулли муносабатларнинг ялпи ички маҳсулот ёки миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёни билан боғлиқ муносабатларни қамраб олади.

<sup>13</sup> <https://ru.wikipedia.org>, Мэттингли, 2005, с. 24, 32—40.

<sup>14</sup> Масалан: Милияков Н.В. Финансы. Учебник. М.: "Инфра-М", 2004.- с.12, Финансы. Учебник. Под редакцией А.Грязновой. М.: "Финансы и статистика", 2004.- с.11.

Ҳозирги замонавий молия замиридаги муносабатлар албатта давлат иштирокидаги муносабатлар ётади, пулли муносабатларнинг барчасида давлат иштироки шарт бўлмайди. Агар, марказлашмаган молия тизимидаги молиявий муносабатларни ҳам олиб қараладиган бўлса, ҳеч бўлмаганда давлат бу ерда уларнинг ялпи даромадларини солиқлар воситасида марказлашган пул фондларига қайта тақсимлашда иштирок этиб туради, бундан ташқари аксарият корхоналарга уларнинг пул фондларини шакллантириш ва уларнинг миқдори бўйича минимал талабларни қўйиши мумкин. Буни акционерлик корхоналари, банк муассасалари, суғурта ташкилотлари, инвестиция фондлари мисолида кўриш мумкин(бу ҳақда кейинги бобларда алоҳида тўхталиб ўтилади).

*Молия бу* - турли даражадаги(марказлашган ва марказлашмаган) пул фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ иқтисодий-молиявий муносабатлардир.

*Молиявий операциялар(муносабатлар) бу* - даражадаги(марказлашган ва марказлашмаган) пул фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ иқтисодий-молиявий муносабатлар билан биргаликда, бюджетга турли хил солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш, бу тўловларни ундириш билан боғлиқ муносабатлар, банк муассасаларига депозитларни жалб қилиш, уларга даромадлар тўлаш(фоиз даромадларини олиш), корхоналар томонидан қимматбаҳо қоғозларга маблағ ажратиш ва ундан даромад олиш, корхоналар томонидан қимматбаҳо қоғозларни чиқариш, улушли маблағларни жалб қилиш, бюджетдан субсидиялар олиш, корхоналарда фойдани тақсимлаш жараёнлари, суғурта фондларидан суғурта товонларини олиш, банклардаги валюта ҳисобварақларидаги валюталарнинг курси бўйича даромадга эга бўлиш, ўзаро дебиторлик ва кредиторлик қарзлари бўйича муносабатларга киришиш ва шу каби жараёнларни қамраб олади. Бу ерда кўринадики, молиявий операциялар(муносабатлар)нинг муҳим хусусияти бошқа категориялар(масалан, қимматли қоғозлар, суғурта, кредит, валюта, депозит, фойда, харажатлар, дивиденд) ва шу кабилар билан чамбарчас боғланиб кетади, ўз навбатида бошқа иқтисодий категорияларнинг айрим хусусиятларини ҳам ўзида акс эттиради. Шу боисдан ҳам молия ва молиявий операцияларни бир хил тушуниш мақсадга мувофиқ эмас. Молиявий муносабатлар(операциялар) эса мазмунан комбиналашган характерда эга бўлиб, у молиядан ташқари яна бир қатор иқтисодий категорияларнинг мазмунини ҳам ўзида акс эттиради.

*Молиявий кўрсаткичлар* эса бу молия, молиявий операцияларнинг ҳолати ва ҳаракатини миқдор ва сифат кўрсаткичлар асосида изоҳлаб, уларнинг ички хусусиятларини очиб беришга хизмат қилади. Масалан, молияга тегишли давлат бюджети ижросини тавсифловчи тақчиллик ёки профит кўрсаткичи, давлат бюджетининг прогноз кўрсаткичлари, субвенция ва субсидиялар ҳажми каби молиявий кўрсаткичлар айнан молияга тегишли жараёнларни миқдор ва сифат жиҳатдан изоҳлайди, фойда ҳажми, унинг ҳажмига таъсир қилувчи омиллар, фоиз ставкалари даражаси,

қимматбаҳо қоғозларга қўйилган маблағларнинг самарадорлик кўрсаткичлари ва шу каби жуда кўплаб кўрсаткичлар эса молиявий операцияларни ифодаловчи молиявий кўрсаткичлар сифатида юзага чиқади. Бу ерда шуни кўриш мумкинки, "молия" термини билан боғлиқ иқтисодий тушунчалар ҳам мазмунан ҳам иқтисодий муносабатларни акс эттириши жиҳатидан ўзаро фарқларга эгадир. Демак, буларнинг фарқини билиш молия категориясининг иқтисодий моҳиятини англашга хизмат қилади.

Молия иқтисодий категория билан биргаликда у тарихий категория ҳамдир. Чунки, молиянинг мазмуни тарихий тараққиёт босқичларида турлича касб этиб борган. Дастлабки вақтлардаги молия асосан давлатнинг тор доирадаги фаолиятини молиялаштиришга хизмат қилган, пулли муносабатлар билан боғланмаган, харажатларнинг йўналиши асосан ҳарбий, суд-хуқук ҳамда бошқарув билан боғланган, иқтисодиётнинг ҳолатига молиявий инструментлар орқали аралаштириш ҳолатлари жуда кам амал қилганлиги, давлатнинг марказлашган пул фонди асосан давлат бюджетидан иборатлиги ва уни шакллантиришнинг ягона қонуний асосларининг йўқлиги, давлат бюджетини тасдиқлашда яқка ҳукмронликнинг амал қилиши (давлат бошлиғи томонидан тасдиқланиши) ва шу қабилар билан изоҳланган бўлса, бугунги кундаги замонавий молия бу юқорида қайд этилганлардан фарқли равишда унинг кенг тармоқланиши ва иқтисодиётнинг барча жамбалари билан ўзаро интеграциялашган ҳолда иқтисодиётда асосий ҳал қилувчи даражадаги иқтисодий муносабатлар тизимига айланиб улгурган.

Энди бевосита молия тушунчасининг моҳиятини англашга таърифларнинг айримларини келтириб ўтсак. Молиянинг таърифи бўйича рус олимлари ўртасида анча мунозарали ёндошувлар мавжуд. Бу ёндошув бир томондан молиянинг тақсимот муносабатлари пул фондлари билан боғланса, бошқаларида молия тушунчасига унинг ишлаб чиқариш жараёнидаги аҳамияти нуқтаи назардан ёндошилади. Масалан, профессор Н.Миляков молияга пул ресурслари фондини шакллантириш ва тақсимлаш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар йиғиндиси сифатида таъриф берса<sup>15</sup>, профессор А.Грязнова таърифи остидаги "Молия" дарслиги муаллифлари эса молиянинг таърифини давлат ўзининг иқтисодий ва социал функцияларини бажариш учун ялпи ички маҳсулот, ташқи иқтисодий фаолиятдан олинган даромад ва миллий даромаднинг бир қисмининг қайта тақсимлаш жараёнида пул даромадларини шакллантириш ҳамда жамғариш билан боғлиқ муносабатлар йиғиндиси сифатида изоҳлайди. Россияда чоп этилган "Молия, пул муомаласи ва кредит" дарслиги муаллифи М.В.Романовский молияга қуйидагича таъриф беради: "Молия бу ялпи ички маҳсулотни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида пул

фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ пул ифодасидаги муносабатлар тизимидир"<sup>16</sup>.

<sup>15</sup>Миляков Н.В. Финансы. Учебник. М.: "Инфра-М", 2004.- с.8.

<sup>16</sup>Финансы, денежное обращение и кредит: Учебник / М.В. Романовский и др.; Под ред. М.В. Романовского, 35

Чет эллик айрим адабиётларда, масалан, Ж.Кейнс ўзининг "Бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси" асарида молияни капиталнинг пул формаси сифатида таърифлайди<sup>17</sup>, айнан шундай ёндошув Р.Хикс томонидан ҳам келтирилади. <sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримов ўз асарларида "Молия бу- ўзбек тилида "хазина" дегани. Хазинанинг ўзи нима? Давлатнинг хазинаси, унинг даромад ва буромадини, бугунги ва эртанги кунини белгилайдиган бойлик..." <sup>19</sup> деб таърифлайди. Дарҳақиқат молиянинг асосини давлатнинг фаолияти ташкил этадики, молиянинг даражасига қараб жамиятнинг ривожланиш тенденциялари аниқланади.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида эса "*Moliya*– maqsadli pul fondlarini hosil etish, jamlash, taqsimlash va ishlatish yuzasidan paydo bo`ladigan iqtisodiy munosabatlar" деб келтирилган <sup>20</sup>. Юқорида кўриб ўтганимиздек, молиянинг таърифини беришда турли туман ёндошувлар мавжуд бўлиб, уларнинг умумий жиҳатлари шундан иборатки, уларда молиянинг тақсимлаш жараёни, давлатнинг фаолияти ва турли даражадаги фондлар билан боғлиқлиги акс эттирилган. Ушбуларни умумлаштирган ҳолда молия тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: *Молия бу- жамият миқёсида яратиладиган ялпи ички (миллий) маҳсулотнинг асосий қисми бўлган миллий даромадни қайта тақсимлаш жараёнида турли даражадаги (марказлашган, тармоқ ва марказлашмаган) пул фондларини шакллантириш ва уларни тақсимлаш ҳамда фойдаланиш билан боғлиқ пул муносабатларига асосланган иқтисодий-молиявий муносабатлар йиғиндисидир.*

Бу ерда миллий даромадни қайта тақсимлаш жараёни асосан солиқлар воситасида амалга оширилиб, молиянинг ўзи эса бунинг натижасида пул фондларидаги пул маблағларини тақсимлашни амалга оширади. Агар, миллий даромаднинг дастлабки тақсимланиши уни яратувчилар томонидан амалга оширилиши, иккинчи қайта тақсимланиши солиқлар воситасида амалга оширилса, учинчи босқичда эса бундай тақсимланиш молия категорияси орқали амалга оширилади. Шу жиҳатдан молияда қайта тақсимланиш жараёни ҳам кейинги босқичларда мавжуд бўлади.

*Марказлашган фондлар бу-* давлатнинг умумжамят миқёсидаги ижтимоий хизматларини ва иқтисодиётнинг айрим соҳаларини мақсадли молиялаштириш мақсадида ташкил қилинадиган давлат бюджетини ва бюджетдан ташқари фондлар тушунилади. Бундай фондларнинг айримлари социал-ижтимоий характерга эга бўлади. Масалан, Пенсия фонди, Бандликка қўмаклашиш фонди, ижтимоий суғурта фондлари ва шу қабилар.

О.В. Врублевской. — М.: Юрайт-Издат, 2006. - с.54.

<sup>17</sup>Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег.-М.:Гелиос-АРВ, 2002, с. 78.

<sup>18</sup>Хикс. Дж.Р. Стоимость и капитал. М.: Прогресс, 1988- с. 26.

<sup>19</sup>Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий баркарорлик тўғрисида. Т.: «Ўзбекистон» нашриёти, 2005 йил, 516 б.

<sup>20</sup>Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 6-жилд.Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2003.-702 Б.

*Марказлашмаган фондлар* эса корхона ва ташкилотлар доирасида уларнинг фаолиятини келгусида ривожлантириш ва айрим фаолиятларини мақсадли молиялаштириш мақсадида ташкил қилинадиган фондлар тушунилади. Бундай фондларнинг сони, уларни ташкил этиш тартиблари давлатнинг молиявий қонунлари билан биргаликда корхона ва ташкилотларнинг ўз низомларидан келиб чиқилади.

Эътиборга олиш зарурки, турли даражадаги пул фондлари аслида кўлами жиҳатдан марказлашган ва марказлашмаган пул фондларига ажратилади. Ваҳоланки, бундай пул фондлари оралиғида ҳам *тармоқ даражасидаги фондлар* (масалан, вазирлик, концерн, агентлик ва шу кабилар доирасидаги мақсадли фондлар, шунингдек, айрим соҳаларга мўлжалланган фондлар ("Истеъдод" фонди, турли хил хайрия фондлари) ҳам мавжуд бўлиб, уларни шакллантириш ва уларнинг маблағларидан фойдаланиш тартиблари ўзига хос хусусиятга эгаллигини эътиборга олиб, тармоқ фондлар бу ерда алоҳида кўрсатиб ўтилмоқда.<sup>21</sup>

### 2.3. Молиянинг функциялари ва тамойиллари

Молия категорияси ўрганиш унинг юзага келиш шарт-шароитлари, унинг турли даврлардаги ўзига хослиги ҳамда унга тегишли белгилар билан биргаликда унинг бажарадиган функцияларини ҳам билишни тақозо этади. Иқтисодий категорияларнинг функциялари уларнинг жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тизимидаги ролини кўрсатиб бериши билан бирга унинг ички тузилиши ва механизмларини кўрсатиб беради. Шу билан биргаликда категорияларнинг функциялари категориянинг амал қилиш ҳолати ва унинг турли хил иқтисодий тизимларда қандай аҳамиятга эганлигини ҳам очиб беради. Масалан, нарх категорияси тоталитар иқтисодий тизимда давлатнинг асосий иқтисодий инструменти бўлган бўлса, аралаш иқтисодиётда унинг роли анча ўзгаради, солиқлар эса иқтисодий тоталитар тизимда инкор этилган бўлсада (гарчи собиқ социалистлар уни эксплуатация қуроли деб баҳолаган бўлсада, ўтган асрнинг 30 йилларида собиқ иттифоқ давридаги солиқлар ва йиғимлар сони 40 тагача бўлган), аралаш иқтисодиёт даврида у давлатнинг асосий иқтисодий дастагига айланди, молия категорияси бу бошқа иқтисодий категориялардан фарқли равишда барча иқтисодий тизимларда ҳам давлатнинг асосий дастаги ҳисобланади, чунки, у жамиятнинг ноишлаб чиқариш соҳасининг моддий асосини ташкил этади, молиясиз бу соҳани тасаввур қилиб бўлмайди. Демак, молиянинг функциялари ҳам иқтисодий тизимларнинг амал қилишидан қатъий назар улар барқарор ҳолда амал қилади. Молиянинг функциялари хусусидаги иқтисодчи олимларнинг қарашларини умумлаштирилганда уларнинг аксарияти эътироф этилган функциялар билан биргаликда мунозарали ёки исботи тўлиқ келтирилмаган функцияларни ҳам учратиш мумкин.

Категориянинг функцияси ушбу категория томонидан доимий равишда амалга оширилиб туриладиган жараён, у билан доим бирга мавжуд бўладиган

<sup>21</sup>Муллифнинг ушбу ёндошуви баҳсли бўлиши табиий.

хусусият ҳамда категориянинг ички тузилишини ифодалайди ва улар объектив ижтимоий-иқтисодий тартибда мавжуд бўлади, инсонлар эса ушбу категорияларнинг мазмунини аниқлашда унинг бундай хусусиятларини аниқлаб, уларнинг доимий характердагилидан келиб чиқиб, ушбу жараённи категорияларнинг функциялари деб атайдилар. Худди шу сингари молия категорияси ҳам иқтисодий категорияларнинг асосий тартибга солувчи ва тартибловчиларидан бири сифатида бир қатор функцияларини бажаради. Таъкидлаш ўринлики, молиянинг функциялари ва ушбу категориянинг пулли муносабатлар доирасидаги ўрни каби масалалар бу борадаги энг кўп баҳсли жараёнлар ҳисобланади. Агар, бу борадаги айрим молия назариячиларининг халқаро даражадаги ёндошувларига қарайдиган бўлсак, АҚШлик молия назариясининг тадқиқотчиларидан бири Р.У. Рефьюз молиянинг тақсимлаш ва назорат функцияси унинг асосий функциялари эканлиги тасдиқласа, айнан ушбу ғояни Россиялик молия назариясининг йирик намоёндаларидан А.М.Александров ва Э.А.Вознесенский ва А.Ковалевалар томонидан ҳам эътироф этилади.<sup>22</sup> Ушбу муаллифлар молиянинг тақсимланиш функциясини икки хил шаклда амал қилишини кўрсатади, яъни, пул фондларини шакллантириш билан боғлиқ ялпи ички маҳсулотни тақсимланиш жараёнидаги тақсимлаш функцияси ҳамда шакллантирилган пул фондларидagi маблағларни тақсимлаш жараёнида мавжуд бўладиган тақсимланиш функцияларини ажратиб кўрсатади. Россиялик айрим иқтисодчилар эса молияга тартибга солувчи ва барқарорлаштириш функция хос деб ҳисоблайдилар.<sup>23</sup> Россиялик олимлардан Л.Н. Павлова эса молиянинг режалаштириш, ташкилийлик, рағбатлантириш ва назорат функциялари мавжудлигини таъкидлашса,<sup>24</sup> Шунга ўхшаш ёндошувлар В.К. Сенчагова ва А.И. Архипова томонидан келтирилади. Бошқалардан умуман фарқли равишда "Молия, пул муомаласи ва кредит" дарслиги муаллифи М.В.Романовский эса молия асосан пул фондларини шакллантириш, уларни тақсимлаш ва ушбу жараёнларни назорат қилиш функциясини бажаришлигини эътироф этади<sup>25</sup>.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида эса<sup>26</sup> молиянинг функциялари эмас, балки вазифалари сифатида тақсимлаш, назорат қилиш, ривожлантириш, ижтимоий ҳимоя ва ахборот бериш кабилар келтирилган. Аммо, бу ерда молиянинг функциялари ва вазифалари аралаштириб юборилган, ваҳоланки, молиянинг рағбатлантириш, ижтимоий қилиш ва ахборот бериш каби вазифаларга эга бўлсада, аммо, тақсимлаш ва назорат функцияларга эга бўлади. Функция бу доимий характерга эга бўлган ижтимоий-иқтисодий жараён бўлса, молиянинг вазифалари эса давлатнинг

<sup>22</sup> Қаранг: Вознесенский Э.А. Финансы как стоимостная категория, -с.122-127; Финансы./под ред. А.М.Ковалевой-М.: "Финансы и статистика", 2001.- с.15.

<sup>23</sup>В.В.Иванович и др. Финансы./под ред. В.В.Ковалева. Учебник. М.: "Финансы и статистика", 2001.- с.11-13.

<sup>24</sup>Павлова Л.Н. Финансы предприятий. М.: ЮНИТИ, 1998. С. 17-18.

<sup>25</sup>Финансы, денежное обращение и кредит: Учебник / М.В. Романовский и др.; Под ред. М.В. Романовского, О.В. Врублевской. — М.: Юрайт-Издат, 2006. - с.56.

<sup>26</sup>Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 6-жилд.Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти,2003.-703 Б.



молия сиёсатидан келиб чиқиб белгиланади. Энди юқоридаги молиянинг функциялари хусусидаги ватанимиз ва хорижий давлатларнинг олимлари томонидан келтирилган ёндошувларни умумлаштириш уларнинг аксариятида эътироф этилган молиянинг функцияларини ажратиб олишга имкон туғилади ва уларнинг асосийлари ва кўпчилик томонидан ўз иқтисодий асослари ва исботлари келтирилган куйидаги функцияларни келтириб ўтиш мумкин:

1. *Молиянинг тақсимлаш функцияси.* Молиянинг ушбу функциясининг моҳияти шу билан белгиланадики, жамиятнинг ишлаб чиқариш соҳасида яратилган <sup>27</sup> ялпи ички(миллий) маҳсулот(миллий даромад) тақсимланиш жараёнининг биринчи босқичида уларни яратувчиларнинг ўзлари томонидан турли хил кўринишларда (даромад, фойда, фоиз, дивиденд, рента, ижара, иш ҳақи, мукофот ва ш.к.) тақсиланган миллий даромаднинг солиқлар воситасида иккиламчи тақсимланиши натижасида шакллантирилган турли даражадаги пул фондларидаги маблағларнинг доимий тақсимланиш жараёни амалга оширилиб турилади. Агар, бу ерда тақсимланишнинг босқичларига эътибор берадиган бўлсак, молия тақсимланишнинг учинчи босқичида қатнашади. Солиқлар воситасида миллий даромадни тақсимланиш жараёни доимий характерга эга бўлиб, бунинг натижасида шакллантирилган пул фондларини тақсимланиш жараёни ҳам доимий равишда амалга оширилиб турилади. Шу боисдан ҳам солиқларнинг функциялари ҳақида гап кетганда уларнинг қайта тақсимланиш функцияси хослиги кўпчилик томонидан эътироф этилади. Молияга қайта тақсимлаш ва тақсимлаш функциясининг назарда тутилиши эса солиқлар воситасида қайта тақсимланган пул ресурслари учинчи босқичда молия томонидан тақсимланиш жараёнига эътибор қаратилади, яъни бу ерда молия тақсимланган пул ресурсларини қайта тақсимлашни амалга оширилиш назарда тутилади. Бироқ, молия ўз моҳиятига кўра шакллантирилган пул фондларининг маблағларини тақсимлашни амалга оширади.

2. *Молиянинг назорат функцияси.* Молиянинг ушбу функцияси асосан турли даражадаги пул фондларидаги маблағларнинг мақсади, самарали ва манзилли сарфланаётганлигини назорат тартибидаги жараёнлар тушунилади. Бу ерда шу кўриш мумкинки, молиянинг бу функцияси асосан давлатнинг ваколатли органлар томонидан амалга ошириладики, молиянинг мавжудлиги ва унинг амал қилиши давлат фаолияти билан боғлиқ экан, давлат фаолияти орқали молия категорияси доимий жараён-назорат жараёни амалга оширилади. Шу жиҳатдан ҳам молиянинг ушбу функцияси кўпчилик иқтисодчи олимлар томонидан эътироф этилади. Молиянинг бозор механизмлари орқали назорат тартибидаги функцияси эса қисман бўлсада, иқтисодий жараён сифатида мавжуд бўлади. Яъни, молия орқали миллий даромад ёки корхонанинг ялпи даромадини тақсимланиш жараёнида ёки давлатнинг манфаатига ёки ишлаб чиқарувчининг манфаатига тақсимланса

<sup>27</sup>Аммо, ношлаб чиқариш соҳасида ялпи миллий маҳсулот ёки миллий даромад умуман яратилмайди деб тушунамаслик, керак, масалан Ўзбекистон Республикаси ва дунёнинг кўпгина давлатларининг қонунларида ноижорат ташкилотлари қонунчилик доирасида тадбиркорликнинг айрим фаолияти билан шугулланиши мумкин бўлиб, улар ҳам қисман бўлсада ялпи ички маҳсулотни яратишда қатнашади.

ва тақсимланишнинг ижтимоий адолати бузилса, демак, бу жараён молия категорияси орқали назорат қилинади. Молиянинг бу ердаги назорати қандай амалга оширилади? Гап шундаки, пул фондлари агар ногўғри режалаштирилиб, миллий даромад(корхона доирасида ялпи даромад) оқилана тақсимланмаса, ижтимоий-иқтисодий жараёнларга салбий таъсир қилади ва бу кейинги босқичда албатта молия ва солиқ категорияси орқали тўғирланади.

3. *Молиянинг тартиблаш функцияси.* Молиявий механизмлар орқали турли даражадаги фондларни ташкил этиш ва уларни тақсимланиш жараёни давомида бир томондан айрим тармоқлар ва соҳалардан маблағлар кўпроқ давлат фойдасига ундирилиши оқибатида иқтисодиётда капиталларнинг ҳаракати тартибланса, бошқа томондан марказлашган пул фондларининг маблағларининг тақсимланиши орқали айрим соҳалар бўйича истеъмол жараёнлари, ҳудудларнинг молиявий салоҳиятидаги фарқланиш ҳолатлари тартибга солиниб боради. Шу билан биргаликда пул фондларини шакллантириш жараёнида молия категорияси турли босқичларда молиявий ресурслардан қандай фойдаланганлик даражасини ҳам тартибга солиб боради. Масалан, корхонада солиқлар ва акционерларга дивидендлар ҳамда бошқа тўловлар тўлаб бўлингандан кейинги соф фойдани тақсимлашда истеъмолга кўпроқ йўналтириш корхона фондларининг янгиланиш ва такомиллаштирилиш жараёни оқсай бошлайди ваҳоланки, бу ерда молия(марказлашмаган пул фондлари муҳим роль ўйнайди) бундай жараённи назорат қилади ва ресурсларни номақбул тақсимланишининг салбий таъсирини кўрсатади ва бу ерда тартиблаш воситаси сифатида намоён бўлади. Бу ҳолат айнан марказлашган пул фондларини тақсимланиш оқибатидаги иқтисодий жараёнларни тартиблаш жараёнига ҳам тегишлидир.

4. *Молиянинг рағбатлантириш функцияси.* Марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул фондларининг маблағларини тақсимланиш жараёнида молиявий субвенциялар, молиявий дотациялар, реал сектор соҳаларига марказлаштирилган инвестицияларни йўналтириш, аҳолининг айрим табақаларига трансферт тўловларини йўналтириш, корхоналардаги ишлаб чиқариш жараёнларидаги муҳим бўлган материал ва буюмларни ёки аҳоли истеъмолдаги айрим товарларнинг истеъмолини рағбатлантириш мақсадида бундай товар ва маҳсуло(хизмат)ларга бюджет трансфертларини ажратиш ва шу каби ҳолатлар орқали молиянинг рағбатлантириш функцияси намоён бўлиб боради. Иқтисодиёт ҳеч қачон бир маромда ривожланмайди, унинг айрим жиҳатларини доимий равишда тартиблаш ёки рағбатлантириб туришни тақозо этадики, бу жараёнда солиқлар билан биргаликда молиявий механизмлар ҳам доим асосий инструмент сифатида юзага чиқади ва бу эса молиянинг рағбатлантириш функциясини тавсифлайди. (Сизнинг фикрингизча молия қандай функцияларни бажаради? Келтирилган функцияларга муносабатингиз? Бу ҳақда мушоҳада қилиб кўришга етарлича асос бор!).

Қайд қилиш лозимки, молиянинг функциялари хусусида гап кетганда албатта уларнинг барқарорлиги ва ўзгарувчанлигини хусусида тўхталиб лозим бўлади, сабаби бу молиянинг функцияларининг ўзаро фарқланиши англашга имкон беради. Молиянинг тақсимлаш(ёки қайта тақсимлаш) функцияси бу домий характерга эга бўлиб, унинг мазмунидан келиб чиқиб, кейинги функцияларининг даражаси белгиланади. Олайлик, тақсимланиш жараёни объектив равишда амалга оширилса, молиянинг тартибга солиш ва рағбатлантириш функциясининг роли камаяди, аммо, молиянинг функцияси доим бир хил тартибга эга бўла олмайди, ўз навбатида бунга давлатнинг молиявий сиёсати ҳам таъсир этиб туради. Шу билан биргаликда молиянинг рағбатлантириш функциясининг ҳаддан зиёдлашуви иқтисодиётда боқимандалик ҳолатни келтириб чиқаради, албатта, бу жараён эса молиянинг тартибга солиш функцияси орқали мувофиқлаштирилиб борилади. Ўз навбатида молиянинг назорат функцияси сусайса эса, пул фондларининг номақбул тарзда тақсимланишига олиб келиши мумкин, чунки, молиявий назорат маблағларнинг самарали ёки самарасиз тартибда фойдаланиш жараёнини кўрсатиб беради ва тақсимланишни мувофиқлаштириб боради. Демак, айтилганлардан шунини хулоса қилиш мумкинки, молиянинг функциялари ўзаро боғлиқ ҳолда ва бир-бирини тўлдириб бориш тартибида амал қилади ва уларнинг амалий кўриниши ва уларнинг таъсир доираларига албатта давлатнинг молиявий сиёсати таъсир қилиб туради.

#### **2.4. Молия фанининг ривожланиш жараёни ва молия масалаларининг иқтисодий назариялардаги талқини**

Молия категорияси ва молия тизимининг ривожланиш жараёнларини акс эттирувчи айрим адабиётларда<sup>28</sup> молия фанининг ривожланишини XV асрда шимолий Италияда иқтисодий назария фанининг бир вақтда юзага келганлиги ва бунда Италияда савдо капитали ва меркантилизм(бойликнинг асоси савдо ва иқтисодий тараққиётни белгилловчи бош омил деб ҳисоблайдиган иқтисодий оқим) ғояларининг хуукронлик қилиши даври билан изоҳлайдилар. Италияда молия фани ва амалиётининг ривожланишида бу даврда неополитан Қиролигининг молия хўжалиги бошқарган ва меркантилизм вакиллари билан бўлган Диомеде Карафа ўз даврида молиянинг ривожланишига катта ҳисса қўшди. У давлат харажатларини асосан уч гуруҳга: мудофаа давлат бошқаруви ва фавкулотда талаб қилинадиган харажатларга бўлиб, унинг илмий ва амалий асосларини кўрсатиб берди, ўз навбатида ўзидан аввал ўтган ватандоши файласуф Фома Аквинский сингари давлатнинг асосий даромад манбаи доменларга(доменлар ҳақда юқорида тўхталиб ўтилган) алоҳида эътибор бера бошлади. XVI асрда француз

<sup>28</sup>Қаранг: Пушкарева В.М. История финансовой мысли и политики налогов. М.: Инфра-М. 1996, 192 с., Учебник финансового права. Иловайский С.И. - Одесса, - 1904г. // Allpravo.Ru -2005. с.375., Холдский Л.В. Основы государственного хозяйства. Курс финансовой науки, СПб., 1913. с. 344., Янжул И.И., Основные начала финансовой науки. с. 452., Нитти Ф. Основные начала финансовой науки, М., 1904. с. 278., Косса Л. Основы финансовой науки, М., 1900, с. 310., Эсберг К.Т. Очерки финансовой науки, Ярославль, 1893, с. 248.

иқтисодчи олими Ж. Боден (1530-1597) ўзининг "Республика ҳақида беш китоб" асарида давлат молиясининг асосий даромади сифатида етти хил турдаги манбани кўрсатиб берган бўлиб, ушбу манбалар сифатида доменлар, ҳарбий ўлжа, дўстлик мамлакатларидан совғалар, иттифоқчилардан йиғимлар, савдодан олинган даромадлар, мамлакатга кириш ва чиқиш(жумладан товарлардан)дан йиғимлар ҳамда босиб олинган давлатлардан ўлпонлар каби манбаларни кўрсатиб берган ҳолда солиқларнинг даромад манбаи сифатида бўлишига қарши бўлган. Ж. Боден меркантилистлар вакили сифатида давлатнинг асосий даромад манбаи доменлар ва бож тўловлари бўлишига, зарур ҳоллардагина солиқлардан фавкулотда ҳолат тарзида даромад манбаи сифатида фойдаланиш мумкин деб ҳисоблаган ва ушбу иқтисодий оқим намоёндалари сифатида биринчилардан бўлиб, давлатнинг даромадлари ва харажатлари тизимини давлат хўжалигидаги ролини очиб берди. Аммо, доменлар ва релегиялар давлатнинг асосий манбалари бўлиб қолиши қийин ҳолат эди, шу боисдан ҳам Европада давлат молиясининг асосий даромад манбаи солиқлар бўлиши лозимлиги ҳақидаги янги ғоялар илгарилаб бошлади ва бу ғоялар аста секинлик билан давлатларнинг молия сиёсатида асосий роль ўйнай бошлади. Айниқса бу жараён XVII асрда кучая бориб бу назария асосан инглиз файласуфи Т. Гоббс ва иқтисодчиси Д. Локк томонидан илгари сурила бошланди. Д.Локкнинг қарашларининг амалий ифодаси сифатида эгри солиқлар ўрнига тўғри солиқларни ундириш жараёнлари куча бошлади ва молия-солиқ назарияларида эгри ва тўғри солиқларнинг давлат молиясининг даромад манбаи сифатидаги ролига оид илмий баҳслар ривожлана бошланди.

Европада молия фанининг ривожланишида XVII—XVIII асрларда Германияда ривожлана борган камерализм тадқиқотчилари(камерализм лотинча "camera" сўзидан олинган бўлиб, давлат бойлиги, ғазнаси, омбори деган маънони бериб, асосан бу давлатга тегишли хўжаликни тадқиқ қилувчи, асосан сарой мол-мулки ва бойликлари билан шуғулланган ҳамда давлатнинг молиявий фаолиятини бошқариш фани сифатида танилган)давлат мулки ва бойлигини бошқариш жараёнлари билан биргаликда унинг молиявий асосларини ҳам тадқиқ этиб борди, улар ўша вақтдаги Германия иқтисодиётининг бошқа европа давлатлари ичида орқада қолишининг асосий сабаблари сифатида давлат асосий даромад манбаи сифатида доменларга таяниб қолганлиги деб кўрсатиб беради. Камералистлар вакиллари билан Л. фон Секендорф (1626-1692) халқ хўжалиги, давлат фаровонлиги ва солиқларни ундиришнинг ўзаро боғлиқлигини асослаб бериш бирга у молиявий бошқарувнинг асосий тамойилларини кўрсатиб берди. Шунингдек, ушбу оқимнинг вакили бўлган Ф. Юсти ўзининг "Молия хўжалик тизими" асари орқали молия фанининг асосий хусусиятларини кўрсатиб берди ва рус олими И.Янжулнинг фикрича, Ф. Юсти молия фанининг "отаси"га айланди. XVIII асрнинг иккинчи яримгача асосий иқтисодий қарашлар сифатида хумронлик қилган физиократлар намоёндалари Ф. Кенэ, А. Тюрго, О. Мираболар эса молия фани ва иқтисодий назарияни ўзаро боғлиқ ҳолда тадқиқ қилди,

Ф.Кенэ томонидан тузилган машхур иктисодий жадвали орқали ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг узлуксизлиги ва унда истеъмол, айрибошлаш ҳамда тақсирот муносабатларининг боғлиқлик даражасини асослаб бериш билан бирга давлат молиявий таъминотида асосий даромад манбаи-ягона ер солиғидан иборат бўлиши лозим деган ғояни илгари суради. Булардан кейинги босқичларда эса молия ва солиқ назариясига салмоқли ҳисса қўшган классик иктисодиёт номояндаларидан бўлган Адам Смит ўзининг "Халқлар бойлигининг табиати ва унинг келиб чиқиш сабаблари" бешта китобдан иборат бўлган охириги бешинчи китобини айнан давлат молиясида даромадлар ва харажатларни тадқиқ қилади. А.Смитнинг бу асарининг бешинчи китоби учта қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисмида давлат даромадлари, кейинги қисмида эса давлат харажатлари ва охириги бўлимида давлат қарзлари масалаларини таҳлил қилиб беради. А.Смит давлатнинг тадбиркорлик фаолиятига қарши чиқиб, давлатнинг асосий даромадлари сифатида корхоналари ва мулкдан келадиган даромадлар(капитал даромадлар) ҳамда солиқлардан иборат бўлиши лозимлиги кўрсатиш билан бирга давлат молия хўжалигининг ўзини ҳам унинг харажатлари нуктаи назаридан давлат ва муниципал(маҳаллий) даражадаги молия шаклида амал қилиш лозимлигини асослаб беради. XVII-

XVIII асрларда француз ва инглиз иктисодчилари томонидан молия фанининг назарий асослари яратилиб, тадқиқотларда бу масалага эътибор кучайиб борган бўлса, XVIII асрнинг охирилари ва XIX асрнинг бошларига келиб немис иктисодчилари томонидан молия фанининг ривожланишида кесин бурилиш ясалди, молиянинг муаоммаларини бошқа иктисодий фанлар билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этиш кучайиб борди, мамлакатнинг йирик университетларида давлатнинг молиявий хўжалик фаолиятини билан бирга молиянинг иктисодиётга таъсири масалалари билан шуғулланувчи алоҳида кафедралар ташкил этила бошланди.

Айниқса бундай тадқиқотлар немис олими К. Г. Рауниинг "Молиявий фанларнинг бошланиш асослари" номли асарида кенг ўрин олиб, бу асар нафақат Германиядаги, балки, европанинг бошқа давлатларида молия фанини тадқиқ этиш жараёнига катта таъсир кўрсатди ва бу асар Россияда ҳам молия тадқиқотларига оид ишларни жонланттирди. Ушбу асарда давлат даромад манбалари маълум бир боғлиқликда гуруҳланиб, давлат харажатларининг асосий йўналишлари, давлат бюджетини тузиш тамойиллари ва давлат харажатлари ва даромадларининг давлат қарзларига боғлиқлик даражаси ҳамда давлат молиясини бошқаришнинг умумий тамойиллари тизимлашган ҳолда биринчи бўлиб таҳлил этилган эди. XIX асрнинг биринчи ярмида швейцариялик олим Ж. Сисмонди (1773-1842) ва Берлин университети профессори А. Вагнерлар (1835-1917) томонидан молия фанининг ривожланишига катта ҳисса қўшилди. Ж. Сисмонди ўз тадқиқотларида асосан давлатнинг бюджетининг даромад манбалари ва уларни давлат томонидан бошқарилиш масалалари ўрганилган бўлса, А.Вагнер эса давлат хўжалигини бошқариш ва унинг афзалликларини асослаб берди. А.Вагнер

ўзининг 1888 йилда ёзган "Молия фани ҳақида" номли асарида давлат бюджетининг даромад манбалари сифатида солиқлар, бож тўловлари, давлат харажатлари ҳамда молия фанининг тузилиш асослари каби масалаларни ёритиб берди. Бу даврдаги молияси олимлардан Австриялик Э. Сакснинг илмий тадқиқот ишларида молия фани сиёсий иктисод каби халқ хўжалигининг ва илмий тадқиқотларнинг марказида бўлиши лозимлиги ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатиб берди(чунки, бу даврларда сиёсий иктисод фанининг муаммолари иктисодий тадқиқотларда катта мавқега эга эди).

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Италиялик олим Ф. Нитти томонидан чоп этилган "Молиявий фанларнинг бошланиш асослари" номли асар молия фанининг мураккаб фан сифатида ўз илмий тадқиқот объектига эга эканлигини кўрсатиб берди. XIX асрнинг охириларида европа университетларида тадқиқотлар ўтказган ва таҳсил олган америкалик иктисодчи Э.Селигман ўз тадқиқотларида даромадларни солиққа тортиш, прогрессив солиққа тортиш афзалликлари, солиқларнинг ўзаро юкланиши каби масалалар билан бирга давлат даромад турларини гуруҳлаштирди, давлат кредитининг давлат молиясидаги тутган ўрни ва иктисодиётни тартиблашдаги аҳамияти ҳамда маҳаллий молия муаммоларини ҳам алоҳида тадқиқ этди.

XX асрнинг бошларида Италияда молиявий фанларнинг ривожланишига молиячи олим Л.Косса салмоқли ҳисса қўшди. Унинг 1896 йилда чоп этилган "Молиявий фанларнинг асослари" номли асарида молия фани бу-давлат мулкчинини бошқариш назариясидир деб таъкидлаган ва бу асарида давлатнинг мулки бўлган бюджет даромадлари, давлат харажатлари ва давлатга тегишли мулклардан самарали фойдаланиш(даромад олиш)нинг йўллари кўрсатиб беради ҳамда молиявий фанларнинг сиёсий иктисод фани билан ўзаро боғлиқлик ва фарқли жиҳатларини ҳам асослаб беради. Бу даврда француз олимлари Ж.Б. Сей ва Ф. Бастиалар эса молия борасидаги А.Смит томонидан илгари сурилган ғояларнинг асослиги эканлигини асослаб, давлатнинг иктисодиётга аралашувида молиявий дастаклардан қандай фойдаланиш масалалари ҳамда давлат томонидан солиқ юқини бошқариш(аниқроғи камайтириш)нинг иктисодий асосларини кўрсатиб беради. Ўз навбатида бошқа бир француз олими П. Леруа-Болье эса давлатнинг хўжалик фаолиятига(тадбиркорлик фаолиятига) қарши чиқиб, йирик капитал эгалари манфаатларини ҳимоя қилади, прогрессив солиққа тортиш жараёнини танқид қилиб, молия фани бу асосан давлат даромадлари билан шуғулланиши керак деган тезисларга асосланади. Бошқабир француз олими профессор Г. Жез эса молия муносабатларининг ҳуқуқий асослари борасида йирик тадқиқотларни амалга оширди. Шу билан бирга унинг "Бюджетнинг умумий назарияси" номли асари бу даврда давлат бюджетини бошқариш борасидаги йирик тадқиқотлардан бири бўлиб, ушбу китоб 1930 йилларда собиқ иттифоқ даврида ҳам рус тилига бир неча марта таржима қилинган.

XX асрнинг иккинчи ўн йилликларидан бошлаб, дунё молия фанларининг ривожлантирилиши асосан давлатнинг бюджетини тузиш, давлат молиясини бошқариш, давлат қарзларини бошқариш, давлатнинг иқтисодиётга аралашувида молиявий дастаклардан фойдаланиш борасидаги тадқиқотлар асосида кечди. Бу вақтда инглиз иқтисодчиси ва молиясичи А.Лигу томонидан 1927 йилда чоп этилган “Давлат молиясидан тажрибалар” номли асарида давлат харажатлари, солиқлар ва давлат қарзларининг ўзоар боғлиқлик масалалари ва уларни бошқариш йўллари ифодалаб берилди. Ўз навбатида яна бир инглиз молиячиси К.Т. Эберга томонидан “Молиявий фанлар очерки” номли асари эълон қилиндики, бунда молия фани бу асосан давлат молиясини бошқариш фани эканлигини асослаб берди, давлат ва унинг хуудларидида бюджет харажатларидан самарали фойдаланиш ва уни баҳолаш кўрсаткичларини ифодалаб берди, давлат бюджетининг даромадлари, харажатлари ва давлат кредити масалаларини боғлиқ ҳолда тадқиқ этди.

Шундай қилиб, ўтган асрнинг бошларига келиб, молия фанини буфақат давлат хўжалиги билан шуғулланидган фан эмаслиги, у бутун иқтисодиёт билан боғлиқлигини ва сиёсий иқтисод фанидан алоҳида фан сифатида шакланганлиги, қолаверса, ушбу фан сиёсий иқтисод, давлат ҳукуқи ва давлат сиёсати каби фанларнинг умумий тамойилларига асосланиш лозимлиги асослаб берилди ҳамда уни умумий тартибда давлатнинг молиявий фаолиятини бошқариш масалаларини камраб олиниш лозимлиги каби масалалар ёритилди ва исботлаб берилди.

Европа молия фани ва унинг муаммолари бўйича амалга оширилган амалий жараёнлар ва назарий тадқиқотлар кейинчалик Россияга ҳам кўчиб, бу ерда ҳам молия назарияси билан боғлиқ бир қатор йирик тадқиқотлар амалга оширила бошланди. Бу даврда молия ва солиқ назариясига бағишланган атоқли рус олими Н.Тургеновнинг 1818 йилда “Солиқ назариядан тажрибалар” номли, профессор И. Горлова томонидан 1841 йилда “Молия назарияси” номли, профессора В.А. Лебедевнинг “Молиявий ҳуқуқ” номли, П.П. Мигулиннинг “Рус давлат кредити” номли, профессор А.А. Исаевнинг “Солиқ назарияси ва сиёсатидан очерклар” ва “Бизнинг молия ва даромад солиғи” номли, Н. Яснопольскийнинг “Россияда давлат даромадлари ва харажатлари географик тақсимланиши” номли ва шу каби молия, солиқ назарияси ва амалиётга бағишлаган асарлар пайдо бўлди. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида рус олимларининг молия ва солиқ соҳасидаги изланишларида Европа давлатларининг солиқ ва молия механизmlарини тадқиқ этишга оид бир қатор илмий тадқиқот ишлари амалга оширилди. Чунки, Россияда молия ва солиқ масалаларини тадқиқ этишга Европа давлатларидаги жараёнлар ва илмий тадқиқотлар катта таъсир қилган эди. Шу масалага доир И.И. Янжул томонидан 1898 йилда “Англияда даромад солиғи”, И.Х. Озеров томонидан 1899 йилда “Германияда тўғри солиққа тортишни ривожланишининг муҳим даврлари”, 1907 йилда П.Гензелнинг “Англияда мерос солиғи”, 1908 йилда М. И.

Фридманнинг “Истеъмол товарлари учун замонавий солиқлар”, В.Твердохлебовнинг “Гарбда шахар мол-мулкани солиққа тортиш”, М.А. Курчинскийнинг “Пруссия шахарларида солиқ тизимининг эволюцияси ва шахар молияси” номли ва шу каби асарлар эълон қилинди.

БевоСИта молия фани муаммоларига бағишланган тадқиқотларни ривожлантиришда эса рус молия ва солиқ назарийтчи ва амалиётчилари олимлари бўлган М.И. Боголепов А.И. Буковецкий, П.П. Гензель, И.М. Кулишер, В.Н. Твердохлебов, Г.Я. Сокольников, М.Г. Вронский, И.И. Янжул, А.И. Буковецкий, И.Х. Озеров, Н.Тургенов, В.А. Лебедев, П.П. Мигулин, Н. Яснопольский, В.М. Пушкирева, Л.В.Ходский, С.И. Иловайский ва шу кабиларнинг тадқиқотлари алоҳида аҳамият касб этди. Ушбу олимлардан М.И. Боголеповнинг “Давлат қарзи”, С.И. Иловайскийнинг “Молия ҳуқуқи”, И.И.Янжулнинг “Молия фанларининг бошланиш асослари”, Л.В. Ходскийнинг “Давлат хўжалигининг асослари”, И.Х. Озеровнинг “Молия фанларининг асослари”, А.И. Буковецкийнинг “Молия фанларига кириш”, М.Г. Вронскийнинг “Молия сиёсати” каби асарлари бевоСИта Россия иқтисодиётида молиянинг тутган ўрни, давлатнинг молиявий сиёсати, унинг ҳуқуқий асослари, давлат даромадлари, харажатлари, кредитлари ҳамда давлат мулкани бошқариш масалаларига бағишланди.

Россияда октябрь революцияси амалга оширилгандан сўнг собиқ совет давлати томонидан амалдаги молия тизимига анча ўзгартиришлар киритилди ва бу жараёнларнинг ҳолатини акс эттирган илмий тадқиқот ишлари ҳам амалга оширилди. Жумладан К.Ф. Шмелев томонидан 1928 йилда “Солиқ оғирлиги муаммолари”, 1925 йилда А.Д. Тривуснинг “Солиқлар - иқтисодий сиёсатнинг муҳим курали”, В.В. Дитманнинг 1930 йилда “Солиқларнинг юкланиши”, Г.Я. Сокольников томонидан уч томдан иборат бўлган ва ўша даврда советлар томонидан амалга оширилган Янги иқтисодий сиёсатнинг молиявий жиҳатларини ўзида акс эттирган “Революциянинг молиявий сиёсати” номли асари чоп этилди. Собиқ советлар даврида молия муносабатларининг ривожланиши ва унга оид илмий қарашларга социализм гоЯларига бўйсиндирилиши асосан 1937-1938 йиллардан бошлаб амалга оширила бошланди, энди молиянинг моҳияти ва унинг амалий қурилишига синфий нуқтаи назардан ёндошувлар кучайиб борди. Бу даврга келиб, иқтисодиётда мулкый таркибда ижтимоий мулк 98,7 фоизни қолган 1,3 фоиз мулк эса колохозчилар ва майда хунармандлар мулкидан иборат бўлиб<sup>29</sup>, энди молиянинг асоси бўлган тақсимот механизmlари ҳам ўзгарди, аммо, давлат бюджети ва унинг даромадлари сифатида солиқлар(гарчи советлар уни буржуазия унсури ва эксплуатация курали деб қарасада) асосий улушни сақлаб қолди. Молия борасидаги турли баҳслар ва уларга оид илмий тадқиқотлар ҳамда молиянинг амалий жараёнларининг асослари белгилаб берилди ва унга кўра молияни пул муносабатлари тизими сифатида қиймат қонунига боғлиқ ҳолда қараш ва ўрганиш лозимлиги усутвор бўла бошлади.

<sup>29</sup><https://ru.wikipedia.org/wiki/Финансы>.

Сабаби социализмнинг иқтисодий асослари сифатида К.Маркснинг қиймат қонунига таянила бошланган эди. Шунингдек, молияни давлат ишлаб чиқариш сектори ва колхоз-кооператив секторидоги ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги боғлиқликда қараш белгилаб берилди<sup>30</sup>. Молияга ёндошувнинг синфий ва мулкый асосда ёндошилиши натижасида эса молия муаммолари билан назарияларда ҳам уч хил ёндошувга эга бўлган йўналишлар пайдо бўлди. Биринчи йўналишдаги олимларнинг қарашлари(масалан, Д.В.Дьяченко бошчилигидаги олимлар) тақсимланиш концепцияси деб ном олди ва улар молиянинг асосий моҳияти ва масалаларини тақсимот муносабатларига асосланган ҳолда ўрганишга киришди ва молиявий муаммоларнинг асосий йўналишлари ҳам молиянинг тақсимот хусусияти билан боғланиш деган ғояни илгари сурди ва бу молия тарихида "Москва мактаби" деб ном олди. Бу концепцияга қарши ўларок, "Ленинград мактаби" деб ном олган такрор ишлаб чиқариш концепциясига асосланган (бу концепциясининг асосчиси А.М.Александров ҳисобланади) қарашларга эга бўлган молиячи олимлар эса молиянинг моҳияти ва унинг муаммолари такрор ишлаб чиқариш жараёнида юзага келади ва шундай тартибда ёндошиш лозимлигини асослайдилар. Шунга асосланган ҳолда ушбу концепция вакиллари молияга жамият манфаатларини қондиришга қаратилган турли хил пул фондларини шакллантиришга қаратилган халқ хўжалигида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш фондларининг доиравий айланиши билан боғлиқ пул муносабатлари сифатида таъриф беради<sup>31</sup>.

Бу йўналишдаги учинчи концепция эса ҳуқуқий концепция деб ном олган бўлиб (бу концепциянинг асосчиси Э.А.Вознесенский) ҳисобланади. Улар молия ва унинг муаммоларини аввало қиймат(пул муносабатлари) билан боғлиқ, бошқа томондан эса давлат томонидан тартибга солинадиган пул муносабатларига молия билан боғлиқлигини таъкидлайди ва уни асослайдилар. Уларнинг концепциясининг асосида молиявий муносабатларда қатъий шаклдаги пул муносабатлари ётади деб ҳисоблайдилар. Бу концепцияга асосланган собиқ иттифоқ молиясида қатъий тартибдаги пул муносабатларини тартиблаш ва уни қаттиқ назорат олиш ҳам ишлаб чиқариш секторида ҳам ноишлаб чиқариш секторида амалга оширила бошланди. Аммо, бу айтиб ўтилган концепцияларнинг моҳиятида молиянинг тақсимот ва ишлаб чиқариш характердалигини асословчи ғояларидан ташқари ёндошувлари ишлаб чиқаришни бир қолипга солиб қўйишга, ишлаб чиқаришдаги пул фондларини шакллантириш ва тақсимлашнинг директив тартиблари оқибатда иқтисодиётнинг ривожланишига тўсик бўла бошлади ва 80-йилларга келиб унинг салбий таъсири кучайиб борди, провардида эса иқтисодиётда кескин тушқунликни келтириб чиқарди.

<sup>30</sup>Бу асосан Собиқ СССР Молия вазирлигининг Ўқув муассасалари Бошқармаси томонидан 1944 йилда молиянинг назарий ва амалий масалаларига бағишланиб ўтказилган баҳсли мажлиси якуни бўйича умумий хулосаларда белгилаб берилди.

Ўзбекистонда мустақилликнинг қўлга киритилиши ва бозор муносабатларининг қарор топиши билан республикада молия масалаларини ўрганишга бўлган ёндошув объектив иқтисодий жараён, ҳодиса ва воқеяликларнинг ички қонуниятларини эътиборга олган ҳолдаги объектив ёндошувларга ҳам туртки берди. Бу борада республикамизнинг молия ва солиқ тизимининг янги тартиб ҳамда мазмундаги назарий асослари профессор А.В. Ваҳобов, профессор Т.С.Маликов, профессор Н.Х.Ҳайдаров, профессор А.Ўлмасов, профессор О.Олимжонов, профессор О.Иминовлар томонидан яратиб бериб келинмоқда.

#### Таянч сўз ва иборалар:

*Молия, пул фондлари, марказлашган пул фондлари, марказлашмаган пул фондлари, эрарий, домен, регалия, "Байт ал-мол", Дефон тизими, саррофлар, "Тамга", ялпи ички маҳсулот, миллий даромад, қиймат, молиявий операциялар, молиявий кўрсаткичлар, молиявий муносабатлар, пул фондлари, марказлашган пул фондлари, марказлашмаган пул фондлари, тармоқ пул фондлари, тақсимот, молия функциялари, камерализм.*

#### Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Молиянинг юзага келишининг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларини изоҳлаб беринг.
2. Молия категориясининг луғавий ва иқтисодий маъносини айтиб беринг.
3. Домен ва регалия нима? Уларнинг давлат молиясида қандай ўрни бўлган?
4. Молиянинг араб давлатларида юзага келиши ва унинг ривожланиши қандай бўлган?
5. Ўзбекистон заминиди пайдо бўлган қадимги ҳамда ўрта асрлар даврида амал қилган давлатчилик шаклларида молия тизимининг ўзига хос хусусиятларни ёритиб беринг.
6. Молия қанақа белгиларга эга?
7. Молиянинг функция ва вазифаларини изоҳлаб беринг.
8. Пул фондлари нима? Уларнинг қанақа турлари мавжуд?
9. Молия категорияси ва молиявий муносабатларнинг ўзаро боғлиқлигини тушунтириб беринг.
10. Европада молия фанининг ривожланиши хусусиятларини изоҳланг.
11. Молия муносабатларининг иқтисодий назариялардаги талқини ва унга ёндошувларни айтиб беринг.
12. Собиқ иттифоқ даврида молиянинг ўзига хос хусусиятлари ва унга оид ёндошувлар қанақа хусусиятга эга эди?

<sup>31</sup>А.М. Александров. Финансы социализма. — М: Финансы, 1965. с. 27-28.


### 3-БОБ. МОЛИЯ ТИЗИМИ

#### 3.1. Молия тизими тушунчаси ва унинг таркиби

Иқтисодиётда амал қиладиган ҳар қандай муносабат тизим шаклида амал қилади. Тизим бу муносабатлар ички элементларининг ўзаро боғлиқ, бир-бирини тўлдирган шаклда амал қилишини билдиради. Тизими бу грек тилидан олинган бўлиб, "σύστημα — бутунлик, қисмлардан иборат, бирлашиш" деган маънони беради. Тизимнинг асосий шарты бу унинг элементларининг икки ва ундан кўп бўлиши ва уларнинг ўзаро боғлиқ ҳолда тизимнинг фаолиятини таъминлашдан иборат. Шунинг учун ҳам тизим бош категория ва муносабат сифатида мавжуд бўлиб, унинг элементларининг ҳар бирининг ўзи ҳам тизими сифатида амал қилади. Тизим тушунчаси муносабатларни изоҳлашда бош категория сифатида уйғунлаштирувчи вазифани ўтайди ва шу туфайли ҳам тизим таркибига кирувчи барча элементларни битта жойга тўплайди. Ўзбекистон миллий энциклопедиясида. 6-жилдида молия тизими— иқтисодиёт пул секторининг бир қисми, молия амалиёти сифатида келтирилган. Шунингдек, ушбу манбада молия тизими фақат молия муносабатларини эмас, балки молияга тааллуқли сиёсий, ташкилий муносабатларни ҳам қамраб олишиги ва унинг таркиби эса а) молия объектини ҳосил этувчи пул фондлари ёки молия ресурслари; б) корхоналар, хонадонлар, давлат идоралари ва нодавлат ташкилотларидан иборат молия муносабатларининг субъектлари — иштирокчилари; в) молия механизми, яъни молия муносабатларида қўлланиладиган ва пул билан боғлиқ воситалар (фойда, зарар, рентабеллик, ликвидлик, бюджет, бюджетдан ташқари фондлар, субсидия, субвенция, дотация, санация, молия нормативлари, молиявий санкциялар; г) молия ин-тлари ва давлатнинг молия идоралари (молия компаниялари, молия жамғармалари, молия вазирлиги, унинг маҳаллий бўлинмалари, солиқ идоралари, ғазначилик хизмати, солиқ полицияси ва бошқар.); д) молия бозори — фонд бозори, суғурта хизмати бозори, валюта бозори; е) молия сиёсати — иқтисодиёт субъектларининг молияга оид йул-йўриқлари ва ҳатти-ҳаракатларидан иборат бўлишиги кўрсатилган<sup>32</sup>.

Келтирилган расмдан кўринадики, молия тизими асосан йирик тўрт элементлар: солиқ тизими; молия механизми; молия сиёсати; молия шакллари кабилардан ташкил топади. Ўз навбатида ҳар бир йирик элементларнинг ўзи ҳам яна элементларга бўлинган ҳолда тизимлашиш жараёни давом этади. Шунингдек, ушбу элементлар ўзаро бир-бирига боғланган бўлади. Масалан, молиянинг шакллари таркибидаги турли даражадаги фондлар бўлмаса, молия тизимининг бошқа элементларининг моҳияти йўқолади ва улар амал қилиши молиянинг моҳиятини ифодала олмайди, гарчи пул фондлари бўлмасда молиявий муносабатлари бўлиши мумкин, аммо, юқорида кўриб ўтганимиздек, барча пул муносабатлари бу

молия дегани эмас, шунинг учун ҳам пул фондлари бўлмаса молия категориясининг мазмуни йўқолади, ўз навбатида молия сиёсати бўлмаса, бундай пул фондларини ташкил этиш амалга оширилмайди, молиявий муносабатлар стихияли тарзга эга бўлиб қолади, бундай ҳолда молия менежментига ҳам ҳожат қолмайди, агар пул фондлари бўлмаса уларни ташкил этишни ва маблағларни тақсимлашга хизмат қилувчи молиявий инструментлар ва молиялаштириш усулларининг объекти йўқолади.



2-расм. Молия тизими ва унинг таркибий тузилиши.

Шу жиҳатдан олганда молия тизимининг элементлари ўзаро бир-бирига боғлиқ ва бир-бирини тўлдириб туради. Ушбуларга асослананиб молия тизими деганда турли даражадаги пул фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ барча муносабатларни ўзида акс эттирувчи элементларнинг ўзаро боғлиқ ҳолда бир-бирини тўлдириш тартибда амал қилиш жараёни тушунилади.

Маълумки, молия тизими ҳам маълум бир тамойиллар асосида амал қилади. Молия тизимининг тамойиллари унинг элементларининг умумий тартибда ривожланиши ва кечинининг умумий йўналишларини белгилаб

<sup>32</sup>Қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 6-жилд. Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2003. - 705 Б.

беради. Шу билан биргаликда ҳар бир элементнинг ўзи ҳам ўз ички тамойилларга асосланган ҳолда мавжуд бўлади. Ҳар қандай жараён ва ҳодиса эса маълум бир тамойиллар асосида амал қилади. Иқтисодий адабиётларда молия тизимининг тамойиллари хусусида кам ёритилади. Баъзи адабиётларда эса<sup>33</sup> молия тизимининг тамойиллари сифатида ягоналик(молиянинг барча бўғинлари ягона тизим асосида амал қилиши), баланслилик(даромадлар ва харажатлар баланслигини таъминлаш, бир соҳадаги пул маблағининг бошқасига ўтиши ва унинг моддий ва ижтимоий хизматлар тартибида қайтиши), диверсификалашув(молиявий манбалар догматик бўлмаслиги, унинг манбалари янгиланиш хусусиятига эга бўлиши), мақсадга йўналтирилганлик(пул фондларининг маблағларини шакллантириш ва уларнинг сарфланиши аниқ мақсадга қаратилган бўлиши) ҳамда даврий ташкилийлик(молиявий фондларни шакллантириш, молиявий стратегиялар даврий жиҳатдан қисқа, ўрта ва узок муддатли бўлишлиги) каби тамойилларни келтириб ўтади. Бироқ, молия тизимининг тамойиллари сифатида бу келтирилган тамойилларнинг барчасини ҳам молияга умумий тамойил бўлади деб ҳисоблаш бироз бахслидир. Масалан, пул фондлари, айниқса давлат бюджети ҳамма вақт ҳам балансли бўлмайди, баъзи ҳолларда унинг даромад қисми харажатлар қисмидан ошса, баъзи вақтларда бунинг тескариси содир бўлади. Ёки диверсификациялашув тамойилида ҳамма вақт ҳам даромад манбаларини диверсификациялаштириб бўлмайди, бундай тамойилга тўлиқ амал қилиш давлат бюджетида даромадларнинг кўпайишини таъминласада, аммо, солиқ юқининг ва солиқ турларининг ошишига олиб келади, аслида бундай тамойилдан корхоналар доирасидаги пул фондларига нисбатан қўллаш тўғрироқ бўлади, сабаби корхона даромад манбаларини қанча кўпайтирса, унинг молиявий барқорорлигига ижобий таъсир қилади. Таъкидлаш жоизки, молия тизимининг тамойиллари назарий ҳолат бўлиб, уни молиявий қонунларда учратиш кийин. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексиди(унга қадар амал қилган "Бюджет тизими тўғрисида"ги Қонунда ҳам) молия тизими, молия тизимининг тамойиллари ҳақида умуман нормалар ва тушунчалар келтирилмаган ҳолда бюджет тизими ва бюджет тизими принциплари ҳақида тушунча ва нормалар келтирилган. Молия тизими ва солиқ тизимининг тамойиллари бир-бирига ўхшаш ҳисобланади. Солиқ тизимининг тамойиллари ва солиққа тортиш тамойиллари эса мазмунан фарқланади(бу ҳақда кейинги бобларда алоҳида тўхталиб ўтилади).

Молия тизимининг тамойиллари сифатида эса қуйидаги: ўзаро боғлиқлик тамойили, бир-бирини тўлдириш тамойили, мослашувчанлик тамойили, нисбий устунлик тамойили ва шу каби тамойиллар амал қилади. Молия тизимининг ўзаро боғлиқ тамойили молия тизимининг барча бўғинларининг ўзаро боғлиқ ҳолда амал қилишини ифодалайди, агар, молия тизими

<sup>33</sup>Қаранг: Милляков Н.В. Финансы. Учебник. М.: "Инфра-М", 2004.- с. 12.

элементлари ўртасида боғлиқлик ва мувозанат бўлмаса, у ҳолда молия тизими ишдан чиқади ва унинг самарадорлиги йўқолади, натижада давлат фаолиятида жиддий муаммолар келиб чиқади. Шунинг учун ҳам молия тизимининг энг асосий тамойили ўзаро боғлиқликда ривожланишдир. Молия тизимининг бир-бирини тўлдириш тамойилининг биринчи тамойилдан фарқи шундаки, молия тизимининг бир элементининг сусайиши(сусайтирилиши, камайтирилиши) ёки оширилиши бошқа элементлар орқали мувофиқлаштирилади. Масалан давлат ўз фаолиятида марказлашган пул фондларини камайтириш ёки кўпайтириши эса молия сиёсати ва молия механизми орқали мувофиқлаштирилади, яъни, янги ташкил қилинган пул фондининг молиявий манбаларини молия сиёсати(фискал) сиёсати орқали аниқланса, молиявий механизмлар орқали эса ушбу фонднинг даромадлари амалда шакллантирилади, ўз навбатида янгидан ташкил этилган янги фонд орқали молиялаштириладиган жараёнлар эса бошқа бир фондлардан молиялаштириш объектдан чиқарилади. Бу ерда шу нарсани кўриш мумкинки, молия тизимида бир-бирини тўлдириш ва мувофиқлаштириш тамойили амал қилади.

Молия тизимининг мослашувчанлик тамойилининг моҳияти шундаки, молия тизимининг элементлари қтоиб қолган ҳолда(догматик тарзда) бўлмайди ва улар жамият ва унинг иқтисодий жабҳасидаги жараёнларга мослашиб боради. Агар, иқтисодиётда депсиниш, пасайиш ва инқирозлар кузатилса, у ҳолда молия сиёсати ва молиявий бошқарувда ўзгарувчанлик кучайиши талаб этилиб, молия тизимининг ушбу элементлари иқтисодий ҳолатга мослашган ҳолда амал қилиши талаб этилади, ўз навбатида бундай мослашувчанлик бошқа элементларга ҳам маълум даражада таъсир қилади. Молия тизимининг яна муҳим тамойиллари қаторига нисбий устунлик тамойилини ҳам қиради. Бу тамойилнинг моҳияти шундаки, молия тизимининг элементлари ичида молия сиёсати бошқа элементларнинг фаолиятини ва ривожланиш йўналишларини аниқлашда бирмунча устунликка эга бўлади. Яъни, молия сиёсати асосий таъсир кучига эга тарзда мавжуд бўлади. Бу ерда нисбий устунлик молия сиёсатига нисбатан қўлланилади. Агар, молия сиёсати асосий элемент сифатида амал қилмаса, бошқа элементларнинг фаолиятининг самараси тушиб кетади. Шу боисдан ҳам молия тизимининг яхлит ҳолда амал қилиши молия сиёсати элементининг нисбий устунлигига асосланишини тақозо этади.


### 3.2. Молия сиёсати

Давлат фаолият кўрсатар экан, демак, у турли хил сиёсатни амалга оширади, иқтисодиётда хўжалик юритувчи субъектлар эса иқтисодий индвид сифатида ўзининг иқтисодий манфаатларидан келиб чиқиб бозор иштирокчиси сифатида фойда олиш мақсадида фаолият юритад экан, демак, у молиявий сиёсат юритади, шунингдек, бюджетдан маблағ олувчилар ҳам ўзларининг фаолиятини молиялаштириш мақсадида молиявий режалар тузади, маблағларни мақсадли сарфланишни таъминлайди, демакки



молиявий сиёсат юритади, шунингдек, жамиятнинг ячейкаси ҳисобланган оила(уй хўжалиги) ҳам иқтисодий турмуш тарзи сифатида, қолаверса онлавий бизнес шаклида иқтисодий муносабатларга киришади, оила бюджети ёки оилавий бизнес бюджетини юритади, ўз-ўзидан кўринадики, ўз доирасида молиявий сиёсатига эга бўлади. Бундан кўринадики, молия сиёсати жамият ҳаётининг деярли барча жабҳаларида амал қилади. Бунда давлат, хўжалик юритувчилар, уй хўжаликлари ва нотижарат ташкилотлари доирасида молиявий сиёсат ўзига хос тарзда ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

Сиёсат сўзи латин тилидан олинган бўлиб, "політік-давлат фаолияти, кўпчиликнинг манфаати, кўп томонлама ҳамкорлик"( πόλις (полис) -кўп томонлама ҳамкорлик, тикі (тики)-белгиланиш, полі (поли)-кўпчилик, τόκος (токос)-манфаат) каби маъноларни англатади. Молия сиёсатининг моҳиятини тўлароқ англаш учун унинг таркибий тузилишини юқорида келтирилган тартиб билан биргаликда унинг амал қилиши жиҳатидан ҳам таркибланиш мақсадга мувофиқ бўлади:



**3-расм. Молия сиёсатининг кўламига кўра таркибий тузилиши.**

*Давлат миқёсидаги молия сиёсати* бу давлатнинг ўз ижтимоий-иқтисодий функцияларини амалга ошириш учун зарур бўладиган молиявий ресурслар ва маблағларни ўзининг турли даражадаги пул фондларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш, ушбу фондлар ва бошқа молиявий инструментлар(фоиз ставкалари, бюджет трансфертлари, молиявий квоталар, корхоналарнинг молиявий сиёсатига талаблар(масалан устав фонди, захира фондлари, зарарларни қоплаш) орқали иқтисодиётга таъсир этиш,иқтисодиётни бир маромда боришини ҳамда уй хўжаликлари(оила)да нормал турмуш тарзини таъминлашга қаратилган мақсадли чора тadbирларини ўзида акс эттиради. Давлатнинг молия сиёсатининг ўзагини марказлашган пул фондларини шакллантириш, уларнинг даромад манбаларини аниқлаш, ушбу даромадларни марказлашган пул фондларига

жалб қилиш ва уларни тақсимлаш механизмларини яратиш, уни ишга тушириш, молиявий инструментларни қўллаган ҳолда миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва тартибланишга қаратилган чораларни амалга ошириш, шунингдек, молиявий сиёсатнинг мавжуд ҳолатини таҳлил этиш, унинг стратегик йўналишларини аниқлашга қаратилган илмий-назарий жараёнларни амалга ошириш ташкил этади.

*Хўжалик юритувчи субъектлар ва нотижорат ташкилотлар миқёсидаги молиявий сиёсат.* Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий сиёсати уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ва Низомининг мазмуни ҳамда жамият миқёсида амал қиладиган молиявий қонунларга бошқа меъёрий ҳужжатларнинг мазмуни(талаби) дан келиб чиқиб белгиланади. Агар корхона ташкилий ҳуқуқий формаси жиҳатидан ва Низоми бўйича фаолияти фойда олишга қаратилмаган бўлса ўзига хос молиявий сиёсат, агар, унинг фаолияти фойда олишга қаратилган бўлса, унинг молиявий сиёсати ҳам ўшанга боғлиқ бўлади. Шу жиҳатдан олганда бундай доирадаги молиявий сиёсатни *фойда олишга қаратилган молиявий сиёсати ва фаолиятни таъминлашга қаратилган молиявий сиёсатга* ажратиб мумкин. Фойда олишга қаратилган молиявий сиёсат ўз-ўзидан тушунарли, аммо, фаолиятни таъминлашга қаратилган молиявий сиёсат эса асосан нотижорат(Низоми бўйича фойда олишга мўлжалланмаган) ташкилотлари томонидан ўзларига маълум давр оралиғи(асосан молия-календарь йилида)да уларга зарур бўладиган молиявий ресурсларга бўлган талабни тўғри аниқлаштириш(харажат лойиҳаларини тузиш), уларни мақсадли, манзилли ва самарали фойдаланишнинг йўлларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, уларга тегишли бўлган самарали фойдаланиш, қонун доирасида йўл қўйилган тартибда тadbиркорлик асосида қўшимча даромадлар олиш, ортиқча пул маблағларини банк депозитларига жойлаштириш орқали фоизли даромадларга эга бўлиш, турли хўжалик юритувчи субъектлар ва халқаро грантларнинг ҳомийлик ва бошқа шаклдаги маблағларини жалб қилиш(уларни қўлга киритиш) ва шу каби йўналишдаги мақсадли чора тadbирлардан иборат бўлади.

*Уй хўжаликларининг молия сиёсати.* Уй хўжаликлари ҳам бир томондан жамиятнинг ижтимоий ячейкаси сифатида, бошқа томондан эса иқтисодиётда товар ва хизматларни истеъмол қилувчи ёки оилавий бизнес шаклида тadbиркорлик субъекти сифатида майдонга чиқади. Демак, оилада даромадлар, харажатлар, баъзи ҳолларда жамғариш ёки қарзлар маблағларни(масалан, истеъмол ёки бизнесни юритиш мақсадида кредит ташкилотлардан кредитлар олиш) жалб қилиш жараёнларини амалга оширади. Оила жамиятда ижтимоий нормал турмуш тарзини шакллантириш ёки оилавий бизнесда максимал фойда олишга интилиш учун ўзига хос тартибда молиявий сиёсат ҳам юритилади. Оиланинг ёки уй хўжалигининг молиявий сиёсати давлат ва корхоналарнинг молиявий сиёсатига ўхшаб қатъий ва директив кўрсатмалар(нормаларга) унчалик таянмайди, аммо оилавий корхоналар доирасида эса бироз бошқачароқ ташкил этилади. Уй хўжаликларининг молиясида оила аъзоларининг ишлаб топган

Молия сиёсати ва унинг таркибининг мазмунига концептуал ёндашув<sup>35</sup>.

1.	Молия сиёсати бу:	Марказлашган пул фондларини шакллантириш, уларни тақсимлаш, ушбу фондлар ўртасидаги муносабатларни тартиблаш, марказлашган пул фондлари билан боғлиқ бошқа иқтисодий муносабатларни ҳамда марказлашмаган пул фондларини мувофиқлаштиришга қаратилган давлатнинг ваколатли органлари томонидан мақсадли амалга ошириладиган чора-тадбирлар мажмуидир.
2.	Солиқ сиёсати бу:	Миллий даромадни даромадни қайта тақсимлаш мақсадида солиқларни жорий этиш, уларни ундириш механизмларини шакллантириш ва амалга ошириш ҳамда жорий этилган солиқларни ундириш жараёнларини такомиллаштириб боришга қаратилган давлатнинг мақсадли ўзаро боғлиқ чора-тадбирларини қамраб олган фаолияти
3.	Бюджет сиёсати бу:	Бюджетни шакллантириш, унинг маблағларини тақсимлаш, тақсимланган маблағларни мақсадли, самарали ва манзиллигини таъминланганлигини молиявий назорат қилиш, бюджетлараро муносабатларни ҳамда давлат бюджети билан боғлиқ бошқа иқтисодий муносабатларни мувофиқлаштиришга қаратилган давлатнинг ваколатли органлари томонидан мақсадли амалга ошириладиган чора-тадбирлар мажмуидир.
4.	Фискал сиёсати бу:	Марказлашган пул фондларини шакллантириш, уларнинг манбаларини аниқлаш ҳамда уларни молиявий маблағлар билан таъминлаш ҳамда ушбу жараёнларни тартибга солиш ва мувофиқлаштиришга қаратилган давлатнинг ваколатли органлари томонидан мақсадли амалга ошириладиган чора-тадбирлар мажмуидир.
5.	Бюджет-солиқ сиёсати бу:	Марказлашган пул фондларининг манбаларини жорий этиш, уларни ундириш механизмини яратиш, амалга ошириш, даромадларни тақсимлаш, назорат қилиш, ушбу фондлар ўртасидаги, улар билан боғлиқ бошқа иқтисодий муносабатларни тартибга солиш ва мувофиқлаштиришга ҳамда ушбу жараёнларни янада такомиллаштиришга қаратилган (илмий тадқиқот) жараёнларни ташкил этишга оид давлатнинг ваколатли органлари томонидан мақсадли амалга ошириладиган чора-тадбирлар мажмуидир.

даромадларидан келиб чиқиб эмас, балки миллий минталик "қонунлари"га асосланган ҳолда ҳам тақсимланади(айниқса бундай хусусият ўзбек халқида кучли), истеъмол даражасида ҳам кўпинча шундай тартиб амал қилади. Молиячи олимлар томонидан уй хўжаликларининг молиясини алоҳида ажратиш кўрсатилишининг мазмуни ҳам уй хўжаликларини доирасида ҳам молиявий муносабатларнинг амал қилиши ва унинг ўзига хослигига асосланади.

Бундан ташқари давлатнинг молиявий сиёсатида ижтимоийлашув ҳамда бюджетдан аҳолига нисбатан трансферт тўловларининг ошиши, корхоналар молиявий сиёсатида ижтимоий ҳимоялашувнинг устуворлик берилиши уй хўжаликларининг молиясининг жиддийлашуви ва уларнинг даромад манбаларининг таркибланишига таъсир қилади. Демак, молия сиёсати кўлами жиҳатидан ўзаро бир-бирига таъсирда бўлади. Аммо, молия сиёсатининг бўғинларида эса давлатнинг молиявий сиёсати локомотив ролни ўйнайди, унинг мазмуни, характери ва йўналишига қараб бошқа молиявий сиёсатнинг йўналишлари аниқлаштирилади. Агар, давлат ўзининг молиявий сиёсати орқали корхоналар томонидан амалга ошириладиган харажатларни маҳсулот таннархига олиб бориш ёки уларнинг ўзларининг зарарлари сифатида қоплаш тартибларини директив шаклда белгиламаса, у ҳолда аксарият корхоналарда молиявий натижа фойда билан эмас, балки, зарар билан яқунланади, бу эса ўз навбатида бир томондан давлат бюджетига фойдадан олинадиган ва бошқа солиқларнинг келиб тушмаслигига олиб келса, бошқа томондан корхона томонидан унинг акционерларига тўланадиган дивидендларга маблағ тўланмай уй хўжаликларининг молиявий аҳволига(уларнинг қимматли қоғозларга қўйган маблағларининг самарасиз бўлиб қолишига) салбий таъсир қилади, қолаверса, корхонанинг бозорда яшаб қолмаслик хавфи ошади. Бундан кўринадики, давлат молиясининг биргина йўналиши бошқаларнинг молиявий сиёсатига қай даражада таъсирга эга, шу жиҳатдан ҳам давлат доирасидаги молиявий сиёсат устувор саналади.

Кейинги бобларда корхоналар молияси ва уй хўжаликлар молияси бўйича алоҳида мавзулар бўлганлиги учун қуйида асосан давлат молиясининг асосий хусусиятлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз. Давлат молияси юқорида айтиб ўтганимиздек, барча молиявий сиёсатларнинг ядроси ҳисобланиб, унинг доираси иқтисодий муносабатлардан ташқари жамиятнинг бошқа жаҳалари социал, маданий, психологик, илмий-техникавий, ташқи иқтисодий ва ҳатто ташқи сиёсатларни ҳам қамраб олади. Давлатнинг молия сиёсати мазмунига кўра бюджет сиёсати, солиқ сиёсати, бюджет-солиқ сиёсати, фискал сиёсат, инвестиция сиёсати ва монетар сиёсатдан иборат бўлади. Баъзи иқтисодий адабиётларда эса давлатнинг социал сиёсати, нарх сиёсати ва божхона сиёсатини ҳам молия сиёсати таркибига киритишади<sup>34</sup>. Ушбу сиёсатларнинг мазмуни англаш мақсадида уларнинг таърифини қуйидаги жавдалга умумлаштириш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланди:

Молия сиёсатининг таркибига кирувчи сиёсат турлари ўзаро боғлиқ бўлиб, улар ўзига хос чегара ва фарқларга эга. Таъкидланганидек, инвестиция сиёсати ҳам давлатнинг молия сиёсатида катта роль ўйнайди. Чунки, инвестициялар инсон учун нон маҳсулоти қанчалик зарарсиз ва доимий эҳтиёж бўлса, иқтисодиёт ҳам шунчалик зарурдир. Давлат иқтисодиётни макроиқтисодий тартиблашда инвестицияларни рағбатлантириш орқали уларнинг жалб қилишга интилади. Инвестициялар эса ўз навбатида ялли ички маҳсулотнинг инвестицияларга йўналтириладиган қисмини тежашга имконият яратади, ишлаб чиқаришнинг моддий базасини

<sup>34</sup> Қаранг: Миляков Н.В. Финансы. Учебник. М.: "Инфра-М", 2004. - с. 21.

<sup>35</sup> Муаллиф ёндошуви. Ушбу ёндошув баҳсли бўлиши табиий ҳисобланади.

оширади ва янги турдаги ишлаб чиқариш(маҳсулот, хизмат)ларни юзага келишига олиб келади. Шу боисдан давлат бир томондан ўзи марказлаштирилган инвестицияларга бюджет ва бошқа пул фондларидан маблағлар йўналтирилса(масалан, 2015 йилда ушбу мақсадлар учун давлат бюджетидан 2 трлн. сўмга яқин маблағ ажратилган), бошқа томондан молиявий инструментлар(солик имтиёзлари, бюджетдан фойсиз кредитлар бериш, божхона преференцияларини қўллаш) орқали корхоналарнинг инвестицион фаоллигини рағбатлантиради. Демак, давлатнинг инвестицион сиёсати молия сиёсатининг таркибий қисми сифатида иқтисодиётга ижобий таъсир этиш орқали пул фондларининг манбаларининг ошишига молиявий асос бўлиб хизмат қилади.

Молиявий сиёсат таркибида монетар сиёсат ҳам катта роъ ўйнайди. Монетар сиёсат таркибий жиҳатдан эмиссия сиёсати, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш сиёсати ҳамда кредит сиёсатидан иборат бўлади. Бу каби сиёсатларнинг натижаси эса миллий иқтисодиётдаги пул массаси ва товарлар(хизматлар) массаси ўртасидаги мувозанатни таъминлашга хизмат қилади в турли даражадаги пул фондларидаги молиявий маблағларнинг ҳаракатини тартибга солади ва шу орқали молия сиёсатининг бошқа бўғинларининг даражасига катта таъсир кўрсатади. Ушбу сиёсат мамлакатда пул қадрсизланишининг олдини оладиган, пул эмиссияси, яъни муомалага банк билетлари, барча шакллардаги пул белгилари ва кимматли қозғалар чиқаришнинг бошқарилишини таъминлайдиган, тўлов балансини бир маромда олиб борадиган давлат сиёсати сифатида мавжуд бўлади. Монетар сиёсатни эса асосан давлатнинг Молия вазирлиги, Марказий банки ва Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда(бу ҳолат Ўзбекистон иқтисодиёти учун, аммо турли давлатларда монетар сиёсатни амалга ошириш тартиблари ўзгача фарқ қилиши мумкин) томонидан амалга оширилади. Агар,

Ўзбекистонда унинг кейинги йиллардаги ҳолатига эътибор берадиган бўлсак, у асосан Марказий банк томонидан пул агрегатларининг ўзгариш динамикаси, пул бозоридаги ҳолат ва тижорат банкларининг ликвидлиги ва уларга таъсир этувчи омиллар бўйича мунтазам тахлилий мониторинг олиб борилиши, пул ва валюта бозорининг барқарорлигини таъминлаш ҳамда банк тизими ликвидлигини мақбул даражада ушлаб туришга қаратилган тегишли чора-тадбирлар амалга ошириб борилиши тартибида амалга оширилмоқда. Ўз навбатида, Марказий банк, инфляция ва иқтисодий ўсишнинг мақсадли параметрларидан келиб чиққан ҳолда, пул таклифи ҳажмини мақбуллаштириш мақсадида пул-кредит сиёсатининг бозор инструментларидан фаол фойдаланади. Бунда Марказий банк томонидан пул бозорида операцияларни амалга оширишда асосий эътибор муомаладаги пул массасини самарали бошқариш, банк тизими ликвидлигини тартибга солиш мақсадида **мажбурий резерв талаблари** инструментидан тижорат банкларининг кредит ресурслари микдорига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиш орқали иқтисодиётдаги пул таклифини тартибга солишнинг муҳим воситаси сифатида фойдаланилмоқда.

Бунда мажбурий резерв меъёрлари инфляция ва пул массасининг белгиланган мақсадли параметрларидан келиб чиқиб ҳамда тижорат банкларидан узоқ муддатли ресурс базасини янада кенгайтириш мақсадида муддати 1 йилгача бўлган депозитлар учун 15 фойс, муддати 1 йилдан 3 йилгача бўлган депозитлар учун 12 фойс, муддати 3 йилдан ортиқ бўлган депозитлар учун 10,5 фойс микдори белгиланган. Марказий банкнинг **қайта молиялаш ставкаси** инструментидан ҳам пул бозоридаги фойс ставкаларини бошқаришда ҳамда иқтисодий ўсиш жараёнларини рағбатлантириш мақсадида кенг фойдаланилмоқда. Кейинги йилларда қайта молиялаш ставкасининг пасайтирилиб борилиши пул бозорида фойс ставкаларининг пасайишига, реал сектор корхоналарининг инвестицион имкониятларини оширишга ҳамда иқтисодиётни кредитлаш ҳажмини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Давлатнинг ҳар қандай соҳадаги фаолиятининг йўналиши мақсадга қаратилган бўлади. Шу жиҳатдан олганда мақсадга эришиш эса маълум бир чора-тадбирлар ва фаолиятнинг уйғулашувини талаб қилади. Бундай чора-тадбирлар ва фаолиятнинг уйғун ҳолда мавжуд бўлишига эса давлат сиёсати деб изоҳланади. Демак, сиёсат замирида кўпчиликнинг манфаатларига асосланган давлат фаолияти туради. Давлатнинг бундай фаолиятининг молияга оид қисми эса ўз навбатида молия сиёсатининг ўзаги ташкил этади. Молия сиёсатининг ўзаги эса таъқдланганидек, тақсимот муносабатларига бориб тақалади.

Юқоридагиларга асосланиб молия сиёсатининг таърифини қуйидагича келтириш мумкин: *Молия сиёсати бу- давлат, хўжалик юритувчи субъектлар(жумладан нотижорат ташкилотлари) ҳамда уй хўжаликларининг ижтимоий-иқтисодий жараёнда ўзининг функция ва вазифаларини бажариши, ўзларининг олдига қўйилган мақсадга эришиши учун турли даражадаги пул фондларини шакллантириши, уларни тақсимлаш, шунингдек, бошқа иқтисодиёт субъектлари билан ўзаро молиявий муносабатларга киришиши жараёнларини бошқариши билан боғлиқ аниқ мақсадли чора-тадбирлар йиғиндисидир.* Ўз навбатида молиявий сиёсатнинг турли даражадаги самараси эса жамиятда ижтимоий хизматларнинг микдор ва сифатдан даражаси, иқтисодиётда макроиқтисодий барқарорлик, уй хўжаликларининг реал пул даромадлари ва жамғармаларининг ошиб бориши ва шу кабилар билан белгиланади. Бундай самарадорлик эса кўп жиҳатдан бу жараёнларни оқилона бошқарилишига ҳам боғлиқ бўлади. Ушбун эътиборга олиб молиявий бошқарув жараёнини алоҳида кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.


### 3.3.Молиявий бошқарув

Ҳар қандай даражадаги сиёсатнинг ўзагини асосан бошқарув жараёни ташкил этади. Молия тизими ва унинг таркиби бўлган молиявий сиёсатда ҳам бошқарув жараёни ўзига хос шакл ва усулларга эга бўлади. Молиявий бошқарувнинг мазмуни эса юқорида келтириб ўтилган молия сиёсатининг

шакллариининг ички хусусиятларидан келиб чиқади. Агар, молия сиёсатининг объектлари бўлган жараён, моддий қийматликлар маълум бир тамойиллар асосида бошқарилмаса, улар стихияли тарзга эга бўлиб, молиявий муносабатларнинг чигаллашуви ва издан чиқишига олиб келади. Кейинги даврларда молиявий маблағлар ва улар билан боғлиқ жараёнларни бошқарилиш жараёнларини замонавий шаклда молиявий менежмент ҳам деб аталмоқда. Аммо, таъкидлаш керакки молиявий бошқарув жараёни молиявий менежмент доирасидан анча кенг тушунча ва жараёндир.

Молия тизими нормал ҳолатда фаолият қилиши бу жараённи ташкил қилиш, уни бошқаришнинг механизмларини яратиш, пул фондларини ташкил қилиш, уларни тақсимлаш ҳамда молиявий ресурсларнинг турли фондлар ўртасида мутаносиб айланиши билан боғлиқ таваккалчиликларни бартараф этиш, давлатнинг молия тизими ўртасидаги ўзаро боғлиқларни аниқлаш ва уни таъминлаш борасидаги фаолиятининг функционал хусусиятларини аниқлаш, молия сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда иштирок этувчи ваколатли органларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва бу жараёнда бошқарув тамойилларини ишлаб чиқиш, молия муносабатларига киришувчи субъектларнинг молиявий саводхонлигини ошириш, уларнинг молия сиёсатига нисбатан муносабатларини баҳолаш, давлат бюджетини режалаштириш ва прогностлаштириш, молия тизимининг турли босқичлари ва элементларида юзага келадиган турли даражадаги таваккалчиликларни баҳолаш ва уларнинг салбий таъсирини камайтириш ва шу каби муҳим жараёнлар мавжудки, улар маълум бир объектив ва субъектив тарзда бошқарилишни тақозо қилади.

Демак, молиявий бошқарув жараёни молия тизимининг энг муҳим бўғинларидан бири саналади. Бу санаб ўтилган омиллар, асосан давлат молиясига тегишли ҳолатлар бўлиб, корхоналар ҳамда уй хўжаликлари доирасида ҳам ўзига хос шу каби омиллар(ҳолат ва жараёнлар) мавжудки улар ҳам ўз доирасида молиявий бошқарувни талаб қилади. Молиявий бошқарувни тақозо қилувчи омиллар(шарт-шароитлар) ҳамда молиявий бошқарувнинг моҳиятига берилган ақсарият молиячи олимларнинг таърифларини умумлаштириш асосида молиявий бошқарувга қуйидаги таърифни бериш мумкин: *Молиявий бошқарув бу турли даражадаги пул фондларини шакллантириш, уларни тақсимлаш, улар билан боғлиқ молиявий ресурсларни ҳамда молиявий муносабатларни кўзланган мақсадга эришиш учун мақсадли равишда бошқариш жараёндир.* Бошқарувнинг умумий хусусияти ҳамда молиявий муносабатларнинг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда молиявий бошқарув ҳам бошқа бошқарув жараёнлари сингари ўз объекти, субъекти, тамойиллари, усуллари ва амал қилиш шаклларига эга бўлади ва уни умумий тартибда қуйидагича аке этириш мумкин:




4-расм. Молиявий бошқарув ва унинг элементлари.

Келтирилган расмдан кўриш мумкинки, молиявий бошқарувда турли даражадаги пул фондлари, молиявий ресурслар, молиявий дастаклар(элементлар), молиявий инструментлар, молиявий операциялар, молиявий рисклар ҳамда молиявий рисклар бошқарув объекти бўлиб ҳисобланади, яъни ушбу моддий маблағлар ва улар билан боғлиқ юзага келадиган жараёнлар бошқарилади. Албатта, бошқарув жараёни ўз-ўзидан амалга оширилмайди, уларни амалга ошириш маълум бир субъектларга ваколатлар берилади ва бошқарувнинг субъектлари сифатида белгиланади.

Бошқарувда *давлат молиявий бошқаруви* доирасидаги ваколатли органларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг Палаталари, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб Палатаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Божхона қўмитаси, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг қошидаги "Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази", Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва шу қабилар ҳисобланади. Ушбу давлат ваколатли органлар Ўзбекистон молия тизимида

Ўз ваколатларидан келиб чиқиб молиявий бошқарувни амалга оширадilar. Шунингдек, давлат миқёсидаги вазирликлар, давлат қўмиталари, агентлик, концерн, компания ва бирлашмалар ўзларининг тармоқ ва бошқаруви тизимидаги молиявий бошқарувни амалга ошириб боради. Бунда улар ҳам давлат молиявий бошқарувини ҳам тармоқ ва унга кирувчи корхона ва ташкилотлар молиявий бошқарувини амалга оширади, демак, ушбулар оралиқ молиявий бошқарувни амалга оширувчи органлар ҳисобланади. Шу жиҳатдан олганда давлат молиясини бошқариш жараёни куйидагиларни қамраб олади:



**5-расм. Давлат молиясини бошқаришнинг таркибий элементлари.**

Демак, давлат молиясини бошқарилиш жараёнида давлат бюджетини бошқариш давлат бюджетининг даромадлари ва харажатларини прогнозлаштириш ва режалаштириш, унинг даромад манбаларини аниқлаш, уни шакллантириш, харажатларни тақсимлаш ҳамда бюджетлараро муносабатларни бошқариш жараёнларини қамраб олади. Шунингдек, ушбу жараёнга бюджетни ижросини бўйича ҳисоботларни тайёрлаш ва уни тасдиқлаш жараёнлари ҳам қиради. Бунда молиявий инструментларнинг режалаштириш, прогнозлаштириш, реализация қилиш(амалга ошириш), молиявий назорат қилиш шаклларида кенг фойдаланилади. Бюджетдан

ташқари фондлар ҳам давлат молиясини бошқаришнинг муҳим элементи ҳисобланади. Унинг даромадларини шакллантириш ва унинг маблағларининг тақсимланишини бошқариш эса иқтисодиётнинг реал сектори ва социал соҳаларининг ҳам айрим жараёнларни бошқаришни қамраб олади. Масалан, Пенсия фондидан пенсионерларга ва кам таъминланганларга маблағ ажратиш бу бутун бошли социал муносабатларни, Тараққиёт ва тикланиш фондидан реал секторга йирик инвестицияларни амалга ошириш эса инвестицион жараёнларни қамраб олади. Шунингдек, бюджетдан ташқари фондларнинг ортиқча маблағларини давлат бюджетига ўтказиш ёки аксинча ҳолат бўйича ҳам кенг миқёсдаги муносабатлар борки буларни тўғри ва самарали бошқаришни талаб қилади.

Бозор муносабатлари шароитида ҳам давлат тадбиркор сифатида юзага чиқади. Демак, давлат тадбиркорлиги доирасидаги молиявий маблағлар ва жараёнларни бошқаришга эҳтиёж туғиладики, улар ҳам давлат молиясини бошқаришнинг объектга қиради. Бундан ташқари давлат жамият миқёсида табиий монополиялар тармоқлари ва иқтисодиётдаги йирик тармоқларга давлат активларини жойлаштиради, уларнинг фаолиятини молиявий усуллар орқали тартиблайди, шу туфайли ўзининг молиявий активларини бошқаради. Ўзбекистонда "Табиий монополиялар тўғрисида"ги қонунга қўра<sup>36</sup> табиий монополияларга нефть, нефть маҳсулотлари ва газни қувур орқали транспортировка қилиш; электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ҳамда транспортировка қилиш; темир йўллар инфратузилмасидан фойдаланиш ҳисобга олинган ҳолда темир йўлларда ташиш; умумий эркин фойдаланиладиган почта алоқаси хизматлари; сув қувурлари ва канализация хизмати; аэронавигациялар, портлар ва аэропортлар хизматлари ва шукабилар кириб, ушбу тармоқда давлат молиявий активлари асосий роль ўйнайди, демак, ушбу тармоқ ва уларнинг молиявий фаолияти давлатнинг молиявий бошқарув фаолияти орқали амалга тартибга солиб бoрилади.

Шунингдек, давлат молиясини бошқаришда давлатнинг марказлаштирилган фондларидан амалга ошириладиган марказлашган инвестициялар бошқарилади, бунда ушбу инвестицион соҳалар бўйича инвестиция лойиҳаларини баҳолаш, экспертиза қилиш, унга зарур бўладиган молиявий ресурсларни аниқлаш, ҳамда уларга ажратилган маблағларни мақсадли ва манзилли сарфланганлигини молиявий назорат қилиниш жараёнлари бошқарилиб бoрилади. Давлат молиясини бошқаришдаги энг муҳим ва мураккаб жараёнлардан бири бу нархларни бошқариш ва шу орқали иқтисодиётда хом-ашё ва истеъмол молларининг истеъмолини тартибга солиш амалга оширилиб бoрилади, бундан ташқари давлат пулнинг массаси, унинг монетизациялашув даражаси, пул агрегатларининг ҳажми, уларнинг ҳаракати, пул ресурсларига бўлган талаб ва шу каби муҳим монетар инструментларни бошқариш давлат молиясини бошқаришда катта аҳамиятга эга. Бундай инструментларни бошқариш жараёни бошқа муносабатларга тез таъсир қилади, чунки, молиявий ресурслар ва маблағлар асосан пул шаклида

<sup>36</sup>Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг "Табиий монополиялар тўғрисидаги"ги Қонун. <http://www.lex.uz/>.

ҳаракатда бўлади. Демак, ушбуларни самарали бошқарилиши давлат молиясини бошқарилиши самарадорлигини ўлчаб беради.

Давлат молиясини бошқариш жараёнида давлатнинг ички ва ташқи мабзалардан жалб қилган кредитларини бошқариш ҳам ўзига хос бошқарув жараёнини ташкил этади. Давлат молиявий ресурсларни бошқариш жараёнида давлатнинг молиявий ҳолати ҳамда ички пул маблағларини тартибга солиш, инфляцияни жиловлаш, шунингдек, инвестицион жараёнларни фаоллаштириш мақсадидан келиб чиқиб, ички ёки ташқи кредитларни жалб қилиши мумкин. Бундай кредитларни жалб қилиш механизмлари ва уларни белгиланган муддатларда қайтариш ҳамда уларни жалб қилишдан қўзланган молиявий мақсадларни амалга ошириш жараёнлари самарали бошқарилишни талаб қилади. Агар, бундай жараёнлар тўғри бошқарилмаса, бир томонидан миллий иқтисодиётда давлатнинг молиявий сиёсатининг самараси камайса, бошқа томонидан давлатнинг ташқи кредиторлар билан боғлиқ муаммолар пайдо бўлади ва жаҳон миқёсидаги кредит рейтингининг пасайишига, натижада халқаро савдонинг даражасига салбий таъсир қилади. Шу боисдан ҳам мазкур жараён ўта қалтис молиявий муносабатлар бўлиб, уни бошқариш жараёни ўта мураккаблиги билан характерланади.

Иқтисодиётнинг ривожланишида, қолаверса, унда пул(молиявий) ресурсларнинг ҳаракат қилиши ва мавжуд маблағлар(жамғармалар)нинг моддийлашиб даромад келтиришида кимматли қоғозлар бозори катта роль ўйнайди, ваҳоланки, иқтисодий интеграциялашувнинг ҳозирги даражасида кимматли қоғозларнинг ҳаракати ва бозорининг конъюктураси товар ва хизматлар бозори ва бошқа пул бозорларининг ҳолатига белгилаб бериш даражасига етди. Хўжалик юритувчи субъектларда ҳам молиявий бошқарув жараёни ўзига хос тамойиллар ва хусусиятларга эга бўлиб, ушбу жараён "Хўжалик юритувчи субъектлар молияси" мавзусида алоҳида ёритилади.

Албатта молиявий бошқарувнинг муҳим таркибий қисми ва уни амалга оширишнинг шакллари билан бир сифатида молиявий мониторинг ва назорат алоҳида ўрин тутади. Уни амалга ошириш тартиблари кенг қамровли ўзига хос хусусиятга эга бўлиб ушбу ҳолатни кейинги бандда кенгрок тартибда кўриб ўтамиз.

#### **3.4. Молиявий назорат ва уни амалга ошириш тартиби**

Молиявий бошқарувнинг энг асосий бўғинлари ва шакллари билан бири бу молиявий назорат ва мониторингдир. Молиянинг молиявий назорат функциясининг амал қилиши молиянинг муҳим хусусиятлари қаторида унинг назорат тартибидagi моҳиятини англатади. *Молиявий назорат деганда* давлатнинг ваколатли органлари, жамоатчилик ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан пул фондларининг қонун меъёрлари ва талаблари асосида шакллантирилиши, тақсимланиши, уларнинг фойдаланиши, молиявий муносабатлар ва операцияларнинг тўғри амалга оширилишининг ҳолати ва ҳаракатини молиявий усуллар ва воситаларни қўллаган ҳолда назорат қилиниш жараёни тушунилади. Молиявий бошқарув жараёнида

молиявий назорат жараёни асосан икки хил механизмлар орқали, яъни давлат механизмлари ва бозор механизмлари орқали амалга оширилади. Молиявий назоратнинг бозор механизмлари асосан бозордаги талаб ва таклиф, истеъмол жараёни, нарх омиллари, ресурсларнинг тақсимланиши, инфляция ва шу каби бозор инструментлари орқали хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий фаолияти маълум бир йўналишда кечеди, бозор қоидаларини ўзида акс эттирган молиявий дастаклар эса корхоналар ва уй хўжаликларининг молиявий фаолиятини тартиблайди, бу тартиблаш эса молиявий назорат характериға эга бўлади. Олайлик, корхона томонидан маҳсулот ишлаб чиқаришга қилинган харажатлар бозор талабидан ортик бўлса, демак, бундай маҳсулотлар бозорда сотилмайди ва корхонанин пул фондларини шакллантиришнинг молиявий мабзалари йўқолади, бу ерда бозор инструментлари эса молиявий назорат сифатида аҳамиятга эга бўлади. Агар, корхона бозорда "яшаб қолиш"ни хоҳласа бозор талабларидан келиб чиқиб молиявий сиёсат юритади, корхонада бундай ҳолатнинг пайдо бўлиши унинг ўзидаги молиявий назоратнинг суғлигини билдиради ва бозор механизмлари тартибидagi молиявий назорат кучая боради. Шунингдек, нарх, инфляция, истеъмол индекси каби муҳим бозор кўрсаткичлари ҳам борки, уларнинг ишлаб чиқарувчилар фаолиятига таъсири кўпинча молиявий назорат тартибидa амал қилади. Аммо, молиявий назоратда давлат механизмлари катта роль ўйнайди. Чунки, юқорида қайд этилганидек, молия категорияси давлат фаолияти билан боғлиқ экан, шу жиҳатдан молиявий назорат кўпроқ субъектив тарзда давлат фаолиятига боғлиқ бўлиб қолади.

Молиявий назоратни амалга оширишнинг давлат механизмлари ўз навбатида марказлаштирилган пул фондлари ва улар билан боғлиқ жараёнлар ҳамда миллий иқтисодиёт ва халқаро молиявий муносабатлардаги молиявий операцияларнинг қонун талаблари асосида амалга оширилишини давлатнинг ваколатли органлари томонидан турли хил усул ва воситалар тушунилади. Давлат молиявий назоратини ўтказишда биринчи босқичда ўзига тегишли бўлган марказлаштирилган пул фондларининг шакллантирилиши ва ундан берилган маблағларнинг сарфланишини назорат қилади, иккинчи босқичда эса миллий иқтисодиёт доирасида, давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзлари ўртасидаги(буерда молиявий назорат пул муносабатларининг қонунийлиги, шартномаларнинг ҳуқуқийлиги, давлат зарарига ўзаро ноқонуний келишувлар қилмаслиги, товар(хизмат) айирбошлаш жараёнларида ноқонуний ҳаракатларни амалга оширмаслиги ва шу қабилар назарда тутилмоқда) ўзаро молиявий муносабатларнинг қонунийлигининг устидан молиявий назоратни амалга оширади, учинчи босқичда давлатнинг ўз тадбиркорлиги доирасидаги, масалан, давлат мулкидаги корхоналарда молиявий муносабатларнинг ҳолати, давлатнинг молиявий активлари жойлаштирилган тармоқларда(асосан табиий монополия ва бошқа тармоқларга жойлаштирилган активлар) молиявий жараёнлар устидан назорат амалга оширилиб борилади, тўртинчи босқичда эса давлат

инвестиция дастурлари бўйича сарфланган маблағларнинг мақсади ва манзилли сарфланганлиги молиявий назорат қилинади, бешинчи босқичда давлат кафилиги остида олинган кредитлар ва инвестицияларнинг самарали фойдаланилганлиги, халқаро молиявий ташкилотлар (масалан Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Европа тараққиёт ва тикланиш банки, Осие тараққиёт банки, Ислон тараққиёти банки ва шу каби молиявий институтлар) ва институтлардан жалб қилинган маблағлар ҳамда улар билан ўзаро шартномавий муносабатларнинг халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ амалга оширилаётганлиги молиявий назорат қилинади, олтинчи босқичда эса давлатнинг хўжалик юритувчи субъектларининг молиявий пул фондларига қўйилган минимал талаблар ва мажбурий заҳира фондларининг қай тартибда шакллантирилганлиги назорат қилинади, еттинчи босқичда эса миллий иктисодиётда қимматли қоғозлар ва суғурта бозорларида унда иштирокчиларнинг ўз молиявий мажбуриятларини қандай бажараётганликлари ва шу каби ҳолатларнинг молиявий назорати амалга оширилади. Бундан кўринадики, молиявий назоратнинг давлат механизмларининг ҳажми жуда кенг бўлиб, бунда давлатнинг турли ваколатли органлари ўз ваколатлари доирасида қатнашади.

*Давлат молиявий назорати* бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг молиявий назорат объектлари томонидан бузилиши ҳолларини аниқлаш, бартараф этиш ва унга йўл қўймаслик мақсадида давлат молиявий назорат органлари томонидан амалга оширилади.

Давлат молиявий назорати:

республика даражасида — Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг, давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ва республика бюджетидан молиялаштирилган бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари жамғармаларининг шакллантирилиши ҳамда ижро этилиши устидан;

маҳаллий даражада — Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан молиялаштирилган бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари жамғармаларининг шакллантирилиши ҳамда ижро этилиши устидан амалга оширилади.

Давлат молиявий назорат органлари давлат молиявий назоратини давлат молиявий назорат органлари ёки ваколатли орган томонидан тасдиқланадиган назорат қилиш йиллик режаларига мувофиқ амалга оширади. Айрим ҳолларда режадан ташқари давлат молиявий назоратини амалга оширишга Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, давлат молиявий назорат органига бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисида маълумотлар келиб тушган ҳолларда давлат молиявий назорат органлари раҳбарларининг қарорлари асосида йўл қўйилади.

Давлат молиявий назорати тафтиш, текшириш (шу жумладан бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аввалги тафтишда ёки текширишда аниқланган бузилиши ҳолларини бартараф этиш юзасидан назорат тартибидagi текшириш) ва ўрганиш шаклида амалга оширилади.

Давлат молиявий назоратининг турлари куйидагилар ҳисобланади:

дастлабки назорат — молиявий операциялар бажарилгунга қадар газначилик бўлинмалари ва молия органлари томонидан амалга ошириладиган молиявий назорат;

жорий назорат — молиявий операциялар бажарилиши жараёнида газначилик бўлинмалари, молия органлари ва давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга ошириладиган молиявий назорат;

яқуний назорат — молиявий операциялар бажарилганидан сўнг давлат молиявий назорат органлари томонидан амалга ошириладиган назоратлардир.

Давлат молиявий назоратининг усуллари куйидагилардир:

*ҳужжатларни текшириш ҳажмига қараб:*

ёппасига назорат — текширилаётган давр учун барча бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларни назорат қилиш; танлов асосидаги назорат — муайян давр учун бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларнинг айрим қисмларини назорат қилиш;

*назоратнинг мақсадга йўналтирилганлиги ва предметига қараб:*


комплекс назорат — молиявий назорат объектнинг муайян давр учун молиявий-хўжалик фаолиятининг барча йўналишларини назорат қилиш;

мавзули назорат — молиявий назорат объектнинг муайян давр учун айрим масалалар бўйича фаолиятини назорат қилиш;

муқобил назорат — операциялар ягоналиги билан ўзаро боғлиқ бўлган ва турли молиявий назорат объектларида турган ҳужжатларни солиштиришни ўз ичига олган текширишларга бўлинади.

Молия назоратнинг ҳуқуқий шакли, уни амалга ошириш тартиби ва молия назоратнинг субъектлари (амалга оширувчилар)га кўра куйидагича гуруҳлаш мумкин:





6-расм. Молиявий назорат турлари.

Ушбу келтирилган расмдан кўриш мумкинки, молиявий назоратни кўлами ва амалга оширилиш тартиби, ўтказилиш даврийли ҳамда ўтказилиш шакл ва усулларига кўра гуруҳланади.

Кўлами ва амалга оширилиш тартибига кўра молиявий назоратни амалга ошириш деганда марказлашган пул фондларининг ҳолати ва ҳаракати, нархлар, қимматли қоғозлар, давлат кредитлари, давлат инвестициялари ҳамда суғурта фондларининг ҳолати, уларнинг юритилиш тартиби ва маблағларидан фойдаланиш жараёнлари устидан ўтказиладиган молиявий назорат тушунилади. Бунда молиявий назоратни ўтказувчи ваколатли органлар сифатида қуйидагилар тушунилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари
2. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси
3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси
5. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси
6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари(вазифалари бўйича)

7. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси қошидаги "Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Суғурта назорати давлат инспекцияси ва шу қабила.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўйи ва юқори палаталари ўз ваколатлари доирасида молиявий назоратни амалга ошириб боради. Уларнинг ушбу молиявий назорати асосан парламент назорати, парламент эшитуви, Давлат бюджети ва бошқа шу қаби қонунларнинг бажарилишини мониторинг қилиш тартибларида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига(78-моддаси) кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси Республикада бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилишни амалга оширади."Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида"ги қонунда эса унинг солиқ ва бюджет сиёсати оид ваколатлари ва уларни амалга ошириш тартиблари кўрсатиб ўтилган. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, Солиқ кодекси, Божхона кодекси ва бошқа шу қаби молиявий қонунлар ҳамда ҳар йилиги белгилаб бериладиган бюджет-солиқ сиёсатининг устувор вазифаларининг қандай бажарилаётганлиги, давлат бюджети ижросининг қандай амалга оширилаётганлиги ва шу қаби масалалар тегишли (Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Божхона қўмитаси ва шу қаби) давлат органларининг ҳисоботларини эшитиш, парламент ишчи гуруҳлари ва тегишли қўмита ва фракциялари томонидан бу масалаларни жойларда ўрганиш, ваколатлари доирасида асослантилган тушунтириш бериш ёки нуктаи назарини баён қилиш талаби билан парламент сўрови юбориш тартибида ҳам амалга оширилади. Шу мақсадда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатида солиқ, бюджет, божхона, банк ҳамда молия масалалари билан алоҳида шуғулланувчи қўмита фаолият кўрсатади. Бу қўмиталар эса Олий Мажлисининг молия-солиқ соҳасига доир сиёсатини мувофиқлаштириш билан биргаликда молиявий назоратни ҳам амалга ошириб боради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан молиявий назорат жараёни "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўғрисида"ги Қонуни ва унинг Регламентига кўра Сенат ҳар йили ўз мажлисида Ўзбекистон Республикасида олий назорат органи ҳисобланган Ҳисоб палатасининг ҳисоботини мазкур масала юзасидан Қонунчилик палатасининг қарори Сенатга келиб тушганидан кейин эшитиш ва муҳокама қилиш, Сенат қўмиталарининг молиявий назорат ўтказувчи бошқабошқаруви органлари раҳбарларининг улар томонидан қонунларга қандай

риоя этилаётгани, палата кўмиталарининг қарорлари қандай бажарилаётгани тўғрисидаги ахборотларини эшитиш ва бошқа ўз ваколатлари доирасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ўз ваколатига кўра Олий мажлисдан кейинги молиявий назорат ўтказувчи олий назорат органи ҳисобланади. *Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Республика миқёсидаги молиявий назорат фаолиятини асосан қуйидаги тартибда:*

✓ Давлат бюджети лойиҳасининг макроиктисодий кўрсаткичлари ва параметрларини шакллантириш жараёнини чуқур ва пухта ўрганиш, уларни бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш борасида ўтказилаётган сиёсатнинг ғоят муҳим устувор йўналишларига, республикани иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш соҳасида қабул қилинган мақсадли комплекс дастурларга тўла-тўқис мос келиши нуктаи назаридан танқидий баҳолаш;

✓ тармоқлар ва ҳудудлар бўйича Давлат бюджетининг даромад қисми шакллантирилиши ва ижросини модда-модда, ҳар томонлама чуқур таҳлил этиш, бюджет даромадларининг асосий моддалари бўйича прогноз кўрсаткичларининг реаллиги ва тиғизлигига баҳо бериш, бунда ёқилғи-энергетика комплекси, қазиб чиқариш саноати, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва савдо, иқтисодиётнинг даромад ҳосил қилувчи бошқа тармоқ ва соҳаларидаги захираларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратиш;

✓ агросаноат комплексидаги ҳўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолати мониторингини амалга ошириш, қишлоқ ва сув ҳўжалигини ривожлантиришга ажратиладиган бюджет маблағлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ ташкил этилган мақсадли давлат жамғармалари ва бошқа жамғармаларнинг маблағларидан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланилишини назорат қилиш;

✓ Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари шакллантирилиши ва ижро этилишини, уларнинг балансланишини мунтазам таҳлил этиш ва назорат қилиш, маҳаллий бошқарув ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларни бажариш учун уларга реал молиявий маблағлар ажратиб бериш вазифасини ҳал этиш зарурлигидан келиб чиққан ҳолда, барча даражалардаги бюджетлар ўртасидаги нисбатни мақбуллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

✓ бюджет тизимининг барча бюджет даражаларида давлат бюджетининг ижроси ва давлат маблағларининг сарфланиши устидан назоратни ташкил қилиш ва таъминлаш. Давлат харажатларини камайтириш резервларини аниқлаш. Марказда ва жойларда бюджет

маблағларидан қонуний, мақсадли ва самарали фойдаланилишини, улардан фойдаланишда қонунбузарликлар ва суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш чораларини амалга ошириш;

✓ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ ташкил этилган мақсадли давлат жамғармалари ва бошқа жамғармаларнинг маблағлари тўлиқ тушиши, улардан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланилиши устидан қаттиқ назоратни амалга ошириш;

✓ ўтказилаётган пул-кредит сиёсатини, миллий валютани мустаҳкамлаш, унинг харид қобилиятини ошириш, пул массаси ва пул агрегатларини мақбул ҳолга келтириш, банкдан ташқари пул айланишини кескин қисқартириш бўйича кўриладиган чора-тадбирларни чуқур таҳлил қилиш ва баҳолаш;

✓ республика ташқи савдо оборотининг аҳолини чуқур таҳлил қилиш, республика тўлов балансини шакллантириш ва ундан фойдаланишни баҳолаш. Товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти прогнози бажарилиши, маҳсулот импорти мақбуллаштирилишининг таъминланиши, экспорт тушумлари ва хорижий валютани сотиш тўла-тўқис ва ўз вақтида бўлиши мониторингини амалга ошириш. Ички валюта бозорида валютага бўлган талаб ва таклифни ўрганиш, айирбошлаш курси динамикаси бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, миллий валютанинг эркин алмаштирилиши устидан назоратни амалга ошириш;

✓ ташқаридан олинadиган қарзларнинг ҳажмлари ва мақсадга мувофиқлигини танқидий баҳолаш, олинadиган хорижий кредит ва грант маблағларидан самарали ва оқилона фойдаланилишини, шунингдек Ҳукумат томонидан ёки Ўзбекистон Республикасининг Давлат кафолати билан олинган ташқи кредитларга ўз вақтида хизмат кўрсатилишини қаттиқ назорат қилиш;

✓ олтин-валюта захираларининг ҳолати ва унинг ҳаракати устидан назоратни амалга ошириш, ташқи активларни бошқариш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларни таҳлил қилиш ва уларни хорижий банкларда самарали жойлаштириш ва қайта жойлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, олтин-валюта захиралари, шу жумладан қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ўтказиладиган операциялар устидан назоратни таъминлаш ва шу каби тартибда амалга оширади.

Бундан ташқари Ҳисоб палатаси ўз ваколатлари доирасида молиявий назоратни амалга ошириш жараёнида ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича маълумот ва ҳужжатларни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан, идоралар, корхоналар, ташкилотлар ва банклардан белгиланган тартибда сўраб олиши, зиммасига юкланган вазифаларни бажариш учун зарур ҳолларда текширишларни ташкил этиш ҳамда уларнинг

натижалари бўйича ижро этиш учун мажбурий бўлган кўрсатмалар юбориши, ўз ваколати доирасида текширишларни ўтказиш учун давлат органлари ва уларнинг докиллари, нодавлат аудиторлик хизматлари ва айрим мутахассисларни текширишларда қатнашишга жалб этиши, қуйи текширувчи органларнинг мансабдор раҳбаларидан улар томонидан ўтказилган молиявий назоратлар хусусида ёзма тушунтиришлар олиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкдан Давлат бюджети ва ягона ғазначилик ҳисобварағида давлат маблағларининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни олиш ва уларни таҳлил қилиб боради.

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги молиявий назоратни ўтказувчи асосий ижроия орган ҳисобланади.* Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан молиявий назорат асосан бюджетдан маблағ олувчилар томонидан дастлаб тузилган харажат-лойиҳаларининг тўғри тузилганлигини назоратдан ўтказиш (кўриб чиқиш), даврий оралиқ молиявий назоратларни ўтказиш, улар томонидан тақдим қилинган молиявий ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳужжатларни камерал ўрганиш ҳамда режали асосда ажратилган бюджет маблағларининг қай тартибда сарфланганлигини якуний молиявий назорат тартибда амалга оширадилар. Умумий олганда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бюджет интизомига риоя қилиниши, бюджет маблағларининг белгиланган мақсадда сарфланиши устидан қаттиқ назоратни таъминлашга доир ишларни самарали ташкил этади, бюджет жараёнининг барча босқичларида бюджет интизомига риоя қилиниши устидан доимий назоратни амалга амалга ошириб боради ва у асосан қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

Молия органлари, бюджет муассасалари ва тижорат банкларининг биринчи навбатдаги сарф-харажатлар навбатига, маблағ билан таъминлаш ҳамда бюджет муассасалари ходимларига иш ҳақи, ижтимоий нафақалар, стипендияларни тўлаш муддатларига ва тўлиқлигига риоя қилиш, шунингдек, бюджет муассасаларига кўрсатиб ўтилган мақсадлар учун нақд пул бериш бўйича фаолияти устидан назорат ва мониторингни амалга оширади. Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси маблағларидан белгиланган мақсадда фойдаланилишини, тўловларнинг ўз вақтида ўтишини, ҳисоб- китобларнинг тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилишини назорат қилади. Штат-смета интизомига ва бюджет маблағларини хўжалик эҳтиёжларига сарфлаш лимитларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширади. Ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбарлари ва мансабдор шахсларнинг бюджет жараёнига асоссиз аралашилари ҳолларининг олдини олади. Инвестиция дастурларини амалга оширишга ажратиладиган давлат валюта маблағлари ва марказлаштирилган маблағлардан тўғри ва белгиланган мақсадда фойдаланилишини назорат қилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларидан

мақсадли фойдаланилиши юзасидан назоратни кучайтириш мақсадида янгидан тайинланган пенсиялар ва нафақаларнинг, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёزلарни қўллашнинг, шу жумладан фуқароларнинг пенсия йиғмажилдларидаги бошланғич ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва ишончлилигини текшириш йўли билан тўғрилигини ялпи текшируви ҳамда мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар томонидан ишлаётган пенсионерларга пенсиялар ва нафақаларнинг ҳисоблаб ёзилиши ва тўланиши тўғрилиги юзасидан режали текшириш ўтказилади. Фуқароларга, шу жумладан банк ва почта муассасалари томонидан пенсиялар ва нафақаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши, қонун бузилишлари аниқланган тақдирда қонун ҳужжатларида назарда тутилган чоралар кўрилиши юзасидан тизимли мониторинг олиб боради, зарурат бўлганда эса, мустақил экспертларни жалб этган ҳолда, тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан берилган текшириш далолатномаларини ва хулосаларни тақрорий экспертизадан ўтказилади. Молия вазирлиги томонидан молиявий назоратнинг асосий қисми унинг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари (Тошкент шаҳри ва вилоят kesимидаги бошқармалар) томонидан амалга оширилиб борилади.

*Давлат молиявий назоратини амалга оширишнинг яна бир шакли ғазначилик тартибидаги молиявий назоратдир.* Бу шаклдаги молиявий назорат эса Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Ғазначилик тартибидаги молиявий назорат асосан қуйидаги тартибда амалга оширилади:

бюджет ташкилотларининг товарлар етказиб берувчилар (ишларни бажарувчилар, хизматлар кўрсатувчилар) билан шартномаларини, шунингдек Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал курилиш бўйича буюртмачиларнинг шартномалари (кейинги ўринларда бюджет ташкилотлари ва буюртмачилар шартномалари деб аталади) харажатлар сметасида кўрсатилган суммалар ва мақсадларга қатъий мувофиқ равишда тузилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатиш асосида мазкур шартномаларни мажбурий рўйхатдан ўтказиш тартибини жорий этиш орқали бюджет ташкилотларининг мақсадга номувофик, асоссиз харажатларининг олдини олиш;

давлат харидлари бўйича ахборот базасини яратиш ва доимий равишда янгиланган бориш, давлат харидларини амалга оширишда нархни шакллантириш жараёнини назорат қилиш;

харажатлар сметаси ва рўйхатга олинган шартномаларда назарда тутилган қатъий суммалар доирасида товарлар етказиб берувчилар (ишларни бажарувчилар, хизматлар кўрсатувчилар)нинг бевосита ҳисоб рақамларига бюджетдан маблағ олувчилар номидан ва уларнинг топшириғи бўйича тўловларни амалга ошириш орқали тўлов интизомига сўзсиз риоя этилиши устидан таъсирчан назоратни таъминлаш шунингдек, Давлат бюджети

ижроси ҳақида ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш ва шу каби тартибда амалга оширади.

*Молиявий назорат шакллари сифатида солиқ назорати ҳам алоҳида ўрин тутди.* Чунки, солиқ назорати орқали турли даражадаги бюджетларга ва бошқа марказлаштирилган пул фондларига солиқлар ва бошқа тўловларнинг ўз вақтида келиб тушиши, уларнинг тўғри ҳисобланиши, солиқ тўловчилари томонидан уларнинг зиммасига юклатилган солиқ мажбуриятларининг қандай бажарилаётганлиги каби жараёнлар молиявий назорат қилинади. Солиқ тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланиб, унинг ўзига хос хусусиятлари дарсликнинг икки қисмида келтириб ўтилади.

Маълумки, Марказий банкнинг бош мақсади миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш бўлса, унинг асосий вазифалари: монетар сиёсатни ҳамда валютани тартибга солиш соҳасидаги сиёсатни шакллантириш, қабул қилиш ва амалга ошириш; Ўзбекистон Республикасида ҳисоб-китобларнинг самарали тизимини ташкил этиш ва таъминлаш ҳамда давлат бюджетининг касса ижросини Молия вазирлиги билан биргаликда ташкил этишдан иборатдир. Марказий банкнинг ўз ваколатлари ва функциялари доирасида молиявий назоратни ҳам амалга оширади. Бу эса асосан банклар, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар учун иқтисодий нормативларни ҳамда банклар, микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар учун молиявий ва касса операцияларини ўтказиш, бухгалтерия ҳисоби ҳамда ҳисоботини юритиш қоидаларини тасдиқлаш, шунингдек уларга риоя этилишини кўриб чиқиш; валютани тартибга солиш ва валютани назорат қилиш давлат органи сифатида молия-банк тизими барқарорлигини сақлаб туриш, омонатчилар, қарз олувчилар ва кредиторларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида банклар, микрокредит ташкилотлари ломбардлар ва кредит бюрolari фаолиятини тартибга солиш ҳамда назорат қилиш, шунингдек улар томонидан ички назорат қоидаларига ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборотни махсус ваколатли давлат органига тақдим этиш тартибига риоя этилиши устидан мониторинг ҳамда назорат қилиш тартибида амалга оширилади.

Шунингдек, Марказий банкбанк операцияларини амалга ошириш, бухгалтерия ҳисоби ва банк статистика ҳисоботини юритиш, йиллик ҳисоботлар тузиш юзасидан банклар учун мажбурий бўлган қоидаларни, молиявий операцияларни амалга ошириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш юзасидан микрокредит ташкилотлари учун мажбурий бўлган қоидаларни тасдиқлайди ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари банклар, микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан бузилганлиги аниқланган тақдирда, Марказий банк уларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ чоралар ҳамда санкциялар қўллашга ҳақли бўлади.

Тижорат банклари эса хўжалик юритувчи субъектларнинг банклардаги ҳисобварақлари орқали ноқонуний молиявий операцияларини амалга оширилишини назорат қилади, корхоналар олти ой мобайнида (савдо ва савдо-воситачилик корхоналари эса уч ой мобайнида) банк ҳисобварақлари бўйича пул операцияларини ўтказиш билан боғлиқ молия- хўжалик фаолиятини амалга оширмаган ҳолларда, (деҳқон ва фермер хўжаликлари бундан мустасно) банклар бундай корхоналар тўғрисидаги ахборотни улар ҳисобга олинган жойдаги давлат солиқ хизмати органига тегишли чоралар кўриш учун тақдим этади. Банк ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш тўғрисида суд қарори мавжуд бўлган тақдирда, корхоналарнинг ёпилаётган ҳисобварақларидаги маблағлар қолдиқлари банк томонидан фойдаланиш ҳуқуқсиз махсус ҳисобварақларга киритиб қўйилади, корхонанинг тўланиши учун банкка тақдим этилган кредиторлик қарзи эса, кўзда тутилмаган ҳолатларнинг алоҳида ҳисобварақига ўтказилади. Банклар пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган ахборотни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда махсус ваколатли давлат органига тақдим этади.

Молиявий назоратнинг объекти сифатида суғурта фондлари ва суғурта муносабатлари ҳам мавжуд бўлади. Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта назорати давлат инспекцияси суғурта муносабатлари барча қатнашчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида суғурта ташкилотлари фаолияти устидан назоратни амалга оширувчи давлат органи ҳисобланади.

*Суғурта назорати давлат инспекцияси томонидан молиявий назорат қўйидаги тартибда амалга оширилади:*

- ❖ суғурта бозорининг профессионал қатнашчилари томонидан суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш, тўловга лаёқатлилигининг белгиланган нормативларини ва уларнинг молиявий барқарорлигига қўйиладиган бошқа талабларни таъминлайди;
- ❖ суғурталовчилар томонидан молиявий ҳисобот берилиши шакллари, тартиби ва муддатларини, суғурталовчилар томонидан суғурта захиралари ҳосил қилиш ва жойлаштириш тартиби ва шартларини, суғурталовчилар томонидан суғурта ходисалари бошланишининг олдини олиш ва огоҳлантириш бўйича тадбирлар маблағ билан таъминланиши тартиби ва шартларини белгилайди;
- ❖ қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурта бозори профессионал қатнашчиларининг фаолиятини текшириш ва аниқланган қонун бузилишларини бартаф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар берилади;

❖ суғурталовчилар томонидан суғурта фаолияти тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига риоя қилинишини ва уларнинг ҳисоботлари ишончилигини, шунингдек улар учун белгиланган тўловга лаёқатлилиқ кўрсаткичлари ва молиявий барқарорликнинг бошқа талаблари таъминланишини текширади;

❖ суғурталовчилар томонидан суғурта тўғрисида қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш мақсадида суғурталовчилар фаолиятини текшириш, зарурат бўлса бунинг учун комиссиялар ва ишчи гуруҳлар ташкил этади ва шу каби тартибда молиявий назоратни амалга оширади.

*Ички хўжалик томонидан молиявий назорат* эса хўжалик юритувчи субъектларнинг юқори турувчи органлар томонидан уларнинг ваколатлари доирасида, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича Давлат солиқ инспекциялари томонидан, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши ёки унинг ҳудудий бўлинмаларининг қарорига асосан тегишли назорат қилувчи органлар томонидан, корхоналарнинг ички тафтиш ёки аудит хизмати томонидан (масалан, қонунга кўра акцидорлик жамиятларида ички тафтиш комиссияси ёки ички аудит хизмати ташкил этилиши белгилаб қўйилган), қонунга кўра мажбурий тартибда аудиторлик текшируви ўтказилиши шарт бўлган корхоналарда аудиторлик ташкилотлари ва шу қабилар томонидан ўтказилиши мумкин. Аудиторлик молиявий назорат шунингдек, корхона муассислари ёки корхона бошқарувининг ташаббусига кўра ихтиёрий (мустақил) равишда ҳам ўтказилиши мумкин.

Нazorат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши ёки унинг ҳудудий бўлинмаларининг қарорига асосан тегишли назорат қилувчи органлар томонидан молиявий назорат (режали текширув) асосан уч хил шаклда: режали текширув, режадан ташқари текширув ва муқобил текширув шаклида ўтказилади.

*Режали текширув*

Нazorат қилувчи орган режали текширув ўтказишнинг бошланиши ҳақида текширувни ўтказиш бошланишидан камида ўттиз календарь кун олдин тадбиркорлик субъектини текширувдан ўтказиш муддатлари ва предметини кўрсатган ҳолда, ёзма шаклда хабардор қилади. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режали текширишлар йилига кўпи билан бир марта одатда комплекс текширишлар кўринишида амалга оширилади, (молия-хўжалик фаолиятини текширишлар бу муддатга амал қилинмаслиги мумкин). Қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда риоя этилган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режали текширишлар, назорат қилувчи органлар томонидан икки йилда кўпи билан бир марта амалга оширилади. Кичик тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликлари молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектлариники эса уч йилда кўпи билан бир марта амалга оширилади.

Янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган дастлабки уч йил давомида режали солиқ текширувларидан ўтказилмайди (акцизли товарларни ишлаб чиқарувчи янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш, шунингдек бюджет ва марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ текширувлар бундан мустасно). Акцизли товарларни ишлаб чиқарувчи янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти, шунингдек кичик бизнес субъектларининг бюджет ва марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб дастлабки икки йил давомида режали солиқ текширувларидан ўтказилмайди.

Ҳудудий солиқ органлари томонидан бошқа туманларда (шаҳарларда) рўйхатдан ўтказилган тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текширишлар, уларнинг ишлаб чиқариш жойлари, савдо шохобчалари ва хизмат кўрсатиш (иш бажариш) жойлари қаерда жойлашганидан қатъи назар, тақрорийликни истисно этган ҳолда, тадбиркорлик субъекти рўйхатдан ўтказилган жойдаги тегишли солиқ органлари билан бир вақтда ўтказилади.

*Режадан ташқари текширув*

Режадан ташқари текширишлар (шу жумладан қисқа муддатли текширишлар) назорат қилувчи органлар томонидан "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасига биноан уларнинг ўтказилишини асослаб берадиган сабаблар мавжуд бўлган куйидаги алоҳида ҳолларда амалга оширилиши мумкин:

- текширишларни ўтказиш зарурати Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ҳукуматининг қарорларидан келиб чиққанда (агар Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ҳуку матининг қарорларида текшириладиган субъект номи аниқ белгиланган бўлса, бунда Кенгаш ёки унинг вилоят комиссияси розилигини олиш талаб қилинмайди);
- назорат қилувчи органга тадбиркорлик субъекти томонидан қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳоллари тўғрисида кўшимча маълумотлар келиб тушганда (корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқаролардан келиб тушган, аниқ далилланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари кўрсатилган ахборот кўшимча маълумот бўлиб хизмат қилиши мумкин);
- Шунингдек назорат қилувчи органларга тадбиркорлик субъекти ўз фаолиятини текширишни сўраб, асосланган илтимос билан мурожаат этган тақдирда ҳам режадан ташқари текшириш ўтказилиши мумкин.

Улгуржи ва чакана савдодаги умумий овқатланиш ва пулли хизматлар кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари томонидан савдо-сотик

ҳамда нақд пул тушумини топшириш қоидаларига риоя этилишини режадан ташқари қисқа муддатли текширишлардан ўтказиш тўғрисидаги қарорлар истисно тартибда туман комиссияларининг раислари ёки вилоят комиссиялари раисларининг ўринбосарлари -солиқ бошқармалари бошлиқлари томонидан имзоланадиган рўйхатлар кўринишида расмийлаштирилади. Рўйхатларда текширилаётган тадбиркорлик субъекти номи ва СТИР, текширилаётган тадбиркорлик субъекти улгуржи ва чакана савдо, умумий овқатланиш вапулли хизматлар кўрсатиш объектининг юридик манзили, шунингдек корхона амалга ошираётган фаолият тури ва режадан ташқари қисқа муддатли текшириш ўтказиш муддати кўрсатилади.

*Муқобил текширув*

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини муқобил текширишлар назорат қилувчи органларнинг марказий аппаратлари ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан тегишинча Кенгаш ва унинг вилоят комиссияси қарори бўйича, қўзғатилган жиноят ишлари бўйича эса - текширишни тайинлаш тўғрисидаги қарорга асосан, фақат уларнинг текширилаётган тадбиркорлик субъекти билан ўзаро муносабатларига доир қисм бўйича ўтказилади. Тадбиркорлик субъектининг текшириш объекти билан ўзаро муносабатлари дейилганда шахсларнинг ҳужжат билан тасдиқланган аниқ алоқасини тушунилади. Муқобил текширишларни ўтказилаётганда тадбиркорлик субъектларига бориш ва улардан текшириш предметига тааллуқли бўлмаган молия-бухгалтерия ёки бошқа ҳужжатларни талаб қилиш ман этилади.

*Молиявий назоратни ўтказиш шаклларига аудиторлик текширувлари ҳам қиради.*

Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборот тўғрилиги ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мослигини аниқлаш мақсадида ҳўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботини ҳамда у билан боғлиқ молиявий ахборотини аудиторлик ташкилотлари томонидан текширишдир. «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасига кўра қуйидагилар ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши керак:

акциядорлик жамиятлари;

банклар ва бошқа кредит ташкилотлари;

суғурта ташкилотлари;

инвестиция фондлари ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини жамлаб турувчи бошқа фондлар ҳамда уларнинг инвестиция активларини ишончли бошқарувчилар;

манбалари юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари бўлмиш хайрия фондлари ва бошқа ижтимоий фондлар;

маблағларининг ҳосил бўлиш манбалари қонун ҳужжатларида назарда тутилган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан қилинадиган мажбурий ажратмалар бўлмиш бюджетдан ташқари фондлар;

устав фондида давлатга тегишли улуш бўлган ҳўжалик юритувчи субъектлар ва давлат унитар корхоналари.

фонд ва товар биржалари ва шу кабилар.

Мажбурий аудиторлик текширувининг буюртмачиси ҳўжалик юритувчи субъект бўлади. Аудиторлик ташкилотини танлаш ҳўжалик юритувчи субъект мулкдори, шунингдек қатнашчилари (акциядорлари)нинг умумий йиғилиши билан Ташаббус тарзидаги аудиторлик текшируви ўтказилиши мумкин. Ташаббус тарзидаги аудиторлик текшируви ҳўжалик юритувчи субъектнинг ёки бошқа аудиторлик текшируви буюртмачиларининг қарорига биноан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ўтказилиши мумкин. Ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувининг предмети, муддатлари ва бошқа шартлари аудиторлик текширувининг буюртмачиси билан аудиторлик ташкилоти ўртасида тузиладиган аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисидаги шартномада белгилаб қўйилади.

Ҳўжалик жамиятлари устав жамғармасидаги давлат акциялари пакетлари (улушлари)ни бошқариш бўйича фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида низомга кўра давлат улуши – давлат акциялар пакети (улуши), унга давлат активи ҳам қиради. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат активларини сотиш тартибининг янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорига мувофиқ давлат активлари – корхоналар, ҳўжалик жамиятларининг устав фондларидаги акциялар (улушлар), ер участкалари ва давлат мулки ҳисобланган бошқа мол-мулкдир. Шу тариқа, устав фондида акциялар (улушлар) кўринишида давлатга тегишли улушга, шу жумладан давлат активларига эга бўлган ҳўжалик юритувчи субъектлар (акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган (қўшимча масъулиятли) жамиятлар) ҳар йили қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда мажбурий аудитни ўтказадилар. Бунда устав фондида давлатга 100% тегишли улушга эга бўлган давлат унитар корхоналари (ДУК) ҳам ҳар йили умумбелгиланган тартибда мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилиши керак. Устав фондида давлат улушига эга бўлган ҳўжалик юритувчи субъект унитар шўба (ёки қарам) мустақил корхона барпо этган ҳолларда бундай корхона устав фондида давлат улуши бўлган ҳўжалик юритувчи субъект ҳисобланмайди ва ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказиладиган рўйхатга қирмайди.

Жамоат фондларини ташкил этиш тартиби Фуқаролик кодексининг меъёрлари билан тартибга солинади. Унинг 75-моддасига кўра фуқаролар ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрий мулкий бадаллар қўшиш асосида ташкил этилган, хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни қўзлайдиган, аъзолиги бўлмаган нодавлат ноижжорат ташкилоти жамоат фонди деб эътироф этилади. У ҳар йили ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни чоп этиши ва, тегишинча, ҳар йили аудиторлик текширувини ўтказиши шарт.

«Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуннинг (1999 йил 14 апрелдаги 763-І-сон) 10-моддасида белгиланишича: нодавлат нотижорат ташкилотлари жамоат бирлашмаси, жамоат фонди, муассаса шаклида, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклда ташкил этилиши мумкин. Шу тариқа, хайрия ёки жамоат фондлари шаклида тузилган нодавлат нотижорат ташкилотлари қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилиши керак; уюшмалар (иттифоқлар) ва тузилиши Фуқаролик кодексининг 77-моддасида назарда тутилган, устав фондига эга бўлмаган бошқа бирлашмалар шаклидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари бундай текширувдан ўтказилмайди.

Корхоналарнинг ички молиявий назорати уларнинг қонун ҳужжатлари ва уларнинг низомлари асосида ташкил этилади. Бундай молиявий назорат қорхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, бўйсиниш тартибига шу қабиларга боғлиқ бўлади. Акциядорлик жамиятлари шаклидаги қорхоналарда молиявий назорат тафтиш комиссияси, ички аудит хизмати ёқиташқи аудитни ўтказиш орқали амалга оширилади. Жамиятнинг молия- хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун жамият уставига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга тафтиш комиссияси (ёки тафтишчи) сайланади. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айни бир шахс айни бир жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас. Жамият тафтиш комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган низомда белгиланади.

Жамият тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра жамият ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслар жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига (тафтишчига) тақдим этиши шарт. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, жамият қузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра жамият қузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширилади.

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра жамиятнинг тафтиш комиссияси (тафтишчиси) ҳулоса тузади, бу ҳулосада: жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо; бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилади. Тафтиш комиссияси жамиятда аффилиланган шахслар билан

тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги ҳулосани ҳар чоракда жамият қузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади.

Активларининг баланс қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлган жамиятда *ички аудит хизмати* ташкил этилади. Ички аудит хизмати жамиятнинг қузатув кенгашига ҳисобдордир. Жамиятнинг ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятнинг бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари иштини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

Аудиторлик ташкилоти жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамият молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик ҳулосасини тақдим этади.

Акциядорлик жамиятида *ташқи аудитни ўтказиш* тўғрисида қарор қабул қилиш ва аудиторлик ташкилотини танлаш ҳуқуқи акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколати ҳисобланади. Аудиторлик ташкилоти жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри ҳулосани ўз ичига олган аудиторлик ҳулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун жамият олдида жавобгар бўлади.

Устав фондидаги (устав капиталдаги) давлат улуши эллик фоиздан кўп бўлган жамиятларда аудиторлик текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган рўйхатдан келиб чиққан ҳолда танлов асосида амалга оширилади.

Юқорида келтирилганидек, молиявий назорат ўтказилиш аврийлигига кўра дастлабки, оралик, якуний, қатъий, режали, фавқулоддаги ва ташаббусга кўра молиявий назорат турларига бўлинади. Қатъий, режали, фавқулоддаги ва ташаббусга кўра молиявий назорат турлари хусусида қисқача бўлсада тўхтаб ўтилди. Қуйида эса дастлабки, оралик ва якуний молиявий назорат хусусида тўхталамиз. Моҳияти жиҳатидан дастлабки, оралик ва якуний молиявий назорат турлари асосан давлат молиявий назорати жараёнида кўпроқ амалга оширилиб, асосан булар турли даражадаги бюджетлардан бюджетдан маблағ олувчиларни молиялаштириш жараёнида амалга оширилади.

*Дастлабки молиявий назорат бу* - молия органлари томонидан бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштиришда улар томонидан тақдим этиладиган бюджетдан маблағ билан таъминлаш нормативлари асосида смета ва штатлар жадвали ҳамда харажатларнинг тўлиқ ёйилмасининг тасдиқланган Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг амалдаги таснифномасига мувофиқ тузилганлигини кўриб чиқиш, текшириш, бюджет харажатлари лимитларига ва нормативларига ҳамда бюджет параметрларига мувофиқлиги таҳлил қилиш жараёнидир.

*Оралиқ молиявий назорат бу* - молия ва ғазначилик органлари томонидан бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштиришда жараёнида уларнинг тасдиқланган харажатлар сметалари бўйича харажатларни мақсади, манзилли ва самарали фойдаланиш жараёнига амал қилиши устидан назоратни таъминлаш, уни кузатиб бориш ва мониторинг қилиш жараёнидир. Оралиқ молиявий назорат ҳозирги кунда кўпинча ғазначилик органлари томонидан бюджетдан маблағ олувчиларнинг сметаларидаги маблағлар доирасида товарлар ва хизматларнинг истеъмоли билан боғлиқ нархлар мониторингини амалга ошириш, уларнинг умумий нархларга мувофиқ келиши, маблағларнинг харажат моддалари бўйича молиялаштирилишини оператив тарзда назорат қилиш шаклида амалга оширилади.

Бундан ташқари оралиқ молиявий назорат молия органлари томонидан бюджетдан маблағ олувчиларнинг молиявий ҳужжатларини камерал тартибда ўрганиш асосида ҳам амалга оширилади. Бунда бюджетдан маблағ олувчиларнинг молиявий ҳужжатларининг тўғри тузилганлиги, уларда молиявий кўрсаткичлар тўғри акс эттирилиб борилганлиги, харажатларни сарфлаш амалдаги қоидаларга амалга ошириладиганлиги каби ҳолатлар ўрганиб борилади ва аниқланган камчиликлар ва хатоликлар бўйича тегишли чоралар амалга оширилади.

*Якуний молиявий назорат* эса одатда бюджетдан маблағ олувчиларнинг олинган маблағларнинг тасдиқланган смета доирасида уларнинг мақсади, манзилли ва самарали сарфланганлигини, бюджет интизомига риоя қилинганлиги, ўзаро ҳисоб-китоблар қоидалари асосида молия-хўжалик ишлари ташкил қилинганлигини вақти-вақти билан якуний тартибда молиявий назорат қилиш жараёнидир. Молия органлари тизимида ушбу назорат асосан Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари (Тошкент шаҳри ва вилоят кесимидаги бошқармалар) томонидан амалга оширилиб борилади. Якуний назорат тарзидаги давлат молиявий назорати назорат режасига кўра амалга оширилади ва давлат молиявий назорат органининг қарори асосида ўтказилади. Якуний назорат тарзидаги давлат молиявий назоратини амалга оширувчи мансабдор шахс давлат молиявий назорат органи қарорининг кўчирма нусхасига ва хизмат гувоҳномасига эга бўлиши керак.

### **3.5. Молиявий режалаштириш ва прогнозлаштириш**

Молиявий бошқарувнинг муҳим қисми бу молиявий режалаштириш ва прогнозлаштириш жараёни ҳисобланади. Молиянинг ўзагини ташкил этадиган турли даражадаги пул фондларини шакллантириш, уларнинг маблағларидан самарали фойдаланиш(сарфлаш), уларнинг даромад манбаларини аниқлаш, харажат йўналишларини аниқлаш, улар билан боғлиқ молиявий операциялар(муносабатлар)ни маълум бир тартибли тизимда ташкил этиш молия тизимидаги энг муҳим масалалардан ҳисобланади.

Давлат миқёси ва корхоналари доирасида ташкил қилинадиган пул фондларидан маблағлар бўйича харажатларни амалга ошириш, аввало уларнинг даромад манбаларининг қанча бўлишлигини аниқлаш муҳим саналади. Даромад манбаларининг ҳажмини аниқлаш эса давлат миқёсида оладиган бўлсак, ижтимоий хизматларни молиялаштириш даражасини белгилаб беради, даромадларнинг ҳажмини билмасдан туриб эса харажатларни режалаштириш молиялаштиришнинг бир маромда боришига салбий таъсир қилади. Ўз навбатида эса пул фондларининг даромад манбаларининг турлари аниқ бўлгани билан, ушбу манбалардан қанча даромадлар шакллантириш мумкинлиги бу мавҳум, яъни эҳтимоллигидир.

Ваҳоланки, давлатнинг марказлаштирилган пул фондларининг асосий даромад манбаларини эса солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан тушадиган даромадлар ташкил қилади. Солиқ тўловчилар эса бозор қонуни асосида фаолият кўрсатади ва таваккалчиликка асосланади, уларнинг даромадлари даражаси ва молиявий ҳолати эса ўзгарувчан характерда бўлади. Бундан ташқари давлатнинг ўзининг тадбиркорлик фаолияти бўйича олиннадиган даромадлар бўйича ҳам худди шундай ҳолат кузатилади. Бу келтирилган омиллар ва ҳолатлар эса ҳам давлат миқёсидаги ҳам хўжалик юритувчи субъектлар доирасидаги молиявий муносабатлар тизимида молиявий режалаштириш ва прогнозлаштириш жараёнининг объектив зарурлигини билдиради. Маълумки, табиат ва жамиятда юз берадиган табиий ва ижтимоий-иқтисодий жараён(ҳодиса, воқея)ларнинг ривожланиш хусусиятлари ва уларнинг келгусидаги ҳолатини аниқлашнинг шакллари сифатида илмий жамоатчилик ўртасида гипотеза, прогноз ва режа каби шакллари тан олинади. Жараёнларни олдиндан кўра(айта) олишнинг ушбу шакллари илмий-тадқиқот методологиясида ҳам муҳим ўрин тутди.

Гипотеза қадимги грек тилидан олинган бўлиб "ὕποθεσις"- "тахмин" деган маънони билдириб, табиат ва жамиятдаги жараёнларни илмий-назарий жиҳатдан ўрганишда муҳим методик вазифани ўтайди. Файласуфлар ва илмий тадқиқот методологияси билан шуғулланувчи олимларнинг умумий фикрига кўра гипотеза ҳақиқат ва ёлғоннинг ўртасида мавжуд бўлиб, унга асосланган ёки уни қўллаш натижасида олинган натижаларга қараб унинг ҳақиқатга ёки ёлғонга айланади. Шу билан биргаликда гипотеза илмий тадқиқот жараёнларида бошқарувчи ролни ҳам ўйнайди ва у илмийлик хусусиятлари билан қоришиб кетади.





**7-Расм. Олдиндан кўра(айта) олиш шакллари.**

Гипотеза шу туфайли ҳам табиат ва жамиятдаги рўй берадиган ҳодиса ва воқеялик ҳамда муносабатларнинг келгусидаги ҳолатини аниқлашда катта аҳамият касб этади. Гипотезанинг қўйилиши эса илмийликка ундайди ва шу орқали у прогноз тушунчаси билан қоришиб кетади. Прогноз эса таъкидаб ўтганимиздек, гипотезаларга таянган ҳолда илмий-қонуниятларга асосланади. Ўрганилаётган жараённинг келгусидаги ҳолатини аниқлашда уларни бирга қўллаш муҳим методик йўлланмаларни беради ва улар биргаликда режаларни шакллантиришга асос бўлади.


Прогнозлаштириш бошқарув тизимининг муҳим ва зарурий элементи ҳисобланади. Прогнозлаштириш натижасида бошқарув жараёнида бошқарув объектининг келгусидаги ҳолати ва унга таъсир этувчи омилларнинг йўналишлари аниқланади. Прогноз-грекча(prognosis) сўз бўлиб-“олдиндан кўра билиш,” “олдиндан айтиш” деган маънони билдиради. Иқтисодий-ижтимоий моҳияти бу- кўзланган мақсадга эришиш(иқтисодий ҳолатга эришиш)нинг илмий асосланган ҳолда турли хил вариантларини баҳолашдан иборатдир. Бизга маълумки, жамиятда эҳтиёжлар чексизлиги қонунияти мавжуд, бу ҳолат давлатнинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжига ҳам тегишлидир. Молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжнинг чексизлиги ва унинг ҳажмининг қанчалик кўплиги давлат фаолиятининг самарадорлигини таъминловчи омиллардан бири бўлади. Албатта бу борада давлат солиқ сиёсатида прогрессив солиққа тортиш тамойилларини кучайтириш орқали масалани ҳал этиш мумкин, аммо, ушбу тамойил маълум бир вақтлар ва даврлардагина ўз самарасини бериш мумкин.<sup>37</sup> Миллий иқтисодиётдан узлуксиз равишда яратилган янги қийматни(миллий даромадни) бюджетга сафарбар этиш иқтисодиётда таназзулга олиб келиши бюджет-солиқ муносабатларига оид илмий назарияларда жуда кўплаб исботлаб берилган.<sup>38</sup> Шундай экан, миллий иқтисодиётдан қанча миқдорда солиқ сифатида даромадларни бюджетга сафарбар этиш мумкин ва унинг ҳам иқтисодиётга ҳам бюджет орқали давлатнинг фаолиятига таъсирини мунтазам баҳолаб туриш домий муаоммолардан бири бўлиб юзага чиқади. Бу эса солиқларни бюджетга келиб тушиш даражасини, солиқ тўловчиларнинг солиқ тўлаш имконияти (потенциали)ни аниқлашни зарурият қилиб қўяди. Албатта, солиқ тўловчиларнинг солиқ тўлаш имконияти максимал даражада уларнинг

<sup>37</sup> Инглиз иқтисодчиси Ж.Кейнснинг прогрессив солиққа тортиш назариясининг АҚШ иқтисодиётига таъсирини эслаш мумкин.

<sup>38</sup> Масалан, А.Лаффер эгри чизгининг моҳияти.

ихтиёридаги молиявий ресурслар ҳажмида бўлиши мумкин. Бирок, юқорида таъкидлаганимиздек, уларнинг молиявий ресурсларини ҳам уларнинг ўзлари ҳам давлат манфаатлари<sup>39</sup> йўлида оқилона тақсимлаш иқтисодий жиҳатдан самаралидир. Бу жараён аслида миллий иқтисодиётни социал-иқтисодий прогнозлаштириш ва унга асосланган ҳолда социал-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Миллий иқтисодиётдаги социал-иқтисодий нисбатларни ўрнатиш мақсадида марказлашган пул фондларининг тўлақонли амал қилишини таъминлаш ўз навбатида давлатнинг молиявий бошқарув функциясини келтириб чиқаради.

*Молиявий режалаштириш* таркибий жиҳатдан давлатнинг барча марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул фондларини режалаштириш, барча даражадаги молиявий ресурсларни режалаштириш жараёнларини қамраб олиб, молиявий прогнозлаштириш эса унинг таркибий қисми ҳисобланади ва молиявий прогнозлаштириш эса барча турдаги(марказлашган ва марказлашмаган) пул фондларининг маблағлари ва уларни сарфлашнинг прогноз кўрсаткичларини қамраб олади.



**8-расм. Молия сиёсатининг таркибий қисми сифатида унинг бошқа бўғинлари билан боғлиқлиги ва ўзаро таъсири йўналишлари.**

*Бюджетни режалаштириш* эса бюджет жараёнининг муҳим ташкилий босқичларини қамраб олса, бюджетни прогнозлаштириш эса бюджетнинг барча даромад манбалари ва харажатларининг прогноз кўрсаткичларини аниқлаб беради. Молиявий режалаштириш ва прогнозлаштириш, солиқларни

<sup>39</sup> Давлат манфаатлари деганда уни икки томонлама тушуниш керак. Аслида давлат жамият аъзолари, жумладан, ишлаб чиқариш соҳаси вакилларининг ҳам манфаатларини кўзлайди.

режалаштириш ва прогнозаштиришнинг илдизи битта нарсани, яъни молиявий сиёсатнинг ўзагини ташкил қилади. Ўз навбатида улар ўзаро боғлиқ бўлади.

*Молиявий прогнозаштириш* бу молиявий режалаштиришнинг асосини ташкил этиб, турли даражадаги пул фондларининг даромад манбалари ва молиявий ресурсларнинг келгусидаги ҳажмини, ушбу фондлардан қилинадиган харажатларнинг йўналишларини, молиявий кўрсаткичларнинг даражаси(ҳолати)ни аниқлаш(прогноз қилиш), уларга таъсир этувчи омилларни баҳолаш, шунингдек, миллий иқтисодиёт, тармоқ, ҳудудлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар доирасида молиявий потенциални аниқлаш(баҳолаш) жараёнидир.

Келтирилган расмдан кўриш мумкинки, молиявий режалаштириш, молиявий прогнозаштириш, бюджетни режалаштириш, бюджетни прогнозаштириш, шунингдек, солиқларни режалаштириш ва прогнозаштириш ўзаро узвий боғлиқ бўлиши билан биргаликда улар бири-бирини тўлдирди. Ўз навбатида солиқларни прогнозаштириш бюджетни прогнозаштиришга асос бўлса, бюджетни прогнозаштириш эса молиявий прогнозаштиришга асос бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, молиявий прогнозаштириш бюджетни прогнозаштириш ва солиқни прогнозаштиришдан мазмунан ва объекти жиҳатдан кенг ҳисобланади ва у бутун молия тизимининг келгусидаги амал қилиш жараёнларини ўзида акс эттиради.

Молиявий режалаштириш ва прогнозаштириш жараёнида энг муҳим босқичлардан бир бу уни амалга оширишда қўлланиладиган моделлар ва методларни аниқлаш ва улардан унумли фойдаланиш ҳисобланади. Моделлар тузилиши ва жараёнларни камраб олиши жиҳатдан бири-биридан фарқланади, яъни уларнинг функционал вазифалари даражаланади. шу жиҳатдан олганда функционал, принцинал, структурали ва параметрли моделларга ажратилади.

Функционал модел (баъзи ҳолларда абстрактли модел ҳам деб аталади) бу ўрганилаётган объектнинг ички ва ташқи элементларининг ўзаро боғлиқлигини очиб беришга хизмат қилади. Иқтисодиётдаги ҳар қандай жараён ўз ички ва ташқи элементлари ва омилларга боғлиқ бўлиб, бирининг ўзгариши бошқасининг ўзгариши таъсир қилади ва уни ўзига боғлиқ(тобе) қилиб қўяди, шу билан биргаликда ўзи ҳам тобе бўлади. Бундай ҳолат молиявий режалаштириш ва прогнозаштириш жараёнида доим содир бўлади, қолаверса, ташқи ва ички элементларнинг ўзаро боғлиқлиги жуд кучли бўлади. Масалан марказлаштирилган пул фондларига маблағларнинг тушишини прогноз қилишда солиқ ставкаларини ўзгаришининг солиқ тушумларига таъсирида ички ва ташқи омиллар ва элементларнинг ўзаро боғлиқлиги жуда кучли бўлади, улар ўртасидаги функционал алоқаларни ўрганиш эса солиқли даромадлар тушумлари ҳажмини аниқроқ аниқлашда катта роль ўйнайди. Бу ерда асосий масалалардан бири ҳам ўзаро функционал боғлиқ элементларни тўғри аниқлаш керак бўлади.

Принципиал(концептуал модел) модел ўрганилаётган объектнинг реал ҳолати ва унинг алоқаларига асосланади. Деярли барча жараёнларда принцинал алоқалар ва ҳақаратлар мавжуд бўлади, моделлаштиришда уларнинг ана шу жиҳатларига эътибор қаратилади. Масалан, бюджетни прогноз қилиш жараёнида солиқ тушумларининг ошиши ва камайишини тушумнинг принцинал хусусиятлари(динамик тарзда бўлиши, омилларга боғлиқлиги, солиқ хизмати органларининг фаолияти ва ш.к)га таянилиш лозим бўлади.

Структурали моделнинг асосида ҳар қандай объект маълум бир таркибга эга бўлади, уларнинг ривожланиш жараёнларини ўрганиш эса таркибий кетма-кетликнинг иерархиясининг мавжудлиги ётади. Таркибий звенога эга бўлиб, уларнинг боғлиқлигини кучайтиради ва улар ўртасида принцинал ва функционал алоқаларни аниқлаш имкони туғилади, шу жиҳатдан олганда мазкур моделлар юқорида қайд этилган принцинал ва функционал моделларни тўлдирди ва уларга хизмат қилади. Параметрли моделлар одатда математик моделлар ҳам деб аталади. Ушбу моделнинг моҳияти шундан иборатки, моделлаштирилаётган тизимнинг функционал ва ёрдамчи(асосий ва асосий бўлмаган) параметрлари ўртасида миқдорий боғлиқликларни очиб беради. Юқорида қайд этилганлардан ташқари моделлар тизими хусусиятлар, даражалари ва мақомига қараб оддий ва мураккаб, бир хил турдаги ва хилма-хилли, очик ва ёпиқ, статистик ва динамик, барқарор ва эҳтимолли моделларга ҳам гуруҳланади <sup>40</sup>. Моделларнинг шакли ва турига қараб моделлаштириш юзага чиқади. Моделлаштириш тегишли моделни қўллаган ҳолда жараённи амалга оширишнинг амалий жараёнидир. Моделлар ижтимоий-иқтисодий жараёнларни қандай тартибда ўрганишнинг самарали воситаларини ифодалаб берса, моделлаштириш ана шу жараёнларнинг механизмларини кўрсатади.

Бюджет-солиқ соҳасидаги макроиқтисодий режалаштириш ва прогнозаштириш моделлари бюджетни самарали режалаштириш ва уни бошқаришга мўлжалланган. Бунда солиқларнинг бюджетга тушишига тўғридан-тўғри таъсир қилувчи макроиқтисодий кўрсаткичларни ўрға ва узоқ муддатли динамикасини чуқур ва сифатли прогноз қилишни талаб қилади. Солиқ тушумлари эса давлатнинг иқтисодий, жумладан бюджет-солиқ сиёсати, иқтисодий ислохотларнинг мазмуни ва йўналишлари ҳамда ташқи омилларга боғлиқ бўлади. Булар макроиқтисодий омиллар ҳисобланади. Бундай омилларнинг ўзаро боғлиқлигини комплекс ўрганиш маълум бир макроиқтисодий моделларни қўллашни тақозо қилади. Солиқ даромадларини прогноз қилиш муаммоси иқтисодий прогноз қилиш умумий муаммолари билан узвий боғлиқ бўлиб, уларни таққик қилиш учун маълум бўлган иқтисодий-математик моделлар ва усуллар фойдаланилиши мумкин.

Иқтисодиётда дастлабки йирик *макроиқтисодий моделлардан бири* Кейнсчилар назарияга асослаган IS-LM модели бўлиб, ушбу моделнинг

<sup>40</sup>Юдин А. Д. Экстремальные модели в экономике. М., 1979, 79 с.

асосини истеъмол функцияси, инвестиция функцияси, талаб функцияси ва шу кабилар ташкил этади. Шунингдек, ушбу модел моливий режалаштириш ва прогнозлаштиришда ҳам қўлланилади. Кейин назариясида макроиктисодий мувозанат масаласи қайд этилган функциялар билан биргаликда моливий функциясини ҳам қамраб олади, яъни ушбу назарияда биринчи бор "солиқ мультипликатори" "давлат харажатлари мультипликатори" тушунчаси киритилади. Собик иттифоқ даврида моливий режалаштириш ва прогнозлаштиришда макроиктисодий моделлар сифатида бир неча хил моделлар, жумладан, балансли, эконометрик(статистик), минимакс(ўйин) каби моделлар қўлланила бошланган эди. Балансли моделда турли иктисодий кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро алоқалар назарий жиҳатдан ҳисобот баланслари асосида ишлаб чиқилган динамик иктисодий-математик моделларда тавсифланади.<sup>41</sup> Режали иктисодиётда тармоқлараро баланс моделлари ялпи маҳсулот ҳажмини прогноз қилиш ва халқ ҳўжалиги тармоқларига режа топшириқлари белгилаш учун фойдаланилган. Моливий режалаштириш ва прогнозлаштиришда қўлланиладиган яна бир моделларидан бири *экстраполяция моделидир*. маълумки, экстраполяциябу-ҳодисалар ва жараёнларнинг бир қисмини кузатиш асосида олинган ҳулосаларнинг бир қисмини унинг бошқа қисмига олиш ёки ёйиш жараёни бўлиб, моливий режалаштириш ва прогнозлаштиришда қилишнинг ушбу моделида ҳам унинг умумий белгилари акс этсада, бироқ, ўрганилаётган объектнинг ўтмишидаги эндоген ва экзоген ҳодиса(белгилар)нинг унинг келгусидаги кўриниши(натijasи)га таъсирини ҳам эътиборга олиш муҳим аҳамият касб этади. Бундай хусусиятли жараёнларни экстраполяция моделлари амалга оширади. Иктисодиётда юз бераётган жараёнлар (ҳодисалар) ва иктисодий объект(категория)ларнинг амал қилиш ва ривожланиш тенденцияларида умумий қонуниятлар сақланиб қолган бўлиб, ушбу ички хусусиятлар уларнинг келгусидаги ҳолатини аниқлашда маълум бир аҳамият касб этади. Услубий жиҳатдан ҳар қандай режалаштириш ва прогнозлаштиришнинг асосий воситаси экстраполяция схемаси ҳисобланади. Экстраполяциянинг моҳияти ўтмишда ва ҳозирги кунда юзага келган прогноз объекти ривожланишининг барқарор тенденцияларини ўрганиш ва уларни келажакка ўтказишдан иборат. Экстраполяция моделида кўпинча трендлашган асосий ўринга чиқади. Тренд бу инлизча "trend" сўз бўлиб, луғавий маъноси —тенденция деган маънони беради. Яъни вақт қаторлари(динамик қаторлар)нинг ўзгаришининг асосий тенденцияларини кўрсатади. Трендлар турли хил шаклда: линеяли, логарифли ва даражали шаклда бўлиши мумкин.<sup>42</sup> Моливий прогноз қилишнинг ушбу модели жумласига тренд модели, экспоненциал текисланиш модели ва авторегрессияли ўртача оғиш модели(ARMA) кабиларни киритиш мумкин.

<sup>41</sup> Анисимов С.А., Дракин В.И., Погорелко И.А. //Автоматика и телемеханика, 1978, N 1., 27-32с.

<sup>42</sup> Қаранг:Коротасев А. В., Малков А. С., Халтурина Д. А. Законы истории. Математическое моделирование развития Мир-Системы. Демография, экономика, культура. 2-изд. М.: УРСС, 2007. ISBN 978-5-484-87

Моливий режалаштириш ва прогнозлаштириш жараёнида аксарият ҳолларда асосан 10 тага яқин умумий методлар қўлланилиб келинади. Уларнинг айримларининг хусусиятлари хусусида тўхалиб ўтамиз. *Интуитив прогнозлаштириш методлари* прогноз қилинаётган объект содда ёки унинг ривожланиш жараёнига ташки таъсирлар йўқ ёки жуда кам бўлган ҳолатларда қўлланилиб, унда моливий режалаштиришни ёки прогнозлаштиришни амалга оширувчи субъектлар-мутахассисларнинг интуитив ёндошишини билдиради. Яъни бундай методларда прогноз жараёнини амалга ошириш натижасида олинган кўрсаткичлар (хулосалар) мутахассиснинг тажрибаси интуитив фикрлай(вазиятни англай олиш) қобилиятига боғлиқ бўлиб қолади. Бундай методларда математик-эконометрик ҳисоблардан узокроқ бўлиб, ундан кўпроқ тарихий, ижтимоий, мантиқий ва психологик жараёнлар базасига асосланган объектларни режалаштириш ва прогноз қилишда фойдаланиш самара бериш мумкин. Интуитив методлардан фарқли ўларок, *формализацияли методлар* моделлаштиришни тақозо этади. Бундай методлар мураккаб ҳисоб- китобларни тақозо этади, шунингдек, жуда кўплаб ўзгарувчан ҳолатларни таъсирини баҳолашни талаб қилади. Моливий режалаштириш ва прогнозлаштириш жараёнида кўп қўлланиладиган моделлар сирасига регрессивли ва нерегрессивли моделлар қиради. Икки ва ундан ортиқ ўзгарувчиларнинг ўртасидаги боғлиқлар ва уларга ташки таъсирларини баҳолаш учун регрессив таҳлилни тақозо этади. Ҳозирги вақтда регрессив таҳлил бошқарув ва моливий прогноз қилишда кенг қўлланилиб келинмоқда. Регрессив таҳлилдан мақсад дастлабки ўзгаришларнинг ташки омиллар(регрессирлар)га боғлиқлиги ва уларнинг таъсири даражасини аниқлашдан иборат бўлади. Бунда регрессия коэффициентлари кичик квадратли ёки максимал ҳақиқатланиш(правдоподобия)<sup>43</sup> методлари ёрдам беради. Вақт қаторларини изоҳлашда энг кўп қўлланиладиган моделлар жумласига авторегрессияли моделлар қиради. Авторегрессияли моделларнинг энг кўп тарқалган тури бу-ARIMAX(инглизча- autoregressive integrated moving average, баъзан Бокс — Дженкинс модели, Бокс — Дженкинс методологияси) — интеграллашган ўртача оғувчи авторегрессияли модел бўлиб, вақт қаторларини таҳлил қилишнинг метод ва методологияси ҳисобланади. Ўртача оғувчи(сирпанувчи) авторегрессияли модел(autoregressive, AR) ва ўртача оғувчи модел(moving average, MA)лар амалиётда, шу жумладан моливий прогноз қилиш ажараёнида ҳам энг кўп қўлланиладиган моделлар сирасидандир. Моливий прогноз қилиш жараёнида самарали қўлланиладиган моделлардан яна бирлари экспоненциал текисланиш моделлари(exponential smoothing, ES)<sup>44</sup> ҳисобланади. Мазкур моделлар ўтган

<sup>43</sup> Maximumlikelihood // Thefreeencyclopedia «Wikipedia»  
[электронныйресурс].URL:[http://en.wikipedia.org/wiki/Maximum\\_likelihood](http://en.wikipedia.org/wiki/Maximum_likelihood).

<sup>44</sup> Prajakt S.K. Time series Forecasting using Holt-Winters Exponential Smoothing // Kanwal Rekhi School of Information Technology Journal [электронныйресурс]. 2004. 13 p.

асрнинг 70-80 йилларида ишлаб чиқилган бўлиб, улар оддийлиги ва яхши самарадорлиги билан аҳамиятлидир.

Экспоненциал текисланиш моделлари асосида ҳақиқий жараён (масалан, бюджетга даромад тушумларини)ни доимий эътиборга(тахлил) олишни жараёни ётади. Янги ходисаларнинг юзага келиши прогноз аввалгиларининг аҳамиятини пасайтиради. Шу жиҳатдан прогноз жараёнида янги жараёнларнинг таъсирини баҳолашига эътибор берилади. Регрессион-классификацияли дарахт базасига асосланган моделлар(classification and regression trees, CART) <sup>45</sup> ҳам вақт қаторларини изоҳлашга хизмат қилувчи ва кенг тарқалган моделлардан бўлиб, асосан прогноз жараёнига ташқи омилларнинг таъсири узлуксиз бўлган шароитда унинг таъсирини аниқлаш мақсадида қўлланилади. Шу жиҳатдан олган мазкур моделлар молиявий ресурсларга импорт-экспорт даражасига жаҳон бозоридаги конъюктуранинг доимий таъсири, бюджетга эгри солиқлар бўйича тушумларга маҳсулотларга бўлган талабнинг доимий ўзгариши каби ташқи омилларни баҳолашда қўлланилиши мумкин. Агар ташқи омиллар узлуксиз характерга эга бўлса, у ҳолда регрессияли дарахт модели қўлланилади, агар омиллар доимий тусда бўлмаса у ҳолда классификацияли регрессия моделларидан фойдаланилади. Агар прогноз жараёнига омилларнинг узлуксизли ва вақтинчалик таъсирлари бир вақтда таъсир қилса, унда регрессион-классификацияли дарахт модели қўлланилади.

Молия тизимида молиявий режалаштириш ва прогнозлаштиришда амалиётда энг кўпроқ қўлланиладиган методларга бу *нормативли ва балансли методлар* киради. Нормативли методнинг моҳияти шунданиборатки, давлат бюджетидан маблағ олувчиларни молиялаштиришда ва уларнинг молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжларини аниқлашда норматив харажатлар миқдоридан келиб чиқиб аниқланади. Масалан, бир нафар ўқувчи, бир нафар тарбияланувчи, 1 та ўриқлар ёки жойсони(касалхоналарда), 1 км/тоннага кетадиган ёқилги миқдори, 1 кв.м.ни тозалаш ҳажми, 1 нафар даволанувчи ёки тарбияланувчининг 1 марталик овқатланишга зарур бўладиган озиқ-овқат миқдори қиймати ва шу каби нормативлардан фойдаланилади. Балансли методнинг моҳияти шундан иборатки, пул фондлари, жумладан давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари ўзаро баланслаштирилган ҳолда тузилади(албатта бунда даромадларнинг келиб тушишининг эҳтимоллигига асосланган тартибда бюджет тақчиллигини инобатга олган ҳолда). Шунингдек, маҳаллий бюджетларда даромадлар ва харажатларни баланслаштириш мақсадида бюджетлараро муносабатларни тартибга солувчи дастаклар(ссудалар, субвенциялар)нинг миқдори режалаштирилган ҳолда амалга оширилиб борилади. Бундан ташқари корхоналарда ишлаб чиқаришга қилинган харажатлар ва уларнинг қиймат(пул) шаклида қайтиш жараёнлари ҳам фойда

нормасини эътиборга олган ҳолда баланслаштирган ҳолда режалаштириш ва прогнозлаштириш жараёнлари амалга оширилиб борилади.

Молиявий режалаштириш ва прогнозлаштиришнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бир томондан прогнозлаштириш жараёни мавжудлик ва эҳтимолликка асосланиб, прогноз кўрсаткичларига таъсир қилувчи омилларнинг кўплиги ва уларни баҳолашнинг мураккаблиги бўлса, ўз навбатида молиявий режалаштириш аввало прогноз натижаларига асосланиш билан бирга унда кўплаб таҳлилларни амалга оширилиши такозо қилади. Шу боисдан ҳам молиявий режалаштириш ва прогнозлаштиришнинг аниқлиги ва самарадорлиги даражаси уларда қўлланиладиган моделлар ва методларни тўғри танлаш ҳамда амалга оширишга боғлиқ бўлади. Умумий қилиб айтганда молиявий режалаштириш ва прогнозлаштириш жараёни уни амалга оширувчи мутахассислардан кенг қамровли билим ва малакаларни талаб қилади.

### 3.6. Молиявий ресурслар

Молия тизимининг ажралмас қисмини молиявий ресурслар ташкил қилади. Молиявий ресурслар молиявий муносабатларнинг моддий ифодаси ҳисобланади. Молиявий ресурслар аслини олганда молиявий муносабатларнинг кейинги босқичларида, аниқроқ қилиб айтганда молия муносабатлари тизимида пулли муносабатларга асосий ролни ўйнай бошлаганидан юзага кела бошлаган. Ресурс тушунчаси ижтимоий-иқтисодий тушунча ва категория ҳисобланади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида <sup>46</sup> "Ресурс зарурат туғилганда фойдаланиш учун мавжуд бўлган имконият" деб изоҳланган бўлса, унинг луғавий маъноси француз тилидан олинган бўлиб, "ressource- ёрдамчи восита" каби маънони беради. Шунингдек, ушбу тушунча аксарият манбаларда заҳира, манба, фойдаланиш, сарфлаш каби маъноларни англатилиши келтирилади. Демак, ресурслар бу ижтимоий- иқтисодий жараёнларда ходиса, жараён, воқеяликлар, муносабатлар ҳамда қобилиятларнинг муҳим манбаини ифодалайди. Иқтисодиётда эса ресурслар табиий ресурслар, меҳнат ресурслари, моддий ресурслар тарзида гуруҳланади. Моддий ресурслар ичида эса молиявий ресурслар ҳам ўрин эгаллайди. Ўзбекистон миллий энциклопедиясида(6-жилдида)<sup>47</sup> эса "Молия ресурслари- иқтисодий субъект ихтиёрида, унинг тасарруфида бўлган жами пул маблағлари, молиявий активлари мажмуи" деб таърифланган. Молиявий ресурслар эса бошқа иқтисодий ресурслардан фарқли хусусияти шундаки, у пул муносабатлари билан боғлиқ муносабатларни қамраб олади ва бу унинг асосий белгиларидан бири ҳисобланади. Молиявий ресурсларнинг кейинги муҳим белгиси бу буларнинг албатта мулк муносабатлари билан боғлиқлигидир. Яъни, молиявий ресурсларга эгалик қилувчи мулкдорларнинг тасарруфи, эгалик қилиши ва фойдаланиши асосида улар мавжуд бўлади. Мулккий эгалиги йўқ маблағлар(молиявий манбалар)

[электронныйресурс]. 1999. 59 р.

<sup>45</sup> Hannes Y.Y., Webb P. Classification and regression trees: A User Manual for Identifying Indicators of Vulnerability to Famine and Chronic Food Insecurity // International Food Policy Research Institute 89

---


<sup>46</sup>Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Москва. "рус тили" нашриёти. 2-том, 623.б.

<sup>47</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 6-жилд.Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти,2003.-705 Б.

молиявий ресурслар қаторига крмайди, чунки, улар ҳаракатсиз ва иктисодиётда такрор ишлаб чиқариш жараёнларида қатнашмайди ёки социал муносабатларни вужудга келтирмайди. Шу жиҳатдан олганда ҳам молиявий ресурсларнинг яна бир белгиси сифатида уларнинг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришда қатнашиши, социал муносабатларда пул муносабатларини вужудга келтириши(социал мақсадлардаги тўловлар) каби белгисини келтириш мумкин.

Молиявий ресурсларнинг яна бир ўзига хос белгиси молия категориясининг асоси сифатида тақсимот билан боғлиқлигидир. Шу жиҳатдан олганда асосий молиявий ресурслар жамият миқёсида яратилган ялпи ички маҳсулотнинг бир бўлаги ҳисобланади. Иқтисодий муносабатларда муомала жараёнида пулнинг пайдо бўлиши, турли хил кўринишга эга бўлган моддий қийматликлар ва манбаларни бир хил шаклда ўлчаш имкониятини берди ва уларнинг ҳаракати эса молиявий ресурс сифатидаги маблағларнинг ажралишига олиб келди. Айрим иқтисодий адабиётларда бевосита кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келадиган молиявий маблағларни молиявий ресурсларга киритиш лозимлиги таъкидланади. Нима учун "маблағ" категорияси(тушунчаси, термини) билан биргаликда "молиявий ресурс" категорияси ҳам қўлланилади. Маблағ бу умумий тушунча, қийматни, моддий қийматликларнинг пул шаклида ҳаракат қилишини ифодалайди, молиявий ресурс эса ана маблағларга асос бўлувчи молиявий манба ҳисобланади. Юқорида келтириб ўтилганидек, моддий қийматликларнинг пул шаклида бўлиши, уларнинг маълум эгаллик субъектларининг мавжуд бўлиши асосида тақсимотни амалга оширилиши доирасида моддий қийматликларнинг ҳаракатга келтирилиши эса моддий қийматликларнинг маблағларга айланишига олиб келади. Демак, бундан кўринадики, бундай маблағларнинг аксарияти молиявий муносабатларга манба, асос, захира бўлиб хизмат қилади ва улар молиявий ресурслар деб ном олади. Шунга асосланган ҳолда *молиявий ресурслар деганда давлат бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар(жумладан уй хўжаликлари(оила) тасарруфи(фойдаланиши, эгаллик қилиши)да бўлган ва улар томонидан кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш, социал эҳтиёжлар ва бошқа ижтимоий истеъмолни қондириш мақсадида фойдаланиладиган пул даромадлар, жамғармалар ва тушумлар тушунилади.*

Молиявий ресурслар вужудга келиши, ҳаракатланиши ва сақланиши жиҳатидан давлат, хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда оилада ўзаро фарқланади.



9- расм. Молиявий ресурсларнинг манбаи жиҳатдан гуруҳланиши.

Бу ердан кўринадики молиявий ресурслар қўламига кўра ҳамда пайдо бўлиш манбаига кўра ўзаро гуруҳланади ва фарқланади. Давлатнинг

функцияларини бажаришга хизмат қилувчи молиявий ресурсларнинг асосий манбаи бу корхона ва ташкилотлардан ҳамжа аҳолидан олинadиган турли хил солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар асосий роль ўйнайди. Ҳозирги жаҳон цивилизациясидаги аксарият давлатларда бу каби молиявий ресурслар давлат маблағларининг 80 фоизи атрофидаги улушни эгаллайди. Давлат даражасида молиявий ресурсларнинг қай бирини ролининг ортиши давлатнинг тақсимот сиёсати ҳамда бюджет-солиқ сиёсатидан келиб чиқади. Агар, давлат бюджет даромадлари ва бошқа пул фондларининг молиявий манбаларини аниқлашда(белгилашда) солиқларга эмас, миллий бойликни сотишдан тушган тушумларга ёки давлат хизматлари учун олинadиган ҳақлар(давлат божлари) ҳамда мулкий муносабатларда давлат мулкнинг ҳиссасини оширса, у ҳолда давлат тадбиркорлик ва мулкдан келадиган молиявий ресурслар асосий салмокни эгаллайди. Шунингдек, давлат миллий бойликларни реализация қилишида улардан келадиган солиқларга ҳам эътибор бериши орқали улардан солиқ тушумларининг родини оширади. Масалан, Россия Федерациясининг федерал бюджетда углеводлар(нефть, газни сотишга солинадиган солиқлар)ни реализация қилинишдан олинadиган солиқларнинг улуши 50 фоиз атрофида ташкил қилади. Давлатнинг молиявий ресурслари турларининг роли шунингдек, давлатнинг хизматларига бўлган талаб(масалан туристик хизматларга), давлатнинг умумий иқтисодий сиёсати(масалан эркин савдо зонасини ривожлантириш (Дубай, Сингапур савдо марказлари сингари), қулай жўғрофий жойлашуви(масалан Панама, Сувайш каналларининг ўрнини эсланг) ҳамда давлатнинг миграцион сиёсати (масалан Ҳиндистон, Бангладеш, Непал каби давлатларда миграцион иш кучининг экспорт қилинишидан келадиган молиявий маблағлар уларнинг бюджет даромадларида асосий салмокқа эга) ва шу қабиларга боғлиқ бўлади.

Шунингдек, давлат даражасида молиявий ресурслар турли даражадаги бюджет бўғинлари бўйича ҳам фарқланади. Қуйи даражадаги маҳаллий бюджетларда баъзиларда солиқлар ва бошқа маҳаллий йиғимлар асосий салмокни эгалласа, аксарият маҳаллий бюджетларда юқори бюджетдан ажратиладиган бюджет ссудалари, субвенция ва дотациялари ҳамда ўзаро ҳисоб-китоблар тизими бўйича берилadиган молиявий ресурслар катта роль ўйнайди. Молиявий ресурсларнинг бундай ҳаракати эса маҳаллий бюджетларнинг бириктирилган даромадлар (маҳаллий солиқлар ва йиғимлар)дан тушадиган маблағларнинг ҳажмига боғлиқ бўлади. Республикамизда кейинги йилларда маҳаллий бюджетларнинг молиявий барқарорлиги ва мустақамлигини оширишда тартибга солувчи даромадлар манбалари(умумдавлат солиқларидан ажратмалар ёки уларнинг айримларини тўлиқ маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қолдириш)нинг роли ошириб борилмокда. Чунки, бюджет харажатларида маҳаллий бюджетлардан қилинадиган харажатларнинг улуши ортиб бормокда.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурслари эса ўз навбатида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ва нотижорат

шаклидаги корхона ёки ташкилотларнинг молиявий ресурслари тури ва уларнинг пайдо бўлиши фарқланади. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектларининг молиявий ресурсларининг асосий манбаи ишлаб чиқариш фаолияти ва маҳсулот(хизмат)ларни реализация қилишдан тушадиган тушумлар(даромад)дан иборат бўлса, нотижорат шаклидаги корхоналарнинг молиявий ресурслари бюджетдан ажратиладиган маблағлар(бюджет ташкилотларида), таъсисчилардан ажратиладиган маблағлар (нотижорат нодавлат ташкилотларида), бадаллар каби маблағлар асосий роль ўйнайди. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарда молиявий ресурсларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг ҳаракати корхонанинг иқтисодий фаолияти ва молиявий сиёсатига боғлиқ бўлади. Агар, корхона бозорнинг конъюктурасидаги ҳолатдан келиб чиқиб, маблағларни ишлаб чиқариш соҳасидан кўра молиявий операцияларга йўналтирса, у ҳолда корхонанинг молиявий ресурсларининг шаклланиш манбаида фоизли, улушли ҳамда дивиденд шаклидаги молиявий ресурслар асосий салмокни эгаллайди. Бу албатта корхонанинг молиявий(ҳисоб) сиёсатининг пухта ишлаб чиқилишига боғлиқ бўлади. Шу жиҳатдан олганда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарда молиявий ресурсларнинг ҳолати ва ҳаракати бозор механизмлари катта таъсир этиб туради. Корхоналарда молиявий ресурсларида уларнинг ҳисоб сиёсатининг ўрни шундаки, агар, корхоналар мавжуд асосий фондлардан самарали фойдаланиш уларга амортизация ҳисоблаш усулларини тўғри танлаб (маҳсулотига бозордаги талаб юқори бўлган шароитларда) уларнинг пул қийматига айланишини ошириб борса, моддий шаклдаги активларнинг молиявий ресурсларга айланиши ортиб боради ва корхонада асосий фондларнинг пул шаклида айланиши тезлашади. Шунингдек, пухта бизнес режага асосланган ҳолда кредит шаклидаги молиявий ресурсларни жалб қилиш эса жалб қилинган кредит ресурсларининг ўз маблағлари молиявий ресурсларига айланишини оширади, чунки, олинган кредитлар иқтисодий жиҳатдан самара берадиган бизнес режага мувофиқ унинг қайтарилиши тезлашади ва унинг моддийлашга ҳолда корхона ихтиёрида қолиши ошади.

Уй хўжаликларининг молиявий ресурсларининг таркиби ва уларнинг ўзаро ўрин алмашиб туриши ҳам содир бўлиб туради. Уй хўжаликларининг молиявий ресурсларининг шакли ва уларнинг ҳажми давлатнинг молиявий сиёсатига(бюджет ташкилотларида ишловчиларнинг иш ҳақларининг даражаси, бутун мамлакат бўйича энг кам иш ҳақи ва пенсиянинг миқдори, трансферт тўловларининг миқдори ва ш.к.) ва тадбиркорлик муҳитини яратиш сиёсати ва бошқа социал сиёсатига боғлиқ бўлса, шу билан биргаликда корхоналар томонидан иш ҳақларининг даражасининг белгиланиши, уларнинг социал тўловларни тўлаш сиёсатига ҳам боғлиқ бўлади. Масалан, Республикамизда мустақилликнинг дастлабки даврларида оилаларнинг молиявий ресурсларининг асосий тури бу иш ҳақи ташкил қилиб, унинг аҳолининг жами даромадларидаги улуши (асосан 80-90 фоизни) эгаллаган бўлса, ҳозирги вақтда оилаларнинг молиявий ресурслари



манбаи сифатида тадбиркорлик даромадлари, мулкдан келадиган даромад манбаларининг улуши ҳам ортиб бормоқда. Бу эса Республикамизда хусусий ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган иқтисодий сиёсатнинг натижасида содир бўлиб бормоқда. Шунингдек, деҳқон хўжаликлари, фермер хўжаликлари ҳам томорқа хўжалиklarини ривожлантирилиши эса таморқа хўжалигидан келадиган молиявий ресурсларнинг ошиб бориши таъминланмоқда. Шу жиҳатдан олган уй хўжалиklarининг молиявий ресурслари тури ва уларнинг аҳоли қатламлари доирасида табақалашган ҳолда бўлади. Агар, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи аҳоли қатламларида тадбиркорлик даромадлари асосий ўринни эгалласа, бюджет ташкилотларида фаолият кўрсатувчи аҳолининг асосий молиявий ресурси манбаи эса иш ҳақидан иборат бўлади. Шу билан биргаликда ушбу тоифадаги аҳолининг молиявий ресурсларда қимматли қоғозлардан келадиган молиявий ресурслар ҳам ортиб бориши кузатилмоқда.


Умумий қилиб айтганда молиявий ресурсларнинг шакллари, турлари ва уларнинг манбаи турли қўлами жиҳатдан турлича бўлади, уларнинг ўзаро алмашилиши қонуниятлари ҳам амал қилиб, бу давлат, хўжалик юритувчи субъектлар ҳам уй хўжалиklarининг молиявий ва социал сиёсатиға боғлиқ бўлсада, аммо давлатнинг молиявий сиёсати жамият миқёсида молиявий ресурсларнинг пайдо бўлиши, тақсиланиши, фойдаланиши ва уларнинг трансформацияланашувида асосий ҳал қилувчи ролға эға бўлади.

### 3.7. Молия механизми

Ҳар қандай иқтисодий категориялар ўз механизмларига эға бўлади. Иқтисодий категорияларнинг механизмлари эса ушбу категориянинг ички мазмуни, унинг иқтисодий муносабатлар доирасида тутган ўрни, миллий иқтисодиётнинг қайси тизимига асосланганлигига боғлиқ бўлади. Бундан ташқари шундай иқтисодий категориялар борки, уларнинг амал қилиш механизмлари давлатнинг фаолияти ва ижтимоий-иқтисодий фаолиятиға боғлиқ бўлади. Масалан, нарх, солиқ, дотация, кредит ставкалари ва шу кабилар асосан давлатнинг иқтисодий сиёсатидан келиб чиқиб, уларнинг муносабатлари белгиланади. Тоталитар-режали иқтисодий тизими даврида солиқларни буржуазия саркити ва эксплуатация қуроли сифатида қаралган ва солиққа оид муносабатлар ривожлантирилмаган, шу туфайли солиқ категория амал қилган бўлсада, аммо у билан боғлиқ муносабатлар инкор этилган. Аксинча, нарх муносабатлари ривожлантирилган, барча маҳсулотлар ва хизматларнинг нархи директив тарзда белгиланган, нарх билан боғлиқ муносабатлар ривожлантирилган (хатто собиқ иттифоқ доираси ва иттифоқ республикаларида нарх давлат қўмиталари фаолият кўрсатган). Молия категориясининг муҳим хусусиятлари ва бошқа категориялардан фарқи ҳам шундаки, у иқтисодий тизимининг қайси шакли амал қилишидан қатъий назар у доим кенг қамровли муносабатларни қамраб олади, чунки, юкорида таъкидланганидек, у давлатнинг фаолияти билан боғлиқ бўлиб, унгансинфий қараш имконияти давлатда чекланади. Тоталитар-режали иқтисодий

тизими даврида солиқларға синфий нуқтаи назардан қаралган бўлсада, аммо молия муносабатларига бундай қаралмаган, имкони ҳам бўлмади, бироқ, молия категорияси барча иқтисодий тизимларда бир хил мазмунға эға бўлган бўлсада, молиявий механизмлар эса турлича ишлаши мумкин. Тоталитар-режали иқтисодий тизимда қўлланилган молиявий механизмлар билан бирға бозор муносабатларига асосланган аралаш иқтисодиётда эса молиявий механизмлар анча фарқланади.

Демак, молия категорияси барча даврларда қилсада, унинг амал қилиши эса ўз ўзидан содир бўлмади, бу эса қандайдир ҳаракатға келтирувчи ва унинг доим ҳаракатда бўлишини таъминловчи ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий ва норматив методларни талаб қилади. Булар бир мақсадда бирлашиб эса молиянинг ишлашини таъминлайди ва унинг механизмлари сифатида амал қилади. Шу жиҳатдан олганда молиявий механизм деганда молиявий муносабатларни ташкил этиш, йўлга қўйиш, пул фондларининг молиявий ресурсларини шакллантириш ва тақсимлаш, шунингдек, молиявий муносабатларда қўлланиладиган молиявий дастак (элементлар) ва инструментларнинг турли хил шакл ва методлари йиғиндиси тушунилади. Демак, молиявий механизм бу молиявий муносабатларни ташкил этишнинг турли хил шакллари дир. Давлатнинг фаолиятини молиялаштиришнинг моддий асоси бўлган марказлаштирилган пул фондларини шакллантириш ва ундан фойдаланишда турли хил молиявий элементлар хизмат қилади, уларни қўлламасдан туриб, молиявий ресурсларни шакллантириб бўлмади, шунингдек, ушбу молиявий элементлар (дастаклар) ни қўллашни ташкилий услублари зарур бўлади, бунинг учун эса молиявий инструментлардан фойдаланган ҳолда молиялаштириш амалға оширилади. Ушбу бутунлик эса ўзаро бирлашиб молиявий механизмлар шаклида амал қилади. Агар, молиявий механизмларнинг моҳиятини унинг таркиби жиҳатидан қарайдиган бўлсак, укуйидагидан иборат бўлади:



10-расм. Молия механизми.

Демак, таркибий жиҳатдан қараганда молия категориясининг муносабатлар доирасида амал қилиши учун молиявий механизмнинг таркибини ташкил этадиган кичик механизмлар зарур бўлади. Буларсиз молиявий муносабатларнинг тулиқ амал қилишини таъминлаб бўлмади. Молиявий механизмнинг асосини молиявий муносабатларни ташкил этиш

услуглари(шакл-шамойиллари) ташкил қилади. Буларнинг ўзи ҳам ички механизмларга эга бўлади. Молиявий муносабатларни ташкил этиш механизмларининг ўзи ҳам асосан уч босқичли: молиявий муносабатларга оид қонунларни жорий этиш; молиявий муносабатларни тартибга солувчи қонуности меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш; молиявий муносабатларни амалга оширувчи ваколатли органларнинг фаолиятини ташкил этишдан иборат.

Молиявий қонунлар эса ҳар бир давлатнинг парламенти томонидан(Ўзбекистонда Олий мажлис томонидан) жорий этилади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги эса тегишли вазирлик ва қўмиталар билан биргаликда ушбу қонунларга асосланган ҳолда меъёрий ҳужжатлар(низоом, йўриқнома, қоидалар, тартиблар ва ш.к.)ни ишлаб чиқиб тасдиқлайди. Бу каби ҳужжатларсиз молиявий муносабатларни ташкил этиш бўлмайди. Шунингдек, Молия органлари ва бошқа ваколатли органлар молиявий муносабатларни юзага келтиради, уларнинг ишлаши таъминлайди.

Молиявий муносабатларни ташкил этиш механизмлари ўз навбатида хўжалик юритувчи субъектларда давлат доирасидаги шаклидан бироз фарқланади. Яъни, уларда икки бўғиндан иборат бўлади. Биринчиси бу молиявий муносабатларни ташкил этувчи ва корхона бўлинмаларини ташкил этиш ва уларнинг вазифаларини белгилаш бўлса, иккинчи бўғини бу корхонанинг молиявий сиёсати билан боғлиқ ички ҳужжатлар ватартибларни аниқлашдан иборат бўлади. Корхонанинг ички ҳужжатлари деганда корхона доирасида пул фондларини шакллантириш, уларни тақсимлаш, дивидендларни тақсимлаш, зарарларни қоплаш тартибларини яратиш билан боғлиқ ички ҳужжатларни(масалан корхона низомида акс эттириш, корхонанинг молия-ишлаб чиқариш режасини тузиш, корхонанинг ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш, корхонанинг маркетинг стратегиясини шакллантириш, корхонада солиқларни тўлашни режалаштириш ва ш.к.) тайёрлаш тушунилади.

Молиявий механизмларнинг амал қилишини молиявий элементлар(дастаклар)сиз тасаввур қилиб бўлмайди. Олайлик молиявий қонунлар, тегишли меъёрий ҳужжатлар ва молиявий муносабатларни амалга оширувчи ва тартибга солувчи ваколатли органлари ташкил этилиши бу ҳали молиявий муносабатлар амал қилди дегани эмас. Албатта бунинг учун молиявий элементлар керак бўлади. Молиявий элементлар молиявий муносабатларни ташкил этиш ва уни амалга оширишда муҳим услубий восита ҳисобланади. Молиявий элементлар ўз навбатида давлат молия тизими, хўжалик юритувчиларнинг молиясида ўзгача ҳосда бўлади. Давлат молия тизимидаги асосий молиявий элементларга қуйидагилар киради:

*Бюджет ссудаси* — қайтариш шarti билан юқори турувчи бюджетдан қуйи турувчи бюджетга, шунингдек давлат мақсадли жамғармаларига, резидент-юрлик шахсга ажратиладиган пул маблағлар. Бюджет ссудаларисиз турли даражадаги бюджетларнинг фаолиятини ташкил қилиш қийин кечади.

Сабаби мамлакатнинг барча ҳудудларининг молиявий салоҳиятини бир хил ҳолда бўлмайди, бунда эса бюджет ссудалари молиялаштиришда асосий элемент сифатида юзага чиқади.

*Бюджетлараро трансфертлар* — Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига, давлат мақсадли жамғармаларига ҳамда бунинг аксича ўтказиладиган, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ҳамда бунинг аксича ўтказиладиган маблағлар. Юқорида таъкидланганидек, ҳудудларнинг турлича даражада молиявий салоҳиятга эга бўлиши, маҳаллий бюджетлар доирасида харажатларни бир маромда молиялаштириш имкони бўлмайди, ҳар бир маҳаллий бюджетларга бюджет ссудаларини бериш имкони ҳам чекланган бўлади. Бунда бюджетлараро трансфертлар асосий роль ўйнайди ва улар орқали молиявий ресурслар оптимал тақсимлаш амалга оширилиб борилади ва молиялаштириш механизмлари тартибга солиб борилади.

*Дотация* — бюджет тизими бюджетларига уларнинг ўз даромадлари етишмаган тақдирда даромадлар билан харажатлар ўртасидаги фарқни қоплаш учун қайтармаслик шarti билан ажратиладиган пул маблағлари. Дотация орқали қуйи бюджетларнинг даромадларини нормал ҳолда бўлишга эришилади.

*Жамланма харажатлар сметаси* — бюджет маблағларини тақсимловчи томонидан ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотларининг ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметалари асосида тузиладиган харажатлар сметаси. Бюджет ташкилотларини молиялаштиришда бундай маблағларни тақсимловчилар ўзларининг харажатлар сметаси орқали тақсимланадиган харажатлар миқдорини аниқлаш имконига эга бўлади.

*Субвенция* — муайян мақсадларга сарфлаш шarti билан юқори турувчи бюджетдан қуйи турувчи бюджетга қайтармаслик шarti билан ажратиладиган пул маблағлари. Давлат молиясида айрим турдаги фаолиятлар(ҳолатлар, эҳтиёжлар)ни молиялаштиришда субвенция тартибида молиялаштиришдан фойдаланилади.

*Субсидия* — товарлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш ва уларни реализация қилишни молиялаштириш ёки биргаликда молиялаштириш ёхуд мақсадли харажатларнинг ўрнини қисман қоплаш учун бюджет тизими бюджетлари ҳисобидан юрлик ва жисмоний шахсларга бериладиган пул маблағлари. Давлат иқтисодиётни тартибда молиявий дастаклардан ҳам кенг фойдаланади, бунда эса субсидиялар асосий молиявий элемент бўлиб хизмат қилади ва молиянинг рағбатлантирувчилик функциясини ифода этади.

*Тартибга солувчи даромадлар* — бюджет тизими бюджетлари ўртасида ажратмалар нормативлари белгиланадиган умумдавлат солиқлари

ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек солиқ бўлмаган тўловлар. Солиқ бўлмаган тўловларга бюджет тизими бюджетларига келиб тушадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўлмаган тўловлар киради. Маҳаллий бюджетларни бошқаришнинг энг қулай усулларидан бири сифатида уларга юқори бюджетга тушадиган солиқли даромадларнинг бир қисмини ёки тўлиқ улар ихтиёрига йўналтириш катта аҳамиятга эга. Шу туфайли ҳам молиявий механизмларда ушбу элементлардан кенг қўлланилади.

*Харажатлар моддаси* — бюджет тизими бюджетлари харажатларининг иқтисодий йўналиши ва тўловларнинг аниқ турлари бўйича белгиловчи бюджет таснифининг бир қисми ҳисобланади. Харжатлар моддаси бюджетдан харажатларни молиялаштиришда қўлланиладиган энг муҳим молиявий элемент ҳисобланади. Харажат моддаларига асосан харажатлар турли хил мазмунига кўра гуруҳланади ва уларни бошқариш амалга оширилиб борилади.

*Харажатлар сметаси* — бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчи томонидан молия йили учун тузиладиган ва тасдиқланадиган, унинг учун назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағлар харажатлар моддалари бўйича акс эттириладиган ҳужжатдир. Харажатлар сметаси бюджетдан маблағ олувчиларни молиялаштиришда уларнинг молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш ва уларни молиялаштиришга асос бўлувчи энг муҳим молиявий элемент ҳисобланади. Агар, харажатлар сметаси тўғри тузилмаса (аниқланмаса) бюджет ташкилотларини бир маромда молиялаштириш имкони бўлмайди ва молиялаштириш механизмлари бузилади.

Бу келтириб ўтилганлар давлат молияси ҳамда бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларнинг молиявий механизмларида қўлланиладиган энг муҳим молиявий элементлар ҳисобланади. Бундан ташқари бу жараёнда яна бир қатор молиявий элементлар ҳам амал қиладик, улар молиявий механизмларнинг ишлашига ёрдам қилади. Республикамиз молия тизимида қўлланиладиган молиявий механизмлар жумласига молия йилида Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоятбюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг шахсий газна ҳисобварақларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдорини акс эттирувчи — *айланма касса маблағи*; бюджет тизими бюджетларини шакллантириш, тузиш, қўриб чиқиш, қабул қилиш, тасдиқлаш ва ижро этиш, уларнинг ижросини назорат қилиш, бюджеттизими бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлаш ва тасдиқлаш, шунингдек улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар жараёнини ифодаловчи — *бюджет жараёни*; келгуси давр учун бюджетдан ажратиладиган маблағларни олишга бўлган эҳтиёжни асослашни назарда тутувчи ҳужжат ҳисобланган — *бюджет сўрови*; муайян даврда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети даромадларининг унинг харажатларидан ошиб кетишини ифодаловчи — *Давлат бюджети профицити*; муайян даврда

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети харажатларининг унинг даромадларидан ошиб кетишини ифодаловчи — *Давлат бюджети тақчиллиги*; тегишли маъмурий-худудий бирликда шаклланидиган ва юқори турувчи бюджетга ўтказиладиган, улар қаерда шаклланган бўлса, кейинчалик ўша маъмурий-худудий бирлик бюджетига ўтказиб бериладиган даромадлар ҳисобланган — *ўтказиб бериладиган даромадлар*; Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ахборот тизимида очиладиган, бюджет тизими бюджетлари ижроси билан боғлиқ операцияларни акс эттириш учун мўлжалланган таҳлилий ҳисоб регистрлари бўлган — *шахсий газна ҳисобварақлари* ва шу каби молиявий элементларни киритиш мумкин бўлиб, улар молиявий муносабатларни ташкил этиш ва уни ҳаракатга келтиришга қўшимча равишда хизмат қилади.

Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий элементлар асосан молиявий кўрсаткичлар шаклида намоён бўлади. Яъни, буларда молиявий муносабатларни ташкил қилиш ва амалга ошириш учун ўзига хос молиявий дастаклар(элементлар)дан фойдланишга тўғри келади. Улар жумласига фойда ҳажми, зарар ҳажми, фойда нормаси, молиявий режалаштириш нормативлари, харажатларни қоплаш(молиялаштириш) тартиби, пул фондларига миқдорига минимал талаблар(чегараси), захира фондларининг миқдорига минимал талаблар(чегаралар), фойдани тақсимлаш кўрсаткичлари, дивидендларни тақсимлаш нормативлари ва шу каби элементлар киради. Уларсиз корхоналарда молиявий муносабатларни ташкил этиб бўлмайди ва ушбу кўрсаткичлар ва нормативлар корхонада пул фондларини шакллантириш, пул маблағларининг ҳаракати(молиявий операциялар)ни таъминлашга хизмат қилади. Булардан ташқари яна бир қатор молиявий элементлар(кўрсаткичлар) ҳам амал қиладик, улар ҳам корхоналарда молиявий муносабатларни ҳаракатга келтиришга хизмат қилади. Булар кўпинча таҳлилий аҳамиятга эга бўлсада молиявий маблағларнинг ҳолатини ифодалаб беради. Улар жумласига дебиторлик ва кредиторлик қарзларини сақлашнинг максимал муддати(муддати ўтган қарз деб ҳисобланишнинг охириги муддати), рентабеллик кўрсаткичлари, айланма маблағларнинг айланиш коэффициентлари, молиявий барқарорлик характерловчи бошқа кўрсаткичлар ва шу қабилар. Бу молиявий элементлар асосий элементлар бўлиб ҳисобланамасада аммо, уларнинг ҳолати корхонанинг молиявий механизмларининг ишлаш ҳолатига қаттиқ таъсир кўрсатиб боради. Демак, корхонада молиявий механизмнинг нормал ишлаши учун ушбу элементлардан ҳам самарали фойдаланиш лозим бўлади.

Молия механизмнинг муҳим элементларидан бири бу *молиявий инструментлар* ҳисобланади. Молиявий инструментлар орқали молиявий муносабатлар юзага чиқади ва улар орқали иқтисодиёт субъектларининг ўзаро ўртасидаги, шунингдек, давлат билан хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли ўртасидаги молиявий муносабатлар ривожланади, улар ўртасида молиявий активларнинг бир-бирига ўтиш ҳолатлари юз беради. Шу жиҳатдан олганда *молиявий инструментлар деганда бир вақтнинг ўзида бир*

компаниянинг активларининг охиши ва бошқа бир компания(корхона)нинг қарзли ёки улушли характердаги молиявий мажбуриятларининг охишига олиб келувчи барча турдаги шартномалар тушунилади.

Молиявий активларга пул маблағлари(кассадаги, ҳисоб-китоб, валюта ва махсус ҳисобварақларидаги), бошқа корхоналардан пул маблағлари ва бошқа молиявий активларни талаб қилиш бўйича шартнома ҳуқуқлари, бошқа корхоналар билан потенциал қулай шартларда молиявий инструментларни алмашиш бўйича шартнома ҳуқуқлари, бошқа корхоналардаги улушли инструментлар киради.

Молиявий мажбуриятлар бу шартнома юзаидан барча турдаги мажбуриятлар, молиявий активлар ёки пул маблағларини бошқа корхоналарга бериш, бошқа корхоналар билан молиявий инструментларни қулай бўлмаган шартларда алмашиш жараёнларидан иборат бўлади.

Улушли инструментлар эса хўжалик субъектларининг капиталида қатнашиш усулидир. Молиявий инструментлар асосан уч гуруҳга бўлинади:

- Пул маблағлари(касса ва ҳисоб-китоб ҳисобварақларидаги);
- Кредит шаклидаги инструментлар(облигация, кредит, депозит);
- Устав капиталида қатнашиш имкониятлари(акция, пай ва ш.к.).

Молиявий инструментларни иктисодиётда амал қилиши, ҳаракати ҳамда молиявий муносабатларда активларнинг ҳаракатланишини таъминлашдаги ролига қараб улар фонд бозорлари молиявий инструментлари, кредит бозорлари молиявий инструментлари, валюта бозорлари молиявий инструментлари ҳамда суғурта бозорлари молиявий инструментларига ажратиш мумкин.

Фонд бозорлари молиявий инструментлари эса қуйидагилардан иборат бўлади:

*акция* — ўз эгасининг акциядорлик жамияти фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олишга, акциядорлик жамиятини бошқаришда иштирок этишга ва у тугатилганидан кейин қоладиган мол-мулкнинг бир қисмига бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи, амал қилиш муддати белгиланмаган эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғоз;

*вексель* — вексель берувчининг ёки векселда кўрсатилган бошқа тўловчининг векселда назарда тутилган муддат келганда вексель эгасига муайян суммани тўлашга доир шартсиз мажбуриятини тасдиқловчи ноэмиссиявий қимматли қоғоз;

*давлат қимматли қоғозлари* — Ўзбекистон Республикасининг ғазна мажбуриятлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколат берган орган томонидан чиқарилган облигациялар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг облигациялари;

*инвестиция активлари* — қимматли қоғозлар, пул маблағлари ва қонун ҳужжатларига мувофиқ инвестиция активлари деб эътироф этиладиган бошқа мол-мулк;

*облигация* — облигацияни сақловчининг облигациянинг номинал қийматини ёки бошқа мулкый эквивалентини облигацияни чиқарган шахсдан

облигацияда назарда тутилган муддатда олишга, облигациянинг номинал қийматидан кайд этилган фоизни олишга бўлган ҳуқуқини ёхуд бошқа мулкый ҳуқуқларини тасдиқловчи эмиссиявий қимматли қоғоз;

*эгасининг номи ёзилган қимматли қоғозлар* — мулкый ҳуқуқларнинг реализация қилиниши ўз эгасининг рўйхатдан ўтказилишини талаб этадиган қимматли қоғозлар;

*эмиссиявий қимматли қоғозлар* — битта чиқарилиши доирасида бир хил белгилар ва реқвизитларга эга бўлган, мазкур чиқарилиш учун ягона шартлар асосида жойлаштириладиган ҳамда муомалада бўладиган қимматли қоғозлар;

*эмитентнинг опцион* — эмитентнинг муайян миқдордаги қимматли қоғозларини опционда кўрсатилган муддатда қатъий белгиланган нархда сотиб олиш ҳуқуқини тасдиқловчи эмиссиявий қимматли қоғоз;

*қимматли қоғозларга доир фьючерс* — ўзида назарда тутилган муддатда муайян миқдордаги қимматли қоғозларни қатъий белгиланган нархда сотиб олиш ёки сотиш мажбуриятини тасдиқловчи эмиссиявий қимматли қоғоз<sup>48</sup> ва шу қабилар.

*қимматли қоғозларга доир битимлар* — қимматли қоғозлар олди-сотдиси, уларни ҳада қилиш, мерос қилиб олиш, уларни устав фондига киритиш ва қимматли қоғозларнинг эгаси алмашувига олиб келадиган бошқа актлар, шунингдек қимматли қоғозлар гарови;

Кредит бозорлари молиявий инструментларига чеклар, аккредитивлар ҳамда векселлар киради. *Чек* бучек берувчининг ҳисобварағидан чек олувчининг ҳисобварағига чекда белгиланган суммани ўтказиш бўйича топшириқ назарда тутилган ҳисоб-китоб ҳужжати ҳисобланади. *Аккредитивлар* эса шартли пул мажбуриятлари бўлиб, аккредитив бўйича ҳисоб-китоб қилинганда миқдорнинг (маблағларни тўловчининг) топшириғи билан ва унинг кўрсатмаларига мувофиқ аккредитив очган банк (банк-эмитент) маблағларни олувчи ёки у кўрсатган шахс ҳужжатларни тақдим этган ва аккредитивда назарда тутилган бошқа шартларни бажарган тақдирда тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

Чет эл валютаси, чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар, чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари ва соф қуйма олтин валюта бойликлари ҳисобланади.

Чет эл валютаси муомалада бўлган ҳамда хорижий давлатда қонуний тўлов воситаси ҳисобланган банкнотлар, хазина билетлари ва тангалар кўринишидаги чет эл пул белгилари, муомаладан чиқарилган ёки чиқарилаётган ҳамда худди шу хорижий давлатнинг пул белгиларига алмаштирилиши лозим бўлган чет эл пул белгилари, шунингдек ҳисобварақларда ва омонатларда бўлган хорижий давлатларнинг пул бирликларидаги ҳамда халқаро пул ёки ҳисоб-китоб бирликларидаги маблағлардир.

<sup>48</sup>Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги Қонуни. 3-модда.


Чет эл валютаси билан боғлиқ бўлган ҳосила молиявий воситалар (валюта деривативлари) чет эл валютаси олди-сотдиси бўйича шартномалар бўлиб, уларда белгиланган мажбуриятлар муайян муддат ўтгач ёки чет эл валютасининг қийматиға ёхуд унинг курси ўзгаришиға боғлиқ равишда бажарилади<sup>49</sup>.

*Валюта своплари* эса валюта олди-сотдиси бўйича турли хил муддатлардаги ва бир хил сўммадаги келишувларни ифодалайди.

Суғурта бозорлари молиявий инструментларига эса суғурта бозорларида аниқ суғурта тури бўйича суғурта хизматлари билан боғлиқ шартномалар, суғурта компаниялари ўртасида қайта суғурталаш юзасидан амал ошириладиган молиявий муносабатлар(шартномалар)дан иборат бўлади. Шунингдек, молиявий инструментлар муомалада бўлиш шаклиға кўра қисқа муддатли молиявий инструментлар( 1 йилгача муддатда), узок муддатли молиявий инструментлар, муддатсиз молиявий инструментларға бўлинади. Бундан ташқари молиявий инструментлар даромад келтириши нуқтаи назаридан қатъий даромад келтирувчи, ноаниқ даромадға эға бўлган молиявий инструментлар шаклида бўлади.

Умумий қилиб айтганда молиявий инструментлар молиявий муносабатларни юзаға келтиришда, молиявий активларнинг ҳаракатланиши ва пул фондларини ташкил қилиш борасида молиявий механизмнинг муҳим бир бўлаги ҳисобланади.

Молиявий механизмнинг энг мураккаб ва асосий элементларини молиялаштириш шакллари ва усуллари ташкил қилади. Молиялаштириш шакллари ва усуллари ўз навбатида молиявий механизмнинг тўлиқ ифодасини акс эттиради. Чунки, молиявий механизмнинг бошқа элементлари асосан молиялаштириш жараёниға қаратилган бўлади ва шунга хизмат қилади. Молиялаштириш шакллари ва усуллари эса молиявий ресурсларнинг давлат пул фондлари, хўжалик юритувчи субъектлар ҳам уй хўжаликлариди тақсимланиши ҳолатини кўрсатиб беради ва уларнинг турли даражадаги ҳаракатини ифодалайди.



**11-расм. Молиялаштириш шакллари.**

Молиялаштиришнинг ички маблағлари шакли одатда ўз-ўзини молиялаштириш ҳам деб аталади. Ички маблағлар ҳисобига молиялаштириш номидан кўринадики, молиялаштиришда зарур бўладиган молиявий

<sup>49</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг "Валютани тартибға солиш тўғрисида"ги Қонуни. 3 ва 9-моддалари.

маблағлар ички имкониятларға асосланади ва у давлат, хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда уй хўжаликлари доирасида ҳам амал қилади. Ўз-ўзини молиялаштириш молиявий барқарорликни тавсифловчи кўрсаткич сифатида ҳам юзаға чиқади, аммо, бундай молиялаштириш ҳамма вақт ҳам самарали бўлмаслиги мумкин. Агар, молиялаштириш субъектлари ўзларининг молиявий сиёсати(уставида, қонунларида ва ш.к.)да ушбу молиялаштириш шаклини қатъий белгилаб қўйса, у ҳолда молиявий танглик вақтларида ташқи маблағларни жалб қилишда муаммо келиб чиқади. Шу бонсдан ҳам ушбу молиялаштириш шакли асосан молиявий барқарорликни таъминлайдиган барча омиллар ҳисобға олинган шароитларда самара беришимумкин.

Ташқи маблағлар ҳисобига молиялаштириш шакли асосан бюджетдан маблағ олиш, бошқа марказлаштирилган пул фондларидан маблағ олиш, таъсисчилар(муассислар)нинг ажратмалари(бадаллари) ҳисобига молиялаштиришни тавсифлайди. Бу асосан давлат нотижорат ташкилотлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини молиялаштиришда қўлланилади. Бозор муносабатлари шароитида молиялаштиришнинг энг самарали шаклларида бири сифатида аралаш(комбиналашган) шаклда молиялаштириш қатта аҳамиятға эға бўлади. Бунда молиялаштириш субъектлари ҳам ички имкониятларни ҳам ташқи имкониятлар ҳисобига фаолиятини молиялаштиришға имкони бўлади. Бу айниқса бюджетдан маблағ олувчиларнинг ҳам тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишиға (қонун доирасида) имконият беради, тадбиркорлик субъектлари эса ўз акцияларини фонд бозорларида сотиши орқали кўшимча маблағларни жалб қилиши, зарур ҳолларда эса кредит маблағлари ҳисобига молиялаштириш имкониятиға эға бўлади. Шу жиҳатдан олганда аралаш шаклда молиялаштириш бозор муносабатлари шароитида иқтисодиёт субъектлари фаолиятини молиялаштиришнинг самарали ва қулай шакли сифатида қатта аҳамиятға эға бўлиб боради.

Молиялаштириш усуллари ўз навбатида нотижорат ташкилотлари ва хўжалик юритувчи субъектлар қесимида ўзаро фарқланади. Хўжалик юритувчи субъектларида молиялаштиришнинг усуллариға ўз маблағлари ҳисобига молиялаштириш, кредитлаш асосида молиялаштириш, капитал бозори орқали маблағларни жалб қилиш орқали молиялаштириш ҳамда биргаликда молиялаштириш усуллари қиради. Нотижорат ташкилотларини молиялаштириш эса одатда бюджетдан молиялаштириш усулларида амалға оширилиб, уларнинг ўзи ҳам уч хил усулда бўлади:

1. Молиялаштиришнинг норматив смета усули
2. Жон бошиға молиялаштириш усули
3. Натижаға йўналтирилган молиялаштириш усули.

Молиялаштиришнинг норматив смета усулида молиялаштириш асосан ҳар бир бирлик ҳаражатлар учун маълум бир нормативлар ўрнатилиб, ушбу нормативлар асосида уларнинг бирликлари бўйича зарур бўладиган маблағлар аниқланади ва молиялаштирилади. Бюджетдан маблағ олувчи

ташкilotларда бажарилиши лозим бўлган ишлар, хизматлар ва жараёнлар бўйича ҳар бирлигининг нормативларига маблағлар ажратилиши ушбу жараёнларнинг нормал амалга оширилиши нуктаи назаридан ёндошилади. Масалан, касалхоналарда беморларга биринчи ёрдам кўрсатиш, уларга даволанишнинг максимал муддати давомида зарур бўладиган дори воситалари, уларнинг 1 кунлик овқатланиш харажатлари ва шу каби нормативлар асос қилиб олинади. Моддий техника таъминоти бўйича эса 1 кв.м.ни иситиш харажатлари, 1 кв.м.ни тозалаш харажатлари, 1 кв.м.ни таъмирлаш харажатлари ва шу каби норматив бирликларга зарур бўладиган маблағлар аниқланади.

Жон бошига молиялаштириш усулининг моҳияти шундан иборатки, бунда молиялаштиришнинг асоси сифатида 1 нафар шахс (ўқувчи, талаба, бемор ва ш.к.)га нисбатан зарур бўладиган маблағлар норматив асосда аниқланади ва шу боисдан ушбу усулни кўпинча норматив-жон бошига молиялаштириш усули ҳам деб аталади. Норматив "жон бошига молиялаштириш" тартиби таълим муассасалари томонидан кўрсатилаётган муайян таълим хизматлари ҳақи конкурс асосида бюджет маблағлари ҳисобидан тўланишини аниқлатади. Бунда давлат буюртмасига кўра таълим хизматларини кўрсатувчи муассасалар учун ажратилувчи бюджет маблағлари миқдори хизмат бирлиги учун белгиланган меъёрни кўрсатилган хизматлар ҳажмига кўпайтириш йўли билан аниқланади. Республикамизда жон бошига молиялаштириш усули асосан 2008 йилдан бошлаб Бухоро, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида 1 ўқувчига (тарбияланувчига) харажатларнинг базавий меъёрларидан келиб чиққан ҳолда мактабгача тарбия болалар муассасалари, умумтаълим мактаблари ва касб-хунар коллежларининг бюджетини режалаштириш ва харажатларини молиялаштиришда шунингдек, Самарқанд, Сирдарё, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида бириктирилган 1 киши ҳисобига харажатлар меъёридан келиб чиққан ҳолда шаҳар бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари (амбулатория-поликлиника муассасалари) тажриба тариқасида қўлланилади бошланди.

Олий таълим муассасаларида ушбу усулни қўллаш асосан Ўзбекистон Президентининг 2010 йил 28 майдаги "2010/2011 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида"ги Қароридан 2011 йилнинг 1 сентябидан бошлаб бир нафар талабага таълим бериш харажатларидан келиб чиққан ҳолда, олий таълим муассасаларининг харажатларини бюджет маблағлари ҳисобидан норматив режалаштириш ва молиялаштириш тартибини жорий этишнинг белгиланиши билан амалга оширилиб келинмоқда. Ҳозирги вақтда олий таълим муассасаларини молиялаштиришда бюджет маблағларидан ташқари инвестиция дастурлари асосида молиялаштириш; бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига молиялаштириш; васийлик кенгаши ҳамда бошқа ҳомийлар маблағлари ҳисобига молиялаштириш тартибларидан ҳам фойдаланилади.

Натижага йўналтирилган молиялаштириш усули асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг маълум бир фаолияти турлари бўйича молиялаштириш шартида белгиланган натижаларга эришилганлигига қараб келгусида даврда молиялаштириш ҳажмини аниқлаш механизмига қаратилган усул бўлиб, ушбу усул асосан дунёнинг аксарият давлатларида қўлланилиб келинмоқда. Ҳозир кўплаб давлатларда натижага қараб молиялаштириш тартиби таълим тизимига кенг жорий этилмоқда. Бунда бюджет маблағларини ажратиш маълум бир мақсадга эришишга қаратилади. Одатда, бюджет маблағлари битирувчилар сонидан келиб чиққан ҳолда ажратилади. Асосан бу ҳолат Дания, Финляндия, Исроил, Голландия каби бир қатор давлатларида учрайди.

Бундан ташқари, аксарият мамлакатларда юқоридаги ёндашувнинг муайян бир турини соф ҳолда эмас, балки аралаш тартибда ишлатиш тартиби мавжуд. Бунда давлат фуқароларнинг кенг қатламлари учун олий таълим олиш имкониятини тақдим этиш, таълим сифатини ҳамда талабалар билим олиши натижаларини назорат қилиш имкониятига эга бўлади. Масалан, натижага йўналтирилган бюджетлаштириш тартиби норматив "жон бошига молиялаштириш" тартиби билан биргаликда қўлланади, бунда бир нафар талабага тўғри келувчи харажатлар эъзига олинувчи бюджет маблағлари билан мақсадли натижага эришилганлик эъзига олинувчи маблағлар ўртасида тафовут бўлиши мумкин. Кўплаб мамлакатларда "жон бошига молиялаштириш" тартиби талабалар миқдорига асосланган ҳолда ҳисобланади. Бирок, Европа давлатларида асос сифатида талабалар сонидан эмас, балки битирувчилар сонидан келиб чиқиш таклиф этилмоқда, бу ўқишни якунига етказмай, талабалар сафидан чиқарилувчилар ёки белгиланган муддатда ўқишни якунлай олмайдиган талабалар мавжудлиги билан боғлиқдир.

Австралия, Германия, Янги Зеландия, Франция ва Буюк Британияда олий таълим муассасаларини молиялаштиришда талабалар сонидан асосий кўрсаткич сифатида фойдаланилади. Голландия ва Швецияда олий таълим тизимига бюджет ресурсларининг асосий қисми муассасалар фаолияти натижалари асосида тақсимланади. Швецияда талабалар ўзлаштирган фанлар ва ўқитувчилар ўтказган дарслар ҳажми бюджет маблағларининг 50 фоизга яқин қисмини олиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Данияда олинadиган маблағлар 100 фоиз талабалар томонидан ўзлаштирилган фанлар ва олинган дипломлар миқдорига боғлиқ. Бир қатор мамлакатларда таълим даражаси коэффициентлари ҳам қўлланади. Масалан, Австралияда бакалаврият, магистратура ва аспирантура коэффициентларидан фойдаланилади. Молиялаштириш нормативини белгилашда таълим шакли (кундузги ёки сиртки) ҳисобга олинади<sup>50</sup>.

**Таянч сўз ва иборалар:**

<sup>50</sup>Сандов М. Таълим тизимида тажриба ва самарадорлик. <http://huquqburch.uz/uz/view/562>.

*Молия тизими, молия бозор, молия сиёсати, солиқ сиёсати, фискал сиёсати, бюджет сиёсати, бюджет-солиқ сиёсати, монетар сиёсати, инвестиция сиёсати, преференциялар, мажбурий резерв меъёрлари, инфляция, пул массаси, монетизациялашув даражаси, молиявий бошқарув, давлат молиявий бошқаруви, молиявий назорат, Молиявий режалаштириш, молиявий прогноллаштириш, бюджетни режалаштириш, бюджетни прогноллаштириш, прогноллаштириш моделлари ва методлари, тренд модели, экспоненциал текисланиш модели ва авторегрессиали ўртача оғиш модели.*

#### **Назорат учун савол ва топшириқлар:**

13. Молия тизими тушунчасининг моҳияти ва унинг таркибий тузилиши нималардан иборат?
14. Молия тизимининг тамойилларини айтиб беринг.
15. Молия сиёсати нима? У қандай ишлаб чиқилади ва уни амалга оширувчи Давлат ваколатли органларга кимлар киради?
16. Молия сиёсати қанақа таркибий тузилишга эга?
17. Давлат миқёсидаги ва хўжалик юритувчи субъектлар даражасидаги молиявий сиёсатнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини айтиб беринг.
18. Молиявий бошқарув нима? У қанақа шаклларда бўлади?
19. Давлат молиявий бошқаруви қандай амалга оширилади?
20. Молиявий назорат нима? Уларнинг қанақа турлари мавжуд?
21. Давлат молиявий назорати қанақа амалга оширилади?
22. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий назоратни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларини изоҳланг.
23. Молиявий режалаштириш ва прогноллаштиришнинг моҳиятини айтиб беринг.
24. Молиявий режалаштириш ва прогноллаштириш қанақа фарқларга эга?
25. Молиявий режалаштириш ва прогноллаштиришни амалга ошириш тартибларини қисқача изоҳланг.
26. Давлат бюджетининг солиқли даромадларини прогноллаштириш қандай амалга оширилади?
27. Давлат бюджетининг солиқли даромадларини прогноллаштириш қанақа методлар ва моделлар қўлланилади?

## **4-БОБ. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ**

### **4.1. Бюджетнинг иқтисодий моҳияти, функция ва белгилари**

Юқорида таъкидланганидек, молиянинг муҳим бўғини бўлган "бюджет" категориясининг луғавий маъноси эски норманд тилидан "bougette"-сумка, ҳамён, теридан ишланган сумка, пул сақланган сумка каби маъноларни аниқлаш бўлса, кейинчалик бу сўз инглиз тилига ҳам айнан "budget"-сумка, ҳамён, портфел тушунчаларни ифодалашга ва ҳозирги замонда эса давлатнинг даромад ва харажатлари баланси сифатида ҳам ишлатилади. Бюджетнинг луғавий маъносининг бундай келиб чиқиши асосан XVI—XVII асрларда Англияда обшинлар палатаси(парламент)да қиролга ажратиладиган субсидиялар миқдорини тасдиқлаш ҳамда давлатнинг даромад ва харажатлари акс эттирилган ҳужжатни ошкор қилишда молия вазири томонидан ушбу ҳужжатларни сумка(портфел)да олиб келиб уни палатага тақдим қилиниши билан боғлиқдир. Яъни, давлат даромадлари ва харажатларини акс эттирувчи сумка очилиши назарда тутилган ҳолда инглиз тилида ушбу жараёни акс эттириш ҳолати "budget"-сумка, ҳамён, портфел каби маъноларга эга бўлиб қолди. Таъкидлаш керакки бюджет бу давлатчиликнинг барча босқичларида мавжуд бўлмаган. Баъзи ҳолларда(айниқча давлатчиликнинг дастлабки вақтларида) давлат даромадлари билан давлат бошлиғининг даромадлари умумий бўлган, кейинчалик давлат хўжалигининг такомиллашиб, давлат молиясининг манбалари сифатида солиқлар асосий роль ўйнай бошиши билан давлатнинг ўз функцияларини бажаришга қаратилган маблағларни акс эттирувчи алоҳида фондлар шакллантирила бошланди. Аммо, ушбу фондларни режалаштириш ва тасдиқлаш жараёни асосан тор доирада амал қилар эди. Иқтисодий адабиётларда <sup>51</sup> Англияда вакиллик табақаларининг қиролнинг харажатларини тасдиқлаб бериш борасидаги ҳуқуқларнинг қўлга киритилиши, кейинчалик эса давлат хўжалиги билан боғлиқ барча ҳужжатлар, жумладан бюджетнинг даромадлари ва харажатларини тасдиқлаш ҳуқуқларининг тўлиқ қўлга киритилиши асосан 1648 йилдан бошлаб амалга оширила бошланганлиги келтирилади. Шунингдек, давлат бюджетининг бундай тартибда тасдиқланиши Францияда 1791 йилдан бошлаб буюк француз инқилобидан сўнг янги қабул қилинган конституцияда давлат бюджетининг парламент томонидан тасдиқланиши белгилаб қўйилди. Россияда эса давлат бюджетини тузиш ва унинг харажатлари ва даромадларини маълум бир тартибда тасдиқлаш асосан 1863 йилдан бошлаб амал қила бошлаган. Бу вақтга қадар эса у асосан тартибсиз ва стихияли тарзда тузиб келинган ҳамда давлат бошлиқлари томонидан тасдиқланган ҳолос. Таъкидлаш жоизки, давлатнинг даромадлари ва харажатларини халқ вакиллиги асосида тасдиқлаш амалиёти гарчи, иқтисодий адабиётларда ғарбий европа давлатларининг давлат хўжалигини бошқариш тизимида юзага келганлиги қайд этилсада, бироқ, бизнинг юртимизда амал қилган давлатчиликнинг энг қадимийларидан бўлган, яъни милоддан аввалги II-I

<sup>51</sup>Қаранг: Пушкирева В.М. История финансовой мысли и полтики налогов. М.: Инфра-М. 1996, 56 с.



асрларда ташкил топган, хунармандчилик, кулолчилик, балиқчилик, темирга ишлов бериш, деҳқончилик ва туқимачилик ишлари ҳам ривожланган қадимги Фарғона давлатида эса солиқларни жорий қилиш, уларни ундириш, кимларга солиқдан енгилликлар бериш, умумий харажатларни кўриб чиқиш тасдиқлаш масалаларини давлат бошлиғи билан биргаликда Оқсоқоллар кенгазининг роли катта бўлган. Бу эса ҳозирги цивилизация шароитида солиқларни жорий қилишнинг парламент шаклининг бундан бир неча минг йиллар олдин бизнинг давлатчилик тажрибасида жорий қилинганлигини билдиради<sup>52</sup>.

Дастлабки вақтлардаги молия асосан давлатнинг тор доирадаги фаолиятини молиялаштиришга хизмат қилган, пулли муносабатлар билан боғланмаган, харажатларнинг йўналиши асосан ҳарбий, суд-ҳуқуқ ҳамда бошқарув билан боғланган, иқтисодийнинг ҳолатига молиявий инструментлар орқали аралашини ҳолатлари жуда кам амал қилганлиги, давлатнинг марказлашган пул фонди асосан давлат бюджетидан иборатлиги ва уни шакллантиришнинг ягона қонуний асосларининг йўқлиги, давлат бюджетини тасдиқлашда яқка ҳукмронликнинг амал қилиши (давлат бошлиғи томонидан тасдиқланиши) ва шу қабилар билан изоҳланган бўлса, бугунги кундаги замонавий молия бу юқорида қайд этилганлардан фарқли равишда унинг кенг тармоқланиши ва иқтисодийнинг барча жабҳалари билан ўзаро интеграциялашган ҳолда иқтисодий асосий ҳал қилувчи даражадаги иқтисодий муносабатлар тизимига айланиб улгурган.

Давлат молиясини шакллантириши ва ривожланишида бюджет катта аҳамият касб эта борди. Бюджетнинг юзага келишининг дастлабки даврларида уни тузишда харажатлар ва даромадларнинг бўрттириб кўрсатиш ҳоллари кўп учраши, бюджетга ундирилган солиқлар ва бошқа даромадлар ҳақида маълумотлар ва уларни ундириш билан боғлиқ харажатлар бюджетда акс эттирилмас эди, бундай ҳолатларнинг олдини олиши мақсадида ялпи бюджет ёки брутто-бюджетни шакллантирила бошланди. Брутто-бюджет асосан 1818 йилда Францияда, 1858 йилда Англияда ва Россияда 1863 йилдан бошлаб тузила бошланди. Брутто- бюджет ўзида барча даромадлар ва харажатларни рўйхатга олиниши билан аввалги бюджетдан ажралиб туради. Унда қанча солиқлар тўланганлиги ва уларнинг қанчаси давлат бюджетига келиб тушаётганлигини кўриш мумкин бўлади. Давлат молияси тизимида даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш жараёнининг такомиллашуви кейинчалик, яъни XX асрда унинг консолидациялашган (жамланган) шакли юзага кела бошлади, айниқса бу собиқ совет иттифоқи давридаги бюджет тузилишида ўз аксини топди. Консолидациялашган ёки жамланган бюджет бу мамлакатнинг барча ҳудудлари бўйича турли даражадаги бюджетларни ҳамда давлат мақсадли пул фондларини ўзида акс эттиради. Консолидациялашган бюджетнинг таркиби ҳар бир давлатнинг молия сиёсатидан келиб чиқиб белгиланади. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимида ҳам консолидациялашган

бюджетни тузиш ва уни ижро этиш амалиётидан фойдаланилади. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси(45-моддаси)га мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети ўз таркибига Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларини бирлаштиради.

Ҳар қайси даражадаги бюджет ўзига хос бир қатор белгилар ва хусусиятларга эга бўлади. Давлат бюджетининг биринчи белгиси бу унинг давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатини ифодалашидир. Ҳар қайси давлатнинг бюджет тизими ушбу давлатнинг ўтган, жорий ва яқин(3-5) йиллардаги иқтисодий ва социал соҳадаги сиёсатини кўрсатиб беради. Давлат бюджетининг даромадлари унинг солиқ ва фискал сиёсатининг хусусиятларини кўрсатиб берса, унинг харажатлари давлат функцияларининг мазмунини акс эттиради. Агар, бюджет харажатларида бошқарув ва мудофаа харажатлари катта улушни эгалласа, бу давлатнинг маъмурийлашган функцияларининг кучайганлигини кўрсатади, агар, ижтимоий соҳага харажатларнинг ошиши кузатилса, давлатнинг фаолиятининг ижтимоийлашуви ва унинг ички сиёсатининг муътадиллигини характерлайди. Шу жиҳатдан олганда бюджет тизими давлат сиёсатини кўрсатувчи ва аниқловчи иқтисодий мезон сифатида намоён бўлади. Давлат бюджетининг кейинги белгиси бу режалигидир. Ҳар қайси бюджет ўзида давлатнинг молиявий фаолиятининг режасини акс эттиради. Бюджетни режалаштириш унинг дастлабки босқичи ҳисобланади. Давлат бюджетини режалаштириш ўзида давлатнинг ижтимоий хизматларининг даражасини белгилаб беради, шу билан биргаликда жамият миқёсида яратилган миллий даромадни уни яратувчилар ва давлат ўртасида тақсимланиш чегарасини ҳам аниқлашга хизмат қилади. Давлатнинг ижтимоий хизматларининг даражасининг режалаштирилиши унга тенг(ёки бошқача миқдорда) равишда миллий даромаднинг давлат ихтиёрига олинишини тақозо қилади. Бюджетни режалаштириш эса кенг қамровли жараёнларни: солиқларни режалаштириш, солиқларни прогноз қилиш, солиқ салоҳиятини аниқлаш, молиявий потенциални аниқлаш, харажатларнинг минимал миқдорини аниқлаш ва асослаш каби жараёнларни ҳам қамраб олади. Бу эса ўз навбатида давлатнинг молиявий сиёсатини амалга оширувчи бир қатор ваколатли органларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришни тақозо этади.

Давлат бюджетининг яна бир муҳим белгиси у ўзида давлат бошқарувининг демократлашувини ифодалайди. Дунёнинг аксарият давлатларида давлат бюджетини тасдиқлаш ва унинг ижросини назорат қилишда халқ ҳокимияти(парламент) ҳамда жамоат назоратига асосланади. Халқ вакиллик органлари давлат бюджетини тасдиқлаб ва унинг ижросини бўйича ижроия ҳокимиятларининг ҳисоботини тасдиқлаш тартиби бу давлат бошқарувининг демократлашувини кўрсатади. Бошқа жараёнлар(масалан, пул кредит сиёсати, инвестиция сиёсати ва ш.к.)дан фарқли ўлароқ давлат

<sup>52</sup> Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. "Шарк" нашриёти, Т.: 2001, 44 бет.

бюджети давлат бошқарувининг демократлашувини ўзида кўпроқ акс эттиради. Давлат бюджетининг яна бир муҳим хусусиятлари(белгилари)дан бири шуки, у орқали давлатга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўловчиларнинг тўлаган мажбурий тўловларининг қасрга ва нима мақсадда сарфланганлиги кўрсатиб беришлгидир. Солиқ тўловчилар ўзлари тўлаган солиқларидан нафлиги даражасини билиши уларнинг солиқ сиёсатининг мазмунини тушуниб етиши ва уларда солиқ маданиятининг ошишига хизмат қилади. Шу боисдан 19-асрнинг охирларидан то ҳозирги даврда ҳам давлат бюджетининг очиклиги тамойили амал қилиб келади. Давлат бюджети мазмунан балансли бўлиши тақозо этилади ва бу унинг муҳим белгиси ҳисобланади. Аммо, давлат бюджети даромадларининг шаклланиши эҳтимолликка ва мавҳумликка асосланганлиги сабабли жаҳон амалиётида уни тақчиллик билан режалаштириш амалга оширилади ҳамда ушбу тақчилликни қоплашнинг молиявий манбалари ҳам режалаштирилади. Давлат бюджетининг харажатлари аниқ бўлади, унинг миқдорини ошириш қийин эмас, аммо даромадларнинг аниқ келиб тушиши(баъзан харажатларга нисбатан кўпроқ келиб тушиши ҳам мумкин) аниқ бўлмайди, шу боисдан амалиётда давлат бюджетининг ижросида балансли жараён юзага чиқмай қолиши мумкин. Давлат бюджетининг баланслиги белгиси шуни изоҳлайдики, харажатлар ва даромадлар бир бирига даромадларнинг эҳтимоллигини эътиборга олган мослаштирилиши таъминланади ва ўз навбатида бюджет тақчиллигини режалаштириш ва уни бошқариш(молиявий манбасини аниқлаш)ни тақозо этади.

Давлат бюджети миллий даромаднинг бир қисмини ўзида жамлаб, уни яна миллий иқтисодиётга турлича тарзда тақсимлаб беради. Бунда кўпроқ ноишлаб чиқариш соҳасига маблағларни йўналтиради. Ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган маблағлар эса ўз навбатида ишлаб чиқариш соҳасида тўғридан-тўғри ёки билвосита ўтади. Бу эса давлат бюджетининг соҳалар ўртасидаги нисбат(пропорция)ни таъминлаш функциясини бажаришлигини кўрсатади. Давлат бюджетининг кейинги функцияси миллий даромаднинг бир қисмини қайта тақсимлаш орқали ижтимоий мувозанатни таъминлаш ҳисобланади. Давлат бюджети орқали даромадлар қайта тақсимланиб, турли қатламлар ўртасидаги мувозанат таъминланади, ижтимоий ҳимоя амалга оширилади, кам таъминланган қатлам аҳоли ҳамда иқтисодиёт учун муҳим бўлган соҳалар молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланади, провардида ҳам иқтисодиётда, ҳам ижтимоий соҳада муозанатлар таъминланади. Давлат бюджетининг муҳим функциялари қаторига унинг даромадларни мувофиқлаштириш ва капиталлар оқимини бошқаришдир. Давлат ўзининг молиявий сиёсатида даромадлар ва капиталлар оқимини бошқариш(мувофиқлаштириш) орқали жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий мувозанатни таъминлашга ва иқтисодиётнинг бир маромда ривожланишига ҳаракат қилади. Буни эса давлат бюджети орқали амалга оширади. Давлат бюджети орқали иқтисодий сектордан маблағлар кўпроқ ёки камроқ олинishi улардаги капиталларнинг ҳаракатини ҳамда


давлат ихтиёрига келиб тушган маблағларнинг ҳаракати бошқарилади(мувофиқлаштирилади). Агар, иқтисодиётда кўпроқ қолдирилган маблағлар(ҳаддан ташқари солиқ юкининг камайрилиши)да инвестициядан кўра кўпроқ жамғарилишга мойиллик кучайса, у ҳолда давлат иқтисодиётдан маблағларни кўпроқ бюджетга жалб қилиш орқали уларни иқтисодиётга қайта тақсимлашга ҳаракат қилади ва шу орқали капиталнинг қотиб қолишига йўл қўймайди, албатта бу жараёнда доимо давлат бюджети қатнашади. Шунингдек, давлат бюджети молия тизимининг асосий бўғини сифатида молияга тегишли бўлган тақсимлаш, назорат, рағбатлантириш ҳамда тартиблаш функцияларни ҳам амалга оширади.

#### 4.2. Бюджет тизимининг моҳияти ва принциплари

Ҳар қайси давлатнинг бюджет шаклидаги марказлашган пул фондлари ва бюджет тизимида давлат бюджети қатта аҳамиятга эга. Давлат бюджети тушунчаси моҳияти унинг марказлашган пул фонди билан боғлиқдир. Агар, 2014 йил 1 январига қадар амалда бўлган Ўзбекистон Республикасининг "Бюджет тизими тўғрисида"ги қонуни<sup>53</sup>да давлат бюджетига "Давлат пул маблағларининг (шу жумладан давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратилган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади" деб таъриф берилган бўлса, 2014 йил 1 январидан бошлаб кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига эса "Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети (Давлат бюджети) — давлатнинг давлат вазифалари ва функцияларини молиявий жиҳатдан таъминлаш учун мўлжалланган марказлаштирилган пул жамғармаси" деган мазмундаги таърифи келтирилган. Шунингдек, ушбу Кодексда бюджет тизими бюджетлари, бюджет тизими каби тушунчалар ҳам келтирилган.

Юқоридагилардан кўринадики, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида (Бюджет кодексига) бюджетга оид категориялар талқини бўйича бюджет тизими ўз таркибига барча даражадаги бюджетларни, бюджет тизими бюджетларини, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ҳамда уларни ташкил этиш принциплари ва улар ўртасидаги муносабатларни қамраб олади ва шу жиҳатдан бюджет тизими тушунчаси асосий категория ҳисобланади. Агар, Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимини таркибий жиҳатидан қарайдиган бўлсак, у қуйидагилардан иборат бўлади.

<sup>53</sup> Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 27 декабрдаги ЎРҚ-361-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Қонунига асосан ўз кучини йўқотган.




12-расм. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида бюджетга оид категориялар талқини.

Куйида келтирилган расмдан кўринадики, Ўзбекистон бюджет тизими ўз таркибига Давлат бюджети, Давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларини олади. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети икки поғонадан: Ўзбекистон Республикаси бюджети ва Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан иборат бўлади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети тузилмасига Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси туманлари ва шаҳарларининг бюджетлари; вилоятлар маҳаллий бюджетлари тузилмасига вилоят бюджети, тегишли вилоятлар туманлари ва шаҳарларининг бюджетлари. Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети тузилмасига эса шаҳар бюджети ва шаҳар таркибига кирувчи туманларнинг бюджетлари киради.

Жаҳон амалиётида бюджет тузилиши асосан давлат тузилишига мувофиқ ташкил этилиши кузатилади. Ўзбекистон Республикаси давлат тузилишига кўра унитар давлат ҳисобланиб, унитар давлатларда бюджет тузилиши асосан икки поғонали равишда ташкил этилади. Унитар давлатларда бюджет тузилишига мувофиқ солиқлар ҳам бюджетга бириктирилиши жиҳатидан республика ва маҳаллий миқёсда гуруҳланади. Масалан Франция, Буюк Британия, Швеция каби давлатлари ҳам унитар бюджет тузилишига эга бўлиб, унга мос ҳолда солиқлар ҳам икки поғона асосида ундирилади.



13-расм. Ўзбекистон бюджет тизимининг таркибий тузилиши.

Федератив тузилмага эга бўлган давлатлар Масалан Россия, АҚШ, Германия, Канада ва шу каби давлатларда бюджет тузилиши федерализмга асосланган бўлиб, унга мувофиқ солиқлар ҳам федерал, ҳудудий(федерация субъектлари, штатлар) ва маҳаллий(муниципал) солиқларга бўлинади.

Дунё амалиётида бюджет тизимига эга бўлган барча давлатларнинг бюджет тизимига оид умумий хусусият шундан иборатки, бюджет тизимининг ўзига хос принциплар асосида ташкил этилиши ва амалга оширилишидир. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими ҳам ўзига хос принциплари асосида шакллантирилиши ва шу асосда амалга оширилиши Бюджет кодексининг 7-17- моддаларида акс эттирилган.

1- жадвал.

**Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими ҳам ўзига хос принциплари**

№	Бюджет тизими принципи	Бюджет тизими принципнинг мазмуни
1.	Бюджет тизимининг ягоналиги	Ушбу принцип бюджет ҳужжатлари ва бюджет ҳисоботларининг шакллари, бюджет таснифи ягона бўлиши ҳамда бюджет тизими бюджетларининг даромадлари ва харажатларини шакллантириш ҳамда ижро этиш, бюджет ҳисобини юритиш ва бюджет ҳисоботининг тузилиши ягона тартибга асосланишини билдиради.
2.	Бюджет тизимининг Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилишига мувофиқлиги	Бюджет тизими Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилишига мувофиқ бўлиши лозим.
3.	Бюджет тизими бюджетларининг баланслилиги ва ўзаро боғлиқлиги	Бюджет тизими бюджетларида назарда тутилган харажатлар ҳажми уларнинг даромадлари ва тақчилликни қоплаш манбалари йиғиндисининг ҳажмига мувофиқ бўлиши керак.
4.	Бюджет тизими бюджетлари даромадларини прогноз қилиш ва харажатларини режалаштириш	Бюджет тизими бюджетларини тузишда бюджет таснифига мувофиқ, даромадлар уларнинг аниқ манбалари бўйича прогноз қилинади, харажатлар эса йўналишлар бўйича режалаштирилади.
5.	Бюджет тизими бюджетлари маблағларидан фойдаланишнинг аниқ йўналтирилганлиги ва мақсадлили хусусияти	Бюджет тизими бюджетларининг маблағлари муайян бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларга ушбу маблағлардан белгиланган мақсадларни молиялаштиришда фойдаланиш учун ажратилади.
6.	Бюджет тизими бюджетларининг мустақиллиги	Бюджет тизими бюджетлари мустақил ҳисобланади.
7.	Бюджет тизими бюджетлари маблағларидан фойдаланишнинг натижалдорлиги	Бюджет жараёни иштирокчилари бюджет тизими бюджетларининг белгиланган ҳажмдаги маблағларидан фойдаланган ҳолда натижага эришиш заруриятдан келиб чиқади
8.	Кассанин ягоналиги	Бюджет тизими бюджетларининг барча даромадлари Ягона газна ҳисобварағига киритилади ва уларнинг харажатларини тўлаш ушбу ҳисобварақдан амалга оширилади.
9.	Бюджет жараёни иштирокчиларининг жавобгарлиги	Бюджет жараёни иштирокчиларининг жавобгарлиги принципи бюджет жараёнининг ҳар бир иштирокчиси бюджет жараёнининг ҳар бир босқичида ўз харажатлари учун жавобгар бўлади.
10.	Бюджет тизими очиклиги	Бюджет тизими очиклик принципи Давлат бюджетини ва давлат мақсадли жамғармаларига оид манфаатли маълумотлар жамият ва оммавий ахборот воситалари учун очик бўлишигини, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинишини (янгилашиб борилишини) аниқлатади.

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими ҳам ўзига хос принципларининг моҳияти шундаки, улар мамлакат миқёсида ишлаб чиқилган ва амалга оширилган бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаб беради, бюджет жараёнининг амалга оширилиш йўллари кўрсатиб беради, бюджет тизимига оид конун ҳужжатларининг умумий мазмунини акс эттиради, шунингдек, бюджет тизими билан боғлиқ бошқа меъёрий ҳужжатларнинг асосий мазмунини белгилаб беради. Яъни бошқача қилиб айтганда бюджет тизимини ташкил этиш ва амалга ошириш ушбу принциплардан келиб чиқиши лозим бўлади. Шу жиҳатдан олганда бюджет тизимининг принциплари бюджет тизимининг "йўлчи юлдузи" ҳисобланади, унинг мазмуни (йўналиши) га қараб бошқа жараёнлар ўз йўналишларини мувофиқлаштирилади.

**4.3. Давлат бюджети даромадлари манбалари ва уларни шакллантириш тартиби**

Ҳар қайси бюджетни шакллантиришдаги асосий жараён бу унинг даромадлар манбаларини аниқлаш ҳисобланади. Давлат бюджетининг даромадлар манбаларини шакллантириш давлатчилик тарихида турлича кўринишда мавжуд бўлганлигини юқорида келтириб ўтилган эди. Ҳозирги цивилизация шароитида дунёнинг аксарият давлатларида давлат бюджетининг асосий даромад манбаи сифатида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга таянилади ва давлат бюджетининг даромад манбалари конун билан аниқлаб қўйилади. Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетининг даромад манбалари Бюджет кодекси (50-модда) да аниқ белгилаб қўйилган ва уларга қуйидаги даромад манбалари киради:

*Давлат бюджети даромадлари:*

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар;
- давлат активларини жойлаштириш, фойдаланишга бериш ва сотишдан олинган даромадлар;
- мерос, ҳада хуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари;
- юрдик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет давлатлардан тушадиган қайтарилмайдиган пул тушумлари;
- резидент-юрдик шахсларга берилган бюджет ссудаларини ва чет давлатларга ажратилган кредитларни тўлаш ҳисобидан тўловлар;
- конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа даромадлар ҳисобидан шакллантирилади.

*Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети даромадлари манбаларини эса қуйидагилар ташкил этади:*

- 1) умумдавлат солиқлари, шу жумладан:
  - юрдик шахслардан олинган фойда солиғи;
  - ягона солиқ тўлови;
  - жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи;
  - қўшилган қиймат солиғи;
  - акциз солиғи;

- ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;  
2) божхона божлари;  
3) қўшимча фойда солиғи;  
4) махсулот тақсимога оид битимлар бўйича фойда келтирадиган махсулотдаги давлат улуши;  
5) бошқа даромадлар.

Бошқа даромадларга имзоли бонус ва тижоратбоп топилма бонуси тўланишидан тушган тушумлар, конун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига йўналтириладиган давлат божлари, йиғимлар, товон пуллари, компенсация тўловлари ва жарима санкциялари, давлат активларини жойлаштириш, фойдаланишга бериш ва сотишдан белгиланган нормативлар бўйича олинган даромадлар, мерос, ҳада ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтказилган пул маблағлари, юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет давлатлардан тушган қайтарилмайдиган пул тушумлари, резидент-юридик шахсларга берилган бюджет ссудаларини, чет давлатларга берилган кредитларни тўлаш ҳисобидан тўловлар, акцияларнинг давлат улуши (пайи) бўйича дивидендлар (даромадлар), мобиль алоқа хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўлов, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фойдаси ва конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа даромадлар киради.

*Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари:*

1) белгиланган нормативларга мувофиқ умумдавлат солиқлари, шу жумладан:

юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;  
ягона солиқ тўлови;  
жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;  
тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ;

қўшилган қиймат солиғи;  
акциз солиғи;  
ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;  
сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;  
2) маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шу жумладан:  
мол-мулк солиғи;  
ер солиғи;  
ягона ер солиғи;

айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш учун йиғим;

3) юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет давлатлардан тушган қайтарилмайдиган пул тушумлари;

4) бозорлардан тушадиган даромадлар;

5) бошқа даромадлар ҳисобидан шакллантирилади. Бошқа даромадларга давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар, давлат активларини жойлаштиришдан, фойдаланишга беришдан ва сотишдан белгиланган нормативлар бўйича олинган даромадлар, конун ҳужжатларига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига йўналтириладиган давлат божлари, йиғимлар, товон пуллари ва жарима санкциялари, эгасиз мол-мулкни, мерос ҳуқуқи бўйича давлат ихтиёрига ўтган мол-мулкни, ҳуқуқ бўйича давлат даромадига ўтказилиши лозим бўлган хазиналарни реализация қилишдан тушган тушумлар ва конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа даромадлар киради.

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган субвенциялар, ўтказиб бериладиган даромадлар ва дотациялар Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг даромадлари ҳисобланади. Шунингдек, умумдавлат солиқлари ҳисобланган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган пиво ва ўсимлик ёғи учун акциз солиғи Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадларининг манбалари сифатида уларнинг ихтиёрига қолдирилади.

Маълумки, Ўзбекистон бюджет тизимида маҳаллий бюджетлар умумий харажатларни молиялаштиришда асосий салмоқни эгаллайди. Бирок, уларнинг юқорида келтириб ўтилган даромад манбалари уларнинг молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қоплай ололмайди. Шу боисдан ҳар йилги бюджет-солиқ сиёсатининг устувор йўналишларида маҳаллий бюджетларнинг молиявий имкониятларини ошириш мақсадида айрим умумдавлат солиқларидан маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қолдириладиган қисми бўйича ажратмалар меъёрлари белгиланади.

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетига, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри шаҳар маҳаллий бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари асосан ҳудудларнинг саноатлашув даражаси ва уларнинг иқтисодий ривожланиш даражасига қараб табақалаштирилган ҳолда белгиланиб келинмоқда. Агар, жавдалга эътибор бериладиган бўлса, Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар энг кам улушни(қисмни) ташкил этса, Қорақалпоғистон Республикаси ва Сурхондарё вилоятининг маҳаллий бюджетларига умумдавлат солиқларидан ажратмалар эса энг катта улушни эгаллайди, чунки, бу ҳудудларда саноатлашув даражаси бошқа ҳудудларга нисбатан пастроқ даражада бўлиб, уларнинг маҳаллий бюджетларига бириктирилган даромадлар етарлилик даражаси ҳам анча паст.

**Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри шаҳар маҳаллий бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар МЕЪЁРЛАРИ(2018 йил учун)**

(фонзда)

Худудлар	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғидан	Савдо ва умумий овозқаланиш корхоналари тўлайдиган ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалардан	Микрофирмалар ва кичик корхоналар тўлайдиган ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалардан	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан	Қўшилган қийматдан	Акциз солиғидан, жумладан:			Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқдан
						Бензин	Дизел ёқилғиси	Авиация керосини	
Қорақалпоғистон Республикаси	100	100	100	100	100			50	100
Анджон вилояти	100	100	100	100	100			50	
Бухоро вилояти	55	100	100	50	55	55	55	50	
Жиззах вилояти	100	100	100	100	100				
Қашқадарё вилояти	52	100	100	100	52			50	
Навоий вилояти	66	100	100	66	66			50	
Наманган вилояти	100	100	100	100	100			100	
Самарқанд вилояти	100	100	100	100	100			100	
Сурхандарё вилояти	100	100	100	100	100			100	100
Сирдарё вилояти	100	100	100	100	100			100	
Ташкент вилояти	57	100	100	50	57			50	
Фарғона вилояти	98	100	100	100	98	98	98	50	
Хоразм вилояти	100	100	100	100	100			50	
Тошкент шаҳри	5	5	5	5	5			50	

Давлат бюджети ва унинг таркибига кирувчи Республика ҳамда маҳаллий бюджетларнинг даромад манбаларига эътибор қаратиладиган бўлса, уларнинг ичида солиқлар асосий роль ўйнайди.

Давлат бюджетининг даромадлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2010 йил 20 августдаги 65-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 11 октябрда рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномага мувофиқ гуруҳланиб ҳисобга олиниб борилади. *Бюджет таснифи* бу халқаро тасниф тизимларига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда бюджет тизими бюджетларининг даромадлари ва харажатлари, шунингдек, Давлат бюджети тақчиллигини қоплаш манбаларини гуруҳлашдан иборатдир. Бюджет таснифининг аҳамияти

шундаки, у Давлат бюджетини тузиш, қўриб чиқиш, қабул қилиш ҳамда ижро этиш мақсадида бюджет маълумотларини тизимга солиш учун фойдаланилади ва у бюджет маълумотлари халқаро тасниф тизимларининг айнан шундай маълумотлари билан қиёсланишини таъминлайди.

Бюджет таснифида бюджетнинг даромадлари қуйидагича гуруҳланади:

Давлат бюджети даромадларининг таснифи барча даражадаги бюджетлар даромадлари, давлат мақсадли жамғармалари ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари даромадларининг гуруҳланишида йигирма бир коддан иборат бўлган даромадлар таснифи тузилмаси тўрт қисмли қўринишга эга бўлади. Яъни, маблағлар манбаси ва бюджетлар даражаси таснифи; даромадлар тури; ҳудудий тасниф.

Даромадлар таснифи тузилмаси қуйидаги қўринишга эга:

Маблағлар манбаси ва бюджетлар даражаси таснифи			Даромадлар тури			Ташкилий тасниф			Ҳудудий тасниф		
х	xxx	х	х	х	xxx	xxx	xxx	xxx	xx	xxx	

Маблағлар манбаси ва бюджетлар даражаси таснифи (1—6 кодлар) бюджетга тушаётган даромадларни тегишли маблағлар манбаси ва бюджетлар даражаларига (тегишли бюджет даражасига, давлат мақсадли жамғармаси турига ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари даромадлари турига) мансублигини аниқлаш мақсадида қўлланилади ва у қуйидаги қўринишга эга бўлади:

Маблағлар тури	Маблағлар номи	Бюджет	Бюджет даражаси	Кўрсаткичлар номи
1	000	0	0	Давлат бюджети
1	000	1	0	Республика маблағлари
1	000	2	0	Ҳудудий маблағлар
1	000	2	1	Қорақалпоғистон Республикасининг республика даражасидаги, вилоятларнинг вилоят даражасидаги ва Тошкент шаҳрининг шаҳар даражасидаги маблағлари
1	000	2	2	Туманлар ва шаҳарлар даражасидаги маблағлар
2	000	0	0	Давлат мақсадли жамғармалари
2	001	0	0	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурдаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси
2	002	0	0	Иш билан таъминлашга қўмаклашувчи давлат жамғармаси
2	003	0	0	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурдаги Республика йўл жамғармаси
2	004	0	0	Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитасининг махсус ҳисобварағи
3	000	0	0	Бошқа бюджетдан ташқари давлат жамғармалари

Давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа жамғармаларнинг даромадларини гуруҳлаш худди Давлат бюджети каби Республика маблағлари, худудий маблағлар, Қорақалпоғистон Республикасининг республика даражасидаги, вилоятларнинг вилоят даражасидаги ва Тошкент шаҳрининг шаҳар даражасидаги маблағлари ҳамда туманлар ва шаҳарлар даражасидаги маблағлар кесимида гуруҳлаштирилиб борилади.<sup>54</sup> Даромадларнинг тури бўлим, параграф ва даромад типидан, даромадлар бўлими даромадларни уларни олиш манбалари бўйича

кодлашдан, даромадлар параграфи солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни, шунингдек солиқ бўлмаган тўловларни уларни ундириш базаси бўйича кодлашдан, даромад типи бюджет тизими бюджетлари даромадининг аниқ туридан иборат бўлади. Ташкилий тасниф эса келиб тушаётган даромадларнинг ана шу даромадларни маъмурий жиҳатдан идора қилувчи тегишли органга мансублигини идентификациялаш мақсадида қўлланилади.

7 та рақамли даромадлар тури (7—13 кодлар) қуйидагилардан иборат:

бўлим;  
параграф;  
даромад тури.

Бўлим даромадларни уларнинг олиш манбалари бўйича гуруҳланишини билдиради:

3 100 000 «Солиқлар»;  
3 200 000 «Ижтимоий эҳтиёжларга ажратмалар/бадаллар»;  
3 300 000 «Грантлар»;  
3 400 000 «Бошқа даромадлар»;  
3 500 000 «Актив ва мажбуриятларга транзакциялар бўйича тушумлар».

Параграф солиқ ёки бошқа турдаги даромадларни солиққа тортиш базаси бўйича даромадларнинг гуруҳланишини билдиради.

«Солиқлар» (3 100 000) қуйидаги параграфларни ўз ичига олади:

3 110 000 «Даромад, фойда ва капитал ўсишига солиқлар»;  
3 130 000 «Мол-мулкка солинадиган солиқ»;  
3 140 000 «Товарлар ва хизматларга солиқлар»;  
3 150 000 «Халқаро савдо ва операцияларга солиқлар»;  
3 160 000 «Бошқа солиқлар»;

13. «Ижтимоий эҳтиёжларга ажратмалар/бадаллар» (3 200 000) 3 210 000 «Ижтимоий таъминотга ажратмалар/бадаллар» параграфини ўз ичига олади.

«Грантлар» (3 300 000) қуйидаги параграфларни ўз ичига олади:

3 310 000 «Хорижий давлатлар ҳукуматларидан»;  
3 320 000 «Халқаро ташкилотлардан»;  
3 330 000 «Давлат бошқаруви секторининг бошқа бирликларидан».

«Бошқа даромадлар» (3 400 000) қуйидаги параграфларни ўз ичига олади:  
3 410 000 «Мол-мулкдан даромадлар»;  
3 420 000 «Товарлар ва хизматлар сотилиши»;  
3 430 000 «Жарималар, пенялар ва неустойкалар»;  
3 440 000 «Ихтиёрий трансфертлар, грантлар бундан мустасно»;  
3 450 000 «Аниқлаб бўлмайдиган ва бошқа даромадлар».  
«Актив ва мажбуриятларга транзакциялар бўйича тушумлар» (3 500

ўтказилган Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифини қўллаш бўйича Йўриқноманинг 1-илоvasи.

<sup>54</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2010 йил 20 августдаги 65-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 11 октябрда рўйхатдан

00) қуйидаги параграфларни ўз ичига олади:

3 510 000 «Транзакциялардан активларга тушадиган тушумлар»;

3 520 000 «Мажбуриятларга транзакциялар бўйича тушумлар».


Ташкилий тасниф (14—16 кодлар) бюджетга тушаётган даромадларни уларни бошқарувчи тегишли ташкилотларга (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва ш.к.) тегишли эканлигини аниқлаш мақсадида қўлланилади ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланади. Ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича юқори (қуйи) бюджетнинг қуйи (юқори) бюджет олдидаги мажбуриятининг қайтарилиши ҳисобига қуйи бюджетларга дотация, субвенция, бюджет ссудалари ва маблағлари келиб тушганда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига бириктирилган коддан фойдаланилади. Худудий тасниф (17—21 кодлар) тушаётган даромадларни мазкур даромадларни тўлаётган тегишли худудларга мансуб эканлигини аниқлаш мақсадида қўлланилади.

#### **4.4. Давлат бюджети харажатлари таркиби, уларни ҳисобга олиш ва тақсимлаш тартиби**

Давлат бюджетининг муҳим қисми бу харажатларни гуруҳлаш, режалаштириш ва уларни молиялаштириш ҳисобланади. Давлат бюджетининг харажатлари давлатнинг ижтимоий хизматларининг миқдори ва сифатини тавсифлайди. Агар, давлат бюджети харажатлари давлат фаолиятининг энг муҳим қисмларини қамраб олса, давлат фаолиятининг жамиятга ижобий таъсири ошиб боради. Шу жиҳатдан олганда давлат бюджети харажатларини амалга ошириш механизмида аввало унинг йўналишларини (амалга ошириладиган харажат турларини) аниқлаб олиш катта аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига мувофиқ давлат бюджет харажатлари сифатида қуйидаги харажатлар белгилаб қўйилган (-расм). Келтирилган расмдан кўринадики, Давлат бюджети харажатлари асосан саккиз йўналишдаги йирик харажатларни қамраб олган бўлиб, ҳар бир ушбу харажатлар гуруҳи аниқ харажат турлари бўйича аниқлаштирилади. Бундан ташқари Давлат бюджетининг харажатқисми таркибида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг захира



жамғармалари ҳам ҳисобга олинади. Шунингдек, Давлат бюджетининг харажатлари Республика бюджетидан қилинадиган ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети ва маҳаллий бюджетларидан амалга ошириладиган харажатлар бўйича ўзига хос тартибда фарқланади.



**14- расм. Давлат бюджети харажатлари таркиби.**

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига асосан *Республика бюджетидан молиялаштириладиган харажатлар* туркумига қуйидагилар киради:

- ✓ ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари;
- ✓ давлат грантлари, субсидиялар ва ижтимоий буюртма шаклида нодавлат ноғижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш харажатлари;
- ✓ иктисодиёт харажатлари;
- ✓ республика вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари буюртмачи бўлган марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари;
- ✓ давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини сақлаб туриш харажатлари;
- ✓ судларни, адлия ва прокуратура органларини сақлаб туриш харажатлари;
- ✓ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасини шакллантириш харажатлари;
- ✓ бошқа харажатлар.

Ўз навбатида ушбу харажат гуруҳларининг ҳар бири яна уларнинг мазмунига қараб кичик харажатлар турларига бўлинади ва харажатлар аниқлаштирилган ҳолда амалга оширилади.

*Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан амалга ошириладиган харажатларга* қуйидаги харажатлар турлари киради:

- 1) ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари;
- 2) иктисодиёт харажатлари;
- 3) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари буюртмачи бўлган марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари;
- 4) маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари харажатлари;
- 5) Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг захира жамғармаларини шакллантириш харажатлари;
- 6) давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан юридик ва жисмоний шахсларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш харажатлари;
- 7) Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган ташкилотлар ва тадбирларнинг харажатлари ва шу қабилилар.

*Туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан қилинадиган харажатларга* эса ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари, иктисодиёт харажатлари, туман ва шаҳар ҳокимликларини ҳамда уларнинг бўлимларини сақлаб туриш харажатлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаб туриш харажатлари ва бошқа харажатлар (жумладан қонун ҳужжатларида туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштирилиши назарда тутилган айрим ташкилотлар ва тадбирларнинг харажатлари) и киради.

Кўриш мумкинки, Республика ва маҳаллий бюджетдан амалга ошириладиган харажатлар айримлари бир хил турдаги харажатларни, масалан, ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари ва иктисодиёт харажатларига эга бўлсада, аммо, ушбу турдаги харажатлар молиялаштириш субъектларига қараб баъзилари республика бюджетидан баъзилари эса маҳаллий бюджетлардан молиялаштириш кузда тутилган. Аниқроқ қилиб айтганда, касб-хунар коллежларининг аксарияти маҳаллий бюджетлардан молиялаштирилсада, баъзиларининг харажатлари Республика бюджетидан қопланади. Худди шундай тартибда тиббиёт мусассаларни молиялаштириш харажатлари ҳам Республика ҳам маҳаллий бюджетлардан амалга оширилади.

Бундан ташқари маҳаллий бюджетлар харажатлари таркибига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон

Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг захира жамғармаларини ташкил қилиш билан боғлиқ харажатлар ҳам қирадики, ушбу захира жамғармалари молия йили мобайнида иқтисодий, ижтимоий-маданий ва бошқа соҳалардаги қўшимча, кўзда тутилмаган харажатлар ўз вақтида ҳамда узлуксиз молиялаштирилишини таъминлаш учун ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг захира жамғармалари маблағлари тегишинча Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига тушадиган даромадлар ҳисобидан шакллантирилади ҳамда унинг миқдори асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ҳамда Давлат бюджетининг асосий параметрлари тасдиқланаётганда белгиланади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Давлат бюджетидан қилинадиган харажатларни амалга оширишда улар маълум бир белгилари ва харажатларнинг мақсадларидан келиб чиқиб гуруҳланади ва бу Бюджет таснифи асосида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифини қўллаш бўйича Йўриқномада худди даромадлар сингари харажатларнинг таснифлари келтирилган.

Давлат бюджети харажатлари таснифи барча бюджет даражалари харажатлари гуруҳланишини ўзида ифодалайди ҳамда давлат бошқаруви ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш сектори бирликлари асосий функцияларини бажаришига, ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал қилишига бюджет маблағларини йўналтирилишини акс эттиради.

Харажатлар таснифи куйидагилардан иборат:

1. Маблағлар манбаси ва бюджетлар даражаси таснифи.
2. Худудий тасниф.
3. Харажатларнинг вазифа жиҳатидан таснифи.
4. Харажатларнинг иқтисодий таснифи.
5. Ташкилий тасниф.

Харажатлар таснифи тузилмаси эса куйидаги кўринишга эга:

Маблағлар манбаси ва бюджетлар даражаси таснифи		Харажатларнинг вазифа жиҳатдан таснифи			Ташкилий тасниф	Харажатларнинг иқтисодий таснифи			Худудий тасниф			
х	xxx	х	х	х	xxx	xxx	xxx	xx	xx	xxx	xx	xxx

Маблағлар манбаси ва бюджетлар даражаси таснифи (1—6 кодлар) амалга ошириладиган харажатларнинг қайси маблағлар манбаси ва

жамғармаси турига ва ш.к.) мансублигини аниқлаш мақсадида қўлланилса, харажатларнинг вазифа жиҳатдан таснифи (7—13 кодлар) барча бюджет даражалари харажатлари гуруҳланишини ўзида ифодалайди ҳамда давлат бошқаруви ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш сектори бирликлари асосий функцияларини бажаришига, ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал қилишига бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни йўналтирилишини акс эттиради.

Ўз навбатида харажатларнинг вазифа жиҳатдан таснифи икки даражадан иборат бўлади. Вазифа жиҳатдан таснифнинг биринчи даражаси (бўлимлар) давлатнинг асосий вазифасини бажариш учун молиявий ресурсларнинг йўналишини акс эттиради. Кичик бўлимлар вазифа жиҳатдан таснифнинг иккинчи даражаси ҳисобланиб, давлат вазифаларининг бажарилишида бюджет маблағларининг бўлимлар доирасидаги йўналишини аниқлаштирилади.

Вазифа жиҳатдан таснифнинг коди 7 та рақамдан иборат бўлиб, шундан 4 та рақам — бўлим, 3 та рақам эса — кичик бўлимдир. Вазифа жиҳатдан таснифнинг бўлимлари ва кичик бўлимлари ягона бўлиб, бюджет жараёнининг барча иштирокчилари томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузишда, тасдиқлашда ва ижро қилишда фойдаланилади.

#### Харажатларнинг вазифа жиҳатдан таснифи

Кодлар		Харажатлар
7	000 000	Жами харажатлар
7	010 000	Умумий аҳамиятдаги давлат хизматлари
7	020 000	Мудофаа
7	030 000	Жамоат тартиби ва хавфсизлиги
7	040 000	Иқтисодий масалалар
7	050 000	Атроф муҳитни муҳофаза қилиш
7	060 000	Уй-жой ва коммунал хизматлари
7	070 000	Соғлиқни сақлаш
7	080 000	Дам олиш, маданият, спорт ва дин
7	090 000	Таълим
7	100 000	Ижтимоий ҳимоя

Бюджет таснифида харажатларнинг вазифа жиҳатдан таснифланиши (гуруҳланиши) асосан улар ўн та йирик гуруҳларга ажратилган ҳолда амалга оширилиб, ҳар бир блок харажатлари эса яна аниқ харажатлар турлари бўйича таркиблантирилади. Масалан, харажатлар вазифа жиҳатидан гуруҳидаги таълим блокининг ўзида 72 турдаги харажатлар умумлаштирилган.

бюджетлар даражасига (тегишли бюджет даражасига, давлат мақсадли

### Харажатларнинг иқтисодий таснифи

Кодлар	Номи		
40	00	000	Харажатлар
41	00	000	Ишчилар меҳнатига ҳақ тўлаш
42	00	000	Товар ва хизматлар бўйича харажатлар
43	00	000	Асосий воситалар бўйича харажатлар
44	00	000	Фоизлар
45	00	000	Субсидиялар
46	00	000	Грантлар
47	00	000	Ижтимоий нафақалар
48	00	000	Бошқа харажатлар
49	00	000	Молиявий активлар ва мажбуриятлар бўйича харажатлар

Агар, эътибор берадиган бўлсак, харажатлар вазифа бўйича гуруҳлаштирилганда улар ижтимоий вазифаларига қараб гуруҳланган бўлса, иқтисодий таснифида эса харажатлар иқтисодий йўналишда гуруҳлаштирилади. Харажатларнинг иқтисодий таснифи асосан 9 та блокка бирлашган бўлиб, ҳар бир блок ўз мазмунига мос ҳолда қўллаб харажатларни жамлайди. Шунингдек, харажатларнинг иқтисодий таснифи I-гуруҳ «Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар», II-гуруҳ «Иш ҳақига қўшимчалар», III-гуруҳ «Капитал қўйилмалар» ва IV-гуруҳ «Бошқа харажатлар» каби блоклар бўйича ҳам гуруҳлаштирилади ва уларнинг ҳар бири ўзида яна бир қанча аниқ харажатлар турларини акс эттиради.

Харажатларнинг ҳудудий жиҳатдан таснифида эса Қорақолпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳам Тошкент шаҳри бўйича туманлар ва шаҳарлар кесимида гуруҳлаштирилади. Бунда ҳар бир туман ёки шаҳарга махсус кодга эга бўлиб, уларнинг харажатлари алоҳида умумлаштириб боришга хизмат қилади. Масалан Андижон вилояти учун умумий код 03 рақами бўлса, Исбосган туманининг коди 214, Асака шаҳрининг коди эса 404 ҳисобланади. Худди шу тартибда ҳар бир вилоят ва унинг таркибидаги туман ва шаҳарларнинг умумий харажатлари гуруҳлаштирилган ҳолда умумлаштирилиб борилади. Демак, харажатларни таснифлаш орқали уларнинг мазмуни, йўналиши, қайси бюджетдан молиялалаштирилиши ҳамда уларнинг қайси ҳудудга тегишлиги эканлигини аниқлаш ва уларни бошқариш учун катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

#### 4.5. Бюджет жараёни ва уни амалга ошириш тартиби

Бюджет тизимининг энг муҳим қисми бу бюджет жараёнидан иборат. Бюджет жараёни эса бюджетнинг барча босқичларини ўзида акс эттиради. *Бюджет жараёнида деганда эса* бюджет тизими бюджетларини шакллантириш, тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш, тасдиқлаш ва ижро этиш, уларнинг ижросини назорат қилиш, бюджет тизими бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлаш ва тасдиқлаш, шунингдек улар

ўртасидаги ўзаро муносабатлар тушунилади. Бюджет жараёни эса куйидаги босқичларнинг ўзаро уйғунлигида юзага келади:



15- расм. Бюджет жараёни ва унинг босқичларининг ўзаро боғлиқлиги ва кетма-кетлиги.

Демак, бюджет жараёнининг дастлабки босқичи бу *бюджет тизими бюджетларини шакллантириш ва тузиш жараёни* ҳисобланади. Давлат бюджети (жумладан, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари)нинг лойиҳасини тузиш асосан бюджет сўровини тузиш тартибини юборишни; бюджет сўровларини ҳамда асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозларини тайёрлаш ва тақдим этишни; бюджет сўровларини кўриб чиқиш ва жамлашни ҳамда бюджетномани ишлаб чиқишни назарда тутиб, у ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва молия йили учун мўлжалланган макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози асосида тузилади.

Бюджетни тузиш асосан бюджет сўровини шакллантиришдан бошланиб ўз навбатида бюджет сўрови ўз ичига куйидагиларни:

- бюджет ташкилотининг, бюджет маблағлари олувчининг ва бюджет маблағларини тақсимловчининг бюджет тизими бюджетлари маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятининг миқдор ва сифат кўрсаткичларини ўз ичига олувчи, ўтган йилда эришилган натижалар ва жорий йилда кутилаётган натижалар тўғрисидаги таҳлилий ҳисоботни;
- харажат мажбуриятларининг уларни киритиш (ижро этиш) учун асос бўладиган ҳамда молиялаштириш манбалари ва амал қилиш

муддатларини белгилайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шартномалар ва (ёки) уларнинг алоҳида қондалари кўрсатилган реестрини;

- бюджет маблағларини тақсимловчининг ривожлантириш дастурини;
- бюджет маблағларини тақсимловчининг ривожлантириш дастури билан узвий боғлиқ ҳолда тузилган келгуси давр учун бюджет буюртмасини ўз ичига олади.

*Ўтган йилда эришилган натижалар ва жорий йилда кутилаётган натижалар тўғрисидаги таҳлилий ҳисобот* бюджет ташкилоти, бюджет маблағлари олувчи ва бюджетмаблағларини тақсимловчи томонидан тузилади ҳамда бюджет ташкилоти, бюджет маблағлари олувчи ва бюджет маблағларини тақсимловчининг фаолиятини баҳолаш, бундан буён уни бюджет тизими бюджетларининг маблағлари ҳисобидан молиялаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида таклифлар тайёрлаш учун фойдаланилади ва ушбу ҳисобот бюджет ташкилоти, бюджет маблағлари олувчи ва бюджетмаблағларини тақсимловчининг ҳар бир фаолият тури бўйича ўтган йилда эришилган ва жорий йилда кутилаётган натижаларининг асосий миқдор ва сифат кўрсаткичлари ҳақидаги ахборотни ўз ичига олади.

*Харажат мажбуриятларининг реестри* бюджет ташкилоти, бюджет маблағлари олувчи ва бюджет маблағларини тақсимловчи томонидан амалга ошириладиган фаолият турлари ва тадбирларнинг бюджет тизими бюджетларининг маблағлари ҳисобидан уни молиялаштириш учун асос бўлган тегишли қонун ҳужжати кўрсатилган рўйхати бўлиб, у бюджет ташкилоти, бюджет маблағлари олувчи ва бюджет маблағларини тақсимловчи томонидан ўзлари амалга ошираётган харажатларни асосланганлиги нуқтаи назаридан таҳлил қилиш учун бюджет таснифига мувофиқ тузилади.

*Бюджет маблағларини тақсимловчининг ривожлантириш дастури* бюджет маблағларини тақсимловчи томонидан уч йилдан кам бўлмаган давр учун тузилади ва бюджет маблағларини тақсимловчи фаолиятининг барча соҳалари бўйича ривожланишнинг асосий йўналишлари, мақсадлари ва вазифаларини; мақсадларга эришиш ва вазифаларни бажаришга қаратилган ўзаро боғлиқ ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, ташкилий ва техник тадбирлар мажмуини; мақсадларга эришиш ва вазифаларни бажаришни таъминлайдиган, муддатлари ва турлари бўйича келишилган кутилаётган натижалар кўрсаткичлари тизимини ўз ичига олади.

*Бюджет буюртмаси* бюджет ташкилоти, бюджет маблағлари олувчи ва бюджет маблағларини тақсимловчи томонидан тузилади ва у тегишли бюджет маблағларини тақсимловчига бюджет маблағларини тақсимловчи томонидан белгиланган муддатда, бироқ тегишли молия органи ва давлат мақсадли жамғармасини тақсимловчи органга бюджет сўровини тақдим этиш муддатидан кечиктирмасдан тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети лойиҳасини тайёрлаш учун — бюджет маблағларини тақсимловчиларга, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари лойиҳаларини тайёрлаш учун — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига ҳамда давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари лойиҳаларини тайёрлаш учун — давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органларга ҳар йили 15 апрелга қадар келгуси давр учун бюджет сўровини тузиш тартибини юборди.

Бюджет маблағларини тақсимловчилар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар келгуси давр учун бюджет сўровини тузиш тартибини олгандан сўнг уч иш куни ичида тегишли бюджет сўровларини тузиш тўғрисида ва уларни тайёрлаш муддатларини белгилаш ҳақида қарорлар қабул қилади. Туман ва шаҳар ҳокимлари келгуси давр учун бюджет сўровини тузиш тартибини олгандан сўнг уч иш куни ичида тегишли бюджетлар лойиҳаларини тузиш тўғрисида ва уларни тайёрлаш муддатларини белгилаш ҳақида қарорлар қабул қилади. Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг молия бўлимлари эса қарорлар қабул қилинганидан сўнг уч иш куни ичида келгуси давр учун бюджет сўровини тузиш тартибини туманлар ва шаҳарлар бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотларига ва бюджет маблағлари олувчиларга бюджет сўровларини тузиш учун юборди.

Ўз навбатида келгуси давр учун бюджет сўровларини: Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан, шунингдек туманлар ва шаҳарларбюджетларидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар томонидан тегишли молия органларига — жорий йилнинг 1 июнигача;

бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига — жорий йилнинг 1 июлигача;

давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига — жорий йилнинг 1 июлигача тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идоралар Давлатбюджети ва давлат мақсадли жамғармалари даромадларининг прогнози бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ва давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органларга — жорий йилнинг 15 июнигача тақдим этади.

Келгуси молия йили учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг ҳамда давлат мақсадли жамғармаларибюджетларининг лойиҳалари:

туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг молия бўлимлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармаларига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланган муддатларда, бироқ жорий йилнинг 25 июнидан кечиктирмай;

Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига жорий йилнинг 1 июлидан кечиктирмай тақдим этилади.

*Давлат бюджетининг лойиҳасини ишлаб чиқиш* Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози, даромадларнинг ташкил топиш манбалари бўйича Давлат бюджети даромадлари прогнози, бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет сўровлари ва Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ҳисобидан айрим тадбирлар учун харажатлар ҳажмининг прогнози, ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетлари лойиҳалари асосида ишлаб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Бюджетнома ишлаб чиқилиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига — жорий йилнинг 15 сентябрга қадар киритилади. Ушу бюджетнома эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига хулоса тақдим этиши учун — жорий йилнинг 20 сентябрга қадар киритилади. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, шунингдек солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳалари бўйича икки ҳафталик муддатда хулоса тақдим этади. Тайёрланган Бюджетнома эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига — Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг хулосаси билан жорий йилнинг 15 октябрдан кечиктирмай киритилади.

Ушбу Бюджетномада ўз таркибига мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг ўтган йилги асосий яқунлари ва мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг жорий йилги яқунларининг прогноз баҳосини; Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнозини; Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари жорий йилдаги ижросининг прогноз баҳосини; солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳасини; Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳасини; давлат қарзининг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни; солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли

жамғармалари бюджетларининг лойиҳасига доир тушунтириш хатини ўз ичига олади.

*Бюджет жараёнининг кейинги босқичи - бюджетни кўриб чиқиш жараёни* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган бюджетнома Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан кўриб чиқилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари навбатдаги йил учун Давлат бюджетини, давлат мақсадли жамғармалари бюджетларини ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини қабул қилади.

*Бюджет жараёнида Давлат бюджетини тасдиқлаш* Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан амалга оширилади ва навбатдаги йил учун Давлат бюджети тўғрисидаги қарорларини ижро этиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қабул қилинади, унда:

асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози;

Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг асосий параметрлари;

Давлат бюджети тақчиллигининг энг юқори миқдори ва уни қоплаш манбалари;

давлат мақсадли жамғармаларининг асосий параметрлари;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ставкалари миқдорлари;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатлари ҳажмлари, Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан субвенциялар, ўтказиб бериладиган даромадлар ва дотацияларнинг чекланган миқдорлари;

умумдавлат солиқлари тушумларидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратмаларнинг нормативлари;

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдорлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси захира жамғармасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг захира жамғармалари миқдорлари тасдиқланади.

*Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларини тасдиқлаш* эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджетининг асосий параметрларини тасдиқлашга доир қарорига мувофиқ, қарор қабул қилингандан сўнг бир ҳафталик муддатда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашилари томонидан амалга оширилади.

Давлат бюджетининг, давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг асосий параметрлари тасдиқланганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадлари ва харажатлари ҳажмларини, шунингдек уларга Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан бериладиган субвенциялар, ўтказиб бериладиган даромадлар ва дотациялар ҳажмларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари эътиборига — уч иш куни ичида;

бюджет маблағларини тақсимловчилар ва давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар учун белгиланган даромадлар ва харажатларнинг ҳажмларини уларнинг эътиборига — ўн иш куни ичида етказди.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари қабул қилинганидан кейин тегишли молия органлари бир ҳафталик муддатда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар эътиборига улар учун назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳажмларини етказди ва ушбу бюджетлар ижро учун қабул қилинади.

*Бюджет жараёнининг кейинги босқичи бўлган бюджет тизими бюджетларининг ижроси* бюджет тўғрисидаги конун ҳужжатларида белгиланган бюджет тизими бюджетлари даромадларининг тушишини таъминлаш ва харажатларини амалга оширишни, шунингдек уларнинг ижроси билан боғлиқ операцияларни ҳисобга олишдан иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг, давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг ижроси эса Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан таъминланади. Бюджет тизими бюджетларининг ижроси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ғазна ижроси йўли билан амалга оширилади. Мамлакатда мудофаа қобилиятини, хавфсизликни таъминлаш, ички тартибни сақлаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

Бюджет тизими бюджетларининг ижроси молия йили мобайнида ва қўшимча вақт даврида амалга оширилади. Кейинги йилнинг январь ойи молия йилига қўшимча вақт даври бўлиб, бу давр мобайнида ўтган йил учун бюджет тизими бюджетларининг ижроси амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бюджет тизими бюджетларининг қўшимча

вақт давридаги ижроси бўйича операцияларни ўтказиш тартибини ва охириги муддатларини белгилайди.

*Бюджет ижросини тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлаш ва уни тасдиқлаш* эса бюджет жараёнининг сўнги босқичларидан ҳисобланади. Бюджет ҳисоботи бюджет ҳисоби маълумотлари асосида белгиланган шакллар бўйича тузиладиган активлар ва мажбуриятларнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотларнинг умумлаштирилган тизими бўлиб, у бюджет ташкилотларининг ва бюджет маблағлари олувчиларнинг молиявий ҳисоботлари, Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига даромадларнинг тушумлари тўғрисидаги ҳисобот, Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот ҳамда давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни ўз ичига олади. Ушбу ҳисоботларнинг ичида энг муҳим ва умумлаштирувчи ҳисоботлардан бири Давлат бюджети ижросининг ҳисоботи ҳисобланади.

Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот бюджет таснифига мувофиқ муайян давр учун Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг ижроси натижаларидан иборат бўлиб, у ҳисобот куйидаги ҳисобот шакллари ўз ичига олади:

Давлат бюджети ижросининг балансини;

Давлат бюджети даромадларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни;

Давлат бюджети харажатларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни;

бюджет ташкилотларининг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотномани;

Давлат бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни.

Туманлар ва шаҳарлар бўйича ғазначилик бўлинмалари тегишли туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг молия бўлимларига туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг касса ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этади. Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг молия бўлимлари ҳисобот даври учун туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган шакллар бўйича:

юқори турувчи молия органларига — улар белгилаган муддатларда;

тегишли ҳокимликларга — туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот юқори турувчи молия органларига тақдим этилганидан сўнг уч иш куни ичида тақдим этади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича ғазначилик бошқармалари Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоятбюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг касса ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармаларига тақдим этади.

Ғазначилик бўлинмалари томонидан тегишли бюджетларнинг касса ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни молия органларига тақдим этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари ҳисобот даври учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган шакллар бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига — у белгиланган муддатларда;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига ва тегишли ҳокимликларга — Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилганидан сўнг уч иш куни ичида тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгиланган шакллар бўйича Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни тузади ва ушбу ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелигача тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига ташқи аудит ўтказиш ва баҳолаш учун ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 5 апрелигача юборади. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботга доир хулосани ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 10 майдан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг хулосаси билан бирга ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 майдан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тегишли ҳисобот даври учун тақдим этилган Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг сиёсий партиялар фракциялари, депутатлар гуруҳлари ва кўмиталарида муҳокама қилиш асосида кўриб чиқади. Тегишли ҳисобот даври учун Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг сиёсий партиялар фракциялари, депутатлар гуруҳлари ва кўмиталарида

кўриб чиқилгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлисида кўриб чиқилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қарори билан тасдиқланади.


#### 4.6. Бюджетлараро муносабатлар ва уларни мувофиқлаштириш

Бюджет тизими жараёнида турли даражадаги бюджетларнинг молиявий потенциали бир хил бўлмаслиги табиий. Сабаби Республика ва маҳаллий бюджетларга даромадларнинг тушуми турлича бўлади, бундан ташқари ҳудудларнинг социал-иқтисодий ривожланиш ва уларда молиявий ресурсларнинг шаклланиш даражаси ҳам фарқланади. Ўз навбатида эса маҳаллий бюджетларнинг харажатлари ва даромадлари ўртасидаги фарқ кўпроқ намоён бўлиб туради. Иқтисодий жиҳатдан олиб қаралганда маҳаллий бюджетларда доирасида тақчилликка йўл қўйилмаслик эса улар ўртасидаги молиявий ресурслар (маблағлар) ни қайта тақсимлаб турилишни тақозо этади, бу эса бюджет тизими амалиётида бюджетларо муносабатларнинг юзага келишини ва уларни мувофиқлаштирилиб (тартибга солиниб) борилишидан дарак беради. Ўзбекистон Бюджет кодексига кўра *бюджетларо муносабатлар деганда* Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети, туманлар, шаҳарлар бюджетлари, шунингдек давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ўртасидаги ушбу Кодекс билан тегишли бюджетларга бириктирилган харажатларни амалга ошириш учун зарур бўлган тегишли бюджетларни молиявий ресурслар билан таъминлашга доир муносабатлар тушунилади.<sup>55</sup> Ўз навбатида эса бюджет жараёнида самарали бошқариш мақсадида бюджет жараёнида Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг туманлар ва шаҳарлар бюджетлари билан, давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг туманлар ва шаҳарлар бюджетлари билан, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг бир-бири билан, шунингдек бошқа маъмурий-ҳудудий бирликнинг туманлари ва шаҳарлари бюджетлари билан; туманлар ва шаҳарлар бюджетлари ўртасида ўзаро муносабатларига йўл қўйилмайди. Бюджетларо муносабатларни мувофиқлаштиришда бюджет трансфертлари асосий роль ўйнайди.

Бюджетлараро трансфертлар субвенциялар, ўтказиб бериладиган даромадлар, дотациялар, бюджет ссудаси ва ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар шаклида амалга ошириб, уларнинг ҳажмлари эса жорий молия йилида турли даражадаги бюджетлар даромадлари ва харажатлари ўзгаришига сабаб бўлувчи қонун ҳужжатлари қабул қилинганда ҳамда тегишли барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушишидан ҳамда бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг ўзлаштирилишидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

<sup>55</sup>Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 132-модда.





16- расм. Бюджетлараро трансфертларнинг шакллари.

*Субвенциялар* бу-муайян мақсадларга сарфлаш шarti билан юкори турувчи бюджетдан куйи турувчи бюджетга кайтармаслик шarti билан ажратиладиган пул маблағлари бюджетлараро трансфертларнинг энг мухимларидан бири бўлиб, у асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджетининг асосий параметрлари тасдиқланаётганда белгиланган харажатларни амалга ошириш учун ажратилади. Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига бериладиган субвенцияларнинг миқдорлари асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджетининг асосий параметрлари тасдиқланаётганда белгиланади.

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан туманлар ва шаҳарларбюджетларига бериладиган субвенцияларнинг миқдорлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан белгиланади.

*Ўтказиб бериладиган даромадлар* бу - тегишли маъмурий-худудий бирликда шаклландиган ва юкори турувчи бюджетга ўтказиладиган, улар каерда шаклланган бўлса, кейинчалик ўша маъмурий-худудий бирлик бюджетига ўтказиб бериладиган даромадлар бўлиб, бюджетлараро трансфертлардан бири саналади, уларнинг умумий ҳажми эса Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан куйи турувчи бюджетларга — асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджетининг асосий параметрлари тасдиқланаётганда, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан куйи турувчи бюджетларга тушумлари ўтказиб бериладиган хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳамда улар томонидан тўланадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг турлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Молия

вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда тасдиқланади. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига тушумлари ўтказиб бериладиган хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳамда улар томонидан тўланадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг турлари рўйхати Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари билан биргаликда тасдиқланади. Юкори турувчи бюджетдан куйи турувчи бюджетга ўтказиб бериладиган даромадларнинг суммаси тегишли куйи турувчи бюджетга тушиши лозим бўлган даромадлар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

*Дотациялар* бу-бюджет тизими бюджетларига уларнинг ўз даромадлари етишмаган тақдирда даромадлар билан харажатлар ўртасидаги фаркни қоплаш учун кайтармаслик шarti билан ажратиладиган пул маблағлари бўлиб, юкори турувчи бюджетдан куйи турувчи бюджетга дотация куйи турувчи бюджет харажатларининг режалаштирилган ҳажми субвенциялар ва ўтказиб бериладиган даромадлар ҳисобга олинган ҳолда мазкур бюджет даромадларининг прогноз қилинган ҳажмидан ошиб кетган тақдирда ажратилади. Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетларига дотация жамғармалар харажатларининг режалаштирилган ҳажми йил бошидаги қолдиқ ҳисобга олинган ҳолда жамғармалар даромадларининг прогноз қилинган ҳажмидан ошиб кетган тақдирда ажратилиши мумкин.

Дотациянинг миқдори эса Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан куйи турувчи бюджетларга ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига ажратилганда — асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджетининг асосий параметрлари тасдиқланаётганда, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан туманлар ва шаҳарларбюджетларига ажратилганда — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан белгиланади.

*Бюджетлараро ўзаро ҳисоб-китоблар* бу-молия йили мобайнида бюджетлар параметрлари ўзгарганда юкори ва куйи турувчи бюджетлар ўртасида юзага келадиган ўзаро пул муносабатларидир.

Бюджетлараро ўзаро ҳисоб-китоблар:

қонун ҳужжатлари қабул қилинганлиги;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадларининг прогнози аниқлаштирилганлиги;

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг бўйсунуви ўзгарганда харажатлар бир бюджетдан бошқа бюджетга ўтказилганлиги;

капитал қўйилмалар лимитлари бюджетлар даражалари ўртасида қайта тақсимланганлиги муносабати билан юзага келади. Бюджетлараро ўзаро ҳисоб-китобларга киритилиши лозим бўлган сумма юқори турувчи молия органи томонидан аниқланади.

*Бюджет ссудаси* бу қайтариш шarti билан юқори турувчи бюджетдан қуйи турувчи бюджетга, шунингдек давлат мақсадли жамғармаларига, резидент-юрoдик шахсга ажратилadиган пул маблағларидир. Бюджет ссудаси бюджет манбаларининг тўлиқ сафарбар қилиниши тегишли бюджетларда назарда тутилган харажатлар қопланишини таъминламаган тақдирда, қайтариш шarti билан ва фоизсиз берилади.

Бюджет ссудаси прогноз қилинган даромадлар ва режалаштирилган харажатлар ўртасидаги режали вақтинчалик касса узилишини қоплаш учун — тўққиз ойгача бўлган муддатга, даромадлар тушумлари ва харажатларни амалга ошириш ўртасида қутилаётган вақтинчалик касса узилишларини қоплаш учун эса олти ойгача бўлган муддатга берилади. Режали бюджет ссудаси даромадларнинг прогноз қилинган тушумлари, назарда тутилган субвенция, ўтказиб берилadиган даромадларнинг суммаси, айланма касса маблағларидан ва йил бошидаги эркин қолдиқлардан вақтинчалик маблағ жалб қилиш, дотация тасдиқланган тегишли бюджетларда назарда тутилган айрим чораклардаги харажатлар қопланишини таъминламаган ҳолларда берилади.

Бюджет ссудаси Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан — Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига, давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети маблағлари ҳисобидан эса туманлар ва шаҳарлар бюджетларига уларнинг даромадлари ҳамда харажатлари ўртасидаги режали ёки қутилаётган вақтинчалик касса узилишини қоплаш учун берилади. Бюджет ссудаларини беришнинг мажбурий шarti улардан белгиланган мақсадда фойдаланиш, шунингдек жорий молия йилимобайнида уларни ўз вақтида қоплашдан иборатдир.

Бюджет ссудасини ажратиш бюджет ссудасини бераётган молия органи ва бюджет ссудасини олувчи молия органи (давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи орган) ўртасида бюджет ссудаси бериш тўғрисидаги шартнома билан расмийлаштирилади. Бюджет ссудасини қайтариш муддатларини узайтириш бюджет ссудасини олувчида уни белгиланган муддатларда ўз вақтида тўлаш имкониятини истисно этадиган молиявий қийинчиликлар юзага келган ҳолларда амалга оширилади.

#### **4.7. Давлат бюджетининг солиқли даромадларини прогнозлаштириш тартиби**

Давлат бюджетини режалаштиришда унинг солиқли даромадларини прогноз қилиш катта аҳамият касб этади. Давлат бюджетининг солиқли даромадларини тўғри ва аниқроқ шаклда прогноз қилишнинг аҳамияти шундаки, унинг ҳажмига мувофиқ равишда бюджет харажатлари режалаштирилади, агар, солиқли даромадлар ноаниқ прогноз қилиниб, унга асосланган ҳолда бюджетдан харажатлар режалаштирилса, ушбу харажатларни молиялаштиришда муаммо келиб чиқади ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг самарасига салбий таъсир қилади.

Давлат бюджетининг солиқли даромадларини прогноз қилишнинг муҳим инструментларидан бири бу унинг ҳуқуқий базаси ҳисобланади. Республикамизда унинг асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, Солиқ кодекси, Давлат солиқ хизмати тўғрисидаги, Давлат статистикаси тўғрисидаги, Бухгалтерия тўғрисидаги Қонуни ҳамда ваколатли органларнинг тегишли меъёрий ҳужжатлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳақида Низом, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисида Низом,

Давлат бюджетининг пул маблағларини режалаштириш ва бошқариш тартиби тўғрисидаги Низом, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига тушумлар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва айирбошлаш тартиби ҳақида Низом, Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифини қўллаш бўйича Йўриқнома, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисидаги Йўриқнома, Давлат бюджетининг ғазна ижроси Қоидалари ва шу каби қонуности меъёрий-ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексининг 7-моддасида бюджет тизими принциплари сифатида бюджет тизими бюджетлари даромадларини прогноз қилиш ва харажатларини режалаштиришнинг амалга оширилиши белгилаб қўйилган бўлиб, бу бюджет жараёнида прогноз қилиш масаласи асосий бўғинлардан эканлигини ифодалайди.

Давлат бюджетининг даромад манбаларини прогноз қилинаётганда улар бюджетнинг даромад манбаларининг гуруҳланиши ҳамда бюджет таснифида даромадлар турларига мувофиқ амалга оширилади. Шу жиҳатдан олганда Ўзбекистон Республикаси Бюджет таснифи Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларидан маблағ олувчи ташкилотларга қўлланилиб, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларини тузиш, қўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро қилиш, шунингдек, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлаш мақсадида фойдаланилади. Бюджет таснифи Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари тузилмасига кирувчи бюджетлар даромадлари ва харажатларини, шунингдек унинг тақчиллигини молиялаштириш манбалари гуруҳланиши бўлиб, Давлат бюджетини тузиш, қўриб чиқиш, қабул қилиш ҳамда ижро этиш мақсадида бюджет маълумотларини тизимга солиш учун

фойдаланилади ва у бюджет маълумотлари халқаро тасниф тизимларининг айнан шундай маълумотлари билан қиёсланишини таъминлайди.

Прогноз жараёнини ташкилий жиҳатларидан бири бу давлатнинг ваколатли органларининг бу борадаги иштирокини аниқлаш ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон қонунчилигида бюджет даромадларини, жумладан солиқли даромадларни прогноз қилишда Молия вазирлигининг роли юқори ҳисобланади. Молия вазирлиги ўз Низомига кўра молия-бюджетни ва солиқни режалаштириш, нарх белгилаш, халқ хўжалиги ва ижтимоий-маданий соҳани маблағ билан таъминлаш соҳасида услубий раҳбарликни амалга оширади. Шунингдек, молия, бюджет, валюта ва солиқни режалаштириш ва маблағ билан таъминлаш усуллари такомиллаштириш, республика йиғма молия балансининг молиявий ресурсларини шакллантиришнинг узоқ муддатли ва қисқа муддатли истиқболни белгилашларини тузиш ишида, шунингдек, умумреспублика мақсадли бюджетдан ташқари пул жамғармаларини шакллантиришда қатнашади, уларни ташкил этиш, фойдаланиш ва миқдорлари тартибинишлаб чиқади, республика ва маҳаллий бюджетларни шакллантиришнинг янги усуллари асосида ҳудудий молия-бюджетни, солиқни режалаштиришни такомиллаштиради<sup>56</sup>. Бундан кўринадики Молия вазирлигининг муҳим вазифалари ва функциялари қаторида солиқларни режалаштириш, молиявий ресурсларни шакллантиришнинг истиқболли даврларга режалари, яъни солиқлар ва бошқа тушумларнинг прогноз кўрсаткичларини аниқлаш кабилар белгилаб қўйилган.

Давлат бюджетининг даромадлари, жумладан, солиқлар ва солиқсиз тўловларни прогноз қилишда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳам қатнашади. Давлат солиқ қўмитаси Ўзбекистон Республикасининг "Давлат солиқ хизмати тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисидаги Низомга кўра ўз ваколатлари доирасида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига, давлат мақсадли жамғармаларига ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тушиши прогнозини ишлаб чиқишда, солиққа оид қонун ҳужжатларини, шу жумладан табиий ресурслардан эҳтиётлаб ва самарали фойдаланишни рағбатлантиришга йўналтирилган қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни унификация қилиш, солиқ юкини қисқартириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва эркинлаштириш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини рағбатлантириш, уларга зарур имтиёзлар ва преференциялар бериш бўйича таклифлар тайёрлашда қатнашади, солиқ тўловчилар, солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ солиш билан боғлиқ бўлган объектларнинг тўлиқ ва ўз вақтида ҳисобга олиншини таъминлаш, уларни тўлиқ қамраш ва ҳисобга олиш механизмларини такомиллаштиради, солиқ органлари ахборот ресурс маълумотларининг ягона

<sup>56</sup>Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳақида НИЗОМ.

интеграциялаштирилган базасида солиқ тўловчилар бўйича солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисоблаб чиқиши ва амалдаги тушумлари ҳисобини юритади ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар ҳисобини юритади ва солиқ солиш базасини кенгайтириш ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чоратadbirlarини рўёбга чиқариш<sup>57</sup> каби вазифаларни бажаришлиги белгиланганки, бу вазифалар асосан давлат бюджетига солиқ тушумларини прогноз қилиш жараёнини амалга оширишга қаратилгандир.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида солиқларни прогноз қилиш жараёнида ўз ваколатлари ва мажбуриятлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика Қўмитаси миллий иқтисодиётнинг ривожланишининг умумий тенденцияларига ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳолати ва молиявий кўрсаткичларига оид, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Божхона қўмитаси импорт-экспорт операциялари бўйича маълумотларига оид, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва Давлат кадастри давлат қўмитаси ер, сув ресурсларининг ҳолати ва уларнинг таркибий тузилиши(ягона ер солиғи ва ер солиғи юзасидан) бўйича маълумотларни, Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслар Давлат қўмитаси ер ости бойликларига оид маълумотларни(ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ прогнози учун) ва шу каби вазирлик, қўмита, концерн ва агентликлар тегишли маълумотлар ва ахборотларни тақдим қилади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги эса бюджет даромадларини прогноз қилиш жараёнига услубий раҳбарлик қилишда ўз ваколатлари доирасида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бюджетлар лойиҳаларини тузиш юзасидан ҳамда солиқларнинг бюджетга келиб тушишини прогноз қилиш бўйича зарурий ахборот ва маълумотларни олиш ҳуқуқига эга.

Давлат бюджетининг солиқли даромадларини прогноз қилиниш жараёнида куйидаги босқичларда амалга оширилади:

**Биринчи босқич.** Бунда Молия вазирлиги ва унинг органлари томонидан республика, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетни, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари ҳамда туман (шаҳар) маҳаллий бюджетлари бўйича прогноз кўрсаткичлари аниқланади. Республика бюджетни бўйича қўйилган даромадлар ҳажми бюджет таснифида белгиланган даромад турларининг тегишли кодлари бўйича туман(шаҳар) Ҳазначилиги бўлинмалари(давлат солиқ хизмати органларидан олган маълумотларга асосан) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан олинган маълумотлар базасида аниқланади. Яъни, тегишли туман(шаҳар) давлат солиқ инспекцияси томонидан аниқланган тушумлар

<sup>57</sup>Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 майдаги 98- сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисида НИЗОМ.

бўйича прогноз кўрсаткичлари "\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ оyi учун республика

бюджетига кутилаётган даромадлар тушуми тўғрисидаги тезкор маълумот" да акс эттирилиб тегишли поғонадаги Ғазначилик бўлинмаларига ҳар ойнинг 3 санасига қадар тақдим қилинади. Давлат божхона қўмитаси ҳам худди шу тартиб ва шаклда маълумотларни тақдим қилинади(5-жадвал)

5-жадвал.

20\_\_ йил \_\_\_\_\_ оyi учун туман (шаҳар) бўйича Давлат бюджетига кутилаётган даромадлар тушуми тўғрисидаги  
**ТЕЗКОР МАЪЛУМОТ**

(Млн. сўмда)

№	Бўлим	Боб	Даромадлар номи**	Суммаси
1.				
2.				
3.				
....				
			<b>ЖАМИ ДАРОМАДЛАР</b>	

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари бўйича даромадлар прогнози эса Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва

Тошкент шаҳар бўйича Ғазначилик бошқармалари билан биргаликда уларнинг ўзларидаги мавжуд маълумотлар ҳамда туман(шаҳар) давлат солиқ инспекциялари томонидан Ғазначилик бўлинмаларига тақдим қилинган бюджет таснифида белгиланган даромадлар турлари кесимида "20 йил \_\_\_\_\_ оyi учун туман (шаҳар) бўйича Давлат бюджетига кутилаётган даромадлар тушуми тўғрисидаги тезкор маълумот" асосида ҳар икки ойда бир марта аниқланади(6-жадвал).

6-жадвал.

20\_\_ йил \_\_\_\_\_ оyi учун республика бюджетига кутилаётган даромадлар тушуми тўғрисидаги  
**ТЕЗКОР МАЪЛУМОТ\***

(Млн. сўмда)

№	Бўлим	Параграф	Даромад тури	Даромадлар номи**	Суммаси
1.					
2.					
...					
				<b>ЖАМИ ДАРОМАДЛАР</b>	

Туман (шаҳар) маҳаллий бюджетлари миқёсида ҳам прогноз

кўрсаткичлари юқоридаги тартиб асосида, яъни худудий молия органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг туман (шаҳар) бўлинмалари билан биргаликда уларнинг ҳамкорликдаги тайёрлайдиган "\_\_\_ вилояти (туман (шаҳар)) бюджетига 20\_\_ йил\_ оyi учун даромадлар тушуми прогнози" маълумотлари асосида ҳамда жойлардаги тегишли давлат солиқ хизмат органлари томонидан олинadиган "20\_\_ йил\_ оyi учун туман (шаҳар) бўйича Давлат бюджетига кутилаётган даромадлар тушуми тўғрисидаги тезкор маълумот" га асосан аниқланади.

7-жадвал.

\_\_\_ вилояти (туман (шаҳар)) бюджетига  
20\_\_ йил \_\_\_\_\_ оyi учун даромадлар тушуми  
**ПРОГНОЗИ**

(Млн. сўмда)

№	Бўлим	Параграф	Даромад тури	Даромадлар номи*	Суммаси
1.					
2.					
3.					
....					
				<b>ЖАМИ ДАРОМАДЛАР</b>	

Албатта бу жараёнда бюджетга кутилаётган тушумларнинг прогноз

оyi учун умумий суммаларининг ҳисоб-китобида туман (шаҳар) солиқ инспекцияси ва тегишли Ғазначилик бўлинмалари прогноз даврида тушмай қолиши мумкин бўлган бир марталик (доимий бўлмаган) тушумларни эътиборга олиши зарур бўлади. Бундай тушумлар жумласига фермер хўжалиқларига Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган кишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси тизими бўйича йўналтириладиган мақсадли транш маблағлар; Ўзбекистон Республикаси Ташкилотлари алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг ташки савдо компанияларидан «Ўзпахтасаноат» уюшмаси корхоналарига тушадиган маблағлар; «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси корхоналари валюта тушумининг қисман сотувидан тушадиган маблағлар; бюджет ташкилотларининг товар (иш, хизмат)лар етказиб берувчилар олдидаги кредитор қарздорликни тўлаш учун тушадиган марказлашган маблағлар; бир марталик тусга эга бошқа турдаги тушумлар кирадик, бу турдаги даромадлар аниқланса, уҳолда туман (шаҳар) солиқ инспекцияси кутилаётган тушумларда инobatга олинмаган, бир марталик тусга эга тушумлар тушганда, туман (шаҳар) Ғазначилик бўлинмаларига илгари тақдим қилинган, кутилаётган тушумлар тўғрисидаги маълумотларга ўзгартириш киритиши мумкин.

Иккинчи босқич: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги йили 15

апрелга қадар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси,  
Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва бошқа  
вазирликлар, давлат

қўмиталари ҳамда идоралардан Давлат бюджети лойиҳасининг даромад қисми бўйича таклифлар сўрайди.


*Учинчи босқич:* Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идоралар Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари даромадларининг прогнози бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ва давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органларга — жорий йилнинг 15 июнигача тақдим этади.

*Тўртинчи босқич:* Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар бюджет сўрови билан бир вақтда тегишли бюджетлар ва давлат мақсадли жамғармалари даромадларининг келгуси давр учун прогнозларини тақдим этади.

*Бешинчи босқич:* Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идораларнинг Давлат бюджети лойиҳасининг даромад қисми бўйича таклифларини кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

*Олтинчи босқич:* Туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг лойиҳалари туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг молия бўлимлари томонидан:

даромадлар бўйича — Давлат бюджетига киритиладиган даромадлар прогнозига доир таклифлар ҳамда давлат солиқ инспекциялари, ҳокимликларнинг бўлимлари ва давлат бошқаруви органларининг бошқа туман ҳамда шаҳар бўлинмалари томонидан маъмурий-ҳудудий бирлик иктисодиётини ривожлантиришнинг макроиктисодий кўрсаткичлари прогнозига мувофиқ тақдим этиладиган ахборот асосида, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг лойиҳалари Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари томонидан: даромадлар бўйича — Давлат бюджетига киритиладиган даромадлар прогнозига доир таклифлар ҳамда давлат солиқ бошқармалари ва ҳокимликларнинг бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат бошқаруви органларининг бўлинмалари томонидан маъмурий-ҳудудий бирлик иктисодиётини ривожлантиришнинг макроиктисодий кўрсаткичлари прогнозига мувофиқ тақдим этиладиган ахборот асосида амалга оширилади.



*Еттинчи босқич:* Агар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари ва давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар тегишли бюджетлар ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромадлари ҳамда харажатларининг прогнозлари асоссиз равишда пасайтирилган ёки оширилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига бюджет сўровлари олинганидан кейин ўн иш куни ичида ёзма билдириш тақдим қилади.

Шунингдек, Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасига, Худудий молия органлари эса тегишли маъмурий-худудий бирликларга Давлат бюджети даромадлари прогнозини ҳар чорақда етказилади. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳаси ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва молия йили учун мўлжалланган макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози асосида тузилади.

Давлат бюджетига солиқ тушумларини прогноз қилишнинг охириги босқичида Молия вазирлиги томонидан таҳлилий ишлар амалга оширилиб, бюджет ташкилоти, бюджет маблағлари олувчи ва бюджет маблағларини тақсимловчилардан тақдим қилинган ўтган йилда эришилган натижалар ва жорий йилда кутилаётган натижалар тўғрисидаги таҳлилий ҳисобот маълумотларидаги ҳолатни эътиборга олинган ҳолда миллий иқтисодиётнинг ривожлантиришнинг прогноз кўрсаткичлари билан таққосланади ва бюджетномага киритиш учун энг сўнги вариант тайёрланади.

#### **Таянч сўз ва иборалар:**

*Бюджет, давлат бюджети, бюджет тақчиллиги, бюджет профицити, бюджет жараёни, субвенция, дотация, есуда, бюджет тақчиллиги, бюджетлараро муносабатлар, бюджет даромадлари, бюджет харажатлари, бюджет таснифи, бюджет тизими бюджетлари, бюджет тизими принциплари, бюджетни прогноллаштириш, бюджетнома.*

#### **Назорат учун савол ва топшириқлар:**

1. Бюджетнинг луғавий ва иқтисодий маъносини тушунтириб беринг.
2. Бюджет тизимининг принципларини санаб беринг ва уларни қисқча изоҳланг.
3. Бюджет жараёни нима? У қанақа босқичлардан иборат?
4. Давлат бюджети даромадларига нималар қиради?
5. Давлат бюджети харажатлари таркиби ва унинг асосий йўналишларини изоҳлаб беринг.
6. Бюджетлараро муносабатлар деганда нима тушунилади?
7. Бюджетлараро муносабатларни мувофиқлаштириш қандай амалга оширилади?
8. Давлат бюджети маблағларидан мақсадли ва манзилли сарфланиш

9. Давлат бюджети тақчиллиги ва профицитининг иқтисодий моҳияти нималардан иборат?
10. Бюджетнома нима? У қандай тузилади ва амалга оширилади? Молиявий режалаштириш ва прогноллаштиришни амалга ошириш тартибларини қисқача изоҳланг.
11. Давлат бюджети тизимида есуда, субвенция, дотациялар қандай тартибда берилади?
12. Давлат бюджетининг солиқли даромадларини прогноллаштиришда давлат ваколатли органларнинг фаолиятини изоҳлаб беринг.

жараёни қандай тартибда молиявий назорат қилинади?



## 5- БОБ. ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ

### 5.1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси


Давлат молиявий фаолиятида давлат бюджети асосий ролни ўйнаши табиий, шу билан биргаликда миллий даромадни тақсимлаш жараёнида бюджетдан ташқари фондларни ҳам ташкил қилиш ва унинг маблағларидан мақсадли фойдаланишга ҳаракат қилади. Албатта ҳар бир давлатнинг бюджетдан ташқари фондлари давлатнинг иқтисодий(молиявий) сиёсатига боғлиқ бўлади. Бюджетдан ташқари марказлаштирилган пул фондларининг муҳим хусусияти ва Давлат бюджетидан фарқи шундаки, ушбу фондлар биринчидан мақсадли бўлади, яъни, маблағларни ундириш ва уни сарфлаш кўпинча фонднинг номи ва мазмунидан келиб чиқиб, аниқ мақсадларга сарфланади, иккинчидан уларнинг манбалари солиқлар эмас(баъзи ҳолларни истисно қилганда масалан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси) асосан солиқсиз тўловлар ва йиғимлар, миллий бойлиқни реализация қилишдан олинган даромадлар ташкил қилади, учинчидан, ушбу фондлар асосан социал муаммолар(масалалар) ҳамда инвестицион характерга эга бўлади. Учунчидан ушбу фондлар вақтинчалик характерга эга бўлиши мумкин, давлатнинг молиявий сиёсатидан келиб чиқиб, уларнинг сонини кўпайтириш, қисқартириш ёки уларни унификациялаш ҳамда уларнинг молиявий манбаларини бирлаштириш мумкин, аммо, ҳозирги цивилизациянинг даражасида давлатнинг фаолиятини Давлат бюджетисиз тасаввур қилиб бўлмайди (эсланг: бюджет юзага келмасдан ҳам олдин давлатнинг молиявий фаолияти таъминланган, аммо, у вақтдаги иқтисодий ва молиявий муносабатлар ҳамда давлатни бошқариш шакллари шунга мувофиқ бўлган). Бюджетдан ташқари фондларни моҳияти, тузилиши ва бошқарилишига кўра уч хил тоифаларга бўлиш мумкин:

- консолидацияланган бюджет таркибига кирувчи фондлар;
- тармоқ хусусиятга эга бўлиб, тегишли вазирлик, кўмита ва концернларга бириктирилган фондлар;
- илмий, маданий, экологик ва бошқа шу каби ижтимоий масалаларни камраб оладиган ижтимоий йўналишдаги фондлар.

Республикамиз молия тизимида консолидацияланган бюджет таркибига кирувчи жамғармалар таркибига кирувчи ҳамда катта социал аҳамиятга эга бўлган ва тарихий мақсадли жамғармалардан бири бу *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси*дир. Ушбу жамғарма фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти, ижтимоий нафақалар тўлаш, компенсация тўловлари ва бошқа тўловлар бўйича харажатларни молиялаштиришга йўналтириладиган мажбурий тўловлар, бадаллар, шунингдек бошқа манбалардан тушадиган маблағларни жамлайди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация

тўловларини ва бошқа тўловларни тайинлашни, молиялаштиришни, ҳисобга олишни ва уларнинг тўланиши мониторингини олиб боришни, ушбу мақсадларга йўналтириладиган мақсадли молиявий ресурсларни жамлашни, шунингдек тиббий-меҳнат экспертизаси хизматлари фаолиятини ташкил этишни амалга ошириш бўйича асосий вазифалари, функциялари ва ваколатларига эга бўлиб, унинг юқори бошқарув органи Жамғарманинг Кузатув кенгаши ҳисобланади. Жамғарма идоравий жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига қарашли ҳамда ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — Молия вазирига, Жамғарманинг Кузатув кенгаши раисига ҳисоб беради.



17-расм.Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг таркибий тузилиши.

*Қуйидагилар Жамғарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:*

- ✓ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фуқароларнинг давлат пенсия таъминотини ташкил этиш, фуқароларга пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация тўловлари ва бошқа тўловларни тайинлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларининг қайта ҳисоблаб чиқилишини таъминлаш;
- ✓ пенсиялар ва бошқа тўловларни тўлиқ ҳажмда молиялаштириш ва тўланишини ташкил этиш, улар бўйича ҳисоб ва ҳисоботни юритиш;
- ✓ тизимли асосда пенсиялар тайинлаш ва уларни қайта ҳисоблашнинг доимий таҳлилини ўтказиш ва мониторингини олиб бориш, фуқароларнинг пенсия таъминотига йўналтириладиган маблағлардан қатъий мақсадли фойдаланилишини таъминлаш;
- ✓ меҳнатда майиб бўлганлик ёки касб касаллиги оқибатидаги ногиронлик туфайли тайинланган пенсияларга тўланган маблағларни даъволар бўйича айбдор юридик ва жисмоний шахслардан белгиланган тартибда ундириб олишни ташкил этиш;

- ✓ «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (12-моддаси «б»-«ж»-бандларига) мувофиқ тайинланган имтиёзли пенсияларни тўлашга харажатларни қоплаш учун маблағларни юридик шахслардан белгиланган тартибда ундириб олишни ташкил этиш;
- ✓ тиббий-меҳнат экспертизаси хизматлари фаолиятини ташкил этиш.

Жамғарма ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ куйидаги функцияларни амалга оширади:

*а) Жамғарманинг даромадлари бўйича:*

Жамғарма маблағлари бўйича мажбурий тўловлар, бадаллардан маблағларни ҳамда бошқа тўловларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилигидаги (кейинги ўринларда Ғазначилик деб юритилади) ҳисоб рақамига жамлайди ҳамда пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация ва бошқа тўловларга харажатларни молиялаштиришни таъминлайди;

ҳар йили манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Жамғарма даромадлари тушумлар прогнозини ишлаб чиқади;

давлат ижтимоий суғуртаси тизимининг барқарорлигини таъминлаш ва уни янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш мақсадида Жамғарма даромадлари ва харажатларининг ўртача ва узок муддатли прогнозларини тайёрлайди;

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига (15-моддасига) мувофиқ меҳнатда майиб бўлганлик ёки касб касаллиги оқибатидаги ногиронлик туфайли тайинланган пенсияларга тўланган маблағларни айбдор юридик ва жисмоний шахслардан регресс даъволар бўйича белгиланган тартибда ундириб олади;

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига (12-моддаси «б» — «ж»-бандларига) мувофиқ тайинланган имтиёзли пенсияларни тўлашга сарфланган маблағларни юридик шахслардан регресс даъволар бўйича белгиланган тартибда ундириб олади;

бадаллар ва бошқа тўловлар тушиши ҳисобини олиб боради, шунингдек юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларнинг ҳамда деҳқон хўжаликлари аъзоларининг меҳнат дафтарчаларини белгиланган тартибда юритади ва сақлайди;

*б) пенсиялар ва ижтимоий нафақаларни тайинлаш ҳамда қайта ҳисоблаб чиқиш бўйича:*

пенсиялар ва ижтимоий нафақаларни тайинлаш ва қайта ҳисоблаб чиқиш учун зарур бўлган тақдимномалар, аризалар ва бошқа ҳужжатларни қабул қилади, уларни қонун ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштиради;

пенсиялар ва ижтимоий нафақаларни тайинлаш учун юридик шахслар ва фуқаролар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни белгиланган тартибда тайёрлайди, кўриб чиқади ва текширади;

Жамғарманинг туман (шаҳар) бўлимларида пенсиялар тайинлаш бўйича комиссиялар фаолиятини ташкил этади;

зарур тарзда расмийлаштирган ҳужжатларга мувофиқ ва пенсиялар тайинлаш бўйича комиссиялар қарорлари асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пенсияларни тайинлайди ва уларни қайта ҳисоблаб чиқади;

пенсияларнинг пенсия ишларини ва ижтимоий нафақа олувчи шахсларнинг ишларини, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатларни расмийлаштиради, пенсионерларга пенсия гувоҳномалари беради;

пенсиялар ва ижтимоий нафақалар тайинлаш учун ҳужжатларни расмийлаштиришнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилади;

ташкilotлар, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликлари аъзолари томонидан тақдим этилган пенсиялар, Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар олиш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларнинг ишончилигини текширади;

*в) пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация ва бошқа тўловларга харажатларни амалга ошириш бўйича:*

пенсиялар ва ижтимоий нафақаларни ҳисоблаб чиқиш бўйича операцияларни амалга оширади, ишламайдиган пенсионерларга алоқа ташкilotлари ва банклар орқали, ишлайдиган пенсионерларга эса — ташкilotлар орқали пенсиялар ва ижтимоий нафақалар тўлаш юзасидан топшириқларни расмийлаштиради ва беради;

алоқа ташкilotлари, банклар томонидан пенсиялар ва ижтимоий нафақаларнинг ўз вақтида ва тўғри етказиб берилиши ҳамда тўланиши юзасидан доимий мониторинг ва назоратни амалга оширади;

юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларга, шунингдек деҳқон хўжаликлари аъзоларига — улар томонидан ижтимоий суғурта бўйича бадаллар тўланган тақдирда, чақалоқ туғилганда бериладиган нафақалар ҳамда дафн маросими нафақаларини ҳисоблайди ва тўлайди;

ташкilotларнинг ишлайдиган пенсионерларга пенсиялар, 16 ёшгача бўлган ногирон боланинг ота-оналаридан бирига (васийга, ҳомийга) бир ойда кўшимча дам олиш кунини учун тўлов, Чернобиль ҳалокати оқибатида зарар кўрган фуқароларга компенсация тўловларини ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловларга харажатларини молиялаштиради;

*г) фуқароларнинг пенсия таъминоти билан боғлиқ бошқа масалалар бўйича:*

оммавий ахборот воситалари ёрдамида республика аҳолисини фуқароларнинг пенсия таъминоти масалалари бўйича хабардор қилади;

белгиланган тартибда тайинланган шахсий пенсиялар тўланишини ташкил этади;

имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатларини қўллаш масалалари бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади, имтиёзли пенсияларни такомиллаштириш ва тартибга солиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқишини ташкил этади;

жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда кўриб чиқади, жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилади;

«Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти ва Ўзбекистон Республикаси Халқ банкнинг бўлинмаларида пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация тўловлари ҳамда бошқа тўловларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши мониторингини олиб боради ва текширади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда қатнашади, фуқароларнинг пенсия таъминоти масалалари бўйича замонавий назарий ишланмаларни ва хорижий тажрибани ўрганади;

Жамғарманинг маблағларини олувчилар, пенсиялар ҳамда Давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги ахборотни ишлаб чиқишда қатнашади ва автоматлаштирилган тизимда қайта ишлашни жорий этади;

пенсия таъминоти масалалари бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади ва шу қабилир.

*Бюджетдан ташқари Пенсия жамғарма даромадларини шакллантириш манбалари ва тартиби*

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғарма даромадларини шакллантириш манбаларини икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳ даромадлари асосий манба ҳисобланиб, улар қуйидаги мажбурий тўловлар ва бадаллар ҳисобидан шаклланади<sup>58</sup>:

1. Белгиланган миқдорлардаги ягона ижтимоий тўлов тушумлари.
2. Алоҳида юридик шахсларнинг ижтимоий сугурта бадаллари.
3. Фуқароларнинг сугурта бадаллари.
4. Жисмоний шахслар айрим тоифаларининг сугурта бадаллари.
5. Мажбурий ажратмалар.

Иккинчи гуруҳ даромадларига эса бошқа тўловлар киради. Ушбу гуруҳ даромад манбаларига эса қуйидагилардан иборат:

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига(15-моддасига) мувофиқ тайинланган меҳнатда майиб бўлганлик ёки касб касаллиги оқибатида ногирон бўлганларга пенсиялар тўлаш харажатларини қоплаш учун регрессив талаблар (даъволар) бўйича иш берувчилар ва фуқаролардан ундириладиган маблағларнинг 85 фоизи;

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига(14-моддасига)мувофиқ муддатидан олдин

<sup>58</sup> Қаранг: Ушбу даромад манбаларини ҳисоблаш ва жамғармага ўтказиш тартиблари дарсликнинг солиқларга оид қисмида батафсил ёритилган.

тайинланган ёшга доир пенсияларни тўлаш харажатларини қоплаш учун ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари;

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига(12-моддасига) мувофиқ тайинланган имтиёзли пенсияларни тўлаш харажатларини қоплаш ҳисобига ўтказиладиган юридик шахслар маблағлари;

деҳқон хўжаликлари аъзоларининг ихтиёрий тартибда тўланадиган сугурта бадаллари;

ҳисобланган жарималар суммасининг бир қисми ҳамда мажбурий тўловлар, бадаллар ва бошқа тўловлар ўз вақтида тўланмаганлиги учун пенялар (қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат солиқ хизмати органларини ижтимоий ривожлантириш ва моддий-техник таъминлаш махсус жамғармасига ҳамда Жамғарма ходимларини ижтимоий ривожлантириш ва моддий рағбатлантириш жамғармасига ундириладиган суммалардан ташқари);

юридик шахс тугатилганда, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкати), фермер ва деҳқон хўжалиги қайта ташкил этилганда ёки тугатилганда меҳнат вазибаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда майиб бўлган, касб касаллигига чалинган ёки соғлиғига бошқача шикаст етказилган ходимга етказилган зарарни қоплаш учун тўланадиган суммалар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар, шу жумладан Давлат бюджети маблағлари ва ихтиёрий бадаллар.

Ушбу мажбурий тўловлар, бадаллар ва бошқа тўловларни ўтказиш Жамғарма даромадларининг белгиланган таснифларига мувофиқ тушумларнинг ҳар бир тури бўйича Жамғарманинг банклардаги тегишли ҳисоб рақамлари бўйича амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва давлат солиқ хизматининг ҳудудий органлари эса манбалар турлари бўйича Жамғармага мажбурий тўловлар, бадаллар ва бошқа тўловларнинг тўғри ҳисобланиши, тўлиқлиги ва ўз вақтида тўланиши назорат қилинишини, манбалар турлари ва тўловчилар бўйича Жамғармага мажбурий тўловлар, бадаллар ва бошқа тўловлар ҳисоби юритилишини, юридик ва жисмоний шахслар томонидан Жамғармага мажбурий тўловлар, бадаллар ва бошқа тўловлар тўғри ҳисобланишини, шунингдек Жамғарма билан ўзаро ҳисоб-китобларнинг ҳолати текширилишини, қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий тўловлар, бадаллар ва бошқа тўловларни ҳисоблаш тартиби ва тўлаш муддатлари бузилганлиги учун юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан молиявий ва маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилишини, бадалларнинг шахслар бўйича ҳисобини амалга ошириш ва меҳнат дафтарчаларини юритиш учун ҳар чоракда Жамғармага юридик шахс бўлмадан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган шахслар ва деҳқон хўжаликлари аъзолари томонидан тўланган бадалларнинг миқдорлари тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тушган мажбурий тўловлар, бадаллар ва тўловлар тўғрисидаги, Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармага мажбурий ажратмалар, бадаллар ва бошқа тўловлар турлари бўйича қарзлар тўғрисидаги тезкор ҳисоботни ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-кунигача, мажбурий тўловлар, бадаллар ва бошқа тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш тўғрисидаги ҳисоботни юридик шахслар томонидан чорақлик ва йиллик ҳисобот тақдим этилгандан кейин 15 кун мобайнида Жамғарманинг ижро этувчи аппарати тақдим этиб боради.

*Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг харажатлари йўналишлари*  
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг маблағлари асосан ишлайдиган ва ишламайдиган фуқароларга харажатлар тарикасида амалга оширилади.

*ишлайдиган фуқароларга:*

давлат пенсияларининг барча турлари;  
дафн маросими учун нафақалар;  
давлат пенсия таъминотида ҳуқуқи бўлмаган кекса ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар;  
конун ҳужжатларига мувофиқ Жамғарма маблағларидан молиялаштириладиган компенсация тўловлари ва бошқа тўловларни тўлаш учун ишлатилади.

*ишлайдиган фуқароларга:*

давлат пенсияларининг барча турлари;  
дафн маросими учун нафақалар;  
16 ёшгача бўлган ногирон боланинг ота-оналаридан бирига (васийга, ҳомийга) бир ойда қўшимча дам олиш куни учун тўловлар;  
конун ҳужжатларига мувофиқ Жамғарма маблағларидан молиялаштириладиган компенсация тўловлари ва бошқа тўловлар учун сарфланади.

Ишлайдиган ва ишлайдиган фуқароларга пенсиялар, ижтимоий нафақалар ва компенсация тўловлари ва бошқа тўловларни молиялаштириш учун Жамғарманинг ҳудудий бўлинмалари томонидан Ҳазначиликнинг бўлинмаларида ҳисоб рақамлари очилади. Жамғарманинг ҳудудий бошқармалари тўлов тўланадиган ҳар бир ойнинг 15-кунигача ишлайдиган ва ишлайдиган фуқароларга пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация тўловлари ва бошқа тўловлар тўлаш учун маблағларга бўлган эҳтиёж ҳажмини белгилайди ҳамда Жамғарманинг ижро этувчи аппарати буюртманом тақдим этади. Жамғарманинг ижро этувчи аппарати Жамғарма харажатларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда:

жорий тўлов ойнинг 15-кунигача — ўтган ойнинг эҳтиёжи ҳисоб-китобидан келиб чиқиб 50 фоиз миқдоридagi суммани;

жорий тўлов ойнинг 27-кунигача — амалдаги эҳтиёжнинг тақдим этилган миқдоридан қолган суммани молиялаштиради. Жамғарманинг туман (шаҳар) бўлимлари пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация ва бошқа

тўловлар учун маблағларни алоқа ташкилотлари ва банкларнинг ҳисоб рақамларига ўтказилади.

## 5.2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мақсади жамғармалари орасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси маблағлар ҳажми, иқтисодиётда тутган ўрни жиҳатдан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан кейинги энг йирик марказлаштирилган пул фондларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси мажбурий тўловлардан ва бошқа манбалардан тушадиган маблағларни жамлайди, кейинчалик улардан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш ва такомиллаштириш дастурларини (лойиҳаларини) ҳамда уларнинг лозим даражадаги техник ҳолати ва ўтказиш қобилиятига эришишга қаратилган тадбирларни молиялаштириш учун фойдаланилади. Республика йўл жамғармаси дастлаб умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари лойиҳалаш, қуриш, қайта қуриш, тузатиш, сақлашни маблағ билан таъминлаш, шунингдек, республика йўл тармоқларининг самарали ишлаш таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 5 июлдаги 334-сонли "Республика йўл жамғармасини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига асосан «Ўзавтойўл» концерни таркибда мустақил молия-кредит давлат муассасаси — Республика йўл жамғармаси, автомобиль йўллари ҳудудий давлат-акционерлик бирлашмалари ва туман бошқармаларида эса — тегишли равишда вилоят ва маҳаллий йўл жамғармалари ташкил этилган. Кейинчалик (2003 йилдан бошлаб) эса ушбу жамғарма Молия вазирлиги тасарруфига ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасининг юқори бошқарув органи Жамғарма кенгаши ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланишни бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 19 августдаги ПФ-3292-сон Фармони билан қайта ташкил этилган бўлиб, умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қуриш, таъмирлаш ва сақлаш учун мақсади молиявий ресурсларни жамловчи давлат органи ҳисобланади. Республика йўл жамғарма маблағлари умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қуриш, таъмирлаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш учун, Жамғарма Ижро этувчи дирекцияси таъминоти учун, шунингдек «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компаниясининг ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги йўл-қуриш ҳудудий шўба ташкилотлари томонидан буюртмачи функцияларини бажариши юзасидан харажатларини қоплаш учун сарфланади.

*Республика йўл жамғармасининг мақсади, асосий вазифалари ва функциялари*

Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш дастурларини ҳамда уларнинг зарур даражадаги техник ҳолатига ва автомобилларни ўтказиш имкониятларига эришишга йўналтирилган тадбирларни молиялаштириш учун маблағларни жамлаш Жамғарманинг мақсади ҳисобланади.

Куйидагилар Жамғарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Республика йўл жамғармаси маблағлари тушиши ва сарфланишининг ҳар йиллик ва чораклик балансларини шакллантириш;

инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асослашларини ҳамда умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича тендер ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш;

йўл ҳўжалиги объектларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлашнинг аниқ рўйхатларини белгиланган тартибда келишиш;

умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларида фойдаланиш ва уларни сақлаш бўйича харажатлар сметаларини рўйхатдан ўтказиш;

умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлашни тасдиқланган харажатларга мувофиқ молиялаштириш, Жамғарма маблағларидан фойдаланишнинг қонунийлиги ва мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш.

Юқланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда жамғарма куйидаги функцияларни бажаради:

Республика йўл жамғармаси даромадлари ва харажатларининг ҳар йиллик балансларини ишлаб чиқади ва йиғма Давлат бюджети лойиҳасига киритиш учун белгиланган муддатларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этади;

Жамғарма келгуси йил харажатларининг тасдиқланган параметрларини «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компаниясига, даромадларининг йил чораклари бўйича тақсимланган параметрларини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига ва Давлат божхона қўмитасига етказиш;

Жамғарма даромадларининг тушум манбалари ва республика минтақалари бўйича, шунингдек харажатларининг асосий йўналишлари бўйича ҳисобини олиб боради;

Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда Жамғармага тўловлар ўз вақтида ва тўлиқ тушишини таъминлашишларини олиб боради;

даромадлар тушиши прогнози бажарилишини таҳлил қилади, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда даромадлар тушиши прогнози бажарилишига салбий таъсир кўрсатган омилларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўради;

«Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси томонидан тақдим этиладиган инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асослашларини ҳамда умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича тендер ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш ва шу қабилар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасининг даромадлар манбалари куйидагилар ҳисобланади:

Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар;

Республика йўл жамғармасига йиғимлар;

вақтинчалик бўш турган маблағларни жойлаштиришдан олинган даромадлар;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилади.

*Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар* деганда куйидагилар тушунилади<sup>59</sup>:

коммунал ҳўжалик тизимининг иссиқлик, сув ва газ таъминоти корхоналари учун — маҳсулотларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қўшилган қиймат солиғи ва тегишинча иссиқлик таъминоти корхоналари учун иссиқлик қувватининг, сув таъминоти корхоналари учун сувнинг, газ таъминоти корхоналари учун табиий газнинг харид қиймати чегириб ташланган ҳолда реализация қилинган ҳажми;

қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари учун — ўз кучлари билан бажарилган, тегишинча қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ишларининг қўшилган қиймат солиғи чегириб ташланган ҳолдаги қиймати. Бунда, агар юқорида қайд этилган ишларни материаллар билан таъминлаш мажбурияти шартномага биноан буюртмачининг зиммасида бўлса, ушбу материалларга бўлган мулк ҳуқуқи буюртмачининг ўзида сақланиб қолган тақдирда, ўз кучлари билан бажарилган ишларни реализация қилишдан олинмайдиган тушум бажарилган ҳамда тасдиқланган ишларнинг буюртмачи материалларининг қиймати киритилмаган ҳолдаги қиймати сифатида белгиланади;

воситачилик хизматлари кўрсатувчи, шу жумладан товарларни сотиш бўйича, воситачилик ва топшириқ шартномаси бўйича ҳамда воситачилик хизматлари кўрсатишга оид бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар учун — кўрсатилган хизматлар учун қўшилган қиймат солиғи чегириб ташланган ҳолдаги мукофот суммаси;

савдо фаолиятини амалга оширадиган юридик шахслар учун — товар обороти;

<sup>59</sup> Қаранг: Ушбу даромад манбаларини ҳисоблаш ва жамғармага ўтказиш тартиблари дарсликнинг солиқларга оид қисмида батафсил ёритилган.

асосий фаолияти мол-мулкни лизингга беришдан иборат бўлган юридик шахслар учун — молиявий ижара (лизинг) бўйича фойзли даромад суммаси.

Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар корхоналар ва ташкилотлар(солиқ тўловчилар) солинадиган базадан ва тасдиқланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳар ойда ҳисоблаб чиқарилади. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 2270-сонли Қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар ставкалари 1,4 фойз қилиб белгиланган.

Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўловчи бўлган микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан — ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай, микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига қирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан — ҳар ойда, кейинги ойнинг 25-қунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай тўлайдилар.

#### *Республика йўл жамғармасига йиғимлар*

Республика йўл жамғармасига йиғимлар сифатидаги даромадлар таркиби эса қуйидагилардан ташкил топади:

автотранспорт воситаларини олиш ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кириш;

чет давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши ва унинг ҳудуди орқали транзит тарзида ўтиш.

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси харажатлари қуйидаги мақсадларда сарфланади:*

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, сақлаш, шу жумладан жиҳозлаш (технологик асбоб-ускуналар, техника ва машина-механизмлар олиш);

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари соҳасидаги махсус ваколатли орган, унинг ҳудудий йўл-эксплуатация ташкилотлари бошқарув аппарати ходимларининг ҳамда муҳандис-техник ходимларининг ва Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси ходимларининг малакасини ошириш;

Жамғарманинг ижро этувчи дирекциясини, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари соҳасидаги махсус ваколатли органнинг ижро этувчи девонини ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий йўл-эксплуатация ташкилотларини сақлаб туриш ва белгиланган тартибда аниқланадиган бошқа харажатлар учун фойдаланилади. Масалан, 2015 йилнинг йилнинг 6 мартдаги Ўзбекистон Президентининг “2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури тўғрисида”ги қарори

асосида 2015-2019 йилларда “Ўзбек миллий автомагистрالي” таркибига кирувчи автомобил йўллари қисмлари ва умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда йўл ташкилотларининг ишлаб чиқариш базаларини техник ривожлантириш чора-тадбирларининг манзилли рўйхати тасдиқланган. Унга кўра: 1) Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2015-2019 йиллар давомида “Ўзбек миллий автомагистрالي” таркибига кирувчи, умумий ҳисобда 1227,8 км узунликдаги автомобил йўллари ва ундаги транспорт ечимлари, кўприклар ва йўл ўтказгичларни қуриш ва реконструкция қилиш кўзда тутилган. Кўрсаткичлар йиллар кесимида қуйидагича: - 2015 йилда – 204,6 км; - 2016 йилда – 257,8 км; - 2017 йилда – 213,5 км; - 2018 йилда – 277,9 км; - 2019 йилда – 274,0 км. 2) Бундан ташқари, халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан ҳам юқоридаги таснифдаги, яъни “Ўзбек миллий автомагистрالي” таркибига кирувчи автомобил йўллари қисмларини ва ундаги транспорт ечимлари, кўприклар ва йўл ўтказгичларнинг 1172,5 км қисмида қурилиш ва реконструкция олиб борилиши белгиланган. Бу умумий кўрсаткич йиллар бўйича қуйидагича: - 2015 йилда – 156,5 км; - 2016 йилда – 191,0 км; - 2017 йилда – 258,0 км; - 2018 йилда – 303,0 км; - 2019 йилда – 264,0 км. 3) Республика йўл жамғармаси ва Жаҳон банки маблағлари ҳисобидан ҳам 299,5 км узунликдаги йўлларда қуриш ва реконструкция қилиш ишлари ҳам белгиланган бўлиб, бу миқдорни йиллар кесимида қуйидагича амалга ошириш кўзда тутилмоқда: - 2015 йилда – 15,2 км; - 2016 йилда – 64,1 км; - 2017 йилда – 90,3 км; - 2018 йилда – 71,9 км; - 2019 йилда – 58,0 км. Шунингдек, қарорга кўра умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларини жорий таъмирлаш ва сақлаш мақсадлари учун жами 993 дона, (2015 йилда – 150 дона, 2016-2018 йиллар давомида ҳар бир йилда 200донадан, 2019 йилга бориб эса – 243 дона) жиҳозлар ва йўл-қурилиш техникаларини харид қилинади.

Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари маблағлар шаклланиши ва сарфланишининг мақсадли йўналиши сақлаб қолинган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг йиғма бюджети таркибига киритилади ва Жамғарманинг махсус ялпи балансида акс эттирилади. Жамғармага тушумлар туман (шаҳар) солиқ инспекцияларига ва Давлат божхона кўмитасининг ҳудудий бошқармаларига хизмат кўрсатувчи тегишли банкларда очилган Жамғарманинг транзит ҳисоб рақамлари (банкнинг баланс ҳисоб рақами 20207) орқали Марказий банкнинг Тошкент шаҳри бошқармаси ҳисоб-китоб-касса марказидаги (банкнинг баланс ҳисоб рақами 21508) Жамғарманинг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

Манбалар ва фойдаланиш йўналишлари бўйича Жамғарманинг бўлажак йилга даромадлари ва харажатлари прогнози Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган, Давлат солиқ кўмитаси билан келишилган Жамғарма даромадлари ва харажатлари таснифи асосида ишлаб чиқилади. Бўлажак йилга тушумлар манбалари бўйича даромадлар прогнози:

олдинги йилда Жамғармага маблағларнинг амалдаги тушуми ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича даромадлар манбалари бўйича жорий йилда кутилаётган тушум;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича Жамғармага ажратмалар ва йиғимлар бўйича ҳисобот молия йили охирига юридик шахсларнинг кредиторлик қарзи ҳисобга олинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг макроиктисодий кўрсаткичлари асосида бевосита Жамғарма томонидан ишлаб чиқилади.

Фойдаланишнинг асосий йўналишлари ва республика ҳудудлари бўйича кейинги йилга харажатларнинг тақдим этиладиган прогнози олдинги йилда амалда фойдаланилган маблағларни ва асосий йўналишлар (умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш) бўйича жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида кутилаётган маблағлардан фойдаланиш ҳамда жорий йилга тасдиқланган прогнозлар билан таққослаган ҳолда ҳудудлар бўйича ҳисобга олинган ҳолда «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси томонидан белгиланади. Бунда табиий офатлар оқибатини бартараф этиш ишларини маблағ билан таъминлаш учун захира (харажатлар ҳажмининг 5 фоизи миқдориди) ташкил этиш назарда тутилади.

Жамғарма даромадлар ва харажатларнинг ишлаб чиқилган прогнозини қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда, бироқ 1 июлдан кечикмай Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этади. Жамғарма даромадлари ва харажатларининг аниқлаштирилган прогнози бўлажак йилга Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг асосий параметрлари прогнози билан бир вақтда Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети Олий Мажлис сессиясида тасдиқлангандан, шунингдек бўлажак йилга Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг параметрлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилингандан кейин Жамғарма беш кун муддатда:

йил чорақлари ва ҳудудлар бўйича бўлажак йилга жамғарма даромадларининг тасдиқланган асосий параметрларини — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасига;

бўлажак йилга Жамғарма харажатларининг тасдиқланган асосий параметрларини (йўналишларини) йил чорақлари ва ҳудудлар бўйича «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компаниясига етказди. Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси билан биргалликда даромадларнинг тасдиқланган параметрлари олинган кундан бошлаб бир ҳафта муддатда йил чорақлари ва республика минтақалари ҳамда манбалар бўйича даромадларнинг йиллик прогнозини белгилайди ҳамда уни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаларига етказди.

### 5.3. Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси

Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси давлат мақсадли жамғармалари орасида социал-ижтимоий характердаги жамғармалардан бири ҳисобланиб, у асосан миллий иқтисодиётда иш билан бандлиқни таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш ва вақтинча ишсиз фуқароларга молиявий ёрдам кўрсатишда катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш ҳамда туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларининг самарали фаолият кўрсатиши тадбирларини молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги таркибида ташкил этилган Бандликка кўмаклашиш жамғармаси бюджетдан ташқари мақсадли давлат жамғармаси ҳисобланади, маҳаллий ва республика даражаларида ташкил этилади ва унинг маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланишнинг мақсадли йўналтирилганлиги сақлаб қолинган ҳолда Давлат бюджети таркибида жамланади ҳамда Жамғарманинг мустақил балансида акс эттирилади.

Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаларининг бюджетдан ташқари мақсадли махсус ҳисоб рақамларида жамланади. Бунда корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ажратмалари ҳисобига ташкил топадиган Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағларининг етмиш фоизи Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари ихтиёрида қолади, кейинчалик туманлар ва шаҳарлар ўртасида тақсимланади, ўттиз фоизи Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, тегишли ҳудудий меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаларининг тўлов топшириқномалари билан пул ўтказиш йўли билан республика даражасида марказлаштирилади.

Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағларини тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари тасарруф этадилар.

*Бандликка кўмаклашиш жамғармасининг асосий вазифалари*

Қуйидагилар Бандликка кўмаклашиш жамғармасининг асосий вазифалари ҳисобланади:

- ишсизларни моддий қўллаб-қувватлаш юзасидан давлат кафолатларини амалга ошириш;
- Бандликка кўмаклашиш марказлари таъминотини молиялаштириш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш;
- тижорат банкларида кредит линиялари очиш йўли билан иш ўринларини сақлаб қолиш ва янги иш ўринлари ташкил этиш учун кредитлар бериш;
- фуқароларни ишга жойлаштириш, меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари бўйича меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, социологик кузатувлар ўтказиш билан боғлиқ харажатларни маблағ билан таъминлаш.

Ушбу кўрсатиб ўтилган вазифаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари:

иш берувчиларнинг мажбурий ажратмаларини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаларининг бюджетдан ташқари мақсадли махсус ҳисоб рақамларида жамлайдилар;

Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағларидан ишсизлик нафақаларини, ишсиз фуқароларга моддий ёрдамни ва қонун ҳужжатларида кўрсатилган бошқа тўловларни ўз вақтида тайинлайдилар, молиялаштирадидилар ва тўлайдилар;

Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағларидан қонун ҳужжатларига мувофиқ қатъий мақсадли фойдаланадилар;

ишсизларни ижтимоий муҳофаза қилиш тизимининг барқарорлигини таъминлаш ва уни янада такомиллаштириш учун олдини оловчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадида Иш билан таъминлаш жамғармасининг молиявий аҳолини прогнозлаш бўйича актуар ҳисоб-китобларни амалга оширадидилар;

мажбурий ажратмалар миқдорларини белгилаш тўғрисида таклифлар тайёрлайдилар;

Бандликка кўмаклашиш жамғармасининг келгуси йил учун даромадлари манбалари ва улардан фойдаланиш йўналишлари прогнози лойиҳасини ишлаб чиқадиладилар ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этадилар;

Бандликка кўмаклашиш жамғармаси бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳар ойлик ҳисоботларни, шунингдек йилига бир марта Иш билан таъминлаш жамғармаси даромадлари ва улардан фойдаланишнинг аҳоли тўғрисидаги мустақил аудиторлик текшируви натижаларини тайёрлайдилар ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига белгиланган тартибда тақдим этадилар;

Бандликка кўмаклашиш жамғармаси вазифаларини амалга ошириш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ваколатлари доирасида ишлаб чиқадиладилар;

жойлардаги давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда иш билан таъминлаш ҳудудий дастурларини амалга оширишда, ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этишда қатнашадиладилар;

мажбурий ажратмалар ва тўловларнинг тўғри ҳисобланишини ва ўз вақтида Бандликка кўмаклашиш жамғармасига тўлиқ тўланишини ҳисобга оладиладилар ва назорат қиладиладилар;

иш берувчилар томонидан мажбурий ажратмалар ва тўловлар тўғри ҳисоблаб чиқилишини, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Иш билан таъминлаш жамғармаси билан ўзаро ҳисоб-китобларнинг аҳолини текширадиладилар ва шу қабилида.

Ўз навбатида иш берувчилар (корхона ва ташкилотлар) мажбурий тўловларни қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда ва тартибда ҳисоблаб чиқариш ва Бандликка кўмаклашиш жамғармасига тўлашга, иш билан таъминлаш жамғармасининг кредитлашга, ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этишга, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишсиз деб тан олинган шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга ажратилган маблағларини сарфлашнинг мақсадли йўналтирилишига қатъий риоя этилишини таъминлашга, Бандликка кўмаклашиш жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлаш бўйича белгиланган шаклдаги ҳисоботларнинг ишончлилигини ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлашга мажбур ҳисобланади.

*Бандликка кўмаклашиш жамғармаси даромадларини шакллантириш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби*

Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари қуйидагилар ҳисобига шакллантирилади:

- корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг иш ҳақи фондидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган миқдордаги мажбурий ажратмалари;
- тегишли бюджет маблағларини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва жойлардаги давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланадиган миқдорларда республика ва маҳаллий бюджет маблағларидан дотациялар;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган талаблар бузилганлиги учун жойлардаги меҳнат органлари томонидан белгиланган тартибда солинадиган молиявий санкциялар жарималар ва қўшилган пенялар суммаси;
- қўшимча ва янги иш ўринлари яратиш учун кичик бизнес субъектларини кредитлаш учун тижорат банклари томонидан очилган кредит линияларидан фойзалар;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан хорижий юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари;



– қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тушумлар.

Ногиронлар жамоат ташкилотларига қарашли ўқув-ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш корхоналари, протез-ортопедия буюмлари ишлаб чиқаришга, ногиронларга протез қўйиш бўйича хизматлар кўрсатишга ихтисослаштирилган корхоналар, тарбия ва таълим муассасалари ҳузуридаги ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари ва ўқув-ишлаб чиқариш корхоналари, бюджет таъминотидаги театр-томоша ташкилотлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси Бандликка қўмаклашиш жамғармасига ажратмалар тўлашдан озод этиладилар. Бандликка қўмаклашиш маркази ҳисоб рақамига тушадиган маблағларнинг 5 фоизи меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларининг ходимлари меҳнатини рағбатлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш жамғармасига йўналтирилади.

Бандликка қўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобига қуйидагилар амалга оширилади:

Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларида ишсизлик мақоми олган ва иш қидирувчи сифатида рўйхатда турган шахсларни касбга тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ишларини маблағ билан таъминлаш;

ишсизлик бўйича нафақалар, Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларининг таклифига биноан ишлаш учун бошқа жойга ихтиёрий равишда кўчиб ўтиш учун компенсациялар тўлаш ва қонун ҳужжатларига мувофиқ ишсизларга моддий ёрдам бериш;

ишсизларга муддатидан олдин пенсия тайинланганлиги сабабли бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси харажатларини қоплаш;

ҳақ тўланадиган жамоат ишларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маблағ билан таъминлаш;

ногиронлар ва фуқароларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган бошқа тоифалари меҳнатидан фойдаланиш учун ихтисослаштирилган иш ўринлари (ишлаб чиқаришлар) ташкил этиш тадбирларини маблағ билан қисман таъминлаш;

Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари таъминоти барча даражалардаги меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларини жойлаштириш учун бинолар қуриш ва уларни реконструкция қилиш, уларни моддий-техник таъминлаш, компьютерлар, нусха кўчириш ва бошқа зарур техника билан жиҳозлаш;

ахборот-маълумотлар ва реклама-ноширлик ишларини амалга ошириш;

демография, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш, меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат муносабатларини тартибга солиш, меҳнатни нормалаш ва унга ҳақ тўлаш масалалари бўйича норматив-услубий ва йўриқнома материаллар ишлаб чиқишни маблағ билан таъминлаш;

белгиланган тартибда республика даражасида ва ҳудудий даражада ижтимоий қузатувларни ташкил этиш ва ўтказиш, иш билан таъминлаш

масалалари бўйича аҳолининг айрим гуруҳлари ўртасида анкета сўровлари ўтказиш;

республика ва ҳудудий меҳнат бозори ахборот тизимларини яратиш ва уларнинг дастурий таъминотини ишлаб чиқиш, шу жумладан техника воситалари сотиб олиш;

иш билан банд бўлмаган аҳолига ёрдам кўрсатиш, шу жумладан ишга жойлаштиришга қўмаклашиш ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни маблағ билан таъминлаш;

аҳолини иш билан таъминлашга доир муаммолар бўйича халқаро ҳамкорликни маблағ билан таъминлаш;

ишчи кучи экспорт қилиш масалалари бўйича халқаро лойиҳа ва шартномаларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикасининг чет элларга ишга юборилган фуқароларини ишга жойлаштиришни ташкил этиш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш билан боғлиқ харажатларни маблағ билан таъминлаш;

Бандликка қўмаклашиш жамғармаси маблағларини кўпайтиришга йўналтирилган, аҳолини иш билан таъминлашга бевосита қўмаклашувчи тижорат ва хўжалик ҳисобидаги фаолиятни амалга ошириш, мулкчилик ва хўжалик юритишнинг турли шаклларидаги корхоналар ташкил этиш;

тижорат банклари томонидан очиладиган кредит линиялари орқали хўжалик юритувчи субъектларга, шу жумладан кичик бизнес субъектларига, деҳқон ва фермер хўжалиқларига, оилавий тадбиркорлик субъектларига ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлов, таъминлаш ва қайтариш шартларида янги иш ўринлари яратиш учун қисқа муддатли ва ўрта муддатли кредитлар бериш. Бунда Бандликка қўмаклашиш жамғармасидан кредитлар устувор тартибда ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бош бошқармалари таклифларига кўра янги иш ўринлари устувор равишда яратиладиган ҳудудларда, узоқда жойлашган, бориш қийин бўлган ва чегара туманларда, мураккаб вазиятда ва экологик ноқулай шароитли минтақаларда янги иш ўринлари яратиш ва шу кабинамақсадлар учун берилади.

Бандликка қўмаклашиш жамғармаси маблағларидан фойдаланиш йўналишлари республика ва ҳудудий даражада ишлаб чиқилган ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланадиган иш билан таъминлаш дастурлари асосида белгиланади. Бандликка қўмаклашиш жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари ҳисоб рақамларида етишмаган маблағлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан Бандликка қўмаклашиш жамғармаси маблағларининг Республика қисми ҳисобидан қопланади. Йил бошида зарур ҳолларда Бандликка қўмаклашиш жамғармаси ҳисоб рақамидаги бўш

маблағлар Давлат бюджети тақчиллигини қоплаш учун йўналтирилиши мумкин.

#### **5.4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси**

Республикада Қадрлаш тайёрлаш миллий дастурини ва мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш натижасида республикада халқаро стандартларга мос келадиган узлуксиз мажбурий умумий ҳамда ўрта махсус касб-хунар таълимини янги мазмунда шаклланди. Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди. Таълим муассасаларининг барпо этилган моддий-техника базасидан самарали фойдаланиш ва муттасил янгилаб боришни таъминлаш, уларни тизимли асосда энг замонавий компьютер техникаси, ўқув-лаборатория ускуналари, мебель ва асбоб-анжомлар билан қайта жиҳозлашни, шунингдек илғор таълим технологиялари ва ахборот-коммуникация тизимларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармани ташкил этиш тўғрисида» 2010 йил 10 ноябрдаги ПҚ-1432-сон қарорига мувофиқ Мактаб таълими жамғармасини тугатилиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармани ташкил этилди. Кейинчалик эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасини Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси этиб қайта ташкил этиш тўғрисида» 2011 йил 21 ноябрдаги ПҚ-1645-сон қарорига мувофиқ Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасини Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси деб қайта ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 8 июлдаги ПФ-4631-сонли Фармонида асосан эса ушбу жамғарманинг номи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси деб номланди.

*Ушбу жамғарманинг асосий вазифалари ва маблағларидан фойдаланиш йўналишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:*

- Жамғармага тушаётган маблағларни кейинчалик улардан таълим муассасаларини — умумтаълим мактабларини, академик лицейлар

ва касб-хунар коллежларини жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш)да мақсадли фойдаланиш учун жамлаш;

- таълим муассасаларини реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш, шу жумладан зарурат бўлганда, ўқув биноларини ўқув устахоналари ва лабораториялари билан кенгайтириш, спорт заллари ва майдончаларини, бошқа инфратузилма объектларини барпо этиш ишларини молиялаштириш;
- замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда ва тасдиқланган нормативлардан келиб чиқиб таълим муассасаларини энг янги ўқув-лаборатория ва ишлаб чиқариш ускуналари, компьютер техникаси, ахборот-коммуникация технологияларининг ўқитишга қўмаклашувчи бошқа элементлари, шунингдек ўқув мебели ва анжомлари билан тизимли жиҳозлаш ва тўлиқ жиҳозлашни молиялаштириш.
- тасдиқланган аниқ манзилли дастурларга мувофиқ соғлиқни сақлаш муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш ишларини молиялаштириш;
- замонавий талаблар ва белгиланган нормативлардан келиб чиққан ҳолда соғлиқни сақлаш муассасаларини энг янги лаборатория, ташхис ва даволаш асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ҳамда бошқа тиббиёт аппаратлари, махсус мебель ва анжомлар билан жиҳозлаш ҳамда доимий асосда тизимли қайта жиҳозлашни молиялаштириш.

*Жамғарма даромадларини шакллантириш манбалари ва тартиби*

Жамғарма даромадлари қуйидаги манбалар ҳисобига шакллантирилади:

1. хўжалик юритувчи субъектлар томонидан Жамғармага қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мажбурий ажратмаларни тўлашдан тушадиган маблағлар;
2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг бюджетдан ташқари маблағлари;
3. халқаро молия институтлари ҳамда бошқа хорижий донорларнинг грантлари ва имтиёзли кредитлари (қарзлари);
4. соғлиқни сақлашга харажатлар ҳисобига алоҳида сатр билан ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва марказлаштирилган инвестициялар;
5. хайрия қилувчилар — юридик ва jisмоний шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг маблағлари;
6. Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан олинган даромадлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

Хўжалик юритувчи субъектлар (тўловчилар) томонидан Жамғармага мажбурий ажратмалар суммаси ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорига кўра белгиланадиган тўлов объекти ва ставкасидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

#### *Жамғарма маблағларини сарфлаш тартиби*

Жамғарма маблағлари асосан маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобига таъминланадиган таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш)га, шунингдек тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш)га харажатлар бўйича — Ҳазначиликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича бошқармаларидаги (кейинги ўринларда Ҳазначиликнинг ҳудудий бошқармалари деб аталади) хизмат кўрсатиладиган ғазначилик шахсий ҳисоб рақамлари орқали сарфланади. Республика бюджети маблағлари ҳисобига таъминланадиган тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш)га харажатлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ҳазначилигида хизмат кўрсатиладиган ғазначилик шахсий ҳисоб рақамлари орқали сарфланади.

#### *Жамғарма маблағларидан фойдаланиш:*

а) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида:

республика бюджети маблағлари ҳисобига таъминланадиган тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш бўйича — тендер (танлов) савдолари асосида ва капитал қурилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Қурилиш бўйича бирлашган дирекцияси томонидан;

республика бюджети маблағлари ҳисобига таъминланадиган тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш) бўйича — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилган тендер (танлов) савдолари асосида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметалари асосида амалга оширилади;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигида, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармаларида:

маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобига таъминланадиган таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш, шунингдек тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш бўйича — тендер (танлов) савдолари асосида ва капитал қурилиш соҳасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги ягона буюртмачи хизматлари томонидан рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметалари асосида амалга оширилади;

маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобига таъминланадиган таълим муассасалари ва тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш)

бўйича — Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳудудий бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармалари томонидан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилган тендер (танлов) савдолари асосида рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметалари асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилиги ва унинг ҳудудий бошқармалари таълим ва тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш) бўйича шартномаларни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар бўйича қатъиян харажатлар сметаларида назарда тутилган маблағлар доирасида ҳамда таълим ва тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлашнинг белгиланган тартибда тасдиқланган аниқ манзилли рўйхатларига мувофиқ харажатлар тўловини амалга оширадиган.

#### *Харажатларни тўлаш:*

маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобига таъминланадиган таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш, шунингдек тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш бўйича — вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги ягона буюртмачи хизматларининг тўлов топшириқномалари асосида Ҳазначиликнинг ҳудудий бошқармалари томонидан;

республика бюджети маблағлари ҳисобига таъминланадиган тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш бўйича — таълим ва тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлашнинг аниқ манзилли рўйхатлари бўйича белгиланган лимитлар доирасида ҳамда тендер (танлов) савдолари натижаларини ҳисобга олган ҳолда тузилган шартномалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Қурилиш бўйича бирлашган дирекциясининг тўлов топшириқномалари асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ҳазначилиги томонидан амалга оширилади.

#### *Шартномаларда:*

реструкция қилиш ва мукамал таъмирлашнинг дастлабки икки ойи мобайнида тенг улушлар билан, қурилишнинг прогноз қилинаётган йили учун тендер (танлов) савдолари натижалари бўйича аниқланган ишлар қийматининг 30 фоизигача миқдорда аванс тўловларини амалга ошириш;

ҳар ойда, ажратилган аванс мутаносиб равишда ушлаб қолишни ҳисобга олган ҳолда, бажарилган ишлар қийматининг 95 фоизи миқдориди жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

шартномада кўрсатилган кафолат муддати тугагач қолган 5 фоизни пудратчига тўлаш назарда тутилади.

Таълим муассасаларини жиҳозлаш (тўлик жиҳозлаш) бўйича харажатларни тўлаш:

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунаар таълими маркази ҳудудий бошқармаларининг тўлов топшириқномалари асосида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича Ғазначилик ҳудудий бошқармалари томонидан;

маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига таъминланадиган тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш (тўлик жиҳозлаш) бўйича харажатларни тўлаш — Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаларининг тўлов топшириқномалари асосида Ғазначиликнинг ҳудудий бошқармалари томонидан;

республика бюджети маблағлари ҳисобига таъминланадиган тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш (тўлик жиҳозлаш) бўйича харажатларни тўлаш — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тўлов топшириқлари асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги томонидан амалга оширилади.

Шартномаларда:

шартнома умумий суммасининг камида 30 фоизи миқдорида аванс тўловини амалга ошириш;

ҳар ойда, ажратилган аванс тўловларини ушлаб қолган ҳолда, етказиб берилган товарларнинг амалдаги ҳажмидан келиб чиқиб жорий молиялаштиришни амалга ошириш назарда тутилади.

Маблағларни (шу жумладан товарларни етказиб берувчилар, ишлар ва хизматларни бажарувчилар томонидан шартнома мажбуриятларининг бажарилмаганлиги учун жарима санкцияларини қўллашдан олинган маблағларни) харажатларнинг тасдиқланмаган сметасисиз, шунингдек Жамғарма харажатлари прогнозида назарда тутилмаган тадбирларга ёки ҳам умуман харажатлар сметалари бўйича ва ҳам харажатларнинг алоҳида турлари бўйича сметаларда белгиланганидан ортиқча сарфлаш тақиқланади. Жорий молия йили яқунлари бўйича қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлашнинг аниқ манзилли рўйхатларида ҳамда таълим ва тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш (тўлик жиҳозлаш) бўйича харажатлар сметаларида назарда тутилган тўлик молиялаштирилмаган маблағлар Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари балансланганлиги таъминланишини ҳисобга олган ҳолда келгуси молия йилида тўланади.

Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-кунидан кечикмай Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган шакл бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Жамғарма даромадлари ва харажатлари ижроси тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва давлат солиқ хизматининг ҳудудий органлари:

Жамғармага мажбурий ажратмаларнинг тўғри ҳисобланиши, тўлик ва ўз вақтида тўланиши юзасидан назоратни;

тўловчилар бўйича Жамғармага мажбурий ажратмалар ҳисоби юритилишини;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан Жамғармага мажбурий ажратмаларнинг тўғри ҳисобланиши ва тўланиши бўйича текширишларнинг амалга оширилишини таъминлайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-кунидан кечикмай Жамғарманинг ижро этувчи дирекциясига ҳисобот даврдан кейинги ойнинг 1-кунидаги ҳолати бўйича Жамғармага мажбурий ажратмаларнинг ҳисобланган ва тушган суммалари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шунингдек вазирликлар ва идоралар бўйича мазкур ажратмалар юзасидан қарзлар тўғрисида тезкор ҳисобот тақдим этади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги ягона буюртмачи хизматлари томонидан таълим ва тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлашга ажратилган Жамғарма маблағларидан фойдаланилиши бўйича ҳисоботлар ҳар ойда, ҳисобот даврдан кейинги ойнинг 5-кунидан кечикмай Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармаларига тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Қурилиш бўйича бирлашган дирекцияси томонидан республика бюджети маблағлари ҳисобига таъминланадиган тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш учун ажратиладиган Жамғарма маблағларидан фойдаланиш бўйича ҳисоботлар ҳар ойда, ҳисобот даврдан кейинги ойнинг 5-кунидан кечикмай Жамғарманинг Ижро этувчи дирекциясига тақдим этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳарсоғлиқни сақлаш бошқармалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунаар таълими маркази ҳудудий бошқармалари томонидан таълим ва тиббиёт муассасаларини жиҳозлашга (тўлик жиҳозлашга) ажратилган Жамғарма маблағларидан фойдаланилиши бўйича ҳисоботлар ҳар ойда, ҳисобот даврдан кейинги ойнинг 5-кунидан кечикмай Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармаларига тақдим этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари — амалга оширилган харажатлар

юзасидан ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 8-қунидан кечикмай Жамғарманинг ижро этувчи дирекциясига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган шакл бўйича ҳисобот тақдим этадилар. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда республика минтақалари бўйича Жамғармага мажбурий ажратмалар тушумларидан Жамғарма даромадлар прогнозининг бажарилиши ҳолатини таҳлил қилади ҳамда даромадларнинг ўз вақтида ва тўлиқтушишига салбий таъсир кўрсатган аниқланган омиллар асосида уларни бартараф этишга доир кўшма чора-тадбирлар кўради. Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилиши юзасидан назорат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

#### **5.5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 29 октябрдаги ПФ-3932-сон Фармони билан ташкил этилган ҳамда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга ва мелиоратив техникани сотиб олишга ажратиладиган мақсадли молиявий ресурсларни жамловчи давлат органи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга доир дастурларни (лойиҳаларни) ҳамда мелиоратив объектларнинг лозим даражадаги техник ҳолатини таъминлаш бўйича тадбирларни молиялаштиришга, шунингдек мелиоратив техника олишга йўналтириладиган мақсадли молиявий ресурсларни жамлайди.

*Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасининг асосий вазифалари ва функциялари*

Қуйидагилар мазкур Жамғарманинг асосий вазифалари деб ҳисобланади:

- бюджет ва бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан мелиорация ишларини ўтказиш учун мўлжалланган маблағларни тўла ҳажмда Жамғарма ҳисобварағида жамлаш;
- Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ҳамда ихтисослаштирилган ташкилотлар билан биргаликда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг узоқ муддатли ва ўрта муддатли Давлат дастурларини ишлаб чиқиш;

- тасдиқланган дастурларга мувофиқ, мелиорация ишларини, магистрал (вилоятлараро), туманлараро ва хўжаликлараро коллектор-дренаж тармоқларини мукамал таъмирлаш ва тиклаш мақсадида жорий таъмирлаш ишларини ташкил қилиш ҳамда тизимли асосда аниқ, мақсадли молиялаштириш;
- ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳисобига уларнинг унумдорлигини ошириш борасидаги ишларни молиялаштириш йўли билан кишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига давлат мададини кўрсатиш;
- мелиорация техникасини, жумладан, лизинг шартлари асосида сотиб олиш учун қайтариб бериш асосида маблағлар ажратиш йўли билан сув хўжалиги ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;
- Жамғарманинг ажратиб берилган молиявий маблағларидан мақсадли, аниқ ва самарали фойдаланилиши устидан доимий асосда қаттиқ назоратни амалга ошириб бориш ва шу қабилар.

*Жамғарма ўз зиммасига юклатилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги функцияларни бажаради:*

консолидация қилинган Давлат бюджети лойиҳасига киритиш учун даромадлар ва харажатларнинг ҳар йилги баланслари лойиҳаларини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда ва муддатларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этади;

Жамғарма бўйича келгуси йилнинг ҳар бир чорақларига тақсимланган харажатларининг тасдиқланган параметрини Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига ва вилоят ҳокимликларига етказиш;

Жамғарма даромадлари ва харажатлари ҳисобини юритади; мелиоратив объектларини қуриш ва реконструкция қилиш учун лойиҳалаш ҳужжатларини ишлаб чиқиш, инвестиция лойиҳаларини, жумладан, хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда амалга ошириш юзасидан техник топшириқларни беради ва тасдиқлайди;

мелиоратив объектларни лойиҳалаш, қурилиш, реконструкция қилиш, шунингдек магистрал коллекторларни таъмирлаш ва тиклаш бўйича лойиҳалаш ва тендер ҳужжатларини белгиланган тартибда экспертизадан ўтказишни ташкил этади;

мелиоратив объектларни қуриш ва реконструкция қилиш, шунингдек магистрал коллекторларни таъмирлаш ва тиклаш бўйича аниқ манзилли рўйхатларни тузади ва белгиланган тартибда тегишли идораларга тасдиқлаш учун киритади;

мелиоратив объектларни реконструкция қилиш ва қуриш бўйича лойиҳа-қидирув ишлари, шунингдек тегишли илмий-тадқиқот ишларининг аниқ манзилли рўйхатларини белгиланган тартибда тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Қурилаётган корхоналар бирлашган дирекциялари тақдимномаси бўйича

мелиоратив объектларда таъмирлаш-тиклаш ишларининг харажатлар сметаси ва манзилли дастурларини келиштириб олади;

мелиоратив объектларни реконструкция қилиш ва қуриш, шунингдек магистрал коллекторларда таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш бўйича тендер (танлов) савдоларини белгиланган тартибда ўтказиш, танлов савдолари қолиблари билан белгиланган тартибда шартномалар тузиш;

мелиоратив объектларни реконструкция қилиш ва қуриш, таъмирлаш ва тиклаш, мелиорация техникасини сотиб олиш устидан молиявий назоратни амалга оширади;

магистрал (вилоятлараро) мелиоратив объектларни реконструкция қилиш, қуриш ва таъмирлаш-тиклаш ишлари устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек уларнинг белгиланган тартибда қабул қилиб олишларини таъминлайди;

туманлараро ва хўжаликлараро мелиоратив объектларни таъмирлаш ва тиклаш, шунингдек уларни қабул қилиб олиш ишлари устидан техник назоратни амалга оширишда қатнашади;

Жамғарма маблағларининг мақсадли ва самарали сарфланиши устидан белгиланган тартибда назоратни амалга оширади;

Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши масалалари бўйича назорат ўлчовларини, шунингдек корхоналар ва ташкилотлар фаолиятини ҳужжатлар асосида текшириб, тафтишларни мунтазам равишда ўтказиб туради;

Жамғарма маблағларидан фойдаланиш бўйича текширишларда аниқланган қонун бузилишлари ва камчиликларни бартараф этиш, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган тегишли санкцияларни ўрнатилган тартибда белгилаш бўйича таклифлар киритади;

Жамғарма даромадлари ва харажатлари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ва тегишли органларга тасдиқлаш учун киритади;

аниқ манзилли рўйхатларга киритилган мелиоратив объектларда бажарилган ишларни белгиланган тартибда молиялаштиради.

*Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини шакллантиришнинг асосий манбалари қуйидагилар ҳисобланади:*

- ❖ қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан тўланадиган ягона ер солиғи бўйича тушган маблағларга тенг миқдорда Давлат бюджетидан ажратмалар;
- ❖ мақсадли бюджет маблағлари;
- ❖ халқаро молия институтлари ва хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари;
- ❖ маҳаллий ва хорижий грантлар;
- ❖ Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағ манбалари ва даромадлар.

*Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасининг маблағларининг сарфланиши йўналишлари*

Ушбу жамғарманинг маблағлари асосан суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурлари доирасида магистрал (вилоятлараро), туманлараро, хўжаликлараро очик коллекторлар ва улардаги иншоотларни, ёпиқ горизонтал дренаж шохобчаларини, вертикал дренаж кудукларини, мелиоратив насос станциялари ҳамда кузатиш тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тозалаш ишларини ўтказишга; ихтисослаштирилган лойиҳа ташкилотлари томонидан суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурларига киритиладиган лойиҳаларнинг амалга ошириш билан боғлиқ бўлган лойиҳа-қидирув ҳужжатларини ишлаб чиқишга ихтисослаштирилган қурилиш ва эксплуатация ташкилотлари, сув истеъмолчилари уюшмаларини мелиорация техникаси саройини яхшилашга маблағни қайтариб бериш асосида, шу жумладан узоқ муддатли имтиёзли лизинг шартларида молиялаштириш тадбирларига; суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурларида назарда тутилган бошқа ишларга йўналтирилган ҳолда фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасининг юқори органи Жамғарма кенгаши ҳисобланади.

Жамғарма Кенгаши:

Жамғарма фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди; Жамғарманинг ижро этувчи органи, Ўзбекистон Республикаси

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг белгиланган тартибда тасдиқланган суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурлари (лоyiҳалари)дан келиб чиқиб, Жамғарма маблағларини сарфлашнинг асосий йўналишлар тўғрисидаги таклифларини кўриб чиқади, қарорлар қабул қилади ва уларни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритади;

Жамғарманинг ижро этувчи органи, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг амалга ошириладиган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитади;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва «Давархитектқурилиш» қўмитаси иштирокида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда унинг Қуриладиган корхоналар бирлашган дирекциялари», бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури амалга оширилиши учун ажратилган Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилиши тўғрисидаги ҳисоботларни эшитади;

инвестиция дастурига киритилган объектларнинг устуворлиги ва лойиҳа-смета ҳужжатларининг тайёрлигидан келиб чиққан ҳолда, тасдиқланган лимитлар доирасида, ирригация-мелиорация объектларининг рўйхати ва прогноз параметрларига ўзгартишлар киритади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Жамғарманинг даромадлари ва харажатларини шакллантириш тартибини такомиллаштиришга доир таклифлар киритади;

Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари ижроси, шунингдек Жамғарма томонидан буюртмачи функциялари бажарилиши, мелиоратив объектларни лойиҳалаштириш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклаш устидан молиявий назоратни амалга ошириш билан боғлиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

### **5.6.Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси ва Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармаси**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 20 майдаги ПҚ–1533-сон қарори билан ташкил қилинган бўлиб, ушбу жамғарма асосан 2011 — 2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш Дастурини амалга ошириш учун ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини яхшилаш бўйича тадбирларни молиялаштиришга йўналтириладиган мақсадли молиявий ресурсларни жамлайди. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағларини бошқариш ваколатли орган томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасининг даромадлари қуйидагилардан шаклланади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан;  
замонавий технология ускуналари билан жиҳозлаш учун жалб этиладиган халқаро молия ташкилотларининг имтиёзли кредитларидан;  
халқаро донорлар грантлари, васийлар ва мамлакатимиздаги ҳомийлар маблағларидан;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан тушадиган даромадлар ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа тушумлардан.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағлар Жамғармага ҳар ойда, олий таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория корпуслари, спорт заллари ва талабалар турар жойларини, шу жумладан биргаликда фойдаланиладиган олий таълим муассасалариаро илмий-лаборатория комплексларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини молиялаштириш учун маблағларга бўлган эҳтиёжга қараб ажратилади. Халқаро молия ташкилотлари ҳамда донорларнинг грантлари ва имтиёзли кредитлари, ҳомийларнинг, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентлари маблағлари Жамғарманинг ғазначилик ҳисоб рақамларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тушади. Жамғарма маблағлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Бош бошқармаси ҳисоб-китоб касса марказида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги томонидан очиладиган ғазначилик ҳисоб рақамларида жамланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағларидан:

олий ўқув юртларининг ўқув-лаборатория корпусларини, спорт залларини ва талабалар яшаб турган жойларни ҳамда бошқа инфратузилма объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш ишларини молиялаштириш;

олий ўқув юртларининг ўқув-лаборатория корпусларини, спорт залларини, талабалар яшаб турган жойларни ҳамда биргаликда фойдаланиладиган олий ўқув юртлариаро илмий-лаборатория комплексларини мебель, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари ва илмий асбоб-ускуналар, ахборот-коммуникация техникаси ва спорт анжомлари билан жиҳозлашни молиялаштириш;

белгиланган тартибда аниқланадиган бошқа мақсадлар учун фойдаланилади.

#### *Жамғарма маблағларини сарфлаш тартиби*

Жамғарма маблағлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан очиладиган Молия вазирлигининг Ғазначилиги шахсий ҳисоб рақамлари орқали Жамғарманинг ғазначилик ҳисоб рақамидан сарфланади. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган тегишли харажатлар сметалари асосида олий таълим муассасалари объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш бўйича — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилган қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш бўйича тендер (танлов) савдолари натижалари асосида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати, шунингдек тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар томонидан, олий таълим муассасалари объектларини жиҳозлаш бўйича эса қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилган танлов савдолари асосида Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ҳазначилиги олий таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича шартномаларни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш ҳамда улар бўйича қатъиян харажатлар сметаларида назарда тутилган маблағлар доирасида ва олий таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича қурилишларнинг тасдиқланган аниқ манзилли рўйхатларига мувофиқ харажатларни тўлайди. Олий таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш бўйича харажатларни тўлаш олий таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлашнинг аниқ манзилли рўйхатлари бўйича белгиланган лимитлар доирасида ҳамда тендер (танлов) савдолари натижалари ҳисобга олинган ҳолда тузилган шартномалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизматининг, шунингдек тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идораларнинг тўлов топшириқномалари асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ҳазначилиги томонидан амалга оширилади. Шартномаларда куйидагилар назарда тутилади:

қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлашнинг дастлабки икки ойи мобайнида қуришнинг прогноزلаштирилаётган йили учун тендер (танлов) савдолари натижалари бўйича аниқланган ишлар қийматининг 30 фоизгача миқдорида аванс тўловларини тенг улушларда амалга ошириш;

ажратилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолишни ҳисобга олган ҳолда, бажарилган ишлар қийматининг 95 фоизи миқдорида ҳар ойда жорий молиялаштириш;

қолган 5 фоизни пудратчига шартномада қайд этилган кафолат муддати тамом бўлгандан кейин тўлаш.

Олий таълим муассасаларини жиҳозлаш бўйича харажатларни тўлаш назарда тутилган маблағлар доирасида ва Молия вазирлигининг Ҳазначилигида рўйхатдан ўтказилган тузилган шартномалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идораларнинг тўлов топшириқномалари асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ҳазначилиги томонидан амалга оширилади. Шартномаларда куйидагилар назарда тутилади:

шартнома умумий суммасининг 30 фоизи миқдорида аванс тўлаш;

ажратилган аванс тўловларини ушлаб қолган ҳолда, етказиб беришнинг амалдаги ҳажмидан келиб чиқиб, ҳар ойда жорий молиялаштириш.

Маблағларни (шу жумладан товарларни етказиб берувчилар, ишларни бажарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги учун жарима санкцияларини қўллашдан олинган

маблағларни) харажатлар сметасисиз, шунингдек Жамғарма харажатлари прогнозида назарда тутилмаган тадбирларга сарфлаш тақиқланади. Қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлашнинг аниқ манзилли рўйхатларида назарда тутилган тўлиқ молиялаштирилмаган маблағлар жорий молиявий йил якунлари бўйича, Жамғарма даромадлари ва харажатлари мувозанатлилигини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда навбатдаги молиявий йилда тўланади.

*Жамғарма даромадлари ва харажатлари прогнозини тайёрлаш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби*

Жамғарма даромадлари ва харажатлари прогнозини тайёрлаш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури ва Давлат бюджети лойиҳаларини тайёрлаш билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан биргаликда ҳар йили келгуси йил учун — Давлат бюджетидан ва бошқа манбалардан, шу жумладан халқаро ташкилотларнинг грантлари ва кредитлари, ҳомийлар ва мамлакатимиз хайр-саховат қилувчилари маблағлари жалб этилишидан тушумлар прогнозларини тайёрлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, «Давархитектқурилиш» кўмитаси, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ҳар йили 1 июлгача Молия вазирлигига келгуси йил учун Жамғарманинг барча йўналишлар бўйича харажатлари прогнозини ҳамда олий таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлашнинг аниқ манзилли рўйхатлари лойиҳаларини тақдим этади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Жамғармага тушадиган прогноزلаштирилаётган маблағлар доирасида, Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда келгуси йил учун олий таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлашнинг аниқ манзилли рўйхатларининг узил-кесил параметрларини шакллантиради ва 1 августгача уни Махсус комиссияга кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритади. Жамғарма даромадлари ва харажатларининг йиллик параметрлари тасдиқлангандан кейин Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Жамғарма маблағларини олувчиларга (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идораларга) келгуси йил учун уларга белгиланган харажатлар ҳажмлари тўғрисидаги маълумотларни 5 кун мобайнида етказиши.

*Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармаси*

Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармаси давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушадиган, белгиланган тартибда



тақсимланадиган маблағларни жамлайди. Давлат мулкни хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармасининг даромадлар манбалари бўлиб қўйидагилар ҳисобланади:

давлат мулки бўлган корхоналарни, хўжалик жамиятларининг устав жамғармаларидаги акцияларни (улушларни), ер участкалари ва бошқа мол-мулкни реализация қилиш;

устав жамғармаларида давлат улуши бўлган хўжалик жамиятларини тугатишдан тушган тушумлар;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа манбалар.

*Давлат мулкни хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармасининг маблағларидан фойдаланиш тартиби*

Давлат мулкни хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармасининг маблағларидан қилинадиган харажатлар қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- хусусийлаштиришдан тушган умумий маблағлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра бир йўла тўланадиган тўловлар;
- давлат активларини олиш бўйича белгиланган тартибда бекор қилинган шартномалар юзасидан маблағларни сотиб олувчиларга қайтариш;
- давлат активларини реализация қилиш билан боғлиқ харажатлар;
- давлат корхоналарини хусусийлаштиришда акцияларни чиқариш, сақлаш ва реализация қилиш билан боғлиқ харажатлар;
- баҳолаш, илмий-тадқиқот, аудиторлик, молиявий, консалтинг ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар, мустақил экспертларнинг амалий тадқиқотларни бажариш, тегишли экспертизани ўтказиш, норматив-услубий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, давлат активларини сотишдан олдинги тайёргарликни ўтказиш хизматлари ҳақини тўлаш харажатлари;
- юридик шахсларнинг акциялари, улушлари, пайларини, шунингдек бошқа активларни давлат манфаатларини кўзлаб олиш билан боғлиқ харажатлар;
- давлат активларини бошқариш бўйича хизматлар ҳақини тўлаш харажатлари ва шу кабилар.

Давлат мулкни хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармасининг маблағлари, юқорида кўрсатилган харажатлар чегириб ташланган ҳолда, қуйидагича тақсимланади ва йўналтирилади:

1) хусусийлаштиришдан тушган маблағларга, давлат активлари юзасидан тузилган ҳамда бекор қилинган олди-сотди шартномалари бўйича жарималар ва пенялар суммаларига, берилган кредитлар ва қарзлардан тушган маблағларга тааллуқли қисми:

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига;

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш лойиҳаларини молиялаштириш, бозор инфратузилмаси институтларини шакллантириш учун Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига;

бундай маблағларни мақсадли равишда фақат бозор инфратузилмасини ривожлантириш ва тадбиркорларни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга йўналтириш учун Ўзбекистон Савдо-саноат палатасига;

тақсимлаш ва бошқариш вазифаларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун, шу жумладан Хусусийлаштириш, давлат активларини хусусийлаштириш жараёнини ахборот жиҳатидан таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш бўйича давлат дастурини амалга ошириш, шунингдек қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш харажатлари учун давлат активларини бошқарувчи ваколатли органнинг ҳисобварақларига йўналтирилади;

2) резидентлар томонидан ер участкаларини хусусийлаштиришдан тушган маблағларга тааллуқли қисми:

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига; Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда ҳудудларни ободонлаштириш учун мақсадли равишда фойдаланиш учун йўналтирилади.

### **5.7. Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси**

Ўзбекистон Республикаси молия тизимида марказлаштирилган пул жамғармаларидан йирик инвестиция лойиҳалари ва дастурларини молиялаштиришга мўлжалланган жамғармаларидан бири бу Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидир. Ушбу жамғарма моҳияти ва таркибий жиҳатдан Давлат мақсадли фондлари таркибига киритилмаган бўлсада, аммо, у Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети таркибига киради. Бунинг асосий сабаби ушбу жамғарма маблағлари ҳажмини ҳамда иқтисодиётдаги тутган ўрнига қараб, уни молиявий манбаларининг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда Вазирлар Маҳкамаси қошида ташкил этилишидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги 2006 йил 11 майдаги ПФ-3751-сонли Фармонида ва «Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 16 майдаги ПҚ-350-сон қарорига асосан иқтисодиётнинг етакчи, энг аввало базавий тармоқларини модернизациялаш ва техникавий қайта қуроллантириш лойиҳалари амалга оширилишини таъминлаш, мамлакатни муттасил, барқарор ва мутаносиб равишда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эришиш, шунингдек, самарали

таркибий ва инвестициявий сиёсатни амалга ошириш мақсадида ташкил этилган. Ушбу жамғарманинг устав сармоёси дастлаб 1,0 млрд. АҚШ доллари миқдориди ташкил этилган бўлса, 2008—2010 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси устав капиталини босқичма-босқич 5,0 млрд. АҚШ долларига етказилди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ресурс базасини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 11 августдаги ПҚ-1387-сон қарорига мувофиқ Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг устав капитални белгиланган 10 млрд АҚШ доллари миқдориди шакллантирилди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан эса унинг миқдори 2012 — 2016 йиллар мобайнида босқичма-босқич 15 млрд АҚШ долларига етказиш қўзғатилган.

Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги молиявий муассасадир ва у устувор инвестиция лойиҳаларини ҳамда иқтисодиётнинг базавий тармоқларини модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, мамлакатни муттасил, барқарор ва мутаносиб равишда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эришилишига, шунингдек самарали таркибий ва инвестиция сиёсати амалга оширилишига доир лойиҳаларни молиялаштириш учун маблағларни жамлайди.

#### *Жамғарманинг асосий вазифалари ва функциялари*

Жамғарманинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ✚ давлатнинг Жамғармага йўналтириладиган молиявий маблағларини жамлаш;
- ✚ иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда ишлаб чиқаришни таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва модернизация қилишдаги устувор вазифаларни амалга оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ғоят муҳим лойиҳаларни молиялаштириш;
- ✚ стратегик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган корхоналарни, биринчи навбатда иқтисодиётнинг базавий тармоқларини янгилаш ва техник жиҳатдан қайта қуролантириш дастурларини кредитлаш;
- ✚ ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати, машинасозлик ва рангли металлургия тармоқларини техник жиҳатдан қайта қуролантиришга ҳамда ишлаб чиқариш суръат ва ҳажмларини оширишга йўналтирилган лойиҳалар молиялаштирилишини таъминлаш;
- ✚ етакчи тармоқларни модернизация қилиш учун муҳим устувор аҳамиятга эга инвестиция лойиҳаларини биргалликда молиялаштириш, экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар учун хорижий технологиялар ва усқуналарни сотиб олишга маблағларни мақсадли йўналтирган

ҳолда республиканинг тижорат банкларига Жамғармани бошқариш бўйича Кенгаш қарори билан белгиланган тартибда кредит линияларини очиш.

- ✚ биринчи навбатда истиқболли, аммо старлича ривожланмаган ҳудудларда ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантириш бўйича ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли миллий давлат дастурлари ва лойиҳаларнинг амалга оширилишини молиялаштириш;
- ✚ келажакда, биринчи навбатда қишлоқ ҳудудларида, янги саноат ишлаб чиқаришларини жойлаштириш учун ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш ва тиклаш лойиҳаларини имтиёзли асосда, шу жумладан кейинчалик Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаш йўли билан молиялаштириш;
- ✚ республиканинг халқаро коммуникациялар тармоғига интеграциялашуви учун шарт-шароитлар яратадиган, халқаро транспорт йўлаклари ва жаҳон бозорларига энг қисқа йўл билан чиқишни таъминлайдиган транспорт ҳамда телекоммуникациялар инфратузилмасини модернизациялаш ва ривожлантиришни молиялаштириш;
- ✚ давлатнинг ташқи қарзлари бўйича халқаро молия институтлари ва хорижий кредиторлар олдидаги мажбуриятларни муддатидан олдин тўлашни молиялаштириш;
- ✚ халқаро молия институтлари, республика ва хорижий мамлакатларнинг кредит муассасалари билан лойиҳаларнинг қўшма молиялаштирилишини ташкил этишни таъминлаш ва шу қабилир.

Юклатилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда Жамғарма қуйидаги функцияларни бажаради:

навбатдаги йил учун мўлжалланган макроиқтисодий ва пул-кредит кўрсаткичлари, Давлат бюджети ҳамда Давлат инвестиция дастурининг асосий параметрлари билан боғлиқ ҳолда Жамғарма маблағларининг келиб тушиш ва улардан фойдаланиш прогнозларини ишлаб чиқади ва белгиланган муддатларда Жамғармани бошқариш бўйича Кенгашга тақдим этади;

келажакда, биринчи навбатда қишлоқ ҳудудларида, янги саноат ишлаб чиқаришларини жойлаштириш учун ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш ва тиклаш лойиҳаларини тузиладиган шартномалар асосида кредитлайди;

давлатнинг ташқи қарзлари бўйича халқаро молия институтлари ва хорижий кредиторлар олдидаги мажбуриятларни муддатидан олдин тўлаш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига қайтариб бермаслик асосида маблағларни беради;

янги ташкил этилаётган молиявий институтлар ҳамда иқтисодиётнинг базавий тармоқларида хорижий инвестициялар иштирокида стратегик аҳамиятга эга бўлган корхоналарнинг устав капиталига инвестиция киритади

(корхона ёки ташкилот устав капитали (фонди)нинг 25 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда);

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бўйича ва Иқтисодиёт вазирлиги буюртманомаларига биноан айрим инвестиция лойиҳаларининг дастлабки ёки якуний техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш учун грантлар ҳамда фоизсиз кредитлар беради, ажратилган кредитлар миқдори кейинчалик лойиҳанинг умумий қийматига ва лойиҳа Жамғарма кредитини жалб қилиш йўли билан амалга оширилган тақдирда, ажратилаётган кредитнинг умумий қийматига қўшилади;

янги замонавий хорижий технологиялар, техника ва ускуналар ҳамда стратегик аҳамиятга эга бўлган бошқа товарларни тасдиқланган давлат дастурларига мувофиқ харид қилиш учун Ҳукумат қарорлари бўйича имтиёзли кредитлар беради;

молиялаштириш шартлари ва Жамғарма маблағларини қайтариш механизми тўғрисида имзоланадиган бош битимлар асосида, ҳар бир тижорат банки учун ҳар йили белгиланадиган лимитлар доирасида тижорат банкларини молиялаштиришни амалга оширади;

Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши ва тижорат банкларига берилган маблағларнинг ўз вақтида қайтарилиши устидан доимий равишда мониторинг олиб боради ҳамда келиб тушиш манбалари ва улардан фойдаланишнинг асосий йўналишлари бўйича Жамғарма маблағларининг ҳисобини юритади;

тижорат банкларида очилган ҳисобварақлар ва улар бўйича амалга оширилаётган операциялар тўғрисидаги ҳар қандай маълумотни олиш ҳуқуқига эга бўлган ҳолда, тижорат банклари ва қарз олувчи қорхоналар зиммасига юклатилган мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан уларнинг фаолиятини ўрганади.

Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш бўйича аниқ мақсадли ишларни амалга оширади;

Жамғарма фаолиятини такомиллаштириш юзасидан ўз ваколатлари доирасида чоралар кўради ёки белгиланган тартибда таклифлар киритади;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан Жамғарма маблағларининг бўш қолдиқларини ишончли бошқариш тўғрисида шартномалар тузади;

Жамғарма зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган бошқа функцияларни амалга оширади.

*Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ва тартиби*

Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари қуйидагилардан иборат:

- 1) Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрларини тасдиқлаш вақтида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан стратегик ресурсларга белгиланадиган чегара

нархдан жаҳон нархининг ошиши натижасида тушадиган маблағлар;

- 2) давлат мулкни хорижий инвесторларга чет эл валютасига сотишда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети даромадларини шакллантириш чоғида ҳисобга олинган ҳажмлардан ортқча тушадиган маблағлар;
- 3) Жамғарманинг активларини бошқаришдан, шу жумладан Жамғарма маблағларининг бўш қолдиқларини жойлаштиришдан келадиган даромадлар;
- 4) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа манбалар.

Жамғарманинг маблағлари унинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида очилган ҳисобварақларида хорижий валютада шакллантирилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Жамғарма ҳисобварақларига тушган маблағларни улар тушган куни амалда бўлган Марказий банкнинг алмашув курси бўйича чет эл валютасига конвертация қилади ва Жамғарманинг валюта ҳисобварағига ўтказди. Солиқ ва тўловларнинг айрим турлари бўйича маблағларни Жамғарма ҳисобварағига ўтказиш белгиланган тартибда амалга оширилади. Жамғарма маблағлари тушуми манбалари ва улардан фойдаланиш йўналишлари ҳар йили белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритилади ва Жамғарма балансида акс эттирилади.

*Жамғарма маблағларидан фойдаланиш йўналишлари*

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағларидан:

Давлат инвестиция дастурига киритилган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш;

янги sanoat ишлаб чиқаришларини бундан буён жойлаштириш учун ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини молиялаштириш учун имтиёзли кредитлар бериш;

янгидан ташкил этилаётган молиявий институтларнинг ҳамда иқтисодиётнинг базавий тармоқларидаги чет эл инвестициялари иштирокидаги стратегик аҳамиятга молик қорхоналарнинг устав капиталига инвестиция киритиш;

давлат томонидан ташқи маблағларни жалб қилиш бўйича халқаро молия институтлари ва чет эллик кредиторлар олдидаги мажбуриятларни муддатидан олдин тўлаш;

Ўзбекистон Республикасининг Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурлари доирасида тижорат банклари учун чет эл валютасида очиладиган кредит линиялари орқали инвестиция лойиҳаларини жадал молиялаштириш ва амалга ошириш;

грант асосида ёки фойсиз кредитлар бериш йўли билан айрим лойиҳаларнинг дастлабки ёки узил-кесил техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқишни молиялаштириш;

тасдиқланган давлат дастурларига мувофиқ янги замонавий хорижий технологиялар, техника ва асбоб-ускуналар, стратегик аҳамиятга молик бошқа товарлар харид қилиш учун имтиёзли кредитлар бериш;

ижтимоий жиҳатдан аҳамиятга молик миллий давлат дастурларини ҳамда ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантиришга доир лойиҳаларни грант асосида молиялаштириш;

қарз олувчи корхоналарнинг инвестиция дастурларини (бизнес-режаларини), шу жумладан ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқариш қувватларининг ишлатилишини кўпайтириш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни экспорт қилиш ҳажмларини ошириш, қўшилган қиймат ўсишини таъминлашга имкон берадиган инвестиция дастурларини (бизнес-режаларини) тижорат банклари билан биргаликда молиялаштириш ҳамда жамғарманинг ижро этувчи девонини сақлаб туриш ҳамда уни бошқариш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун фойдаланилади.

Маблағларни бериш муддати ва шартлари Жамғармани бошқариш бўйича Кенгаш қарори билан белгиланади. Жамғарма томонидан бериладиган кредит ресурслари бўйича фойс ставкаси йилига 6 фойсгача табақалаштирилган миқдорларда белгиланади. Жамғарманинг кредит ресурслари шартномада белгиланган чет эл валютасида ажратилади. Тижорат банки маржасининг энг юқори чегараси Жамғарма ва тижорат банки ўртасида тузиладиган кредит шартномасида ҳар бир лойиҳа бўйича алоҳида белгиланади. Ажратилган маблағларнинг қайтарилши тижорат банклари томонидан кечиктирилган ҳолатларда ҳар бир кечиктирилган кун учун муддати кечиктирилган тўловлар бўйича қарздорлик суммасининг 0,01 фойси миқдоридан (қарзга олинган маблағлар ҳажмининг 10 фойсидан ошмаган ҳолда) пеня ундирилади.

Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банки, тижорат банклари ва бошқа идоралардан олинган дастлабки маълумотлар ҳамда ҳисобот даврида ўтказилган тизимли мониторинг асосида кейинги календарь йил учун Жамғармага маблағлар келиб тушиши ва улардан фойдаланиш прогнози лойиҳасини ишлаб чиқади ҳамда уни Жамғармани бошқариш бўйича Кенгаш тасдиқлаши учун тақдим этади. Жамғарма маблағларининг келиб тушиши ва улардан фойдаланишнинг прогноз лойиҳаларини тайёрлаш, қўриб чиқиш ва тасдиқлашда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Инвестиция дастурининг келгуси йил параметрларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш билан узвий боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Республиканинг стратегик ресурслари бўйича жаҳон бозорларидаги қулай нархлар натижасида ҳосил бўладиган прогноздан юқори тушумларнинг пул массаси ҳажмига ва инфляция даражасига

таъсирини бартараф қилиш мақсадида Жамғарма маблағларидан фойдаланишнинг юқори чегараси асосий макроиқтисодий ва пул-кредит кўрсаткичларининг прогноз параметрларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини бошқариш Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг юқори бошқарув органи бўлиб, унинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг ижро этувчи дирекцияси эса Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг ижро этувчи органи ва маблағларини тақсимловчидир. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг ижро этувчи дирекцияси Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ҳар йили 1 июлгача Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг келгуси йил учун даромадлари ва харажатлари лойиҳасини, йилнинг ҳар чорагида эса ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунигача Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси даромадлари ва харажатларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этади.

#### **Таянч сўз ва иборалар:**

*Бюджетдан ташқари Давлат жамғармалари, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси, бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси, Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси, Олий ўқув юртларининг моддий-техникабазасини ривожлантириш жамғармаси ва Давлат мулкни хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармаси, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, жамғарма даромад манбалари, жамғарма харажатлари.*

#### **Назорат учун савол ва топшириқлар:**


1. Бюджетдан ташқари Давлат мақсади фондларининг иқтисодий моҳияти ва уларнинг молия тизимида тутган ўрнини изоҳлаб беринг.
2. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг социал соҳадаги ўрнини изоҳланг.
3. Республика йўл жамғармасининг инвестицион хусусиятлари ва унинг даромад манбалари ҳамда харажатлар йўналишларини айтиб беринг.
4. Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг даромад манбалари ва харажатларини сарфлаш тартиби қандай?
5. Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал

- таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси харажатларининг асосий йўналишларини изоҳлаб беринг.
6. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасининг аграр соҳадаги ролини изоҳлаб беринг.
  7. Олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасининг асосий мақсадини тушунтириб беринг.
  8. Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг Республика иқтисодиётидаги инвестицион ролига баҳо беринг.
  9. Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг даромад манбалари нималардан иборат?
  10. Давлат мулкни хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармасининг даромад манбалари ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартибларини қисқача изоҳланг.

## 6-БОБ. ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР МОЛИЯСИ

### 6.1. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ва уларда молияни ташкил этиш асослари

Иқтисодий адабиётларда молия тизимини асосан учта йирик бўғинларга ажратилиб ўрганилади ва уларнинг қўлабий жиҳатдан амал қилиши ҳам шу бўғинлар доирасида амал қилади. Яъни, молия тизими қўлабий жиҳатидан давлат молияси, хўжалик юритувчи субъектлар молияси (корхоналар молияси) ва уй хўжаликлари молияси тарзида мавжуд бўлади. Юқорида молия тизими мавзусида таъкидланганидек, аслида молия тизими унинг қўлабий жиҳатидан амал қилишидан кенгроқ тушунча ва муносабатлардан иборатдир.



18-расм. Молия тизимининг қўлабий таркиби.

Келтирилган расмдан кўринадики, давлат молияси ва хўжалик юритувчи субъектлар молияси мазмуни жиҳатидан анча фарқланади. Давлат молиясининг ўзи ҳам кўлами жиҳатидан умумдавлат молияси ва маҳаллий молияга бўлинади. Молиянинг бундай бўлиниши эса молиянинг давлат тузилиши ва ҳудудий бўлинишдан келиб чиқади, ўз навбатида давлат бошқарувининг ташкилий тизими ҳам давлат молиясининг бундай тартибда бўлинишига асос бўлади. Аслида хўжалик юритувчи субъектлар молияси хўжалик юритувчи субъектларнинг ихтиёридаги пул жамғармалар, уларнинг молиявий мажбуриятлари ва молиявий активлари ҳамда уларни ҳолати ва ҳаракати билан боғлиқ бўлган муносабатларни ифодалайди. Хўжалик юритувчи субъектлар молияси худди давлат молияси сингари хўжалик юритувчи субъектларнинг ташкилий-ҳуқуқий тузилишига боғлиқ ҳолда шаклланиб, аммо, давлат молиясидан фарқли равишда у ўзига хос тартибда юзага келади. Хўжалик юритувчи субъектлар молиясининг энг муҳим хусусияти корхона ва ташкилот(уюшма, бирлашма ва ш.к.)ларнинг мулкчилик шакли ҳамда хўжалик юритиш усуллари, қолаверса фаолият туридан келиб чиқиб шаклланади, шунга мувофиқ тарзда эса уларнинг пул жамғармалари, молиявий ресурслари, молиявий активлари ва мажбуриятлари шаклланади ва ҳаракатда бўлади. Шу боисдан ҳам хўжалик юритувчи субъектларнинг молиясининг моҳиятини тушуниб етиш учун аввало уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари фарқлаб олишни тақозо этади. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига<sup>60</sup> мувофиқ хўжалик юритувчи субъектлар куйидагича гуруҳланади(-расм).

Куйида келтирилган расмдан кўринадики, хўжалик юритувчи субъектлар ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан тижоратга асосланган хўжалик юритувчи субъектлар ва нотижорат шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларга бўлинади. Ушбу турдаги хўжалик юритувчи субъектларда молиянинг ўзига хос хусусиятларини қисқача кўриб ўтамиз. Умумий қилиб айтганда, хўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқий мақоми ва иқтисодий муносабатлардаги жавобгарлиги нуктаи назаридан улар юридик шахслар номи билан ҳам тушунилади. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига(39-моддаси) кўра "ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулккий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади" ва улар мустақил балансёки сметага эга бўлишлари керак бўлади. Ушбу кодекснинг 40-моддасида белгиланишича, фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган (тижоратчи ташкилот) ёки фойда олишни ана шундай мақсад қилиб олмаган

<sup>60</sup> Бу ерда Ўзбекистон Республикасининг: Фуқаролик кодекси, "Хусусий корхона тўғрисида"ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, "Жамоат фондлари тўғрисида"ги, "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ва шу каби қонунлар назарда тутилмоқда.

ташкилот (тижоратчи бўлмаган ташкилот) юридик шахс бўлиши ҳамда ўзининг уставда белгиланган мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин.



19-расм. Хўжалик юритувчи субъектлар шакллари.

Демак, хўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқий мақоми жиҳатидан юридик ва юридик бўлмаган шахс сифатида вужудга келиб, уларнинг фаолиятининг йўналишига қараб, яъни, фойда олишга ва фойда олишга қаратилмаганлиги жиҳатидан икки гуруҳга ажратилади, бу эса уларда молияни ташкил этилишининг асосий мезонини ҳам белгилаб беради.

Юридик шахслар мулкдор ёки у вакил қилган шахс томонидан ёхуд ваколатли органнинг фармойиши асосида, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ташкил этилади. Мулкдорлар, хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи субъектлари ёхуд улар вакил қилган шахслар юридик шахсларнинг муассислари ҳисобланади. Юридик шахс устав асосида ёки таъсис шартномаси ва устав асосида ёхуд фақат таъсис шартномаси асосида иш олиб боради. Қонунда назарда тутилган ҳолларда тижоратчи ташкилот бўлмаган юридик шахс шу турдаги ташкилотлар ҳақидаги низом асосида иш олиб бориши мумкин. Юридик шахснинг таъсис шартномаси

унинг муассислари томонидан тузилади, устави эса — тасдиқланади. Бир муассис томонидан ташкил этилган юридик шахс шу муассис тасдиқлаган устав асосида иш олиб боради. Юридик шахсларнинг ташкил этилиш тартиби ва уларнинг асосий фаолиятини белгилаб берувчи асосий ҳужжатларда эса уларнинг молиявий фаолиятининг, яъни, пул фондларининг турлари, уларни ташкил этиш тартиблари, уларнинг манбалари, ушбу фондларнинг маблағларини тақсимлаш тартиблари, юридик шахснинг молиявий активлари ва мол-мулкнинг таркиби, уларни тасарруф этиш қоидалари ва молиявий муносабатлар билан бошқа асосий ҳолатлар акс эттириб қўйилади.

#### *Тижоратга асосланган хўжалик юритувчи субъектлар*

Тижоратга асосланган хўжалик юритувчи субъектлардан бири бу *тўлиқ ширкат* дир. Иштирокчилари ўз ўрталарида тузилган шартномага мувофиқ ширкат номидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган ҳамда унинг мажбуриятлари бўйича ўзларига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб берадиган ширкат тўлиқ ширкат ҳисобланади. Шахс фақат битта тўлиқ ширкатнинг иштирокчиси бўлиши мумкин.

Ширкат номидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган ҳамда ширкатнинг мажбуриятлари бўйича ўзларининг бутун мол-мулклари билан жавоб берадиган иштирокчилар (тўлиқ шериклар) билан бир қаторда ширкат фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзлари қўшган ҳиссалар доирасида жавобгар бўладиган ҳамда ширкат томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда қатнашмайдиган бир ёки бир неча иштирокчи (ҳисса қўшувчи, коммандитчи) мавжуд бўлса, бундай ширкат *коммандит ширкат* ҳисобланади. Шахс фақат битта коммандит ширкатда тўлиқ шерик бўлиши мумкин. Тўлиқ ширкат иштирокчиси коммандит ширкатда тўлиқ шерик бўла олмайди. Коммандит ширкатдаги тўлиқ шерик ўша ширкатнинг ўзида ҳисса қўшувчи ва бошқа тўлиқ ширкатда иштирокчи бўлиши мумкин эмас.

*Масъулияти чекланган жамият* деб бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган миқдорлардаги улушларга бўлинган жамият тан олинади. Масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзлари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар. Жамиятнинг ўз ҳиссасини тўла қўшмаган иштирокчилари жамият мажбуриятлари бўйича ҳар бир иштирокчи ҳиссасининг тўланмаган қисмининг қиймати доирасида солидар жавобгар бўладилар.

Бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан белгиланган миқдорлардаги улушларга бўлинган хўжалик жамияти *қўшимча масъулиятли жамият* деб ҳисобланади. Бундай жамиятнинг иштирокчилари жамият мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мол-мулклари билан ҳамма учун бир хил бўлган ва қўшган ҳиссалари қийматига нисбатан жамиятнинг таъсис ҳужжатларида белгиланадиган қаррали миқдорда солидар тарзда субсидиар жавобгар

бўладилар. Қўшимча масъулиятли жамият иштирокчилари жавобгарлигининг энг юқори миқдори қўшимча масъулиятли жамиятнинг уставида назарда тутилади.

Иштирокчилардан бири банкрот бўлиб қолганида унинг қўшимча масъулиятли жамият мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги, агар жамиятнинг таъсис ҳужжатларида жавобгарликни тақсимлашнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлмаса, бошқа иштирокчилар ўртасида уларнинг қўшган ҳиссаларига мутаносиб равишда тақсимланади.

Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа юридик шахсларнинг муассиси бўлишга ёки уларнинг устав фондида (устав капиталида) бошқача тарзда иштирок этишга, ваколатхоналар ва филиаллар тузишга ҳақлидир. Жамият, агар унинг таъсис ҳужжатларида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, номуайян муддатга тузилади. Жамият ўз иштирокчиларининг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди.

Жамиятнинг банкротлиги иштирокчи сифатидаги шахснинг айби туфайли вужудга келган бўлса, жамиятнинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда бундай шахс зиммасига унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин. Жамият иштирокчиларининг сони эллик кишидан ошмаслиги лозим. Агар жамият иштирокчиларининг сони белгиланган меъёрдан (50 нафар кишидан) ошиб кетса, жамият бир йил ичида очик акциядорлик жамияти ёки ишлаб чиқариш кооперативи этиб қайта тузилиши керак. Агар кўрсатилган муддат давомида жамият қайта тузилмаса ва жамият иштирокчиларининг сони белгиланган меъёрга қадар камаймаса, у юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг талабига биноан суд тартибида тугатилиши мумкин.

Устав фонди (устав капитали) акциядорларнинг акциядорлик жамиятига нисбатан ҳуқуқларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган тижорат ташкилоти *акциядорлик жамияти* деб эътироф этилади. Акциядорлик жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинмаган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондига (устав капиталига) берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин. Устав фонди (устав капитали) акциядорларнинг акциядорлик жамиятига нисбатан ҳуқуқларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган тижорат ташкилоти акциядорлик жамияти (бундан буён матнда жамият деб юритилади) деб эътироф этилади.

Акциядорлик жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинмаган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондига (устав капиталига) берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши,

зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Акциядорлик жамият филиаллар ташкил этишга ва ваколатхоналар очишга ҳақли.

Филиал жамиятнинг жамият жойлашган ердан ташқарида жойлашган ҳамда унинг барча вазифаларини ёки уларнинг бир қисмини, шу жумладан ваколатхонанинг вазифаларини амалга оширадиган алоҳида бўлинмасидир. Ваколатхона жамиятнинг жамият жойлашган ердан ташқарида жойлашган, унинг манфаатларини ифодалайдиган ва бу манфаатларни ҳимоя қилишни амалга оширадиган алоҳида бўлинмасидир. Акциядорлик жамиятнинг филиали ва ваколатхонаси юридик шахс бўлмайди. Улар жамиятнинг қузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида иш юритади. Акциядорлик жамиятнинг филиалга ва ваколатхонага бериб қўйилган мол-мулки жамиятнинг балансида ҳисобга олинади.

Агар бир (асосий) хўжалик жамияти ёки ширкати иккинчи хўжалик жамиятининг устав фондида ундан устунлик мавқеига эга бўлган ҳолда иштирок этиши туфайли ёхуд улар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ ё бўлмаса бошқача тарзда иккинчи хўжалик жамияти томонидан қабул қилинадиган қарорларни белгилаб бериш имконига эга бўлса, ушбу иккинчи хўжалик жамияти *шўба хўжалик жамияти* ҳисобланади. Шўба хўжалик жамияти юридик шахс ҳисобланади. Шўба хўжалик жамияти ўзининг асосий жамияти (ширкати)нинг қарзлари бўйича жавоб бермайди. Асосий жамият (ширкат) айби билан шўба хўжалик жамияти ночор (банкрот) бўлиб қолган тақдирда, асосий жамият (ширкат) унинг қарзлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади. Шўба хўжалик жамияти иштирокчилари (акциядорлари) асосий жамиятдан (ширкатдан) унинг айби билан шўба жамиятга етказилган зарарни тўлашни, агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, талаб қилишга ҳақли.

Хўжалик жамиятида иштирок этувчи бошқа жамият хўжалик жамиятига қарашли овоз берадиган акцияларнинг (улушнинг) йигирма фоизидан кўпроғига эга бўлса, бундай хўжалик жамияти *қарам жамият* деб ҳисобланади. Қарам хўжалик жамияти юридик шахс ҳисобланади. Хўжалик жамиятида иштирок этувчи бошқа жамият қарам жамият устав фондининг тегишли қисмини қўлга киритиб олганлиги ҳақидаги маълумотларни қонунда назарда тутилган тартибда дарҳол эълон қилиши шарт.

Фуқароларнинг шахсий иштирок этиш ҳамда аъзоларнинг (иштирокчиларнинг) мулк билан қўшиладиган пай бадалларини бирлаштириш асосида биргаликда ишлаб чиқариш ёки бошқа хўжалик фаолиятини олиб бориш учун аъзолик негизидаги ихтиёрий бирлашмаси *ишлаб чиқариш кооперативи* ҳисобланади. Қонунда ва ишлаб чиқариш кооперативининг таъсис ҳужжатларида унинг фаолиятида аъзолик асосида юридик шахслар ҳам иштирок этиши назарда тутилиши мумкин. Ишлаб чиқариш кооперативининг аъзолари кооперативнинг мажбуриятлари бўйича

қонунда ва кооператив уставида назарда тутилган миқдорларда ва тартибда субсидиар жавобгар бўладилар.

Ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан мулкдор томонидан мулк ҳуқуқи берилмаган тижоратчи ташкилот *унитар корхона* ҳисобланади. Унитар корхонанинг мол-мулки бўлинмасдир ва у қўшилган хиссалар (улушлар, пайлар) бўйича, шу жумладан корхона ходимлари ўртасида ҳам, тақсимланиши мумкин эмас. Унитар корхонанинг уставида асосий маълумотлардан ташқари корхона устав фондининг миқдори тўғрисидаги, уни ташкил этиш тартиби ва манбалари тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак. Унитар корхонанинг мол-мулки унга хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида тегишлидир. Унитар корхонанинг фирма номида унинг мол-мулкининг эгаси қўрсатилган бўлиши керак. Унитар корхона бошқариш органи унинг раҳбари бўлиб, бу раҳбар мулкдор томонидан ёки мулкдор вакил қилган орган томонидан тайинланади ҳамда уларга ҳисоб беради. Унитар корхона ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради. Унитар корхона ўз мол-мулки эгасининг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди.

*Нотижорат шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар*

Нотижорат шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ва уларда молияни ташкил этилиш тартиби ҳам ўзига хос тартибга эга бўлади. Нотижорат шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларидан бири *матлубот кооперативи* ҳисобланади. Иштирокчиларнинг моддий (мулкӣ) эҳтиёжларини қондириш мақсадида фуқароларнинг аъзоликка асосланган ихтиёрий бирлашмаси матлубот кооперативи ҳисобланиб, бу бирлашув унинг аъзолари томонидан ўз мулкӣ (пай) бадалларини қўшиш йўли билан амалга оширилади. Матлубот кооперативининг уставида қуйидаги маълумотлар бўлиши керак: кооператив аъзолари қўшадиган пай бадалларининг миқдори тўғрисидаги; кооператив аъзолари пай бадалларининг таркиби ва уларни қўшиш тартиби ҳамда уларнинг бадални қўшиш мажбуриятини бузганлик учун жавобгарлиги тўғрисидаги; кооперативни бошқариш органларининг таркиби ҳамда ваколатлари ва улар томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби, шу жумладан қарорлар бир овоздан ёки овозларнинг малакали кўпчилиги билан қабул қилинадиган масалалар тўғрисидаги; кооператив кўрган зарарларни кооператив аъзолари томонидан тўлаш тартиби тўғрисидаги маълумотлар ва шу қабилар. Матлубот кооперативининг аъзолари қўрилган зарарни йиллик баланс тасдиқланганидан кейин уч ой мобайнида қўшимча бадаллар тўлаш йўли билан қоплашлари шарт. Ушбу бурч бажарилмаган тақдирда кооператив кредиторларнинг талабларига мувофиқ суд томонидан тугатилиши мумкин.

Маънавий ёки ўзга номоддий эҳтиёжларни қаноатлантириш учун ўз манфаатларининг муштараклиги асосида қонунда белгиланган тартибда бирлашган фуқароларнинг ихтиёрий бирлашмалари *жамоат бирлашмалари* ҳисобланади. Жамоат бирлашмалари ўз уставларида назарда тутилган ишлаб



чиқариш ёки ўзга тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга ҳақлидирлар.Жамоат бирлашмаларининг иштирокчилари (аъзолари) ушбу бирлашмаларга мулк қилиб берган мол-мулкларига, шу жумладан аъзолик бадалларига бўлган ҳуқуқларини сақлаб қолмайдилар. Улар аъзо сифатида иштирок этаётган жамоат бирлашмаларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар, мазкур бирлашмалар эса — ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар.

Фуқаролар ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрий мулккий бадаллар қўшиш асосида ташкил этилган, хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлайдиган, аъзолиги бўлмаган нодавлат нотижорат ташкилоти *жамоат фонди* деб эътироф этилади.Жамоат фондига унинг муассислари (муассиси) ёки васият қилувчи томонидан ўтказилган мол-мулк фонднинг мулкидир. Фонд муассислари (муассиси) ёки фонд васиятнома бўйича ташкил этилганида васиятномани ижро этувчи фонднинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, фонд эса муассисларнинг (муассиснинг) ёки васиятномани ижро этувчининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.Жамоат фондининг мол-мулкдан фонд уставида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ҳамда маъмурий харажатларни қоплаш учун фойдаланилади. Фонд қонун ҳужжатларига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан ўз уставида белгиланган мақсадларга тўғри келадиган доирада шуғулланиши мумкин. Фонднинг тижорат ташкилотлари устав фондидаги (устав капиталидаги) иштироки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бошқарув, ижтимоий-маданий вазифаларни ёки тижоратчиликдан иборат бўлмаган бошқа вазифаларни амалга ошириш учун мулкдор томонидан ташкил этилган ва тўла ёки қисман молиявий таъминлаб туриладиган ташкилот *муассаса* ҳисобланади.Муассаса ўз мажбуриятлари бўйича ихтиёридаги пул маблағлари билан жавоб беради. Бу маблағлар етарли бўлмаса, тегишчи мол-мулкнинг эгаси унинг мажбуриятлари юзасидан субсидия жавобгар бўлади.Айрим турдаги давлат муассасалари ва бошқа муассасалар ҳуқуқий мавқеининг хусусиятлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Тижорат ташкилотлари ўзларининг тадбиркорлик фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек муштарак мулккий манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида нотижорат ташкилотлар ҳисобланувчи *уюшмалар (иттифоқлар)* ва ўзга бирлашмаларига бирлашишлари мумкин. Агар иштирокчиларнинг қарорига мувофиқ уюшмага (иттифоққа) ва ўзга бирлашмага тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш вазифаси юклатилса, бундай уюшма (иттифоқ) ва ўзга бирлашма ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда хўжалик ширкати ёки жамиятига айлантирилиши керак ёхуд тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун хўжалик жамиятлари тузиши ёки уларда иштирок этиши мумкин.

Нотижорат ташкилотлари ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек муштарак манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш

мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) шаклида бирлашмалар тузишлари мумкин.Уюшма (иттифоқ) ва ўзга бирлашмалар юридик шахс ҳисобланади.Уюшма (иттифоқ) ва ўзга бирлашмаларнинг аъзолари ўз мустақилликларини ва юридик шахс ҳуқуқларини сақлаб қоладилар.Уюшма (иттифоқ) ва ўзга бирлашмалар ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

*Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари* юридик шахс сифатида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг қатнашчиларидир.Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари яратган ёки сотиб олган мол-мулк уларнинг мулкидир.Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда ҳал қилиш борасидаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан қафолатланадиган мустақил фаолиятидир. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан барпо этилган, олинган ёки қонунда белгиланган тартибда уларга берилган жамоат, ижтимоий-маиший объектлар ва бошқа мақсадларга мўлжалланган объектлар, шунингдек транспорт воситалари, хўжалик анжомлари ва бошқа кўчар ҳамда кўчмас мол-мулк уларнинг мулкидир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг молиявий асоси ўз маблағларидан, маҳаллий бюджетлар маблағларидан, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайрияларидан, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа маблағлардан ташкил топади.Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари банк ҳисобварағидаги молиявий маблағларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мустақил тасарруф этади. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг молиявий маблағлари олиб қўйилиши мумкин эмас.

Юқоридагилардан кўринадики, хўжалик юритувчи субъектларнинг молияси давлат молиясидан фарқли равишда унинг хусусияти хўжалик юритувчи субъектларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига боғлиқ равишда ташкил этилади. Уларнинг молиявий асосининг вужудга келиши, молиявий маблағлардан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш(мол-мулкни тақсимлаш, фойдани тақсимлаш, улушларни бошқага ўтказиш ва ш.к.) муносабатлари ҳам корхона(ташкилот, муассаса, уюшма, фонд)нинг ташкилий асосларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Шу билан биргаликда хўжалик юритувчи субъектларнинг молиясининг асосини ташкил этувчи пул фондларини шакллантириш ва уни тақсимлаш тартиблари ҳам ўзига хос шаклда амалга оширилади, ушбу жараёнларни эса кейинги бандда алоҳида кўриб чиқамиз.

## **6.2.Хўжалик юритувчи субъектларда пул фондларини шакллантириш ва тақсимлаш тартиби**

Таъкидланганидек, хўжалик юритувчи субъектларнинг молия тизими уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига мувофиқ тарзда шаклланиб, бу

жараёнда пул фондлари асосий роль ўйнайди. Молиянинг ташкил этилиш хусусиятлари корхона ва ташкилотларнинг ташкилий тузилишига боғлиқ бўлгани сингари, пул фондларини ташкил этилиши ҳам шу асосга эга бўлиб, унинг турлари, ташкил этиш тартиблари, пул фондларининг ҳажмига минимал талаблар ва уларнинг маблағларидан фойдаланиш тартиблари ҳам корхоналарнинг шаклига қараб турлича бўлади. Бу аввало бир неча омилларга боғлиқ бўлади. Биринчи омил бу давлатнинг молиявий сиёсати орқали хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий сиёсатига, жумладан, уларнинг пул фондларини шакллантиришни тартиблашнинг иқтисодий зарурлиги бўлса, иккинчидан, хўжалик юритувчи субъектлар молиясининг ташкил этилиши ва уларда молиявий ресурсларни шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш жараёнларини умумиқтисод манфаатларига мослашган ҳолда кечишини таъминлашнинг муҳимлигидир. Чунки, бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар мақсади фойда олишга қаратилган бўлиб, уларда(барча индивидларда бўлгани каби) иқтисодий эгоизм кучли бўлади, бу ҳолат иқтисодиётда, айниқса молиявий бозорларда молиявий ресурсларнинг ҳаракатининг нотеқис шаклда амал қилишига олиб келади, провардида эса, бутун иқтисодиётга салбий таъсир қилади. Шу боисдан ҳам хўжалик юритувчи субъектларнинг пул фондларининг шаклланиши ва бошқамолиявий муносабатларини давлат томонидан тартиблаш ва мувофиқлаштирилиб турилиш иқтисодий заруратдир.

Юқоридаги келтирилганидек, хўжалик юритувчи субъектларнинг молия тизими асосан пул фондлари, уларнинг молиявий активлари(ресурслари), молиявий мажбуриятлари ва уларнинг ўзаро ҳаракати билан боғлиқ муносабатлардан иборат бўлиб, уларнинг пул фондлари ўз навбатида мажбурий ва ихтиёрий шаклдаги пул фондларига бўлинади. Хўжалик юритувчи субъектларнинг мажбурий пул фондлари ва уларга қўйилган минимал талабларни қуйидаги жадвалда умумлаштирилган(-жавдал).

8-жадвал.

**Хўжалик юритувчи субъектларнинг мажбурий пул фондлари ва уларга минимал миқдорига иқтисодий талаблар**

№	Хўжалик юритувчи субъектнинг шакли	Пул фонди номи	Минимал талаблар	Манба(асос)
1.	Акциядорлик жамиятлари	Устав фонди	Жамият устав фондининг (устав капиталининг) энг кам миқдори жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича тўрт юз минг АҚШ долларига тенг суммадан камни ташкил этмаслиги керак	«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги қонун 17-модда

		Захира фонди	Устав фондининг (устав капиталининг) ўн беш фоиздан кам бўлмаган миқдорда захира фонди ташкил этилади	«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги қонун 32-модда
2.	Сугурта ташкилотлари <sup>61</sup>	Устав фонди(эквиваленти минг евро): Умумий сугурта соҳасида Ҳаётни сугурталаш соҳасида Мажбурий сугурталаш бўйича Факат қайта сугурталаш бўйича	1 500,0 2 000,0 3 000,0 6 000,0	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 31 майдаги ПҚ-1544-сонли "Сугуртачиларнинг молиявий барқарорлигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори
3.	Банклар	Устав фонди	Тижорат банклари учун — сўм эквивалентида 10 млн еврогача; хусусий банклар учун — сўм эквивалентида 5 млн еврогача.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 апрелдаги ПҚ-1317-сонли"Банк тизмининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори
4.	Қўшма корхоналари	Устав фонди	Корхонанинг низом жамгармаси миқдори 150 минг АҚШ долларига тенг суммадан кам бўлиши мумкин эмас; хорижий сармоялар улуши корхона низом жамгармасининг камида 30%ини ташкил этиши зарур.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбатлантириш омиллари ва имтиёзлар тўғрисида»ги Фармони (30.11.1996 йилдаги ПФ-1652-сон)
5.	Маъсулияти чекланган жамиятлар	Устав фонди	Жамият устав фондининг (устав капиталининг) миқдори жамиятнинг давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим этиш санасидаги ҳолатга қўра қонуни ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан кам бўлмаслиги	Ўзбекистон Республикасининг "Маъсулияти чекланган ҳамда қўшимча маъсулиятли жамиятлар тўғрисида"ги қонуни, 14-модда.

Кўринадики, айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият қилиши ва уларнинг устав фондига ва уларда ташкил этиладиган бошқа фондлар(захира фондлар)га нисбатан минимал талаблар қўйилган. Ушбу

<sup>61</sup>Устав фондининг ушбу минимал миқдори 2014 йил 1 июндан бошлаб янгидан ўрнатилган.

хўжалик юритувчи субъектларнинг устав фондига қўйилган умумий талаблардан яна бири шуки, ушбу минимал миқдорнинг ҳажми уларда давлат рўйхатига олингангунга қадар амалга шакллантирилган бўлиши керак.

Банк — тижорат ташкилоти бўлиб, банк фаолияти деб ҳисобланадиган юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланиш ва тўловларни амалга ошириш каби фаолият турлари мажмуини амалга оширадиган юридик шахс ҳисобланади. Суғурта ташкилоти эса тегишли турдаги суғуртани амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган ва суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товони (суғурта пули) тўловини амалга ошириш мажбуриятини олувчи тижорат ташкилоти бўлган юридик шахсдир.

Таъкидлаш лозимки, банклар ва суғурта ташкилотлари учун ҳам худди акциядорлик корхоналари сингари мажбурий заҳира фондларини шакллантириши лозим. Ушбу заҳира фондларининг минимал миқдорлари эса суғурта ва банк хизматлари ҳамда активларининг ҳажмидан келиб чиқади. Масалан, суғурта ташкилотлари қонунчиликка мувофиқ <sup>62</sup>, "Ишлаб топилмаган мукофот заҳираси", "Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар заҳираси", "Содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар заҳираси", "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича барқарорлаштириш заҳираси", "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича барқарорлаштириш заҳираси", "Мукофотлар заҳираси", "Огоҳлантириш чора-тадбирлари заҳираси" ва бошқа шу каби заҳира фондларини ташкил этилиши лозим бўлади.

Ушбу заҳира фондларининг минимал миқдорлари эса қайд қилинганидек, суғурта хизматлари ва ташкилотнинг активларининг таркиби ҳамда ҳажмидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 15 декабрда 1882-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган "Суғурталовчиларнинг суғурта заҳиралари тўғрисидаги Низом" (махсус ҳисоб-китоблар асосида аниқланади. Ушбу суғурта заҳира фондлари эса суғурта қилдирувчи томонидан сўм ёки хорижий валютада тўланган суғурта мукофотлари ҳисобига суғурталовчи томонидан шакллантириладиган ҳамда суғурталовчининг балансида актив ёки мажбурият кўринишида ҳисобга олинадиган, суғурта тўловлари бўйича молиявий мажбуриятларни бажариш, зарарларни бартараф этиш бўйича харажатлар ва огоҳлантириш чора-тадбирларини молиялаштириш учун зарур бўлган маблағларни шакллантириш мақсадида тузилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуни ҳамда (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 9 сентябрда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 2004) "Тижорат

<sup>62</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги қонуни 21-моддаси, "Суғурталовчиларнинг суғурта заҳиралари тўғрисидаги Низом".

банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида депозитга ўтказиладиган мажбурий резервлари тўғрисидаги Низом"га мувофиқ тижорат банклари Ўзбекистон Марказий банкида мажбурий резервларини сақлайдилар. Ушбу мажбурий резервлар банклар томонидан Марказий банкдаги ҳисобвараққа мажбурий тартибда миллий ва хорижий валютада депозитга ўтказилган пул маблағларидир. Ушбу мажбурий резервлар эса тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида резерв шакллантириладиган мажбуриятлари ва Марказий банк томонидан банкнинг резерв шакллантириладиган мажбуриятларига нисбатан фоиз ҳисобида ўрнатиладиган мажбурий резервларнинг энг кам миқдоридан келиб чиқиб шакллантирилади. Мажбурий резервлар нормативи Марказий банк Бошқаруви қарори билан ўрнатилади ва резерв шакллантириладиган мажбуриятларнинг тури ва муддатига боғлиқ бўлади.

**Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банкида резерв шакллантириладиган мажбуриятлари  
РЎЙХАТИ<sup>63</sup>**

Т/р	Баланс ҳисобварағи рақами	Резерв шакллантириладиган мажбуриятлар номлари
1.	20203	Республика қарамоғидаги бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари
2.	20204	Маҳаллий бюджет қарамоғидаги бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари
3.	20205	Бюджетдан ташқари фондларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари
4.	20207	Республика йўл жамғармасининг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари
5.	20208	Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари
6.	20210	Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларининг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари
7.	20212	Нодавлат нотижорат ташкилотларининг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари
8.	20214	Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари
9.	20216	Банк бўлмаган молиявий муассасаларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари

<sup>63</sup>Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида депозитга ўтказиладиган мажбурий резервлари тўғрисидаги Низом"нинг 1-илоvasи. Ушбу рўйхат 2015 йил 1 январь ҳолатига бўлиб, унга Ўзбекистон Республикаси Марказий томонидан ўзгартириб киритиб борилиши мумкин.

10.	20218	Якка тартибдаги тадбиркорларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари
11.	20296	Бошқа мижозларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари
12.	20403	Республика қарамоғидаги бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича жамғарма депозитлари
13.	20404	Маҳаллий бюджет қарамоғидаги бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича жамғарма депозитлари
14.	20405	Бюджетдан ташқари фондларнинг жамғарма депозитлари
15.	20408	Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларнинг жамғарма депозитлари
16.	20410	Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларининг жамғарма депозитлари
17.	20412	Нодавлат нотижорат ташкилотларининг жамғарма депозитлари
18.	20414	Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарнинг жамғарма депозитлари
19.	20416	Банк бўлмаган молиявий муассасаларнинг жамғарма депозитлари
20.	20418	Якка тартибдаги тадбиркорларнинг жамғарма депозитлари
21.	20496	Бошқа мижозларнинг жамғарма депозитлари
22.	20603	Республика қарамоғидаги бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича муддатли депозитлари
23.	20604	Маҳаллий бюджет қарамоғидаги бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича муддатли депозитлари
24.	20605	Бюджетдан ташқари фондларнинг муддатли депозитлари
25.	20608	Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларнинг муддатли депозитлари
26.	20610	Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларининг муддатли депозитлари
27.	20612	Нодавлат нотижорат ташкилотларининг муддатли депозитлари
28.	20614	Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарнинг муддатли депозитлари
29.	20616	Банк бўлмаган молиявий муассасаларнинг муддатли депозитлари
30.	20618	Якка тартибдаги тадбиркорларнинг муддатли депозитлари
31.	20696	Бошқа мижозларнинг муддатли депозитлари

32.	21202	Бошқарув (менежер) чеклари
33.	22604	Мижозларнинг бошқа депозитлари — жамғарма — мақсадли
34.	22606	Мижозларнинг импорт билан боғлиқ тратта ва ёки траст хужжатлари билан кафолатланган аккредитивлар бўйича депозитлари
35.	22608	Мижозларнинг қимматли қоғозлар билан бўладиган операциялар бўйича маблағлари
36.	22610	«O'ZBEKISTON POCHTASI» AJ нинг таркибий бўлиналари томонидан тўланадиган пенсия ва нафақалар
37.	22612	«O'ZBEKISTON POCHTASI» AJ нинг таркибий бўлиналари томонидан амалга ошириладиган пул ўтказмалари ва даврий нашрларга обуна
38.	22619	Якка тартибдаги тадбиркорларнинг пластик қарточкалари бўйича мажбуриятлар
39.	22620	Корпоратив пластик қарточкалар бўйича мажбуриятлар
40.	22622	Юридик шахсларнинг ўз ваколатхоналари ва филиаллари таъминоти учун ажратган маблағлари
41.	22624	Айрим турдаги акцизли товарларни сотадиган юридик шахсларнинг мақсадли маблағлари
42.	22626	Корхона ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари
43.	22630	Маҳаллий бюджетдан молиялаштирилаётган, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тайинланган ижтимоий нафақалар маблағлари
44.	22696	Бошқа депозит мажбуриятлари
45.	23404	Республика қарамоғидаги бюджет муассасаларининг маблағлари
46.	23424	Капитал қўйилмаларни маҳаллий бюджетлардан молиялаштириш
47.	23426	Маҳаллий бюджет маблағлари — туман/шаҳар
48.	23430	Маҳаллий бюджет маблағлари — вилоят
49.	23432	Маҳаллий бюджет маблағлари — Қорақалпоғистон Республикаси
50.	29801	Мижозлар билан ҳисоб-китоблар
51.	29842	Ҳаракатсиз депозит мажбуриятлари
52.	29846	Талаб қилиб олинмаган бошқа кредит қолдиқлари
53.	29896	Бошқа мажбуриятлар

Ушбу рўйхатга жисмоний шахслар ва бошқа банкларнинг депозитлари резерв шакллантириладиган мажбуриятлар таркибига киритилмайди. Бу ерда Марказий банкка депозитга ўтказилиши лозим бўлган мажбурий резервлар миқдори мажбурий резервлар нормативини резерв шакллантириладиган мажбуриятларнинг ҳисоб-китоб давридаги ўртача миқдорига кўпайтириш орқали ҳисобланади. Резерв шакллантириладиган миллий ёки хорижий

валютадаги мажбуриятларнинг ўртача миқдори ҳисоб-китоб даврининг ҳар бир куни учун резерв шакллантириладиган мажбуриятлар ҳисобварақларининг тегишли валютадаги қолдиқларини жамлаш ва ушбу суммани ҳисоб-китоб давридаги календарь кунлари сонига бўлиш орқали аниқланади.

Депозитга ўтказиладиган маблағлар суммаси эса қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

*Депозитга ўтказиладиган маблағлар суммаси = (Миллий валютадаги резерв шакллантириладиган мажбуриятларнинг ўртача икки ҳафталик қолдиғи) + (Хорижий валютадаги резерв шакллантириладиган мажбуриятларнинг ўртача икки ҳафталик қолдиғи) / 100 x Мажбурий резервлар нормативи.*

Бу ерда миллий валютадаги резерв шакллантириладиган мажбуриятларнинг ўртача икки ҳафталик қолдиғини аниқлашда миллий валютадаги кўрсатиб ўтилган мажбуриятларнинг ўртача икки ҳафталик қолдиғи олинади, хорижий валютадаги резерв шакллантириладиган мажбуриятларнинг ўртача икки ҳафталик қолдиғини аниқлашда эса хорижий валютадаги кўрсатиб ўтилган мажбуриятларнинг ўртача икки ҳафталик миқдори олинади. Ҳисоб-китобни тузишда ҳар кунлик баланс ҳисоботи асосида ҳисобланадиган ўртача икки ҳафталик баланс маълумотлари аке эттирилади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг энг кўп тарқалган тури бу акциядорлик жамиятларидир. Акциядорлик жамиятларининг бошқа тижорат шаклидаги корхоналардан фарқи шундаки, бундай корхоналарда акция чиқарилади, корхонанинг молиявий муносабатларни ташкил этиш ва амалга ошириш ҳам ўзига хос тарзда амалга оширилади.

Суғурта ташкилотлари, банклар ва акциядорлик жамиятларида мажбурий захира фондининг шакллантиришнинг зарурлиги шундаки, бу каби хўжалик юритувчи субъектлар асосан бошқаларнинг пул маблағларини ўзига жалб қилиш орқали амалга оширади, бу эса уларнинг фаолиятида рискни оширади. Суғурта ташкилотлари суғурталанувчиларнинг, банклар эса омонатчиларнинг, ўз навбатида акциядорлик жамиятлари эса акция эгаларининг пул маблағларига эгалик қилади, улардан фойда олади. Аммо, улар ҳам бозор муносабатларида қатнашувчиси сифатида рақобат муҳитида фаолият кўрсатади. Бошқаларнинг пул маблағлари (молиявий ресурсларининг кафиллигини таъминлаш мақсадида эса давлат томонидан молиявий сийсат юритилади, бу орқали эса давлат бу каби корхоналарнинг бошқаларнинг пул маблағларини улар ночор аҳволга (банкротга учраган) тушган вақтда қайтарилишини таъминлайди. Шу боисдан ҳам ушбу турдаги корхоналарда захира шаклидаги пул фондларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этиши билан биргаликда иктисодиётда молиявий ресурсларнинг самарали бошқарилиши таъминланади.

Акциядорлик жамиятда жамият уставида назарда тутилган, аммо унинг устав фондининг (устав капиталининг) ўн беш фойзидан кам бўлмаган

миқдорда захира фонди ташкил этилади. Жамиятнинг захира фонди жамият уставида белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойдадан ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади. Ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори жамият уставида назарда тутилади, аммо бу миқдор жамият уставида белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойданинг беш фойзидан кам бўлмаслиги керак. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг захира фонди жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Жамиятнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас. Жамият уставида бошқа фондларни ташкил этиш назарда тутилиши мумкин.

Бундан ташқари акциядорлик жамиятларининг молиявий активлари ҳам давлат томонидан қонуқчилик асосида тартибга солиб борилади. Акциядорлик жамиятнинг соф активларининг қиймати эса бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича, жамият активлари ва мажбуриятларининг умумий суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Қонунчиликка мувофиқ, агар иккинчи молия йили ва ундан кейинги ҳар бир молия йили тугаганидан кейин акциядорларнинг умумий йиғилишига тасдиқлаш учун тақдим этилган йиллик бухгалтерия балансига ёки аудиторлик текшируви натижасига мувофиқ жамият соф активларининг қиймати унинг устав фондидан (устав капиталидан) оз бўлиб чиқса, жамият ўз устав фондини (устав капиталини) соф активлари қийматидан ошиб кетмайдиган миқдорга камайтириши шарт. Агар иккинчи молия йили ва ундан кейинги ҳар бир молия йили тугаганидан кейин акциядорларнинг умумий йиғилишига тасдиқлаш учун тақдим этилган йиллик бухгалтерия балансига ёки аудиторлик текшируви натижасига мувофиқ жамият соф активларининг қиймати жамият устав фондининг (устав капиталининг) тўрт юз минг АҚШ долларидан оз бўлиб чиқса, жамият ўзининг тугатилиши ҳақида қарор қабул қилиши шарт бўлади.

Акциядорлик жамиятларида мажбурий пул фондларидан ташқари ихтиёрий равишда тузиладиган пул фондларини тузиш, акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасида амалга оширилади, бундан ташқари жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш, жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш, жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш тартиблари ҳам жамиятнинг умумий йиғилишининг қарордари асосида амалга оширилади. Шунингдек, жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш ва мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш тартиби эса акциядорлик жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан белгиланади. Акциядорлик жамиятларида пул фондларидан фойдаланишнинг бундай механизмнинг моҳияти шундан иборатки, бир томондан акционерларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш бўлса, бошқа томондан корхона бошқаришнинг демократлашувини таъминлашга қаратилган бўлади, жамият мол-мулки ва унинг молиявий

мабалағларини сарфлашнинг демократик усуллари ишлай бошлайди. Акциядорлик жамиятларида молиянинг муҳим ўзагини акция эгаларига дивидендларни тақсимлаш жараёни ҳам ташкил этади. Моҳияти жиҳатидан дивиденд жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисми бўлиб, жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт бўлади. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин, аммо, жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни қимматли қоғозлар билан тўлашга йўл қўйилмайди. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади. Дивидендлар жамиятнинг жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар жамиятнинг бунинг учун махсус мўлжалланган фондлари ҳисобидан ҳам тўланиши мумкин. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби жамиятнинг уставида ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтимиш кундан кеч бўлмаслиги лозим. Дивидендларни тўлаш чоғида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича қатъий белгиланган дивидендларни тўлаш учун етарли миқдорда фойда мавжуд бўлган тақдирда жамият мазкур акцияларнинг эгаларига дивидендлар тўлашни рад этишга ҳақли бўлмайди.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг яна энг кўп тарқалган шакллари билан бири бу маъсулияти чекланган жамиятлар ҳисобланиб, уларда ҳам молияни ташкил этиш, пул фондлари ҳамда молиявий ресурслардан фойдаланиш тартиблари ҳам ўзига хос механизмларга эга. Маъсулияти чекланган жамиятларнинг ташкилий тузилиши бўйича уларда устав фонди минимал талаблар қўйилган бўлса (бу ҳақда юқорида келтириб ўтилди), унда ишловчилар сонига эса максимал талаблар қўйилган. Яъни, агар маъсулияти чекланган жамият иштирокчиларининг сони белгиланган меъёрдан (эллик нафардан) ошиб кетса, жамият бир йил ичида очик акциядорлик жамияти ёки ишлаб чиқариш кооперативи этиб қайта тузилиши керак. Агар кўрсатилган муддат давомида жамият қайта тузилмаса ва жамият иштирокчиларининг сони белгиланган меъёрга қадар камаймаса, у юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг талабига биноан суд тартибида тугатилиши керак бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг "Маъсулияти чекланган ҳамда қўшимча маъсулиятли жамиятлар тўғрисида"ги қонуни (27-моддаси)га кўра жамият ўзининг уставига назарда тутилган, лекин ўз устав фондининг (устав капиталининг) ўн беш фоиздан кам бўлмаган миқдорда захира фондини вужудга келтириши мумкин. Жамиятнинг захира фонди жамиятнинг уставига белгиланган миқдорга етгунга қадар ҳар йили соф фойдадан

ажратмалар қилиш йўли билан шакллантирилади. Ҳар йилги ажратмалар миқдори жамиятнинг уставига назарда тутилади, лекин у жамиятнинг уставига белгиланган миқдорга етгунга қадар соф фойданинг беш фоиздан кам бўлиши мумкин эмас. Жамиятнинг захира фонди эса унинг зарарларини қоплаш, ва жамият томонидан жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталдаги) улушни (улушнинг бир қисмини) олиш учун мўлжаллангандир.

Маъсулияти чекланган жамият давлат рўйхатидан ўтказиладиган пайтга қадар унинг ҳар бир иштирокчиси таъсис ҳужжатларида кўрсатилган жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталдаги) ўз ҳиссасининг камида ўттиз фоизини киритиши шарт.

Жамиятнинг ҳар бир иштирокчиси таъсис ҳужжатларида белгиланган ва жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб бир йилдан ошмайдиган муддат мобайнида жамиятнинг устав фондига (устав капиталига) ўз ҳиссасини тўлиқ киритиши керак.

Маъсулияти чекланган жамият устав фондининг (устав капиталининг) кўпайтирилиши жамиятнинг мол-мулки ҳисобига ва (ёки) жамият иштирокчиларининг қўшимча ҳиссалари ҳисобига ва (ёки), агар бу жамиятнинг устав билан тақиқланган бўлмаса, жамиятга қабул қилинадиган учинчи шахсларнинг ҳиссалари ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

Маъсулияти чекланган жамият устав фондини (устав капиталини) жамиятнинг мол-мулки ҳисобига кўпайтириш тўғрисидаги қарор бундай қарор қабул қилинган йилдан олдинги йил учун жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари асосидагина қабул қилиниши мумкин. Маъсулияти чекланган жамият устав фонди (устав капитал) жамиятнинг мол-мулки ҳисобига кўпайтириладиган сумма жамият соф активларининг қиймати билан устав фонди (устав капитал) ҳамда захира фонди суммаси ўртасидаги фарқдан ортиқ бўлмаслиги керак. Маъсулияти чекланган жамиятнинг устав фонди (устав капитал) кўпайтирилганда жамият барча иштирокчилари улушларининг миқдорлари ўзгармаган ҳолда улар улушларининг номинал қиймати мутаносиб равишда кўпаяди.

Маъсулияти чекланган жамият йилнинг ҳар чорағида, ярим йилда бир марта ёки бир йилда бир марта ўзининг соф фойдасини жамият иштирокчилари ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир. Жамиятнинг жамият иштирокчилари ўртасида тақсимланадиган фойдаси қисмини аниқлаш тўғрисидаги қарор жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Жамият фойдасининг унинг иштирокчилари ўртасида тақсимлаш учун мўлжалланган қисми уларнинг жамият устав фондидаги (устав капиталдаги) улушларига мутаносиб равишда тақсимланади.

Маъсулияти чекланган жамият куйидаги ҳолларда ўз фойдасини жамият иштирокчилари ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас:

• жамиятнинг бутун устав фонди (устав капитали) тўлиқ тўлангунга қадар;

• Қонунда назарда тутилган ҳолларда жамият иштирокчиси улушининг (улуши бир қисмининг) ҳақиқийқиймати тўлангунга қадар;

• агар бундай қарорни қабул қилиш пайтида жамият қонунга мувофиқ банкротлик белгиларига жавоб берса ёки агар мазкур белгилар жамиятда шундай қарор қабул қилиниши натижасида пайдо бўлса;


• агар шундай қарорни қабул қилиш пайтида жамият соф активларининг қиймати унинг устав фондидан (устав капиталидан) вазахира фондидан кам бўлса ёки шундай қарор қабул қилиниши натижасида уларнинг миқдоридан камроқ бўлиб қолса;

• қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Шунингдек, маъсулияти чекланган жамият ўз устав фондидан (устав

капиталини) камайтиришга ҳақлидир, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, жамият ўз иштирокчиларининг жамият устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларининг номинал қийматини камайтириши ва (ёки) жамиятга тегишли улушларнинг ҳақини тўлаш орқали устав фондидан (устав капиталини) камайтириши лозим бўлади. Маъсулияти чекланган жамият барча иштирокчилари улушларининг номинал қийматини камайтириш йўли билан жамиятнинг устав фондидан (устав капиталини) камайтириш жамият барча иштирокчилари улушларининг миқдорлари сақлаб қолинган ҳолда амалга оширилмоғи лозим. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йил мобайнида унинг устав фонди (устав капитали) тўлиқ тўланмаган тақдирда, жамият ўзининг устав фондидан (устав капиталини) амалда тўланган миқдоргача камайтиришини эълон қилиши ва унинг камайтирилганлигини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиши ёки жамиятни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиши зарур.

Нотижорат шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар орасида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам энг кўп тарқалган ташкилотлардан бири саналади ва уларда молиявий муносабатларнинг ташкил этиш механизмлари ҳам ўзига хос тартибга эгадир. Мазмунан ушбу ташкилотларнинг фаолияти фойда олишга мўлжалланмаган бўлади. Яъни, нодавлат нотижорат ташкилоти — жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир ва у жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади.



19- расм. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг шакллари.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд, муассаса шаклида, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқа

шаклда ташкил этилиши, шунингдек, ўзларининг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, шунингдек умумий манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) шаклида бирлашмалар тузиши мумкин. Нодавлат нотижорат ташкилоти унинг муассислари (аъзолари) қарори асосида қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилади. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг уюшмалари (иттифоқлари) камида иккита нодавлат нотижорат ташкилоти ташаббуси билан тузилиши мумкин. Нодавлат нотижорат ташкилотининг ташаббускорлари ёки муассислари таъсис съездини (конференциясини) ёки умумий йиғилишни чақирадилар, унда устав қабул қилинади ҳамда раҳбар органлари тузилади.

Таъсис шартномасида тарафлар (муассислар) нодавлат нотижорат ташкилотлари уюшмасини (иттифоқини) тузиш мажбуриятини оладилар, уни тузиш соҳасида биргаликда фаолият кўрсатиш тартибини, унга ўз мол-мулкини бериш ҳамда унинг фаолиятида иштирок этиш, нодавлат нотижорат ташкилоти фаолиятини бошқариш, муассисларнинг унинг таркибидан чиқиш шартларини белгилаб берадилар. Бинолар, иншоотлар, турар жойлар, ускуналар, инвентар, пул маблағлари, шу жумладан чет эл валютасидаги пул маблағлари, кимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулк нодавлат нотижорат ташкилотининг мулки бўлиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг мол-мулкини шакллантириш манбалари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- кириш ва аъзолик бадаллари, агар улар уставда назарда тутилган бўлса;
- муассислардан, қатнашчилардан (аъзолардан) бир мартаба ва мунтазам равишда келадиган тушумлар;
- ихтиёрий мулкрий бадаллар ва эҳсонлар;
- тадбиркорлик фаолиятидан олинган, фақат устав мақсадлари учун ишлатиладиган даромадлар (фойда);
- қонунларда тақиқланмаган бошқа тушумлар.

Нодавлат нотижорат ташкилоти қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз устав мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан

шуғулланиши мумкин.Нодавлат нотижорат ташкилоти қонун  
хужжатларида



белгиланган тартибда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар тўлайди, шунингдек имтиёзлардан фойдаланади.

### 6.3. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий натижаларни аниқлаш механизми

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар молия тизимидаги асосий жараёнлардан бири бу иқтисодий фаолиятнинг натижаларини баҳолаш (аниқлаш) ҳисобланади. Иқтисодий фаолиятни бундай баҳолаш одатда қорхонанинг молиявий натижаларини аниқлаш тарзида амалга оширилади. Ўз навбатида молиявий натижалар эса қорхонанинг фойда олиш мақсадида қилинган саъий ҳаракатлари, аниқроғи қилинган харажатларининг самарадорлигини аниқлаб беради. Молиявий натижаларнинг даражасига қараб эса қорхонанинг пул фондлари шаклланади. Қорхонада такрор ишлаб чиқариш жараёнида моддий, жумладан молиявий ресурслар ва меҳнат ресурсларининг ўзаро мақсадли равишда ҳаракатга келтирилишида қорхонанинг молиявий ресурсларининг асосий манбаи бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) жараёни юзага келади. Хўжалик юритувчи субъектларда пул фондларини уларнинг иқтисодий манфаатлари доирасида тўғри ташкил этиш, қорхонада молиявий операцияларни тўғри ташкил этиш, қорхонанинг мавжуд салоҳиятидан (молиявий активларидан) самарали фойдаланишни амалга ошириш уларнинг молия тизимининг самарадорлигини таъминлайди. Қорхоналарда молиявий муносабатларнинг ҳолатини ҳисобга олиш, пул фондларини ташкил қилиш, молиявий ресурсларни самарали бошқариш, улардан самарали фойдаланишнинг стратегик йўналишларни ишлаб чиқиш ва шу каби жараёнларни амалга ошириш эса қорхонанинг иқтисодчилари, ҳисобчилари ва молиячилари томонидан амалга оширилади. Қорхона ҳисобчилар (бош ҳисобчи) аслида қорхонага тегишли маблағлар ва уларнинг ташкил топиш манбаларининг ҳолати ва ҳаракатини жараёнининг ҳисобини олиб борадилар. Ушбу мутахассислар эса молиявий муносабатлар ва жараёнларнинг самарадорлик даражаларини аниқлаш билан шуғулланишмайди, ўз навбатида эса уларнинг касбий малакасига (хизмат лавозимига кирмайди) дахлдор эмас. Бу жараёнлар эса қорхона иқтисодчилари ва молиячиларининг зиммасига юклатилади. Бироқ, қорхоналарда молиявий натижаларни аниқлаш ҳисобчилар томонидан амалга оширилсада, иқтисодчилар эса ушбу жараённи самарадорлигини таҳлил қилиш учун ҳам молиявий натижаларнинг аниқлаш механизмларини билиш тақозо этилади. Шу боисдан тадбиркорлик фаолияти билан

шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларда молиявий натижаларни аниқлаш тартибини қисқача кўриб ўтаемиз.<sup>64</sup>

<sup>64</sup>Солиққа тортиш мақсадида молиявий натижаларни аниқлаш тартиби ҳам дарсликнинг солиқлар қисмида келтириб ўтилган бўлиб, унда фойда солиғи базасини аниқлаш тартиби юзасидан ёндошилган бўлиб,

Аслини олганда молиявий натижаларни аниқлашда фойда, даромад, харажат, зарар ва шу каби асосий иқтисодий категориялардан фойдаланилади. Молиявий натижа бу таққосий жараён ҳисобланади ва у уч хил даражада мавжуд бўлади, яъни, фойда, зарар ҳамда оддий такрор ишлаб чиқариш жараёни (фойда ҳам эмас, зарар ҳам эмас) сифатида намоён бўлади. Бу категорияларнинг иқтисодий мазмуни назарий жиҳатдан барча давлатларда бир хил мазмунга эга бўлсада, аммо уларнинг тан олиниш даражаси ҳар бир давлатнинг ўз қонун ва бошқа қонуности ҳужжатларида алоҳида аниқлаштириб қўйилади.

Ўзбекистон Республикасида бу иқтисодий-молиявий категория-ларнинг талқини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган "Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом", Бухгалтерия ҳисобининг 2-сонли "Асосий хўжалик фаолиятдан тушган даромадлар" миллий стандарти ва Бухгалтерия ҳисобининг 3-сонли "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот" миллий стандартида акс эттирилган. Ушбу меъёри ҳужжатларга кўра:

*Daromad deganda* xo'jalik yurituvchi subyektning oddiy faoliyati davomida olingan daromadlar, shu jumladan mahsulotni sotish (ishlarni bajarish va xizmat ko'rsatish)dan olingan daromadlar, olingan foizlar, dividendlar, royaltilar va boshqalar tushuniladi.

*Asosiy xo'jalik faoliyatidan olinadigan daromadlar* - xo'jalik yurituvchi subyektning odatdagi faoliyati davomida vujudga keladigan davr ichida mulk egalaringning o'z sarmoyalariga badali bilan bog'liq bo'lgan ko'payishlarni istisno etganda, o'z sarmoyasi ko'payishiga olib keladigan tushumlar.

Asosiy xo'jalik faoliyatidan olinadigan daromad xo'jalik yurituvchi subyektning schyotiga yalpi tushumlardan yoki olinishi mumkin bo'lgan tushumlardan iborat. Uchinchi shaxslar nomidan undirib olinadigan, xo'jalik yurituvchi subyektga tushadigan va o'z sarmoyasi ko'payishiga olib kelmaydigan bilvosita soliqlar miqdori asosiy xo'jalik faoliyati daromadiga kiritilmaydi. Vositachilik faoliyatida yalpi tushumlar asosiy xo'jalik faoliyatidan olinadigan daromad hisoblanmaydi. Bunday hollarda vositachilik haqi daromad hisoblanadi<sup>65</sup>.

*Favqulodda daromad (zarar)* - xo'jalik yurituvchi subyektning odatdagi faoliyatidan aniq farq qiladigan, ya'ni tez-tez yoki muntazam sodir bo'lmaydigan voqealar yoki bitimlar natijasida yuz bergan daromadlar yoki xarajatlar.

*Xo'jalik umumiy faoliyati* - xo'jalik yurituvchi subyektning har qanday tadbirkorlik faoliyati bo'lib, uning oddiy faoliyati, shuningdek xo'jalik yurituvchi subyektning kelgusidagi taraqqiyotga, xo'jalik yurituvchi subyekt iqtisodiy foydalarni mustahkamlash va o'stirishga qaratilgan faoliyatidan iborat<sup>66</sup>.

харажатларнинг мазмунига кам тўхталинган.

<sup>65</sup>Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1998 йил 20 августдаги 41-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва 1998 йил 26 августда Адлия вазирлигида 483-сон билан рўйхатга олинган "Асосий хўжалик фаолиятдан тушга даромадлар" 2-сонли Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти.

<sup>66</sup>Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1998 йил 25 августдаги 43-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва 1998 йил 27 августда Адлия вазирлигида 484-сон билан рўйхатга олинган "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот" 3-сонли Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти.


Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси(22-моддаси)да эса *соф тушум* — товарлар (ишлар, хизматлар) нархида ҳисобга олинadиган кўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи ҳамда транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинadиган солиқ суммаларини киритмаган ҳолда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушум сифатида талқин қилинган бўлса, *соф фойда* — солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин юридик шахс ихтиёрида қоладиган фойда деб изоҳланган, шунингдек, *таннарх тушунчаси* эса маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатишда фойдаланиладиган моддий ресурсларнинг, асосий фондларнинг, меҳнат ресурсларининг, шунингдек товарлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш жараёнини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа турдаги харажатларнинг қиймат баҳосидир деб таърифланган.

Хўжалик юритувчи субъектлар молиясида фойда категорияси ва унга эга бўлиш жараёни энг асосий масала ҳисобланади. Таъкидлаш керакки, "Асосий хўжалик фаолиятдан тушга даромадлар" 2-сонли Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартида даромад тушунчаси таъриф берилган бўлинсада, аммо, фойда, даромад ва ялпи тушумлар ўртасидаги аниқ фарқлар(уларнинг аниқ талқини) меъёрий ҳужжатларда унчалик тўлиқ акс этмаган. Амалий жиҳатдан қараганда ялпи тушум ва даромад, даромад ва фойда тушунчалари бирга келади ва уларнинг намён бўлиши бир вақтда кечади. Агар, "Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом" мазмуни билан қаралганда ялпи тушум ва даромад бир хил мазмунга эга бўлади, ваҳоланки, ушбу низомда хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижаларини аниқлаш тартибида даромад категорияси келтирилмайди. Умумий тартибда корхонанинг молиявий натижаси куйидаги тартибда аниқланади:

*Молиявий натижа (фойда ёки зарар) = (асосий фаолиятдан олинган фойда ёки зарар) + (Бошқа фаолиятдан олинган фойда ёки зарар) + (Молиявий операциялардан олинган фойда ёки зарар) + (Фавқулодда фойда ёки зарар).*

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижаларини таркиби бўйича аниқлаштириш эса Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва 2003 йил 24 январда Адлия вазирлигида 1029-сон билан рўйхатга олинган "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот" 2-сон шаклда акс эттирилган.

Корхонанинг молиявий натижасини аниқлашда эса харажатларни гуруҳлаштириш ва уларни молиялаштириш(маҳсулот таннархига ёки корхона зарари сифатида қоплаш) тартиби ҳам алоҳида аҳамият касб этади.




20- расм. Хўжалик юритувчи субъектларда харажатларнинг гуруҳланиши.

Республикадаги амалдаги тартибга кўра хўжалик юритувчи субъектларнинг умумий харажатларини қоплаш(молиялаштириш) маҳсулот таннархига олиб бориладиган харажатлар ва давр харажатлари сифатда ҳисобга олинади. Маҳсулот таннархига олиб бориладиган харажатларнинг ўзи ҳам эса моддий, меҳнат ва бошқа харажатларга гуруҳланади. Давр харажатлари эса ўзида сотиш харажатлари, бошқарув харажатлари ва бошқа операцион харажатларни акс эттиради. Бундан ташқари хўжалик юритувчи субъектнинг умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда ёки зарарларни ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинadиган фонизлар бўйича харажатлар, хорижий валюта билан операция бўйича салбий курс тафовутлари, қимматли қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолаш ва молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар шаклидаги хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий фаолияти бўйича харажатлари ҳам мавжуд бўлади. Ушбу ҳар бир гуруҳ ўзида кўплаб харажат турларини акс эттиради. (Ушбу харажатларнинг мазмуни билан танишиб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган "Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом" билан танишиб чиқиш тавсия этилади.)

#### 6.4. Хўжалик юритувчи субъектлар молия тизимида молиявий коэффициентларнинг роли ва уларни аниқлаш тартиби

Хўжалик юритувчи субъектлар молияси тизимида молиявий муносабатларнинг ташкил этилиши, молиявий ресурслар ва бошқа молиявий активлардан қандай фойдаланаётганлигини аниқлаш ва уни таҳлил этиш

катта аҳамият касб этади. Булар одатда *молиявий коэффицентлар* орқали ифодаланадики, молиявий коэффицентлар корхона фаолиятини молиявий бошқарув жараёни учун муҳим стратегик ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади, молиявий бошқарув жараёнидаги камчиликлар ва нотўғри қўлланилган тактик йўналишлар ёки молиявий қарорларнинг салбий(ижобий) таъсирларини кўрсатиб беради. Молиявий кўрсаткичлар умумлашган ҳолда эса корxonанинг молиявий ҳолатини баҳолаб беради. Унинг натижалари эса корxonанинг молиявий сиёсатини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари ушбу молиявий кўрсаткичлар корхона кредиторлари учун корxonанинг молиявий фаолиятини баҳолашда, инвесторлар учун инвестиция лойиҳалари ва ресурсларининг самарадорлигини баҳолашда ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Шу билан биргаликда корxonанинг рақобатбардошлигини аниқлашда, унинг бозордаги ўрни ва мавқейини билишда тармоқдаги корxonалар билан таққослаш имкониятини беради, молиявий ресурсларни жойлаштириш ва пул фондларидан самарали фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқишда кенг фойдаланилади. Иқтисодий адабиётларда <sup>67</sup> молиявий коэффицентларнинг қуйидаги шакллари келтирилади:



21-расм. Молиявий коэффицентлар.

**1. Ликвидлик коэффицентлари.** Ликвидлик термини латин тилидан олинган бўлиб, *liquidus* — суюқ, оқувчи деган маъноларни англатиб, корxonаларнинг ўзларидаги жорий активлари ҳисобига жорий мажбуриятларини номинал тўлаш имкониятига эга ёки эга эмаслигини тавсифлайди. Ликвидлик одатда бозор иқтисодиёти шароитида турли хил хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан қўлланилади. Масалан, банк ликвидлиги, фирманинг ликвидлиги, қимматли қоғозлар ликвидлиги ва шу кабилар. Активлар уларнинг мазмунига қараб эса юқори ликвидли, пастликвидли ва ликвидсиз активларга ҳам ажралади. Ликвидлик даражасига қараб эса тўрт гуруҳга бўлинади:

1. А1 -Юқори ликвидли активлар,
2. А2- Тез реализация қилинадиган активлар,
3. А3- Секин реализация қилинадиган активлар,
4. А4- Қийин реализация қилинадиган активлар.

Шунингдек, корxonанинг молиялаштириш манбалари унинг бухгалтерия балансининг ликвидлиги нуқтаи назардан ҳам тўрт гуруҳга ажратилади:

1. П1 -Тез қайтариладиган мажбуриятлар,
2. П2- Қисқа муддатли пассивлар,
3. П3- Узок муддатли пассивлар,
4. П4- Доимий пассивлар.

Агар, активларнинг ҳолати ва даражаси бўйича қуйидаги: А1>П1, А2>П2, А3>П3, А4<П4 ҳолат таъминланса, у ҳолда корxonани ликвидли деб ҳисоблаш мумкин бўлади.

Ликвидлик корxonанинг ҳолатини ақс эттиришига қараб, жорий, тез ва мутлоқ ликвидликларга бўлинади.

*Жорий ликвидлик коэффицентлари* бу жорий активларнинг қисқа муддатли активларга нисбатан тенг бўлади ва у қуйидагича кўринишга эга бўлади:

*Жорий ликвидлик коэффицентлари* = (Айланма активлар) -  
(Таъсисчиларнинг устав капиталига бадаллари бўйича қарзлари) / Қисқа  
муддатли активлар. Ёки:

$$\text{Жорий ликвидлик коэффицентлари} = (A1 + A2 + A3) / (P1 + P2).$$

*Жорий ликвидлик коэффицентлари* бу жорий(қисқа муддатли) мажбуриятларини фақат айланма маблағлари ҳисобига қайтара олиш имкониятини тавсифлайди. Кўрсаткич қанчалик юқори бўлса, корxonанинг тўловга қобилиги ҳам шунча юқори бўлади. Мутахассисларнинг фикрига кўра агар, ушбу коэффицент даражаси 1,5-2,5 оралиғида бўлса нормал ҳолат, агар 1,0 коэффицентдан кам бўлса молиявий рискларнинг ошганлигини билдиради.

*Тез ликвидлик коэффицентлари* бу корxonанинг маҳсулот(хизмат, иш)ларининг реализацияси секинлаш ва у билан боғлиқ муаммолар юзага келган вақтда ўз молиявий мажбуриятларини қайтариш имкониятини характерлайди. Ушбу коэффицент юқори ликвидли активларнинг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати сифатида аниқланади:

$$\text{Тез ликвидлик коэффицентлари} = (\text{Жорий активлар}) - (\text{Захиралар}) / \text{Жорий мажбуриятлар. Ёки: Тез ликвидлик коэффицентлари} = (A1 + A2) / (P1 + P2).$$

*Мутлоқ ликвидлик коэффицентлари* бу моҳияти жиҳатидан корxonанинг қисқа муддатли молиявий мажбуриятларини қисқа(яқин) даврларда қайтара олиш имкониятини билдиради. Мутлоқ ликвидлик коэффицентлари пул маблағлари ва қисқа муддатли молиявий қуйилмаларнинг қисқа муддатли(жорий пассивлар)га нисбатига тенг бўлади:

$$\text{Мутлоқ ликвидлик коэффицентлари} = (\text{Пул маблағлари}) + (\text{Қисқа муддатли молиявий қуйилмалар}) / \text{Жорий мажбуриятлар. Ёки:}$$

67 Қаранг: Бригхэм Ю., Эрхардт М. Анализ финансовой отчетности // Финансовый менеджмент = Financial management. Theory and Practice / Пер. с англ. под ред. к.э.н. Е. А. Дорофеева.. — 10-е изд. — СПб.: Питер, 2007. — С. 121—122. — 960 с. — ISBN 5-94723-537-4; А. И. Попов *Экономическая теория*. 2005 г. ISBN 5-469-01263-8;

*Мутлоқ ликвидлик коэффициентлари =  $A1/(П1+П2)$ .*

Одатда ушбу коэффициент даражаси 0,2 дан ошмаслиги нормал ҳолат деб баҳоланади ва у корхонанинг ҳар куни 20 фоизлик молиявий мажбуриятларини бажариш имкониятига эга эканлигини кўрсатади.

## **2. Активларнинг айланувчанлик коэффициентлари.**

Корхоналарнинг молиявий ресурслари ва унинг манбаларини ақс эттирувчи ҳамда корхонанинг иқтисодий фаолиятининг асосини ақс эттирувчи моддий қийматликларни ифодаловчи активлар доим айланишда бўлиши корхонада такрор ишлаб чиқаришни таъминлайди. Корхонанинг активлари орқали молиявий ресурслар юзага келади ва уларнинг айланиши (кўпайиши, камайиши) юз беради. Активлар корхонанинг такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги ўрни ва мазмунига қараб узоқ муддатли активлар (асосий воситалар, номоддий активлар, узоқ муддатли инвестициялар) ва жорий активлар (товар-моддий захиралари, дебиторлар, пул маблағлари)га бўлинади. Корхоналарнинг бухгалтерия балансида ҳам худди шу тартибда ақс этирилади<sup>68</sup>. Корхонада активларнинг айланиши қанча тез бўлса, корхонанинг ишлаб чиқариш қувватининг юқорилиги ва молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини кўрсатади. Активларнинг айланувчанлик коэффициентлари ўз навбатида захираларнинг айланиш коэффициенти, дебиторлик қарздорликнинг айланиш (муддати) коэффициенти, асосий фондларнинг айланиш коэффициенти ва шу қабилар сифатида мавжуд бўлади.

*Захираларнинг айланиш коэффициенти* бу корхонанинг захираларининг бир қанча вақт давомида қанча айланишини ва уларнинг маҳсулот таркибига ўтказилиш даражасини кўрсатади. Одатда ушбу коэффициент марта бирлигида ўлчанади ва у йил давомида корхонанинг барча моддий захираларининг неча марта маҳсулот орқали айланганлигини кўрсатади ва у куйидагича ҳисобланади:

*Захираларнинг айланиш коэффициенти = Реализация қилинган маҳсулот таннархи / Моддий захиралар қиймати.*

*Дебиторлик қарздорликнинг айланиш (муддати) коэффициенти.* Ушбу коэффициент корхонанинг қарздорлиги (бошқалардан ундириладиган) ундиришнинг ўртача кунини микдорини кўрсатади, ушбу микдор қанча кам бўлса, дебиторлик қарздорлигининг корхона активлари қаторига қўшилиш даражаси шунча юқори ва корхонанинг жорий активларининг ошишини тавсифлайди ва у куйидагича аниқланади:

*Дебиторлик қарздорликнинг айланиш (муддати) коэффициенти = (Олинган сўтлар) x 365 / Соф сотув ҳажми (ялли тушум).*

Ушбу коэффициентнинг юқорилиги даражаси эса корхонанинг молиявий ресурсларининг фаолсизланиш даражасини кўрсатади ва

<sup>68</sup>Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйруғига 1-сонли буйруғининг 1-илоvasи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 24 январда 1209-сонли рақам билан рўйхатга олинган "Бухгалтерия баланси - 1-сонли шакл".

корхонанинг активлари ишончсиз ҳамкорларнинг маблағлари сифатида дебиторларга хизмат қилишини аниқлатади.

*Асосий фондларнинг айланиш коэффициенти.* Ушбу коэффициент одатда фонд қайтими ҳам деб аталади. Ушбу коэффициент корхонадаги асосий фондлар сифатидаги жами активлардан қандай самарали фойдаланилаётганлигини, яъни ҳар 1 сўмлик (ёки минг сўмлик) асосий фонд ҳисобига қанча маҳсулот ишлаб чиқарилаётганлигини кўрсатади ва ушбу коэффициент куйидагича ҳисобланади:

*Асосий фондларнинг айланиш коэффициенти = Маҳсулот реализацияси ялли тушуми / Асосий фондлар (узоқ муддатли активлар)нинг йиллик ўртача қиймати.*

Ушбу коэффициентнинг қанчалик юқорилиги корхонада узоқ муддатли активлар (асосий ва номоддий активлар)дан шунчалик самарали фойдаланилаётганлигини характерлайди.

**3. Рентабеллик коэффициентлари.** Рентабеллик луғавий маъноси немисча сўз бўлиб, *rentabel* -фойдали, даромадли деган маънони аниқлаётди, корхона ихтиёридаги манбадан қатъий назар барча активларидан қандай самарали фойдаланилаётганлигини, ушбу активларни сарфлаш, уларга маблағ қўйиш корхонага қандай тартибда фойда олиб келганлигини тавсифлаб беради. Корхона ўзининг ёки бошқалардан жалб қилган активларидан фойдаланишдан асосий мақсади максимал даражада фойда олишга қаратилган бўлади, унинг бу мақсади йўлида унинг активларининг иштироки ва самарадорлиги (фойда олиб келиш даражаси) қандай эканлигини таҳлил қилиш активларни самарали бошқариш жараёни учун муҳим саналади. Рентабеллик коэффициентлари одатда фоизда ҳисобланиб, унинг куйидаги турлари мавжуд:

*Сотилган маҳсулотнинг рентабеллиги.* Ушбу коэффициент ҳар бир сўмлик (ёки минг сўмлик) сотилган маҳсулот ҳисобига корхона қанча фойда олганлигини изоҳлайди:

*Сотилган маҳсулотнинг рентабеллик коэффициенти = (Маҳсулот(хизмат иш) сотишдан олинган фойда / Сотилган маҳсулот(хизмат, иш)лар таннархи) x 100%.*

*Асосий фондлар рентабеллиги.* Ушбу кўрсаткич корхонадаги жами асосий фондлар ҳисобига ёки уларнинг бир бирлиги ҳисобига қанча фойда олинганлигини кўрсатади:

*Асосий фондлар рентабеллиги = (Соф фойда / Асосий фондларнинг йиллик ўртача қиймати) x 100%.*

*Сотиш рентабеллиги.* Ушбу кўрсаткич корхонада сотув даражасининг фойдалилик даражасини кўрсатади ва у куйидагича аниқланади:

*Сотиш рентабеллиги = (Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда / Ялли тушум) x 100%.*

*Персонал рентабеллиги.* Ушбу кўрсаткич корхонада жами ишлаётган ходимларнинг фаолиятларининг самарадорлигини ифодалайди:

*Персонал рентабеллиги* = (Соф фойда / Ходимларнинг йиллик ўртача қиймати) x 100%.

*Ўз капиталнинг рентабеллиги.* Ўз капиталнинг рентабеллигининг кўрсаткичи корхонадаги жами ўз капитали ҳисобига олинган самарадорликни ифодалайди:

*Ўз капиталнинг рентабеллиги* = (Соф фойда / Жами ўз капитали қиймати) / 100%.

Бундан ташқари активлар рентабеллиги(фойданинг жами активларга нисбатигадаги фоизи), соф активлар рентабеллиги(солиққа тортилгунга қадар фойданинг соф активларга нисбатигадаги фоизи), ишлаб чиқариш рентабеллиги(фойданинг асосий ва айланма активларга нисбатигадаги фоизи), устама(маржинал) нархлар рентабеллиги(реализация қилинган маҳсулот ишлаб чиқариш таннархининг маҳсулотни сотиш нархига нисбатигадаги фоизи) каби рентабеллик коэффициентлари ҳам корxonанинг фаолиятининг самарадорлигини аниқлашга хизмат қилади.

**4. Қарздорликни бошқариш коэффициентлари.** Ушбу коэффициентлар корхонада такрор ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва амалга ошириш мақсадида турли хил тартибда жалб қилинган ва ҳамда муомала жараёнида юзага келган қарздорликларнинг қандай бошқарилаётганлиги, уларни ўз вақтида тўланаётганлиги ва улардан самарали фойдаланиш даражаларини тавсифлашга хизмат қилади. Ушбу коэффициентлардан бири бу молиявий дастак (левириж) коэффициентлари бўлиб, кредиторлардан берилган қисқа ва узоқ муддатли кредитларга тўланаётган фоизларнинг даражаларини ўлчашга хизмат қилади. Ушбу коэффициентлар одатда барча молиявий мажбуриятларга(қисқа ва узоқ муддатли) нисбатан қўлланилса, айрим ҳолларда узоқ муддатли мажбуриятларни изоҳлашда фойдаланилади ва у куйидагича ҳисобланади:

*Левириж коэффициентлари* = (Узоқ муддатли мажбуриятлар + Қисқа муддатли мажбуриятлар) / Корxonанинг ўз капитали.

Ушбу коэффициент агар 1,0 дан кам бўлса, у ҳолда корхона активлари ўз капиталлари ҳисобига молиялаштирилаётганлиги ва бошқа кредиторларга молиявий қарам эмаслиги(ёки жуда паст даражада қарамлиги)ни билдиради, агар 1,0 коэффициентдан юқори бўлса у ҳолда корхона ўз активларининг асосий қисмини жалб қилинган маблағлар(кредитлар) ҳисобига молиялаштирилаётганлиги ва унинг бошқа кредиторларга қарамлиги даражасининг юқорилигини билдиради. Шу боисдан ҳам ушбу коэффициент корхонада қарзларни бошқаришда асосий тактик манба сифатида хизмат қилади.

Қарздорликни бошқариш коэффициентларидан яна бири бу *фоизларни қоплаш коэффициентлари* ҳисобланади. Бу коэффициент моҳияти жиҳатидан солиқлар ва олинган кредитларга фоиз тўлашга қадар бўлган фойда ҳажминини ўлчовчи кўрсаткич ҳисобланади. Фоизларни қоплаш коэффициентлари шуни кўрсатадики, солиқ тўлангунга қадар фойда ҳажмининг олинган кредитлар учун фоизларни тўлаш ҳисобига қанчага қанча камайиб боради.

*Фоизларни қоплаш коэффициентлари* = Солиқлар ва олинган кредитларга фоиз тўлашга қадар бўлган фойда ҳажми / Тўланадиган фоизлар.

Фоизларни қоплаш коэффициентлари агар 3-4 коэффициент даражасида бўлса корхона фаолияти учун нормал иқтисодий ҳолат ҳисобланади, агар, ушбу коэффициент даражаси 1,0 дан кам бўлса, демак, у ҳолда корхона олган кредит ресурслари учун фоиз тўловлари учун зарур миқдорда молиявий имкониятлари пастлигини тавсифлайди.

**5. Бозор қиймати коэффициентлари.** Ушбу коэффициентлар корxonанинг моддий ва молиявий активларининг бозор қиймати асосида ҳаракатланиши(уларнинг қийматининг ўзгариши) ҳисобига корxonанинг иқтисодий кўрсаткичларига таъсирини баҳолаб беради. Бозор қиймати коэффициентларидан бири бу *"Қаррали фойда"* ёки *"нарх/фойда"* коэффициентлари ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич корxonанинг бозор капиталлашуви(корхона активларининг бозор нархлари асосида баҳоланиши)нинг корxonанинг йиллик олган фойдасидаги улусини кўрсатади ва капиталларнинг қийматининг бозор нархи ўсиши ёки камайиши ҳисобига корхона олган фойда ҳажминини кўрсатиб беради:

*"Қаррали фойда"* ёки *"нарх/фойда"* коэффициентлари = Акция баҳоси / Акция ҳисобига олинган фойда.

Бу ерда акция ҳисобига олинган фойда деганда корхона томонидан қимматли қоғозлар бозори орқали акцияларни сотишдан олинган молиявий маблағлар ҳисобига олинган фойда ҳажми назарда тутилади. Ушбу кўрсаткичнинг паст даражаси корxonанинг активларининг бозор томонидан паст нархда баҳоланганлиги, яъни бозор қиймати даражаси пастлигини кўрсатади.

Бозор муносабатлари шароитида корxonанинг бозордаги ўрнини қиймат шаклда ўлчаб берувчи ва бозор қиймати коэффициентлари сирасига *"Нарх/баланс"* коэффициентлари ҳам киради. Ушбу коэффициент корxonанинг активларининг бозордаги қиймати ҳисоби ва унинг активларининг ҳақиқий қиймати(баланс қиймати) ўртасидаги алоқани кўрсатиб беради.

*"Нарх/баланс"* коэффициентлари = Корxonанинг бозор капиталлашуви(корхона активларининг бозор нархлари асосида баҳоланиши) / Корxonанинг баланс қиймати.


Корxonанинг баланс қиймати бу одатда корxonанинг нетто қиймати ҳам деб юритилиб, у корxonанинг жами активлари қийматидан корхона балансида кўрсатилган номоддий активлар ва мажбуриятларини чегириб ташланган ҳолдаги қийматни кўрсатади ва у ҳақиқий баҳони кўрсатади. Ушбу коэффициент мазмунан корxonанинг фойдалалик даражасини изоҳламайди, балки, корxonанинг активларининг ҳақиқий ҳолатини очиқберишга хизмат қилади.

Умумий қилиб айтганда юқорида келтириб ўтилган молиявий коэффициентлардан ташқари яна бир қатор коэффициентлар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси умумий ҳолда корxonанинг барча активлари, жумладан молиявий активларидан фойдаланиш самарадорлиги, уларнинг

ҳолати ва корхона фаолиятида улардан қандай фойдаланилаётганлиги кўрсатиб беради. Мазмунан олиб қараганда молиявий коэффициентлар корxonани молиявий бошқарув жараёнининг муҳим инструментлари сифатида юзага чиқади, уларнинг даражаси(ҳолати) корхонада молиявий ресурсларни жойлаштириш ва уларнинг ҳаракатини корхона манфаатларидан келиб чиққан ҳолда бошқариш йўллари кўрсатиб беради.

### 6.5. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий бошқарув

Таъкидланганидек, молиявий бошқарув молиянинг турли даражада амал қилишидан келиб чиқади. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий бошқарув уларнинг фаолияти фойда олишга қаратилган ва фойда олишга қаратилмаганлигидан келиб чиқиб характерланади. Тадбиркорлик характеридаги корхона ва ташкилотларда молиявий бошқарувнинг асосий мақсади корxonанинг максимал даражада фойда олишини таъминлаш, бозордаги рақобат муҳитига бардошлигини ва унинг мавқеини ошириш, корхона доирасидаги мавжуд моддий қийматликлардан самарали ва оқилона фойдаланиш йўллари кўрсатиб бериш ҳамда уларни умумий бошқарув жараёнига асосли ахборотларни етказиб беришдан иборат бўлади. Умумий тартибда тадбиркорлик субъектларида молиявий бошқарув куйидаги элементлардан ташкил топади:



22- расм. Тадбиркорлик субъектларида молиявий бошқарув элементлари.

Демак, хўжалик юритувчи субъектларда молиявий бошқарувнинг элементлари давлат молиясини бошқариш элементларидан кўра фарқли равишда асосан корxonанинг ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш, корxonанинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш, корxonанинг пул фондларини аниқлаш, уларнинг даромад манбаларини шакллантириш ва ушбу фондларнинг маблағларини тақсимлаш жараёнларини режалаштириш, корхона микёсида солиқларни режалаштириш ҳамда корxonанинг пул

оқимларини бошқариш режасини ишлаб чиқиш каби жараёнлар ёки элементлардан иборат бўлади. Ўз навбатида тадбиркорлик субъектларида молиявий бошқарув жараёнининг амалга оширилиши асосан куйидаги шаклларда амалга оширилади:

1. Активларни бошқариш
  2. Пассивларни бошқариш
  3. Рискларни бошқариш
  4. Молиявий қарорларнинг оптималлигини баҳолаш
  5. Молиявий мониторинг ва назоратни амалга ошириш ва шу қабилар.
- Корxonанинг активлари ва пассивлари аслида бухгалтерия тамойилларига кўра ўзаро тенг бўлади. Корхонада амалга ошириладиган хўжалик операцияларининг мазмунига қараб улар тўрт хил ҳолат бўйича ўзгариб туради(бухгалтерия балансида юза берадиган ўзгаришларни эсланг). Яъни корxonанинг активларининг бирининг кўпайиши ва бирларининг камайиши тартибда рўй беради. Иккинчи ҳолда эса активларнинг кўпайиши ва пассивларнинг камайиши тартибда, учинчи ҳолатда ўзгариш асосан пассивларда юз беради( кўпаяди ёки камаяди) ва тўртинчи хил ўзгариш шаклида пассивларнинг ошиши ва активларнинг камайиши содир бўлади. Ушбу тўрт хил жараён корxonаларнинг бутун бошли капиталининг ҳаракатини қамраб олади.


Корхонада молиявий бошқарув жараёни эса асосан ушбу операцияларни амалга ошириш, уларни тўғри бошқариш корxonанинг молиявий барқарорлигини таъминлайди. Бунинг учун активларнинг ўзини фаол ва нофаол активларга ажратган ҳолда уларнинг самарадорлиги баҳолашиб борилади. Фаол активлар бу пул маблағлари, материал ва номоддий қийматликлар ҳамда осон айланадиган ишлаб чиқариш захиралари бўлиб, уларнинг ҳаракати корxonанинг пул фондларининг ҳолатини белгилаб беради. Шу жиҳатдан олганда активларни бошқаришнинг муҳим томони ҳам фаол активларни самарали бошқариш ҳисобланади. Агар, фаол активлар қанчалик самарали бошқарилса, пассивларнинг ўз маблағлариманбаларининг ошишига таъсир қилади. Корxonанинг ўз маблағлари манбаларининг асосийларидан бири фойда ҳисобланади. Демак, фаол активлар корxonанинг фойдасининг ҳажмига таъсир қилади, ўз навбатида эса корхонада марказлашмаган пул фондларининг асосий манбаидан бири бу фойда ҳисобланади. Фойданинг ҳажми ва уни тўғри тақсимланиши эса пул фондларининг тури ва уларнинг манбаларининг ошишига олиб келади. Ўз навбатида пассивларни бошқаришнинг муҳим босқичи сифатида фойда ҳажмини тўғри ва оптимал тақсимлаш эса активларнинг ишлаб чиқариш жараёнидаги фаоллигини оширади.

Активларни бошқаришда нофаол бўлган қисмлари(ишлаб чиқариш жараёнига хизмат қилмайдиган асосий фондлар, омбордаги брак маҳсулотлар, ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи асбоб-ускуна ва жиҳозларнинг туриб қолиши ва ш.к.)ни тўғри бошқариш ҳам корxonанинг умумий молиявий фаолиятига таъсир кучига эга. Бу эса асосан асосий

фондларни тўғри қайта баҳолаш, уларнинг ҳолатини вақти-вақти билан инвентаризация қилиш асосида ишлаб чиқаришга хизмат қилмаётган ва хизмат муддатини ўтаб бўлган(эскириш ҳисобланиши тўхтатилган) қисмини аниқлаш ва уларни ҳисобдан чиқариш(реализация қилиш) ва унинг ўрнига янги турдаги асосий воситаларни сотиб олиш, корхонадаги асосий фондларга амортизация ҳисоблашнинг корхона учун самарали усулларини қўллаш орқали уларнинг қийматини маҳсулот реализациясига ўтказилиш жараёнини тезлаштириш орқали янги турдаги асосий воситаларни сотиб олиниши жараёнини амалга ошириш ҳам ўз навбатида корxonанинг молиявий ҳолатига ижобий таъсир қилади. Агар, фойда ёки кредит ҳисобига олинган асосий фондларни ўз вақтида ўрнатмаслик ёки балансга қабул қилмаслик ўз навбатида солиқ қонунчилигига кўра икки марта оширилган(масалан 2015 йил учун юридик шахслар учун мол-мулк солиғи ставкаси 4 фоиз қилинган бўлиб, ушбу ҳолда мол-мулк солиғи ставкаси 8 фоиз миқдорда ўрнатилган) тартибда солиқ тўланишига олиб келади. Ёки асосий фондларни бозор қийматидан келиб чиқиб, қайта баҳолашнинг тўғри амалга оширилмаслик эса корxonанинг умумий устав фонди ва заҳира фонди қийматининг камайишига олиб келади, бу нафақат корxonанинг кредиторлари олдидаги мажбуриятининг оширади, шунингдек, корxonанинг акцияларининг қийматининг пасайишига таъсир қилади. Чунки, корхона акцияларини чиқаришда эса устав фонди миқдорида чиқариш ҳуқуқига эга бўлади, ваҳоланки, асосий фондларни қайта баҳолаш жараёни эса корxonанинг устав фондини оширади. Корxonаларда пассивларни бошқаришда энг муҳим жараёнлардан бири мажбуриятларни тўғри бошқариш саналади. Корxonанинг мажбуриятлари сифатида четдан(кредит ташкилотларидан олинган кредитлар, бошқа корxonалардан олинган ссудалар, бюджетдан олинган кредитлар, таъсисчилардан олинган маблағлар, олинган аванслар, бошқа кредиторлик қарзлар ва ш.к.) жалб қилинган маблағларни ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш ва ушбу маблағлардан самара олинишини таъминлаш муҳим саналади.

Бозор муносабатлари шароитида эса тадбиркорлик субъектлари доим таваккалчиликларга дуч келиб фаолият кўрсатади. Бу эса уларнинг молиявий бошқарувида рискларни бошқаришга алоҳида эътибор берилишини талаб қилади. Тадбиркорлик субъектларида эса рискларни бошқариш куйидаги шаклларда амалга оширилади:

Демак, корхонада рискларни бошқаришдан асосий мақсад аввало корxonанинг фойда ололмаслик ва "яшаб қолаолмаслик" рискини камайтириш — максимал фойда олишга ва "яшабга қолиш"ни мустаҳкамлашга эришиш ва шу орқали корxonанинг молиявий барқарорлигини таъминлашдан иборат бўлади. Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи хўжалик юритиш субъектларида асосий рисклардан бири бу ишлаб чиқаришга қилинган харажатларнинг минимум қопланмаслик rischi ҳисобланади.



### 23- расм.-Корхонада рискларни бошқариш шакллари.

Бу корxonалар фаолиятидаги энг катта риск ҳисобланади. Агар, ушбу риск тўғри бошқарилмаса, корхонада оддий тақдор ишлаб чиқариш жараёнини ҳам амалга ошириш иқтисодий хавфда қолади, шу боисдан бу каби рискни бошқариш эса ўзига хос бошқарув қарорлари ва аниқ стратегияга эга молиявий режаларни талаб қилади. Бозор муносабатлари шароитида корxonалар доим учрайдиган рисклар сирасига корxonанинг бозордаги рақобат муҳитидаги рисклар ҳисобланади, яъни бу каби рискларни баҳолаш ва уни камайтириш эса корxonанинг иқтисодий муносабатлар тизимида сақланиб қолиш имкониятини тугдиради. Албатта бу рискни бошқариш эса кенг қамровли маркетинг тадқиқотлари билан биргаликда маҳсулот таннархини ташкил қилувчи харажатларни бозор тан оладиган харажатлардан оширмаслик ва ундан камайтиришни таъминлашни тақозо қилади. Агар, акционерлик шаклидаги корхона бўладиган бўлса, у ҳолда корxonанинг ўз акционерлари, асосан бирламчи тарзда имтиёзли акцияларга тўланиши лозим бўлган дивидендларни тўлай олмаслик рискини бошқариш ҳам муҳим роль ўйнайди. Агар, корхона юқорида айтиб ўтилган рискларни тўғри бошқара олмаса унда корxonанинг дивиденд тўлай олмаслик rischi ошиб боради ва корxonанинг олдида катта молиявий муаммоларни туғдиради. Бозор муносабатлари шароитида корxonалар доим учрайдиган рисклардан яна бири бу уларнинг молиявий мажбуриятларга дуч келиши ва у билан боғлиқ рисклар ҳисобланади. Бу рискнинг даражаси эса корxonанинг молиявий бошқарув қарорларига боғлиқ бўлади. Албатта молиявий мажбуриятлар катта рискка эга бўлсада, аммо, корxonанинг молиявий бизнес



режалари пухта асосга эга бўлса, маркетинг тадқиқотлари аниқлигида бозор талабларига мос ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширган шароитда кредит ресурсларидан фойдаланиш корxonанинг иқтисодий салоҳиятини оширади. Агар, айтилган жараёнларнинг тескари ҳолатида кредит ресурслари ва бошқа молиявий мажбуриятларга эга бўлиш эса корxonанинг молиявий таназзулга учрашини хавфини оширади. Бундай ҳолатлар эса корxonанинг четдан жалб қилган маблағлар(кредит, аванс, таъсис маблағлари)ини қайтара олмаслик рискинни самарали бошқаришни талаб қилади. Демак, тадбиркорлик субъектлари бўлган корxonаларда рискларни бошқариш молиявий бошқарувнинг муҳим таркибий қисми сифатида катта аҳамиятга эга бўлади.

Корxonаларнинг молиявий бошқарув жараёнида уларнинг қабул қилган молиявий қарорларнинг оптималлигини баҳолаш ҳам муҳим ўрин тутди. Корxonалар томонидан қабул қилинган молиявий қарорларнинг қанчалик тўғрилигини баҳолаш бир томондан корxonадаги иқтисодий жараёнларга ижобий таъсир қилса, бошқа томондан ушбу қарорлар оқибатида юзага келиш мумкин бўлган рискларни камайтиришга эришилади. Корxonада молиявий қарорлар қабул қилиш учун асос бўлган иқтисодий ахборотларни таҳлил қилиш ва улардан тўғри фойдаланишни амалга ошириш эса молиявий бошқарувни амалга оширишнинг муҳим шаклларида бири ҳисобланади. Корxonаларнинг молиявий бошқарув жараёнида уларнинг қабул қилган молиявий қарорларнинг оптималлигини баҳолаш эса ўз навбатида илгариги даврларда қабул қилинган молиявий қарорлар натижасида корxonанинг молиявий барқарорлигининг ошиши ёки камайиши сабаблари иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилиниши шаклида амалга оширилиб, келгусида бу борадаги камчиликларни бартараф этилган қарорлар қабул қилишга асос бўлувчи молиявий таклифларни тайёрлашдан иборат бўлади. Агар, корxonанинг молиявий қарорларининг оптималлиги баҳолашиб унинг салбий ва ижобий таъсирлари аниқланмаса, бу молиявий бошқарувнинг самарадорлигига салбий таъсир этади, шу боисдан ҳам молиявий бошқарувни амалга оширишнинг ушбу шаклларида ҳам фойдаланилиш тақозо қилинади.

### 6.6. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий режалаштиришни ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби<sup>69</sup>

Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий бошқарувнинг муҳим элементларидан бири бу молиявий режалаштириш ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳам хўжалик юритувчи субъектлар ўз фаолиятларини маълум бир тизимли тартибда режалаштириш боради, бу тизимда эса молиявий режалаштириш муҳим аҳамият касб этади. Корxonаларда молиявий режалаштириш мазмунан олиб қаралганда ҳали корxonалар фаолиятини бошламасдан, яъни корxonани ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий ҳужжатларни тайёрлаш вақтида амалга оширила

<sup>69</sup>Ушбу параграфнинг мазмуни услубий ва методик хусусиятга эга бўлиб, корxonаларда молиявий режалаштириш ўзгачароқ тартибда ҳам амалга оширилиши мумкин.

бошланади. Корxonалар ўзларининг Низоми ва бизнес-режаларини ишлаб чиқиш жараёнида корxonанинг асосий молиявий ресурслари, уларнинг манбалари, уларни жалб этиш тартиблари, молиявий натижалар-фойда ва зарарларни тақсимлаш(қоплаш) тартиби, корxonанинг маҳсулот ишлаб чиқариш йўналишлари, жалб қилинган маблағлар(кредитлар)ни сўндириш механизмлари ва шу каби муҳим молиявий жараёнлар хусусида улар ўзларининг қайд этилган муҳим ташкилий ҳужжатларида акс эттириб қўяди. Корxonа ўз фаолиятини бошлаганидан сўнг эса бошқа яна бир қатор муҳим йўналишлар бўйича молиявий режалаштириш жараёнини амалга ошириш тақозо этилади ва умумий тартибда корxonаларда молиявий режалаштиришнинг куйидаги шакллари юзага келади:



### 24-расм. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи корxonаларда молиявий режалаштириш шакллари.

Келтирилган расмдан кўриш мумкинки, бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларда молиявий режалаштиришнинг асосий шакллари сифатида юқорида таъкидланган корxonа Низоми(Устави) ва бизнес-режасидан ташқари корxonанинг маркетинг стратегияси режаси, солиқларни тўлаш режаси, молиявий потенциални баҳолаш(аниқлаш) режаси, ҳисоб сиёсати ҳамда умумий тартибдаги узоқ муддатга мўлжалланган умумий молиявий режаси амал қилади. Аммо, таъкидлаш жоизки, корxonа бозор муносабатлари шароитида эркин иқтисодий индивид ҳисобланади, шу боисдан ҳам ўз

манфаатлари ҳамда корхонани бошқариш хусусиятлари ва тамойилларидан келиб чиқиб молиявий режалаштиришнинг бошқа шакллари ҳам ишлаб чиқиши мумкин.

Моҳияти жиҳатидан корxonанинг маркетинг стратегияси маҳсулот(хизмат, иш)илаб бўлган талабни ўрганиши билан бирга унинг реализациясини ташкил қилиш режасини ҳам қамраб оладики, реализация жараёни эса корхона молиявий ресурсларининг шаклланишининг муҳим манбаи бўлади ва у шу жиҳатдан ҳам молиявий режалатириш сифатида намоён бўлади. Корxonанинг ҳисоб сиёсати эса корхонада молиявий муносабатларга оид ахборотларни жамлаш ва гуруҳлаштиришда муҳим аҳамият касб этиб, у бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш учун қўлланиладиган усулларни ўзида акс эттиради. Ҳисоб сиёсатида эса молиявий кўрсаткичлар катта ўрин эгаллайди ва унинг ҳолати корхонада молиявий ресурсларни баҳолашда аҳамиятлидир. Бозор муносабатлари шароитида аксарият корxonалар ўзларининг асосий молиявий режасини бизнес режаси орқали намоён қилади. Моҳияти жиҳатидан молия-ишлаб чиқариш режаси ва бизнес-режа ўхшаш бўлсада, аммо, молия-ишлабчиқариш режаси бизнес- режага нисбатан кенгроқ режа ҳисобланади. Молия-ишлаб режасида эса маҳсулот ишлаб чиқаришни жараёни билан боғлиқ барча жараёнлар акс этади, бизнес-режа эса кўпроқ фойдани шаклланиш ва харажатларни қоплашга йўналтирилган бўлиб, айрим жараёнлар, масалан, маҳсулот турлари бўйича бир бирлик харажатлар нормативи, молиявий кўрсаткичларнинг ҳамма турлари тўла акс этмайди. Шу боисдан йирик ишлаб чиқариш корxonаларида кўпроқ молия-ишлаб чиқариш режаси қулай молиявий режа ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий режалаштиришнинг энг муҳим бўғинларини бу уларнинг молиявий потенциали баҳолаш ҳамда улар тўлайдиган солиқлар бўйича мажбуриятларни ўз вақтида амалга оширишга қаратилган солиқларни режалаштириш жараёни ташкил қилади. Корxonаларда молиявий потенциални баҳолаш уларнинг молиявий ресурсларини бошқаришда катта аҳамиятга эга бўлади. *Корxonаларнинг молиявий потенциали деганда эса корхонада такрор ишлаб чиқариш жараёнини бир маромда ташкил этиш учун зарур бўладиган молиявий ресурсларга минимал даражага эгаллик ҳамда жалб қилинган молиявий маблағлар ва бюджет олдидаги солиқ мажбуриятларни ўз вақтида бажаришнинг молиявий имконияти тушунилади.*

Корxonаларнинг молиявий потенциалини баҳолаш эса мураккаб жараён ҳисобланади, ушбу жараёнда ҳар бир молиявий активларнинг ҳолати, уларнинг пайдо бўлиш манбалари ва уларнинг ҳаракатига баҳо бериш талаб этилади, бу жараён эса кўпинча ҳолларда аввалги бандларда келтириб ўтилган молиявий кўрсаткичлар орқали ҳам амалга оширилади. Корxonанинг молиявий потенциал иқтисодий ресурсларнинг таркиби сифатида солиқ потенциалини ўз таркибига олади, шу жиҳатдан молиявий ресурслар сифатида шаклланган даромад(фойда), айланма, мол-мулк, номоддий мулк

объектларининг маълум қисми юқорида таъкидланганидек, солиқ потенциалига айлантирилади. Молиявий потенциал ўз таркибига шунингдек, барча молиявий ресурсларни қамраб олади, молиявий ресурсларнинг даражаси молиявий потенциалининг қисми сифатида солиқ потенциалининг ҳажмини аниқлаб беради. Шу ерда шуни ҳам таъкидлаш керакки молиявий ресурсларни ҳажмини ошириш ва уни тўғри бошқариш(тақсимлаш) солиқ потенциалининг даражасига таъсир этувчи энг муҳим омиллардан бири сифатида қаралади.

Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий режалаштиришнинг энг муҳим қисмини улар тўлайдиган солиқлар ва бошқа мажбуриятларни тўлаш имкониятларини молиявий жиҳатдан режалатириш, яъни солиқларни режалаштириш ҳисобланади. Айрим иқтисодий адабиётларда <sup>70</sup> эса солиқларни режалаштириш жараёнини корxonаларда солиқ қонунчилиги доирасида солиқлар бўйича харажатларни минималлаштириш ва корxonанинг молиявий натижасини максималлаштиришга қаратилган молиявий режалаштиришнинг таркибий қисми сифатида изоҳлайдилар. Бу ерда солиқларни минималлаштириш деганда мавжуд қонунчиликдаги ўзагришларни чуқур таҳлил қилган ҳолда мавжуд имтиёزلардан тўлақонли фойдаланиш, солиқ мажбуриятларини ўз вақтида амалга ошириш ҳисобига ортиқча жарималарни тўламаслик ҳисобига харажатларни қамайтириш назарда тутилади. Шу боисдан ҳам солиқларни режалаштириш жараёнида харажатларни минималлаштиришни солиқларни тўлашдан қочиш, бўйин товлаш ёки солиқларни реал ҳажмдан кам тўлаш каби тушунча ва жараёнлардан фарқланади. Баъзи адабиётларда <sup>71</sup> эса солиқларни режалаштириш жараёнини корxonаларда бюджетлаштириш жараёни сифатида ҳам изоҳлашса баъзи иқтисодчилар<sup>72</sup> солиқларни бюджетлаштириш жараёнини эса солиқларни тўғри режалаштириш оқибатида иқтисод қилиб қолинган даромадлар ва солиқларни режалаштириш жараёни билан боғлиқ харажатлар(иш ҳақи, қўшимча тўловлар, солиқлар бўйича тўланган жарималар ва ш.к.)нинг солиштирма таҳлили сифатида қарайдилар. Шунингдек, ушбу қайд этиб ўтилган адабиётларда корхона доирасида амалга оширишнинг методлари сифатида корxonанинг солиқ сиёсатини шакллантириш, корxonанинг иқтисодий-ҳуқуқий фаолиятини таҳлил қилиш, хўжалик муносабатларини алмаштириш, муносабатларни тақсимлаш, солиқ

<sup>70</sup> Қаранг: Разник Е.Д., Самсонова И.А. Р. ПРОГНОЗИРОВАНИЕ И ПЛАНИРОВАНИЕ В НАЛОГООБЛОЖЕНИИ: Учебное пособие. – Владивосток: Изд-во ВГУЭС, 2006. 3 с, Васильева М.В. Анализ эффективности управления финансовым результатом деятельности организаций в целях налогового планирования Управленческий учет, (2009), 11 (ноябрь), 51-61, Киров А.В. Влияние налогового планирования на обеспечение финансовой устойчивости предприятия. Финансы и бизнес, (2009), 3 (осень), 152-153 с, Лепа Р.Н., Дзюба Б.П. Информационное обеспечение оперативного налогового планирования на предприятиях. Налоги и финансовое право, (2012), 3 (март), 208-209 с.


<sup>71</sup> Қаранг: Халезин: В. Ю. Формирование налогового бюджета. // «Планово-экономический отдел», 2012 год №1, 26-29 с, Блохин К.М. Технология формирования налогового бюджета организации. // "Финансовый менеджмент" 2006. №5, 12 с.

<sup>72</sup> Барулин. Е. А. Налоговое менеджмент. Учебник. "Финансы и статистика", 2009. 78-86 с.

тўловларини кечиктириш, солиқ объектларини тўғри-тўғри қисқартириш ва шу каби методларни келтириб ўтади.

Аммо, корхоналарда солиқларни режалаштириш жараёни маълум бир моделларни тақозо қилади. Шундай моделлардан бири бу "Корхоналарда солиқ мажбуриятини бажаришнинг модели"дир<sup>73</sup>. Бу моделнинг моҳиятини шундан иборатки, корхонада солиқ мажбуриятлари билан боғлиқ жараёнларнинг ўзаро кетма-кетликда уларнинг комплекс натижаларини акс эттиради. Корхоналарда молиявий режалаштириш, ҳисоб-сиёсати, маркетинг стратегик режаси, харажатларни бошқариш стратегияси, молиявий натижаларни тақсимлаш сиёсати, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини бошқариш тамойиллари ва шу қабилар солиқларни режалаштириш жараёни билан узвий ҳолда олиб борилиш лозим. Моделнинг тўлақонли самараси аввало солиқларни режалаштиришдан асосий мақсад аниқлаб олинишига боғлиқ бўлади. Бу мақсад аслида корxonанинг молиявий сиёсатининг мазмунидан келиб чиқади. Шу жиҳатдан олганда унинг мақсади турлича бўлиши мумкин. Корxonанинг солиқ ва мажбурий тўловларни тўлаш қобилиятини аниқлаш, корxonанинг солиқ мажбурияти ва пул фондлари ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилиш, корxonанинг солиқмажбуриятларини бажаришига таъсир этувчи омилларни баҳолаш ёки корxonанинг солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашни минималлаштиришнинг йўллари ишлаб чиқиш каби мақсадлардан бирини асос қилиб олиш мумкин. Чунки, таъкидлаганимиздек, бошқа жараёнларда(масалан, корxonанинг стратегик молиявий сиёсати, ҳисоб сиёсати, молиявий ресурсларни бошқариш сиёсати)ги режалаштирилган ёки амалга оширилган тадбирларни солиқларни режалаштириш жараёнидаги такрорланишларга йўл қўймаслик керак, чунки, ортиқча харажатлар билан бирга меҳнат сарфини ошириб юборади.

Солиқларни режалаштиришнинг мақсадини аниқлашда эса қайд этилган жараёнларни эътиборга олиш зарур бўлади. Моделнинг кейинги қисмини мақсадда белгиланган вазифаларни бажаришнинг ташкилий механизмларини шакллантириш ҳисобланади. Бунда эса жараёни амалга оширувчи мутахассисларни аниқлаш ва уларнинг малака ва лавозим хизматларидан келиб чиқиб вазифаларини белгилаш, хизмат қилувчи бўлинмаларнинг фаолиятининг йўналишларини белгилаш, жараёни амалга ошириш учун ахборотлар базасини шакллантириш ва уларни қайта ишлаш ҳамда қўлланиладиган метод(статистик, эконометрик, математик, экстраполяцияли, экспертли ва шу қабилар)ларни аниқлаш ишлари амалга оширилади. Таъкидлаш керакки, ахборотлар ва уларни қайта ишлашда иқтисодий таҳлил ва бошқа методларга амал қилиш, жараёни амалга оширишнинг методларини танлашда эса айнан самара берувчи методларни танлаш қатга аҳамиятга эгадир.



<sup>73</sup>Ушбу модел муаллиф томонидан ишлаб чиқилган ва у бахсли бўлиши табиий.

Корхоналарда солиқларни режалаштириш жараёнида уни амалга ошириш энг мураккаб жараён ҳисобланади. Бу босқич бир неча муҳим таҳлил ва ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилади. Бу аввало солиқ қонунчилигига кўра корхона зиммасига юклатилган солиқ ва мажбурий тўловларнинг рўйхати ва уни тўлашнинг тақвим графигини тузиб чиқиш лозим бўлади. Тақвим графигини тузишда солиқ хизмати органларининг маълумотларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Кейинги босқичда солиқ қонунчилигини таҳлил қилган ҳолда солиқ тўловларини қонуний камайтириш имкониятларни аниқлаш лозим. Бунда ҳар бир солиқ тури бўйича солиқ кодекси ва ҳукумат қарорлари асосида берилган солиқ имтиёзлари ва преференцияларни аниқлаш, уларни қўллаш тартиблари ва муддатларини аниқлаган ҳолда корхона даврий муддатларда қанча солиқ имтиёзлари сўммаларига эга бўлишлиги ҳисоблаб чиқилади. Бу ерда таъкидлаш керакки, бу жараёнда корхона иқтисодчи мутахассисларининг солиқ қонунчилигидан хабардорлигидан келиб чиқиб, зарурат ҳолларда солиқ маслаҳатчилари хизматидан фойдаланиш катта аҳамиятга эгадир.

Даврий(ой, чорак, йиллик) муддатлар бўйича корхонанинг барча даромадлар тушуми ва харажатлар нисбатини аниқлаб бориш ва бу муддатлар бўйича корхонанинг молиявий имкониятлари ва солиқ мажбуриятлари ўртасидаги ўзаро мувофиқликни аниқлаган ҳолда уларни таққослаш лозим. Бунинг учун корхонанинг банкдаги асосий корреспонденция ҳисобварақларидаги дебет ва кредит оборотлари сўммасини солиштириш асосида корхонанинг молиявий имкониятларининг солиқ мажбуриятлари ўртасидаги нисбат таққосланади. Бу ерда шу нарсага эътибор бериш лозимки, харажатлар йўналиши ва уларни амалга оширишнинг мавсумий ўзгаришларни ҳам ҳисобга олиш зарур. Баъзи ҳолларда корхонанинг ишлаб чиқариш технологик хусусиятидан келиб чиқиб, энг муҳим материаллар ва заҳираларни катта ҳажмда сотиб олишни тақозо қилса, баъзи вақтларда мавсумий вақтинчалик ишга қабул қилишни ҳам талаб қилади.

Бу ҳолатлар корхонанинг кўзда тутилмаган харажатларини оширади ва солиқларни режалаштиришга таъсир қилади. Солиқларни режалаштиришнинг ушбу босқичида корхонада янги турдаги маҳсулотларни ишлаб

чиқаришни ёки қўшимча фаолиятни амалга оширишни йўлга қўйиш жараёнининг корхона солиқ мажбуриятларига таъсир этиш ҳолатини ҳам таҳлил қилишни тақозо қилади. Албатта бу жараёнда корхонанинг маҳсулот(хизмат) сотиш жараёни, маркетинг тадқиқотлари натижалари, пул маблағларининг келиб тушиши ва харажатлар ҳажми ўртасидаги

боғлиқларни таҳлил қилиб бориш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Корхонанинг маҳсулотларига бўлган талабнинг даражасини доим тадқиқ этиб бориш бозор муносабатларининг муҳим талабларидан бири саналади. Маҳсулотлар бозорининг конъюктурасини прогноз қилмасдан ёки корхона

музланишига олиб келади. Корхонанинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари фарқ динамикасини аниқлаш, муддати ўтган(яқинлашган) кредиторлик қарзларини тўлаш ва дебиторлик қарзларини келиб тушишини аниқлашни амалга ошириш солиқларни тўғри режалаштиришга хизмат қилади. Бунинг учун корхонанинг барча маблағларининг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлар ўртасидаги нисбатнинг ўзгариб бориш динамикасини ўрганган ҳолда корхона тўлаши зарур бўладиган кредиторлик қарзларининг муддатларини аниқлаб уларни амалга оширишнинг молиявий имкониятлар билан солиштириш керак бўлади. Чунки, кредиторлик қарзларининг ҳажми ва уларни тўлаш муддатларига амал қилмаслик қўшимча жарималар сифатида харажатларни кўпайтиради.

Албатта бунда корхона кредиторлари томонидан дебиторлик қарзларининг келиб тушиш жараёнини таҳлил қилган ҳолда шубҳали(молиявий интизомга амал қилмайдиган) кредитор корхоналардан маблағларни ундиришнинг ҳуқуқий жиҳатларини шакллантиришни тақозо этади. Корхоналарда солиқларни режалаштиришнинг энг муҳим босқичи бу солиқ мажбуриятларини етарлилик даражасини аниқлаб бориш ҳисобланади. Буни аниқлашда бизнинг фикримизча солиқ мажбуриятларини бажаришнинг етарлилик коэффицентидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун эса корхонанинг банкдаги корреспонденция ҳисобварақлари(асосий, валюта, қўшимча)ининг дебет ва кредит обороти жами сўммаларининг фарқини корхонанинг шу даврдаги солиқ мажбуриятлари нисбатини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Яъни корхонанинг солиқ мажбуриятларини бажариш коэффицентини:

$SME_k = \frac{\$DK\Phi + KTC\Delta - TMKC - C\dot{\Delta}}{TSM}$  (корхонанинг ҳисобварақларининг дебет ва кредит обороти сўммасининг фарқи)+наватдаги ойда келиб тушиши аниқланган дебиторлик сўммаси)-(наватдаги ойда тўланиш муддати келган кредиторлик сўммаси)-солиқлар бўйича қарздорлик сўммаси) / наватдаги ой учун жами солиқ мажбуриятлари сўммаси. Агар бунинг математик ифодалар билан изоҳласак, у куйидаги кўринишга эга бўлади:

$$SME_k = \frac{\$DK\Phi + KTC\Delta - TMKC - C\dot{\Delta}}{TSM} \quad (1).$$

Бу ерда шу нарсани эътиборга олиш лозимки формуладаги биринчи кўрсаткич яъни, корхонанинг ҳисобварақларининг дебет ва кредит обороти сўммасининг фарқида кредит обороти сўммаси кўп чиқадиган бўлса, у ҳолда формула куйидаги кўринишга эга бўлади:

$$SME_k = \frac{KTC\Delta - \$DK\Phi - TMKC - C\dot{\Delta}}{TSM} \quad (2).$$

билан тузилган олди-сотди шартномаларини таҳлил қилмасдан туриб маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб бориш маблағларнинг

Солиқларни прогноз қилиш, солиқ потенциалини аниқлаш ва корхоналарда солиқларни режалаштириш жараёнлари умумий тартибда солиқларни режалаштиришга ва у орқали эса бюджетни оқилона режалаштиришга таъсир қилади. Уларнинг бундай ўзаро боғлиқлиги қуйидаги расмда акс эттирилган(-расм). Корхоналарда солиқларни

режалаштириш жараёни аввало корхона фаолиятини тўғри бошқариш ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш мақсадида амалга оширилсада, бошқа томондан у корхоналар, тармоқлар ва худудлар доирасида солиқ потенциалини аниқлашга ва шу орқали солиқларни прогноз қилиш жараёнига таъсир қилади, қолаверса корхоналар томонидан тўланадиган солиқларнинг бюджетга бир маромда келиб тушишини таъминлайди.

Корхоналарда солиқларни режалаштириш жараёни солиқ прогнозига таъсири икки томонлама касб этган. Бир томондан солиқ потенциалини аниқлашга хизмат қилиб солиқларни прогноз қилишга таъсир қилган бўлса, бошқа томондан солиқларни прогноз қилиш жараёни натижаларига қараб белгиланган солиқ сиёсати йўналишлари корхоналарнинг молиявий сиёсати орқали солиқларни режалаштиришга таъсир қилади. Бу учала жараёни тўғри ташкил этиш бюджет-солиқ сиёсатида мақсад қилиб белгиланган вазифаларни бажаришга таъсир қилади.

Демак, умумий қилиб айтганда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларда молиявий режалаштиришни тўғри ташкил этиш уларнинг молиявий фаолиятини самарали бошқаришни таъминлайди, провардида эса корхоналарнинг молиявий ресурсларини тўғри жойлаштириш(таксимлаш) ва уларнинг ҳаракатини корхонанинг умумий манфаатлари йўлида оптимал йўналтиришга замин яратади.

#### **6.7. Бюджет ташкилотларида молиянинг ташкил этилиши ва уларнинг фаолиятини молиялаштириш механизмлари**

Ушбу бобнинг дастлабки қисмида таъкидланганидек, хўжалик юритувчи субъектлар тижорат(тадбиркорлик) фаолияти билан шуғулланувчи ва нотижорат хўжалик юритувчи субъектларга бўлинади. Нотижорат шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзи ҳам икки гуруҳга ажралади. Биринчиси бу подвалат нотижорат шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар бўлса(бу ҳақда юқорида тўхталиб ўтилди) иккинчи гуруҳдагилар бюджетдан маблағ олувчи нотижорат (бюджет) ташкилотларни ташкил этади. Бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларида молияни ташкил этиш, молиявий муносабатларни шакллантириш ҳамда уларнинг фаолиятини молиялаштириш тартиблари эса ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Шуни таъкидлаш жоизки, бюджет ташкилотлари ҳам бошқа нотижорат шаклидаги корхоналар(ташкилотлар) сингари конун доирасида йўл қўйилган тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин ҳисобланади.

Республикамиз давлат молияси тизимида Давлат бюджети ҳисобига маблағ билан таъминланадиган тармоқларда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш, бюджет маблағларидан самарали ва аниқ фойдаланиш мақсадида 2000 йил 1 январдан бошлаб бюджет ташкилотлари харажатларини маблағ билан таъминлаш янги тартиб асосида амалга оширилиб келинмоқда. Ҳозирги вақтда Республикамиз давлат молияси

тизимида бюджет ташкилотларида молияни ташкил этиш, амалга ошириш(молиялаштириш) Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли қарори билан тасдиқланган "Бюджет Бюджет ташкилотларини харажатларини молиялаштириш (тўлаш) Тартиби", Молия вазирининг 2009 йил 4 августдаги 69-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 16 сентябрда 2007-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган "Давлат бюджетининг ғазна ижроси Қоидалари", Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2011 йил 27 августдаги 57-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Адлия вазирлигида 2011 йил 27 сентябрда 2270-сонли рўйхатдан ўтказилган 2270"Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича Қоидалар" ва бошқа шу каби меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Бюджет ташкилотлари фаолиятини молиялаштириш бюджет ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган бюджетдан маблағ билан таъминлаш нормативлари асосида смета ва штатлар жадвалини конун ҳужжатларида белгиланган тартибда мустақил равишда ишлаб чиқадилар ва тасдиқлашдан бошланади. Бунда сметалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг амалдаги таснифномасига мувофиқ харажатларнинг тўлиқ ёйилмаси илова қилинган ҳолда харажатларнинг қуйидаги тўрт гуруҳи бўйича тузилади:

I-гуруҳ харажатлари: Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар (болали оилаларга нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам, стипендиялар ва бошқалар);

II-гуруҳ харажатлари: Иш ҳақига қўшимчалар;

III-гуруҳ харажатлари: Капитал қўйилмалар<sup>74</sup>;

IV-гуруҳ харажатлари: Бошқа харажатлар.

Бюджет ташкилотлари тасдиқланган смета ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш учун конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ёки унинг худудий молия органларига молиявий йилнинг 10 мартдан кечикмай тақдим этадилар. Тасдиқланган смета ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш, иловаларни келишиш тақдим этилган ҳужжатларнинг тасдиқланган бюджет харажатлари лимитларига ва нормативларига ҳамда бюджет параметрларига мувофиқлиги таҳлили асосида тегишли молия органларида конун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади. Бюджет ташкилотларининг тасдиқланган сметалари ва штат жадвалларини рўйхатдан ўтказиш тегишли молия органлари томонидан молиявий йилнинг 1 апрелигача амалга оширилади. Бюджет ташкилотларининг тасдиқланган харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини, шунингдек амалдаги смета ва

<sup>74</sup> Давлат инвестиция дастурида назарда тутилган аниқ рўйхатларга мувофиқ амалга оширилади.

штатлар жадвалига киритиладиган ўзгартиришлар улар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида ёки ҳудудий молия органларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг амалга киритилади.

Харажатларнинг I ва II гуруҳларига киритилган бюджет ташкилотлари биринчи навбатда харажатларини молиялаштиради. Бунда II харажатларнинг гуруҳига тегишли маблағ ўтказмасдан(иш ҳақи учун олинган аванслардан ташқари) I гуруҳ харажатларини амалга ошириш тақиқланади.

Ягона ғазна ҳисоб рақамида, шунингдек ҳудудий ғазначилик ҳисоб рақамида биринчи ва иккинчи гуруҳлар бўйича тўланмаган харажатлар суммасидан ортиқ маблағлар мавжуд бўлганда ортиқча сумма миқдоридан учинчи ва тўртинчи гуруҳлар бўйича харажат қилишга рухсат этилади. Капитал қўйилмаларга ажратмалар жорий бюджет йили учун тасдиқланган Республика инвестиция дастурига мувофиқ қурилишларнинг аниқ рўйхатларига ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ажратилади. Харажатларнинг I ва II гуруҳларини республика ва маҳаллий бюджетлардан харажатларини молиялаштириш (тўлаш) сметаларга ва бюджет харажатлари рўйхатларига, уларга киритилган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда, шунингдек олдинги ҳисобот даври учун белгиланган баҳолаш кўрсаткичларининг бажарилишига мувофиқ ҳар ойда амалга оширилади.

«Бошқа харажатлар» IV гуруҳи бўйича маблағлар белгиланган лимитлар доирасида қуйидаги навбатга риоя қилган ҳолда сарфланади:

- овқатлантириш;
- дори-дармонлар;
- коммунал хизматлар;
- бошқа харажатлар.

Капитал қўйилмаларни ва бошқа харажатларни харажатларини молиялаштириш (тўлаш) бюджетга маблағлар тушишига қараб ҳар ойда амалга оширилади.

Бюджет ташкилотлари харажатларини республика бюджетидан маблағ билан таъминлаш (тўлаш) — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида белгиланган шаклдаги мақсадли сертификат (унда бюджет таснифномаси параграфлари ва харажатлар гуруҳларини кўрсатган ҳолда) ва харажатларнинг ҳар бир гуруҳи бўйича бир сатрда маблағ ўтказиш учун тўлов қоғози билан расмийлаштирилади. Уларни маҳаллий бюджетлардан маблағ билан таъминлаш (тўлаш) — тегишли молия органларида белгиланган шаклдаги тайинлаш сертификати ва харажатларнинг ҳар бир гуруҳи бўйича бир сатрда маблағ ўтказиш учун тўлов қоғози билан расмийлаштирилади.

Ғазна ижросига ўтган бюджет маблағи олувчилар бўйича харажатларни тўлаш эса

республика бюджетидан — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги ва унинг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан рўйхатдан ўтказилган шартномалар ёки бюджет маблағларини юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисоб рақамларига ўтказиш

мажбуриятини юклайдиган бошқа ҳужжатлар асосида амалга оширилса, Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлардан — Молия вазирлиги Ғазначилигининг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан рўйхатдан ўтказилган шартномалар ёки бюджет маблағларини юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисоб рақамларига ўтказиш мажбуриятини юклайдиган бошқа ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Бюджет ташкилотларининг харажатларини молиялаштиришда (тўлашда) янги бюджет йилида маблағ ажратиш режаси бюджет ташкилотларининг ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 январидан бошлаб ҳолатига кўра товар-моддий бойликларнинг нормативдан ортиқ қолдиғи суммасига камайтирилади. Ўтган йиллардаги дебиторлик қарзларнинг қайтарилган суммалари тегишли бюджетлар даромадларига ўтказилади.

Бюджет ташкилотлари томонидан товарлар(хизматлар, ишлар) харид қилиниш жараёнида уларда дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш ҳамда бюджет ташкилотларини зарур товарлар ва хизматлар билан истеъмол қилинишининг бир маромдалигини таъминлаш мақсадида тўловларни амалга оширишнинг аванс тартиби жорий қилинган ва у қуйидаги товарлар ва хизматларга амал қилади:

**Бюджетдан маблағ олувчиларнинг харид қилишда 15 фоздан ортиқ миқдорда аванс тўлаши мумкин бўлган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг турлари РЎЙХАТИ<sup>75</sup>**

Т/р	Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) номи	Аванс тўловлари миқдори	Изоҳ
1.	Электр энергияси	камида 30%	шартноманинг ойлик суммасидан
2.	Мазут ёқилғиси	30%	шартноманинг ойлик суммасидан
3.	Кўмир	30%	шартноманинг умумий суммасидан
4.	Пахта линти	30%	шартноманинг умумий суммасидан
5.	Геология-қидирув ишлари	30%	шартноманинг умумий суммасидан
6.	Автомобиль бензини	100%	шартноманинг ойлик суммасидан
7.	Дизель ёқилғиси	100%	шартноманинг ойлик суммасидан
8.	Авиация керосини	100%	шартноманинг ойлик суммасидан
9.	Минерал ўғитлар	100%	шартноманинг умумий суммасидан

<sup>75</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 августдаги "Бюджетдан маблағ олувчиларнинг харид қилишда 15 фоздан ортиқ миқдорда аванс тўлаши мумкин бўлган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг турлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида"ги 241-сон қарори билан тасдиқланган.

10.	Қора металллар прокати	100%	шартноманинг умумий суммасидан
11.	Авиа ва темир йўл чипталари	100%	чипталар нархидан, жумладан чипталарни банд қилиш ва хизмат кўрсатиш харажатларидан
12.	Барча турдаги шаҳар йўловчи транспорти йўл қарточкалари	100%	шартноманинг ойлик суммасидан
13.	Даврий босма нашрларга обуна бўлиш	100%	шартноманинг умумий суммасидан
14.	Қўриқлаш хизмати хизматлари	100%	шартноманинг ойлик суммасидан
15.	Мобил алоқа ва телекоммуникация хизматлари	100%	шартноманинг ойлик суммасидан
16.	Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситалари	100%	шартноманинг умумий суммасидан
17.	Сугурта (ихтиёрий ва мажбурий)	100%	шартнома бўйича сугурта муқофоти суммасидан
18.	Давлат захираларидан харид қилинадиган товарлар	100%	шартноманинг умумий суммасидан
19.	Санаторийлар, дам олиш зоналари ва болалар соғломлаштириш оромгоҳларига йўлланмалар	100%	шартноманинг умумий суммасидан
20.	Импорт қилиниши қонун ҳужжатларига мувофиқ фақат «Ўзмахсусимпекс» давлат корхонаси ваколатига қирадиган ҳарбий мақсадлардаги махсулотлар турлари	100%	шартноманинг умумий суммасидан
21.	Қишлоқ хўжалиги техникаси	қамида 70%	шартноманинг умумий суммасидан
22.	Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун дарсликлар ва ўқув қўлланмалари	30%	шартноманинг умумий суммасидан

Бюджет ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ёки унинг ҳудудий молия органлари билан келишган ҳолда мавсумий ёки шошилинч тадбирлар (биринчи синф ўқувчилари учун мактаб анжомлари, кам таъминланган оилалар болалари учун киши кийимлар харид қилиш, эпидемияга қарши, юқумли касалликларга қарши тадбирлар ва бошқа

тадбирлар)ни маблағ билан таъминлаш учун маблағларни IV гуруҳ маблағлари ҳисобига тезкорлик билан харажат қилишлари мумкин. IV гуруҳ ҳисобига автомобиллар ва бошқа автотранспорт воситаларини (махсус автотранспорт бундан мустасно), уяли телефонлар ва зеб-зийнат буюмлари (импорт офис мебели, аудио-видео техника (ўқув, илмий ва тиббий жараёнларда фойдаланиладиганлардан ташқари) офислар учун гиламлар ва бошқалар) харид қилишга фақат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда йўл қўйилади.

Харажатларнинг у ёки бу гуруҳида пайдо бўлган кредиторлик қарзлар

бўлиши навбатига кўра ҳар қайси гуруҳ бўйича тўланади. Ҳисобот чорагининг охириги иш куни охирида бюджет ташкилотларининг ҳисоб рақамларида қолган тежаб қолинган бюджет маблағлари (капитал қўйилмаларни маблағ билан таъминлаш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно) олиб қўйилмайди, Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасига ўтказилади ва белгиланган тартибда сарфланади.

Ғазна ижросига ўтган бюджет ташкилотлари бўйича ҳисобот чорагининг охириги иш куни охирида бюджет ташкилотларининг Молия вазирлиги Ғазначилигида ва унинг ҳудудий бўлинмаларида очилган ҳисоб рақамларида қолган тежаб қолинган маблағлар (капитал қўйилмалар бўйича харажатларни тўлаш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно) олиб қўйилмайди, Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасига ўтказилади ва ундан белгиланган талабларга мувофиқ фойдаланилади. Тежаб қолинган бюджет маблағларини ўтказиш бюджет ташкилотлари томонидан юридик ва молиявий мажбуриятлар олинмаган бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида ҳисобот чорагидан кейинги ой мобайнида амалга оширилади.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ юридик шахс мақомига эга бўлган бюджет ташкилотларида "Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси"ни шакллантириши ва қуйидаги шакллардаги даромадларга: фаолият тури бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиши, бюджет ташкилотлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкни бошқа ташкилотларга ижарага бериши ҳамда юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига кўрсатиладиган ҳомийлик (беғараз) ёрдами шаклидаги даромадларга эга бўлиши мумкин.

Бюджетдан маблағ олувчи юридик шахсларнинг "Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси"нинг манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- ✓ *ғазна ижросига ўтган бюджет ташкилотлари бўйича — ҳисобот чорагининг охириги иш куни охирида бюджет ташкилотларининг Молия вазирлиги Ғазначилигида ва унинг ҳудудий бўлинмаларида очилган ҳисоб рақамларида қолган тежаб қолинган маблағлар (бунга капитал қўйилмалар бўйича харажатларни тўлаш учун назарда*

жорий молия йилига белгиланган лимитлар доирасида уларнинг пайдо



- тутилган маблағлар кирмайди);*
- ✓ *бюджет ташкилотлари фаолияти турига мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариши ва сотишдан олинган даромадлар;*
  - ✓ *вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкини бошқа ташкилотларга ижарага беришдан олинган маблағларнинг 50 фоизи (маблағларнинг қолган 50 фоизини бюджет ташкилотлари маҳаллий бюджетлар даромадига ўтказадилар);*
  - ✓ *юрidik ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига берилаётган ҳомийлик ёрдами (безгараз ёрдам) ҳисобига шакллантирилади.*

"Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси" маблағлари эса аввало вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақаларни ва мавжуд кредиторлик қарзларни тўлашга, бюджет ташкилотининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирларига ҳамда ижтимоий ривожлантириш ва бюджет ташкилотларининг ходимларини моддий рағбатлантириш тадбирларига сарфланади.

Бюджет ташкилотиди вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича тўланмаган нафақалар муддати ўтказиб юборилган кредиторлик қарз мавжуд бўлса, "Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси" маблағлари тежаб қолинган бюджет маблағлари доирасида ушбу қарзларни тўлашга (ишлар, хизматлар товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича жами харажатлар ўрни қоплангандан сўнг) сарфланади. Агар кредиторлик қарзи бюджет ташкилотининг харажатлари вақтинча етарли миқдорда маблағ билан таъминланмаганлиги муносабати билан пайдо бўлган тақдирда, кредиторлик қарзининг Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси ҳисобига тўланган миқдори жорий молия йилига белгиланган харажатлар лимити доирасида бюджетдан қопланади.

Агар кредиторлик қарзи бюджет ташкилотларининг харажатлар сметасига иловада назарда тутилган тегишли харажатлар тўланмаганлиги ва (ёки) харажатларнинг ҳар қайси гуруҳи бўйича белгиланган лимитларнинг ошиб кетганлиги муносабати билан пайдо бўлган бўлса, тўлиқ ҳажмда бюджетдан маблағ билан таъминланган тақдирда, "Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси" маблағлари (ишлар, хизматлар, товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича жами харажатлар ўрни тўлдирилгандан сўнг) аввало харажатларнинг тўланмаган қисми ва белгиланган лимитларнинг ортиб кетган миқдори доирасида кредиторлик қарзларни узишга йўналтирилади.

Бюджет ташкилотиди вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича тўланмаган нафақалар ва кредиторлик қарз мавжуд бўлмаса ёхуд ушбу қарзлар белгиланган доирада ва шартларда тўланган тақдирда товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича жами харажатларнинг ўрни тўлдирилгандан кейин "Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси"нинг қолган маблағлари тушган барча маблағларнинг камида 75 фоизи (соғлиқни сақлаш бюджет ташкилотларида камида 50 фоизи) моддий-техника базани мустаҳкамлашга кўпи билан 25 фоизи (соғлиқни сақлаш бюджет ташкилотларида камида 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда) бюджет ташкилотлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантириш тадбирларига сарфланади.

Бюджет ташкилотлари бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ижроси бўйича ойлик, чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тузади ва топширади. Йиллик молиявий ҳисоботлар ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 январь ҳолатига тузилади. Чораклик молиявий ҳисоботлар ҳисобот йилининг 1 апрель, 1 июль ва 1 октябрь ҳолатига, ойлик молиявий

ҳисоботлар ҳисобот ойдан кейинги ойнинг биринчи санаси ҳолатига тузилади.

Бюджет ташкилотлари томонидан топшириладиган йиллик молиявий ҳисоботлар таркибига қуйидагилар киради:

1. Баланс\* (1-шакл);
2. Харажатлар сметасининг ижроси ҳақида ҳисобот\* (2-шакл);
3. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумот\*;
4. "Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси"\* бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот;
5. "Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси"\* бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот;
6. Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисида ҳисобот\*;
7. Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати бўйича ҳисобот\*76;
8. Жорий йилнинг молиявий натижалари тўғрисида ҳисобот;
9. Номолиявий активларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисобот.

Бундан ташқари агар, бюджет ташкилоти қонунчилик ва ўз Низомига мувофиқ ҳисобот даврида маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятларини амалга оширса, у ҳолда ушбу фаолиятлари бўйича белгиланган тартибда ва муддатларда молия органларига тадбиркорлик субъектлари томонидан топшириладиган молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот 2-сон шаклга мувофиқ тақдим қиладилар.

Йиллик ва чораклик молиявий ҳисоботларга тушунтириш хати илова қилинади. Тушунтириш хатида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича харажатлар сметаси ижроси жараёнига таъсир қилган асосий омиллар, жумладан, бюджетдан ажратилган маблағларни иқтисод қилинишининг сабаблари (таҳлиллари) (агарда иқтисод қилинган бўлса), дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг вужудга келиш сабаблари ва вақти, йўл қўйилган муддати ўтган қарздорликни ундириш бўйича қўрилган чоралар, қонунчиликка мувофиқ ташкилотларга солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича берилган имтиёзлар ва уларнинг сарфланиши тўғрисида маълумотлар, шунингдек ҳисобот даврида қирим қилинган ва сарфланган қоғоз тўғрисидаги маълумотлар, камомати аниқланган ва ўғирланган пул маблағлари ва бошқа товар-моддий қимматликлар суммаси ва ҳисоботлар билан боғлиқ бўлган бошқа тушунтиришлар келтирилади. Бундан ташқари, ҳисобот йилининг биринчи чораги бўйича молиявий ҳисоботларга тушунтириш хатида асосий воситалар ва бошқа активларини (жумладан, тугалланмаган қурилиш ва ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни) қайта баҳолаш бўйича ахборотлар очиб берилади.

Умумий қилиб айтганда бюджетдан маблағ олувчи юридик шахсларда молиявий муносабатларни ташкил этиш, уларни тартибга солиш ҳамда

<sup>76\*</sup> Ушбу ҳисобот шакллари ҳам йиллик ҳам чораклик молиявий ҳисоботлар ҳисобланади.

уларнинг харажатларини молиялаштириш механизмларида бюджет ташкилотининг фаолияти(таълим, тиббиёт, маданият, спорт, мудофаа, бошқарув ва шу каби)дан келиб чиқиб ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Шунингдек, айрим турдаги бюджетдан маблағ олувчиларни молиялаштириш уларнинг бўйсинишлиги бўйича тегишли вазирлик(қўмита, концерн, агентлик) ва Молия вазирлиги билан келишилган тартибда амалга оширилади.

#### **Таянч сўз ва иборалар:**

*Хўжалик юритувчи субъектлари молияси, хўжалик юритувчи субъектлар шакллари, тўлиқ ширкат, коммандит ширкат, масъулияти чекланган жамият, қўшимча масъулиятли жамият, акциядорлик жамияти, ишлаб чиқариш кооперативи, унитар корхона, матлубот кооперативи, жамоат бирлашмалари, жамоат фонди, нотижорат ташкилотлари, устав фондлар, захира фондлар, мажбурий резерв захиралари, депозитга ўтказиладиган маблағлар, дивиденд, молиявий коэффициентлар, молиявий натижалар, рискларни бошқариш.*

#### **Назорат учун савол ва топшириқлар:**

1. Молия тизими кўлами бўйича қанақа гуруҳланади?
2. Хўжалик юритувчи субъектларларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари санаб беринг.
3. Хўжалик юритувчи субъектларларда молияни ташкил этиш асосларини изоҳланг.
4. Хўжалик юритувчи субъектлардан пул фондларини ташкил қилиш ва уларнинг маблағларини тақсимлаш механизмлари нималардан иборат?
5. Хўжалик юритувчи субъектларнинг мажбурий пул фондлари ва уларга минимал миқдорига қанақа иқтисодий талабалар мавжуд?
6. Акциядорлик жамиятларида фондларни шакллантириш ва фойданинг тақсимлаш тартиби қандай?
7. Акциядорлик жамиятларида дивиденд тўлаш тартибини тушунтириб беринг.
8. Маъсулияти чекланган жамиятларда пул фондлари ва улардан фойдаланиш тартиби қанақа?
9. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий натижаларни аниқлаш механизми тартиби қандай?
10. Хўжалик юритувчи субъектларда харажатларнинг гуруҳланиши ва уларни молиялаштириш тартибини тушунтириб беринг.
11. Хўжалик юритувчи субъектлар молия тизимида қанақа молиявий коэффициентлар амал қилади?
12. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий бошқарувни ташкил этиш хусусиятларини изоҳланг.
13. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий режалаштиришни ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби қанақа?

14. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий потенциални аниқлаш ва солиқларни режалаштиришни амалга оширишнинг хусусиятларида нималардан иборат?

15. Бюджет ташкилотларида молиянинг ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларини изоҳлаб беринг.

16. Бюджет ташкилотларида молиянинг сметаларни тузиш ва уларни тасдиқлаш тартиби қандай?

## 2-БЎЛИМ

### 7- БОБ. СОЛИҚЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИАТИ

#### 7.1. Солиқларнинг иқтисодий моҳияти

Солиқларнинг пайдо бўлиши ва унинг амал қилиши давлатнинг пайдо бўлиши ва амал қилиши билан боғлиқ, бу шубҳасиз. Жамиятда юз берадиган ҳар қандай жараён ва ҳодисалар албатта у ёки бу омилларнинг таъсирида юзага келади ва ривожланади. Солиқ категорияси ҳам худди шундай хусусиятга эга. Солиқ категориясининг мазмуни моҳиятини тўлиқ англаш учун унинг илдизини топиш зарур бўлади, яъни солиқнинг амал қилишининг асосий омилларини аниқлаш унинг моҳиятини кашф қилишда муҳим қадам бўлади. Таъкидлаганимиздек, солиқ категорияси жамиятдаги тақсимот муносабатларига бориб тақалади. Солиқлар ҳам худди молия категорияси сингари тақсимот муносабатларининг мураккаблашуви ва уни тартибга солишнинг самарали методларига бўлган эҳтиёждан келиб чиқади. Агар, фанни ўрганишнинг тарихийлик ва мантиқийлик методларига асосланган бўлсак, кишилик жамиятининг тараққиётини тавсифловчи формацияли ёндошувга кўра ҳали давлат мавжуд бўлмаган шароитда ҳам қадимги одамлар ўртасида ҳам тақсимот муносабатлари мавжуд бўлган. Бу тақсимот муносабатлари дастлаб стихияли касб этган бўлса, кейинчалик оила, гуруҳ, қабила бошлиқлари томонидан амалга оширилган. Бунда тақсимотда қандай тамойилларга асосланганлиги тарихий манбаларда мавжуд.

Бундай тақсимот муносабатлари кишилик жамиятининг ривожланиб, такомиллашиб ва мураккаблашиб бориши, иқтисодий муносабатлар ва унга монанд равишда ижтимоий муносабатлар ҳам мураккаблашиб борганлиги оқибатида тақсимот механизмларининг анъанавий усуллари иш бермай қолиши оқибатида янги кучга эҳтиёж сезилади. Ибтидоий жамоа тузумининг емирилишида ҳам айнан тақсимот муносабатларига ўзгартиришга эҳтиёж ҳам асос бўлганлиги ажаб эмас. Жамиятда муносабатларнинг ривожланиши оқибатида икки хил соҳага, яъни ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳасига ажралиши эса улар ўртасида ўзаро нисбат(пропорция) муносабатларини ўрнатишни талаб этади. Бу эса ўз-ўзидан кўринадики, давлатнинг жамиятда синфий сиёсий куч сифатида юзага келишининг иқтисодий асосларига сабаб бўлган. Демак, давлатнинг юзага келишига сабаб биринчидан иккига бўлинган соҳалар ўртасида нисбатни таъминлаш бўлса, бошқа томондан тақсимот муносабатларини тартибга солиш орқали жамиятда мувозанатни таъминлашнинг зарурлигидир. Давлат ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаси ўртасидаги нисбат муносабатларни тартибга солишда бир томондан унинг самарали усуллари шакллантириша, бошқа томондан ноишлаб чиқариш соҳасини кенгайтиришга ҳаракат қилади, яъни унинг ўзига хизмат қилувчи звеноларни кучайтиради. Давлатнинг олдида ягона йўллардан бири ишлаб чиқаришда яратилган маҳсулот(қиймат)нинг бир қисмини мажбурий тартибда ундириш ва униношлаб чиқариш(ўзининг звенолари) ўртасида қайта тақсимлаш орқали

мувозанатни таъминлашдек тадбирдир. Бу тадбир эса қандайдир марказлашган(пул) фондларни шакллантиришни тақозо этади. Ишлаб чиқариш соҳасидан қайта тақсимланган бойликларни эса ушбу марказлашган фондларга жалб қилишнинг бирдан-бир усулларида бири сифатида мажбурий тўловлар, яъни солиқларни жорий этишни тақозо этади<sup>77</sup>.

Солиқларнинг моҳиятини тўғри англаш уни юзага келишининг ижтимоий шарт-шароитлари билан боғлиқ ҳолда талқин қилишни тақозо этади. Агар тарихий манбаларга қарайдиган бўлсак, солиқларнинг дастлабки кўринишлари ер ва ҳайвонлар билан боғлиқ бўлган, яъни давлат ўз мақсадларида солиқ ундиришда ерлар ва ҳайвонлардан солиқ олган. Бу эса кишилик жамиятининг турмуш тарзидан келиб чиққан. Давлатчиликнинг дастлабки даврларида асосий кун кечириш воситалари ва манбаи бу ер ва ҳайвонлар бўлган<sup>78</sup>, демак, солиқларнинг характери ҳам шунга мувофиқ бўлган. Баъзи ҳолларда маҳаллий мартабали ва куч қудратга эга бўлган ҳукмдорлар қулай табиий жуғрофий жойларни эгаллаб ундан бошқалар фойдаланганлик учун мажбурий тўловлар ундирган бўлса<sup>79</sup>, баъзи ҳолларда ҳукмдорларга текинга ишлаб бериш тарзда жорий қилинган, дастлабки вақтларда солиқлар кўпроқ қурбонлик қилиниш тарзида амал қилган.<sup>80</sup> Солиқларнинг дастлабки юзага келиш шарт-шароитлари сифатида диний ақидалар ҳам катта роль ўйнаган. Дин вакиллари томонидан кишиларнинг худоларга ихтиёри-мажбурий тартибда қурбонликлар қилиниши уқтирилган ва турли хил кўринишларда тўловлар ундирилган. Албатта солиқлар хўжалик юритишнинг шаклига ҳам мос бўлган. Товар-пул муносабатлари юзага келгунга қадар эса у кўпроқ натура шаклда ундирилган. таъкидланганлардан шундай хулоса келиб чиқадики, солиқларнинг юзага келиши ва ривожланиши аввало давлатнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлса, шу билан биргаликда унинг жорий қилиниш ва ундирилиш шакллари эса одамларнинг турмуш тарзи, давлатчиликнинг қурилиши, дастлабки ҳукмдорларнинг мавқеи, шунингдек, давлатнинг сиёсий қудратига боғлиқ бўлган.

Солиқларнинг тарихий шаклланиши ва унинг табиати билан шуғулланувчи олимлар<sup>81</sup>нинг таҳлилларига ва аниқлашларича солиқларнинг

<sup>77</sup> Дарсликнинг 1-қисми "Молиянинг иқтисодий моҳияти ва белгилари" параграфидаги "Молия ва солиқларнинг юзага келишининг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари" номли 2.1-расмга қаранг.

<sup>78</sup> Қаранг: Егер О. Древний мир // Всемирная история. Т. I. СПб.: Спец. лит., 1997. С. 32.

<sup>79</sup> Қаранг: Паркинсон С. Закон и доходы. М.: ПКК "Интерконтакт", 1992. С. 14 - 15.

<sup>80</sup> Кучеров И. И. Налоговое право зарубежных стран. Курс лекций. М.: АО "Центр ЮрИнфоР", 2003. С. 78-91.

<sup>81</sup> Масалан: Алексеевко ММ. Взгляд на развитие учения о налоге. Харьков, 1870, с. 25; БоголеповД. Краткий курс финансовой науки. Издательство "Пролетарий" 1929, с. 17; Фридман М.И. Конспект лекций по науке о финансах, Налоги, Выпуск II, СПб., с. 23; Соболев М.Н. Очерки финансовой науки, 1925, с. 61; Ж. Симонд де Сисмонди. Новые начала политэкономии. М., 1897, с. 135-149; Янжул И.И. Основные начала финансовой науки. М., 1904, с. 49; Мильгаузен Б.Г. Лекции по финансовому праву, с. 29; ВиттеС.Ю. Конспект лекций о Государственном хозяйстве. СПб., 1914, с. 35; Таргулов Я. Финансовая наука. 1919. с. 78; Селигман Э. и Стурм Р. Этюды по теории обложения. СПб., 1908, с. 9; Нитти Ф. Основные начала финансовой науки, с. 241; Лориа А. Финансовая политика как результат и орудие интересов владельческих классов. М., с. 70-71; Ричарда А. Масгрейва, ученого финансиста с мировым

тарихий шаклланиши турлича кўринишларда ривожланган ва номланган. Солиқларнинг "ўлпон"-енгилганга солиқ, "контрибуция"(урушда енгилган томондан тўланган тўлов) деб номланиб келиши, давлатлар ўртасидаги ўзаро босқинчилик ҳаракатлари доимийликдан тўхтаб, давлатлар ўзларининг ҳарбий салоҳиятини таъминлашга ўтишигача давом этиб, бу вақтларда солиқлар ички манбалар ҳисобига кўча бошлаган. Давлатчиликнинг дастлабки вақтларида давлат бошлиғининг шахсий маблағлари ва давлат манфаатлари учун ундирилган мажбурий тўловлар ҳали тўлиқ ажралмаган шароитларда солиқлар "ёрдам" кўринишида бўлган. Давлат бошқаларнинг босқинидан ўзини ҳимоя қилиш мақсадида унинг фуқаролари томонидан инъом этилган моддий бойликлар давлатга ёрдам шаклида ундирилган ва у кўпинча бундай тўловлар грекча "auxilia", лотинча "donum", инглизча "benevolence"- "хайрихоҳлик, ихтиёрий инъом"; лотинча "adiutorium", французча "aide", "инглизча" aid" -"ёрдам"; "precarium"(лотинча), "Bede"(немисча)-"сўров" номлари билан аталиб келинган. Ривожланишнинг кейинги босқичларида эса у "қурбонлик"(ўз мулкни давлатга қурбонлик сифатида тақдим қилиш) деб номланиб, у "gabelle"(французча), "Abgabe"(немисча) ва "dazio"(лотинча) номда аталиб келинди. Давлатчилик тизимининг кейинги босқичларининг ривожланиш хусусиятларига қараб солиқлар инглизча- "duty" -мажбурият деб номланган бўлса, солиқлар мол-мулкнинг унинг эгасига нисбатан бегоналашувини ифодалаб impost, imposition (инглизча), impot(французча) ва imposta(итляянча)-солиқ, тўлов деган маъноларда ишлатилиб келинди. Шу билан биргаллик солиқларнинг давлатнинг фаолияти билан боғлиқ жиҳатларини ифодаловчи "Регалия" тушунчаси ҳам пайдо бўлди. Регалиялар давлат молия хўжалигининг ажралмас қисмига айланиб борди. Қадимги Греция, Рим, Европа ва Осиё давлатларида шаклланган қадимги давлатчилик шаклларида давлатнинг асосий фаолиятининг йўналишлари сифатида турли хил бинолар, иншоотларнинг қурилиши, умумий манфаатларга хизмат қилувчи соҳаларни(суд, ҳуқуқ тартибот, почта, пулни зарб қилиш ва алмашинувлар, умумий фойдаланишга хизмат қилувчи транспорт тизими ва ш.к.) шакллантириш, аҳолининг айрим гуруҳлари томонидан амалга ошириш имконияти чекланган тармоқларни ривожлантириш(масалан, рудаларни қайта ишлаш)га эътибор бериб келинган ва улар давлатнинг даромади олиш манбалари сифатида катта роль ўйнаб келган. Регалияларнинг энтотолигик моҳияти турлича қўлланиб келинган. Регалия лотинча сўз бўлиб, "regalis-шоҳга тегишли, шоҳники" деган маънони англатиб, кейинги вақтларда ундан шахсларга тегишли махсус ва ноёб нарсаларга(масалан, турли хил ёрликлар, медаллар, совринлар, касбий буюмлар) нисбатан қўлланилиб келинади. Дастлабки вақтларда шоҳга(ҳукумат бошлиғига) тегишли барча мол-мулк ва буюмларга нисбатан қўлланилган ҳолда, давлатчиликнинг илк кўринишларида баъзи давлатларда шоҳ ва давлатга тегишли бўлган мол-мулк

ўртасида тўлиқ ажралишлар бўлмаган шароитда давлатга тегишли бинолар ва бошқа даромад келтирувчи мол-мулк ва ҳуқуқлар ҳам регалиялар таркибига киритилган. Кейнчалик давлат мулки ва даромадларининг ажралиши регалиялар давлат мулки ва унга даромад келтирувчи даромад сифатида изоҳланиб келинган. Немис олими Герман Штраухнинг тадқиқотларига кўра регалия тушунчаси XII асда Италия конунчилигида келтирилган бўлиб, унда императорга тегишли барча ҳуқуқлар, суд ва бошқарувга нисбатан ишлатилган. Бу тушунча XIII асда Германияда кенг қўлланилиб бошланди. Бу даврда олтинчи казиш ишлари ривожланиш тусигакириши регалиялар ноёб металлларга нисбатан ҳуқуқ сифатида қўлланилган. Ўрта асрларда эса регалиялар фарқланиб бошланди. Ҳукуматга тегишли барча ҳуқуқлар, суд ва бошқарув, давлат рамзлари(тож, подшоҳ ҳассаси) "regalia majora" деб номланган бўлса, "regalia minora" ёки "regalia utilia fisci" номли регалиялар орқали давлат тегишли бошқа барча нарсалар(мол-мулк, бойлик) тушунилган. XVII асардан бошлаб немис иқтисодий адабиётларида асосан давлатга қарашли нарсаларга ва унинг даромад манбаи сифатида кенг қўлланилиб келина бошланди. Иқтисодий адабиётларда давлат монополиясини регалиялардан фарқли эканлиги изоҳланади. Масалан, тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш жамият манфаатларига хизмат қилмаганлиги учун тамаки саноати эмас, ундан олинган солиқлар, шунингдек, кимор ўйинлари, лотарей ўйинларига тегишли ҳуқуқлар эмас, балки ушбу фаолиятдан олинган даромадлар регалиялар ҳисобланиши регалия сифатида фарқлашлар ҳам мавжуд. Давлатларнинг ривожланиб бориши ва уларда пул дастаклари, почта алоқалари ва телефон тармоқларининг ривожланиши ва улардан олинган даромадлар асосан регалиялар сифатида изоҳланди. Давлат регалияларининг орасида пул регалиялари энг қадимий ҳисобланади. Пул регалияларини давлат ўз қўлига олиб уни чоп этиш орқали даромадга эга бўлган, яъни уни чоп этиш номинал харажатлари ва унинг ҳақиқий баҳоси ўртасидги фарқ давлат даромадлари сифатида баҳоланган. Кейинчалик унинг турларининг кенгайиши, масалан, чек, вексел, муомала воситалари, банк билетларининг муомалага киритиш давлатга маълум даромадлар олиб келган. Пул регалияларнинг даромадлилик даражаси унинг бошқа пулларга алмашилиш даражасининг(курсининг) ошиши айрим давлатларда бундай регалияларни ривожлантиришга катта эътибор берилди бошланди. Почта, темир йўл, телеграф, телефон хизматлари, мулкларни расмийлаштириб бериш, шахсларга оид ҳужжатларни расмийлаштириш ва шу кабилардан олинган даромадлар солиқ тизими давлатнинг асосий иқтисодий ричагига айлангангунга қадар давлат даромадларининг(бюджетининг) асосий даромад манбаи сифатида аҳамият касб этиб келган. Демак, жамиятнинг тараққийлашуви ва давлатларнинг солиқ тизимининг ривожланиши орқали регалияларнинг ўрни ва уларнинг давлат ҳамда жамият ҳаётидаги молиявий роли ўзгариб борган. Ҳозирги вақтда давлат регалияларнинг қуйидаги шакллари келтирилиб ўтилади: Саноат(монополия тармоқларидан олинган даромад, рухсатномалар ва

инемем "Теория государственных финансов" (Нью-Йорк, 1959); Соболев М.Н. Очерки финансовой науки. Изд. "Пролетарий", 1925, с. 61.

лицензиялар беришдан олинган даромад, рўйхатдан ўтказганлик учун йиғимлардан олинган даромад); суд ишлари(суд божлари, суд қарори ижро этилганлик учун йиғим, жарималар ва мулкни давлат фойдасига ўтказиш); пул( пул ва бошқа қимматли қоғозларни чоп этишдан даромадлар); божхона(бож тўловлари ва ноқонуний молларини давлат фойдасига ўтказиш) регалялар келтириб ўтилади.<sup>82</sup>

Солиқ категорияси таъкидланганидек, давлат ва солиқ тўловчилар ўртасидаги турли хил иқтисодий ва социал муносабатларни қамраб олади. Илмий методологик нуқтаи назаридан ҳар қайси категориянинг моҳиятини ўрганишнинг унинг бошқа категориялар ва муносабатлардан фарқли жиҳатларини аниқлаб олиш катта услубий аҳамиятга эгадир. Масалан, кредит муассасалари томонидан бўш турган маблағларни жалб қилган ҳолда маълум бир муддатга, мақсадли сарфлаш ва фоизлар билан қайтариб бериш жараёнини ифодалаш бу кредит деган тушунча била изоҳланади. Бу ерда қўринадик, кредитнинг ўзига хос белгиларини аниқлаш билан уни ихозловчи категорияни дарҳол англашга имкон туғилади. Шу жиҳатдан солиқларнинг белгиларини аниқлаб олиш уни билишга жараёнига хизмат қилади. Шунга асосланган ҳолда солиқларнинг моҳиятини тўлароқ англаш учун унинг ўзига хос бўлган белгиларни аниқлаймиз. Солиқларнинг барча олимлар ва иқтисодчилар томонидан тан олинган бир қатор белгилари билан танишамиз. биринчи ва бош белгиси мажбурийлик белгисидир. Солиқлар албатта мажбурийлик характериға эға бўлади. Иқтисодий муносабатлар жараёнида мажбурий тўловлар бир қанча бўлиши мумкин. Масалан, истеъмол этилган газ, электр энергияси, иссиқ ва совуқ сувлар учун тўланадиган тўловлар ҳам мажбурий характерға эға, қачонки, улар истеъмол этилганда албатта. Солиқларнинг мажбурийлиги шундаки, унинг даражасига қараб давлат ўзининг иқтисодий фнкцияларини бажаради ва унирежалаштиради. Бошқача қилиб айтганда жамиятға кўрсатадиган ижтимоий хизматларнинг миқдорий ва сифатий ҳажмларини аниқлайди. Агар, солиқларға ихтиёрийлик белгиси жиҳатдан ёндошадиган бўлсак, давлатға минимал зарур бўладиган молиявий маблағларни шакллантириш имкони жуда катта таваккалчиликка асосланиб қолади, қолаверса, ҳар бир индивидгаэгоизм-хос хусусият бўлиб, ихтиёрий равишда солиқларни етарли даражадаги тўлашиға салбий таъсир этиб туради. Демак, солиқлар мажбурий тартибда жорий қилиниши ижтимоий-иқтисодий объектив зарурат бўлиб, бу унинг муҳим белгиси сифатида юзаға чиқади.

Солиқларнинг кейинги белгиси **фақат қонун тартибда жорий қилиниши** белгисидир. Солиқларнинг юзаға келишида давлатчиликнинг шакллари ва бошқарув тизимининг ривожланиб бориши билан уларни жорий қилиш тартиблари ҳам цивилизациялашиб борди, ижтимоий-объектив вазият шуни тақозо қилдики, солиқларни жорий этиш парламентаризм тамойилларига асосан қонунлар орқали жорий қилиниши зарур. Солиқлар бошқа категориялардан шуниси билан фарқ қиладики,у давлат, жамият ва

<sup>82</sup>Қаранг: <https://ru.wikipedia.org>.

унинг аъзоларининг умумий манфаатларини уйғунлаштиради, манфаатларға асосланган муносабатларда эға субъектларнинг таъсири бўлмаслиги лозим. Бошқа томондан солиқларни аслида халқнинг ўзи белгилайди деган тушунчалар ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра халқ сайлаб қўйган ноибларға солиқларни жорий қилиш масалалари ваколатини бериш, демакки солиқларни халқ номидан ва иш кўрувчилар жорий қилади. Бу ерда халқнинг таваккалчилиги шу ердаги ана халқ манфаатларини ифода этадиганларини сайлаб олишидир. Солиқларни қонун асосида жорий қилишдан яна бир мақсад ижро этувчи органлар томонидан солиқларни жорий этилиши солиқларнинг адолатлилиги тамойилларини ўрнатиш имкони қийинлашади, субъективликка йўл қўйилиш ҳолатлари юза келиш имконияти туғилади. Солиқларға хос яна муҳим белгилардан бири унинг тўловчисининг аниқлилигидир.

Солиқларни жорий этиш солиқ тизимини шакллантиришнинг бир томони, аммо, уни қимлар тўлайди, унинг субъектини аниқламаслик жорий этилган солиқлар муаллақ бўлиб қолаверади. Бошқа мажбурий тўловларда унинг тўловчиси кейин аниқланади, масалан, агар электр энергиясини истеъмол этилмаса, унинг тўловчисини аниқлаб бўлмайди, фақатгина уни истеъмол этгандан кейингина тўловчисини аниқлаш мумкин. Солиқларда бундай шаклда тўловчисини аниқлаб бўлмайди. Унинг тўловчилари аввалдан умумий тартибда аниқлаштирилиб қўйилади ва тегишли солиқ объекти ва фаолият туриға қараб улар ойдинлаштирилади. Кейинги белгиси аниқ ставка ва муддатларға эға бўлишлигидир. Солиқлар бошқа категориялардан фарқли жиҳати шундаки, унинг ставкалари ва тўлаш муддатлари аниқ бўлади, агар унинг бу белгилари бўлмаса солиқлар ўз моҳиятини йўқотади, жорий қилинган солиқларнинг қанчаси ва қачон ундирилишини аниқлаб бўлмайди, солиқларнинг ундирилиш жараёни мавҳумликка асосланиб қолади ва асосий мазмуни давлат бюджетининг даромадларини шакллантириш хусусияти йўқолади. Демак, аниқ ставка ва муддатларда ундирилиш унинг муҳим белгиси сифатида намоен бўлади.

Солиқлар **эквивалентсизлик** характерда бўлади, бу эға унинг энг муҳим белгиларидан ҳисобланади. Солиқларнинг бу белгиси солиқларнинг ички моҳияти ва унинг ижтимоий ва социал хусусиятларини акс эттириши билан биргаликда жамият бошқарувининг адолатлилиги тамойилини ҳам ифодалаб беради. Солиқларнинг бу белгиси шу нарсани ифодалайдики, қим қанча солиқ тўлаган бўлса, давлатдан шунча миқдорға тенг равишда ижтимоий хизматлар олмаслиги, ундан кўп ёки кам олиши, умуман солиқ тўламасдан солиқ тўловчиларға нисбатан кўпроқ ижтимоий хизматлар истеъмол қилиши мумкинлигини изоҳлайди. Жамиятни бир маромда сақлаш эға ана шуни тақозо қилади. Олайлик янги туғилган чақалоқ, нафақадаги шахслар, туғма ва касбий ногиронлар, вояға етмаган шахслар ва шу қабила солиқ тўламасада аммо, солиқ тўловчиларға нисбатан кўпроқ ижтимоий хизматларға эға бўлиши мумкин. Чақалоқларнинг солиқ тўламаганлиги учун унга тиббий эмлашни ўтказмаслик, ёки нафақадаги аҳолиға тиббий ёрдам ва

бошқа ижтимоий хизматлар кўрсатмаслик, тасаввур қилиш мумкинки, жамият бошқарувида социал муносабатлар издан чиқиб жамиятни пораканадага олиб келади. Бу эса солиқларнинг эквивалентсизлик хусусиятга эга бўлиши билан ҳал этилади. Демак, солиқлар эквивалентсизлик характерда бўлиб, уни ижтимоий хизматларнинг табақалашган ҳолда истъёмол этилишини таъминлайди ва шу орқали жамиятни бошқаришнинг муҳим тамойилларидан бири бўлиб ҳам хизмат қилади. Солиқларга яна бир хос белгилардан бири бу унинг **универсал характерга эга бўлиши белгисидир**. Солиқлар догматик ҳолатда бўлиши унинг моҳиятини йўқотади, бошқа томондан эса солиқлар давлатнинг иқтисодиётни тартиблашдаги энг асосий воситаларидан бири сифатида иқтисодиётнинг ривожланиш жараёнига таъсир қилади, солиқлар баъзи ҳолатларда тартибловчилик, баъзи ҳолатларда рағбатлантирувчилик хусусиятига эга бўлиши талаб қилинади, ишлаб чиқаришнинг ҳолатини эътиборга олган ҳолда ўзгариб туриши лозим бўлади. Бундан кўринадики, солиқлар ўзгарувчанлик белгисига эга бўлади. Бу эса унинг жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни мувофиқлаштириш орқали юзага чиқади. Юридик ва жисмоний шахслардан ундириладиган солиқлар фақат давлат бюджетига йўналтириладики, бу унинг навбатдаги белгиларидан бири саналади. Албатта бу албатта давлатнинг молиявий сиёсатига боғлиқ бўлади. Давлат баъзи ҳолларда солиқларнинг маълум турларидан тушумларни бошқа давлат марказлаштирилган фондларига ҳам йўналтириши мумкин (Масалан Республикамызда қишлоқ хўжалик корхоналаридан олиннадиган ягона ер солиғи бўйича тушумларни Молия вазирлиги хузуридаги Суғориладиган еларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фондига жалб қилиш тажрибаси ҳам мавжуд). Қайд этилганлардан кўринадики, солиқлар бу фақат давлатнинг ғазнасини маблағлар билан тўлдиришга қаратилмаган. У кенг қамровли ўзига хос хусусиятларга эга. Унинг бу хусусиятлари солиқ категорияси(тушунчаси) ўз нима эканлигини очиб беради ва унинг бошқа иқтисодий категориялардан фарқлайди.

Солиқларнинг қайд қилинган белгилари унинг иқтисодий муносабатларда кенг ўрин эгаллаши билан биргаликда улар ижтимоий муносабатларнинг барча жиҳатлари билан ҳам қамраб кетади. Буни биз солиқларнинг моҳиятини алоҳида ўрганган ва солиқ назариясининг ривожланишига ҳисса қўшган олимларнинг солиқларга берган таърифлари(эндошувлари) ҳам кўришимиз мумкин:

Солиқлар бу-бир томондан тақсимот элементи сифатида нархнинг бир қисми бўлса, бошқа томондан давлатнинг жорий этиш, тақсимлаш, ундириш ва истъёмол этишга қаратилган функциясидир( Алексеев ММ. Взгляд на развитие учения о налоге. Харьков, 1870, с. 25).

Солиқлар бу-бир вақтнинг ўзидаги иқтисодий, хўжалик ва сиёсий жараёнлар (Буковецкий А.И. Введение в финансовую науку, с. 26).

Солиқлар бу-ҳукуматни боқадиган она кўрагидир (К. Маркс, Ф. Энгельс. Соч., 2-е изд., т. 7, с).

Солиқлар бу-бизнинг мулкимиз, тинчлигимиз, оиламиз ва динимиз ёнидаги бешинчи худодир (Боголепов Д. Краткий курс финансовой науки. Издательство "Пролетарий" 1929, с. 17).

Солиқлар деганда ижтимоий тартибдаги ҳимоямизни таъминлаш учун олдиндан тўлов тушунмоғимиз лозим (Мирабо Оноре-Габриель Рикетти // Энциклопедический словарь Брокгауза и Ефрона: В 86 томах (82 т. и 4 доп.). — СПб., 1890—1907).

Солиқ бу-бу қурбонликдир, шу билан биргаликда манфаат ҳамдир..... ( Ж. Симонд де Сисмонди. Новые начала политэкономии" 1819, с.75).

Солиқлар деганда умумий давлат ётоқхонасида жойлашиш учун олий ҳуқуқни олиш мақсадида даромад ва мол-мулкдан мажбурий тартибда тўланадиган йиғимлар(ҳада) тушунилади (Витте С.Ю. Конспект лекций о Государственном хозяйстве. СПб., 1914, с. 35).

Солиқ бу-жамоа истъёмолини қондириш мақсадида фуқаролар томонидан давлатга ва маҳаллий ҳукуматга берадиган бойлигининг бир қисмидир (Нитти Ф. Основные начала финансовой науки, с. 241).

Солиқ бу-давлат ва парламентнинг даромадлари сифатида ўрнатилган мажбурий тўловлар бўлиб, бу тўловлар уларнинг фаолиятини тақдирлаш учун эмас, балки хизмати қилишлиги учун тўланади (Лориа А. Финансовая политика как результат и орудие интересов владельческих классов. М., с. 70-71).

Солиқлар бу-давлатнинг ижтимоий характердаги харажатларини қоплаш учун алоҳида турдаги шахслардан мажбурий тартибда ундириладиган йиғимлардир (Селигман Э. и Стурм Р. Этюды по теории обложения, СПб., 1908, с. 89).

Солиқ бу-уй хўжаликлари ва фирмалар томондан ҳукуматга тўланадиган (ёки товар ва хизматлар), алмашинувда давлатдан тўғридан-тўғри товарлар ва хизматлар олинмайдиган, шу билан биргаликда ноқонуний тартида суд томонидан солинган жарима бўлмаган мажбурий тўловлардир.( К.Р. Макконелла, С.Л. Брю "Экономикс": 1997,с. 323). Бундай таърифларни кўплаб келтириш мумкин. Булардан кўринадики, солиқларга бундай ранг баранг таъриф берилиши(солиқларни ҳатто диний тушунча ҳам деб қаралиши) унинг табиатнинг турличалиги ва бошқа жараёнлар билан чамбарчас боғланиб кетишидир. Аммо, мазкур келтириб ўтилган таърифлар солиқларнинг табиатини очишга хизмат қилсада, аммо, уларга таъриф беришда унинг иқтисодий категория сифатидаги хусусиятларидан келиб чиқиш лозим бўлади. Чунки, аввало солиқнинг ўзи иқтисодиётнинг бир бўлаги сифатида унинг қонуниятларини ифодалашга хизмат қилади.

Ҳар бир иқтисодий категориянинг моҳияти унинг луғавий маъноси, иқтисодий маъноси ва унинг ҳуқуқий ҳужжатлардаги маъноси жиҳатдан аниқланади. Биз солиқларнинг луғавий маънолари шаклланиши ва номланиши жиҳатдан турли-туман шаклда бўлиб келганлигини юқорида келтириб ўтилди. Ўзбек лексикологиясида давлат бюджетига мажбурий тартибда ундириладиган тўловларни "солиқ" тушунчаси, термини орқали



ифодаланани. Солиқ сўзини эшитиш заҳотиёқ инсон мясида давлат ихтиёрига тўланадиган мабурий тўловлар хусусидаги фикрнинг инъоси пайдо бўлади. Бу хали фақат терминнинг ўзини англаб этиш ҳисобланади. Аммо, ушбу термин-категориянинг тўлиқ моҳияти эса кенгрокдир. Солиқларга бошқа давлатлар сингари Республикамиз қонунчилигида ҳам таърифи келтирилган бўлиб у Солиқ кодексининг 2-моддасида (2-модда.Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар) *"Солиқлар деганда ушбу Кодексда белгиланган, муайян миқдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва безараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловлари тушунилади"* деб келтирилган. Бу таърифнинг замирида иқтисодий жиҳатлар билан бирга ҳуқуқий муносабатлар ҳам қамраб олинган. Чунки, солиқларни ундириш кенг қамровли ҳуқуқий муносабатларни келтириб чиқаради. Солиқларнинг иқтисодий маъноси эса кенгрок ёдошувни тақозо этади.

Илмий-услубий методологик жиҳатдан бирор нарсанинг моҳиятини очиб беришга хизмат қиладиган таърифларни шакллантиришдаги муҳим шартлардан бири ана шу категориянинг ўзига хос белгиларини акс эттиришидир. Шундан келиб чиққан ҳолда солиқлар деганда куйидаги таърифни бериш унинг барча белгиларини акс эттирган ҳолда унинг моҳиятини тўлароқ очиб беришга хизмат қилади. *Солиқлар бу- мажбурийлик, ўзгарувчанлик ва эквивалентсизлик характериға эга бўлган, фақат қонун йўли билан жорий этиладиган, юридик ва жисмоний шахслардан аниқ ставка ва муддатларда ундириладиган ва фақат давлат бюджетига йўналтириладиган тўловлар тушунилади.*

## **7.2. Солиқлар ва солиқсиз тўловларнинг ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатлари**

Иқтисодий адабиётларда, қонун ҳужжатларида солиқлар билан бир қаторда мажбурий тўловлар, йиғимлар, тўловлар, давлат йиғимлари, давлат божи, божхона тўлови, бож тўлови каби тушунчалар учрайди, бошқача қилиб айтганда уларни гуруҳлаштирган ҳолда солиқлар ва солиқсиз тўловларга ажратилади. Албатта бу тушунчаларининг умумлаштирадиган термин(категория) бу мажбурий тўловлардир. Мажбурий тўловлар эса ички моҳияти жиҳатдан солиқлар ва солиқсиз тўловларга ажратилади. Йиғимлар, тўловлар, давлат йиғимлари, давлат божи, божхона тўлови, бож тўлови улар солиқсиз тўловлар деб юритилади. Шу билан биргаликда давлат ўзининг бюджет-солиқ сиёсатини аниқлаётганда ва юритаётганда уларнинг баъзиларини солиқларга тенглаштириш ҳолатлари ҳам учрайди(бу таъриба Республикамиз бюджет-солиқ сиёсатида ҳам мавжуд) бунда тегишли солиқсиз тўловнинг молиявий жиҳатдан ва уни ундириш тартибларининг муҳимлигидан келиб чиқилади. Шу маънода солиқлар ва солиқсиз тўловларнинг ўзаро фарқларини аниқлаш уларнинг иккаласининг ҳам моҳиятини очишга ёрдам беради, бунинг учун эса аввало солиқсиз

тўловларнинг ўзларининг мазмуни ва уларнинг жорий этилиш мақсади ҳамда уларнинг молиявий муносабатлардаги ўрни нуқтаи назардан аниқлаб олиш талаб этилади. Ўзбекистон солиқ ва бошқа молиявий қонунчиликларида эса солиқсиз тўловлар одатда "мажбурий тўловлар" категориясида ифодаланани. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 12-моддаси (Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар моддаси)да "Бошқа мажбурий тўловлар деганда ушбу Кодексда белгиланган давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий пул тўловлари, божхона тўловлари, шунингдек ваколатли органлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни тўловчиларга нисбатан амалга ошириш учун, шу жумладан муайян ҳуқуқларни ёки лицензиялар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни бериш учун тўланиши лозим бўлган йиғимлар, давлат божи тушунилади" деб кўрсатилган бўлса, ушбу кодекснинг 23-моддасида мажбурий тўловлар (ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар, Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар), мажбурий ажратмалар (бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар, бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар), йиғимлар(Республика йўл жамғармасига йиғимлар, айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим), тўлов (ягона ижтимоий тўлов, ягона солиқ тўлови, божхона тўловлари), давлат божи ва бадал (фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари) каби тушунчалар келтирилган. Энди уларнинг моҳияти нуқтаи назарда қарайдиган бўлса, солиқсиз тўловлар ўз таркибига таркибига мажбурий тўловлар, йиғимлар, бож тўловлари, божхона тўловлари, давлат божи, бадал ва хайрия (чунки, Бюджет кодексининг 50-моддасида мерос, ҳади ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари давлат бюджети даромадлари сифатида эътироф этилган). Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 50-Давлат бюджети даромадларини шакллантириш моддасида эса давлат бюджетининг даромадлари сифатида"солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар" деган тушунча ифодаланган. Аммо, солиқ ва бошқа қонунларда ушбу мажбурий тўловларга кирувчи йиғимлар, тўловлар ва давлат божларининг ўзаро фарқлари ва изоҳлари келтирилмаган. Шу мақсадда уларнинг ички моҳиятига тўхталамиз.

Мажбурий тўловлар давлат томонидан икки хил мақсадда ундирилади. Биринчиси, бу давлатнинг турли даражадаги фондларининг молиявий ресурслари шакллантириш асосида аниқ мақсадли ижтимоий тадбирларни амалга ошириш мақсадида бўлса, иккинчиси давлатнинг ваколатли органлари томонидан юридик ва жисмоний шахсларга турли хил ҳуқуқий ва бошқа тартибдаги хизматларни кўрсатганлик, уларнинг фаолиятига рухсат берганлик ҳамда уларни давлат рўйхатиға олганлик учун ундирилади. Шу нуқтаи назардан қараганда гарчи қонунларда давлат божи алоҳида

кўрсатилган бўлсада, моҳияти жиҳатдан йиғимлар таркибига киради. Йиғимлар ўз навбатида ундирилиши жиҳатдан умумдават миқёсида ва маҳаллий миқёсдаги йиғимларга бўлиниб, уларни жорий қилиниш даражаси жиҳатдан фарқланиши ҳам умумдават ва маҳаллий миқёсда амалга оширилади. Йиғимларни бундай белгиланиши эса уларнинг ҳудудлар бўйича ҳам фарқланишига олиб келади. Чунки, аксарият давлатларда жумладан Ўзбекистонда ҳам маҳаллий ҳокимликларнинг молиявий ҳуқуқлари сифатида ўзларининг ҳудудида маҳаллий йиғимларни жорий этиш ҳуқуқи белгиланган. Бир ҳудудда жорий қилинган йиғим бошқа ҳудудда ундирилмаслиги мумкин. Шунингдек, йиғимлар бир марталик ва доимий характерга ҳам эга бўлиб, бу йиғимларнинг жорий этилиши ва мақсадидан келиб чиқади. Тўловлар ва бадаллар эса улар кўпинча умумдават миқёсида амал қилиб, уларнинг характери маълум бир социал-иқтисодий масалаларни марказлаштирилган тартибда амалга оширилишни билдиради. Масалан, корхоналар томонидан иш ҳақи фондидан тўлайдиган ягона ижтимоий тўлов, Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар, Бандликка кўмаклашувчи жамғармалага ажратмалар(ягона ижтимоий тўловдан), Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сўгурта бадаллари эса келгусида пенсия ёшига етган аҳолига қариллик пенсия билан таъминлаш, ишсиз аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уларни иш ўринлари билан таъминлаш, жисмоний шахслар соғлигини йўқотганда тиббий хизматлар олиш ва соғлигини мустаҳкамлаш ҳамда умумий фойдаланишдаги йўлларни куриш ва таъмирлаш мақсадида ундирилади, шу жиҳатдан олганда улар мақсадли тус олади.

Йиғимлар эса кўпинча индивидуал характерда бўлади. Мажбурий тўловларнинг ички мазмунини билиш бизга уларнинг, яъни солиқсиз тўловларнинг солиқлардан фарқли жиҳатларини аниқлаш имконини беради. Буни тўғри аниқлаб олиш учун юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ва божхона божининг ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлаб олиш бизга катта ёрдам беради. Буни қуйидаги жавдалдан фойдаланимиз:

3-жадвал.

**Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ва божхона божининг ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатлари**

№	Солиқларга хос умумий белгилар	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	Божхона божи
1.	Мажбурийлик	Мавжуд	Мавжуд
2.	Фақат қонун тартибда жорий қилинишлик	Мавжуд	Мавжуд
3.	Тўловчисининг аниқлиги	Мавжуд	Мавжуд
4.	Аниқ ставка эга бўлиши	Мавжуд	Мавжуд
5.	Аниқ муддатларга эга бўлишлиги	Мавжуд	Мавжуд эмас
6.	Эквивалентсизлик	Мавжуд	Мавжуд
7.	Универсаллик	Мавжуд	Мавжуд
8.	Фақат бюджетга йўналтирилиши	Мавжуд	Мавжуд

Жадвалдан кўринадики, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ва божхона божининг ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатларида ўхшаш жиҳатлари кўпроқ бўлиб, аммо битта фарқли хусусият уларнинг аниқ фарқини ифодалб туради. Чунки, божхона божинининг аниқ муддатини ўрнатиш имкони мумкин эмас, унинг муддати эса корхоналарга боғлиқ. Яъни корхоналар қачон импорт ёки экспорт операцияларини амалга оширилишини олдиндан аниқлаб бўлмайди. Демак, бу белги божхона божида мавжуд эмас ва уни солиқлар қаторига киритиб бўлмайди. Шу билан биргаликда бюджет даромадларини шакллантиришдаги роли нуқтаи назардан солиқларга тенглашади. Бу шуни англатадики, солиқлар ва солиқсиз тўловлар ўртасидаги яққол фарқни ўрнатиш кийин масала ҳисобланди. Чунки, уларга хос бўлган умумий белгилар кўп учрайди. Аммо, уларнинг ўзига хос жиҳатлари нуқтаи назардан аниқлаш мумкин. Масалан, солиқсиз тўловлар фақат қонун йўли билан белгиланадиганлари(божхона божи, ягона ижтимоий тўлов, пенсия жамғармасига ажратмалар, йўл жамғармасига ажратмалар ш.к.), ижроия ҳокимият(Вазирлар Маҳкамаси, Ҳокимликлар) томонидан белгиланадиганлари ҳам мавжуд. Шунингдек, солиқлар доимий характерга эга бўлса, солиқсиз тўловлар баъзи ҳолларда вақтинчалик тусда бўлиши мумкин. Солиқлар мақсадсиз фондга(бюджетнинг) жалб қилиниб, умумий тартибда тақсимланса, солиқсиз тўловлар ҳам солиқлар билан бирга мақсадсиз фондга(бюджетга) ҳам мақсадли фондларга жалб қилинади ва улар кўпроқ мақсадли тадбирларни молиялаштириш сарфланиш социал характерга эга бўлади, шу жиҳатдан солиқсиз тўловларга қисман эквивалентли белги ҳам хос деб ҳисоблаш мумкин. Масалан Йўл жамғармаси ва Пенсия жамғармасининг маблағлари тўлиқ миқдорда аниқ мақсадларга йўналтирилади, аммо бу ерда ундан фойдаланиш табақалашган бўлади. Солиқлар ва солиқсиз тўловларнинг умумий хусусиятлари қаторига улар бирлашган тарзда ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Бунга мисол тарикасидакичиқ бизнес субъектлари тўлайдиган ягона солиқ тўловини келтириш мумкин, чунки, бу гарчи тўлов деб аталсада ягона солиқ ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловларни ҳам бирлаштирган. Демак, солиқлар ва солиқсиз тўловлар мақсадга йўналтирилганлиги, жорий қилиниши, ундирилиши, жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ўзида акс эттириши ва улардан тушган маблағларнинг тақсимланиш хусусиятларидан келиб ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатларга эга бўлади.

**7.3. Солиқларнинг функциялари ва вазифалари**

Табиатдаги ва жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларга хос жараёнларни изохлашда функция тушунчасидан фойдаланиш кўпгина фанларнинг тадқиқот услубларидан ўрин олган. Одатда аниқ фанларда функция тушунчасидан бир бирига боғлиқ бўлган бир неча вариациялар (қаторлар, миқдорлар)нинг бир-бирига таъсир жараёнларини ўрганишда кенг қўллansaда, иқтисодий муносабатларда бу тушунчадан икки хил тартибда яъни, математик ва фалсафий маънода фойдаланилади. Математик маънода

қўлланишнинг кўринишлари сифатида иқтисодий жараёнлар, масалан, солиқларнинг бюджетга тушишига таъсир этувчи омилларнинг функционал боғлиқлиги турли хил даражадаги математик функциялардан фойдаланган ҳолда аниқланса, иқтисодий жараёнлар ва ҳодисаларнинг доимий фаолиятда бўлиши ва бошқа субъектларнинг таъсирига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўладиган жараёнлар сифатида фалсафий маънода изоҳланади. Айнан иккаласи ҳам солиқларга ҳам тегишли бўлиб, солиқларнинг иқтисодий муносабатлар тизимида қандай ҳаракатда ва ҳолатда бўлишligини кўрсатиб беради, бу борадаги функциянинг асосий белгиси сифатида барқарорлик ва доимийлик назарда тутилади. Демак, шундан келиб чиқиб солиқларнинг функциялари деганда солиқларнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимида доимий ва барқарор тарзда амал қилиш жараёни, ҳолати ва ҳаракати тушунилади. Солиққа оид назариялар билан шуғулланишган аксарият олимлар ҳамда бу борадаги илмий ва ўқув адабиётларида солиқларнинг бажарадиган функциялари ҳақида кўплаб келтириб ўтилган. Биз уларнинг энг кўп эътироф этилганларини келтириб ўтамыз.

Солиқларнинг энг муҳим функцияси бу **фискал функцияси** ҳисобланади. Солиқларнинг бу функцияси унинг иқтисодий моҳияти билан боғлиқ бўлиб, кўриб ўтганимиздек, солиқларнинг юзага келишининг бош сабабларидан бири ҳам унинг давлатга зарур бўладиган молиявий маблағларни таъминлаш мақсадидир. Солиқлар биринчи навбатда давлатнинг бюджети(айрим ҳолларда инстисно ҳолатларда бошқа мақсадли фондларини)ни молиявий ресурслар билан таъминлаб туради ва бу доим мавжуд бўлади. Солиқларнинг бу функцияси давлатнинг молиявий сиёсатини ўзида ифода этади. Давлат молиявий сиёсатини амалга ошириб, ўзининг функциясини бажариш учун зарур бўладиган молиявий ресурсларни жалб этишда солиқларнинг ушбу функциядан фойдаланилади. Солиқларнинг фискал функциясининг даражаси давлатнинг бюджет-солиқ сиёсатига боғлиқ бўлади, яъни давлат қанчалик прогрессив солиқ сиёсатини амалга оширса, солиқларнинг ушбу фискал функцияси ҳам даражаси ортади, аммо, бу функциянинг мавжуд бўлиш бўлмаслиги давлат сиёсатига боғлиқ бўлмайди. Солиқларнинг кейинги функцияси унинг **миллий даромадни қайта тақсимлаш функцияси**дир. Юқоридаги параграфларда кўриб ўтганимиздек, жамиятнинг ишлаб чиқариш соҳасида яратилган моддий бойликлар(ялпи ички маҳсулот) унинг яратувчилари ўртасида бирламчи тақсимланади. Яъни, ишлаб чиқариш соҳасидагилар уни турли хил кўринишларда: даромад, фойда, фоиз, мулк қиймати, рента, дивиденд, иш ҳақи ва шу каби тарзда тақсимлаб олган бўлади ва биз бунини одатда миллий даромаднинг дастлабки тақсимооти деб атаёмиз. Аммо, ноишлаб чиқариш соҳасини молиялаштириш ва унинг хизматларини ишлаб чиқариш соҳасига ўтказиш(бусиз иккала соҳа ҳам ривожлана олмайди) ҳамда давлатнинг бошқа муҳим функция ва вазифларини бажариш учун эса миллий даромадлар қайта тақсимланишни тақозо этади. Жамиятдаги ижтимоий-социал ва иқтисодий мувозанатни таъминлашнинг ягона йўли шундан иборат бўлиб, бунда давлат солиқлардан

фойдаланади. Бу ерда кўринадики, солиқлар доим миллий даромадни унинг эгалари(ишлаб чиқариш соҳаси соҳиблари) ва давлат ўртасида қайта тақсимлаб туради.

Солиқлар **иқтисодиётни тартиблаш функцияси**ни ҳам бажаради. Давлат ўзининг муҳим функциялари қатори иқтисодиётни тартиблаш функциясини ҳам амалга оширади. Бунда нархга таъсир этиш, фоиз ставкаси(қайта молиялаш ставкаси)га таъсир этиш, санациялаш, корхоналарга субсидиялар ажратиш ҳамда солиқ воситасида тартиблашга асосланади. Бозор муносабатлари шароитида бу санаб ўтилган воситаларнинг орасида солиқлар асосий роль ўйнайди ва самарали ҳам ҳисобланади. Давлат солиқлар орқали иқтисодиётга таъсир қилишда ҳам турли хил усуллардан фойдаланиб, иқтисодиётда "барометр" сифатида иқтисодиётни тартиблаб туради. Солиқларнинг иқтисодиётни тартиблаш функцияси икки хил тартибда, яъни давлатнинг солиқ сиёсати орқали тартиблаши ҳамда солиқларнинг ўзи бозор механизмлари орқали ишлаб чиқариш, нарх ва истеъмолга таъсир этиб уларни тартиблайди. Солиқларнинг маҳсулотлар нархига, ишлаб чиқаришнинг даражасига, истеъмолга, ташқи иқтисодий фаолиятга, капиталларнинг ҳаракатланиши, даромадларнинг табақалашуви ва шу кабиларга таъсири давлатнинг солиқлар орқали тартибланиши солиқларнинг элементлари солиқ ставкалари, солиқ имтиёзлари, шунингдек, солиққа тортиш тартиблари(умумбелгиланган, соддалаштирилган, халқаро, марказлаштирилган)ни қўллаш орқали амалга оширилади. Бозор механизмлари орқали солиқларнинг иқтисодиётни тартиблаш жараёни эса солиқлар бозор муносабатларининг бир элементи сифатида бозор қонуларининг амал қилиши жараёнида улар билан бирга таъсир қилади. Масалан, бозор қонулари бўлган талаб ва таклиф қонуни маҳсулотнинг бозорда тан олиншини кўрсатиб бериши билан биргаликда маҳсулот таннарихига қўшиладиган солиқлар эса бу жараёнда нархга таъсир қилиб, нархни бозор мезонларидан оширган ишлаб чиқарувчиларни "жазолайди" ва шу орқали уларнинг ишлаб чиқариш ҳажмларига ҳам таъсир қилади. Бунда шу турдаги маҳсулотларнинг истеъмол ҳажмига ҳам таъсир этади. Давлатнинг истеъмолни тартиблашда солиқлардан фойдаланиши эса субъектив характерда бўлиб, давлат айрим турдаги(масалан, тамаки, алкогольли) маҳсулотларга юқори солиқ ставкаларини белгилаш орқали таъсир қилади ёки бундай турдаги фаолият(маҳсулот)га солиқ имтиёзларини қўлламайди ёки бекор қилади(бу борада кейинчилар ва монетаристларнинг назарий қарашларини эсланг) Солиқларнинг иқтисодиётни тартиблаш функцияси давлатнинг бошқа функциялари билан чамбарчас қўшилиб кетади. Давлатнинг миллий бозорни химоя қилиш(протекционизм сиёсати) функцияси, меҳнат бозори тартиблаш функцияси, капиталларни бошқариш функцияси ва шу кабилар билан биргаликда олиб боради. Бундан кўринадики, солиқларнинг ушбу функцияси солиқ муносабатларининг кенг қамровли мавжуд бўлишини тақозо этади. Солиқлар шунингдек, **рағбатлантириш функцияси**ни ҳам бажаради. Солиқларнинг бу функцияси

унинг аввалиги тартибланиш функцияси билан боғлиқ ҳолда амал қилсада, рағбатлантириш функциясининг элементлари тартибланишга қараганда кенгрок бўлади. Яъни рағбатлантириш солиқ ставкаларини табақалаштириш, солиққа тортишни имтиёзли тартибларини қўллаш, солиқ имтиёзларининг турларини кенгайтириш, солиқ қаниқулларини жорий қилиш, солиқ кредитларини бериш (жаҳон амалиётида мавжуд), солиқ қарзларини кечиктириш ёки солиқ тўловчининг фойдасига воз кечиш, солиқ тўлаш ва солиқ ҳисоботларини топшириш тартибларини соддалаштириш ва шу каби элементлар орқали амалга оширилади. Аммо, бу давлатнинг солиқ сиёсатига боғлиқ бўлади. Ваҳоланки, солиқларнинг функциялари объектив иқтисодий жараёндир. Солиқларнинг ушбу функциясини шундай тушуниш керакки, ҳеч қачон соф фискалликка асосланган солиқлар бўлмайди, бўлганда ҳам улар жамият тарафидан тан олинмайди. Соф фискал солиқлар деганда жамиятда яратилган маҳсулотнинг деярли барчасини давлат фойдасига солиқлар орқали олиб қўйиш тушунилади. Бундай ҳолатда эса жамиятнинг ўзи йўқолиб кетиш хавфи пайдо бўлади. Демак, солиқлар мавжуд экан, улар албатта қандайдир даражада бўлса ҳам рағбатлантириш функциясини бажариши объектив социал-иқтисодий жараёндир. Шу билан биргалликда юқорида қайд қилинганидек, давлатнинг иқтисодиётга аралашуви уни иқтисодий муносабатлар, иқтисодиёт субъектларининг фаолиятини бир томондан тартибланиш, бошқа томондан эса рағбатлантиришни биргалликда олиб боришни тақозо этади. Бу зарурат эса солиқларнинг рағбатлантириш функциясининг юзага чиқишини ҳам таъминлайди.

Булардан ташқари баъзи адабиётларда солиқларнинг социал ҳимоялаш функцияси, ахборотлар билан таъминлаш функцияси, назорат функцияси, даромадларни мувофиқлаштириш функцияси ва шу каби функцияларни ҳам келтириб ўтилади. Аммо, бу каби функциялар бироз баҳсли бўлиб, уни таъкидловчи олимлар томонидан уларнинг турлича изоҳлари келтирилади. Масалан, солиқларнинг социал функцияси мавжуд деб ҳисобловчилар солиқлар бир томондан бюджетга жалб қилган даромадлари жамиятдаги социал қатламларга сарфланади, улар давлат тинчлигини таъминлашга, тиббий хизматларни кўрсатишга, кам таъминланганларга моддий ёрдам беришга ва ёш гудакларнинг соғлигини асрашга, жамиятдаги ижтимоий мувозанатни таъминлашга хизмат қилиши, қолаверса, солиқ имтиёзлари орқали ногиронлар, меҳнат қобилиятини йўқотганлар, кам даромад олувчилар, социал аҳамияти юқори бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар ва шу кабилар ижтимоий ҳимоя қилинади. Булар эса солиқларнинг ижтимоий ҳимоялаш функциясидан дарак беради деган ғояни илгари суради. Солиқлар назорат функцияни бажаради деб ҳисобловчилар солиқларнинг амал қилиши ва уларни ундириш жараёнининг солиқ назорати

орқали таъминланиши ва бу солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилишини таъкидлашадилар. Аммо, бу бироз баҳсли бўлиб, солиқ назорати жараёни солиқларнинг ички табиати билан боғлиқлиги камрок бўлиб, аслида солиқ назорати бу солиқ хизмати ва бошқа бундай ваколатлар

юклатилган органларнинг ташкилий фаолиятига киради, ваколатли органларнинг вазифалари ёки функциялари билан солиқларнинг функциялари эса фарқланади.

#### 7.4. Солиқларнинг юзага келиши ва ривожланиш тарихи

*Қадимги давлатларда солиқларнинг юзага келишининг шарт-шароитлари*<sup>83</sup>

Тарихий манбаларга эътибор қаратадиган бўлсак, давлатчиликнинг дастлабки босқичларида солиқларни ундириш борасидаги ёндошувлар турлича бўлган. Бундай ёндошувлар солиқлар турлари, ҳажми, солиқ объекти (нималардан солиқ олинганлиги), солиқни тўловчиларнинг турли туманлигида кўринади. Эрамиздан аввалги IV минг йилликда юзага дастлаб кулдорлик жамияти бўлган Месопотамия ва Мисрда қўшимча маҳсулот олишнинг асосий усули жамоага бирлашган деҳқонларни эксплуатация қилиш йўли билан рента ундирилган бўлса, Европа давлатларида кулларни беаёв ишлатиш-улардан олинадиган солиқлар деб ҳисобланган. Эрамиздан аввалги XVI - XII асрларда қадимги Мисрдаги давлатчилик ҳукмроник қилган вақтларда солиқларни ундириш Нил дарёси бўйида суғориш иншоатларини қуриш мақсадида ундирилган. Чунки, бу даврда деҳқончилик ва чорвачилик асосий турмуш манбаи бўлиб, деҳқончиликни ривожлантириш учун сунъий суғориш қурилмаларини қуришга киришилган, бу мақсадда ундириладиган солиқлар манбаи эса аҳоли ва зодгонларнинг ихтиёридаги чорва моллари ҳисобланган. Солиқларни тўғри ундириш мақсадида барча чорва моллари рўйхатдан ўтказилган бўлиб, солиқларни ундириш вазифалари эса черков руҳонийларига топширилган.

Солиқларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишида Қадимги Рим ҳам катта аҳамият қасб этади. Қадимги Римда ҳам Греция сингари солиқларнинг ривож топиши кўпинча уларнинг ҳарбий сиёсатига ҳам боғлиқ бўлган. Қадимги Римда солиқларнинг ривожланиши икки даврни ўз ичига олади. Биринчиси бу эрамиздан аввалги 167 йилгача бўлган (Исонинг туғилиши) даврлар бўлиб, бунда аҳолидан деярли солиқлар олинмаган. Шаҳарларни бошқариш харажатлари унчалик катта бўлмасдан унинг харажатлари магистрлар (шаҳар ҳокимларининг номланиши)нинг шахсий маблағлари ҳисобига амалга оширилган.<sup>84</sup> Давлатнинг асосий харажатлари эса биноларни қуришга сарфланган бўлиб, уларни молиялаштириш давлатга қарашли бўлган ерлардан олинадиган ижара тўловлари ҳисобига қопланиб келинган. Римнинг қудратининг ошиши ва ҳарбий юришларни бошлаши солиқлар борасидаги давлат сиёсатига таъсир қилган. Дастлаб аҳолининг шахсий мажбуриятлари сифатида йиғимлар олинган бўлса, кейинчалик уруш харажатларини қоплаш мақсадида фавкулотда солиқлар (tributum civium) жорий қилинган. Бу солиқнинг хусусияти шундан иборатки, у қайтариб бериш шarti билан

<sup>83</sup>Мазкур параграфни ёзишда қуйидаги адабиётлардаги маълумотлар ва материалларга асосланди: Учебник финансового права. Иловайский С.И. - Одесса, - 1904г. // Allpravo.Ru -2005, Поляк Г.Б, Маркова А.Н. Всемирная история. Учебник. М.: ЮНИТИ.2000.-496 с, Пинская М.Р. Основы теории налогов и налогообложение. М.: 2004.-226 с, [http://abc.vvsu.ru/Books/Teor\\_nal/page0002.asp](http://abc.vvsu.ru/Books/Teor_nal/page0002.asp) ва бошқа маълумотлар.

<sup>84</sup> [http://abc.vvsu.ru/Books/Teor\\_nal/page0002.asp](http://abc.vvsu.ru/Books/Teor_nal/page0002.asp)

олинган, урушда қўлга киритилган маблағлар ҳисоби улар қайтарилган бўлса, кейинчалик у давлат қарзи сифатида ҳам аталиб келинди.<sup>85</sup> Римнинг четдаги олиб борган курашлари ва қўлга киритган ўлжаларининг ошиб бориши билан "tributum civium" деб аталувчи йиғимлар бекор қилиниб, солиқлар умумий тартибда мутаносиб шаклда жорий этила бошланди, яъни унинг тўловчиларининг географияси кенгайди. Солиқларнинг ҳажми ҳар бешйилда сайлаб қўйиладиган амалдорлар-цензорлар томонидан аниқланиб, Рим фуқаролари цензорларга ўз навбатида ўзларининг мол-мулки ва молиявий аҳволи ҳақида ахборот бериб турган ва кейинчалик эса декларация шаклига ўтди. Рим босиб олган мустамлака жойларда коммунал(маҳаллий) солиқлар ва мажбуриятлар жорий қилинди. Римдан ташқари яшовчи ва Римликлар эса ҳам давлат ҳам маҳаллий солиқларни тўлаш тизимига ўтказилди. Рим империяга айлангандан сўнг унинг босиб олган жойлардаги фуқаролари Римнинг фуқароси сифатида ҳуқуққа эга бўлмаган ва улар коммунал(маҳаллий) солиқларни доим тўлаб борган. Қадимги Римда солиқларнинг кенг ривожланишида император Август Октавиан (эраиздан авалги 63-14 йилар.) даврида рўй берди. А.Октавиан "victsimani hereditatum" деб номланган мерос солиғини жорий қилди, бу солиқ фақат Рим фуқаролари учун жорий қилинган бўлиб, "tributum civium" йиғими бекор қилинган сўнг Рим аҳолиси деярли солиқлар тўламай келаётган эди. Римнинг империя қудрати ошиб бориши ва унинг ҳудуди кенгайиб бориши солиқларни ундиришда маълум бир шахсларга солиқларни ундириш ҳуқуқи берилган бўлиб, бунда солиқларни ундириш ҳуқуқини киритиш учун давлатга маълум миқдорда ҳақ тўланган ва у ҳақнинг ўрни ундирилган солиқлар ҳисобига қопланган. Аммо, солиқларни ундирувчилар томонидан адолатсизликларга қўп йўл қўйилиши император А.Октавиан томонидан бундай тартибни кескин қисқартириши ва жойларда давлатнинг молияси шуғулланувчи давлат идораларини ташкил қилишга олиб келди. Ҳар бир ерларнинг кадастрларини аниқлаш, ҳар бир мол-мулк ва ер эгаларининг декларациялар топшириш мажбуриятлари жорий қилинди. Римнинг солиқ тизими қайтадан ислоҳ қилинди солиқлар ва йиғимларнинг сони ортиб борди. Масалан, Римнинг кейинги давларида сотувдан солиқ, мерос солиғи, қуя сақлаганлиги учун солиқ, пойтахтнинг маҳсулот фондига солиқ, ер солиғи, бодринг учун солиқ, жон бошига солиқ, уй қурганлик учун солиқ, совун солиғи ҳамда бозорларда назоратни таъминлаш учун йиғим, портда маҳсулотни ортганлиги ва тушурганлиги учун йиғим, йўл тўлови, пулни алмаштирганлиги ва майдалаганлик учун йиғим, эшакларни рўйхатдан ўтказганлик учун йиғим, чорва моллари учун йиғим, уй-жойлар учун йиғим, қул сотганлик учун йиғим, извошчилардан олинадиган йиғим, ҳаммомчилардан олинадиган йиғим, маънавий ахлоқсизлик фаолияти учун йиғим, солиқ ундирувчиларни

сақлаш йиғими, манзара йиғими, мухтожларга ёрдам йиғими, қарздорларни қамоқхонада сақлаш йиғими, туман бошлиғи учун йиғим, мамлакатга товар олиб кирганлиги ва олиб чиққанлиги учун йиғим, дарвозлардан кирганлиги

учун тўлов, давлат идораларининг иш юритиш қуроллари учун йиғим ва каби қўплаб йиғимлар ундирилди, аҳвол шу даражага бордики, Римда ундириладиган солиқлар ва йиғимлар сони 46 тага етиб қолади. Рим империясининг қудрати сусайиб бориши ва унинг ҳудудида юзага келган феодализмга асосланган давлатларнинг ташкил топиши Римда амал қилган солиқларнинг аксарияти бекор қилинди ва уларни ундириш тартиблари ҳам ўзгариб борди.

*Европа ва Осиё давлатлари ва Россияда солиқларнинг тарихий ривожланиш жарёнлари.*<sup>86</sup> Формациялашувнинг феодализм шаклининг пайдо бўлиши ва унинг ривожланиб бориши ер эгаларининг феодал шаклига ўтиши, молия, суд, бошқарув масалалари ҳам ер эгаларига тегишли бўлиб қолиб, умумдавлат харажатлари анча қискарди, давлатнинг асосий даромад манбалари унинг мулкидан, регалиялар(мулкдан фойдаланиш ва бошқа ҳуқуқларни берганлик учун йиғимлар) ҳамд божлардан ташкил топиб борди. Феодал тарқоқликнинг кучайиб бориши эса давлатларнинг уюшмларини ва унга мувофиқ солиқларнинг ҳам такомиллашиб боришига асос бўлди. Бу ҳолат айниқса ер ва савдо муносабатлари кейинчалик эса манифактура ривожланган Европа давлатларида, жумладан, Франция, Англия ва Германияда анча шаклланиб борди. Францияда XV асрларга келиб киролик ва феодал катта ер эгаларининг ўртасидаги қаттиқ зиддиятлар окибатида Францияда йирик марказлашган давлат ва унинг ўзига хос молиявий тизими шаклланди. Бу вақтларда Францияда хашслардан олинадиган тўғри солиқ ("taille personelle") ва мол-мулкдан олинадиган ("taille reille") солиқлар асосий солиқ сифатида юзага келди. XVII асрларда солиқлар янада кенг ривож олди ва унинг сони ҳам кўпайиб борди. Тўғри ва эгри солиқлар мамлакатнинг турли жойларида турлича ундирила бошланди, солиқларнинг нотўғри тақисмланиши, аристократларнинг солиқларни тўлашдан бўйин товлаши, аҳолининг зиммасига солиқ оғирлигини ошиб бориши, солиқларни давлатдан ундириш ҳуқуқини қўлга киритган солиқ ундирувчиларнинг солиқ ундиришдаги адолатсизлиги, бир хил жойлардан эгри солиқлар ундирилса бошқа жойлардан ундирилмаслиги проваардида эса Францияда йирик тўнтариллишга сабаб бўлди. Революцион ҳукумат эса аввалги барча солиқларни бекор қилиб, кейинчалик солиқлар давлат фаолиятининг асосий манбаи эканлигидан келиб чиқиб турли хил(асосан ер солиғи, даромад солиғи, мол-мулкдан солиқ, жон бошига солиқ, йиғимлар ва ш.к.) солиқларни янада кўпайиришга мажбур бўлди.

Европада солиқларнинг ривожланиши Англияда ҳам ўзига хос қўринишда ривож топди. Англияда ҳам бошқа давлатлар сингари Рим империяси давридаги бошқарув тизимига барҳам берилиши билан биргалликда солиқларни ундиришда ҳам асосан кироликка тегишли бўлган

<sup>85</sup>Учебник финансового права. Иловайский С.И. - Одесса, - 1904г. // Allpravo.Ru -2005. с. 96

<sup>86</sup>Мазкур параграфни ёшида куйидаги адабиётлардаги маълумотлар ва материалларга асосланди:История средних веков под ред. Колесницкого Н. 1974, с. Учебник финансового права. Иловайский С.И. - Одесса, -1904г. // Allpravo.Ru -2005, Поляк Г.Б, Маркова А.Н. Всемирная история. Учебник. М.: ЮНИТИ.2000.-496 с, Пинская М.Р. Основы теории налогов и налогообложение. М.: 2004.-226 с, [http://abc.vvsu.ru/Books/Teor\\_nal/page0002.asp](http://abc.vvsu.ru/Books/Teor_nal/page0002.asp) ва бошқа маълумотлар.

ерлардан келадиган даромадларга қаратилди. Дастлабки вақтларда солиқлар фавкулотда ҳолатларда, яъни ташқи душманларнинг ҳамласига учраш хавфи юзага келганда ундирила бошланди, тинчлик вақтларда эса алоҳида солиқлар ундирилмади. Бу вақтларда Англия қироллиги асосий хавф солиб турган Нормания ва Дания қироллиги бўлиб, фавкулотда йиғилган солиқлар шу туфайли ҳам "Дания пуллари" деган ном олди. Англияда бу даврларда солиқларни жорий қилишда қирол ва парламент ўртасидаги келишувга кўра амал оширила бошланди. Солиқларни жорий этиш ва уни ундиришдаги қирол ва парламент ўртасидаги зиддиятнинг кучайиб бориши кейинчалик Англияда республика шаклидаги давлат шаклининг асос солиниши ва унинг оқибатида эса солиқ тизимининг ҳам хусусиятлари ўзгарди. Англияда республика шаклидаги давлатнинг юзага келиши бир қатор оғир бўлган солиқлар, жумладан акциз солиғи ҳам жорий этилди. XVIII асрдан бошлаб Англия томонидан жуда кўплаб уруш ҳаракатларининг олиб борилиши давлат харажатларини, ўз навбатида эса солиқларнинг ҳам қўпайишига сабаб бўлди. Айниқса бу даврларда эгри солиқлар савдо(оборот) солиғи, акциз солиғи ва божларнинг ошиши рўй бериб, тўғри солиқлар бу даврларда давлат харажатларини қоплашда унчалик аҳамиятли эмас эди. Айниқса Франция императори Наполеон билан урушлар вақтида солиқ турлари, жумладан, даромаддан олинадиган солиқлар ҳам оширилди. 1815 йилдан бошлаб эса Англияда солиқларнинг камайтирилиши, солиққа тортиш тизимида эса соддалаштирилган солиққа тортиш тартиблари кенгайтирила бошланди. 1840-1850 йиллар оралиғида жуда кўплаб божхона божлари бекор қилинди. Кейинчалик акцизларнинг сони, жумладан биринчи навбатда зарур бўладиган маҳсулотлардан ундириладиган акциз солиқлари ҳам қисқариб бошлади. Англияда солиқларнинг шаклланиш жараёнида ҳарбий ҳаракатларнинг таъсири жуда катталиги билан характерланади. Бу ҳолат биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари вақтида ҳам шундай аҳамият касб этди. Германияда ҳам феодализм қуртаклари ёйилиб, ер эгаларининг давлат турмуш тарзидаги ўрни ошиб боргандан сўнг бу ерда ҳам умумдавлат миқёсидаги солиқларни жорий этиш масалалари анча кеч амалга ошди. Германияда ҳам император ва унинг фуқаролари(ер эгалари) ўртасида табақалашув анча давом этди. Бу эса солиқларни ундириш жараёнига ҳам таъсир қилди. Солиқлар кўпинча императорга ёрдам, императорнинг сўрови, сифатида *precaria*, *Bidden*(*bitten*) номи билан аталиб келинди. баъзи ҳолларда эса субсидиялар деярли мажбурий характерга эга бўлди. Масалан, давлатдан асирни сотиб олиш, рицарлик макomini унинг ўғлига бериш, ёки рицарнинг қизини турмушга бериш каби жараёнлардан мажбурий тўловлар ундирилган. Германияда умумдавлат миқёсида солиқларни жорий этиш масалалари узок вақт кийинчиликлар билан давом этди. Шу билан биргаликда божхона тўловларни ундиришни ягона давлат тизимига ўтказиш ҳам анча кийин кечиб борди. Бож тўловларини жорий этиш масалалари императордан маҳаллий ҳукмдорларнинг ваколатига ўтиб борди. Император томонидан тайинланган "курфюрестлар"( *Kurfürst*-немисча сўз бўлиб, *Kür* — «танлаш, сайлаш» и *Fürst*

— «князь» сўзларидан олинган ва император тайинлаган вакил деган маънони беради) томонидан маҳаллий зодагонлардан бож тўловлари йиғиб келинган, баъзи ҳолларда эса маҳаллий зодагонлар эса бундай ҳуқуқни тўлиқўзларида сақлаб қолиб, маълум бир қисмини умумдавлат мақсадларига юбориб турган.

Германияда ҳам асосий давлат харажатларини ҳарбий харажатлар ташкил қилган. Уруш бўлмаган вақтларда эса ички тартиб қўшинлари сақланиб, солиқлар камайтирилган. Аммо, доимий армияни сақлаш эса катта харажатларни талаб қилган ва уни амалга оширишга мажбуриликдан эса солиқларнинг ҳам доимий ундирилишига олиб келди. XVII ва XVIII асрларда Германияда асосий солиқлар сифатида акцизлар, доменлар (домен французча сўз бўлиб, "domaine"-вилоят, бирлик, тарқиб деган маъноларни англатади) давлатнинг молия хўжалиғида асосий роль ўйнай бошлади. Саноат ва савдо сотиқ ишларининг ривожланиши эса эгри солиқлар биргаликда тўғри солиқларнинг ҳам ривожланиб боришига олиб келди.

Маълумки, Россияда умумлашган давлат шакли X асрнинг охирида шаклланган бўлиб, унга қадар турли хил даражадаги князликлар мавжуд бўлган ва улар ўзларининг харажатларини турлича услубда қоплаб келган.

Умумлашган давлатни шаклланишида унинг солиқ тизими асосан ўзаро урушлар даврида қўлган киритилган ўлпонлар (дань) ташкил этган. Князликларнинг давлатга бирлашиши солиқларнинг ҳам шакли ва ундириш услубларини ўзгартиришга олиб келди ва улар аҳолидан олинадиган мажбурий тўловларга айланди. Солиқларни ундириш билан боғлиқ махсус бўлинмалар ва руҳонийлар шуғулланишган. Муғуллар босқини даврида қолган "чиқиш" божи кейинчалик бож тўловларига айлантирилди. Эгри солиқлар сифатида савдо ва суд поштиналари юзага келди. Суд божлари кейинчалик доменлар сифатида эътироф этилган. Давлат савдо қилганлик чун тўловлар ундириш билан бирга бундай ҳуқуқни берганлик учун ҳам айрим вазиятларда тўлов жорий қилган Суд божлари эса турли хил низоларни кўришда давлатга тўланган тўловлар бўлиб, бундай тўловлар катта роль ўйнаган. Муғуллардан мерос бўлиб қолган "чиқиш" солиғи аҳолидан бошқачароқ тартибда, яъни ҳар бир жон боши ва чорва молларидан ундирилган. Кейинчалик "ям" деган тўловлар ҳам жорий қилиниб, унинг моҳияти почта станцияларида аравага қўшилган отларни алмаштирганлик учун ундирилган. Муғуллар Россия ерларни босиб олган вақтларда Россия худудидан солиқларни ундириш ҳуқуқларини Боғдод келувчи араб савдогарларига берилган ва улар князлар томонидан йиғилган солиқларни либ кетиш билан шуғулланган. Бу жуда кўплаб норозиликларга сабаб бўлганлиги сабабли солиқ ундиришнинг бошқа шакллари шакллантирилди.

Олтин Ўрда даврида солиқлар "Буюк Баскак"лар деб аталувчи махсус кишиларга берилган.(Баскак муғуллар давридан қолган бўлиб, солиқ ундириш ҳуқуқи берилган ноибга нисбатан "баскак" сўзи ишлатилган) Олтин Ўрда вақтида барча ерлар, аҳоли ва чорва моллари рўйхати тузиб чиқилган ва ерларнинг кадастри ҳам алоҳида ишлаб чиқилган. Солиқларни ундиришда



икки хил бошқарувлик, бир томондан баскаклар томонидан солиқлар ундирилган бўлса, маҳаллий князлар томонидан ҳам солиқлар ундириб борилган. Кейинчалик баскаклар томонидан асосий солиқлар-савдо солиғи, ер солиғи, жон бошидан олинадиган солиқ, ишлов берилмаган ерлардан олинадиган солиқлар, бож тўловлари ҳамда ҳарбий мажбуриятдан озод қилинганлик учун солиқлар ундириб борилган. Россия Пётр I ҳукмронлик қилган вақтларда ҳарбий ҳаракатлар кўпайиши ортқича маблағларни талаб қилар ва кўшимча солиқларни жорий этишга сабаб бўлди ва давлат йиғимлари, киракашлик қилувчилардан йиғимлар, карвонсаройлардан олинадиган йиғим, печлар учун солиқ ва дала судлари учун махсус солиқлар жорий қилинди. Шу билан биргаликда "фойда келтирувчилар" деган махсус лавозим ҳам жорий қилиндики, ушбу лавозимдагилар давлат ғазнасига янги даромад манбаларини излаш ва шакллантириш билан шуғулланишган.

Екатерина II вақтида эса солиқ тизими анча ривожлантирилди. Бу даврда давлат молияси билан доимий шуғулланвчи махсус экспедициялар шакллантирилиб, улар 4 гуруҳга жаратилган. 1-гуруҳдагилар давлат даромадлари билан шуғулланишган бўлса, 2-гуруҳ давлат харажатлари билан, кейинги гуруҳ тафтиш ва охири гуруҳ солиқлар бўйича қарздорлик масалалари билан шуғулланишган. XVIII асрнинг охирига келиб давлат бюджетиде тўғри ва эгри солиқларнинг улуши ортиб борди. Бу даврда ҳовлилардан олинадиган ва хунармандчилик фаолияти учун олинадиган солиқлар катта ўрин эгаллади. Шунингдек, кўпгина товарларга (масалан, керосин, туз, тамаки, шаккар, гурурт ва шу кабилар) акцизлар жорий қилинди.

Жон бошига солиқ 1863 йилда шаҳарларни куриш солиғи билан алмаштирилди, маҳаллий солиқлар сифатида завод, фабрика ва савдо иншоатлари жойлашган ерлардан йиғимлар жорий қилинди. XIX асрнинг 80-йилларида жон бошидан олинадиган солиқлар бекор қилиниб, даромаддан олинадиган солиқ, қимматбаҳо қоғозлар ҳамда давлат уйлари учун солиқлар жорий қилинди. Бу даврга келиб Россияда асосий хунармандчилик солиғининг роли ортиб борди ва такомиллаштириб, унинг янги шакллари жорий этилиб борилди ва уни ундириш механизмлари ҳам такомиллаштирилди. XIX асрнинг охирига келиб корхоналарни, айниқса акционерлик шаклидаги корхоналарнинг фойдасидан 3 фоизлик йиғим, кейинчалик уларга капитал солиғи ҳам жорий қилинди. 1916 йилда даромадга эга бўлган барча (юридик ва жисмоний шахслар)га даромад солиғи жорий қилинди.

*Ватанимизда қадимда ва ўрта асрларда амал қилган давлатчилик ва чет давлатлар босқинчиликлари даврида солиқлар*<sup>87</sup>

<sup>87</sup> Мазкур параграфни ёзишда куйидаги адабиётлардаги маълумотлар ва материалларга асосланди: Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. "Шарқ" нашриёти, Т.: 2001, 368 б, История Узбекистана на источниках, Вайнбер Б.И. Монеты Древнего Хорезма. с. 12. Толстов С.П. Древний Хорезм, <sup>87</sup> Ўзбекистон янги тарихи.(Тузувчилар: Ҳ.Содиқов,Р.Шамситдинов, П.Равшанов, Қ.Усмонов). 1-қисм. Т.: "Шарқ", 2000, 464 б, : Абдурахимов М.А. Бухоро хонлигида аграр муносабатлар тарихидан лавҳалар. Т.: Фан. I ва II жилдлар, 1966, 1970, Мирзо Олим Мушриф. Қўқон хонлиги тарихи. Т., 1995, Набиев Р.Н. Қўқон хонлиги тарихидан. Т.: Фан, 1973.

Ватанимиз тарихчиларининг таъкидлашича эрамиздан аввалги 1-минг йилликлар даврида юртимизда темирга ишлов бериш, тоғ жинсларига ишлов бериш курулларини яратиш, тукувчилик, кулолсозлик, заргарлик ва кемасозлик соҳаси ривож топган. Булар юртимизда шаҳарсозликнинг ривожланиши ва давлатчиликнинг шаклланишига муҳим асос бўлган. Тарихчиларнинг таъкидлашича эрамиздан аввалги 1-минг йилликнинг биринчи ярмида дастлабки давлатчилик шаклланиган. Бошқа қадимги давлатлар сингари шарқдаги давлатларда ҳам давлат бошқарувининг асосий манбалари сифатида ўлпонлар асосий роль ўйнаган. Тарихчи Геродотнинг таъкидлашича<sup>88</sup> VI асрларда Парфия, Хоразм, Сўғдиёна ва Ария давлатлари Аҳамонийлар давлатига йилига 300 талант (1 талант 30,2 кг қумуш тангага тенг бўлган) солиқ тўлаб турган. Аммо Хоразм давлати бу давлатлар орасида иқтисодий жиҳатдан анча ривожланган бўлиб, уларнинг орасида мавқеини сақлаб қолиш ва уларнинг тобелигини ошириш мақсадида Сўғдиёна, Ария ва Парфия давлатлари тўлайдиган солиқларни ҳам ҳам ўзи тўлаган. IV асрларда Македонияликларнинг босқинчилиги даврида солиқларни ундириш тизимида ҳам таъсир қилди. Милоддан аввалги 170 йилларида Хоразм давлатида иқтисодий ривожланиш тараққиёт топиб, ўша вақтдаёқ ўзининг пул бирлигини жорий қилинганлиги ҳақида маълумотлар бор.<sup>89</sup> Шу билан биргаликда эса катта миқдордаги(тахминан 200 минг) ҳарбий қўшин шакллантирилган бўлиб, албатта уларни сақлаш хааржатлари давлатга кўшимча маблағларни талаб қилган. Бизнинг юртимизда милоднинг бошланиши давларида Хоразм давлатидан ташқари Бактрия, Парфия, Фарғона ва Тохаристон каби қадимий давлатлар бўлганлиги ҳақида ҳам тарихий манбаларда келтирилади.<sup>90</sup> Аҳамонийлар ҳукмронлиги даврида бошқа давлатлар сингари Бактрия давлатига ҳам йилига солиқ тўлаб турган. Айниқса, Аҳамонийлар давлати даврида Доро номли шахснинг ҳукмронлик қилган давларда унга тобе бўлган катта миқдордаги солиқлар-талант тўлаб туриш билан бирга катта совға-саломлар ҳам юбориб туришга мажбур бўлган. Тарихчи Геродот таъкидлашича, форсийлар Дорони савдогор ҳам деб аташган бўлиб, бунинг асосий сабаби унинг биринчилардан бўлиб, ўз давлати ва тобе давлатлар ҳудудида солиқ тизимини жорий этганлигидир.<sup>91</sup> Қадимги Парфия давлатида ҳам Бактрия давлати сингари савдо-сотик ишлари, қишлоқ хўжалиги ривожланган, қазилма бойликларни ишлаш(хатто манбаларга қараганда никел моддасидан фойдаланиш) ишлари ривожланган, шунингдек, ўзларининг пул бирликларини ҳам жорий қилганлар. Бактрия давлатида Аҳамонийликлар ҳукмронлик давларда давлат хазинасига турли хил маҳсулотлардан солиқлар ундириш жорий қилинган. Ерлар бир неча табақаларга бўлинган бўлиб, улардан олинадиган солиқлар ҳам табақалаштирилган ҳолда ундирилган. Солиқлар асосан натура шаклида ва

<sup>88</sup>История Узбекистана на источниках, с.28.

<sup>89</sup>Вайнбер Б.И. Монеты Древнего Хорезма. с. 12. Толстов С.П. Древний Хорезм, с.173-195.

<sup>90</sup>Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. "Шарқ" нашриёти, Т.: 2001, 34-бет.

<sup>91</sup>История Узбекистана на источниках, с.28.

қисман пул шаклида ҳам қабул қилинган. Мамлакат пойтахти бўлган Нисо шаҳрига (Ашхобод яқинида бўлган) деҳқонлар томонидан солиқ тўловлари сифатида йирик ҳажмда винолар юбориб турилган ва ушбу виноларга унинг нави, қачон ва қаерда, қандай узум туридан олинганлиги ҳатто унинг таркиби ҳақидаги маълумотлар умумлаштириб борилган.<sup>92</sup> Бундан кўринадики, Парфия давлати даврида ҳисоб-китоб ишлари ва солиқларни тўлаш ишлари анча тартиблаган ҳолда амалга оширилган.

Милоддан аввалги II-I асрларда қадимги Фарғона давлати ривож топди. Бу ерда хунармандчилик, кулолчилик, балиқчилик, темирга ишлов бериш, деҳқончилик ва туқимачилик ишлари ҳам ривож топиб борди. Милоддан аввалги II-I асрларда минтақанинг Бактрия қисмида Тохаристон давлати юзага келди. Тохаристон давлатида ҳайкалторошлик, қурувчилик, хунармандчилик, кулолчилик, деҳқончилик ва туқимачилик ишлари ҳам ривож топган. Мамлакатимиз давлатчилиги тарихи янги милодий минг йилликда Кушонлар давлати билан боғлиқ. Кушон давлати милодий I -IV асрларда Туркистоннинг катта қисмида сиёсий ҳукмронлик қилган йирик сиёсий давлат сифатида эътироф этилади. Бу давлатда ҳам пул ислоҳотлари ўтказилиб, муомалага олтин тангаларни критик орқали ташқи савдоалоқалар ривжантирилган. Шунга асосланган ҳолда аҳолидан олинadиган ва ташқи савдонини амалга оширишдан олинadиган солиқлар ҳам натура ҳам пул шаклларда ундириб келинган.

Кушон давлатида ҳайкалторошлик, қурувчилик, хунармандчилик, кулолчилик, деҳқончилик ва туқимачилик соҳалари билан бир қаторда шишасозлик, қончилик, сўний сўғориш, заргарлик соҳалари ҳам ривожланган. Римликлар ва Хитойликлар билан савдо алоқалари ривожланган. Давлат хазинаси даромадларида эса аҳолидан олинadиган солиқлар билан биргаликда бож ундирувлари ҳам катта роль ўйнаган. Кушонлар давлатидан сўнг уларнинг ўрнига келган Эфталитлар давлати асосан V-VI асрларда амал қилиб, бу давлатчилик даврида ҳам юқорида келтириб ўтилган соҳалар ривожланган бўлиб, шунингдек, ташқи савдо ишлари ҳам анча кенгайди. Илгари асосан Хитой, Эрон ва Римликлар билан савдо ишлари амалга оширилган бўлса, VI асрнинг охирида пайдо бўлган Ашиналийлар давлатида эса, Каспий денгизи орқали Шимолий Кавказ давлатлари, Ҳиндистон ва Византия билан ҳам савдо-сотик ишлари йўлга қўйилди. Демакки, савдо ишлари учун бож тўловларининг ҳам роли ошиб борган. Ушбу келтириб ўтилган давлатчилик шаклларида солиқлар тизимида ўзаро ўхшашлик мавжуд бўлиб, шу билан биргаликда, улар ўзларининг тобелигида сақлаган кичик ўлкалар(бошқа давлатлар)дан катта ҳажмда ўлпонлар ундириб турган.

Ҳар бир давлатда солиқларни ундириш тартиблари ҳам ўзига хос бўлган. Масалан, Бактрия ва Парфияда солиқларни ундиришда маҳаллий бошлиқларга юклатилган бўлса, Тохаристон, Эфталитлар даврида маҳаллий ҳукмдорлар билан биргаликда солиқ ундириш бўйича махсус ноиблар

бириктирилган. Қадимги Фарғона давлатида эса солиқларни жорий қилиш, уларни ундириш, кимларга солиқдан енгилликлар бериш масалаларини давлат бошлиғи билан биргаликда Оқсоқоллар кенгашининг роли катта бўлган. Бу эса ҳозирги цивилизация шароитида солиқларни жорий қилишнинг парламент шаклининг бундан бир неча минг йиллар олдин бизнинг давлатчилик тажрибасида жорий қилинганлигини билдиради.

Ватанимизда амал қилган давлатчилик шаклларида солиқларнинг ривожланиш хусусиятлари VII асрнинг охири ва VIII асрнинг бошларида араблар истилоси ва ислом динининг кириб келиши билан анча ўзгарди. Давлатчиликнинг кейинги даврида Фарғона, Исфижоб, Шош, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Чоғаниён, Хутталон, Кеш, Хуросон ва Сейстон каби ўлкаларни бирлаштирган йирик Сомонийлар давлати юзага келди. Бу давлатнинг шаклланиши милоддан кейинги 800-900 йилларга тўғри келиб, унда солиқларни ундириш тизими анча такомиллаштирилди. Давлат бошқарувида 10 га яқин девонлар(вазирликлар) ташкил этилиб, уларнинг орасида давлатнинг молиявий масалалари билан шуғулланadиган Молия ишлар девонлиги тузилиб, унда давлат ғазнасига тушадиган барча даромадлар, жумладан солиқларнинг келиб тушиши ва ундан давлат манфаатлари йўлида сарфланиш масалалари назорат қилинган. Вилоят ва туманлар(шаҳарлар)дан солиқ йиғувчилар томонидан ундирилиладиган солиқларнинг ҳисоб-китоб ишлари ушбу девоннинг зиммасига юклатилган.

Шунингдек, давлатда бош вазирга бўйсинувчи Давлат расмий ҳужжатларини ишлаб чиқиш девони ҳам бўлиб, ушбу девонда давлатнинг бошқа фаолиятига тегишли бошқа ҳужжатлар сингари солиқларни жорий этиш ва ундириш билан боғлиқ ҳужжатлар ҳам тайёрланган. Вақфлар девонида эса диний муассасаларга тегишли мол-мулк, ер, сув ва улардан олинadиган солиқларни ҳисоблаш ишлари амалга оширилган. Вилоят ҳокимлари ва раислар(шаҳар бошлиқлари раис деб аталган) солиқларни ундиришда солиқ йиғувчиларга ёрдам берган. Ҳарбий тўқнашувлар ва давлат бошқарувини кучайтириш эҳтиёжлари туфайли ғазнага тушган ҳар йилги 45 млн. динарлик солиқ тушумларидан камида 20 млн. миқдори ҳарбий ва давлат бошқаруви мақсадларига ишлатилган. Бу давлатнинг молиявий ишлари доим такомиллаштирилиб борилиши натижасида халқаро савдо сотик ишларини соддаштириш мақсадида чек(чак деб аталган)дан фойдаланиш йўлга қўйилди. Бу эса пул майдалаш ва алмаштириш билан шуғулланувчи махсус бўлинмалар(саррофлар) томонидан амалга оширилган.

Давлатнинг ташқи савдоларининг кенгайиши, молларнинг(асосан заргарлик, кулолчилик, шиша буюмлар, турли хил тоғ жинслари ва қазилма бойликлардан тайёрланган нодир маҳсулотлар ва шу қабилар) четга экспорт қилиниши ҳамда халқаро совдагарларни кўпроқ жалб қилиш мақсадида чекдан самарали фойдаланган. Чеклар вазифасини баъзи вақтларда ип газлама маҳсулотлари ҳам ўтаган. Сомонийлар давлатидан кейин амал қилган Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Ануштегинийлар давлатчилигида ҳам солиқларнинг турлари, иктисодий ҳолат(асосий соҳалар)

<sup>92</sup>Деьяконов М.М. История Древнего Ирана. 1961, с. 194.

ва солиқларни ундириш тартиблари ва уларни бошқариш жараёнлари деярли бир-бирига ўхшаш бўлган. Бироқ, Салжуқийлар вақтида солиқ тизими анча ривожлантирилди. Мамлакатда Бош вазирга (Девони аъло) бўйсинувчи Истифо девонлиги солиқлар ва бошқа молиявий маблағларнинг кирим чиқимларини олиб бориш билан бирга солиқ йиғувчиларнинг ҳисоботларини қабул қилиб, Бош вазирга бу ҳақда ахборот тайёрлаш билан ҳам шуғулланган. Ҳар бир солиқ турлари бўйича солиқ тўловчилар ва уларга тегишли бўлган мол-мулк, ерлар ва бошқа солиқ объектларининг рўйхатини тузиб чиққан. Бундан ташқари Ишроф девони ҳам тузилган бўлиб, унда барча назорат ишлари, жумладан солиқларни ундиришнинг ҳолати, молиявий маблағларнинг мақсадли сарфланганлигини, солиқ йиғувчиларнинг берган ҳисоботларида кўрсатилган ва ундирилган солиқ тушумлари билан ҳақиқий ҳолатлар таҳлил қилиб борилган. Бу эса Девоннинг вилоятлардаги бўлинмалари томонидан доимий олиб борилган. Ушбу давлатларнинг барчасида давлатнинг ғазнасининг асосий даромад манбаини ерлардан ундириладиган солиқлар, хунармадлардан олинадиган солиқлар, бож ва савдо йиғимлари ташкил этган. Шунингдек, фавкулотда ҳолатларда аҳолидан ҳарбий харжатлар учун алоҳида солиқлар ҳам ундирилган. Юртимизда XIII-асарнинг 20 йилларидан тортиб то 1370 йилларгача ўз ҳукмронлигини ўрнатган Чингизхон истилоси даврида муғуллар томонидан солиқ тизими анча ўзгартиришлар киритилди. Бу ўзгартиришлар солиқларнинг сонининг ортиши ва унинг ҳажмининг юқорилиги билан изоҳланади. Бу даврда дехқонлардан ундириладиган "Калон" солиғи ҳосилнинг 1/10 қисми сифатида, чорвадорлардан ундириладиган "Кўпчир" солиғи эса ҳар 100 бош қорамолдан биттаси ундириладиган бўлди. Шунингдек, Аҳолидан "Шулси" деган солиқ ундирилиб, ҳар бир отар қўйдан битта миқдорда ва ҳар 1000 отдан битта миқдорда солиқ жорий қилинди. Солиқларнинг ҳаддан зиёд ошиб бориши оқибатида эса тез-тез бўлиб турадиган қўзғолонларга сабаб бўлди. Бу қўзғолонлар Чингизхон томонидан бостириб борилсада, кейинчалик солиқларни маълум даражада енгиллаштиришга мажбур қилди.

Солиқларни ундириш тизими Амир Темур ва Темурийлар даврида ўзига хос тартибда ривожланиш хусусиятига эга бўлди. А.Темурга қадар ўзбек давлатчилиги 2100 йилдан зиёд даврни ўз ичига олиб, бу даврларда амал қилиган давлатчилик шакллариининг солиқ тизими борасидаги сиёсатлар ўзига хос бўлганлигини кўрдик. А.Темур ҳукмронлиги даврида давлатнинг бошқарув тизими икки бўлинга, яъни Даргоҳ ва Девонларга бўлинган. Давлатнинг молиявий ва солиқларни ундириш билан боғлиқ ишларни Мулкчилик ва солиқ ишлари вазири ҳамда Молия вазири томонидан ташкил этилган. Мулкчилик ва солиқ ишлари вазирилиги турли сабабларга кўра эгасиз қолган мол-мулкларни рўйхатга олиш, уларни тақсимлаш, савдогарлардна закот ва бож тўловларни олиш, жорий қилинган солиқларнинг ҳисобини юртиш ва уни ундириш ишларини ташкил этиш, мамлакат чорвалари ййловзор ва майзавор ерларни бошқариш, улардан тушадиган даромадларни ҳисобга олиш, мулкчилик бўйича меросхўрлик

мақомларини белгилаш масалалари билан шуғулланишган. Молия ишлари вазирилиги эса давлат ғазнасига келиб тушган даромадларнинг сарфлаш ҳамда уни назорат қилиш, даромадларни кўпайтириш йўлларини аниқлаш ишлари билан шуғулланишган.

Шунингдек, мамлакатга тегишли бошқа ҳудудларда молиявий ишларни йўлга қўйиш, маҳаллий ҳокимлик ва бекликлар томонидан солиқ ундириш ва берилган маблағлардан қандай фойдаланаётликларини назорат қилиш мақсадида бошқа вазирлик даражасидаги бўлинмалар ҳам фаолият юритган. Темур давлатчилиги даврида мамлакат ҳаётида катта ҳисса қўшган ва йирик олим фузолаларга маълум бир ерлар суюрғил(тортиқ) қилиниб, бу ерлардан ундирилган солиқларнинг бир қисми суюрғилга эга бўлганларнинг ихтиёрига қолдирилган. Ҳар бир суюрғил қилинган ерларга иккитадан вазир алоҳида бириктириб қўйилган. Бу вазирлар бу ерларда солиқларни ундириш ва уни тақсимлаш ишларини назорат қилиб борган. Темур давлати даврида солиқларни ундириш тартиблари унинг "Темур тузуқлари"да ҳам келтириб ўтилган. Таъкидлаш жоизки, А.Темур давлат бошқаруви даврида солиқларни ундириш масаласини доим ўзининг назоратида олиб борган, сабаб солиқларнинг ошиши раиятнинг норозилиги ва унинг заифлашувига олиб келади ва ўз навбатида давлатнинг куч-қудратига салбий таъсир этади деб ҳисоблаган. Бу даврда хирож, молу-жихот, совурин, қўналға, бож, шилон пули сингари солиқлар амал қилган. жарималари олинган. Солиқ ва жаримани йиғиш ва харж (сарф) қилишга алоҳида эътибор берилган. Темур ўзининг "Тузуқлари"да қуйидагиларни келтириб ўтган: "Ҳар ўлкага уч вазир тайинлашларини буюрдим. Бири раият учун (бўлиб) бўлиб, ундан йиғиладиган олиқ-солиқларнинг ундирилишини кузатиб, ҳисоботини олиб борсин. Олиқ-солиқ миқдори, солиқ тўловчиларнинг номларини ёзиб борсин ва раиятдан йиғилган маблағни сақласин. Иккинчи вазир сипоҳ ишларини бошқарсин. Сипоҳга берилган ва берилиши лозим бўлган маблағ ҳисобини олиб борсин. Учинчи вазир эса дараксиз йўқолган кишилар, келиб-кетиб юрувчилар(саёҳатчилар ва савдогарлар), ҳар хил йўл билан йиғилиб қолган ҳосил, ақдан озганларнинг мол-мулкни, қозилар ва шайхулисломларнинг ҳукми билан олинган жарималарни тартибга келтирсин. ... сармоясини қўлидан кетиб қолган савдогарга ўз сармоясини қайтадан тиклаб олиши учун хазинадан етарли миқдорда олтин берилсин. Дехқонлар ва раиятдан бирининг дехқончилик қилишига қурби етмай қолган бўлса, унга экин-текинучун зарур уруғ ва асбоб тайёрлаб берилсин"<sup>93</sup>. Ер солиғини ундиришда эса табақалаштирилган ёндошув амал қилган. Агар, солиқ тўловчи-ер эгаси бирон саҳрони обод қилса ёки қориз (ер ости иншооти) қурса, бирон боғ кўкартурса, ёхуд биронта ҳароб бўлиб ётган жойни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч қандай ўлпон олинмаган. Иккинчи йили раият уз розилиги билан берган маблағлар солиқ сифатида ҳисобга ўтаверган. Фақат фаолиятнинг учинчи йилидан солиқ қонун-қондасига мувофиқ улардан хирож йиғилган.

<sup>93</sup>Темур тузуқлари. Т.: "Чўлпон", 1991 й. 78-98 бетлар.

Хирож солиқлари экиндан олинган ҳосил ва ерларнинг унумдорлигидан келиб чиққан ҳолда олинган. Агар ерлар лалмикор ерлар тоифасига кирган бўлса, унда ҳосилнинг 1/4 қисми миқдорда солиқ ундирилган. Солиқлар пишиб етилмагунча солиқ олиш таъқиқланган, агар солиқ тўловчи ўзи солиқларни ҳисоблаб ғазнага тўласа, у ҳолда солиқ тўловчилар юборилмаган. Солиқлар бўйича имтиёзларнинг қатъий амал қилиши эса бозорларда маҳсулотлар нархининг камайишига ва пулнинг қадрининг ошишига олиб келган. Шунингдек, мадрасадаги талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида эса мадрасаларга ажратилган вақф ерлардан солиқ ундиришни А.Темурнинг ўзи қатъий маън қилган ва бир чақаҳам солиқ давлат ғазнасига келиб тушмасин деган буйруқ берган. Булардан қўринадик, А.Темур солиқ сиёсатининг адолатли ундирилиши тарафдори бўлган ва унинг амал қилинишини қатъий назорат қилиб борган. Солиқ сиёсатининг бундай ўрнатилиши эса солиқларнинг давлатнинг муҳим молиявий таянчи сифатидаги ролини оширган.

#### *Амирлик ва хонликлар давридаги солиқлар<sup>94</sup>*

Тарихий манбаларга кўра илгари А.Темур салтанати ва темурийлар давлат ҳукмронлигининг емирилиб бориши, охир-оқибатда учта хонлик Бухоро(кейинчалик Амирлик деб ном олган), Қўқон ва Хива хонликларининг юзага келишига сабаб бўлди<sup>95</sup>. Бухоро хонлиги тасарруфига XIX асрнинг биринчи ярмида Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё воҳалари, шунингдек ҳозирги Тожикистон давлатининг бир қанча ҳудудлари кирган. Бухоро амирилик даврида эса 40 вилоят ва туманликларга (бекликларга) бўлинган, уларни амир тайинлайдиган ҳокимлар бошқарган. Амирликнинг давлат муассасалари маъмурий, молия, қозилик, миршаблик ва ҳарбий идоралардан иборат бўлган. Уларнинг ҳар бирига тайинланган амалдор раҳбарлик қилган. Ижро этувчи ҳокимиятни бош вазир – *қушбеги* (вазири бузрук) бошқарган. У хон билан бамаънаҳат иш юритган, олий ҳукмдор Аркида яшаган. Амирликда давлатнинг молия-ҳазина ишларини, шунингдек, солиқлар ундирилишиустидан назоратни девонбегилар томонидан олиб борган. Амирга тегишли мол-мулк ва келиб тушган солиқ тушумларнинг ҳисобини "Мушриф" лавозимидаги шахслар томонидан амалга оширилган. Мамлакатдаги барча ерлар хон (амир)га тегишли бўлган.

Бухорода ер-сув мулкчилигининг уч шакли мавжуд эди бўлган, яъни, давлат ерлари (бу амлок ерлар деб ҳам аталган); мулк ерлари (хусусий); ва вақф ерлари. Давлат ерларининг бир қисми деҳқонларга фойдаланиш учун берилган, бир қисми йирик ер эгаларига, ҳукмрон сулола аъзоларига, йирик

<sup>94</sup>Мазкур параграфни ёзишда куйидаги адабиётлардаги маълумотлар ва материалларга асосланди: Азамат Зинэ. Ўзбек давлатчилиги тарихи. "Шарк" нашриёти, Т.: 2001, 368 б, История Узбекистана в источниках, Вайнбер Б.И. Монеты Древнего Хорезма. с. 12. Толстов С.П. Древний Хорезм, <sup>94</sup> Ўзбекистон янги тарихи.(Тузувчилар: Х.Содиқов,П.Шамситдинов, П.Равшанов, Қ.Усмонов). 1-қисм. Т.: "Шарк", 2000, 464 б.; Абдурахимов М.А. Бухоро хонлигида аграр муносабатлар тарихидан лавҳалар. Т.: Фан. I ва II жилдлар, 1966, 1970, Мирзо Олим Мушриф. Қўқон хонлиги тарихи. Т., 1995, Набиев Р.Н. Қўқон хонлиги тарихидан. Т.: Фан, 1973.

<sup>95</sup>Ўзбекистон янги тарихи.(Тузувчилар: Х.Содиқов,П.Шамситдинов, П.Равшанов, Қ.Усмонов). 1-қисм. Т.: "Шарк", 2000, 27 бет.

давлат мансабдорларига суюрғол сифатида берилган. Мулк ерларининг бир қисми давлат хизмати билан боғлиқ бўлмаган шахсларга, иккинчи қисми давлат хизмати билан боғлиқ (масалан, жасорат кўрсатганларга) шахсларга тегишли бўлган. Амирликда солиқларнинг манбалари асосан ерлар олинадиган солиқлар, хунармадлардан олинадиган солиқлар, савдо сотиқ ишларидан ҳамда турли хил боғлар ва махсус йиғимлар ташкил этган. Солиқлар тез-тез ошириб турилган ва улар ғалаёнларга сабаб бўлиб борган. Масалан, Шайбонийлар давридаги солиқларнинг сони 20 турдан ортиқ бўлган. Солиқлар ичида энг катта улушни хирож солиғи(ерлардан ундириладиган) ташкил этган. Хирож солиғи олинган ҳосилнинг 30-40 фоизини амирлик хазинасига олган. Давлатда ҳарбий мақсадлари учун махсус ихрожат солиғи жорий қилинган. Ясоқ солиғи эса аҳолига солинган бўлиб, унинг мазмунини аҳолининг сув иншоотлари, йўл-кўприклар қуриш, ем-ҳашак йиғишда мажбурий равишда ишлаб бериш ташкил этган. Бухорода Аштархонийлар ва манғитлар ҳукмронлик қилган даврларда аҳолидан фойдаланган ҳар бир таноб еридан бир тиллодан ҳисобланадиган танобона солиғи, уни тўлашни истамаганлардан ҳосилнинг учдан бир қисмини топширилишини талаб қилувчи хирож солиқларни тўлаш айниқса оғир бўлган, ҳашар ишларида қатнашишдан иборат бегар мажбурияти, закот тўлаш солиғи ҳам амал қилган. Ҳоким ва унинг хизматидагиларга маош давлат хазинасидан берилмаган ва улар ўзларининг кунлик харажатларини маҳаллий аҳолидан турли хил йиғимларни олиш ҳисобига қоплаган.

Хива хонлиги худудига XIX асрнинг биринчи ярмида ҳозирги Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон ҳамда Туркменистон давлатининг шимолийерлари кирган. Хива хонлигининг маъмурий бошқаруви кўп жиҳатдан Бухоро амириликдаги тизимга ўхшаш бўлган. Хон ҳокимияти чексиз бўлиб, у энг йирик мулк эгаси ҳисобланган. Давлатда ҳарбий ишларни юритиш, хоннинг барча фармонларининг бажарилишини таъминлаш билан бирга солиқларни ундирилиш жараёнларини назорат қилиш ишлари Вазири аъзам (қушбеги ) томонидан амалга оширилган. Хива хонлигида ҳам иш юритиш тартиблари, бошқарув механизмлари ва ерларгаэғалик турлари ҳам Бухоро амириликдаги жараёнларга ўхшаш бўлган, шу билан биргалкида айрим ўзига хос хусусиятларга ҳам эга бўлган. Хива хонлигида ҳам ер асосий бойлик ҳисобланган. Бухоро амириликдаги каби улар эғалик шаклига кўра уч гуруҳга бўлинган: давлат ерлари (амлок), шахсий мулк (хусусий ерлар), вақф ерлари. Бироқ, ер эғалиги Бухоро хонлигидаги бир қанча фарқ қиларди: хон ва унинг қариндошлари барча ерларнинг деярли ярмига эғалик қилишган. Қолган ерлар давлат ихтиёрига олинган (вақф ерларидан ташқари). Давлат вахусусий ерлар деҳқонларга ижарага берилган. Деҳқонлар олган ҳосилнинг ярмини ижарага тўлаганлар ва шу сабабдан уларни "яримчилар" деб ҳам аташган. Майда ер эгалари хонавайрон бўлиб борганлар ва охир-оқибатда ерларидан маҳрум бўлганлар.Хива хонлигида амал қилган солиқ турлари Бухоро амириликдаги мавжуд солиқлардан анча кўпроқ бўлган. Бу даврлардаХива хонлигида ерлардан -салғут солиғи, бир йўла ундириладиган алғут

солиғи, курол-аслаха учун махсус "милтиқ пули" йиғими, аҳоли арваларини давлат ишлари учун сафарбар этишни назарду тутувчи "арава олув" деб номланган солиқ, улоқ тутув – аҳолининг туя ва отларини сафарбар қилишга қаратилган улоқ тутув солиғи каби солиқлар билан бир қаторда солиқларга ўхшаган мажбуриятлар, масалан "қўналға" деб аталувчи элчи ва малдорларга кўчиб ўтиш учун жой бериш мажбурияти, маҳаллий ҳукмдорга ҳақ тўлаш ҳамда бегар, қазу, ички ва обхўра қазу, ҳачи, отланув деб номланган бир қатор моддий мажбуриятлар ҳам жорий қилинган. Хива хонлигидаги солиқлар ва бошқа мажбурият характердаги тўловлар сони 20 га яқин атрофида бўлган.

Хива хонлигида хонлик қилган Муҳаммад Раҳим I даврида хонликда ўзаро урушлар бироз пасайиб, хонликнинг иктисодийетида, жумладан солиқ тизимида ислохотлар ўтказилди. Божхона тизими шакллантирилди, олтин пуллар жорий қилина бошланди. Қўқон хонлиги тарихида Худоёрхон ҳукмронлиги вақтида солиқларнинг ҳадда зиёд қўпайиб кетганлиги, солиқ ундирилиладиган объектларнинг сони ҳам шиддат билан ошиб борган ва иктисодийетга салбий таъсир қилган.

Қўқон хонлиги XIX асрнинг биринчи ярмида ҳозирги Наманган, Қўқон, Андижон, Марғилон ҳудудлари, Тошкент, Хўжанд ҳудудлари, Қирғизистон ва Жанубий Қозоғистон ҳудудларини ўз ичига олган. Қўқон хонлигидаги ҳокимиятни бошқарув тартиблари Бухоро ва Хива хонликларида деярли фарқ қилмаган. Қўқон хонлигида ҳам ерга эгалик шакли уч турда: амлоқ, хусусий, вақф ерлари шаклида бўлган. Ерларнинг асосий қисми давлатга қарашли бўлган-амлоқ ерларни хоннинг шахсан ўзи тасарруф этган. Амлоқ ерлар деҳқонларга ижарага берилган. Ернинг бир қисмига эса хусусий кишилар эгалик қилган. Мулкларнинг кўпчилиги 30-60 сотихгача бўлган. Хусусий ер эгаларининг олган ҳосилининг бирдан бешданбир қисмини солиқ сифатида ундирилган. Бу ерда ҳам хунармандлардан, савдо-сотик ишлари, мамлакатга мол олиб қирганлик учун йиғимлар билан биргаликда Хоннинг фармонида қўра давлат мақсадлари учун фавқулотдаги йиғимлар ҳам ундириб турилган. Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларидаги солиқ тизимининг умумий хусусиятлари шундан иборатки, уларда иктисодий ривожланиш жараёнлари камайиб, ўзаро ҳарбий ҳаракатларни авж олдириш, ташқи иктисодий алоқалар камайиб бориш ҳисобига давлатнинг харажатларини асосан аҳолига зиммасига кўпроқ юкланганлигидадир.

*Чор Россияси даврида солиқлар*<sup>96</sup>

XIX асрнинг 50 йилларидан кейин Ўрта Осиёга Чор Россиясининг босинчилик ҳаракатлари кучайиб борди ва 70 йиллардан бошлаб уларнинг тўла ҳукмронлигининг бошланиши бошқа соҳалар сингари Амирлик ва Хонлиқлар даврида амалда бўлиб келган солиқлар тизими деярли тубдан

<sup>96</sup>Мазкур параграфни ёзишда қуйидаги адабиётлардаги маълумотлар ва материалларга асосланди: Учебник финансового права. Иловайский С.И. - Одесса, - 1904г. // Allpravo.Ru -2005, Поляк Г.Б, Маркова А.Н. Всемирная история. Учебник. М.: ЮНИТИ.2000.-496 с, Пинская М.Р. Основы теории налогов и налогообложение. М.: 2004,-226 с, [http://abc.vvsu.ru/Books/Teor\\_nal/page0002.asp](http://abc.vvsu.ru/Books/Teor_nal/page0002.asp) ва бошқа маълумотлар.

ўзгартирилди, бунда солиқларнинг сони ортиши, айримларининг бекор қилиниши билан бирга солиқ ставкаларининг миқдори ҳам ортиб бориши ҳисобига рўй берди. 1986 йилда Туркистон ўлкасини бошқаришнинг тартибларини ўз ичига олган ва қонун кучига эга бўлган "Низом"ни жорий этиб, унда барча иктисодий тартиблар кўзда тутилган эди. Унга қўра, барча ерлар давлат ерлари деб эълон қилинди. Маҳаллий халқнинг қазабини жиловлаш мақсадида уларга ерлар мерос тартибида бериш амалиётлари жорий қилинди, аммо бунинг замирида ерлардан қатта солиқлар олиш ҳисобига маҳаллий халқни тутқунликда ушба туриш сиёсати турган эди. Ерга эгалик қилувчилар сонини оширишни амалга оширишдан сўнг Чор Россиясининг деҳқонларга ер ажратишининг асл моҳияти, ўтроқ маҳаллий аҳолига ажратиб берилган ерларни жамоа ва қишлоқларга бириктириш орқали солиқ тўлашнинг "доиравий шакли" деган тартиб жорий қилиндики, унга қўра солиқ бирлиги қилиб илгаридек, алоҳида олинган хўжалик, ҳовли эмас, балки жамоа ва қишлоқ белгилаш орқали ерлардан ундирилаётган солиқларга жавобгарликни жамоалаштириш сиёсатини амалга оширишга қаратилган эди. Ер солиғи бўйича қарздорларнинг маъсулиятини бошқа бой кишиларга ўтказилиш амалга оширилди. Тартиб белгилаб қўйилдики, солиқ ундирувчилар томонидан солиқ қарзини ўзлари тўлашга рухсат қилинди, бу орқали бир томондан кейинги ҳолатларда тўланган солиқлар ҳисобига қўшимча равишда маблағ ундириш(судхўрликка ўхшаган) ҳамда ер эгаларининг тобелиги ошириб борилди. Ер солиғини ундиришда аста секин унинг ставкасини ошириш сиёсати амалга оширилди. 1870-1890 йилларда ер солиғи икки мартага оширилган бўлса, 1890 йилларнинг охирида ер солиғидан тушган тушум 4 млн. сўм бўлган ҳолда, у 1916 йилга келиб қарийиб 40 млн. сўмни ташкил этган, яъни солиқ юки деярли 10 мартага оширилган. 1869-1896 йиллар давомида Чор Россияси хазинаси учун ўлкадан олинган умумий даромадлар 160 млн.сўмдан ошган. 1905-1910 йиллар оралиғида хўжалик ва оилаларни рўйхатга олиш натижасида солиқ ставкаси 70 фоиздан 6 марта даражагача оширилди. Солиқ тушумларининг ҳажмини ошириш мақсадида Туркистон Ҳисоб палатаси томонидан солиқ тўловчилар сони ва уларнинг иктисодий имкониятларини аниқлаш мақсадида аҳолининг мол-мулки, ер участкалари ҳам аҳоли сони рўйхатдан ўтказилиб, улар бўйича кадастр ишлаб чиқилган. Чунки, Чор ҳукумати Туркистон гуебенаторлиги олдида бошқа масалалар қатори йиллик солиқ тушумларини кўпайтириш ва олинган даромадларни Чор ҳукумати ихтиёрига юбориб туриш вазифасини ҳам қўйган эди. Бундай вазифани амалга оширишда маъмурий усулларни ошириб, Туркистон губернаторлиги томонидан солиқларни ошириш ва унинг турлари, солиқлар нималарга ва кимларга қандай тартибда солиниши мумкинлиги ҳақида Чор ҳукумати тез-тез таклифлар киритиб турган. Мустамакчилик даврида янги солиқларни жорий қилиш одат тусига кириб борди. 1915 йилда махсус ҳарбий солиқ жорий этилди. Ушбу солиқ пахтакорларнинг гарданига тушиб, улар ҳар бир топширган 1 пуд пахтадан 2 рубл 50 тийиндан солиқ тўлашга тўғри келган.

### *Собиқ иттифоқ даврида солиқ тизими*<sup>97</sup>

Россияда октябрь революциясидан кейин "ҳарбий коммунизм" даври деб аталган 1917-1922 йилларда илгари амал қилиб келинган солиқ тизими тубдан ўзгартирилди. Аввалиги солиқларнинг ўрнига мол-мулк солиғи, капиталнинг ўсиши солиғи, нуфузли товарларга истеъмол солиғи жорий қилинди. 1917 йил 24 декабрда "Тўғри солиқларни ундириш тўғрисида" декрет қабул қилинди. Хусусий мулкнинг бекор қилишини билан уй-жойлардан олинандиган солиқлар, ер солиғи, мол-мулк солиғи бекор қилинди ва айрим кичик шаҳарларда сақланиб қолинди. Асосий солиқлар сифатида даромад солиғи ва хунармандчилик солиғи сақланиб қолинди. Шу билан биргаликда айрим маҳаллий солиқлар, масалан кундуздан мўйнасидан тайёрланган кўйлак ва бош кийимлар, граммофонлар, отлар, ва бўйдоқлик учун махсус солиқлар ҳам киритилди. 1918 йилда савдо фаолияти билан шуғулланадиган корхоналар учун айланмадан 5 фоизлик йиғим, хусусий корхоналар учун эса ҳарбий салоҳият учун йиғим ва болалар таъминоти фонди учун йиғимлари жорий қилинди. Аввал мавжуд бўлган кўпгина акцизлар бекор қилинди. Фуқаролик уруши вақтида давлатнинг харажатлари ошиши сабабли қишлоқ жойлардан натурал солиқлар ундирила бошлади ва унда махсулотлар турлари бўйича солиқ тўлаш белгилаб қўйилди. "Янги иқтисодий сиёсат" даврини қмараб олган 1922-1929 йилларда ҳам солиқ тизимига бир қанча ўзгартиришлар киритиб борилди. Айниқса, бу вақтда қишлоқ хўжалигидан ундириладиган солиқлар қайта такомиллаштирилди. 1921 йилда натурал солиқлар бўйича 2 та йирик декрет қабул қилинди ва қишлоқ хўжалиги учун картошка, нон ва ёғ махсулотларига алоҳида натура солиғи киритилди. Шу билан биргаликда ҳам натура, ҳам рул шаклида ундириладиган ягона ер солиғи ҳам жорий қилинди. 1923 йилда хунармандчилик солиғини такомиллаштириш билан боғлиқ янги декрет қабул қилиниб, хунармандчилик солиғи мулкчилик шаклидан қатъий назар барча турдаги саноат ва савдо корхоналари учун жорий қилинди, фақатгина фаолияти фойда олишга қаратилмаган давлат корхоналари бу солиқдан озод қилинди. Бу даврда янгидан ташкил этиладиган корхоналарга "тенглаштириш" деб номланадиган учун алоҳида йиғим жорий қилинди. Ушбу йиғим корхоналар томонидан ҳар бир фаолияти учун алоҳида тўланар эди. Корхоналар ҳар олти ойда ўзларининг фаолияти бўйича ҳисоботлар тақдим қилганда улар айланма ҳажмидан келиб чиқиб 6 фоиз миқдорда тўловни амалга оширар эди. Даромаддан олинандиган солиқни ундириш механизми такомиллаштирилди ва шедуляр шаклда табақалаштирилган ҳолда ундириладиган бўлди. У икки қисмга: асосий ва қўшимча даромадларга ажратилди. Биринчи босиқда асосий даромад(иш ҳақи) манбаи солиққа тортилса, кейинги қисмида бошқа фаолиятдан олинган қўшимча даромадлар солиқ базасига киритиладиган бўлди. Бошқа солиқлар

<sup>97</sup>Мазкур параграфни ёзишда қуйидаги адабиётлардаги маълумотлар ва материалларга асосланди: Пинская М.Р. Основы теории налогов и налогообложение. М.: 2004,-226 с, Миликов Н.В. Налоги и налогообложение. Учебник. М.: Инфра-М.2006,- 489с, Давченко В.П. История финансов СССР. М.: наука. 1988,-365с, [http://abc.vvsu.ru/Books/Teor\\_nal/page0002.asp](http://abc.vvsu.ru/Books/Teor_nal/page0002.asp) ва бошқа маълумотлар.

сингари эгри солиқларни жорий этиш ҳам кучайтириб борилди. Масалан, 1921 йилда акциз солиғи жорий қилиниб, спиртли махсулотлар, чой, керосин, кофе, шакар, ёритувчи мосламалар, туз ва бошқа бир қатор химиявий махсулотларга акцизлар белгиланди. Собиқ иттифоқ даврида солиқлар ва йиғимлар сони йилдан йилга ошиб борди ва 1930 йилларнинг бошларига келиб, барча солиқлар ва йиғимларнинг умумий сони 60 тага яқинлашиб қолди ва улар корхоналарнинг ривожланишига тўсиқ бўла бошлади. Шундан келиб чиқиб айрим солиқлар ва йиғимларни унификациялаштирилди. Давлат корхоналари оборот солиғи ва фойдадан бюджетга ажратмалар каби тўловларни амалга ошириш белгиланган бўлса, кооператив шаклидаги корхоналар эса оборот солиғи ва даромад солиғини тўлайдиган бўлди. Оборот солиғи илгари белгиланган акцизларни ҳам ўз ичига олган бўлиб, махсулот реализация қилинган вақтда тўлаш механизмлари жорий қилиниб, махсулот истеъмоли давридаги оралик истеъмол, яъни қайта ишлашга мўлжалланган махсулотлар солиққа тортилмайдиган бўлди. Давлат корхоналари олинган фойданинг деярли барча қисмини бюджетга ўтказилиши, яна солиқларнинг ишлаб чиқаришга тўсиқлик қилишини кучайтирди, корхоналарда меҳнат унумдорлиги пасая борди, шундан келиб чиқиб, агар, корхона белгиланган режани ошиғи билан бажарган ҳолдагина олинган фойданинг 50 фоизи мақсади сарфлаш шарти билан қолдирила бошланди. Аммо, кооператив шаклидаги корхоналардан ҳар кварталда олинган баланс даромаднинг 17 фоизини бюджетга ўтказилиши механизми ўзгаришсиз қолди. 1941 йилда иккинчи жаҳон урушининг бошланиши ва ҳарбий мудофаа учун қўшимча маблағларнинг талаб этилиши солиқларнинг янада оширилишига олиб келди. Бу даврда давлат бюджети маблағларининг 75 фоизи корхоналар томонидан тўланадиган солиқлар, қолган 25 фоизи эса аҳоли тўлайдиган солиқлар ҳисобига шакллана эди. Солиқ тизимидаги ўзгаришлар оборот солиғи ставкалари камайрилиб, фойдадан бюджетга ажратмалар миқдори оширилди, шунингдек, кооператив ва қишлоқ хўжалик корхоналари тўлайдиган даромад солиғининг ҳам миқдорлари оширилиб борилди. Бир қатор биринчи навбатда истеъмол қилинадиган махсулотларнинг нархи сунъий равишда оширилди. 1942 йилда ҳарбий харажатларни қўшимча қоплаш мақсадида махсус ҳарбий солиқ жорий этилди, шунингдек, чин етим қолган болаларни химоя қилиш махсус фонди тузилиб, буйдоқлик ва кам болали(боласиз) оилалар учун махсус солиқлар жорий этилиб, ушбу фондга йўналтирилди. Шунингдек, маҳаллий солиқлар тизими ҳам такомиллаштирилди, уларнинг аниқ рўйхати тузилиб, оширилган ставкаларда қатъий ундирилиш механизмлари амалга оширилди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин мамлакат иқтисодиётни тиклаш давлат бюджетига қўшимча маблағларни талаб қилсада, корхоналардан молиявий натижалардан манфаатдорлик механизмларининг йўқлиги молиявий муносабатларни қайта қўриб чиқишни тақозо этди. 1979 йилда эса корхоналарда фойдани аниқлаш, солиқларни тўлаш ҳам қолган фойда ҳажмини тақсимлаш механизмлари қайта қўриб чиқилиб, унга бир қатор ўзгартиришлар киритилди. 1987 йилдан

бошлаб корхоналарда молиявий натижаларни шакллантириш ва мабалағларни тақсимлаш ҳамд ўз-ўзини молиялаштириш механизмларининг кучайтирилиши фойдани тақсимлаш тартибларини ҳам ўзгартиришга олиб келди. Корхоналар олган фойдасидан бюджетга ажратмалар қилиш, фондлар учун тўловлар ҳамда юқори турувчи органларни сақлаш тўловларини амалга оширила бошланди. корхоналар ихтиёрида қоладиган фойда эса моддий рағбатлантириш фонди, социал ривожлантириш фонди, ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондига нормативлар асосида тақсимланадиган бўлди. 1990 йилда солиқ тизимининг оғирлашиб қолганлигини англаган ҳукумат солиқ тизимини ислоҳ қилиш борасида бир қатор қонунларни қабул қилди ва мавжудлари такомиллаштирилди. "Корхоналардан олинадиган солиқлар тўғрисида"ги, "Фуқаролардан олинадиган даромад солиғи" каби қонунлар қабул қилинди. Илгари фойдадан бюджетга ажратмалар сифатид ундириб келинган тўловлар ўрнига корхоналардан олинадиган фойда солиғи жорий қилинди. 1991 йилда корхоналарда иш ҳақи фондидан қилинадиган харажатларни тартиблаш мақсадида махсус истеъмол солиғи киритилди. Бунда корхона ўтган йилги иш ҳақи фондига нисбатан 4 фоизлик фарқга эга бўлса, қўшимча ҳисобланган ҳар бир рубль иш ҳақи учун алоҳида тўловларни амалга ошириладиган бўлди. Шунингдек, шу йили сотувдан солиқ ҳам жорий қилинди. Аммо, солиқ тизими қонунчилигидаги бу ўзгаришлар солиқ юқининг камайишига эмас, балки унинг оғирлашувига олиб келди. Масалан, корхоналарнинг фойдасини солиққа тортишда (бюджетга ажратмаларни амалга оширишда) тармоқ бўйича ўртача белгиланган рентабеллик даражасидан юқори кўрсаткич даражасидан 10 пунктга ошган ҳажмдаги фойданинг 80 фоизигача, 10 пунктдан ошган фойдаҳажмининг эса 90 фоизини бюджетга ўтказишга тартиби жорий қилинди. Корхоналар фойда ҳажмини оширишга манфаатдор бўлмасдан, монопол мавқеига эга бўлган корхоналар эса натурал шаклда айирбошлаш тизимини ривожлантириб юборди ва тўлов тизимига ҳам салбий таъсир қилди. Чет эл иштирокидаги корхоналарга нисбатан алоҳида, кооператив шаклдаги корхоналарга алоҳида (35-45 фоизлик) фойдадан солиғи ставкалари белгиланди. Товар (хизмат, иш) ларни реализация қилувчи корхоналар айланма ҳажмидан келиб чиқиб товарларга белгиланган фоизлар ва аниқ қатъий суммада оборот солиғини тўлай бошлади. Импорт ва экспорт операцияларни амалга оширувчи корхоналар учун импорт-экспорт солиғини тўлаш белгилаб қўйилди. 1991 йилда киритилган сотувдан солиқ барча турдаги корхоналарнинг айланмаларидан 5 фоизлик миқдорда ундириш белгиланган эди, аммо, сал ўтиб, у қўшилган қиймат солиғига алмаштирилди. 1991 йилдан бошлаб корхоналарнинг фойдаси солинадиган солиқларнинг максимал чегараси 35 фоиз қилиб белгиланган бўлиб, ушбу солиқдан тушадиган солиқ тушумларининг 17 фоизлик ставкада ҳажмида иттифоқ бюджетига ва 18 фоизлик ставкадагиси эса республикаларнинг бюджетига қолдириладиган бўлди. Шунингдек, корхоналар томонидан иш ҳақи фонди ҳажмидан келиб чиқиб 26 фоизлик миқдорда Пенсия фондига,

Бандлик фондига 1 фоиз миқдорда социал тўловларни амалга ошириш белгиланди. Бундан ташқари иш ҳақига эга бўлган аҳолининг иш ҳақидан 5,4 фоиз миқдорда социал суғурта Фондига, 1 фоиз Пенсия фондига ва 1 фоиз Бандлик фондига ажратмалар белгилаб қўйилди. Аммо, ўтган асрнинг 90 йилларида солиқ тизимидаги амалга оширилган ислохотлар амалда деярли ўз ифодасини топмади, собиқ иттифоқнинг парчаланиб кетиши оқибатида унинг таркибидаги республикаларнинг мустақилликка эришиши уларнинг ҳар бирининг ўзига хос мустақил солиқ тизимини шакллантиришга замин яратди. 70 йил давомида ҳукмронлик қилган совет тузумининг асосчилари ўз асарларида солиқлар эксплуатация курали сифатида таърифлаб, солиқлар капитализм тузумга хос жараён ва муносабатлар деган қарашларни илгари сурган бўлсада, аммо унда солиқ тизими ўзининг прогрессив хусусиятига эга бўлган ҳолда амал қилди. Солиқларнинг рағбатлантирувчилик функциясидан амалда фойдаланилмади. Солиқларни ўзгартиришга қаратилган ва қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган ўтган асрнинг 90 йилларида ўтказилган солиқ тизими ҳам тоталитар-режали тизимга асосланган советларнинг иқтисодий тизимини сақлаб қола олмади. Аслида бу тузумнинг ижтимоий ва иқтисодий тузилишининг замири пуч эди.

#### **Таянч сўз ва иборалар:**

*Солиқ, солиқсиз тўлов, ўлпон, контирибуция, домен, регалия, солиқларнинг белгилари, солиқларнинг функциялари, солиқларнинг вазифалари, мажбурий тўлов, курфюрстлар, баскаклар, девон, вақфлар, саррофлар, ишироф, калон, кўпчир, жузья, хирож, амлок, яримчилар, қўналга, бегар, қазу, ҳачи, янги иқтисодий сиёсат.*

#### **Назорат учун савол ва топшириқлар:**

1. Солиқларнинг пайдо бўлиши ва унинг амал қилиши давлатнинг пайдо бўлишига боғлиқлигининг асосларини изоҳлаб беринг.
2. Солиқларнинг иқтисодий моҳияти нимадан иборат?
3. Дастлабки солиқларнинг қанақа турлари бўлган? Уларни санаб беринг.
4. Солиқлар ва солиқсиз тўловларнинг ўзаро қанақа ўхшаш ва фарқли жиҳатлари мавжуд?
5. Солиқлар қанақа функцияларни бажаради?
6. Солиқларнинг функциялари ва вазифалари ўртасида қанақа фарқлар мавжуд?
7. Солиқларга қанақа белгилар хос?
8. Қадимги давлатларда солиқларнинг юзага келишининг шарт-шароитларини изоҳлаб беринг.
9. Европа ва Осиё давлатлари ва Россияда солиқларнинг тарихий ривожланиш жараёнлари қанақа хусусиятларга эга?
10. Ватанимизда қадимда ва ўрта асрларда амал қилган давлатчилик ва чет давлатлар босқинчиликлари даврида қанақа солиқлар амал қилган?

## 8-БОБ. СОЛИҚҚА ТОРТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ЭЛЕМЕНТЛАРИ

### 8.1. Солиқ ва солиққа тортиш тамойилларининг моҳияти

Солиқларни жорий этиш ва уни ундириш жараёнидаги энг муҳим масалар бу унинг тамойиллари ҳисобланади. Тамойил бу жараёни ташкил этиш, уни амалга ошириш ва унинг келгусидаги ривожланиш жараёнининг умумий йўллари ва йўриқларида ўзида ифода этувчи ижтимоий-иқтисодий тушунча ва жараёндир. Тамойиллар ҳар қайси ижтимоий-иқтисодий ҳодиса ва воқеяликларни ташкил этиш ва унинг йўналишининг "Йўлчи юлдузи" ҳисобланади. Нима учун "Йўлчи юлдузи"? Галактикадаги йўлчи юлдузларнинг атарофида жуда қўплаб бошқа юлдузлар мавжуд бўлиб, улар ўзининг ҳаракатланиши йўналишларини йўлчи юлдузнинг оқимига мослаштириш амалга оширади ва ундан узоклашиб кетмайди.

Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларга ҳам айнан ушбу жараён хос хусусият бўлиб, ижтимоий-иқтисодий ҳодиса, жараён ва воқеяликлар маълум бир тамойиллар асосига қурилган бўлиб, унинг йўналишида давом этади. Албатта, табиий ҳодисаларнинг ривожланиш тамойиллари билан инсониятнинг ўзи томонидан яратилган ижтимоий-иқтисодий тамойиллар ўртасида бир қатор фарқлар мавжуд бўлиб, жамиятдаги муносабатларда тамойилларнинг баъзилари объектив характерга эга бўлса, баъзилари субъектив, яъни инсоният ўзи яратган бўлади. Иқтисодий муносабатлардаги тамойиллар эса объектив ва субъектив тамойиллар асосида ривожланади. Албатта, уларнинг объектив ва субъектив эканлигини англаш қийин бўлмасда, айрим вақтларда иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши ва унинг оқибатлари баъзи бир субъектив тамойилларнинг қанчалик самарадорлиги ҳам кўрсатиб беради. Масалан, иқтисодий тизимларни қўллаш тамойиллари, молиявий бозорларни бошқариш тамойилларида объектив тамойиллар ўз ҳукмронлигини, яъни субъектив тамойилларнинг қанчалик асосли эканлигини кўрсатиб берилади (эсланг: тоталитар иқтисодий тизим тамойиллари, молиявий инқироз оқибатлари ва ш.к.).

Ҳар бир ижтимоий-иқтисодий жараёнда тамойил бўлиши шартлиги ҳам назария ҳам амалиёт исботлаб берган, бу ўзига хос аксиомадир. Масалан, давлат қурилиши, жамиятдаги устувор жараёнлар, давлат ва унинг фуқаролари ва инсонларнинг ўртасидаги ўзаро ҳуқуқий муносабатлар каби масалаларнинг умумий тамойиллари давлатнинг Конституциясида ифода этади. Демак, Конституция бу жамият қурилиши ва муносабатлар тамойили бўлиб, у жамиятнинг қурилиши ва ривожланишининг умумий йўлларини кўрсатиб беради ва шу жиҳатдан Конституция бошқа қонулар ва қонуности ҳужжатларининг асосий тамойили ҳам бўлиб хизмат қилади. Бошқа қонулар ва қонун ости ҳужжатларининг мазмуни ва йўналишлари Конституцияга

мосланади. Айнан бу нарса солиққа оид қонунчиликка ҳам тегишлидир. Солиққа тортиш тамойиллари қандай ривожланди? Аввалги бобларда - солиқларнинг юзага келишининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш шарт-шароитлари ва тарихий шаклланиш жараёнларида кўриб ўтганимиздек, солиққа тортиш тамойилларининг илдизи давлат юзага келиши билан мажбурий тўловлар (солиқлар)ни жорий этиш билан юзага келган. Давлатнинг фаолиятини қандай қилиб молиявий таъминлаш мумкин? деган саволнинг қўйилиши ва унга жавоб топилиши солиқларнинг тамойилининг юзага келишига асос бўлган.

Кейинчалик давлат бошлиқлари (масалан, Хаммурапи қонунлари)нинг давлатни қандай бошқариш борасидаги назарий қарашлари ва уларни ҳаётда тадбиқ этиш борасидаги жараёнда солиқларга тегишли қисмида солиққа тортиш тамойиллари амал қилган. Давлатнинг сиёсий жиҳатдан юксалишида давлатда солиқларга оид сиёсати, қолаверса солиқ тамойилларининг қай даражада белгиланишига боғлиқ бўлган. Чунки, дастлабки, даврларда аксарият давлатлар ўзлари ва фуқароларини бошқаларнинг босқинидан асраш ва минимал бўлсада турмуш тарзини таъминлашга эришишга ҳаракат қилган бўлса, бошқалари ўзга давлатларни босиб олиш ва улардан ўлпонлар ундириш эвасига давлатнинг сиёсий ва молиявий имкониятларини кенгайтиришга ҳаракат қилган. Бунга мисол қилиб, Рим, Қадимги Греция, Мессопатамия каби давлатларни олайлик. Бу давлатларда давлатнинг молиявий қудрати бошқа давлатларни босиб олиш ҳисобига амалга оширилган бўлса, (эсланг Қадимги Римда дастлабки вақтларда фуқаролардан солиқ олинмаган) босқинчилик ҳуружига учраган ва қарам бўлиб қолган давлатлар эса ғолиб давлатга солиқлар тўлаб турган.

Бундай вазиятларда ғолиб ва енгилиб ўлпон тўлаш мажбуриятини олган давлатда солиқларни ундириш тамойиллари икки хил кўринишга эга бўлган. Бири ўзининг фуқароларидан камроқ солиқ ундирган бўлса, бошқаси эса (енгилган давлат) ҳам давлатни боқиш ҳам бошқа давлат олдидаги ўлпон тўлаш мажбуриятини бажариш учун солиқларни кўпроқ жорий этиш ва ундириш тамойилларига асосланган. Демак, фан предметини ўрганишнинг мантикийлик методига асосланиб ҳулоса қилиш мумкинки, солиққа торишнинг дастлабки тамойиллари давлат сиёсатидан келиб чиққан. Солиқ тамойиллари билан солиққа ториш тамойилларини бироз фаркланади. Солиқ тамойиллари деганда солиқларни жорий этиш, уни ундириш жараёнлари билан боғлиқ барча тамойиллар назарда тутилади. Солиққа тортиш тамойиллари эса жорий қилинган солиқларни қандай қилиб солиққа тортишнинг умумий йўналишларини қамраб олади.

Давлатчилик ривожланиши босқичларида солиқ тамойилларини белгилаш шарт-шароитлари ва усуллари ҳам турлича бўлган. Баъзи ҳолларда давлат бошлиғи (император, шоҳ, қирол) давлатда қандай солиқларни қимларга жорий қилиш масаласини ҳал қилиш билан чекланган бўлса, уни ундириш, яъни солиққа тортиш тамойилларини эса солиқ ундириш ваколати (мажбурияти) юклатилган шахслар ёки бўлинмалар (вазир,



девонбеги, сенатор, монах, епископ, маслахатчи ва шу кабилар) томонидан ишлаб чиқилган. Масалан, Қадимги Римда(масалан, А.Октавиан ҳукмдорлиги вақтида), Бобил подшолигида, Муҳаммад Пайғамбар вақтида, А.Темур ҳукмдорлиги вақтида солиқларни жорий этишни ҳам уни ундириш тамойилларини ҳам давлат бошлиқлари асосий роль ўйнаган. Баъзи бир ҳолатларда эса солиққа тортиш тамойилларини бошқалар белгилаган.

Ўрта асрларда Англияда эса солиқларни жорий этиш ва ундиришда қирол ва парламент ўртасидаги келишувга асосланган, баъзи вақтларда парламент ўртасида бу борадаги келишмовичлар кучайиши солиққа тортишнинг барча масалалари парламентнинг тўлиқ ҳуқуқига ўтди ва Англияда республика шаклидаги давлат шаклининг асос солиниши ва унинг оқибатида эса солиқ тизимининг ҳам хусусиятлари ўзгарди Россияда эса Пётр I даврида унинг ўзининг ташаббуси билан "фойда келтирувчилар" деган департамент ва махсус лавозимлар жорий қилинган бўлиб, солиқларни жорий этиш ҳукмдор томонидан амалга оширилган бўлсада, солиққа тортиш тамойиллари "фойда келтирувчилар" томонидан ишлаб чиқилган. Шунингдек, Россияда Екатерина II ҳукмдорлиги вақтида эса солиқ тизими ва унинг тамойилларини ишлаб чиқувчи махсус бўлинмалар такшил қилиниб уларнинг ҳуқуқлари кенгайтирилган.

Юртимизда амал қилган Қадимги Фарғона давлатида эса солиқларни жорий қилиш, уларни ундириш, қимларга солиқдан енгилликлар бериш масалаларини давлат бошлиғи билан биргаликда Оқсоқоллар кенгашининг роли катта бўлган, баъзи вақтларда бу кенгашнинг роли юқори бўлган. Бу эса ҳозирги цивилизация шароитида солиқларни жорий қилишнинг парламент шакли Англияда эмас балки, бундан бир неча минг йиллар йиллар олдин бизнинг давлатчилик тажрибасида жорий қилинганлигини билдиради.

## 8.2. Солиққа тортишнинг классик тамойиллари

Аввалиги бобларда таъкидланб ўтилганидек, солиқларга оид назарияларнинг кўпчилигида солиқлар қандай тартибда белгиланиш ва ундирилиш керак деган масалалар тадқиқот марказида бўлган. Бу ўринда таъкидлаш кераки, солиқ ва солиққа тортиш тамойилларининг классик деб аталадиган тамойиллари аксарият хорижлик олимлар ва тадқиқотчилар томонидан Шотландиялик олим А.Смит номи билан боғлансада, аммо, Республикамизда мустақилликдан сўнг тарихни ва илмий тадқиқотлар методологиясидаги янгича ёндошувлар солиқ ва солиққа тортиш тамойилларининг ҳам назарий ҳам амалий асосларини А.Темурга тегишли эканлигини исботлаб берилди. Бу борада Ўзбекистонда молия ва солиқлар тарихи билан шуғулланган олим, профессор Х. Раҳимов томонидан иолиб борилган илмий тадқиқотларда ўз аксини топган. Шу билан биргаликда шарқ иқтисодий тафаккурининг ривожланишида катта ўрин тутган араб мутафаккири Ибн Халдун Абдурахмон Абу Зайд, атоқли давлат арбоби, илк туркий дostonнавис Юсуф Хос Хожиб ўзининг 1069-1070 йиллар орасида ёзган «Жутағу билиг» (кутга, яъни бахт- саодатга элтувчи билим) асарида,

шунингдек, Шунингдек, 3.Бобур ўзининг 1601 йилда чоп этилган «Акбарнома» китобида ҳам солиқларни жорий этиш ва ундириш тартиблари ҳамда салтанатни бошқаришда мураккаб иқтисодий муаммоларни қандай қилиб ечиш кераклиги хусусидаги ўзининг қарашларининг мазмунида солиққа тортишнинг энг муҳим тамойиллари акс этганлигини илгаш мумкин.

Шундай бўлсада ҳозирги солиққа оид илмий назарияларда солиққа тортиш тамойилларининг А.Смит томонидан келтирилган тамойиллари классик тамойиллар сифатида эътироф этилади. Қизиғи шундаки, А.Смитга қадар бир неча асрлар аввал А.Темур айтган солиққа тортиш тамойиллар А.Смит томонидан иқтисодий жиҳатдан асосланиб, у маълум бир тизингга солинган бўлса, дostonнавис Юсуф Хос Хожибнинг тинчлик-осойишталик; меъёридаги солиқлар ва иқтисодий эркин фаолият юритиш имконини таъминлаш давлатнинг асосий вазифаси бўлиш керак деган ғоялари бир неча аср ўтиб айнан А.Смит томонидан такорорланганлиги, жаҳон солиққа тортишнинг классик тамойилига бизнинг улуғ алломаларимизнинг назарий қарашлари асос бўлган деб айтишга далилий манба ҳисобланади. А.Смит ўзининг машҳур "Халқлар бойлигининг табиати ва унинг келиб чиқиш сабаблари" номли асарида солиққа оид муаммолар қаторида солиққа тортиш тамойилларини ҳам алоҳида тадқиқ қилиб, унинг асосий шаклларини ишлаб чиқди. А.Смитнинг солиққа тортиш тамойиллари қуйидагилардан иборат:

**1. Мутаносиблик ёки адолатчилик тамойили.** А.Смит иқтисодчи олим сифатида солиқларнинг жорий этилиши ва ундирилиш жараёнларини унинг манбалари ва субъектлари билан ўзаро боғлаган ҳолда тадқиқ этади. У таҳлилларида Англия солиқ тизими ва бошқа давлатларнинг солиқ тизимини ўзаро таққослайди, солиқларни ундирилишнинг турли тарихий босқичларга қандай самара берганлиги ва жамият тараққиётига қандай тўсиқ бўлганлигини сабабларини аниқлайди. Тадқиқотларда шуни аниқлайдики, солиқлар бир хил жорий этилиш ва ундирилиш хусусиятига эга эмас. Шу билан биргаликда давлатлардаги сиёсий вазиятларнинг жиддийлашувида солиқларнинг текис тақсимланмаслиги сабаб бўлганлигини ҳам таҳлил қилади(Францияда XVIIIнинг 80-йилларида революцияни эсланг). Германияда, Англияда, Францияда солиқлар асосан оддий дехқон, хунарманд ва савдо билан шуғулланувчи аҳоли гарданига тушиб, катта ер эгалари ва йирик савдогарларга нисбатан солиқ юки кам бўлган. Ушбу ҳолатларни ўзаро боғлиқ ҳолда таҳлил қилиб, А.Смит солиқлар мутаносиб ҳолда адолатли ундирилиш керак. Давлатдан олган манфаатдорлиқлари в тўлаган солиқлари ўртасидаги боғлиқлик мутаносиб ҳолда бўлиш, солиқларни барча тўлаши аммо, унинг молиявий имконияти билан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиш керак деган ғоялари унинг солиққа тортишнинг биринчи тамойилида жамланади.

**2. Аниқчилик тамойили.** Бу тамойилнинг мазмуни солиқ тўловчига солиқ тўлашининг моҳияти, солиқларни қачон ва қайси вақтлар тўлашлигини аниқ бўлиш керак. Бу тамойилнинг замирида шунингдек, солиқларни ундиришнинг ҳуқуқий асосларининг солиқ тўловчиларга етказилиши, солиқ

тўловчилар нима сабабдан солиқ тўлаш лозимлиги ҳам аниқ бўлиши, солиқ тўловчиларнинг тўлаган солиқлари эвазига давлатдай қандай наф кўриш мумкинлиги ва кўраётганлиги аниқ ифода этилиши лозим. Солиққа тортишнинг ту тамойили бир томондан тўлаётган солиқларининг ижтимоий нафлилик даражасини солиқ тўловчиларга аён бўлиши солиқларни ундиришда қулайлик туғдирса, бошқа томондан солиқларни қачон ва қанча тўлашлигини(ҳақиқий тўлашлигини) аниқлиги солиқларни тўлаш ва уни ундириш жараёнларини ойдинлаштиради. А.Смит бу тамойилда солиққа тортишнинг биринчи тамойили билан боғлиқлигини тушунтириб, солиқ ундирувчилар(давлатдан солиқни ундириш ҳуқуқини маълум бир тўловлар эвазига қўлган китирган шахслар) томонидан ўз манфаатларига кўпроқ солиқ ундиришни назарда тутиб, солиқ тўловчиларнинг турли хил вақтларда солиқларни тўлашни талаб қилиши, уларга тўлайдиган солиқларининг ҳақиқий миқдорини бўрттириб кўрсатиши(аксарият солиқ тўловчилар саводи бўлмаганлиги солиқ ундирувчининг ҳисоблаган солиқ миқдорини тўлашга мажбур бўлган) ҳам солиқ тўловчига ҳам давлат хазинасига салбий таъсир қилиб, солиқларни ундиришнинг адолатлилик тамойили бузилган. Шу боисдан ҳам А.Смит солиқ ундириш ҳуқуқини давлатдан сотиб олиш ҳисобига солиқларни ундирувчилар армиясидан фойдаланишга қатъий қарши чиқади ва уни солиқ тизимининг оғирлашувининг асосий сабабчилари сифатида баҳолайди.

**3. Қулайлилик тамойили.** Бу тамойилда эса солиқларни ундириш жараёнида шундай йўл тутилиши керакки, солиқлар тўлай солиқ тўловчига қулай тартиб жорий қилиниши кераклиги назарда тутилади. Яъни, қулайлилик деганда нафақат тўлаши лозим бўлган солиқ сўммасини давлат хазинасига ўтказиш жараёни, шу билан биргаликда солиқ тўловчиларнинг даромад олишинининг даврийлик жиҳатдан фарқланиши, уларга турли хил табиий офат ва иқлимнинг таъсири, сиёсий вазиятларнинг таъсири доирасида солиқларни тўлаш имкониятларининг чекланиши ҳолларида уларга солиқ тўлашга имконият берувчи шарт-шароитларни туғдириб бериш лозимлиги ҳам назарда тутилади. Бу борада А.Темурнинг тузукларида келтирилган ".....сармоясини кўлидан кетиб қолган савдогарга ўз сармоясини қайтадан тиклаб олиши учун хазинадан етарли миқдорда олтин берилсин. Дехқонлар ва раиятдан бирининг дехқончилик қилишига қурби етмай қолган бўлса, унга экин-текин учун зарур уруғ ва асбоб тайёрлаб берилсин,.." Ҳосил пишиб етилмасдан олдин раиятдан молу-жиҳат олинмасин. Ҳосил етилган ҳосилни уч бўлиб олсинлар. Агар раият солиқ тўловчи бормасдан солиқни ўзи келтириб берса, у ерга солиқ ундирувчи юборилмасин. Агар раият рўйхатга олинган ерлардан бериладиган солиқларни нақд акча билан тўлашга рози бўлса, нақд акча миқдорини сарқорнинг ҳиссаси ҳисобланган ғалланинг мазкур даврдаги нархига мувофиқ белгиласинлар »<sup>98</sup> тартиб ва фикрлари айнан солиқларнинг аниқлилик тамойилини изохлайди.

<sup>98</sup>Темур тузуклари. Т.: "Чўлпон", 1991 й. 78-98 бетлар.

**4. Кам харажатлилик(самарадорлик) тамойили.** Солиқларни ундириш жараёнининг ўзи ҳам маълум бир харажатларни талаб қилади. Аввалги бобларда кўриб ўтганимиздек, Европа ва Осиёнинг бир қатор давлатлари давлат бундай харажатларни камайтириш мақсад қилиб, солиқ ундириш ҳуқуқини маълум бир тоифадагиларга ҳақ эвазига берган. Албатта, бу икки хил тартибда амалга оширилган. Биринчиси бу солиқ ундириш ҳуқуқини беришда солиқ тушумларига тенг равишда солиқ ундирувчидан йиғим олинган ва давлат бу ерда риск қилган. Солиқ ундирувчилар давлатга тўланган маблағни унга бириктирилган ҳудудлар ва соҳалардан ундирилган солиқ тўловлари билан қоплаган. Бу эса ўз навбатида солиқларни ундиришда камситилиш ҳолатларига олиб келган. Иккинчи тартибда солиқ ундирувчиларга ҳуқуқ уларга маош тўлаш ва уларни солиқ тўлашдан озод қилиш ҳисобига берилган. Баъзи ҳолларда ундирилган солиқлар уларни ундиришга кетган харажатлардан ҳам ортик бўлган. Солиқларни ундириш харажатларини қоплаш маҳаллий аҳолининг зиммасига юклаш бизнинг юртимизда амал қилган давлатчилик шаклларида ҳам кўриш мумкин. Бу тартиб асосан муғуллардан мерос бўлиб қолган бўлиб, муғуллар истилосидан кейинги вақтларда ҳам узоқ вақт амал қилиб келди. Масалан Бухоро амирлиги даврида ҳоким ва унинг хизматидагиларга маош давлат хазинасидан берилмаган ва улар ўзларининг кунлик харажатларини маҳаллий аҳолидан турли хил йиғимларни олиш ҳисобига қоплаган. Қайд қилиб ўтилганидек, А.Смит бошқа давлатларнинг солиққа тортиш тизимларини ҳам ўрганиб чиқиб, бундай ҳолатлар солиқ тизимининг самарадорлигига катта таъсир қилишини англаб етган ҳолда солиқларни ундиришда иложи борича кам харажатларни амалга ошириш лозимлиги таъкидланади. Бу эса тараққиётнинг ҳозирги босқичида ҳам катта аҳамият касб этади.

### **8.3. Солиққа тортишнинг замонавий ва хусусий тамойиллари**

Ушбу бобнинг дастлабки қисмида таъкидлаб ўтганимиздек, солиққа тортиш тамойиллари қандй бўлиши лозим деган масала давлатчилик пайдо бўлгандан бери назарий тадқиқотларнинг маркази бўлиб келмоқда. Таъкидланганидек, солиққа тортиш тамойилларининг ўрта асрлардан то ўтган асрнинг ўрталаригача бўлган даврларида асосан ҳар бир давлатнинг солиқ тизимидаги хусусиятига боғланганлигини кўриш мумкин. Шу билан биргаликда алоҳида олинган давлат доирасида солиққа тортиш хусусиятлари халқаро муносабатларнинг ривожланиши билан параллел равишда бошқа давлатларнинг солиқ тизимига ҳам ўтиб борди. Бошқачароқ қилиб айтганда, халқаро меҳнат тақсимотларини чуқурлашиб, ўзаро интеграцион алоқаларнинг кенгайиб бориши, ўз навбатида халқаро солиққа ториш муносабатларининг ҳам ривожланиб боришига олиб кела бошлади. Халқаро капиталнинг орғиб бориши ва унинг географиясининг кенгайиши, уларни солиққа тортиш борасида умумий қелишувларни ҳам тақозо эта борди, натижада эса жаҳон хўжалигининг асосий қисмларидан бири сифатида

халқаро солиққа тортиш муносабатлари кенгайиб, уларнинг умумий йўналишларини белгилаб берувчи тамойилларга ҳам эҳтиёж туғилди. Демак, солиққа тортиш тамойиллари илгари бир ёки бир неча давлатлар доирасида бўлган бўлса, энди унинг халқаролашуви ошиб борди. Бу эса ўз навбатида турли хил замонавий солиққа тортиш тамойилларининг ҳам юзага келтиришга бошлады. Замонавий солиққа тортиш деганда бошқа соҳалардаги каби сифат жиҳатдан янги, аввалги солиққа тортиш тамойилларини инкор этган ҳолда уларнинг ўрнига келган тамойиллар тушунилмаслик керак. Бундай тушунча техника, бошқарув, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқа соҳаларда шундай тушунилади. Замонавий солиққа тортиш тамойиллари таъкидланганидек, аввалги солиққа тортиш тамойилларини инкор этмаган ҳолда унинг даврийлик нуқтаи назаридан шу даврнинг иқтисодий хусусиятларини эътиборга олган ҳолда қўшимча солиққа тортиш тамойиллари тушунилади.

Замонавий солиққа тортиш тамойиллари турлари бир қанча бўлиб, одатда уларнинг моҳиятини соддароқ англаш мақсадида улар уч гуруҳга: Солиққа тортишнинг иқтисодий тамойиллари, солиққа тортишнинг ташкилий тамойиллари ва солиққа тортишнинг ҳуқуқий тамойилларига бўлинади.

**1. Солиққа тортишнинг иқтисодий тамойиллари** асосан солиқларнинг ички моҳияти, солиқ ставкалари, солиқ базалари, солиқларнинг солиқ тўловчиларга оғирлиги ва уларнинг молиявий ҳолати жиҳатидан ёндошилади. Булар жумласига солиққа тортишнинг тенглиги ва адолатлилиги тамойилигининг замонавий тамойилида барча юридик ва жисмоний шахслар давлатнинг харажатларини қоплашда ва ундан манфаат олишда ўзаро тенг бўлиб, солиқларни жорий қилиш уларнинг молиявий ҳолатига мувофиқ келиши лозим. Солиқ тўлашда тенглик ва адолатлилиқ горизонтал ва вертикал шароитда амал қилиш керак. Вертикал ҳолатда даромадлар олиши билан солиқ ставкалари ҳам ошиб бориши, давлатдан кўпроқ ижтимоий манфаат олувчилар кўпроқ солиш тўлашлигини билдирса, горизонтал тамойилда эса бир хил миқдордаги солиқ тўловчилар бир хил миқдордаги солиқ ставкаларида солиқ тўлаши зарур.

Жаҳон амалиётида солиққа тортишнинг тенглик ва адолатлилиқ тамойили ўзаро боғлиқ ҳолда қўлланилади. Ақс ҳолда эса солиқларнинг адолатлилиқ тамойили йўқолади. Шу билан биргаликда солиқларнинг адолатлилиқ тамойилининг горизонтал ва вертикал қўлланишда бошқача ёндошувлар, масалан вертикал солиққа тортишда даромад ошиб бориши билан солиқларнинг ошиб боришига мутаносиб равишда солиқ тўловчиларнинг социал тоифаларига қараб солиқ имтиёзлари горизонталга қараб қўлланиши лозим деган ёндошувлар ҳам мавжуд. Бу эса солиқларнинг социаллашувини билдиради. Солиқларнинг самарадорлик тамойили. Бу тамойилга кўра солиқлар ва уларни ундириш жараёни ишлаб чиқариш жараёнини рағбатлантириши ва унинг ривожланишига, аҳолининг ишчанлик ҳолати ва ташкилотларнинг фаолиятининг фаоллашувига тўсик бўлмаслик

керак. Бу эса солиқларни қўллашда жуда эҳтиёткорлик билан ёндошишни, яъни солиқларнинг қайси даражасида ишлаб чиқариш жараёнига салбий таъсир этиш ҳолатини аниқлаш қатта аҳамият касб этади. Иқтисодий солиққа тортиш тамойилларидан яна бири солиқларнинг бюджетга мослик тамойилидир. Бу тамойилга кўра солиқ асосан бюджетнинг даромадларини шакллантиришга қаратилган бўлиб, солиқларнинг даражаси ва бюджет даромадларини бир маромда шаклланишини таъминлаши ва солиқларнинг адолатлилиқ тамойили бузилмаган ҳолда солиқларни максимал жалб қилишга мувофиқ келиши лозим. Солиққа тортишнинг кўп томонламалилиқ иқтисодий тамойили эса давлатнинг солиқ сиёсатида мослашувчан ҳолатда ўрнатилиши ва амалга оширилишини назарда тутди. Солиқ сиёсати шундай ўрнатилиши керакки солиқларнинг рағбатлантирувчилик ва тартибловчилик роли ўзаро мутаносиб равишда ҳаракат қилиши лозим. Бу эса тўғри ва эгри солиқларнинг ўзаро нисбатларини мувофиқлаштирилган ҳолда амалга оширилиши орқали таъминланади. Бошқача ҳолатларда эса солиқларнинг прогрессив ва регрессив хусусиятларининг боғланишини ҳам ифодалайди. Шунингдек, замонавий солиққа тортишнинг иқтисодий тамойиллари сифатида тўловга қобилиятлилиқ тамойили, инвестицияларни рағбатлантириш тамойили қабила ҳам келтириб ўтилади. Уларга кўра солиқлар тўловчининг тўловга қобиллигини инобатга олиши, солиқлар доим ички ва ташқи инвестицияларни рағбатлантириш хусусиятига эга бўлиш лозимлиги назарда тутилади.

**2. Солиққа тортишнинг ташкилий тамойиллари** иқтисодий тамойиллардан фарқли равишда солиқларни ундириш ва уни солиқ тўловчилар томонидан тўлаш жараёнларининг ташкилий механизмларини қамраб олади. Ушбу тамойиллардан бири солиққа тортишнинг ягоналик тамойилидир. Бу тамойилнинг моҳияти бир солиқ объектига қўшимча солиқларнинг белгиланмаслиги, бир хил шароитда ва бир хил даромадга табақалаштирилган тартибда ёндошмаслик, мулкчилик ва фаолият туридан қатъий назар бир хил солиқ ставкаларида солиқ ундиришни ифодалайди. Шунингдек, солиқ манбаи пайдо бўлиш манбаидан қатъий назар уларга солиқ солиш ягона тамойилга асосланиш зарур. Солиққа тортишнинг ҳокимият даражалари бўйича фарқланиш тамойили. Бу тамойилга кўра солиқларни жорий этишда федерал(умумдавлат) ва маҳаллий даражада ёндошув амалга оширилиш лозим. Солиқларни бундай жорий этиш солиқларни ундириш самарадорлиги таъминланади, солиқларнинг манбаини аниқлаш ва уларни солиққа тортиш осонлашди ва солиқларни жалб қилишда ҳокимиятларнинг ваколатлари ва мажбуриятлари ойдинлашиб, уларнинг солиқ сиёсатидаги иштироки ортади. Солиққа тортишнинг мослашувчанлик тамойили. Бу тамойилга кўра солиқларни ундириш механизмларини ишга солиш солиқ тўловчиларнинг жойлашган жойи, уларнинг ишлаб чиқариш хусусиятлари, иқлим шароитлари ва технологик хусусиятларига қараб солиқларни мослашувчан бўлиши лозим. Бу эса солиққа тортишнинг марказлашган тартибда солиқ ундириш,

соддалаштирилган солиққа тортишни қўллаш, солиққа тортишнинг алоҳида тартибларини амалга ошириш кабилар орқали ифодаланади. Солиққа тортишнинг очиқлик тамойили ҳам ташкилий тамойиллар жумласига кириб, у солиққа оид қонунлар, қонуности ҳужжатлари, солиқ тўловчилар ва ахборот олувчиларга очиқ бўлган ҳолда, уларнинг талқини содда, раво ва баҳсли жараёнларга олиб келишга асос бўлувчи тартибда шакллантирилмаслик лозимлигини тавсифлайди. Аммо, амалиётда солиққа оид қонунлардаги нормаларнинг турлича талқин қилиниши, уларда турли хил маъноларни англатувчи иборалар ва тушунчаларнинг қўлланилиши оқибатида солиқлар бўйича қарздорликнинг ундирилмаслигига, ишларнинг суд арбитражларида қайта-қайта қўрилиши оқибатида ортиқча харажатларни амалга оширилишига, унумсиз меҳнат сиғимларининг ошишига олиб келадиган ҳолатлар кўп учрайди. Айнан ушбу ҳолат Республикамиз солиқ тизимида ҳам солиққа оид қонунчиликларни турлича талқин этилиши оқибатида солиқ қарздорлиги сўммаларининг ошишига солиқ хизмати органларининг ходимлари ва солиқ тўловчиларнинг ортиқча вақтларини олишга, унумсиз харажатларнинг юзага келиш ҳолатлари ҳам учрайди. Солиққа тортишнинг ташкилий тамойиллари жумласига солиқ тўловчиларнинг руҳий ҳолатини эътиборга олиш тамойили, солиқларнинг социаллашуви тамойили, солиқ имтиёзлари ва алоҳида тартибларни қўллашнинг табақалашув тамойиллари ҳам мавжуд бўлиб, улар солиқ тўловчиларнинг руҳиятини ҳисобга олиш, яъни солиқ сиёсати, солиқларни ундириш механизмларига нисбатан уларнинг руҳиятини эътиборга олинган ҳолда солиқ тизимини мослаштириш, солиқлар жорий этилишида ва уларни ундиришда солиқ тўловчиларнинг социал маънавий, уларнинг фаолиятининг даражалари(масалан самарасиз соҳа, аммо жамият учун муҳим маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш билан шуғулланиш)дан келиб чиққан ҳолда ёндошиш, солиқ имтиёзлари ёки солиққа тортишнинг алоҳида(имтиёзли) тартибларини қўллашда табақалашган ҳолда ва адолатли равишда имтиёзларни белгилаш лозимлигига асосланади.

**3. Солиққа тортишнинг замонавий тамойилларининг учинчи-ҳуқуқий гуруҳига солиққа тортишнинг қонун асосида ўрнатилиш тамойили**га солиқ қонунчилигининг устуворлик тамойили, солиқ тизимида илмий ёндошиш тамойили кабиларни киритиш мумкин. Ушбу тамойилларга кўра ҳар қандай тартибда солиқларни жорий этиш фақат қонунчилик тартиби асосида, яъни солиқларни жорий этишнинг парламентаризм методига асосланган ҳолда амалга оширилиши, солиқларни ундириш тартибларида қонунчиликнинг устуворлигининг таъминланиши, солиққа оид ваколатлар фақат қонунларга мувофиқ белгиланиши, солиқларни жорий этиш ва ундириш механизмларига илмий ёндошган ҳолда уларни жараёнларни илмий таҳлил этган ҳолда тегишли ўзгартиришлар киритиб боришга асосланиш масалалари устуворлик касб этиши лозим.

Ушбу келтириб ўтилган классик ва замонавий солиққа тортиш тамойиллари илмий мазмунга эга тавсиявий-услубий характердаги

тамойиллар бўлиб, ушбуларга асосланган ҳолда ҳар бир давлат ўзининг солиқ тизими учун қонуний характердаги солиққа тортиш тамойилларини белгилаб олиши мумкин. Давлатларнинг ўз қонунчилиги асосида аниқлаб қўйиладиган солиққа тортиш тамойиллари одатда хусусий(алоҳида олинган) солиққа тортиш тамойиллари ҳам деб юритилиб, улар аниқ характерга эга бўлади ва улар тегишли давлатда солиқларни жорий этиш ва уни ундиришнинг умумий тамойиллари(йўналишлари)ни белгилаб бериб, кейинги солиққа оид қонунчиликнинг мазмунига унга мос бўлишини таъминлайди. Бошқача қилиб айтганда қонун асосида белгилаб олинган солиққа тортиш тамойилларининг мазмуни солиқларни ундиришнинг ҳуқуқий нормаларига асос бўлиши ва ҳуқуқий нормаларнинг мазмуни эса солиққа тортишнинг ҳуқуқий тамойилларига зид бўлмаслиги керак, акс ҳолатда эса солиққа тортиш тамойилларининг моҳияти йўқолади. Масалан, Россия давлати Конституцияси ва Солиқ кодексига солиққа тортиш билан боғлиқ 10 та тамойиллар белгилаб қўйилган бўлса, бу аксарият давлатлар солиқ ва бошқа қонунчиликларида ҳам учрайди.

1993 йилда Доминикан Республикаси учун Бирлашган Миллатлар ташкилоти лойиҳасида асосида ишлаб чиқилган кейинчалик эса (1996 йилдан бошлаб) тавсиявий характерга эга бўлган Жаҳон солиқ кодекси (Basic World Tax Code) сифатида эълон қилинган кодексда ҳам солиққа тортиш тамойиллари келтириб ўтилган. Биринчи тамойил бу барча давлатлар солиқ қонунчилигини ўзида акс эттирувчи ягона солиқ қонунчилигига эга бўлиши тамойили бўлиб, солиққа оид муносабатлар ягона қонунчилик базасида тартибга солинишини ифодалайди. Иккинчи тамойил халқаро интеграция ривожлантиришда солиқлар истисно тариқасида миллий ишлаб чиқарувчиларга нисбатан протекцион характерга эга бўлиб, халқаро интеграцияни ривожлантириши лозим. Бунда солиқлар халқаро иқтисодий интеграцияларни ривожланишига тўсиқ бўлмаслиги, фақатгина улар ички ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш мақсадида протекцион сиёсат сифатида фойдаланиш лозим. Учинчи тамойилга кўра солиқ имтиёзлари бюджетдан бериладиган субсидияларга нисбатан самарали бўлиши лозим. Ушбу тамойил солиқ имтиёзлари берилганга уларнинг самараси бюджетдан берилган субсидиялар, шунингдек, солиқ имтиёзлари берилишидан бюджет йўқотишлар миқдоридан кўп бўлиши керак, акс ҳолда солиқлар иқтисодиётга салбий таъсир этиб қолади(ҳам бюджетдан маблағ йўқотилади, ҳам солиқ тўловчи фаолияти самарасиз бўлади). Кейинги солиққа тортиш тамойили иқтисодиёти ривожланаётган давлатларга тегишли бўлиб, улар солиққа тортишда бюджет даромадларини шакллантиришда эгри солиқлар(қўшилган қиймат, акциз, божхона божи)нинг улушининг устуворлигини таъминлаши, жиҳмоний ва юридик шахслардан олинадиган даромад(фойда) солиғи бюджетни шакллантиришда катта роль ўйнамаслиги керак. Бу тавсиявий тамойил Ўзбекистон солиқ тизимида ҳам ўз аксини топган бўлиб, ҳозирги вақтда бюджет даромадларини шакллантиришда эгри солиқларни ҳиссаси(50 фоиздан юқори) юқоридир. Охириги тамойил бу барча даромадларни солиққа

тортиш ягона даромад солиғи асосида солиққа тортишни характерловчи тамойилдир. Бунга кўра солиқ декларацияси объектига тушадиган барча даромадларга ягона даромад солиғини жорий қилиш солиқ тизими ва солиқ маъмуричилигини соддалаштиради. Албатта, ушбу тамойиллар асосан халқаро солиққа тортишни назарда тутувчи ҳам миллий солиқ тизимлари учун тавсия характерига эга бўлиб у ўзида ҳам миллий ҳам халқаро солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятларини ифодалайди. Ўзбекистонда мустақил солиқ тизимини шакллантиришда солиққа тортишнинг умумий тамойиллари 1991 йил 15-февралда қабул қилинган «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинadиган солиқлар тўғрисида»ги қонун(ҳозир ўз кучини йўқотган), 1997 йил 24-апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси(ҳозир ўз кучини йўқотган) ҳамда 2008 йил 27-декабрда қабул қилинган янги таҳридаги ва ҳозирги амалдаги Солиқ кодексида ўзига хос тартибда акс эттирилган бўлиб, уларнинг мазмуни қуйидагича:

4-жадвал.

**Ўзбекистон солиқ тизимида солиққа тортиш тамойиллари**

№	«Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинadиган солиқлар тўғрисида»ги қонунда (Умумий қондаларда)	1997 йил 24-апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида(4-моддада)	2008 йил 27-декабрда қабул қилинган янги таҳридаги Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида(6-11 моддаларда)
	Манбаларидан қатъи назар, барча даромадлардан солиқ тўлаши мажбурийлиги.	Ҳар бир шахс ушбу Кодексида белгиланган солиқлар ва йиғимларни тўлаши шарт.	Ҳар бир шахс ушбу Кодексида белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти юклатилиши мумкин эмас.
	Барча ҳудудий-маъмурий поғоналар учун ягона бўлган умумдавлат солиқ сиёсатини маҳаллий ҳокимият идораларининг умумдавлат солиқ сиёсати доирасида солиқларга оид қонун чиқариш фаолиятидаги мустақилиги билан уйғун ҳолда амалга ошириш.	Солиқ солиш—юридик шахсларга нисбатан мулкчилик шаклидан қатъи назар, қонун олдида тенглик, жисмоний шахсларга нисбатан эса жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқидан қатъи назар, қонун олдида тенглик асосида амалга оширилади.	Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар аниқ бўлиши керак. Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳар бир солиқ тўловчи қайси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни, қачон, қанча миқдорда ҳамда қай тартибда тўлаши кераклигини аниқ биладиган тарзда ифодаланган бўлиши керак. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилашда, агар ушбу Кодексида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ тўловчилар, шунингдек солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг элементлари аниқланган бўлиши керак.
	Ўз фаолияти билан энг муҳим ижтимоий, иқтисодий ва экологик	Белгиланаётган солиқлар ва йиғимлар товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) ёки пул маблағларининг	Солиқ солиш умумийдир. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзларни белгилаш ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши керак.

муаммоларни ҳал этишга қўмақлашаётган самарали ишловчи корхоналарга имтиёз бериш, шунингдек хўжалик юртишнинг илгор шакллари рағбатлантириш системаси орқали солиқ мезонларининг рағбатлантирувчи аҳамиятини таъминлаш.	Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида эркин муомалада бўлишини бевосита ёки билвосита чеклаб қўйиши ёхуд солиқ тўловчининг иқтисодий фаолиятини бошқача тарзда чеклаб қўйиши ёки унга ғов бўлиши мумкин эмас.	Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича яққа тартибдаги хусусиятга эга бўлган имтиёзлар берилишига йўл қўйилмайди. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар камситиш хусусиятига эга бўлиши мумкин эмас ҳамда ижтимоий, ирки, миллий, диний ва бошқа шу каби мезонлардан келиб чиққан ҳолда қўлланилиши мумкин эмас.(8-модда).
Декларациялар ҳамда танлаб ўтказилadиган текшириш ва тафтишлар уюштириш асосида барча субъектларнинг солиқ тўловлари юзасидан олган мажбуриятлари устидан молиявий назорат қилиш, қонунларни бузувчиларга нисбатан иқтисодий чоралар кўриш.	Олинган манбаларидан қатъи назар, барча даромадларга солиқ солиниши шарт.	Солиқ тизими Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида барча солиқ тўловчиларга нисбатан ягонадир. Ўзбекистон Республикасининг бошқона ҳудуди доирасида товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ёки молиявий маблағларнинг эркин муомалада бўлишини бевосита ёки билвосита чеклаб қўядиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар белгиланишига йўл қўйилмайди.
	Солиқ имтиёзларини белгилаш ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши керак.	Солиқ солиш масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий нашрларда эълон қилиниши шарт. Барчанинг эътибори учун расмий эълон қилинмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қучга киритилмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқармайди ва солиқ соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга, улардаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун бирон бир санкцияни қўллашга асос бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас.
	Солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги бартараф этиб бўлмайдиган барча шубҳали, зиддиятли қоидалар ва ноаниқликлар солиқ тўловчи тадбиркорлик субъекти фойдасига талқин қилинади. (Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрдаги ЎРҚ-59-сонли Қонуни асосида қўшилган)	Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршиликлар ва ноаниқликлар солиқ тўловчининг фойдасига талқин қилинади.(11-модда).

Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизими учун қонуний асосда белгилаб олинган солиқ ва солиққа тортиш тамойиллари юқорида келтириб ўтилган умумий(классик) ва замонавий тамойилларнинг мазмуна илғор тамойилларини ҳам ўзида акс эттирган. Келтирилган жадвалдан кўриш мумкинки, Республикамиз солиқ тизимида солиқ ва солиққа тортиш тамойиллари қонунчиликнинг такомиллашуви билан улар мазмунан бойиб, содда ва аниқлашиб борган. Дастлабки солиқ қонунчилиги («Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги қонунида) солиққа тортиш тамойиллари "умумий қоидалар" сифатида талқин қилинган бўлса, солиқ қонунчилиги(солиқ кодекслари)да эса улар солиққа тортиш тамойиллари сифатида келтириб ўтилган. Бу тамойиллар Республикамизда солиқ тизимининг жорий этилиши ва амал қилиниши натижасида орттирилган тажрибаларни эътиборга олган ҳолда такомиллаштирилиб борилмоқда.

Албатта солиққа тортиш тамойилларида маълум бир ноаниқликлар ҳам мавжуд бўлди. Масалан, 1997 йил 24-апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексининг 4-моддасининг 4-бандида "Олинган манбаларидан қатъи назар, барча даромадларга солиқ солиниши шарт" мазмунидаги тамойил келтирилган бўлсада, аммо Солиқ кодексиди манбаидан қатъий назар барча даромадлар солиққа объекти сифатида белгиланмаган. Бу эса солиққа ториш тамойили билан солиқ қонунчилигининг мазмуни ўртасидаги тафоқутни билдиради, ваҳоланки, солиқ қонунчилиги солиққа тортиш тамойилига мувофиқ келиши шарт. Бу ҳолатлар охириги Солиқ кодексиди ўзи ечимини тошган. Аввалги бандларда таъкидлаганимиздек, Солиқ қонунчилигида белгиланган солиқ тамойиллари солиқ қонунчилиги билан боғлиқ кейинги жараёнларни тартибга солишда ва уларнинг мазмунини аниқлашда асос бўлиб хизмат қилади. Масалан, 2008 йил 27-декабрдаги қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексининг 11-моддасида "Солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси принципи" келтирилган бўлиб, унинг амалиётдаги акс этиши ва бошқа қонунчиликлардаги мазмуни эса Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги "Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги 210-сон Қарорининг 1.2-бандида "Солиқ кодексининг 11-моддасига мувофиқ солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги баргараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршилиқлар ва ноаниқликлар солиқ тўловчининг фойдасига талқин қилинади.

Бунда хўжалик судлари шуни эътиборга олишлари керакки, ушбу қоида биринчидан, қарама-қаршилиқлар ва ноаниқликлар фақат солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида мавжуд бўлганда, иккинчидан, қонун ҳужжатларининг ўзаро нисбати «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасида белгиланган қоидалар асосида баргараф этиб бўлмаганда қўлланилади" деган мазмунда аниқлаштирилиб мослаштирилган. Демак, умумий хулоса қилиб айтиш

мумкинки, ҳар қайси солиқ тизимининг энг муҳим ажралмас қисмини солиқ ва солиққа тортиш тамойиллари ташкил этиб, уларни тўғри аниқлаш ҳар бир давлатнинг солиқ тизимининг тўғри ташкил этилганлик ва самарадорлик даражасини белгилаб бериб, солиққа оид муносабатларни ривожлантириш ва мувофиқлаштиришда "йўлчи юлдуз" бўлиб хизмат қилади.

#### 8.4. Солиқ элементлари ва унинг таркиби

Солиқ тизимининг тўлақонли амал қилишининг биринчи босқичи бу солиқларни жорий этиш масаласи бўлса, кейинги босқичи эса уни ундириш тартибларини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Солиқларни ундириш тартибларининг ўзи ҳам солиқларни ундиришга хизмат қилувчи қўшимча қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва солиқларни ундириш жараёнида услубий асос бўлувчи ва амалий ундириш жараёнини таъминловчи кўрсаткичлар(мезонлар) тизимини яратиш ҳисобланади. Бундай кўрсаткичлар тизими эса одатда солиқ элементлари деб аталади. Солиқ элементларининг солиқ тизимидаги аҳамияти шундаки, жорий қилинган солиқларни қандай тартибда ва қандай усуллар ёрдамида ундирилади деган саволларнинг ечимини ифодалайди. Шу жиҳатдан олганда солиқ элементлари методологик қурилма ҳисобланади. Солиқ элементлари назарий кўрсаткичлар тизимини акс эттириши билан бир қаторда улар солиқларнинг аниқ чегарасини аниқлаб олиш солиқларни ҳисоблаш, солиқдан озод қилинганларга ёндошувлар, аниқлаб олинган солиқларни жамиятнинг социал адолат тамойилларини қўллаган ҳолда унинг қанчасини бюджетга жалб қилиш каби амалий жараёнларни ўзида акс эттиради. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Солиқ кодексининг 24-моддасида солиқ элементлари моҳияти "Солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида солиқ тўловчилар, шунингдек ушбу солиқ ёки бошқа мажбурий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун зарур элементлар белгилаб қўйилган тақдирдагина белгиланган деб ҳисобланади".-деб келтирган бўлиб, солиқларни солиқ тўловчилар томонидан ҳисобланиш ва уни ундиришнинг реал тан олиниши солиқ элементларининг қўлланилиши ёки белгиланиши тарзида изоҳланган. Бунга кўра солиқларни ҳисоблашда қонуний тартибда белгиланган солиқ элементларининг кўрсаткичларини фойдаланиш зарурлиги ва унинг ҳаққонийлигига асосланади. Бу борада амалдаги солиқ Кодексиди солиқ элементлари сифатида солиқ солиш объекти, солиқ солинадиган база, солиқ ставкаси, солиқларни ҳисоблаб чиқариш тартиби, солиқ даври, солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартиби, солиқларни тўлаш тартиби каби элементлар келтирилган бўлиб<sup>99</sup>, ушбу солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг элементлари ҳар бир солиқ ёки бошқа мажбурий тўловга татбиқан белгиланишлиги кўрсатиб ўтилган. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги солиқ Кодексиди солиқ элементларининг бундай белгиланиши солиқларни солиқ тўловчидан

<sup>99</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. [http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=1286558](http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=1286558). 24-модда.

ҳисоблаб чиқариш ва уни то бюджетга қадар тушиш жараёнларини ўзида акс эттирувчи элементларга асосланган. Шу билан биргаликда солиқ тўловчидан солиқларни ундириш жараёнига хизмат қилувчи кўшимча, қолаверса, муҳим бўлган бошқа элементлар мавжуд бўладигани, уларни ҳам эътиборга олиш талаб этилади. Бундай элементлар сирасига солиқ имтиёзлари, солиқ юки, солиқ қарздорлиги, солиқ маданияти каби элементлар киради. Бу элементларнинг аҳамияти шундаки, солиқларни ундириш жараёнининг самарадорлик кўрсаткичларини ифодалаш билан бир қаторда солиқларни ундириш жараёнида ҳар бир элементнинг таъсири жиҳатларини ҳам баҳолаб беради. Шундай қилиб солиқ элементларини икки гуруҳга ажратиш мумкин: Биринчиси бу бевосита солиқ тўловчидан солиқларни ҳисоблаш уни бюджетга ундириш жараёнларига хизмат қилувчи иккинчиси эса солиқларни ундириш механизмлари ва элементларининг самарадорлик ва уларнинг таъсирчанлигини изоҳловчи элементлар ташкил этади.

### 8.5. Солиқ субъектлари

Солиқларни ундириш жараёни кўплаб муносабатларни келтириб чиқаради. Солиқлар иқтисодий муносабатлардан ташқари социал, психологик, ҳуқуқий, ташқи иқтисодий ва ҳатто сиёсий муносабатларни қамраб олади. Солиқлар билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар аввало солиқ тўловчилар ва бюджет тизимига кирувчи бюджетлар ўртасида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш билан боғлиқ ўзара муносабатларни қамраб олади. Бу жараёнда эса икки томон юзага келади. Биринчи бюджет манфаатларини кўзлаган ҳолда уни ундириш билан бевосита шуғулланувчи ҳамда ушбу жараёнда хизмат қилувчи давлатнинг ваколатли органлари, бошқаси эса солиқ тўловчилар сифатида иштирок этади. Бу амалдаги Солиқ кодексига <sup>100</sup> "Солиқ тўловчилар ва ваколатли органлар солиқ муносабатларининг субъектларидир" деб кайд қилинган.

Солиқ субъектларида асосий томон солиқ тўловчилар ҳисобланади. Чунки, солиқ тўловчилар солиқларни жорий этиш объекти бўлиб, солиқ тўловчилар мавжуд бўлган тақдирдагина солиқ объекти пайдо бўлади ва солиқ элементларини қўллаш имконияти туғилади. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексига Солиқ тўловчиларга Солиқ кодексига мувофиқ зиммасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти юклатилган жисмоний шахслар, юридик шахслар ва уларнинг алоҳида бўлинмаларидир тарзида аниқлаштирилган. Ушбу солиқ Кодексининг 13-моддасига кўра солиқ агентлари сифатида солиқ Кодексига мувофиқ зиммасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш, солиқ тўловчидан ушлаб қолиш ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига ўтказиш мажбурияти юклатилган шахслардир, яъни корхона, ташкилот, бирлашма, уюшмалар ва шу каби ҳуқуқий бирликлар ҳисобланади. Солиқ тўловчининг вакиллари қонунга ёки таъсис ҳужжатида мувофиқ солиқ тўловчининг

<sup>100</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. [http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=1286558](http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=1286558). 15-модда.

вакили бўлишга ваколатли шахслардир. Шунингдек, солиқларни ундириш жараёнида солиқ тўловчиларнинг иштирокига аниқлик киритиш мақсадида «солиқ тўловчи» тушунчаси «солиқ агенти», «солиқ тўловчининг вакили» маъносига ҳам ишлатилиши нуқтаи назардан изоҳланган. Солиқ тўловчилар ҳуқуқий мақоми жиҳатидан юридик шахслар, жисмоний шахслар, ноτιжорат ташкилотлари, доимий муассаса, яқка тартибдаги тадбиркорлар, резидент ва норезидентларга ажратилади. Солиққа тортиш мақсадида юридик шахслар Солиқ кодексининг 16-моддаси ва фуқаролик Кодексининг <sup>101</sup> 39-моддасига кўра ўз мулкда, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулккий ёки шахсий номулккий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади. Шунингдек, юридик шахслар мустақил баланс ёки сметага эга бўлишлари керак. Шу билан биргаликда юридик шахсларга жумласига чет давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган чет эл ташкилоти ва Ўзбекистон Республикасининг, чет давлатнинг қонун ҳужжатларига ёки халқаро шартномага мувофиқ ташкил этилган халқаро ташкилотлари ҳам киритилади. Ноτιжорат ташкилотлари деганда фойда олишни фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ва олинган даромадларни ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган юридик шахслар тушунилиб, уларга бюджет ташкилотлари, шу жумладан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат ноτιжорат ташкилотлари, шу жумладан Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтган халқаро нодавлат ноτιжорат ташкилотлари, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ташкилотлар киради.

Норезидентнинг Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассасаси деганда норезидент Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган, шу жумладан фаолиятни ваколатли шахс орқали амалга ошираётган ҳар қандай жой эътироф этилади. Норезидентнинг Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассасаси деганда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳар қандай кетма-кетликдаги ўн икки ойлик давр ичида бир юз саксон уч календарь кундан ортиқ давом этадиган тадбиркорлик фаолиятининг амалга оширилиши ҳам эътироф этилади. «Доимий муассаса» тушунчаси фақат солиқ соҳасидаги мақомни аниқлаш учун қўлланилиб, у ҳуқуқий жиҳатдан ташкилий-ҳуқуқий аҳамиятга эга ҳисобланмайди. Яъни у солиқ солиш объектларини ҳам ўзида акс эттиради. <sup>102</sup>

Солиқ тўловчиларнинг кейинги гуруҳи жисмоний шахслар сифатида юзага чиқади. Жисмоний шахслар деганда эса Ўзбекистон Республикасининг

<sup>101</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. [http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=111189](http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=111189). 39-модда.

<sup>102</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. [http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=1286558](http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=1286558). 20-модда.

фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар тушунилади.<sup>103</sup> Ушбу гуруҳга кирувчи солиқ тўловчилар тоифасига яқка тартибдаги тadbиркорлар ҳам кириб, уларга тadbиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, мустақил равишда, ходимларни ёллаш ҳуқуқисиз, ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек мол-мулкка эгаллик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ асосида амалга оширувчи жисмоний шахслар қиради.

Шу билан биргаликда солиқ тўловчилар гуруҳлаганда уларнинг юзага келиши, солиқ тўлашни амалга ошириши ҳамда солиқ тўловчилар бўйича солиқ потенциални аниқлаш мақсадида реал ва потенциал солиқ тўловчиларга, солиқ тўловчиларнинг солиқлар тўлаш ҳолати юзасидан рўйхатдан ўтган солиқ тўловчилар, фаолият кўрсатаётган солиқ тўловчилар, фаолиятини тўхтатган солиқ тўловчилар ҳамда солиқ мажбуриятлари тугаган(бошланган) солиқ тўловчиларга ажратилади. Реал солиқ тўловчилар бу амалда фаолият кўрсатиб турган ва солиқ тўлаш мажбуриятини амалда бажараётган солиқ тўловчилар тушунилса, потенциал солиқ тўловчилар эса яқин келажакда солиқ тўловчилар сифатида юзага келиши кутилаётган(солиқ имтиёзи даври тугайдиган солиқ тўловчилар, лаёқатли ёшга тўлиб меҳнат бозорига қирадиган жисмоний шахслар, янгидан ташкил этиладиган солиқ тўловчилар ва ш.) солиқ тўловчилар назарда тутилади. Солиқ тўловчиларни бундай тартибда гуруҳлаш эса солиқ тизимида солиқ тизимининг самарадорлигини таҳлил қилишда катта аҳамиятга эгадир.

Солиқ муносабатларининг кейинги томонида солиқларни ундириш ваколати(мажбурияти) юклатилган ҳамда солиқ ундиришга хизмат қилувчи давлатнинг ваколатли органлари туради. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ(14-моддасида) давлат солиқ хизмати органлари — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари, шунингдек туманлар, шаҳарлар ва шаҳардаги туманлар давлат солиқ инспекциялари, божхона органлари — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари, божхона комплекслари ва божхона постлари; молия органлари — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари, туман ва шаҳар ҳокимликларининг молия бўлимлари; бошқа мажбурий тўловларни ундириш вазифасини амалга оширувчи давлат органлари ва ташкилотлари каби ваколатли органлар сирасига қиради. Ушбу келтирилган ваколатли органларнинг солиқ субъектлари сифатида иштироки турличадир. Ваколатли(солиқ ундирувчи) органлар орасида давлат солиқ хизмати органлари асосий звено сифатида юзага чиқади. Давлат солиқ

хизмати органлари солиқ муносабатлари субъекти сифатида қуйидагиларни амалга оширади:

- давлат солиқ сиёсатини амалга ошириш ва солиқ қонунчилигига, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланишига, тўлиқ ва ўз вақтида тўланишига риоя қилиниши юзасидан таъсирчан назоратни ва солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига, давлат мақсадли жамғармаларига ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўлиқ миқдорда тушишини, пул маблағларининг ноқонуний айланиши манбаларига барҳам бериш, аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан нақд пул тушумларининг ўз вақтида ва тўлиқ топширилиши юзасидан тизимли назоратни, солиқ тўловчилар, солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ солиш билан боғлиқ бўлган объектларнинг тўлиқ ва ўз вақтида ҳисобга олиншини, юридик шахс бўлмасдан яқка тартибдаги тadbиркорлар сифатида тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни четдан келтирувчи жисмоний шахсларни давлат солиқ хизмати органлари томонидан давлат рўйхатидан ўтказишни таъминлайди;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига, давлат мақсадли жамғармаларига ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тушиши прогнозини ишлаб чиқишда, солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни унификация қилиш, солиқ юқини қисқартириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва эркинлаштириш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини рағбатлантириш, уларга зарур имтиёзлар ва преференциялар бериш бўйича таклифлар тайёрлашда қатнашади;
- белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда бошқа вазирликлари ва идоралари билан биргаликда солиқ қонунчилигига мувофиқ солиқ солиш масалалари бўйича идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, солиқ ҳисоботлари ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқиш, тўлаш билан боғлиқ бошқа ҳужжатлар шакллари ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлайди;
- солиқ тўловчилар фаолиятини белгиланган тартибда солиқ бўйича текширади, шунингдек жамғариб бориладиган пенсия мажбурий бадалларининг тўғри ҳисоблаб чиқилишини, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан уларнинг фуқароларнинг яқка тартибдаги жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамларига тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан пул маблағлари ва моддий бойликларнинг бухгалтерия ҳисобини юритишнинг белгиланган тартибига риоя қилинишини, корхоналар ҳудудига моддий бойликларни олиб кириш ва у ердан олиб чиқишда корхоналарда рухсат бериш тизими ишларининг ташкил этилиши ҳолатини текширади;
- солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари пайдо бўлиши (тўхтатилиши) тўғрисида ахборот тақдим этадиган органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

<sup>103</sup>Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 16 моддаси ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексининг 16-моддаси



➤ давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотишдан олинган пул маблағларининг давлат даромадига тўлиқ ва ўз вақтида тушишини, шунингдек давлат органларига берилган мол-мулк ҳисобини, юридик шахслар томонидан фойдаланилган электр энергияси учун тўлов муддати ўтган қарзларни йиғади ва маблағларнинг тўлиқ тушишини назорат қилади;

➤ юридик ва жисмоний шахсларга уларни, идентификациялаш тартиб рақамлари берган ҳолда, солиқ тўловчилар сифатида ҳисобга қўйиш тўғрисида ҳужжатлар беришни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, солиққа доир қонун ҳужжатларини нашр этиш, қўпайтириш ва давлат солиқ хизмати ҳудудий органларига етказиш, маслаҳат хизматлари кўрсатиш, солиқ тўловчиларни солиқларни ўз вақтида ҳисоблаб чиқиш, солиқ ҳисоботларини ва солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳужжатларни тақдим этишга ўқитиш учун сервис-марказлар, солиқ солиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни солиқ тўловчиларга ўз вақтида етказиш ишларини ташкил қилади;

➤ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар ҳисобини юритади;

➤ банклар томонидан тегишли ахборот тақдим этилишига кўра банк счётлари бўйича олти ой мобайнида (савдо ва савдо-воситачилик фаолияти бўйича — уч ой мобайнида) пул операцияларини амалга оширган ҳолда молия-хўжалик фаолиятини юритмаётган корхоналарни, аниқлайди;

➤ тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга туришдан бош тортиши механизмларини ўрганади, аниқлайди ва бартараф этади ва уларнинг ваколатига ҳамда мажбуриятига қарадиган бошқа тадбирларни амалга оширади.

Божхона органлари ҳам солиқ муносабатлари субъекти сифатида иштирок этади. Божхона органлари ўз ваколатларидан келиб чиқиб импорт ва экспорт операциялари, Ўзбекистонга олиб кириладиган ва олиб чиқиладиган товарлар(хизматлар) бўйича ундириладиган божхона божи, бож тўловлари, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғини ундиради ва белгиланган тартибда бюджетга ўтказилади.

Молия органлари ҳам солиқ субъекти сифатида навбатдаги молия йили учун солиқ хизмати ва божхона органлари ҳамда Ҳазначилик бўлинмалари билан биргаликда бюджетнинг солиқли даромадларини режалаштиради (прогноزلаштиради), бюджетга солиқ тушумларининг келиб тушишининг ҳисобини олиб боради, айрим турдаги маҳсулотлар(масалан, "Женерал Моторс" заводи ишлаб чиқарадиган автомобиллар, табиий ва сиқилган газ ҳамда заргарлик буюмлари учун) бўйича акциз солиғи ставкаларини белгилайди, солиқ тўловчилар (корхоналар, вазирликлар, идоралар, банклар ва давлат сўғурта ташкилотлари)да бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш ва такомиллаштириш ишларини мувофиқлаштиради.

Булардан ташқари солиқларни ундириш жараёнида ёрдамчи солиқ субъекти сифатида банк муассасалари ҳам иштирок этади. Солиқ тушумларини ҳисобга олиш жараёни аввало ушбу тушумларни ҳисобга олувчи тегишли банк ҳисобварақларини(солиқ тўловчиларнинг эмас, балки, банкнинг ўзининг ҳисобварақлари) очиш талаб этилади. Шу мақсадда эса давлат бюджетига келиб тушган маблағларнинг тўғри ва ўз вақтида қилинишини таъминлаш мақсадида молия, солиқ, божхона ва бошқа ваколатли органларнинг хос рақамлари билан (23402, 23403, 23407, 23409,

20207, 20205 ва 23411) баланс ҳисобварақлари бюджет таснифида келтирилган даромадлар турига асосан белгиланган шахсий ҳисоб рақамларга мувофиқ банкларда очилади. Юридик ва жисмоний шахслар томонидан Давлат бюджетига ўтказиладиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар банклар томонидан қабул қилинади ва белгиланган тартибда (23402, 23403, 23407, 23409, 20207, 20205 ва 23411) баланс ҳисобварақларига қилинади. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорда юридик ва жисмоний шахслар томонидан тўланадиган давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган тўловлардан, маъмурий ва молиявий жазолардан ажратмалар банклар томонидан 23411 баланс ҳисобварақига очилган мос шахсий ҳисоб рақамларга қилинади. Давлат бюджетининг (23402, 23403, 20207 ва 20205) баланс ҳисобварақларининг шахсий ҳисоб рақамларга қилинган маблағлар дастурий равишда белгиланган миқдорларда ажратма қилинади ва тўлиқ ягона ғазна ҳисоб рақамига ўтказилади. Бунда, ажратма қилинган маблағларнинг тегишли республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, маҳаллий бюджетлар ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг Ҳазначиликда очилган шахсий ғазна ҳисоб рақамларига тўғри қилинишини таъминлаш мақсадида дастурий равишда шакллантириладиган тўлов ҳужжатларининг тўлов мақсадида уларнинг шахсий ғазна ҳисоб рақамлари алоҳида кўрсатилади. Бундан ташқари банклар солиқ тўловчилардан қўшилган солиқ тушумлари ҳақидаги ахборотларни ҳам Молия вазирлигига тақдим боради. Яъни, банклар ҳар қили Марказий банкнинг Ахборотлаштириш Бош марказига шартли ҳисобварақлар рақами кесимида баланс рақами 23402 «Республика бюджетининг маблағлари» ҳисобварақлардан, маълумотлар тақдим қилинадиган кундан олдинги, охири амалиёт кунини учун шахсий ҳисобварақлардан пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги кўчирмалардан маълумот берадилар, Марказий банкнинг Ахборотлаштириш Бош маркази эса мазкур маълумотларни Молия вазирлигига юборади. Бундан ташқари солиқ субъектларига солиқ ундиришда ёрдамчи субъектлар қаторига ўз-ўзини бошқариш органларининг ҳам иштироки мавжуд. Маҳаллалар ва фуқаролар йиғинлари ўз ҳудудида яшовчи аҳолига тегишли солиқ объектларини рўйхатга олишда, ҳамда аҳолидан ер ва мол-мулк солиқларини ундиришда ўз ваколатлари ва мажбуриятлари доирасида иштирок этади.

Демак, шундай қилиб, солиқ субъектлари тизимида солиқ тўловчилар ва солиқ ундирувчи ваколатли органлар билан биргаликда ушбу жараёнга

хизмат килувчи органлар ҳам мавжуд бўлиб, улар солиқ субъектлари сифатидаги солиқ тўловчиларнинг солиқларни тўлашида, солиқ ундирувчиларнинг эса солиқларни ундиришида амалий ёрдам кўрсатади.

### 8.6. Солиқ объектлари

Солиқ элементларининг асосий элементи сифатида солиқ объекти солиқларни ундириш жараёнидаги энг муҳим масала ҳисобланади. Мазмунан олганда солиқ объекти бу солиқ нимадан ундирилишини ифодалайди, яъни иқтисодий ва ижтимоий муносабатларда қатнашадиган мол-мул, даромад, жараён, ҳуқуқ(фойдаланиш ҳуқуқи) ва физик-техникавий кўрсаткичлар бирлигининг солиққа тортиш объекти сифатида белгилаб қўйилишидир. Солиқ объектларининг моҳиятини тўлароқ англаш мақсадида уларни миқдор ва сифат солиқ объектларига бўлиш мумкин. Миқдор солиқ объекти деганда солиқ объектларига тортиладиган объектлар назарда тутилади. Миқдор солиқ объектлари солиқларнинг ижтимоий-иқтисодий жараёнларни қамраб олинишини ва унинг географиясини изоҳлайди. Солиқ объекти сониканчалик кўп бўлса, демак унинг ижтимоий-иқтисодий муносабатларни қамраб олиш даражаси ҳам шунча юқори бўлади. Ўз навбатида миқдор солиқобъектлари эса қонунчилик билан белгилаб қўйилади. Ҳар бир солиқ турининг жорий этилишидан олдин албатта унинг солиқ объекти аниқланади. Аммо, миқдор солиқ объектлари солиқ турларидан кўп ҳам бўлиши мумкин. Баъзи ҳолларда эса бир солиқ турида бир неча солиқ объектлари солиққа тортилади, ўз навбатида бир солиқ объекти бир неча солиқ турининг объекти бўлиб ҳам хизмат қилиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси солиқ қончилигига эътибор берадиган бўлсак, молиявий натижа кўрсаткичи бўлган фойда ҳажми иккита солиқ: юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ва ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг объекти бўлиб хизмат қилса, иш ҳақи кўрсаткичи эса, маҳсулот таркибидаги қўшилган қийматнинг ичида мавжуд бўлиб, қўшилган қиймат солиғига тортилса, ўз навбатида жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг объекти ҳам ҳисобланади. Бу эса солиқ объектларининг миқдор кўрсаткичлари билан биргаликда сифат кўрсаткичларини ҳам англашни тақозо этади. Буни эса сифат солиқ объектлари изоҳлаб беради. Сифат солиқ объектлари деганда эса солиқ объектларининг ички тузилиши, унинг таркиби, солиқ объектларининг горизонтал ва вертикал ҳаракатда бўлишини билдиради. Айтганимиздек, солиқ объекти горизонтал ҳолатда бир неча солиқлар объектлари сифатида намоён бўлиши билан бирга алоҳида олинган солиқ турининг ўзида солиқ объекти турлича жараёнлар билан боғланиб кетади. Солиқ объектларининг ички таркибий тузилиши солиқ туримеханизмининг ҳам мураккаблигидан далолат беради. Масалан олайлик фойда солиғи механизми жуда мураккаб ҳисобланади, сабаби унинг объекти бўлган фойданинг шаклланиш жараёни эса такрор ишлаб чиқаришнинг турлибосқичлари билан боғланиб кетади.

Ўзбекистон солиқ тизимида солиққа тортиладиган объектларни агар, қарайдиган бўлсак, қуйидаги мол-мулк, ер, даромад, жараён ва физик-техник кўрсаткичларнинг солиқ объектлари сифатида белгиланган:

№	Солиқ объектларининг тури	Қайси солиқ турининг объекти
1.	Даромад	Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи
2.	Фойда	Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи
3.	Ялпи тушум	Ягона солиқ тўлови
4.	Ялпи даромад	Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари тўлайдиган ягона солиқ тўлови
5.	Реализация жараёни(айланма)	Қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи
6.	Ер участкалари ҳажми	Ер солиғи
7.	Ерларнинг бонитети	Ер солиғи
	Ерларнинг норматив қиймати	Ягона ер солиғи
8.	Мол-мулк қиймати	Мол-мулк солиғи
9.	Транспорт воситаларининг от кучи	Мол-мулк солиғи
10.	Истеъмол этилган сув ресурслари	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ
11.	Ер ости бойликлари ва қазилмалари	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ
12.	Фойдали қизилмаларни разведка қилиш, излаш ва қизиш ҳуқуқлари	Имзоланадиган бонус ва тижоратбоп топилма бонуси
13.	Айрим маҳсулотлар(мис катоди, клинкер, табиий газ, полиэтилен грануналари, цемент, клинкер)	Айрим турдаги маҳсулотлар бўйича қўшимча фойда солиғи
14.	Эгаллаган ер майдонлари	Юридик шахслар учун қатъий белгиланган солиқ
15.	Ўриндиклар сони	Юридик шахслар учун қатъий белгиланган солиқ
16.	Маҳсулот(товар)ларнинг оғирлик ҳажми(заргарлик буюмлари)	Четдан олиб кириладиган маҳсулотлар учун акциз солиғи
17.	Маҳсулот(товар)ларнинг физик ҳажми(четдан олиб кириладиган автомобиллар)	Четдан олиб кириладиган маҳсулотлар учун акциз солиғи
18.	Фаолият турлари	Якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари учун қатъий белгиланган солиқ

Бу ерда Ўзбекистон солиқ тизимида белгиланган солиққа тортиладиган объектлар миқдор объектлар бўлиб, ҳар бир солиқ тури бўйича солиқ объекти аниқланиш жараёни сифат объектлар ҳам аниқланади ва солиқ объектларининг тўлароқ мазмуни англаб олиниш имконияти мавжуд бўлади (бу жараён эса юридик шахсларни солиққа тортиш, жисмоний шахсларни солиққа тортиш, кичик бизнес субъектларини солиққа тортиш фанларида тўлароқ ёритилади). Шу билан биргаликда солиқсиз тўловлар бўйича ҳам солиқ объектлари белгиланган бўлиб, улар жумласига маҳсулот реализацияси (Йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларда), маълум бир ҳуқуқларни олиш, давлат рўйхатидан ўтиш жараёни, рухсатномалар олиш жараёни(маҳаллий йиғимларда), иш ҳақи фонди(Ягона ижтимоий тўловда), ҳисобланган иш ҳақи(фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадалларида) аниқ турдаги кўрсатилган хизматлар тури ва шу кабилар қиради.

### 8.7. Солиқ базаси

Таъкидланганидек, солиқ объекти бу мавжуд мол-мулк, ер, жараён, ҳуқуқлар(фойдаланиш ҳуқуқи), даромад ва физик-техникавий кўрсаткичлар жами объектлар(предмет ва жараёнлар)дан қайси бирлари солиқ муносабатларига тортилганлигини ихозлайди. Аммо, солиқ тамойилларини қўллаган ҳолда солиққа тортилиши жараёнларини изоҳлаб бера олмайди. Солиққа тортиш жараёнида бу масалани ечишда солиқ базаси хизмат қилади. Солиқ базаси солиқ объектининг қисми бўлиб, у солиқларнинг барча тамойилларини ўзида акс эттириб солиқ объектидан ҳақиқатда солиққа тортиладиган қисмини аниқлаб беради. Агар солиқ базасини формула тартибда изоҳлайдиган бўлсак у қуйидаги кўринишга эга бўлади:

*Солиқ базаси = (Солиқ объекти)-(Солиқ объектининг солиққа тортилмайдиган қисми) (1).*

Бир қарашда солиқ базасини аниқлашнинг формулалари таркиби унинг соддалигини кўрсатсада, аммо, солиқ базаси умуман солиқ тизимида ҳам солиқларни ундириш жараёнидаги энг мураккаб жараён ҳисобланади. Ҳар қайси турдаги солиқ базасини тўғри аниқлаш солиқни ҳисоблаш мажбурияти юклатилган шахслар(солиқ тўловчиларнинг бош ҳисобчилари) ва солиқни ундириш амалга оширувчи шахслар(солиқ хизмати органлари мутахассислари)дан юқори малака ва билимни талаб қилади. Агар солиқ базасининг моҳиятини назарий жиҳатдан таҳлил этадиган бўлсак, солиқ базаси солиқларнинг рағбатлантирувчилик ва тартибловчилик хусусиятларини ўзида акс эттиради. Солиқларнинг рағбатлантирувчилик хусусиятини ифодаланганда у камайиш тенденциясига, солиқларнинг тартибловчилик хусусиятини ифодалаганда эса кўпайиш кўринишига эга бўлади. Бу эса солиқ базасининг солиқ объектига нисбатан уч хил позицияда мавжуд бўлишлигини ифодалайди.

**Биринчи позиция:** Солиқ объекти > Солиқ базаси > 0. Мисол учун корхона мол-мулк солиғи тўловчиси бўлиб, унинг жами мол-мулк(асосий фондлар,

туғалланмаган қурилиш объектлари, белгиланган муддатда ишга туширилмаган асбоб-ускуналар)ининг йиллик ўртача қиймати 100 млн. сўмни ташкил этади. Шу билан биргаликда ушбу жами асосий фондлари таркибида коммунал хўжалиги объектлари, маданият ва санъат, таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий таъминот соҳасига қирадиган ижтимоий-маданий соҳага хизмат қилувчи асосий фондларининг қиймати эса 35 млн. сўмни ташкил этди. Демак бу ерда солиқ базаси(100-35)65 млн. сўмни ташкил этиб солиқ объекти солиқ базасидан катта кўринишга эга бўлади.

**Иккинчи позиция.** Солиқ объекти = Солиқ базаси > 0. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўловчиси ҳисобланган корхона ҳисобот даврида 50 млн. сўмлик умумхўжалик фаолиятдан(солиқ тўлағунга қадар фойда) фойдага эга бўлиб, амалдаги солиқ қонунчилиги бўйича ҳеч қандай солиқ имтиёзларига(солиқ чегирмаларига) эга бўлмаган. У ҳолда корхонанинг фойда солиғи бўйича солиқ объекти ва солиқ базаси ўзаро тенг бўлиб, 50 млн.сўмлик солиқ объекти ўзгармай қолади.

**Учинчи позиция.** Солиқ объекти < Солиқ базаси < 0. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўловчиси ҳисобланган корхона ҳисобот даврида 50 млн. сўмлик умумхўжалик фаолиятдан(солиқ тўлағунга қадар фойда) фойдага эга бўлиб, солиқ олинадиган базадан чегириладиган 4 млн. сўмлик харажатларга эга бўлиши билан бирга амалдаги Солиқ кодексининг 147-моддасида кўзда тутилган харажатлар, яъни чегирилмайдиган тарзидаги харажатларни амалга ошириб, унинг умумий сўммаси 59 млн. сўмни ташкил этган. У ҳолда солиқ базаси(50+4-59) -5 млн сўмни ташкил этади. яъни, бу ҳолатда солиқ базаси солиқ объектидан миқдорий жиҳатдан каттадир. Гарчи, натижа математик ифода нуктаи назаридан манфий кўрсаткичга эга бўлсада, иқтисодий мазмун жиҳатдан корхона амалдаги қонунчиликка кўра 5 млн. сўмлик солиқ базасидан солиқ тўлайди(бунинг асосий сабаблари юридик шахсларни солиққа тортиш фанининг тегишли мавзусида батафсил ихозланади). Ушбу позициялардан келиб чиқиб (1) формуламизни бошқачароқ тартибда ифодалашимиз мумкин:

*Солиқ базаси = (Солиқ объекти)-(Солиқ объектининг солиққа тортилмайдиган қисми)-(солиқ имтиёзлари) +(солиқ базасиниқўпайтиришига олиб келувчи харажатлар) (2)<sup>104</sup>.*

Шу билан биргаликда солиқ базасининг хусусиятларини чуқурроқ англашда солиқ объектининг солиқ базасига айланиш коэффициентини аниқлаш орқали ҳам солиқ объектининг қанча қисми бюджетга солиқ тўловлари сифатида жалб қилиниши даражасини кўриш мумкин ва у қуйидагича аниқланади:

Солиқ базаси коэффициенти = Амалда шаклланган солиқ базаси сўммаси/ Солиқ объекти сўммаси (2).<sup>105</sup>

<sup>104</sup>Ушбу формула барча солиқ турларига мос келмайди. Аммо, солиқ базасининг ўзгаришларини ифодалайди.

<sup>105</sup>Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Бу ерда солиқ базаси коэффициентини манфий кўрсаткичга 1 дан кам бўлса, юқорида келтирилган биринчи позициядаги ҳолатни ифодалаб солиқ тўловчининг солиқ имтиёзларига эга эканлиги ва солиқ турининг

рағбатлантирувчилик хусусиятини билдиради, агар 1 га тенг бўлса, иккинчи позицияни, яъни тегишли солиқ тури солиқ тўловчига нисбатан нейтрал ҳолатдалигини изоҳлайди ва 1 дан юқори бўлса, у ҳолда учинчи позицияга тўғри келиб, солиқ турининг прогрессив характердалигини ва солиқ тўловчининг солиқ имтиёзларига эга эмаслигини, қолаверса, унинг иктисодий фаолиятида ва солиқларни тўлаш(айниқса харажатлар) борасида маълум бир муаммолар мавжудлигини тавсифлайди. Солиқ базасининг бундай ҳолатда мавжуд бўлишлиги унинг даражасига таъсир этувчи омилларга боғлиқ бўлади. Бундай омиллар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) Солиқ тўловчининг иктисодий фаолияти(харажатларни амалга ошириш,

маҳсулот реализациясининг сотиш ҳажми, унумсиз харажатларнинг миқдори,

корхона маҳсулотининг бозордаги талабнинг ҳолати ва шу кабилар)нинг ташкил этилиши ва йўналиши;

2) Давлатнинг солиқ сиёсатидаги ўзгаришларнинг солиқ турлари орқали солиқ тўловчининг фаолиятига таъсири;

3) Солиқ тўловчи томонидан солиқ қонунчилигига ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимига амал қилиши(турли хил жарималар, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг даражаси);

4) Форс мажор ҳолатлар (корхона маҳсулотига бозордаги талабнинг кескин тушиб кетиши, турли хил бахтсиз ҳодисалар, бошқарув жараёнидаги бошбошдоқлик) ва шу кабилар.

### 8.8. Солиқ ставкалари

Солиқ объектининг солиққа тортиладиган қисми-солиқ базасини аниқлаш бу солиқ тўловчининг (солиқ турлари бўйича) юзага келган солиқ

мажбуриятларининг ҳажмини ифодалайди ва бюджетга жалб қилинадиган солиқ сўммасининг базасини кўрсатади. Аммо, шакллантирилган солиқ базасининг қанча қисмини давлат манфаатларига(бюджетга) олиш масаласи эса солиқ ставкаларисиз ҳал этиб бўлмайди. Демак, солиқларни ундириш жараёнида солиқ элементлари сифатида ставкалар муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, солиқ ставкаси бу-солиқ базаси(объекти)га қўлланиладиган ва давлатнинг ваколатли органлари томонидан қонун ва қонуности ҳужжатларига асосан ўрнатиладиган меъёр бўлиб, шаклланган солиқ базасининг тегишли қисмини давлатнинг марказлаштирилган(бюджет ва бюджетдан ташқари)фондларига жалб қилинган миқдори аниқлаштирувчи кўрсаткичдир. Демак, солиқ ставкалари

$$\text{Солиқ ставкаси} = \frac{\text{Солиқ тушумлари суммаси} \cdot 100\%}{\text{Солиқ базаси}} \quad (3). \text{ Солиқ ставкасининг бундай}$$

кўриниши аслида солиқ ставкасининг ўртача даражасини аниқлаб беради. Амалдаги қонунчиликка ўрнатирилган солиқ ставкаси ўртача даражадан фарқ қилиши мумкин. Солиқ базаси қанча кичик бўлса, ўртача солиқ ставкаси шунча катта бўлади, аксинча солиқ базаси қанчалик катта бўлса, ўртачасолиқ ставкаси паст бўлади. Одатда солиқ ставкасининг солиқ базаси ва солиқ тушумларига ва шу орқали солиқ тўловчиларга таъсирини аниқлашда максимал солиқ ставкалари ҳам аниқланади. Масалан олайлик даромад ҳажми 90 минг сўм бўлган шароитда 6 минг сўм солиқ тўлаш, даромадҳажми 120 минг сўм бўлганда эса 18 минг сўм солиқ тўлаш шароитида ўртача ва максимал солиқ ставкалари қандай кўринишда бўлади?

Бундай шароитда максимал солиқ ставкаси қуйидагига тенг бўлади:

$$C_{\text{Мак}} = \frac{\Delta \text{СТ}}{\Delta \text{Д\$}} * 100\% = \frac{18000 - 6000}{120000 - 90000} * 100\% = 40\% (4).$$

Бу ерда:

С<sub>Мак</sub> –Максимал солиқ ставкаси;  
 $\Delta$ СТ-Солиқ сўммасининг ўзгариши;  
 $\Delta$ ДХ-Даромад ҳажмининг ўзгариши.

Максимал солиқ ставкаси ставкаси солиқ сўммасининг ошиши даромад сўммасига боғлиқлик даражасини кўрсатиб, мисолда ҳар бир бирлик даромад ҳажмининг ошиши 0,4 бирликда солиқ сўммасининг ошиб борганлигини кўрсатади. Айнан ушбу ҳолатда эса ўртача солиқ ставкасини ҳисоблайдиган бўлсак, унинг даражаси қуйидагича бўлади:

$$C_{\text{Сур}} = \frac{\text{СТ}}{\text{Д\$}} * 100\% = \frac{18}{120} * 100\% = 15\% (5).$$

Бу ерда:

солиқ базасини солиқ тўловчи ва давлат манфаатлари ўртасида тақсимловчи восита-кўрсаткич ҳисобланади. Бунга асосланиб, солиқ ставкасининг умумий кўринишини математик формула тарзида қуйидагича акс эттиришимиз мумкин:

ССур – *Ўртача солиқ ставкаси*;

*СТ-Солиқ сўммаси*

*ҳажми; ДХ-Даромад*

*ҳажми.*

Бу ерда кўринадики, максимал ва ўртача солиқ ставкаларининг даражалари анча фарққа эга. Ўртача солиқ ставкаси эса охириги ҳолатдаги даромадга нисбатан даражани билдирса, максимал солиқ ставкалари маълум бир вақт оралиғида даромад ва солиқ ставкаларидаги ўзгаришларнинг ўзаро боғлиқлигини ва унинг таъсирида солиқ тушумларининг ўзгариш тенденцияларини ифодалайди.

Солиқ ставкалари белгиланиши жиҳатдан турлича гуруҳланади. Булар жумласига пропорционал(мутаносиб), прогрессив, регрессив солиқ ставкалари киради.

*Пропорционал солиқ ставкалари* бу солиқ объекти(базаси)нинг ҳажмидан, солиқ тўловчининг фаолияти ва ишлаб чиқараётган маҳсулот(хизмат) туридан қатъий назар бир хил тартибда қўлланиладиган

солиқ ставкаларига айтилади. Масалан, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, мол-мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ва шу каби солиқ турларида солиқ ставкалари пропорционал бўлиб, солиқ объектининг ҳажмидан қатъий назар бир хил миқдорда белгиланган ва қўлланилади. Пропорционал солиқ ставкалари ўзида солиқларнинг бефарқлилик(нейтраллик) хусусиятини акс эттиради.

*Прогрессив солиқ ставкалари* пропорционал солиқ ставкаларидан фарқли равишда солиқларнинг прогрессивлик хусусиятини изоҳлаб, солиқ объектининг ошиб боришига мувофиқ равишда солиқ ставкаларининг ҳам ошиб боришини билдиради. Шу жиҳатдан олганда прогрессив солиқ ставкалари солиқлар орқали тартибланишнинг ҳам муҳим воситаларидан бири сифатида намоён бўлади. Бундай солиқ турларига жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, жисмоний шахсларнинг мол-мулкидан олинадиган солиқ ставкаларини келтириш мумкин. Шунингдек, шу йилдан бошлаб жисмоний шахсларнинг мол-мулкидан олинадиган солиқ ставкалари бўйича эса уй-жойларнинг эгаллаган майдони (кв.м)га қараб, 200 кв.м. гача ҳажмдаги майдон учун 1,3 фоиз(инвентаризация қийматига нисбатан), 200 кв.м.дан 500 кв.м.гача бўлган майдонга 1,6 фоиз ва 500 кв.м.дан ошган уй-жой майдонлари учун эса 2,2 фоиз миқдорда солиқ ставкалари белгиланган. Ушбу солиқ турлари бўйича қўринадик, солиққа тортиладиган объектининг ошиб боришига мувофиқ солиқ ставкалари ҳам ошиб боради. Айнан ушбу жараёни ер солиғи ставкаларида ҳам кўриш мумкин. Қишлоқ хўжалигига яроқли суғориладиган ерлардан олинадиган ер солиғи ставкаларининг белгиланиши солиқ объекти(ернинг бонитети) ошиб бориши билан бирга солиқ ставкалари(катъий сўмлардаги) ва унга тузатувчи коэффициент тартибдаги ставкалар ошиб боради.

*Регрессив солиқ ставкалари.* Солиқлар бефарқлик ва прогрессив характерда бўлиши билан бир қаторда улар рағбатлантирувчилик хусусиятига эга бўлиб, бунда солиқ ставкалари асосий роль ўйнайди. Регрессив солиқ ставкалари прогрессив солиқ ставкаларидан аксинча, солиқ объекти ошиб бориши билан солиқ ставкаларининг камайиб боришини тавсифлайди. Республикамиз солиқ тизимида регрессив солиқ ставкаларининг қўлланишини юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи, ягона солиқ тўлови бўйича рағбатлантирувчилик сифатида белгиланган. Бу қуйидаги тартибда қўлланилади. Агар, маҳсулот(хизмат, иш)ларни экспорт қилувчи корхоналар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотлари ҳажмида экспорт қилинган(эркин алмашадиган валютада) маҳсулотлар ҳажмининг 15 фоиздан 30 фоизгача бўлгани миқдорда умумий белгиланган солиқ ставкаси 30 фоизга, агар экспорт ҳажмининг улуши ҳамми маҳсулотлар ҳажмига нисбатан 30 фоиз ва ундан кўпни ташкил этса, у ҳолда умумбелгиланган солиқ ставкаси 50 фоизга

камаяди. Бундан ташқари Ўзбекистон солиқ қонунчилигига кўра корхоналарнинг товарларни (ишларни, хизматларни) сотишдан соф тушумда

пластик карточкалар қўлланилиб тўланган кўрсатилган хизматлар тушумининг салмоғини оширишни рағбатлантириш мақсадида ҳам регрессив тарзда солиқ ставкалари юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича ҳам қўлланилади. Агар, корхоналарнинг товарларни (ишларни, хизматларни) сотишдан соф тушумда пластик карточкалар қўлланилиб тўланган кўрсатилган хизматлар тушумининг салмоғи ошиб боришига мутаносиб равишда умумбелгиланган солиқ ставкаси 5 фоизга камаяди. Яъни, бизнинг мисолимиздаги корхона жами реализация қилган 210 млн. сўмлик маҳсулотининг 35 млн.сўмлигини пластик карточкалар орқали реализация қилган бўлсин. У ҳолда корхонанинг умумбелгиланган фойда солиғи ставкаси қуйидагига тенг бўлади:  $(5,25) - (5,25 * 5) / 100 = 4,99$ . Бу ерда корхона маҳсулотни экспорт қилганлиги учун умумбелгиланган солиқ ставкасига тузатиш киритган бўлиб, пластик карточкалар учун товарлар сотганлиги учун солиқ ставкасининг камайтирилиши умумий солиқ ставкасига нисбатан эмас, тузатилган(бизнинг мисолимизда бу ставка -5,25 фоиз) ставкага қўлланилади. Агар, корхона экспортга маҳсулот сотмаган тақдирда, у ҳолда 7,5 фоизга нисбатан камайтирилиш амалга оширилади.

Булардан ташқари солиқ ставкалари қатъий пул бирликлари(сўмда) да(масалан, ер солиғи, акциз солиғи ва ш.к.), адвалор<sup>106</sup>, яъни фоиз шаклда ҳам бўлади. Шунингдек, солиқ ставкалари солиқ тўловчиларнинг фаолият турига(якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари ва юридик шахслар учун қатъий белгиланган солиқ), жойлашган жойига(савдо ва умумий оватланиши корхоналари тўлайдиган ягона солиқ ва якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари учун қатъий белгиланган солиқ), солиқ объектининг пайдо бўлишига (сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ) қараб табақалаштирилган солиқ ставкалари ҳам бўлади. Бундан ташқари солиқ ставкалари "жазоловчи" ва рағбатлантирувчи шаклларда ҳам бўлади. Масалан, юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғида ўз вақтида ўрнатилмаган, ва якка тартибда қурилган уй-жойлар белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилмаган ҳолатлар учун белгиланган ставкадан икки баробар миқдорда солиқ ставкалари қўлланилади.

## **8.9. Солиқларни ҳисоблаб чиқариш, солиқ даври, солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва солиқларни тўлаш тартиби**

*Солиқларни ҳисоблаб чиқариш тартиби.* Солиқларни ундириш механизмини шакллантиришда солиқ элементларининг таркибий қисми сифатида солиқларни ҳисоблаб чиқариш жараёни эса ўзида солиқ объекти, солиқ базаси, солиқ ставкаси ва солиқ имтиёзларини акс эттиради. Чунки, солиқларни ҳисоблаб чиқариш учун солиқ тўловчи томондан солиқнинг объекти ва ундан солиқ базасини ажратиш олиш(аниқлаб олиш), тегишли солиқ ставкалари ва имтиёзларини қўллашни тақозо этади. Солиқларни

<sup>106</sup> Адвалор лотинча "Ad valorem-нархи, қиймати бўйича" деган маънони беради. Одатда 19-асрнинг

Ўрталарида Англия ва АКШда божхона божларига нисбатан қўлланила бошлаган.

ҳисоблаш тартиби асосан солиқ мажбуриятлари юклатилган юридик шахслар томонидан улар тўлаши лозим бўлган солиқ турлари бўйича; солиқ агентлари томонидан уларга юклатилган солиқларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлов манбаида ушлаб қолиб бюджетга ундириш тартибида; солиқ хизмати органлари томонидан жисмоний шахсларга тегишли ер ва мол-мулк солиғини улардаги маълумотларга асосан тартибида ҳисоблаб чиқарилади ва белгиланган тартибда тўланади. Юридик шахслар, солиқ агентлари ва солиқ хизмати органлари солиқларни ҳисоблаш чиқаришда шакллантирилган солиқ базаси ва белгиланган солиқ ставкаларидан келиб чиқиб амалга оширилади ва солиқларнинг тўғри ҳисобланганлиги учун жавобгар бўлади. Солиқ хизмати органлари томонидан жисмоний шахсларга тегишли бўлган мол-мулк ва ер солиғини ҳисоблаш жавобгарлиги жисмоний шахсларга юклатилмайди, аммо, солиқларни бюджетга тўлаш жавобгарлиги уларнинг ўзига юклатилади. Жисмоний шахслар томонидан тўланадиган солиқлар бўйича солиқларни ҳисоблаш жараёни, уларда олинган даромадлар бўйича декларация топшириш мажбурияти юзага келганда амалга оширилади. Аммо, улар асосий иш жойидан ташқари бошқа корхона ва ташкилотларда ҳукукий шартномалар асосида олган қўшимча иш ҳақи ва шу шаклдаги олган даромадлари бўйича иш берувчига унинг даромадидан даромад солиғи ушлаб қолиб бюджетга ўтказиш хусусидаги ёзма мурожаат(ариза тақдим) қилган ҳолда уларни солиқларни ҳисоблаш чиқариш ва уни тўламаганлик учун жавобгарликдан соқит қилади. Солиқларни ҳисоблаб чиқариш тартиби солиқ турлари бўйича ўзига хос тартибда фаркланиб, бундай тартиблар солиқ қонунчилиги билан тартибга солинади.

**Солиқ даври.** Солиқ даври бу солиқ тўловчилар томонидан солиқ мажбуриятларининг юзага келиши ва уларни тўлашни амалга оширишнинг даврий оралиғини ифодалайди. Солиқ даври у тугаганидан кейин солиқ солинадиган база аниқланадиган ҳамда солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммаси ҳисоблаб чиқариладиган даврдир. Солиқ тўловчилар солиқ давридан келиб чиқиб солиқ ҳисоботларини ва солиқларни тўлаш тартибини амалга оширади. Солиқ даври солиқ турлари бўйича белгиланаётганда солиқларнинг хусусиятлари эътиборга олган ҳолда календарь йили(молия йили), ҳисобот йили чораги ва ҳисобот йили оғи қилиб белгиланиши мумкин. Ўзбекистон солиқ қонунчилигида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, мол-мулк солиғи, ер солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона солиқ тўлови, ягона ер солиқлари бўйича солиқ даври календар йили, акциз солиғи, транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиғи бўйича эса йил чораги солиқ давридир. Шунингдек, айрим турдаги солиқлар бўйича масалан, фаолиятнинг айрим турларини амалга оширувчи юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар учун катъий белгиланган солиқнинг солиқ даври бир ой ҳисобланади. Солиқ даври бир неча ҳисобот

даврига бўлиниши мумкин бўлиб, уларнинг яқунлари бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этиш ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўланиши лозим бўлган суммаларини тўлаш мажбурияти юзага келади.Жорий тўловларни тўлаш бўйича мажбурият юзага келган давр ҳисобот даври бўлмайди.

**Солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартиби.** Солиқ элементларининг орасида солиқ ҳисоботларини тақдим этиш тартиби ҳам мавжуд бўлиб, бунга кўра солиқ мажбурияти юклатилган юридик шахслар ва солиқ агентлари давлатнинг ваколатли органлари(Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги) томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган солиқ (молиявий) ҳисоботларини давлат солиқ хизмати органлари ва божхона органларига тақдим қиладилар. Солиқ ҳисоботи бу-солиқ тўловчининг солиқ ва бошқа мажбурий тўловнинг ҳар бир тури бўйича ёки тўланган даромадлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳамда солиқ декларацияларини, шунингдек ҳисоб-китобларга ва солиқ декларацияларига доир иловаларни ўз ичига оладиган ҳужжатдир.<sup>107</sup>

Солиқ тўловчилар солиқ ҳисоботларини қоғозда ва (ёки) электрон ҳужжатга доир талабларга риоя этилган ҳолда электрон ҳужжат тарзида тузиб,имзолаб ва (агар у юридик шахс бўлса) унинг муҳри билан тасдиқланган ҳолда у ҳисобга қўйилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига тақдим этади. Айрим турдаги солиқлар бўйича солиқ ҳисоботи ҳам солиқ Кодексида назарда тутилган ҳолларда объектлар бўйича ҳисобга қўйилган жой бўйича солиқ тўловчи томонидан тақдим этилади. Электрон ҳужжат тарзида тақдим этилган солиқ ҳисоботи солиқ тўловчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган ҳолда белгиланган муддатларда тақдим этилади.Солиқ декларацияси топшириш мажбурияти юзага келган солиқ тўловчи жисмоний шахслар эса солиқ декларациясини яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига тақдим этадилар.

Солиқ тўловчилар солиқ ҳисоботини ўз хоҳишларига кўра шахсан ўзлари олиб бориши,почта орқали буюртма хат асосида ва телекоммуникация каналлари орқали электрон ҳужжат тарзида топшириши мумкин. Бунда солиқ ҳисоботини давлат солиқ хизмати органига тақдим этиш санаси куйидагилардир:

- солиқ ҳисоботи шахсан олиб бориб бериш тартибида тақдим этилганда — солиқ ҳисоботи давлат солиқ хизмати органи томонидан қабул қилиб олинган сана;
- солиқ ҳисоботи почта орқали буюртма хат билан тақдим этилганда — алоқа ташкилотининг тамғасида кўрсатилган, почта жўнатмаси жўнатишган сана;
- солиқ ҳисоботи электрон ҳужжат тарзида тақдим этилганда — электрон ҳужжат давлат солиқ хизмати органи томонидан олинган сана.

<sup>107</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. [http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=1286558](http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=1286558). 43-модда.



Агар, солиқ ҳисоботида солиқ тўловчининг идентификация рақами кўрсатилмаган ёки нотўғри кўрсатилган, солиқ даври ва (ёки) солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммаси кўрсатилмаган ёки солиқ ҳисоботини тузишга доир белгиланган талаблар бузилган бўлса, уҳолда солиқ ҳисоботи давлат солиқ хизмати органига тақдим этилмаган деб ҳисобланади.

Белгиланмаган шаклдаги солиқ ҳисоботи тақдим этилганда давлат солиқ хизмати органи ҳисобот олинган кундан эътиборан уч кун ичида бу ҳақда солиқ тўловчига ёзма билдириш юборади ва аниқ фикр-мулоҳазаларни кўрсатган ҳолда уни маромига етказиш учун қайтаради. Камчиликлари тузатишган солиқ ҳисоботи уни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугагунига қадар тақдим этилган тақдирда, солиқ тўловчига нисбатан жавобгарлик чоралари қўлланилмайди.

Республикамиз солиқ тизимида солиқ тўловчилар томонидан солиқ ҳисоботларининг шакллари соддалаштириш, уларнинг сонини қисқартириш ва уларни топшириш тартибларини соддалаштириш мақсадида қўллаб-қўлланган Фармон ва Қарорлар қабул қилиниб, улар асосида амалий тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 12 майдаги “Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1529 сонли, 2013 йил 14 ноябрдаги “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ПҚ-2066 сонли ва “Статистика, солиқ, молия ҳисоботлари, лицензияланган фаолият турлари ва рухсатнома бериш жараёнларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2012 йил 12 июлдаги Қарорлари, 2012 йил 16 июлдаги “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4453 сонли, 2012 йил 18 июлдаги “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4455 Фармонлари шулар жумласидандир. Бу ўзгартиришларга қўра, эндиликда, 2015 йил 1 январидан бошлаб жисмоний ва юридик шахслар ўз солиқ ҳисоботларини фақат электрон шаклда ва фақат интернет орқали топширишлари зарурлиги белгилаб қўйилган.

#### **Солиқларни тўлаш тартиби**

Солиқ тўловчилар томонидан ҳисобланган солиқларни тўлаш солиқларни ундириш механизмнинг якуний босқичлари ва солиқ элементларидан бир саналади. Солиқларни тўлаш бу солиқ тўловчининг ҳисобварағидан пул маблағларини солиқ мажбуриятлари доирасида, тегишли солиқ ёки бошқа мажбурий тўловни тўлаш учун банкка тўлов топшириқномаси тақдим этиш ёки тўлов нақд пул маблағлари пул суммаси банкка ёки ваколатли орган кассасига топшириш, шунингдек, солиқ агентлари томонидан ушлаб қолинган солиқ сўммаларини бюджет ҳисобига

ўтказиш, ҳамда солиқ объектлари юзага келган ҳолатнинг ўзида бира йўла ундириш жараёни тушунилади.

Солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммаси солиқ тўловчи томонидан қонунчиликда белгиланган муддатларда тўланади. Айрим ҳолларда ҳолларда солиқ тўловчига солиқ ва (ёки) бошқа мажбурий тўловни, шунингдек пеняни тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилиши мумкин.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек молиявий санкциялар бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига қуйидаги тартибда ўтказилади:

асосий сумма;  
ҳисобланган пеня;  
жарималар.

Солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбуриятлари доирасидаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш ҳисоби солиқ тўловчилар томонидан бухгалтерия ҳисобининг қонун билан ўрнатилган тартиблари асосида олиб борилади.

Солиқ тўловчилар томонидан солиқларни тўлашда банклар солиқ тўловчининг солиқни ва (ёки) бошқа мажбурий тўловни ўтказишга доир тўлов топшириқномаларини, шунингдек тегишли ваколатли органнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни қонун ҳужжатларида белгиланган навбат тартибда ундириш тўғрисидаги инкассо топшириқномаларини белгиланган тартибда бажариши шарт. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаларини тегишли бюджет ёки давлат мақсадли жамғармасининг ҳисобварағига киритиш солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаларини ўтказиш деб эътироф этилади.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаларини ўтказишга доир тўлов топшириқномаси ёки уларни тегишли бюджет ёхуд давлат мақсадли жамғармасига ундириш тўғрисидаги тегишли ваколатли органнинг инкассо топшириқномаси, тўлов топшириқномаси ёки инкассо топшириқномаси олинганидан кейинги операция кунидан кечиктирмай банк томонидан инобатга олинган ҳолда бажарилади. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича бажарилмаган мажбуриятлари бўлган солиқ тўловчи ўзининг банк ҳисобварағида пул маблағлари мавжуд бўлишидан қатъи назар, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгиланган тўлаш муддатидан кечиктирмай уларни хизмат кўрсатаётган банкка тўлаш учун тўлов топшириқномасини тақдим этиши шарт.

Ўзбекистон солиқ тизимида солиқ тўловчилар томонидан солиқларни тўлаш қуйидаги тартибларда амалга оширилади:

**Солиқ тўловчилар солиқларни асосан жорий тўловларни киритиш тартибда:**

(масалан, юридик шахслардан олинган фойда солиғи, акциз солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, ободонлаштириш ва

ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашда); тегишли солиқ бўйича ҳисоб-китобини тақдим этиш учун белгиланган кундан кечикмаган тартибда:

(қўшилган қиймат солиғи, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ва ш.к.);

**пул маблағларини олиш учун хизмат кўрсатувчи банкка ҳужжатларни тақдим этиш билан бир вақтда:**

(жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини солиқ агентлари томонидан тўлашда);

**солиқ ҳисоб-китоби(декларация) топшириш муддатидан кейин икки ойда муддат ичида:**

(масалан, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари даромадлар тўғрисидаги декларациянинг маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқарилган, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлашда);

**солиқ тўлаш ҳақидаги тўлов хабарномасида кўрсатилган муддат доирасида:**

(жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк ва ер солиғи);

**тенг улушлар тартибда:**

(юрidik шахслар томонидан ер солиғини тўлашда);

**декадалар тартибда:**

(транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ, акциз солиғи);

**ҳар ойда:**

(ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари);

**солиқ объекти юзага келган вақтда бир йўла тартибда:**

(автотранспорт воситаларини олгандик ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирганлик учун йиғим улар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги органларида давлат рўйхатидан ўтказилаётганда, қайта рўйхатдан ўтказилаётганда) амалга оширилади.

Бундан кўринадики, солиқларни тўлаш тартиби солиқ турлари бўйича ўзига хос турли хил тартибларда амалга оширилиб, солиқларни тўлаш тартибининг ўзи ҳам солиқ тўловчининг ўзида ҳисобланган солиқларни бухгалтерия ҳисоб регистрларида акс эттириш ва улар ҳақидаги маълумотларни солиқ хизмати органларига тақдим этиб бориш, солиқ тўловчига жорий хизматларни кўрсатадиган банк муассаси билан солиқларни бюджет ҳисобига ўтказиш борасидаги тегишли топшириқларни бериш(тўлов топшириқномасини тақдим қилиш), банк муассасалари орқали нақд пуллар билан тўлаш, солиқ агентлари томонидан ушлаб қолинган маблағларни бюджет ҳисобига ўтказиш ҳамда солиқ объекти юзага келган вақтларда бир йўла тартибда амалга ошириш каби жараёнларни қамраб олади.

## 8.10. Солиқ имтиёзлари ва преференциялари

Юқорида келтириб ўтилган солиққа тортиш элементлари бевосита солиққа тортиш жараёнига хизмат қилади, шу билан биргаликда Солиқ кодексига солиқ имтиёзлари солиқ элементлари сифатида келтирилмаган бўлсада, аммо, солиқ имтиёзлари асосий солиқ элементларидан бири саналади. Чунки, солиқ имтиёзлари солиқ объекти ва солиқ базаси ўртасидаги чегарани аниқлашга ёрдам бериши билан биргаликда улар солиқларнинг рағбатлантирувчилик ролини тўлиқ ифодалайди. Солиқ имтиёзлари солиқларнинг пайдо бўлиши билан бирга шаклланиб келган тушунчалардан ҳисобланади. Агар, унинг этимологик келиб чиқишига эътибор қаратадиган бўлсак, қадимги хинд тилида *aughu*-енгил, қадимги ирланд тилида *aigiú*-кам, оз, немис тилида *leicht*-енгил, қадимги славян тилида легкий маъносида ишлатилиб келинган. Бу сўзнинг иқтисодийга кириб келиши эса унинг иқтисодий маънодаги қўлланиши 18-асрда Францияда *privus*-алоҳида махсус, *legis*-қонун, яъни махсус қонунлар сифатида эътироф этилиши билан боғлиқ бўлиб, бу инглиз тилида *privilege*- имтиёз, озод қилиш, афзаллик, рус тилида эса привилегия-имтиёз, афзаллик каби маъноларни беради, кейинчалик эса солиққа оид ва бошқа иқтисодий жараёнлардаги энгилликларни изоҳлашда жаҳон амалиётида айниқса инглиз тилида турли хил иқтисодий тушунчалардан, масалан, имтиёзли нархлар- *reduced (special) price*, имтиёзли тўловлар- *preferential duty*, имтиёзли ссудалар- *concessional loan*, имтиёзли келишувлар- *franchise agreement*, имтиёзли кредитлар- *lax credit*, имтиёзли муддат- *grace period*, имтиёзли режимлар- *favourable treatment* каби тушунчалардан фойдаланилади. Солиқлар бўйича энгилликларни ҳам турлича изоҳлаш тажрибалари мавжуд. Инглиз тилида солиқ имтиёзларини изоҳлашда эса *tax allowance* ва *tax exempt* тушунчаларидан фойдаланилади. Шунингдек, солиқлардан чегирмалар тарзидаги имтиёзлар *tax relief* деб юритилади. Аввалги бобларда таъкидлаб ўтганимиздек, иқтисодийдаги жараён ва ҳодисаларни изоҳлашда категория-терминлардан фойдаланиш унинг луғавий маъноси ва этимологик келиб чиқишини билдиради. Шу жиҳатдан олганда қайд қилиб ўтилган терминологик изоҳлаш ва ёндошувлар ўзларида битта нарсани, яъни у ёки бу жараёнларда маълум бир энгилликларни тавсифлайди. Солиқларни ҳисоблаш ва уларни тўлаш жараёнидаги энгилликлар одатда солиқ имтиёзлари тушунчаси орқали ифодаланади. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига(30-моддасида) солиқ имтиёзлари тушунчасига- "Ушбу Кодексда, бошқа қонунларда ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида назарда тутилган, бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга бериладиган афзалликлар, шу жумладан солиқ ва (ёки) бошқа мажбурий тўлов тўламаслик ёхуд уларни қамроқ миқдорда тўлаш имконияти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар деб эътироф этилади" деб таъриф берилган.

Солиқ имтиёзлари давлат бюджети учун ҳам солиқ тўловчилар учун ҳам ҳам иқтисодий жиҳатдан ҳам социал-ижтимоий жиҳат муҳим жараён

ҳисобланади. Солиқ имтиёзларига эга бўлиш солиқ тўловчи учун иқтисодий аҳамияти шундаки, маълум бир маблағлар уларнинг ўзларида қолдирилиши молиявий имкониятларни яхшилашга имкон берса, социал аҳамияти имтиёзга эга бўлган корхоналарда бозорда рақобат муҳитига мослашиши имконияти пайдо бўлиб "яшаб қолиш" имконияти пайдо бўлади ва солиқ имтиёзлари қўлланиладиган соҳа ва фаолият турларига қизиқиш ўйғонади. Ўзбекистонда ўз фаолиятини бошлайдиган солиқ тўловчиларга бериладиган фаолиятнинг дастлабки йиллари(асосан икки йил)да солиқ имтиёзларининг берилишида солиқ имтиёзларининг иқтисодий ва социал жиҳатлари кўринади. Солиқ имтиёзлари берилиши, қўлланилиши, имтиёзларнинг мақсадли ва мақсадсиз берилиши, маълум бир шартлар ва шартсиз берилиши, солиқ базалари ва тўлаш тартибларига қўлланилиши ҳамда даврийлиги жиҳатдан фарқланади ёки гуруҳланади.

Шунга кўра солиқ имтиёзларини солиқ тўловчиларга нисбатан жорий этиш ва қўллаш қуйидаги тартибларда амалга оширилади ёки солиқ имтиёзлари гуруҳланади:

*Солиқ тўловчиларни солиқ жараёнига тортмаслик яъни, тўлалигича солиқдан озод этиши.* Бунинг ўзи ҳам уч хил асосда- фаолиятни солиққа тортмаслик, маҳсулот(хизмат, иш)ни солиққа тортмаслик ва солиқ тўловчининг ўзини солиққа тортмаслик шаклида амалга оширилади.

*Солиқ тўловчи, фаолият ва маҳсулот(хизмат, иш)ни маълум бир муддатларга солиққа тортмаслик ёки қисман шаклидаги солиқ имтиёзлари.* Бунга кўра солиқ тўловчи, маълум бир фаолият, маҳсулот тури маълум бир муддат давомида (2, 3,5,7 йилгача) солиқдан озод этилади. Бунда солиқ имтиёзларини қўллаш ўзига хос аҳамиятга эга бўлади. Солиқ тўловчининг ўзи ёки фаолияти эмас, балки, унинг ишлаб чиқарадиган турли хил маҳсулотларидаги алоҳида олинган маҳсулотга нисбатан солиқ имтиёзлари қўлланилиши мумкин. Шу боисдан солиқ имтиёзининг объектини аниқ фарқлаш талаб этилади.

*Солиқ базасини камайтириш, ундан чегирмалар қилиш.* Бундай ҳолатда солиқ тўловчининг солиқ базасини шакллантириш жараёнида солиқ базасидан маълум бир чегирмалар(асосан харажатлар) қилинади. Масалан, фойда солиғи базасини шакллантиришда корхона томонидан илгари амалга оширган айрим харажатлари(масалан, экология, соғломлаштириш ва хайрия жамғармаларига, маданият, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларига, таълим муассасаларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бериладиган бадаллар, ҳомийлик ва хайрия тариқасидаги маблағлар суммасига, бироқ солиқ солинадиган фойданинг икки фоиздан кўп бўлмаган миқдорда, ишлаб чиқаришни модернизациялашга, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, янги технологик жиҳоз харид қилишга, ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтиришга, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишга қилинган харажатлар бироқ, солиқ

солинадиган фойданинг 30 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда) солиқ базасидан чегирилади.

*Солиқ тўловчиларнинг айрим фаолият турларини рағбатлантириш, алоҳида олинган шахсларни ижтимоий ҳимоялаш ва шу каби мақсадларда имтиёзли солиқ ставкаларини қўллаш.*

Бунг мисол тариқасида маҳсулот(хизмат, иш)ларни экспорт қилувчи корхоналар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларининг экспорт қилинишини рағбатлантириш ҳамда товарларни (ишларни, хизматларни) сотишдан соф тушумда пластик карточкалар қўлланилиб тўланган кўрсатилган хизматлар тушумининг салмоғини оширишни рағбатлантириш мақсадида имтиёзли солиқ ставкаларининг қўлданилиши(ушбу бобнинг солиқ ставкалари параграфида бу ҳақда аниқ мисоллар келтирилган) ҳамда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга сув таъминоти, канализация, санитария тозалаш, иссиқлик таъминоти бўйича кўрсатиладиган хизматларга ноль даражали ставка бўйича қўшилган киймат солиғи солинишини келтириш мумкин.

Ўзбекистон солиқ тизимида солиқ имтиёзларини тақдим қилиниши(белгиланиши) уч поғонада амалга оширилади. Биринчиси бу Олий Мажлис томонидан қабул қилинадиган қонунлар асосида, кейинги поғонада эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига мувофиқ ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари томонидан белгиланиши мумкин. Амалдаги Солиқ кодексига мувофиқ мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича имтиёзларни бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилиши мумкин. Маҳаллий ҳокимиятларнинг бундай тартибда имтиёзларни бериш эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 2 октябрдаги 281-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан айрим тоифадаги юридик шахсларга мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича имтиёзлар бериш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ амалга оширилади. Келтирилган ваколатли органлар ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига мувофиқ солиқ имтиёзлари бўшаган (солиқ имтиёзига тенг сўмма) маблағларни муайян мақсадларга йўналтириш шартли билан берилиши мумкин. Бундай маблағлардан белгиланмаган мақсадда фойдаланилган тақдирда, белгиланмаган мақсадда фойдаланилган сумма ўрнатилган тартибда пеня ҳисобланган ҳолда бюджетга ундириб олинади. Солиқ тўловчилар солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлардан тегишли ҳуқуқий асослар вужудга келган пайтдан эътиборан улар амал қиладиган бутун давр мобайнида фойдаланишга ҳақли бўлиб, бундай ҳуқуқдан фойдаланиш уларга мажбурий ва жавобгарликни юкламайди.

Дунё амалиётида иктисодий сиёсатдаги у ёки бу даражадаги энгилликларни одатда преференциялар тушунчаси билан ҳам изоҳлайди. Преференция тушунчаси латинча сўз бўлиб, "praefereantis —афзаллик, ён босиш" каби маъноларни англатади. Преференциялар дастлаб давлатлар ўртасида халқаро ташқи савдо муносабатларини, шунингдек, давлатнинг бож сиёсатида рағбатлантириш механизмларини қўллашнинг усулларисифатида қўлланилган бўлса, кейинчалик халқаро ва ички солиққа тортиш жараёнида ҳам кенг қўлланила бошланди. Преференциялар имтиёзли кўрсаткичга эга бўлган турли хил нарсаларга, масалан, преференциалли акция, преференциалли нарх, преференциалли таъриф, преференциалли шартнома кабиларда ҳам қўлланилади. Солиқ тизимидаги преференциялар эса солиқ имтиёзларидан кенг тушунча ва жараён бўлиб, солиққа тортиш мақсадларидаги Преференциялар бу давлат томонидан солиқ тўловчиларга солиқ имтиёзларини бериш, уларни рўйхатга олиш ва рухсат бериш таомилларини энгиллаштириш, қулай солиқ режимларини жорий қилиш, халқаро даражада солиққа тортиш муносабатларини тартибга солиш ва мувофиқлаштиришда ҳамда божхона тартибларини расмийлаштиришда маълум ён бериш, солиқ тўловчилар томонидан солиқларни тўлаш жараёнларини энгиллаштириш(солиқ қарзларини кечиктириш, бўлиб бўлиб тўлаш, давлат зарарига кечил) каби жараёнлардир. Шу жиҳатдан олганда преференциялар ва солиқ имтиёзлари мазмунан ўхшаш бўлсада, шу билан биргаликда жараёнларни қамраб олиши ва қўлланилиши жиҳатдан ўзига хос фарқи хусусиятларга ҳам эгадир.

Солиқ имтиёзлари ва преференцияларнинг умумий жиҳатлари бу солиқ тўловчиларга қулай солиқ тўлаш тизимини яратиш ва улар зиммасигадаги солиқ оғирлигини камайтиришга қаратилган бўлиб, иккаласи ҳам солиқ сиёсатининг объекти ҳисобланади. Уларнинг ўзаро фарқлари сифатида преференциялар мажбурий характерга эга бўлиб, уларни амалга оширилмаганлик ва қўлламаганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлса, солиқ имтиёзлари солиқ тўловчининг хоҳишига кўра унинг томонидан фойдаланиши(қўлланилиши) ва бунинг учун жавобгарликнинг йўқлиги(баъзи ҳолларда солиқ имтиёзларини бўрттириб кўрсатиш ва мақсадли берилган имтиёзлар сўммасидан мақсадли сарфлаш ҳолатлари бундан мустасно), солиқ имтиёзлари солиқ тўловчи томонидан алоҳида ҳисоби олиб борилиши ва унинг ҳисоботларда акс эттирилиши лозим бўлса, преференциялар махсус ҳисоботларда кўрсатилмайди ва уларнинг алоҳида ҳисоби юритилмайди, солиқ имтиёзалари муддатли бўлиши мумкин бўлса, преференциялар эса муддатсиз характерда бўлади. Солиқ имтиёзлари ва преференцияларнинг умумий хусусиятлари сифатида улар битта солиқ туридаги ҳам мавжудлиги бўлиб, бу ҳолатни Ўзбекистон Республикаси

Солиқ кодексига юридик шахслардан олинган фойда солиғи бўйича белгиланган имтиёзлар ва преференциялар мисолида кўрамиз:

Преференциянинг мазмуни	Солиқ имтиёзининг мазмуни
<p><i>Қуйидагилар солиқ тўловчининг даромади сифатида қаралмайди:</i></p> <p>1)Нотижорат ташкилотлар томонидан устав фаолиятининг таъминоти ва уни амалга ошириш учун олинган, белгиланган мақсадга кўра ва (ёки) текин келиб тушган маблағлар</p>	<p><i>Юридик шахсларнинг қуйидаги фойдаси юридик шахслардан олинган фойда солиғини тўлашдан озод қилинади:</i></p> <p>1) протез-ортопедия буюмлари, ногиронлар учун инвентарлар ишлаб чиқаришдан, шунингдек ногиронларга ортопедик протезлаш хизмати кўрсатишдан, ногиронлар учун мўлжалланган протез-ортопедия буюмлари ва инвентарларни таъмирлаш ҳамда уларга хизмат кўрсатишдан олинган фойдаси</p>
<p>2) Муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиқилаётганда (чиқарилаётганда), ёки муассис (иштирокчи) улушининг миқдори камайтирилганда,</p>	<p>2) Шаҳар йўловчилар транспортда (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари) йўловчиларни ташиш бўйича хизматлар кўрсатишдан олинган фойдаси</p>
<p>3) Бюджетдан берилган субсидиялар</p>	<p>3) Тарих ва маданият ёдгорликларини таъмирлаш ҳамда қайта тиклаш ишларини амалга оширишдан олинган фойдаси</p>
<p>4) Олинган грантлар ва инсонпарварлик ёрдами ва ш.к.</p>	<p>4)Халқ банки томонидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан фойдаланишдан олинган фойдаси ва ш.к.</p>

Бундан кўринадики, юридик шахслардан олинган фойда солиғи бўйича солиқ тўловчиларнинг олган фойдаларининг баъзилари, гарчи улар мазмунан ва иктисодий моҳияти жиҳатдан солиқ тўловчининг фойдаси ҳисоблансада, аммо улар солиққа тортиш мақсадида уларнинг фойдаси сифатида қаралмай, бу ерда преференциялар қўлланилмоқда. Демак, солиқ имтиёзлари ва преференциялар солиқ тури механизмида солиқ тўловчига берилган турли даражадаги энгилликлар ва ён босишларни ифодалайди. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексига преференция тушунчасига изоҳ берилмаган бўлсада, аммо, уларнинг мазмунида преференция тартибидagi жараёнлар келтириб ўтилган.

### Таянч сўз ва иборалар:

*Солиққа тортиш тамойиллари, классик солиққа тортиш тамойиллари, замонавий солиққа тортиш тамойиллари, хусусий солиққа тортиш тамойиллари, солиқ элементлари, солиқ объекти, солиқ субъекти, солиқ базаси, солиқ ставкалари, прогрессив солиқ ставкалари, регрессив солиқ ставкалари, пропорционал солиқ ставкалари, солиқ имтиёзлари, солиқ преференциялари, солиқ даври, солиқ каникули, солиқларни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоботлари, солиқларни тўлаш муддатлари.*

### Назорат учун савол ва топшириқлар:

1. Солиқ тамойиллари ва солиққа тортиш тамойиллари нима? Уларнинг нима фарқлари мавжуд?
2. Классик солиққа тортиш тамойилларига қайси тамойиллар киради? Нима учун классик тамойиллар деб аталади?
3. Хусусий солиққа тортиш тамойиллари деганда қанақа тамойиллар тушунилади?
4. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида қўлланиладиган ва қонуний тартибда ўрнатиб қўйилган солиққа тортиш тамойилларининг моҳиятини изоҳлаб беринг.
5. А.Темур томонидан қанақа солиққа тортиш тамойиллари илгари сурилган? Мантикий мушоҳада қилинг.
6. Солиқ субъектлари қимлар ҳисобланади?
7. Солиқ объекти нима? Солиқ объектларининг таркиби нималардан иборат?
8. Солиқ базаси ва солиқ объектнинг қанақа фарқи мавжуд?
9. Солиқ базасини аниқлашнинг қанақа усуллари бор?
10. Солиқ ставкаси нима? Унинг қанақа турлари мавжуд?
11. Солиқларни ҳисоблаб чиқариш деганда нима тушунилади?
12. Солиқ ҳисоботлари нима? Уларни тузиш ва топшириш тартиби ва муддатларини айтиб беринг.
13. Солиқларни тўлаш тартиби қанақа?
14. Солиқ имтиёзларининг қанақа турлари мавжуд?
15. Солиқ преференциялари деганда нима тушунаси?

## БОБ. СОЛИҚ СИЁСАТИ

### 9.1. Солиқ сиёсати ва унинг мазмуни

Аввалги бобларда таъкидлаганимиздек, ҳар қандай иқтисодий тизим шароитида ҳам давлатнинг муҳим ва бош функцияларидан бири бу жамиятнинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳасидаги ўзаро тенгликни (пропорцияни) таъминлаш ҳисобланади. Бу орқали эса давлат иқтисодиётнинг бир маромда боришини таъминлашга, провардида эса социал-иқтисодий ривожланишнинг асосий йўналишларини белгилаб олишга эришади. Аслида молиявий ва солиқ муносабатларининг вужудга келиши ҳам ушбу жараённи ташкил этилишидан келиб чиқади. Давлат марказлаштирилган пул фондларини ташкил этиш орқали ишлаб чиқариш соҳасидаги яратилган миллий даромадни унинг яратувчилари ва давлат ўртасида қайта тақсимлайди. Бу қайта тақсимлашдан асосий мақсад эса давлатнинг ўз функцияларини молиялаштиришни таъминлаш, жамиятга ижтимоий хизматларни кўрсатиш ва шу орқали соҳалар ўртасидаги мувозанатни таъминлашдан иборат бўлиб, бунда солиқлар асосий воситачи бўлиб юзага чиқади.

Бундай муносабатларни таъминлаш иқтисодий, социал, ҳуқуқий, ҳатто сиёсий муносабатларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Марказлашган пул фондларини ташкил этиш ва унинг даромад манбаларини шакллантириш солиқларнинг вужудга келишининг заруратини келтириб чиқаради. Солиқлар эса бу ерда миллий даромадни қайта тақсимлайди. Марказлашган пул фондларини, айниқса унинг энг муҳим кўринишларидан бири саналган бюджетни шакллантириш давлатнинг кенг қамровли чора-тадбирларни белгилаши ва уни амалга ошириш зарурлигини келтириб чиқаради. Марказлашган пул фонди шаклидаги бюджет ва унинг турли хил звеноларини шакллантириш ва ундаги маблағларини давлатнинг функция ва вазифаларини бажариш йўлида сарфлашни амалга ошириш мураккаб жараён ҳисобланиб, бу ерда турли муносабатларни шакллантириш, уларнинг бир- бирига боғлиқ ҳолда амал қилишини таъминлаш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш каби муносабатларнинг вужудга келишига олиб келади. Ушбу жараёнларни шакллантириш, уларни мувофиқлаштириш ва уларнинг йўналишларини тўғри белгилаш маълум бир муддатларга мўлжалланган режаларни ишлаб чиқиш борасидаги янги вазифаларни келтириб чиқаради. Давлат юқорида таъкидлаб ўтилган функцияларини тўғри бажаришлиги ва унинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида социал ва ижтимоий- иқтисодий режалаштириш жараёнларини амалга ошириб боради. Бу эса давлатнинг иқтисодиётга “барометр” сифатидаги аралашувининг зарурлигидан келиб чиқади. Жамиятда социал ва ижтимоий-иқтисодий режалаштириш жараёнларини амалга ошириш, уни реал воқеълик ва ҳолатлар билан солиштириш орқали давлатнинг фаолиятининг самарадорлиги, унинг функциялари ва вазифаларининг бажарилишининг тенденцияларини аниқланади, провардида эса бош мақсад-нисбат муносабатларининг даражасига баҳо берилади. Давлат бу борадаги


функциялари бажарилишини таъминлашда ўзининг фаолиятини маълум бир йўналишлар бўйича гуруҳлаган ҳолда амалга оширади. Бу эса унинг турли йўналишлардаги сиёсатининг ўзагини ташкил этади. Давлатнинг ушбу сиёсатлари асосан икки: ички ва ташқи йўналишларда кечади. Таъкидлаш лозимки, давлатнинг ички сиёсатининг мазмунида марказлашган пул фондларини шакллантириш ва уларни тақсимлаш билан муносабатлар асосий роль ўйнайди. Бу эса давлатнинг иқтисодий сиёсатининг энг муҳим таркибий қисми бўлган солиқ сиёсати билан боғлиқдир.

Давлатнинг ҳар қандай соҳадаги фаолиятининг йўналиши мақсадга қаратилган бўлади. Шу жиҳатдан олганда мақсадга эришиш эса маълум бир чора-тадбирлар ва фаолиятнинг уйғулашувини талаб қилади. Бундай чора-тадбирлар ва фаолиятнинг уйғун ҳолда мавжуд бўлишлигини эса давлат сиёсати деб изоҳланади. Сиёсат сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, "политикў-давлат фаолияти, кўпчиликнинг манфаати, кўп томонлама ҳамкорлик" ( *πολις* (полис) - кўп томонлама ҳамкорлик, *τική* (тики) - белгиланиш, *πολι* (поли) - кўпчилик, *τόκος* (токос) - манфаат) каби маъноларни англатади. Демак, сиёсат замирида кўпчиликнинг манфаатларига асосланган давлат фаолияти туради. Давлатнинг бундай фаолиятининг солиқларга оид қисми эса ўз навбатида солиқ сиёсатининг ўзаги ташкил этади. Солиқ сиёсатининг ўзаги эса таъқдланганидек, тақсимот муносабатларига бориб тақалади. Миллий даромадни тақсимлаш, унинг учун мажбурий тўловлар воситаларини (солиқларни) жорий этиш, уни ундириш ва бу жараённинг боришини тартибга солиб туриш ҳамда уни доим такомиллаштириб бориш каби муносабатларни тақозо қилади. Бу муносабатлар ўртасидаги боғлиқликни таъминлаш эса давлатнинг фаолиятида маълум бир йўналишдаги жараённи-солиқ сиёсатини талаб қилади. Ҳар қандай сиёсат маълум таркибий қисмларга эга бўлади. Солиқ сиёсати ҳам давлатнинг иқтисодий (молиявий) сиёсатининг бўғини сифатида урта таркибий қисмдан иборат бўлади. Яъни, солиқларни жорий этиш, уни ундириш ва уни такомиллаштиришга қаратилган фаолиятдан иборат бўлади. Солиқ сиёсатининг моҳиятини англашда уни тор ва кенг маънода тушуниш мумкин. Тор маънода солиқ сиёсати деганда солиқлар жорий этиш ва уни ундиришга қаратилган давлатнинг фаолияти тушунилади. Чунки, сиёсатнинг ўзи давлатнинг фаолиятини билдиради. *Солиқ сиёсати кенг маънода эса миллий даромадни даромадни қайта тақсимлаш мақсадида солиқларни жорий этиш, уларни ундириш механизмларини шакллантириш ва амалга ошириш ҳамда жорий этилган солиқларни ундириш жараёнларини такомиллаштириб боришга қаратилган давлатнинг мақсадли ўзаро боғлиқ чора-тадбирларини қамраб олган фаолияти тушунилади.* Ҳар қандай сиёсат ўз чегараси бўлганлиги сабабли солиқ сиёсати ҳам маълум бир чегараларига эга бўлади. Аммо, солиқ сиёсатида иқтисодий муносабатлардан ташқари социал, психологик, маданий ҳатто ташқи муносабатларни қамраб оладигани, бу солиқ сиёсатининг бошқа ички ва ташқи сиёсатларининг ўзаро чамбарчас тарзда мавжуд бўлишини кўрсатади. Солиқ сиёсатининг социал сиёсат билан

боғлиқлиги шундаки, аҳолининг кам таъминланган ва кам даромадга эга бўлган қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга солиқ имтиёзларини қўллаш, аҳолига кўрсатиладиган хизматлар нархига солиқ ставкалари орқали таъсир қилиш (қўшилган қиймат солиғида ноллик ставканинг қўлланилишини эсланг), ногиронлар ва ёш мутахассислар (колледж ўқувчиларини) ни ишга қабул қилишда имтиёзларни қўллаш, иш ўринларни яратиш ва шу каби жараёнлар социал сиёсатнинг мазмунини ташкил этиб, бунда солиқ тизими билан ўзаро боғлиқликда бўлади. Солиқларни ундириш жараёнида солиқ тўловчиларнинг солиқларнинг объектив зарурлигини тўлиқ англаб етиши, уларнинг солиқлардан қочиши ёки тўлашдан бўйин товлашининг ўзининг тақдирига салбий таъсир қилишини, солиқлар давлат равнақининг молиявий асосларидан бири эканлиги, солиқларга фарз сифатида қараш каби ҳолатларнинг ўрни катта бўлиб, бу бевосита солиқ тўловчиларнинг психологияси билан боғлиқ бўлиб, у эса солиқ маданиятининг даражасини билдиради. Демак, солиқ сиёсати маданий ва психологик муносабатларни ҳам қамраб олади. Аҳоли ва корхоналарнинг иқтисодий маданияти бу уларнинг даромад топиши ва истъеомлини танлаш ҳамда харажатларни сарфлаши билан биргаликда, асосийси давлат олдидаги ижтимоий қарзлари билан бирга солиқлар борасидаги қарзларининг муҳимлигини англаб етиши уларнинг иқтисодий маданиятининг даражасини белгилловчи асосий мезони ҳисобланади. Солиқларни тўламаслик, солиқ тўлашдан бўйин товлаш, солиқ тўловчи сифатида рўйхатда турмаслик ва бошқа шу каби солиқ ҳуқуқбузарлик ҳамда солиққа оид жиноятлар эса солиқларнинг ҳуқуқий муносабатлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда бўлишини билдиради.

Жаҳон амалиётида шундай ҳолатлар ҳам учрайдики, давлатлар ўртасидаги ўзаро икки томонлама муносабатларда солиқлар асосий сиёсий инструмент сифатида юзага чиқади. Солиқ сиёсати давлатнинг бошқа соҳадаги сиёсатлари билан чамбарчас боғлиқ бўлсада, иқтисодий сиёсатнинг таркиби қисмида сифатида унга мазмунан жуда яқин бўлган иқтисодий сиёсат турлари билан ўзаро фарқли жиҳатларини ва улардаги ўрни билиш аниқлаш солиқ сиёсатининг мазмунини янада очишга хизмат қилади. Аслиниолганда солиқ сиёсати молия сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, молия сиёсати эса бу борадаги сиёсатларнинг асосини ташкил этади.

Келтирилган расмдан кўринадики, молия сиёсати иқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми сифатида ўзида солиқ, бюджет, фискал ва бюджет-солиқ сиёсатини мужассамлаштириб, ушбу сиёсат шакллари ҳам ўзаро боғлиқликда бўлади. Молия сиёсатининг таркибига кирувчи сиёсат турлари ўзаро боғлиқ бўлиб, улар ўзига хос чегара ва фарқларга эга.



**25-расм. Молия ва солиқ сиёсатининг таркибий тузилиши.**


Солиқ сиёсати молия сиёсатининг бошқа таркибий қисмлари билан жуда боғлиқ ҳолда мавжуд бўлади. Солиқ сиёсати бюджет сиёсати билан биргаликда кўпинча бюджет-солиқ сиёсати ҳам деб юритилади. Шу билан биргаликда солиқ сиёсати фискал сиёсат билан ўзаро фарқли хусусиятларга ҳам эга бўлади. Солиқ сиёсати бундан ташқари монетар сиёсат билан ҳам ўзаро таъсирда бўлади. Чунки, солиқ сиёсати ишлаб чиқиётганда инфляция даражаси, пул агрегатларининг ҳажми ва ҳаракатиға солиқларнинг таъсири, корхоналарнинг инвестицион сиёсатини қўллаб-қувватлашда кредит ресурсларидан фойдаланиш каби масалалар албатта солиқ сиёсати билан ҳам боғлиқ бўлади.

### 9.2. Солиқ сиёсатининг шакллари

Давлатнинг солиқ сиёсати мазмунан кенг ва бошқа иқтисодий-молиявий сиёсат турлари билан боғланганлиги унинг мураккаб жараёнларни қамраб олишини ифодалайди. Аслида солиқ сиёсатининг ядросини жамиятда ишлаб чиқилган ялпи миллий(ички) маҳсулотнинг ва янгидан яратилган қиймат-миллий даромаднинг қанча қисмини давлат манфаатлари йўлида марказлаштирилган пул фондлари(асосан давлат бюджети)га жалб қилиш масаласини ҳал этиш ётади. Мана шу масаланинг ҳал этилишига қараб фискал ва бюджет сиёсатининг йўналишлари аниқланади. Агар, давлат миллий даромадни қайта тақсимлашда иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш мақсадида солиқ юкини ҳаддан ташқари қамайтурса, у ҳолда давлат бюджет сиёсатини ҳам шунга мослаштириш зарур бўлади. Ўз навбатида бюджет даромад манбаларини биллаш шуғулланувчи фискал сиёсатнинг мазмуни ҳам шунга боғлиқ бўлади. Агар давлат миллий даромаднинг бюджетга жалб қилинадиган қисмини оширадиган бўлса, у ишлаб чиқариш соҳасидаги такрор ишлаб чиқариш жараёнининг ҳолатига, у ердаги инвестицион жараёнга таъсири қилиши билан биргаликда монетар, фискал ва бюджет

сиёсатиға ҳам таъсир қилади. Реал секторга солиқ юкининг оширилиши уларда кредит ресурсларига бўлган талабни ошириш ва инфляциянинг ошишиға таъсир қилса, бундай шароитда давлат ҳисобидан инвестицион харажатларни ҳам оширишға имконият туғилади. Солиқ сиёсатининг турли хил характерли жиҳатлари унинг шакллари ва турларининг ривожланишиға олиб келади. Давлатнинг солиқ сиёсати унинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлиб, ўша вақтдан буён унинг турли хил кўринишлари пайдо бўлди. Давлатнинг солиқлар борасидаги солиқ сиёсати маълум бир тизгинға солинган тартибда ўтказилган ҳолатлар(Қадимги Рим, Қадимги Греция, Қадимги Хитой, Ҳиндистон, Россияда Петр I, Екатерина II ҳукмронлик қилган даврлардаги) бўйича аввалги бобларда келтириб ўтилган. Ҳозирги кунда солиқ сиёсатининг қуйидаги шакллари кўпроқ эътироф этилади:

- Максимал даражада солиққа тортишға асосланган солиқ сиёсати
- Иқтисодиётни ривожлантиришға қаратилган солиқ сиёсати
- Оқилона солиқ сиёсати



**26-расм. Солиқ сиёсатининг шакллари.**

Бундан ташқари давлат томонидан солиқ сиёсатининг амалга оширилиши жиҳатидан улар икки турға: дискрицияли (лотинча *discretio*, инглизча. *discretion*-давлат органларининг ўз вақоталари доирасида қарор қабул қилиши деган маънони англатади) ва нодискрецияли(ўз-ўзидан барқаролашувчи) солиқ сиёсатларига бўлинади. Дискрицияли солиқ сиёсатида давлатнинг иқтисодиётға солиқлар воситасида таъсир қилиши жараёни ошади ва бундай турдаги солиқ сиёсатида иқтисодиётдаги ишсизлик ва инфляцияға таъсир этиш (қамайтириш)мақсадида давлат ўзининг харажатларининг ўзгаришидан келиб чиққан ҳолда ёндошилади. Бундай

солиқ сиёсати деярли ҳар бир давлатнинг солиқ сиёсатида учрайди. Ўз навбатида дискрицияли солиқ сиёсати ҳам икки хил шаклда амалга оширилади. Биринчиси, бу фискал экспанцияга ("expansio"-лотинча сўз бўлиб, кенгайиш, тарқалиш деган маънони беради) асосланган солиқ сиёсати шаклида бўлиб, бунда ялпи талаб ва давлат харажатларини ошириш ва солиқларни камайтиришга урғу берилиб, унда солиқларнинг рағбатлантирувчилик роли оширилиб, иқтисодиётда иқтисодий ўсиш циклларида юкори тебранишларнинг олди олинади. Аммо, бундай солиқ сиёсатини амалга ошириш оқибатида давлат бюджети тақчиллиги ва инфляция даражаси ошади. Иккинчиси эса фискал рестрикцияли("restnctio" лотинча сўз бўлиб - "чеклаш" деган маънони беради) солиқ сиёсати бўлиб, бунда давлат харажатларини қисқартириш ва солиқларни ошириш орқали ишлаб чиқариш суръатини пасайтириш орали инфляцияни камайтиришга қаратилган бўлади. Бироқ, бундай солиқ сиёсати ишсизликни келтириб чиқаради ва унинг ошишига олиб келади.

Шу билан биргаликда солиқ сиёсати кўламига кўра халқаро даражадаги, миллий иқтисодиёт даражасидаги ва алоҳида олинган ҳудудларга оид солиқ сиёсатларига бўлинади. Давлат халқаро даражада солиқ сиёсатида миллий иқтисодиётга товар(хизмат)ларнинг оқимини ошириш ёки уни чеклаш(протекцион солиқ сиёсати) сиёсатга асосланишимумкин, шунингдек, халқаро солиқ сиёсатида преференцияларни қўллашасосида ташқи капитал, товарларнинг кириб келишини рағбатлантиришни амалга оширади. Бунда кўпинча протекцион-преференцияли солиқ сиёсати шаклида юзага чиқади. Бундай солиқ сиёсатининг мазмуни шундан иборатки, давлат баъзи соҳаларда ички бозорни ҳимоялаш сиёсатини олиб борса, бошқа соҳаларда эса преференцияларга асосланган(яъни ён босиш, имтиёзлар бериш, квоталарни чеклашни камайтириш ёки бекор қилиш, бож тўловларини бекор қилиш(камайтириш), солиққа тортишнинг имтиёзли алоҳида нормаларини қўллаш ва ш.к.) солиқ сиёсатини юритади. Бундай солиқ сиёсати Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатида ҳам кўринади. Миллий иқтисодиёт доирасидаги солиқ сиёсати мамлакатнинг барча ҳудудлари учун бир хил тартиб ва қоидаларга асосланган тартибда қўлланилади. Худудий солиқ сиёсати эса давлат ўзининг иқтисодий сиёсатининг стратегиясидан келиб чиқиб, алоҳида олинган ҳудудни мақсадли дастурларни амалга ошириш жараёнида махсус солиқ сиёсатини юритиши мумкин. Худудни эркин иқтисодий зона деб эълон қилиши ва у ерга алоҳида солиқ режимларинини жорий қилиши мумкин. Буни Ўзбекистон солиқ сиёсатида "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси, "Ангрен" махсус индустриал зонаси ва "Жиззах" махсус индустриал зоналарини ташкил этилиши ва уларга алоҳида солиқ режимларининг қўлланилишида кўриш мумкин.

Солиқ сиёсати даврийлик амал қилиши жиҳатидан жорий(асосан бир йиллик) ўрта муддатли(1 йилдан уч йилгача) ва стратегик(5-10 йиллик) солиқ сиёсатларига ҳам бўлинади. Солиқ сиёсатининг бундай турлари давлатнинг

бюджет тузилиши ва уни режалаштириш шаклларига ҳам боғлиқ бўлади. Масалан Россияда ўрта муддатли(асосан уч йиллик) бюджетни режалаштириш амал қилиб, солиқ сиёсати ҳам асосан ўрта муддатли характерда бўлади. Шу билан биргаликда ҳар йилги давлатнинг бюджет-солиқ сиёсати ҳам ишлаб чиқилиб, мавжуд ҳолатдан келиб чиқиб, ўрта муддатли бюджет ва солиқ сиёсатига ўзгартиришлар киритиб борилади.

Солиқ сиёсати йўналиши ва бошқарув тизимидаги ролига кўра фискаллашган, тартибловчи, рағбатлантирувчи ва комбинашган (мувозанатлашган) солиқ сиёсати турларига бўлинади. Фискаллашган солиқ сиёсати аслида солиқларнинг моҳиятига унинг асосий функцияси бўлган фискал функциясига асослансада, аммо, бу солиқ сиёсати солиқларни кўпроқ ундиришга қаратилган бўлади. Давлат бундай солиқ сиёсатини ўринли қўллаш самара бериши мумкин. Бундай солиқ сиёсати агар, иқтисодиётда қайта такрор ишлаб чиқариш жараёни давом этиб, унда ўсиш даражалари сақланиб турган шароитда ички инвестиция (корхоналарнинг реинвестициялашуви) даражаси пасайиб, истъёмол қилиш даражаси ошган бир шароитда қўлланилиши, давлат реал сектордан маблағларни марказлаштирган пул фондларига кўпроқ жалб қилган ҳолда иқтисодиётга инвестиция киритишда давлатнинг улушини ошириш орқали иқтисодиётда асосий капиталнинг сифат ва миқдор жиҳатдан ўсишини таъминлашга эришади. Тартибловчи солиқ сиёсати мазмунан солиқларнинг иқтисодиётни тартиблашдаги ролини оширишга қаратилган сиёсатни ташкил этиб, бунда эгри солиқлар бўйича солиқларнинг истъёмол, нарх, ишлаб чиқариш жараёнига тез таъсир этувчи солиқ инструментларни кучайтиришга эътибор қаратилади. Шунингдек, солиқ сиёсатининг бу шаклида солиқ имтиёзларини камайтириш, баъзиларини бекор қилиш, импорт ва экспортга солиқлар ва бож тўловлари ставкаларини ошириш кабилар ҳам устунлик касб этади. Бундай солиқ сиёсати узоқ вақт давомида қўлланилиши иқтисодиётга салбий таъсир қилади. Давлат бундай солиқ сиёсатидан доим фойдаланиши унинг даражаларини иқтисодиётнинг бошқа сиёсати билан бирга қўллаши ва уларга ёрдам бериши нуктаи назардан ёндошиши яхши самара бериши исботланган.

Рағбатлантирувчи солиқ сиёсатида солиқларнинг рағбатлантириш функциясининг реализацияси таъминланади. Бунда солиқлар бўйича имтиёзлар ва преференцияларнинг қўлланишига устуворлик касб этади. Асосан бунда тўғри солиқлар орқали ишлаб чиқаришга мақсадли солиқ имтиёзларини бериш орқали ишлаб чиқариш ва маҳсулот(хизмат)ларнинг диверсификациясини ошириш, инвестиция жараёнини кенгайтириш, солиқ тўловчиларнинг даромадларини камроқ солиққа тортиш, алоҳида солиқ режимлари (соддалаштирилган солиққа тортиш тартиби), солиқ маъмурчилигини соддалаштириш жараёнига асосланади. Бундай солиқ сиёсати узоқ вақт ва злуксиз қўлланилиши салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Яъни, солиқ тўловчиларда боқимандалик руҳияти шаклланиб қолиши, ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ҳаракатланиш жараёни



сусайиши, давлат бюджетидан солиқ имтиёзлари ҳисобига йўқотилган маблағларнинг ўрни қопланмай қолиши кабилар юзага келиши мумкин. Шу боисдан ҳам ушбу солиқ сиёсатининг тури тартибловчилик солиқ сиёсатининг самарали инструментлари билан биргаликда қўллаш самара бериши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг кейинги йиллардаги солиқ сиёсатида рағбатлантирувчи солиқ сиёсатининг устуворлигига ва тартибловчилик солиқ сиёсатининг инструментларидан фойдаланган ҳолда қўлланиши яхши самара бераётганлигини кўриш мумкин. Жаҳон амалиётида солиқ сиёсатининг энг самарали турларидан бири сифатида комбиналашган(мувозанатлашган) солиқ сиёсати анча кенг қўлланилиб борилмоқда. Миллий иқтисодиётда рақобат муҳитининг чуқурлашуви, давлатнинг тадбиркорлик сифатда намоён бўлишининг ортиши, миллий иқтисодиётнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги ўрни ошиб, халқаро интеграциялашув даражасининг кенгайиб бориши давлатларнинг солиқ сиёсатида комбиналашган солиқ сиёсатидан ҳам кенг фойдланишни тақозо этади. Бундай солиқ сиёсатининг ўзига хослиги шундаки, унда солиқ сиёсатининг бошқа турларининг асосий хусусиятларини ўзида мужассамлаштиради. Бу солиқ сиёсатини ишлаб чиқишнинг қулайлиги шундаки, мавжуд солиқ сиёсатларининг у ёки бу жиҳатларига қўрилсада, аммо мураккаблиги шундаки, фискал, тартибловчи, рағбатлантирувчи солиқ сиёсатларининг қайси бирига устуворлик беришини танлаш масаласидир. Шу жиҳатдан олганда комбиналашган солиқ сиёсати мослашувчан характерда бўлиши тақозо этилади. Солиқ сиёсатининг фискаллик турига кўпроқ эътибор берилишидаги юзага келиб қолган салбий оқибатларни бошқа қайси солиқ сиёсатидан фойдаланиш орқали бартараф этишни ҳал этиш бу солиқ турининг мослашувчан тарзда мавжуд бўлишлигини талаб этади. Демак, комбиналашган солиқ сиёсати доим ўзгарувчан, вазиятга мослашувчан характердаги барча солиқ сиёсатларининг мазмунини ўзида акс эттирувчи солиқ сиёсати бўлиб, унинг ишлаб чиқиши ва амалга оширилиш жараёни ҳам давлатнинг бошқа иқтисодий соҳадаги сиёсатларига ҳам мослашган бўлади.

*Булардан ташқари солиқ тизимида шундай ҳолатлар ҳам учрайдики, баъзи даврларда солиқлар бўйича қарз сўммаларининг ортиб бориши, фаолият кўрсатаётган иқтисодиёт субъектларининг солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан туриши ва солиқларни тўлашдан бўйин товлаши, солиққа оид маълумотларни сохталаштириши, мажбурий тартибдаги бухгалтерия ҳисобини юртимаслиги ҳолатлари ҳам учрайдики, агар бундай ҳолатлар доимий тус олиб ва ортиб бориш характерига эга бўлса, бундай ҳолат (жараён)ни мувофиқлаштиришга қаратилган назорат-мувофиқлаштирувчи солиқ сиёсати ҳам мавжуд бўлади.*

### 9.3. Солиқ сиёсатининг ишлаб чиқиши

Ҳар қайси фаолият, жараён ва сиёсатнинг амал қилишининг дастлабки шартларидан бири унинг тамойилларининг аниқланишидир. Юқоридаги

параграфларда тамойилларнинг моҳияти ва уларнинг жараёнларнинг ривожланиши ва кечишидаги роли ва аҳамиятни ёритган эдик. Солиқ сиёсати ҳам бошқа сиёсат сингари ўзига хос тамойилларга эга бўлиши талаб этилади. Ҳар қандай сиёсат мақсаддан келиб, чиқсада унинг бошланиши сиёсатни ишлаб чиқишдан иборат бўлади. Шунга кўра ҳар қайси сиёсат, жумладан, солиқ сиёсати ҳам маълум бир тизимга асосланади



27- расм. Солиқ сиёсатининг ишлаб чиқиш жараёнлари.

Келтирилган расмдан англаш мумкинки, ҳар қайси сиёсат аввало давлат фаолиятида аниқланган мақсаддан келиб чиқади, мақсадга эришишнинг воситалари, усул ва тамойилларини бирлаштиришган фаолият- сиёсатни амалга оширишни тақозо этади. Давлатнинг солиқ сиёсатидан кўзланган мақсад эса қайд этилганидек, соҳалар ўртасида тақсимот муносабатларини мувозанатлаштиришни таъминлаш мақсадида марказлаштирилган пул фондларини шакллантириш ва уларни даромад манбалари билан таъминлаш ҳамда жамият ҳаётини тартиблаш ва мувофиқлаштиришда солиқлардан самарали фойдаланишдан иборатдир. Давлатнинг бундай мақсадига эришиш эса солиқ сиёсатини амалга оширишни тақозо этади. Солиқ сиёсати эса аввало ишлаб чиқиши лозим. Солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда эса маълум бир тамойилларга асосланиш зарур бўлади. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва бошқа қонунчиликларда солиқ сиёсатининг тамойиллари белгилаб берилмаган(Солиқ кодексидаги солиққа тортиш тамойиллари билан солиқ сиёсати тамойиллари ўртасида фарқ мавжуд). Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 7-моддасида бюджет тизими принциплари ва Солиқ кодексидаги солиққа тортиш принциплари солиқ сиёсатининг ишлаб чиқишидан кейинги жараёнлар бўлиб, улар ўзларида бюджет-солиқ сиёсатининг тамойилларини қисман акс эттиради. Демак, солиқ сиёсатининг ишлаб чиқиш ва амалга оширилиш тамойилларини илмий ёндошувларга асосланган ҳолда изоҳлаймиз.

**Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш  
ва амалга ошириш тамойиллари<sup>108</sup>**

№	Солиқ сиёсати тамойиллари	Хусусиятлари
1.	Иктисодий сиёсатнинг устуворлиги	Иктисодий сиёсатда устуворлик касб этаётган- солиқ юкини камайтириш, солиқларни унификациялаш, солиқ ставкаларини босқичма- босқич камайтириб бориш, экспортни рағбатлантириш, импортни тартиблаш, тардбиркорликни ривожлантириш, кичик бизнесни ривожлантириш, миллий бойликни тежаш, солиқ маъмуричилигини соддалаштириш ва солиқ преференцияларини ошириш ва шу қабилар. Яъни солиқ сиёсати иктисодий сиёсатдаги устувор йўналишларга мос бўлиши лозим.
2.	Иктисодиётнинг ҳолати даражасига асосланиши	Солиқ сиёсати иктисодиётнинг ҳолати(цикллиги)дан келиб чиқиши лозим, иктисодиётнинг ривожланганлик даражаси солиқларнинг рағбатлантирувчилик ёки тартибловчиликни қўллашнинг йўналишларини кўрсатиб беради.
3.	Миллий хусусиятнинг эътиборга олиши	Ҳар қандай сиёсат албатта мамлакатнинг этник ўзагини ташкил этадиган халқнинг миллий хусусиятларини эътиборга олиши талаб этилади, солиқ сиёсати миллий менталитетга зид келмаслигини билдиради.
4.	Халқаро келишувларга асосланиши	Солиқ сиёсати умумэътироф этилган қадриятлар ва халқаро нормаларга мосланган ва уларни эътиборга олинган ҳолда бўлиши зарур.
5.	Илмий таклифлар ва солиқ тўловчилар руҳиятига асосланиши	Солиқ сиёсати ишлаб чиқилаётганда жамият аъзолари томонидан турли даражадаги илмий асосга эга бўлган илмий-назарий қарашларга асосланиши ва солиқ тўловчиларнинг руҳиятини сингдириши лозим.
6.	Давлатнинг молиявий ресурсларга эҳтиёжини таъминлаши	Солиқ сиёсатининг асосий ўзаги сифатида давлатнинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш бош масала сифатида қаралиб, аммо, бундай эҳтиёжлар чексизлигини эътиборга олган ҳолда минимал таъминлаш ва уни иктисодиёт даражасидан келиб чиқиб ошириб боришга асосланиш лозим.
7.	Миллий дастурларни амалга оширишни эътиборга олиши	Давлат фаолиятида жамиятнинг турли соҳаларини ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган махсус Дастурларни амалга оширишни устувор сифатида қаралиб, уларни молиявий таъминлаш ва солиқ имтиёзлари ҳамда преференцияларни кучайтиришни тақозо этади.
8.	Худудлар ривожланишида ўзаро мувофиқликни таъминлаши	Солиқ сиёсати ўзида худудларнинг ривожланишида ўзаро тенглик ва мувофиқликни таъминлашни лозимлиги эътиборга олиши зарур.
9.	Мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг стратегик йўналишларига асосланиши	Солиқ сиёсати мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини изчил амалга оширилишига кўмаклашиши ва унинг локомотиви сифатида бўлиши лозим.
10.	Солиқ тўловчиларнинг солиқ потенциали ва бюджетни режалаштиришнинг ўзаро боғлиқлиги	Солиқ сиёсатининг бюджетни режалаштиришга таъсирини баҳолашда ва бюджетни режалаштириш жараёнида солиқ тўловчиларнинг солиқ потенциалига асосланиши зарур.

Келтирилган ушбу солиқ сиёсати тамойиллари Ўзбекистонда амалга оширилаётган солиқ сиёсатининг мазмунидан келиб чиққан бўлиб, шу билан биргаликда солиқ тўловчиларнинг солиқ потенциали ва бюджетни режалаштиришнинг ўзаро боғлиқлиги тамойилини ҳам эътиборга олиш талаб этилади. Мазкур келтирилган солиқ сиёсати тамойиллари албатта ўзгарувчан хусусиятга ҳам эга бўлиб, уларнинг ҳар бирини вазиятдан келиб чиқиб қўллаш солиқ сиёсатининг пухталиги ва уни амалга ошириш яхши самара бериши ҳамда давлатнинг олдига қўйилган мақсадга эришишда муҳим қадам бўлади. Ҳар бир давлатнинг солиқ сиёсати давлатнинг умумий ривожланиш йўналишларига боғлиқ ҳолда кечади. Баъзи давлатларда эса давлат бошқарувини вақтинчалик қўлга киритган сиёсий партияларнинг ўз дастурларидан келиб чиқиб давлатнинг солиқ сиёсатини шакллантириши ва унинг мамлакат парламенти томонидан рад этилиши оқибатида қайта-қайта ўзгартиришлар киритиш асосида амалга оширилиши мамлакатларнинг иктисодиётга салбий таъсир этиш ҳолатлари ҳам мавжуд. Бу борадаги Ўзбекистон тажрибаси эса аксарият давлатлар томонидан энг барқарор бюджет-солиқ сиёсати деб тан олинмоқда.

Солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш жараёнида унда мамлакатда жорий қилинган ҳокимият шакллари ва унинг бўғинларининг иштирокини аниқлаш ҳам қатта аҳамиятга эга. Чунки, солиқ сиёсати бу факатгина тегишли қонун ва меъёрий ҳужжатлар(дастурлар)ни ишлаб чиқишига эмас, балки, аниқ мақсадга қаратилган фаолиятдир. Бундай фаолият эса ҳокимият шакллари ва бошқа звеноларнинг ваколатлари ва мажбуриятлари доирасида юзага чиқади. Ўзбекистонда солиқ сиёсатини ишлаб чиқишда Давлат ҳокимияти ва жамоатчиликнинг роли қуйидагичадир:

**Ўзбекистон солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари(иштироки).** Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат бошлиғи сифатидаги Конституциянинг 93-моддасида белгиланган ваколатларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида мамлакат ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишнинг энг муҳим масалалари юзасидан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, бунда давлат солиқ сиёсатининг стратегияси ва тактик йўналишлари устувор аҳамиятга эга бўлган таклифларини киритиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти қонун ташаббускорлиги ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда солиққа оид қонунлар юзасидан янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштириш юзасидан Қонунчилик палатасига таклифлар киритиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари сингари солиққа оид қонунларини имзолайди ва эълон қилади, агар ушбу қонунларга нисбатан эътирозлари мавжуд бўлса, қонунга ўз эътирозларини илова этиб, уни тақроран муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қайтаришга ҳақлидир. Булардан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президенти солиқ сиёсатининг концепцияларини тақдим этиши мумкин.

<sup>108</sup>Муаллиф ёндошуви.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдаги иштироки.** Олий ҳокимият орган ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўз ваколати бўйича республикада солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддасида белгиланган фуқаролар қонун билан белгиланган солиқ ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурийлиги нормаларидан келиб чиқиб, солиқлар мажбурий тартибда жорий этилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ(78-модда)Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари сифатида Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш,бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимида биноан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш, солиқлар вабошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш каби ваколатлари белгиланган бўлиб, ваколатлари белгилаб қўйилган бўлса, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида"ги қонунда эса унинг солиқ ва бюджет сиёсатига оид ваколатлари ва уларни амалга ошириш тартиблари кўрсатиб ўтилган. Бунга кўра солиқ сиёсатининг бошланиши Олий Мажлисининг фаолиятдан бошланиб, шу билан биргаликда улар жорий қилинган солиқларнинг ундирилиш жараёнларини ҳам ўзларининг ваколатлари доирасида назорат қилади. Олий Мажлис тарафидан солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдаги роли бевосита солиққа оид қонун ҳужжатлари билан биргаликда ҳар йилги бюджет-солиқ сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш ва Давлат бюджети лойиҳасини, унда солиқ турлари ва йиғимлари бўйича солиқ тушумларининг прогноз кўрсаткичлари кўриб чиқиб тасдиқлаш тартибда ҳам амалга оширилади.

Бу Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий йилнинг 15 октябридан кечиктирмай Қонунчилик палатасига киритиладиган навбатдаги молия йили учун Давлат бюджети лойиҳасининг Парламент регламентига асосланган ҳолда муҳокамаларидан ўтказилиб тасдиқланади. Агар, солиқ сиёсати(жумладан бюджет сиёсати)га оид бошқа қонунчилик лойиҳаларида давлат даромадларини камайтириш ёки давлат харажатларини кўпайтириш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети (бундан буён матнда Давлат бюджети деб юритилади) моддалари бўйича ўзгартиришларни назарда тутувчи қонунларнинг лойиҳалари бўлса у ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг хулосаси тақдим қилиниши лозим бўлади. Давлат бюджетининг лойиҳаси Қонунчилик палатаси томонидан жорий йилнинг 15 ноябридан кечиктирмай кўриб чиқилади.Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган Давлат бюджети эса мазкур бюджет қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичида кўриб чиқиш учун Сенатга юборилади. Агар, давлат бюджетига Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимида биноан белгиланган тартибда ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиши лозим бўлса, бу масала, агар бу ҳол бюджетни тартибга солишда кийинчиликлар келтириб чиқариши мумкин бўлса, Қонунчилик палатасининг мажлисида биринчи навбатда кўриб чиқилади. Олий Мажлисининг солиқ сиёсатини амалга оширишдаги иштироки унинг парламент эшитуви ва назорати тартибдаги ваколатлари доирасидаги фаолиятида кўриш мумкин. Бундай ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва ҳар йилиги белгилаб бериладиган бюджет-солиқ сиёсатининг устувор вазифаларининг қандай бажарилаётганлиги, давлат бюджети ижросининг қандай амалга оширилаётганлиги ва шу каби масалалар тегишли (Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Божхона қўмитаси ва шу каби) давлат органларининг ҳисоботларини эшитиш, парламент ишчи гуруҳлари ва тегишли қўмита ва фракциялари томонидан бу масалаларни жойларда ўрганиш, ваколатлари доирасида асослангандиган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан парламент сўрови юбориш тартибда ҳам амалга оширилади. Шу мақсадда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатида солиқ, бюджет, божхона, банк ҳамда молия масалалари билан алоҳида шуғулланувчи қўмита фаолият кўрсатади. Бу қўмиталар эса Олий Мажлисининг молия-солиқ соҳасига доир сиёсатини мувофиқлаштириб боради.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг солиқ сиёсатидаги роли.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятнинг энг юқори звеноси сифатида Республиканинг бошқа соҳалари каби солиқ соҳасидаги давлат сиёсатини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва назорат қилишда катта аҳамият касб этади. Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатлари доирасида қонун ташаббускори сифатида солиқ сиёсатининг мазмунига дахлдор қонунларни Олий Мажлисга тақдим этиш доирасида солиқ сиёсатини ишлаб чиқишда иштирок этади. Вазирлар Маҳкамасининг бу борадаги фаолиятининг кейинги босқичи регламентга кўра солиққа оид қонунларга асосланган ҳолда бошқа қонуности ҳужжатлари(Йўриқнома, Низом, Тартиблар, Қоидалар)ни ишлаб чиқишни ташкил қилади ва уларни жорий қилади. Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (98-моддасига) кўра самарали иқтисодий, ижтимоий, молиявий, пул-кредит сиёсати юритилиши, фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлашни ҳамда иқтисодиётнинг ва ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши учун жавобгар бўлади ҳамда Ўзбекистон Республикасида пул ва кредит тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга оширишга қўмаклашади, ягона нарх сиёсатини ўтказиш, меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорининг белгиланган кафолатларини ҳамда ижтимоий таъминот даражасини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади.

Шунингдек, давлат бюджетини, шунингдек, Ўзбекистонни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш истиқбол кўрсаткичларини ва энг муҳим

дастурларини ишлаб чиқишни ҳамда уларнинг ижросини ташкил этади. "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, Ўзбекистон Республикаси бюджетининг асосий кўрсаткичларини ва унга киритиладиган ўзгаришларни ишлаб чиқади ҳамда Олий Мажлиснинг тасдиғига тақдим этади. Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари кўмиталарининг Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати фаолияти масалаларига доир тавсиялари ва таклифларини кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан чора-тадбирлар кўради. Тавсиялар ва таклифларни кўриб чиқиш натижалари ҳақида ҳамда кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг тегишли кўмиталарига келишилган муддатда маълум қилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига кўра Вазирлар Маҳкамаси солиқ сиёсатига доир ўз ваколати доирасидаги муҳим бўлган Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради. Иқтисодиёт, жумладан солиқ сиёсатига оид муҳим ва устувор масалалари бўйича Ҳукумат қарорлари лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларини ишлаб чиқиш, кўриб чиқиш ва имзолаш тартиби тўғрисида» 2005 йил 4 февралдаги Ф-2118-сон фармойишида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти билан мажбурий равишда келишиб олинади. Солиқ сиёсатига дахлдор Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари лойиҳалари солиқ сиёсатини амалга оширишга маъсул вазирликлар, давлат кўмиталари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари топшириқларига мувофиқ ёхуд ташаббус кўрсатиш тартибида ишлаб чиқилади. Ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш манфаатдор идоралар ва тузилмалар билан биргаликда амалга оширилади. Ишлаб чиқилган лойиҳалар белгиланган тартибда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан ҳамда мажбурий тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилади. Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, агар ушбу ҳужжатларда бошқа муддатлар белгиланмаган бўлса, имзоланган вақтидан бошлаб кучга киради. Вазирлар Маҳкамасининг солиқ сиёсатига тегишли норматив хусусиятга эга бўлган қарорлари, агар ушбу ҳужжатларда бошқа муддат белгиланмаган бўлса, улар расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг солиқ сиёсатидаги роли.** Давлат солиқ кўмитаси солиқ қонунчилигига риоя этилишини, давлатнинг иқтисодий манфаатлари ва мулк ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасидаги назорат бўйича республика давлат

бошқаруви органи сифатида давлат солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасидаги роли қуйидагиларда кўринади:

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига, давлат мақсадли жамғармаларига ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тушиши прогнозини ишлаб чиқишда қатнашади, солиққа оид қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни унификация қилиш, солиқ юқини қисқартириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва эркинлаштириш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини рағбатлантириш, уларга зарур имтиёзлар ва преференциялар бериш бўйича таклифлар тайёрлашда қатнашади;

белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда бошқа вазирликлари ва идоралари билан биргаликда солиқ қонунчилигига мувофиқ солиқ солиш масалалари бўйича идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

солиқ ҳисоботлари ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқиш, тўлаш билан боғлиқ бошқа ҳужжатлар шаклларини ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлайди;

солиқ қонунчилиги бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламларини нашр қилади, давлат солиқ хизмати органларини қонун ҳужжатлари билан таъминлаш чора-тадбирларини кўради;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар билан солиқ соҳасида ҳамкорлик қилиш масалалари бўйича халқаро шартномалари лойиҳаларини ишлаб чиқишда қатнашади ҳамда уларнинг белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ва унинг таркибига кирувчи давлат солиқ хизмати органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида қабул қилинадиган қарорлар барча солиқ тўловчилар – юридик шахслар, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва жисмоний шахслар учун мажбурий ҳисобланади. Давлат солиқ хизмати органлари ўзларига солиқ сиёсатини амалга оширишга оид вазифаларини давлат бошқаруви бошқа органлари, маҳаллий давлати ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, статистика ва молия органлари, банклар ҳамда бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда бажарадилар. Давлат Солиқ кўмитасининг солиқ сиёсати борасидаги бошқа органлар билан ҳамкорлиги қуйидаги тартибда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан солиққа тортишнинг умумий масалалари, Молия вазирлиги билан солиққа тортишнинг барча йўналишлари ва давлат бюджети юзасидан, Давлат статистика Кўмитаси билан солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Божхона Кўмитаси билан импорт- экспорт операцияларини солиққа тортиш, Марказий банк билан солиқ тушумларини ҳисобга олиш, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат

кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда ягона ер солиғи ва ер солиғи, Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ер ости бойликларини солиққа тортишга оид қонуности ҳужжатларни ишлаб чиқади ва келишилган ҳолда тасдиқлаб рўйхатдан ўтказди. Мазкур ишлаб чиқилган меъёрий тусдаги ҳужжатларни эса Адлия вазирлигидан экспертиза ва рўйхатдан ўтказди. Адлия вазирлиги солиқ сиёсатида тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини уларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунчиликка, шунингдек қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлигини аниқлаш юзасидан экспертизадан ўтказди, қонунлар лойиҳаларини уларнинг мамлакатда ўтказилаётган ислохотлар мақсадлари ва вазифаларига мувофиқлиги, шунингдек тадбиркорлик субъектлари учун ортиқча маъмурий ва бошқа чеклашларни киритувчи ҳамда тадбиркорлик субъектларининг асосланмаган харажатлари юзга келишига олиб келувчи қоидалар ва нормаларни аниқлаш юзасидан таҳлил қилади ва белгиланган тартибда рўйхатга олади.

**Ўзбекистон Молия вазирлигининг солиқ сиёсатидаги иштироки.** Ўзбекистон Молия вазирлигининг солиқ сиёсатини ишлаб чиқишдаги иштироки Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда ҳар йилги бюджет-солиқ сиёсатининг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш, Давлат бюджетини тузиш ва унда солиқли даромадларнинг тушумини прогнозлаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга оид норматив-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш, айрим турдаги солиқ тўловлари бўйича солиқ ставкалари ва имтиёزلарни белгилаш ва шу каби ҳолатларда амалга ошади. Шу билан биргаликда Молия вазирлиги ўз Низомига кўра, солиқ солиш ва солиқ маслаҳати бўйича фаолият соҳасида қонунчилик ва меъёрий актларни ишлаб чиқишда қатнашади ва бу соҳада илмий-тадқиқот ишларини амалга оширади, бюджетни мувозанатлаштириш заруратидан келиб чиқиб, солиқлар тизимини республикадаги бошқа даромадларни такомиллаштириш, давлат молия маблағларини мустаҳкамлаш, қорхоналар, бирлашмалар, ташкилотларнинг ишлаб чиқариш-ҳўжалик фаолияти ҳамда фуқароларнинг тадбиркорлик ишлари учун энг мақбул молиявий шароитларни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади, солиқ маслаҳатчиси тизимининг амал қилиш механизмларини таъминлайди.

**Солиқ сиёсатида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг роли.** Маҳаллий давлат ҳокимиятлари ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (111-моддаси) га мувофиқ маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиши, Ўзбекистон Республикаси Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунга асосан Халқ депутатлари Кенгаши томонидан ўз ҳудудида маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ставкаларини қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорлар доирасида белгилаш, Солиқ кодекси (30-моддаси) га асосан ҳамда га асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи ҳамда ободонлаштириш ва

ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича имтиёزلарни бериши мумкин. Шунингдек, Халқ депутатлари Кенгаши вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларини, шунингдек туманлар ва шаҳарлар бюджетларини тегишинча вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг тақдимномасига биноан кўриб чиқиш ҳамда қабул қилиши, маҳаллий бюджетларнинг тегишли даврдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тегишинча вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг тақдимномасига биноан кўриб чиқиш ҳамда тасдиқлашни амалга оширади.

**Солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда суд-ҳуқуқ тизими органларининг иштироки.** Солиқ сиёсатида суд-ҳуқуқ органларининг иштироки аввало уларнинг солиқларга оид қонун ҳужжатларининг ҳуқуқий норма ва қоидаларга мувофиқ келишини таҳлил ва экспертиза қилишда иштирок этиб уларни такомиллаштириш, солиқ қонунчилигига риоя қилинишининг назоратини амалга ошириш, мулкчиликнинг турли шакллари асосланган қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек тадбиркорлар ўртасидаги, солиқлар соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган ҳўжалик низоларини ҳал этиш, солиқ қонунчилигининг бузилишининг ҳолатлари юзасидан жавобгарлик чораларини белгилаш ва шу қабилар тарзда амалга оширилади. Шунингдек, уларнинг солиқ сиёсатидаги иштироки солиққа оид қонунчиликнинг мазмунини ойдинлаштирувчи меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқади ва уни қўллайди. Масалан, суд амалиётида солиқ қонунчилигига оид баҳсли масалалар вужудга келаётганлиги муносабати билан ҳамда ҳўжалик судлари томонидан ишларни кўришда Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси умумий қисмини тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли қарори асосан Солиқ кодексини суд амалиётида қўллашни аниқлаштирувчи қарор қабул қилинган бўлиб, бунда солиқ қонунчилигини тўғри қўллашнинг йўналишлари аниқлаштирилган.

**Солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда жамоатчиликнинг роли.** Жаҳон амалиётида жумладан, Ўзбекистонда солиққа оид қонунларни қабул қилиш жараёнида унинг муҳокамасида жамиятнинг ҳар бир аъзоси иштирок этиб, ўз фикр ва тавсияларини билдириши, солиқ қонунчилигини такомиллаштириш ва солиққа тортиш амалиётига оид жараёнларга оид ўз қарашлари ва таклифларини Парламентга (Олий Мажлис) сиёсий партиялар ёки шахсан ўзлари билдириши (маъруза тезиси шаклида), бевосита давлат ваколатли органларга ёзма ёки оғзаки шаклда фикрларини билдириши, солиқ амалиётидаги мавжуд тўсиқлар ва уларни бартараф этиш юзасидан маълумотлар (мулоҳазалар) билдириши мумкин. Бундан ташқари оммавий ахборот воситларида чиқиш қилиш орқали ҳам иштирок этиши таъминланади.

Умумий қилиб айтганда солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш, уни амалга ошириш ва такомиллаштириш давлат ҳокимияти органлари ва жамиятнинг

бошқа субъектлари томонидан амалга оширилади. Солиқ сиёсатида ҳар бир ваколатли органларнинг иштироки уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади. Солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда барча звеноларнинг фаолиятининг уйғунлашуви солиқ сиёсатининг самарадорлигини таъминлайди.

#### 9.4. Солиқ сиёсати стратегияси ва тактикаси

Ҳар қайси давлат сиёсати таркибий жиҳатдан стратегик ва тактик йўналишларга эга бўлади. Сиёсатнинг стратегияси ва тактикасининг мазмуни аввало фаолият(жараён)нинг характери ва давлат тузилишига асосланган ҳолда уни бошқарув механизмларининг хусусиятларига боғлиқ бўлади. Агар, давлат федератив давлат бўладиган бўлса, солиқларни жорий этиш ва ундириш сиёсати ҳам шунга мувофиқ бўлади, ўз навбатида унитар давлатларда эса бюджет ва солиқ тизими ўзига хос бўлади. Шунингдек, солиқ сиёсати солиқларнинг хусусиятларидан ҳам келиб чиқади. Солиқлар табиатан ўзгарувчан ва мослашувчан характерда амал қилиши унинг стратегияси ва тактикасининг ўзгарувчан бўлишига ҳам таъсир қилади. Шу билан биргаликда солиқ стратегияси ички тузилиши ва моҳиятига кўра доимий ва ўзгарувчан шаклларда бўлади. Солиқ стратегияси ўзи нима? Стратегия грекча сўз бўлиб, "στратῆγία — кўмондонлик, бошқариш, ҳарбий санъати" деган маънони бериб, у дастлаб, ҳарбий соҳага қўлланилиб, кейинчалик давлат бошқарувида ва унинг сиёсатида қўлланила бошлаган. Сиёсатда қўлланилиши эса кўпинча унга даврийлик жиҳатдан ёндошилади. Шу жиҳатдан олганда стратегия давлатнинг маълум бир соҳа(йўналиш)даги фаолиятини тизимли бошқаришнинг узоқ муддатли даврга тегишли жараёнларини аниқлаш ва унинг йўналишларини белгилаб олинишидир. Бу ҳолат солиқларга оид сиёсатда ҳам мавжуд бўлади. Солиқ сиёсати стратегиясининг белгиланиши эса давлатнинг мажбурий тўловлар борасидаги фаолиятининг узоқ даврларга оид хусусиятларини акс эттиради. Демак, солиқ сиёсати стратегияси деганда давлатнинг жамият аъзоларидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар борасидаги узоқ муддатга мўлжалланган фаолиятининг умумий йўналишлари ва хусусиятларини акс эттирувчи жараён ҳисобланади. Ўзбекистон солиқ тизимида ҳам солиқ сиёсати стратегик ва тактик йўналишлари асосида амал қилади. Таъкидланганидек, солиқ сиёсати стратегияси давлат иқтисодий сиёсатининг мазмунидан келиб чиқиб, доимий ва ўзгарувчан стратегияга эга бўлади. Ўзбекистон солиқ қонунчилигида солиқ сиёсатининг стратегияси тушунчаси ва унинг мазмуни келтирилмаган. Бироқ, бу масалага жавоб Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида акс этган. Ушбу асарларда солиқ, бюджет ва молия соҳасидаги Президентимизнинг билдирган фикр ва мулоҳазаларини таҳлил қиладиган бўлсак, Ўзбекистон солиқ сиёсатининг бош(доимий) стратегияси-давлат бюджети ва солиқ тўловчилар ўртасидаги ўзаро манфаатларнинг уйғунлашуви ва мувозанатлашувини таъминлашдан иборат эканлигини аниқлаш мумкин.

Ўзбекистон солиқ сиёсатининг бош(доимий) стратегияси сифатида давлат бюджети ва солиқ тўловчилар ўртасидаги манфаатларнинг уйғунлашуви оқилона солиқ сиёсати орқали таъминланади ва у узоқ вақтни камраб олиб доимий характерда бўлади. Бир томондан давлат томонидан оқилона солиқ сиёсатининг ташкил этилиши, бу ҳали бундай манфаатларни уйғунлантира олмайди, бунинг учун солиқ тўловчиларда юқори даражадаги солиқ маданияти шаклланиши лозим бўлади. Солиқ сиёсатида солиқ имтиёзлари ва преференцияларни кўпайтириш билан бирга солиқ тўловчилар томонидан бундай имтиёз ва преференциялардан ўринли фойдалангандагина бундай енгилликлар самара беради, акс ҳолда эса бюджет манфаатларига путур етади. Бозор иқтисодиёти шароитида солиқ тўловчиларга ўзига хос эгоизм хусусиятларининг сақланиб қолиши, солиқлардан қарздорлик, солиқлардан қочиш ҳолатлари учраб туради ва бу ҳам бюджет манфаатларига зид келади. Демак, солиқ тўловчилар ва бюджет манфаатларининг тўғри кесишуви бу солиқ қарздорлиги деярли йўқотилганлиги, солиқ тўловчиларнинг солиқ маданияти юқорилиги, бюджетдан берилаётган субсидияларнинг самараси юқорилигини билдиради, бу жараён эса узоқ вақт давомида эришилади. Ушбулардан келиб чиққан ҳолда солиқ сиёсатининг ўзгарувчан стратегиясини аниқлаш мумкин. Бунга кўра Ўзбекистон солиқ сиёсатининг ўзгарувчан солиқ стратегияси бюджет даромадларининг бир маромда шаклланиши, тадбиркорлик субъектларига солиқ имтиёзлари ва преференцияларни ошириш ва уларнинг самарадорлигини таъминлаш, солиқ тўловчиларнинг солиқ маданиятини оширишга эришиш ҳамда солиқларнинг ишлаб чиқариш жараёнини жонлантиришга таъсирини янада оширишдан иборатдир.

Солиқ сиёсати тактикаларига умуминсоний ва умуммиллий қадриятлар, жаҳон бозори конъюктурасининг нобарқарорлиги ва турли хил инқирозлар, миллий қонунчиликнинг ўзгариши ва янги қонунларнинг юзага келиши, келгуси (жорий) йил учун устувор вазифаларнинг мазмуни, миллий иқтисодиётнинг ривожланиш ҳолати, ички бозордаги товар ва хизматларнинг ишлаб чиқарилиши ва истеъмол қилиниш ҳолатини мувофиқлаштириш зарурлиги ҳамда турли хил "форс-мажор" ҳолатлар каби омиллар таъсир қилади. Бу ерда умуминсоний ва умуммиллий қадриятлар сифатида кекса ёшдаги аҳоли, туғма ногиронлар, тарихий обидалар, миллатлар ўртасидаги миллий қадриятлар(анъаналар), балоғат ёшига етмаганлар, инсонпарвалик ёрдамлари ва шу кабилар назарда тутилиб, уларнинг юзага келиши албатта барча давлатларнинг солиқ сиёсати тактикаларига таъсир қилади, ўз навбатида ички бозордаги товар ва хизматларнинг ишлаб чиқарилиши ва истеъмол қилиниш ҳолатини мувофиқлаштириш зарурлиги эса ялпи ички маҳсулот ва унинг истеъмолида инсон соғлиги учун зарarli бўлган маҳсулотлар(масалан, алкогольли, тамаки маҳсулотлар)ни улуши ортиши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмининг ортиши ва унинг истеъмол даражасининг пасайиб кетиши ва аксинча ҳолатларнинг юз бериши солиқ сиёсати тактикаларини ўзгартиришга олиб келади.

Иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги шароитида Республикамиз солиқ сиёсатининг тактикалари сифатида куйидагиларни келтириш мумкин: йўналишлари:

- Солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкини иқтисодий ривожланишнинг даражасига монанд ҳолда босқичма-босқич камайтириб бориш.
- Солиқ қонунчилигини ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларини эътиборга олган ҳолда такомиллаштириб борилиш;
- мавжуд солиқ турларини қисқартириш, уларни унификациялаштириш ва асосий солиқ турлари бўйча солиқ ставкаларини қисқартириб борилиши;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини солиқ тизими орқали мунтазам қўллаб-қувватланиши;
- реал сектор корхоналарини, шунингдек, экспортёр корхоналар фаолиятини солиқ имтиёзлари орқали рағбатлантирилиши;
- банкларнинг капиталлашувини ошириш ва уларнинг инвестицион фаолиятида солиқларнинг рағбатлантирувчилик ролининг кучайтирилиши;
- солиқ маъмурчилигининг соддалаштирилиши, солиқ имтиёзлари ва преференцияларини ошириб борилиши;
- турли назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашуви ва солиқ текширувларининг қисқартирилиб борилиши;
- импортни тартибланиш ва экспортни рағбатлантириш жараёнининг ошириб борилиши;
- Солиқларнинг социаллашувининг кучайтирилиши;
- Миллий иқтисодиётда реинвестициялашувнинг ва хорижий инвестицияларни жалб қилишда солиқларнинг рағбатлантирувчилик ролининг ошириб борилиши ва шу кабилар.

Ўзбекистоннинг солиқ сиёсатининг тактик йўналишлари ўзаро боғлиқ ҳолда ва бир-бирини тўлдириб бориш хусусиятларига эга. Ушбу солиқ сиёсатининг тактикаларининг умумий йўналиши ва уларнинг натижавийлиги миллий иқтисодиётимизда макроиқтисодий ўсиш барқарорлигини ошириб бориш ҳамда солиқ тўловчилар зиммасида қулай солиқ юки даражасида давлат бюджетини зарурий маблағлар билан таъминлашга қаратилгандир.

Солиқ сиёсатида нинг стратегияси ва тактикаларига хизмат қилувчи концепциясига ҳам эга бўлиши мумкин. Концепция сўзининг луғавий маъноси лотин тилидан олинган бўлиб, "conceptio —тушуниш, англаш, фаҳмлаш, тизим", "conceptio-фикрлаш, мулоҳаза қилиш" деган маъноларни англатади. Концепция жараёнларни ўрганишда икки хил тартибда қўлланилади. Биринчиси бу ўрганилаётган жараённинг ривожланишини тизими сифатида тушунилса, кейингиси жараённи ривожлантириш ва унинг

йўналишларининг маълум бир жиҳатларини тизим шаклида ифодалаш

мазмунидан келиб чиққан ҳолда унинг айрим олинганлар ўзаро боғлиқ тактик йўналишларини илмий асосланган ҳолда ўзида акс эттиради. Шужихатдан ҳам у оралиқ тактикалар ҳам деб юритилади. Бундан ташқари солиқ сиёсатининг концепцияси солиқ сиёсатига оид турли хил бир неча йўналишларнинг кетма-кетлигини ифодалайдиган илмий қарашлар сифатида ҳам тавсифланади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида Ўзбекистоннинг солиқ сиёсатининг концепциялари сифатида бир қатор тактик йўналишларини келтириб ўтилган. Хусусан, солиқ юки, солиқ преференциялари, солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ маъмурчиликни қўллаш борасидаги биринчи Президентимизнинг солиқ концепциялари ҳаётда ўз самарасини бермоқда. Биринчи Президентимизнинг «Солиқ сиёсатининг вазифаси - бир томондан, давлат бюджети даромадининг барқарор сафарбарлигини таъминлашдан, иккинчидан, корхоналарни республика учун зарур бўлган махсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга рағбатлантиришдан иборат»<sup>109</sup> деган концепцион фикрлари ҳам аҳамиятлидир.

#### **9.5. Ўзбекистон солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари**

Ўзбекистон ўз мустақиллиги киритган вақтдан бошлаб молия-кредит соҳасидаги иқтисодий ислохотларнинг муҳим йўналиши сифатида мустақил солиқ тизимини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган солиқ сиёсатининг йўналишларини таҳлилий ўрганишни уни маълум бир босқичларга бўлиб ўрганиш солиқ сиёсатининг хусусиятларини очишга ёрдам беради. Шу жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсати ваунинг йўналишлари шартли равишда тўрт босқичга бўлиш мумкин.

*Биринчи босқич.* Бу босқич 1991-1995 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда солиқ сиёсатининг асосий хусусиятлари мустақил солиқ тизимини юзага келтириш борасида солиқларнинг ҳуқуқий базасини шакллантириш, молия тизими таркибидан солиқларни ундириш билан шуғулланувчи давлат бошқарув органини тузиш, жорий қилинган солиқларни ундиришнинг механизмларини барпо этиш, миллий иқтисодиёт ҳолатига мос солиқ сиёсати стратегияси ва унинг тактикаларини ишлаб чиқиш, мамлакат иқтисодиётида макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга қаратилган молиявий механизмлар билан биргаликда солиқлардан самарали фойдаланишни амалга ошириш, прогрессив солиққа тортиш ва кучли ижтимоий сиёсатга асосланган ҳолда аҳолининг турмуш даражасини пасайишини олдини олиш ва шу кабилар билан характерланади. Қонунчилик базаси яратиш бораси ва республика миқёсида амал қиладиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш борасида дастлаб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1991 йил 15-февралда иккита қонун «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинган солиқлар тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинган даромад солиғи тўғрисида»ги



тушунилади. Солиқ сийёсатининг концепцияси эса унинг стратегиясининг

<sup>109</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон, 1998. 52-бет.

қонун, 1993 йил 6-майда эса солиқларга оид бир йўла яна иккита қонун-“Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисида”ги ва “Ер солиғи тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди. «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олиннадиган солиқлар тўғрисида»ги 1991 йил 15-февралда қабул қилинган бўлсада, унинг кучга киритилиши 1991 йилнинг 1-январидан қилиб белгиланди. Бу қонун қабул қилинган вақтда Ўзбекистон ҳали собиқ иттифоқ таркибида бўлиб, унинг молия тизимидаги механизмлардан ҳали халос бўлинмаган эди. Шу жиҳатдан ҳам мазкур қонунга кўра фойдадан олиннадиган солиқ ставкасини қўллаётганда ҳисобга олиннадиган рентабеллик энг юқори даражаси унинг тармоқдаги ўртача даражасига нисбатан икки хисса ортиқ ҳолда қабул қилинадиган бўлинди(чунки, собиқ иттифоқ қонунида шундай тартиб мавжуд эди), янги улгуржи, харид, чакана ва смета нархларини ва тарифларни ҳисобга олган ҳолда халқ хўжалиги тармоқлари бўйича рентабеллик ва унинг ўртача ҳажмини ҳисоблаш тартиби белгиланди, солиқ солинадиган фойда ҳисоблаб чиқилаётган меҳнатга ҳақ тўлаш учун қилинадиган харажатларнинг норма белгиланадиган меъёри корхоналар томонидан ишлаб чиқариш (иш, хизматлар) ҳажмининг ўсишига ёки фаолиятининг бошқа кўрсаткичларига қараб аниқлана бошланди, халқ хўжалиги тармоқлари ва саноат (асосий фаолият турлари) бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш учун қилинадиган харажатларнинг ўсиш коэффициентларидан фойдаланиш жорий этилди. Ўзбекистонда мустақил солиқ тизимига кирувчи корхоналар даромадига солинадиган солиқ, қўшилган қиймат учун солиқ, акциз солиғи, корхоналарнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун олиннадиган солиқ жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиқлари жорий қилинди. шу билан биргаликда истеъмолга қаратилган маблағлар харажати тартибга солувчи солиқ бекор қилинди. 1993 йилга келиб “Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисида”ги қонунга асосан қуйидаги: жисмоний шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ, ер солиғи, курорт минтақасида ишлаб чиқариш объектларини қуришга солинадиган солиқ, реклама солиғи, автомобиль воситалари, мураккаб ҳисоблаш ва рўзғор техникасини қайта сотганлик учун солинадиган солиқ, транспорт воситалари эгаларидан олиннадиган солиқлар ва қуйидаги: курорт йиғими, савдо-сотик қилиш ҳуқуқини берувчи йиғим, вино-ароқ маҳсулотлари билан савдо-сотик қилиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома йиғими, маҳаллий кимовиди савдолари ва лотереялар ўтказиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома йиғими, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларни рўйхатга ўтказганлик учун олиннадиган йиғим, автотранспортлар сакланадиган жойдан фойдаланганлик учун йиғим, отчопарларда пойгада қатнашганлик учун йиғим, отчопарларда ўтказилган пойгадаги ютуқ учун йиғим, биржалардаги олди-сотди битимларидан ундириладиган йиғимлар, кино ва телесуратга олишларни ўтказиш ҳуқуқини берувчи йиғимлар, аҳоли манзилгоҳлари ҳудудини супириб-сидириш учун йиғимлар жорий қилинди.

Бу турдаги солиқларни ундиришда айрим тармоқлар корхоналарининг хўжалик бирлашмалари йил давомида бюджет билан ҳисоб-китобларни ҳукуматнинг рухсати билан марказлаштирилган тарзда амалга ошириш, Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат жойига эга бўлган фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ташқарисидан натура тарзида олган даромадлари ҳам солиққа тортиш амалга киритилди. Бу босқичдаги солиқ сиёсатининг асосий хусусиятлари асосан фискалликка(кўпроқ солиқ ундириш) асосланган эди. Бу объектив иқтисодий зарурат бўлиб, унинг бир неча сабаблари мавжуд эди. Биринчидан, иқтисодий ислохотларнинг дастлабки йилларида иқтисодиётда аксарият корхоналар монопол мавқега эга бўлиб, уларнинг фаолиятини юқори солиққа тортиш механизми орқали субъектив омиллар(нархларнинг кескин ўсиши, маҳсулотга бўлган талабнинг юқорилиги, бошқа ўринбосар товарларнинг йўқлиги) эвазига олган даромадларини бюджетга кўпроқ ундиришни тақозо этарди, ваҳоланки, иқтисодий ҳолатнинг бундай шароитида бу энг мақбул йўл ҳисобланиши жаҳон амалиётидан ҳам маълум; иккинчидан, давлат кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошираётган бир даврда, шунингдек, бозор инфратузилмасини шакллантириш, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш зарурати юзасидан қўллаб қўшимча ваколатли органлар тизимини шакллантириш, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш учун давлат инвестиция дастурлари орқали янги корхоналарни барпо этиш бюджетга кўпроқ маблағларни жалб этилишини зарурат қилиб қўйган эди; учинчидан, ривожланган давлатлар тажрибасидан маълумки, иқтисодий таназзул даврларида солиқ юқини ҳаддан зиёд камайтириш ўзини оқламаган, қолаверса, давлат ички имкониятдан кўпроқ солиқ ундириш орқали бўлса ҳам максимал фойдаланмасдан, давлатнинг ташқи қарзлари эвазига муаммони ҳал этиш ҳозирда оғир аҳволга тушиб қолган бир қатор, ҳатто айрим қўшни давлатларнинг ҳолатига тушиб қолиш эҳтимолдан ҳоли эмас эди. Бу босқичдаги асосий жараёнлардан бири шу билан биргаликда параллел равишда молия органлари таркибида жорий қилинган солиқларни ундиришни амалга оширувчи алоҳида орган-солиқ хизмати органлари ташкил этилди. Бу борада дастлаб Молия вазирлиги қошида солиқларни ундириш билан шуғулланувчи алоҳида бошқарма шакллантирилган бўлса, 1992 йилда Вазирлар Маҳкамаси қошида Солиқ бош бошқармаси ташкил этилди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 18-январдаги "Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ Бош бошқармасини Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитасига айлантириш тўғрисида"ги ПФ-744-сонли Фармонида асосан Вазирлар Маҳкамаси қошида Солиқ бош бошқармаси негизда 1994 1 мартдан бошлаб Давлат Солиқ Қўмитасига айлантирилди.

*Иккинчи босқич.* Бу босқич даврийлиги жиҳатдан 1995-1998 йиллар оралиғида солиқ сиёсатининг ўзига хос жиҳатларини акс эттиради. Бу босқичда солиқ сиёсатидаги туб бурилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 30-ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасида

солиқларнинг рағбатлантирувчи аҳамиятини кучайтиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги ПФ-1014-сон Фармони катта аҳамият касб этди. Бу фармонга кўра юридик шахслардан олинадиган солиқ миқдорини камайтириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмларини кўпайтиришга, тадбиркорлик фаолиятини ва инвестиция фаоллигини кенгайтиришга, маблағлар айланишини жадаллаштиришга ва фойдани оширишга солиқларнинг рағбатлантирувчи таъсирини кучайтириш, табиий ресурслар ва мол-мулкдан олинадиган солиқлар улушини ошириш ҳисобига даромадлар таркибини такомиллаштириш ресурс ҳамда ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш самарадорлигига уларнинг таъсирини кучайтириш, маҳаллий бюджетларнинг даромад негизини мустаҳкамлаш ҳамда республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасида солиқларни чегаралаб қўйиш ҳисобига республиканинг давлат бюджетига маҳаллий бюджетларнинг салмоғини жиддий равишда ошириш, солиқ солиш механизмини мумкин қадар соддалаштириш ва солиқ тизимининг барқарорлигини таъминлаш каби солиқ сиёсатининг устувор йўналишлари белгилаб берилди. 1995 йилдан бошлаб эса кўшимча қиймат солиғининг миқдори 20 фоиздан 18 фоизгача пасайтирилди, корхоналарнинг даромад солиғи ўрнига фойдадан олинадиган солиқ жорий этилиб, унинг энг юқори миқдори 38 фоиз қилиб белгиланди, деҳқон (фермер) хўжаликлари, хусусий корхоналар, савдо корхоналари, хорижий инвестицияларга асосланган корхоналар учун амалдаги даромад солиғи тартиби ва солиқ имтиёзлари сақлаб қолинди. Шунингдек, фойдадан солиқ ундириб олиш чоғида маҳсулот ишлаб чиқариш (ишлар, хизматлар) ҳажми ўсишининг ҳар бир фоизи учун белгиланган солиқ миқдорига нисбатан 0,3 фоизли пункт миқдорига пасайтирувчи коэффициент қўлланилиши, баланс фойдасининг 30 фоиздан 50 фоизгача қисмидан ишлаб чиқаришни ривожлантиришда, уни қайта қуриш ва техника билан қайта қурулантиришда фойдаланилган тақдирда 5 фоизли пункт миқдорига, баланс фойдасининг 50 фоиздан кўпроқ қисмидан шу мақсадларда фойдаланилган тақдирда эса 10 фоизли пункт миқдорига пасайтирувчи коэффициентдан фойдаланиш белгиланди ва янги барпо этилган корхоналар учун солиқдан озод қилиш, шунингдек имтиёзлар беришнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинган ҳолда мулкчилик шаклларида қатъи назар, корхона ва ташкилотлар фойдадан уй-жой ва ижтимоий-маданий қурилишга сарфлаётган маблағларнинг 50 фоизи солиқ тўлашдан озод қилинадиган бўлди. Монополиячи корхоналар эса уларга белгиланган рентабеллик даражаси оширилишининг ҳар бир фоизига фойдадан олинадиган белгиланган солиқ миқдорига нисбатан 0,5 фоизли пункт миқдорига оширилувчи коэффициент жорий этилди. Шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиб кетиладиган хом ашё ресурслари ва маҳсулотдан олинадиган солиқ, фуқаролардан олинадиган даромад солиғи тўғрисидаги қонунни жамоа хўжалиқларининг аъзоларига нисбатан жорий этиб, уларнинг меҳнат ҳақи фондидан олинадиган солиқ, ўрмон хўжалигидан тушадиган даромадни олиб қўйиш тартиби бекор қилинди ҳамда

амортизация ажратмаларининг жами ҳажми корхоналарнинг тасарруфида қоладиган бўлди. 1995 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсати ва Давлат бюджетининг асосий кўрсаткичларини тасдиқлаш ҳуқуқи берилди. Солиқ сиёсатида табиий ресурслардан самарали фойдаланишни рағбатлантириш мақсадида улардан олинадиган солиқларнинг янги ставкаларини белгилаш, солиқ соҳасидаги имтиёзларни тартибга солиш, даромадларни маҳаллий бюджетлар фойдасига қайтадан тақсимлаш ва худудларнинг ривожланиш даражасига қараб умумдавлат солиқларидан ажратмаларнинг табақалаштирилган меъёрларини белгилаш, солиқ тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жарима тўлаш чораларини қўлланиш тартибига ўзгартириш киритиш масалаларига асосий эътибор қаратилди.

Республикамиз солиқ тизимида фискаликка асосланган солиқ сиёсатида аста секин солиқ тўловчиларнинг фаолиятини рағбатлантирувчи механизмга асосланган йўналишлар кучайиб борди. Бу борада Юртбошимизнинг “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” номли асарида иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичи яқунлари хусусида келтирган хулосалари мамлакатимиз иқтисодиётида барқарорликнинг таъминланганлигидан далолат бериб, бу шаклланаётган солиқ тизимимизда ва солиқ сиёсатида қўлланилаётган тактик йўналишларга кескин ўзгаришлар қилинишига тўртки бўлди, натижада эса, аксарият корхоналаримиз (банклар, шоу-бизнес корхоналаридан ташқари) даромад солиғи ўрнига фойда солиғини тўлашга ўтишди, бу эса ўз навбатида корхоналар томонидан бюджетга тўланаётган солиқ суммаларининг бир қисми уларнинг ихтиёрига қолишини таъминлади ва уларнинг молиявий ҳолатининг бир мунча яхшиланишига имкон яратди. Реал секторни бозор муносабатларига ўтказилиши уларга мос солиқ тизимини тақозо этади, бу солиқ ислохотлари натижасида юзага келади. Янги тизим бўш ерда пайдо бўлмайди. Шундан келиб чиқиб илгари мавжуд бўлган ва бозор муносабатларига мос келмайдиган оборот солиғи ўрнига қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи жорий этилди. Иқтисодий ислохотларнинг дастлабки йилларида солиқ ислохотлари асосан қуйидаги асосий йўналишларда борганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин:

- солиқларга оид янги қонунлар қабул қилиниши орқали солиққа тортиш ҳуқуқий асосга кўчирилди;
- янги солиқ институтлари шакллантирилди;
- эски солиқлар босқичма босқич янги солиқлар билан алмаштирилди;
- бозор талабига жавоб берувчи солиқ имтиёзлари киритилди;
- солиқлар нисбати ўзгартирилди, солиқ юки қайтадан тақсимланди;
- солиққа тортишнинг янги тартиблари жорий этилди;
- солиқ-бюджет сиёсати ўртасидаги яхлитлик таъминланди.

Бу босқичдаги солиқ сиёсатининг энг муҳим жиҳатлари бу мавжуд солиқ қонунчилиги иқтисодиётдаги юз бераётган таркибий ва сифат ўзгаришларини эътиборга олган ҳолда такомиллаштирилиб, мавжуд 4 та

солиқларни ўзида мужассам этган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ҳамда 1997 йил 27 августда қабул қилган давлат солиқ хизмати органларининг фаолиятининг асосларини белгилаб берувчи "Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ хизмати тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши бўлди.

*Учинчи босқич.* Учинчи босқич 1998-2008 йилларгача муддатни ўз ичига олиб, унинг асосий хусусияти иккинчи босқичда бошланган солиқларнинг рағбатлантурувчилик ролининг оширилиши, солиққа тортиш тартибларининг соддалаштирилиши ҳамда солиқ қонунчилигининг такомиллаштирилиб борилиши билан тавсифланади. Республикамиз солиқ тизимининг ривожланиб боришидаги яна бир муҳим жиҳатларидан бири сифатида солиқ турлари сонини камайтириб бориш ҳамда бир хил ёки ўхшаш солиқ объектига эга солиқларни унификациялаш (бирхиллаштириш) жараёнини алоҳида кўрсатиш жоиз. Бир хил солиқ объектига эга солиқ турлари унификация қилиниб борилмоқда. Маҳаллий бюджетларга бириктирилган ободонлаштириш учун йиғим ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бирхиллаштирилди, яъни улар ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғига бириктирилди. Жисмоний шахслардан олинadиган транспорт солиғи мол-мулк солиғи объектига киритилди, кейинчалик эса жисмоний шахсларнинг транспортдан олинadиган мол-мулк солиғидан транспорт воситалари солиқ объектидан чиқарилиб, жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинadиган солиқ билан бирхиллаштирилди. Бу борада Президентимиз таъкидлаганидек, "...амалга оширган яна бир муҳим тадбиримиз-солиқ юқини енгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш бўйича хўжалик тузилмаларини қўллаб-қўвватлаш мақсадида қўшимча чоралар кўрилганидир".<sup>110</sup>

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган ва 1998 йилдан бошлаб кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси қабул қилиниши билан илгари мавжуд бўлган 20 га яқин солиқ турлари 11 та солиққа, 15дан ортик турли хил йиғим ва тўловлар 9 тага бириктирилди ва яна ўзига хос бўлган ҳам солиқни ҳам йиғимларни ўзида акс эттирган-ягона солиқ тўловига улар унификация қилинди ва ихчамлаштирилди. Бу даврда солиқ сиёсатидаги энг муҳим йўналишлардан бири бу кичик бизнес субъектларига нисбатан алоҳида тартибдаги рағбатлантурувчи солиққа тортиш тартибларининг қўлланиши бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 9 апрелдаги ПФ-1987-сонли Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 апрелдаги Солиқ солишнинг соддалаштирилган

<sup>110</sup> Асосий вазифамиз-ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир/ И.А.Каримов.-тошкент.: "Ўзбекистон", 2010. 41-бет.

тизимига ўтган кичик корхоналарга солиқ солиш тартиби тўғрисида"ги 159-сон қарорига <sup>111</sup> асосан кичик корхоналар учун солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллаш тартибиялпи умумдавлат солиқларини, шунингдек, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари томонидан жорий этиладиган маҳаллий солиқлар ва йиғимларни тўлаш ўрнига ягона солиқ тўлашни назарда тутди. Бу даврда солиқ сиёсатининг муҳим йўналишларида солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юқи ва солиқ ставкаларининг босқичма-босқич камайтирилиб борилди.

Бу даврда солиқ сиёсатининг муҳим тактикаларидан бири сифатида солиққа оид текширувларнинг эркинлаштирилиши ва қисқартирилишига устуворлик берилди бошланди. Бу йилларда республикада тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашувларни чеклаш, уларнинг фаолият юритишлари учун ҳар томонлама қулай шароитлар яратиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Шу ўринда тадбиркорлик субъектларида ўтказиладиган текширишлар тизимини янада такомиллаштириш(соддалаштириш ва қисқартиш)да Ўзбекистон Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3619-сон қарорига мувофиқ тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) фақат давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади. Бу соҳада Республикамиз Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3619-сон, «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3665-сон ҳамда «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги ПФ-4058-сонли фармонлари ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Юқоридаги ҳужжатларга мувофиқ, тадбиркорлик субъектларига нисбатан бир қатор ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш фақат суд орқали амалга оширилиши, текшириш (тафтиш қилиш) ваколатига эга бўлган назорат органларининг аниқ рўйхати ҳамда режали текширишлар даврийлиги қатъий белгилаб қўйилди.

*Тўртинчи босқич.* Солиқ сиёсатининг охириги даврлардаги йўналишларини акс эттирувчи тўртинчи босқич 2008 йилдан то ҳозиргикунга қадар даврларни ўз ичига олиб, унинг хусусиятлари иккинчи босқичдан бошлаб солиқларнинг рағбатлантурувчилик ролини ошириб

<sup>111</sup>Ушбу қарорЎзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги 244-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроеқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»гикарорига асосан бекор қилинган.

боришга қаратилган тактикалар кучайтирилиши ва уларнинг такомиллаштирилиб борилиши, солиқ преференцияларининг оширилиши, миллий иқтисодиётда алоҳида олинган солиққа тортиш режими (махсус иқтисодий зоналар)ни кучайтирилиши, хорижий инвестицияларини жалб қилиш, банкларнинг инвестицион ва капиталлашувни оширишда солиқларнинг таъсирини имтиёзлар орқали ошириш, миллий иқтисодиётда рақобатбардошликни оширишда солиқларнинг ролини ошириш, Маҳаллийлаштириш Дастурлари ва алоҳида олинган соҳаларни ривожлантиришда солиқ имтиёзларининг кучайтирилиши ҳамда солиқ маъмурчилигини соддалаштириш (такомиллаштириш)ни кучайтириш ва шу каби йўналишларда кўринадди. Бунинг асослари сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йилда қабул қилинган "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги ва "Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонларига асосан Жаҳон молия-иқтисодий кризисининг салбий оқибатларини бартараф этиш, иқтисодиёт реал сектори базавий тармоқларининг иқтисодий ўсиши барқарор суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги ҳамда барқарор ишлашини таъминлаш, аҳоли бандлигига қўмаклашиш, экспорт қилувчилар, саноатнинг етакчи тармоқлари корхоналари ҳамда кичик бизнесни аниқ манзилли қўллаб-қувватлаш мақсадида кенг солиқ имтиёзлари белгиланди.

Маҳаллийлаштириш Давлат дастурига киритилган корхоналарни, шунингдек, ушбу турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналарга солиқ имтиёзлари орқали рағбатлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 январдаги 1048-сонли қарори билан тасдиқланган Маҳаллийлаштиришнинг давлат Дастури алоҳида аҳамият касб этади. Мамлакатимиздаги енгил ва озик-овқат саноатининг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналари, шунингдек, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурида иштирок этаётган корхоналар учун кенг қўламли қўшимча солиқ ва божхона имтиёзлари берилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 26 мартдаги "Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-1731-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги ПФ-4434-сонли "Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони 2014 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4609-сонли Фармонларида солиқлар бўйича солиқ имтиёзлари ва преференциялар жорий қилинди.

Бундан ташқари бу босқичда солиқ сиёсати тактикаларида хорижий инвестицияларни жалб қилинишини солиқлар орқали рағбатлантиришга йўналишлари кучайтирилиб борилди. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар, имтиёзлар ва афзалликлар тизими қўлами янада кенгайтирилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сон Фармонида кўзда тутилган солиқ имтиёзлари авваллари 8 та тармоқ фаолиятига тегишли бўлган бўлса, ушбу Фармон билан 2012 йилнинг II-чорагидан бошлаб, хорижий инвестициялар учун имтиёзлар 20 та йўналишдаги иқтисодиёт тармоқларида фаолият юритаётган чет эл инвестиция иштирокидаги корхоналарга татбиқ этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги ПФ-4434-сонли "Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида кўра хорижий инвесторнинг пул шаклидаги улуши

5 миллион АҚШ долларида кам бўлмаган янгидан ташкил этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб 10 йил мобайнида солиқ қонунчилигида ўзгаришлар юз берган ҳолларда, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, мол-мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона ижтимоий тўлов, ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашнинг мазкур корхоналар давлат рўйхатидан ўтиш санасида амал қилган меъёрлари ва қоидаларини қўллашга ақли эканликлари белгилаб берилди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқаруви корхоналарнинг экспорт салоҳиятини янада оширишни рағбатлантириш қўлами янада оширилди. Шу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 26 мартдаги "Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-1731-сон Қарори қабул қилиниб, ушбу қарорга мувофиқ микрофирмалар ва кичик корхоналарга сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш, маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини сертификациядан ўтказиш, шунингдек лаборатория тестлари ва синовларини ўтказиш комплексларини харид қилишга йўналтириладиган маблағларга янги технологик ускуналарни сотиб олишда назарда тутилган ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солинадиган базани камайтириш ҳукуқи берилди.

Тадбиркорлик субъектларини молия-кредит механизмлари орқали қўллаб-қувватлашнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида уларнинг фаолиятига солиқ ва бошқа соҳадаги текширувларни қисқартириш ҳамда улар томонидан солиқ ва бошқа тусдаги ҳисоботларни топшириш тартиб таомиллари соддалаштирилди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги «Статистик, солиқ, молиявий


ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4453-сонли ва 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4455-сонли Фармонлари билан солиқ ҳисоботларининг сони қисқатирилди, уларни топшириш даврийлиги узайтирилди ҳамда турли хил йиғимлар бекор қилинди ёки камайтирилганлигидир. 2012 йилнинг 1 августидан лицензияланадиган фаолият турларининг 15 таси (уларнинг умумий миқдорига нисбатан 20 фоиз), шу жумладан, уларни бекор қилиш ва бирлаштириш йўли билан қисқартирилди. Хусусан, қимматбаҳо металл ва тошлардан заргарлик буюмларини тайёрлаш, аудиовизуал асарларни, фонограммалар ва ЭХМ учун яратилган дастурлар учун моддий жисмларни ишлаб чиқариш, ички ва халқаро ҳаво йўналишларида йўловчилар ва юк ташишни амалга ошириш ва бошқа фаолият турларини лицензиялаш бекор қилинди. Шу билан бирга айрим фаолият турлари ягона лицензияланадиган фаолият турига бирлаштирилди. Шунингдек, 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб 80 турдаги рухсат бериш тартиб-таомиллари (уларнинг умумий миқдорига нисбатан 26 фоиз) бекор қилинди.

Солиқ сиёсатида хизмат кўрсатиш соҳасидаги ва оилавий тадбиркорлик субъектларини рағбатлантиришга кенг эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги “2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги ПҚ-1754-сонли қарорига қарорига мувофиқ, молия-банк, маиший ва бошқа хизмат турларини кўрсатувчи микрофирма ва кичик корхоналар 2017 йил 1 январигача фойда солиғи ва ягона солиқ тўловини тўлашдан озод қилинди. Шунингдек, 2012 йилнинг II чорагидан бошлаб агар имтиёзлар берилган хизмат турларини кўрсатишдан тушган тушум умумий тушум ҳажмида 80 ва ундан юқори фоизни ташкил этса, фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича имтиёзлар микрофирма ва кичик корхоналарнинг барча даромадларига татбиқ этилди. Оилавий бизнесни юритишга кенг йўл очиб бериш мақсадида оилавий корхоналар ўзи ишлаб чиқарган халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини реализация қилишдан олинган тушум бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан 2014 йил 1 январгача озод қилинди.

Албатта ҳар бир давлатнинг солиқ сиёсати стратегияси умумий омиллар билан биргаликда миллий иқтисодийнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, унинг белгиланиши ва ўзгагиришига таъсир этувчи омиллар ҳам мавжуд бўлади. Халқаро миқёсда ўзаро сиёсий- иқтисодий муносабатларнинг йўналишлари, миллий иқтисодий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси, иқтисодийта амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар йўналиши ва мазмуни ҳамда мамлакат

миқёсида махсус иқтисодий дастурларнинг амалга оширилиши каби омиллар давлатнинг солиқ сиёсати стратегиясининг ўзгагиришига таъсир

этади. Жаҳон амалиётида солиқ сиёсати стратегиясининг ўзгагиришига сиёсий ҳолатлар, масалан, ҳукумат ёки парламентда кўпчилик овозга эга бўлган партиянинг иқтисодий платформасидаги устувор йўналишлар солиқ сиёсатининг стратегиясининг асоси қилиб олиниши мумкин.



#### 28- расм. Солиқ сиёсати стратегиясига таъсир этувчи омиллар.

Солиқ сиёсатининг тузилиши ва йўналиши жиҳатдан муҳим таркибини солиқ тактикалари ташкил этади. Тактика ҳам категория сифатида худди стратегия каби грек тилидан олинган бўлиб, "тактикός-кўшиннинг тузилиши, тўқ-тузилиш ва жойлашиш" деган маъноларни бериб, ҳарбий соҳага тегишли термин сифатида, кейинчалик эса давлатнинг ҳар қандай сиёсатининг тузилиши ва йўналишини ифодалашда қўлланила бошланган. Солиқ сиёсатининг тактикаси деганда эса солиқ сиёсати ва унинг стратегиясида мақсад қилиб белгиланган вазифаларни амалга ошириш жараёнида ўзаро боғлиқ ҳолда қўлланиладиган усул ва воситаларнинг йиғиндисидир. Содда қилиб айтганда солиқ сиёсати стратегиясида белгилаб қўйилган мақсадга осон ва қулай эришишнинг йўллари дидир. Бундан кўринадики солиқ сиёсатининг тактикалари <sup>112</sup> усуллар ва воситалардан ташкил топганлиги туфайли ҳар бир давлат солиқ сиёсатида уларнинг энг қулай ва самарали шаклларини қўллаши давлатнинг солиқ сиёсатини амалга оширувчи ваколатли органларнинг фаолиятига боғлиқ бўлади. Солиқ сиёсати тактикалари амалиётда қўлланилиши уларнинг самарали ёки самарасиз эканлигини кўрсатиб беради. Шу билан биргаликда тактик усуллар ёки воситалар тузилиши ва мазмунан самарали бўлсада, аммо уни қўллашдаги хатоликлар, гарчи усул ёки воситалар мазмунан ижобий бўлсада, натижа самарасиз ҳам бўлиши мумкин. Бу эса солиқ сиёсатининг тактикаларини назарий ва амалий жиҳатдан фарқлашни кўрсатади. Маълум давлат ёки ҳудудда самара берган тактик усуллар бошқа бир жойда самара бермаслиги ҳам мумкин, демак, солиқ сиёсати тактикалари иқтисодийнинг ҳолати ва

<sup>112</sup> Солиқ сиёсати тактикасини изоҳлашда ушбу терминни доим кўплик маъносида ишлатиш мақсадга

мувофик, сиёсатда битта тактика бўлиши унинг мазмунини йўқотади.

## 10-БОБ. СОЛИҚ ТИЗИМИ

### 10.1. Солиқ тизимининг иқтисодий моҳияти ва унинг таркиби

даврийлигини(қайси дарвда қўлланилганлигини) ҳам эътиборга олишни талаб этади. Алоҳида олинган миллий иқтисодиётда ислохотларнинг дастлабки даврида қўлланилган тактик йўналишлар, маълум бир муддатда самарасиз бўлиб қолиши, ёки аксинча, маълум бир муддатда қўлланилиб, кейинчалик воз кечилган усуллар, ривожланишнинг кейинги даврларида янада талаб этилиши ёки самарали усулга айланиши мумкин. Бундай усуллар(тактик йўналишлар) қаторига прогрессив солиққа тортиш усулини мисол қилиб келтириш мумкин. Прогрессив солиққа тортиш иқтисодиётда тушқунлик (таназул) кузатилаётган вақтда самара бериши жаҳон амалиётида (Кейнснинг солиққа тортиш назариясининг АҚШ иқтисодиётидаги кризисдан кутулишдаги аҳамиятни эсланг) исботланган. Шунингдек, иқтисодиёт ривожланиб, унда жамғаришнинг кучайиб, инвестицияга айланишнинг секинлашиши орқали иқтисодиётга салбий таъсирини камайтириш мақсадида прогрессив солиққа тортиш тактикаси яна самара беради. Шу жиҳатдан олганда солиқ сиёсатининг тактикаларининг самара бериши уларнинг даврийлик ва иқтисодиётнинг ҳолати жиҳатдан қўлланишига боғлиқлигини билдиради. Солиқ стратегияси сингари солиқ сиёсати тактикаларининг ўзгартрилишига маълум бир омиллар таъсир этиб боради.

#### Таянч сўз ва иборалар:


*Сиёсат, солиқ сиёсати, солиқ сиёсати шакллари, солиқ сиёсати стратегияси, солиқ сиёсати тактикаси, ваколатли органлар, солиқ сиёсати концепцияси, солиқ сиёсати тактикасига таъсир этувчи омиллар, дескрицияли солиқ сиёсати, нодескрицияли солиқ сиёсати, солиқ сиёсати йўналишлари.*

#### Назорат учун савол ва топшириқлар:

1. Солиқ сиёсати деганда нима тушунилади?
2. Солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш тамойилларини изоҳлаб беринг.
3. Солиқ сиёсати стратегиясининг моҳиятини тушунтириб беринг ва унга таъсир этувчи омилларни санаб беринг.
4. Солиқ сиёсати тактикаси нима? У қандай амалга оширилади?
5. Солиқ сиёсати концепциясининг моҳиятини тушунтириб беринг.
6. Дескрицияли ва нодескрицияли солиқ сиёсатининг қўлланилиш ҳолатларини тушунтириб беринг.
7. Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатининг стратегик ва тактик йўналишларини изоҳлаб беринг.
8. Солиқ сиёсатини амалга оширишда давлат ҳокимияти шакллариининг иштирокини изоҳлаб беринг. объекти нима? Солиқ объектларининг таркиби нималардан иборат?
9. Солиқ сиёсатини амалга оширишда Давлат солиқ хизмати органларининг иштирокини тушунтириб беринг.
10. Солиқ сиёсатида ваколатли органларнинг фаолияти қандай мувофиқлаштирилади?

Иқтисодиётда амал қиладиган ҳар қандай муносабат тизим шаклида амал қилади. Тизим бу муносабатлар ички элементларининг ўзаро боғлиқ, бир-бирини тўлдирган шаклда амал қилишини билдиради. Тизими бу грек тилидан олинган бўлиб, "συστήμα — бутунлик, қисмлардан иборат, бирлашиш " деган маънони беради. Тизимнинг асосий шарти бу унинг элементларининг икки ва ундан кўп бўлиши ва уларнинг ўзаро боғлиқ ҳолда тизимнинг фаолиятини таъминлашдан иборат. Шунинг учун ҳам тизим бош категория ва муносабат сифатида мавжуд бўлиб, унинг элементларининг ҳар бирининг ўзи ҳам тизими сифатида амал қилади. Масалан, солиқ тизимининг элементи ҳисобланган солиқ сиёсати стратегия, тактикалар ва концепция каби элементларни қамраб олган бўлиб, солиқ сиёсатининг ўзи ҳам унинг элементлари ҳам тизим сифатида мавжуд бўлади. Солиқ сиёсатининг элементи бўлган стратегия ишлаб чиқилиш, амалга оширилиш, такомиллаштириш каби элементлардан ташкил топади. Демак, бирон бир жараённи тизим сифатида ўрганиш биринчидан ўша тизимнинг моҳиятини диалектик тушунишга ёрдам беради, иккинчидан унинг турли қирраларининг ўзаро боғлиқлигининг даражаси аниқланади ва ҳар бир элементнинг тизимни шакллантириш ва унинг амал қилишидаги роли очиб берилади, тизимнинг ривожланишига тўсик бўлаётган жараёнларни аниқлашга имконият туғдиради, учинчидан эса, тизимий асосда тадқиқ қилиш(ўрганиш) тадқиқотнинг трли хил методларини қўллаш орқали объектив натижалар олишга шароит туғдиради. Солиқ категориясининг кенг муносабатларни қамраб олиши унинг тизим шаклида амал қилишининг мураккаблигини билдиради. Тизим тушунчаси муносабатларни изоҳлашда бош категория сифатида уйғунлаштирувчи вазифани ўтайди ва шу туфайли ҳам тизим таркибига кирувчи барча элементларни битта жойга тўплайди. Солиқ тизимининг моҳиятини тўлароқ англаш учун аввало унинг таркибий тузилишини аниқлаб олиш лозим бўлади ва у куйидаги таркиб(элементлар)га эга(-расм). Куйида келтирилган расмдан кўринадики, солиқ тизими асосан йирик тўрт элементлар: солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар; солиқ механизми; солиқ сиёсати; солиқ менежменти кабилардан ташкил топади. Ўз навбатида ҳар бир йирик элементларнинг ўзи ҳам яна элементларга бўлинган ҳолда тизимлашиш жараёни давом этади. Шунингдек, ушбу элементлар ўзаро бир-бирига боғланган бўлади. Масалан, солиқлар ва йиғимлар мавжуд бўлмаса, солиқ тизимининг бошқа элементларининг моҳияти йўқолади ва улар амал қилмайди, ўз навбатида солиқ сиёсати элементи бўлмаса, солиқларни жорий этиш амалга оширилмайди ва солиқ менежментига ҳам ҳожат қолмайди, агар солиқлар жорий қилинмаса уларнинг ундиришга хизмат қилувчи солиқ элементлари ва солиқларни ундириш усулларининг объекти йўқолади. Шу жиҳатдан олганда солиқ тизимининг элементлари ўзаро бир-бирига боғлиқ ва бир-бирини тўлдириб туради.






**28-расм. Солиқ тизими ва унинг таркиби(элементлари).**

Ушбуларга асослананиб солиқ тизимига таъриф берилadиган бўлсак, *солиқ тизими солиқларнинг жамиятда амал қилиши билан боғлиқ барча муносабатларни ўзида акс эттирувчи элементларнинг ўзаро боғлиқ ҳолда бир-бирини тўлдириш тартибида амал қилиш жараёнидир.*

Аввалги бобларда қайд қилинганидек, ҳар қандай жараён ва ҳодиса маълум бир тамойиллар асосида амал қилади. Солиқлар ва солиққа тортиш тамойиллари бу солиқларни жорий этиш ва уни ундириш борасидаги умумий

йўллари кўрсатиб беради. Шу билан биргаликда солиқ тизимининг тамойили мавжуд бўлиб, қуйидаги тамойилларга асосланади: Ўзаро боғлиқлик тамойили. Солиқ тизимининг бу тамойили унинг барча элементларининг бир-бирига боғлиқ ҳолда ривожланишини ва бирининг таъсири албатта таъсир кучига эгаллиги билдиради. Масалан, солиқ менежментда солиқ маъмурчилиги жиддийлашса солиқ механизми ва бошқа элементларига тез таъсир қилади. Кейинги тамойили бу бир-бирини тўлдириш тамойили бўлиб, бунинг биринчи тамойилдан фарқи шундаки, солиқ тизимининг бир элементининг сусайиши (сусайтирилиши, камайтирилиши) ёки оширилиши бошқа элементлар орқали мувофиқлаштирилади. Олайлик солиқ механизмида солиқ ундириш усуллари такомиллаштирилиб, солиқ тўловчилардан солиқларни ундиришнинг янги методлари қўлланилса, у солиқ маъмурчилиги орқали тўлдирилади, ёки янги турдаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар жорий қилинса, уни ундириш тартиби эса солиқ механизми билан тўлдирилади. Агар, солиқларни ундириш механизмларида депсиниш сезилса, бундай жараён солиқ сиёсати ва солиқ бошқарувини такомиллаштириш орқали ҳал қилинади. Бу ерда кўринадики, солиқ тизимининг бир элементидаги бўлиқ бошқа элементлари орқали тўлдирилади ёки бартараф этилади. Солиқ тизими шунингдек, мослашувчанлик тамойилига ҳам амал қилади.

Бунинг моҳияти шундаки, солиқ тизимининг элементлари догматик тарзда бўлмайди ва улар жамият ва унинг иқтисодий жабҳасидаги жараёнларга мослашиб боради. Агар, иқтисодиётда депсиниш, пасайиш ва инқирозлар кузатилса, у ҳолда солиқ сиёсати ва солиқ менежментда ўзгарувчанлик кучайиши талаб этилиб, солиқ тизимининг ушбу элементлари иқтисодий ҳолатга мослашган ҳолда амал қилиши талаб этилади, ўз навбатида бундай мослашувчанлик бошқа элементларга ҳам маълум даражада таъсир қилади. Солиқ тизимининг яна муҳим тамойиллари қаторига нисбий устунлик тамойилини ҳам қиради. Бу тамойилнинг моҳиятишундаки, солиқ тизимининг элементлари ичида солиқ сиёсати бошқа элементларнинг фаолиятини ва ривожланиш йўналишларини аниқлашда бирмунча устунликка эга бўлади. Яъни, солиқ сиёсати асосий таъсир кучига эга тарзда мавжуд бўлади. Бу ерда нисбий устунлик солиқ сиёсатига нисбатан қўлланилади. Агар, солиқ сиёсати асосий элемент сифатида амал қилмаса, бошқа элементларнинг фаолиятининг самараси тушиб кетади. Шу боисдан ҳам солиқ тизимининг яхлит ҳолда амал қилиши солиқ сиёсати элементининг нисбий усунлигига асосланишини тақозо этади. Қайд қилинганлардан кўринадики, солиқ тизимининг ўзига хос тамойиллари унингички мазмун-моҳиятидан келиб чиқади



**29-расм. Солиқ тизимининг ташкилий асослари.**

Солиқ тизими ўз-ўзидан юзага чиқмайди. У маълум бир ташкилий тизимга ҳам эга бўлади. Унинг ташкилий тизими аввало давлат фаолияти орқали юзага чиқади. Давлат иқтисодий функциясини бажаришда солиқ тизимини шакллантиради, аммо солиқларнинг барча жараёнлари ҳам давлат фаолияти билан боғлиқ бўлмайди. Бунда иқтисодиётдаги қонунлар ҳам муҳим роль ўйнайди. Солиқларнинг жорий қилиниши давлат томонидан амалга оширилсада уларнинг йўналишларида иқтисодий қонунлар ҳам ўз таъсирига эга, шу боисдан солиқ тизимида бундай қонунлар ташкилий аҳамиятга ҳам эга бўлади. Иқтисодий қонунлар солиқларнинг амал қилиши жараёнига таъсир қилиб, солиқ тизимининг элементларида ўртасидаги алоқаларни ўзгартириб туради. Агар, давлат солиқларни эркинлаштирсин (солиқлар орқали иқтисодиётга таъсирини сусайтирсин) иқтисодий қонунлар иқтисодиётдаги талаб ва таклиф, истеъмол ва жамғарилиш, нарх ва бозор мувозанати, эгри ва тўғри солиқлар ўртасидаги нисбатларни стихиялашувига олиб келади, натижада эса солиқ тизимининг элементлари ўртасидаги узвий боғлиқликка путур етиб, уларнинг ташкилий асосларида ўзгариш содир бўлади. Бу эса юқорида солиқ тизимининг солиқ сиёсати элементининг нисбий устунлик тамойилининг афзалликларини тасдиқлайди.

Солиқ тизимини ташкилий асосларида давлат иқтисодий қонунларнинг салбий таъсирини мувофиқлаштирилиб туришини тақозо этади. Албатта, солиқ тизимининг ташкилий жиҳатларида ташқи омилларнинг ҳам аҳамияти бор. Ташқи омиллар деганда мамлакатдаги сиёсий тузум, иқтисодий тизимнинг шакли (тоталитар, аралаш, анъанавий), мулкчилик муносабатлари, миллий иқтисодиётда табиий ресурсларга боғлиқлик даражаси (масалан, араб давлатлари билан Япония давлатининг солиқ тизимидаги ташкилий асосларнинг фарқлинишида ушбу омил асосий роль ўйнайди), табиий иқлим шароити ва шу қабилар қиради. Дунё амалиётида асосий даромади туризмдан шаклландиган ҳудудлар ва давлат бюджетда углеводлар (ёқилғилар)дан тушумлар катта улушни эгаллайдиган ҳудудлардаги солиқ тизимининг ташкилий механизмларида турлича фарқ юзага келиши табиий. Бундай ҳолларда давлат тузлиши, иқтисодий тизим ва иқтисодий қонунлар қандай амал қилишидан қатъий назар ташқи омилларнинг роли катта бўлади. Демак,

ҳар бир давлатнинг солиқ тизими ўзига хос тарзда шаклланади. Солиқ тизимининг элементлари эса аксарият давлатларда бир хил шаклда шакллансада, аммо, уларнинг амал қилиши ва ташкилий асосларининг хусусиятлари фарқланади. Ҳозирги замон цивилизацияси шароитида барча давлатларда солиқ тизимида юқорида қайд қилинган 4 та элемент (солиқлар ва мажбурий тўловлар, солиқ сиёсати, солиқ механизми ва солиқ менежменти) мавжуд бўлиб, уларнинг ҳолати ва қўлланилиши албатта юқорида таъкидлаб ўтилган ҳолат ва жараёнларга боғлиқ бўлади.

## **10.2. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг гуруҳланиши**

Солиқларнинг иқтисодий моҳияти, унинг юзага келиш шарт-шароитлари, уларнинг белгилари, функциялари ва вазифалари асосида очиб берилади. Жорий қилинган солиқларни маълум бир гуруҳларга бўлган ҳолда ўрганиш уларни гуруҳий ҳолдаги моҳиятини ёритишга хизмат қилади, шу билан биргаликда уларнинг ўзаро яқин хусусиятлари маълум бўлади, уларнинг бюджетни шакллантиришдаги ҳамда иқтисодиётда тутган ўрнига баҳо беришга имкон туғилади. Одатда солиқларга бюджетга бириктирилишига қараб *умумдавлат солиқлари ва маҳаллий солиқларга* бўлинади. Умумдавлат солиқлари моҳияти жиҳатидан Республика бюджетининг даромад манбаи бўлиб хизмат қилади. Солиқ кодекси (23-моддаси)га мувофиқ умумдавлат солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларига қуйидагилар қиради:

### *Солиқлар:*

- юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи;
- жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи;
- қўшилган қиймат солиғи;
- акциз солиғи;

ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар (ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, қўшимча фойда солиғи, бонус (имзоли ва тижоратбоп топилма бонуслар);

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.

### *Бошқа мажбурий тўловлар:*

- ягона ижтимоий тўлов;
- фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари;
- бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар;
- Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар;
- Республика йўл жамғармасига йиғимлар;
- бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар;
- давлат божи;
- божхона тўловлари.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси(51-моддаси)да давлат бюджетнинг умумдавлат йиғимлари(бошқа мажбурий тўловлари) ҳамда Республика бюджетининг бошқа даромадлари сифатида махсулот тақсимотига оид битимлар бўйича фойда келтирадиган махсулотдаги давлат улуши, Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига йўналтириладиган, йиғимлар, товон пуллари, компенсация тўловлари ва жарима санкциялари, давлат активларини жойлаштириш, фойдаланишга бериш ва сотишдан белгиланган нормативлар бўйича олинган даромадлар, мерос, ҳада ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтказилган пул маблағлари, юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет давлатлардан тушган қайтарилмайдиган пул тушумлари, резидент-юридик шахсларга берилган бюджет ссудаларини, чет давлатларга берилган кредитларни тўлаш ҳисобидан тўловлар, акцияларнинг давлат улуши (пайи) бўйича дивидендлар (даромадлар), мобиль алоқа хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўлов, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фойдаси ва шу кабилар белгилаб қўйилган бўлиб, буларнинг айримлар солиқлар ва мажбурий тўловларни ифодаламайди.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимларга эса қуйидагилар киради:

*Солиқлар:*

мол-мулк солиғи(юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган);

ер солиғи(юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган);

ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;

транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ;

ягона солиқ тўлови<sup>113</sup>;

ягона ер солиғи;

тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ.

*Бошқа мажбурий тўловлар:*

айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим;

бозорлардан тушадиган даромадлар.

Шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси(52-моддаси)га мувофиқ, давлат бюджетнинг маҳаллий йиғимлари(бошқа мажбурий тўловлари) ҳамда маҳаллий бюджетларнинг бошқа даромадларига юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет давлатлардан тушган қайтарилмайдиган пул тушумлари, давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар, давлат активларини жойлаштиришдан, фойдаланишга беришдан ва сотишдан белгиланган

нормативлар бўйича олинган даромадлар, қонун ҳужжатларига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига йўналтириладиган давлат божлари, йиғимлар, товон пуллари ва жарима санкциялари, эгасиз мол-мулкни, мерос ҳуқуқи бўйича давлат ихтиёрига ўтган мол-мулкни, ҳуқуқ бўйича давлат даромадига ўтказилиши лозим бўлган хазиналарни реализация қилишдан тушган тушумлар ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа даромадлар киради.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (100-моддаси), Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни (24-моддаси)га мувофиқ Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари томонидан маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш, маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ставкаларини қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорлар доирасида белгилаш каби ваколатлари белгилаб берилган бўлиб, бунга қўра ушбу ҳокимликлар ўз ҳудудларида Солиқ кодексида белгилаб қўйилганлардан ташқари маҳаллий солиқлар ва йиғимларни жорий қилиши мумкин.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг бундай гуруҳланиши ҳам иқтисодий ҳам ҳуқуқий асосга эга бўлиб, солиқларнинг бу тартибда гуруҳланиши аввало давлат бюджетининг тузилишидан келиб чиқади. Унитар давлатларда бюджет тузилиши одатда икки поғанадан(Республика ва маҳаллий бюджетлар) иборат бўлиб, унга мувофиқ солиқлар ҳам бюджетга бириктирилиши жиҳатидан республика ва маҳаллий миқёсида гуруҳланади.

Масалан Франция, Буюк Британия, Швеция каби давлатларда бюджет тузилишига мос ҳолда солиқлар ҳам икки поғона асосида ундирилади. Федератив тузилмага эга бўлган давлатлар Масалан Россия, АҚШ, Германия, Канада ва шу каби давлатларда бюджет тузилиши федерализмга асосланган бўлиб, унга мувофиқ солиқлар ҳам федерал, ҳудудий(федерация субъектлари,штатлар) ва маҳаллий(муниципал) солиқларга бўлинади.

Давлат бюджетига кирувчи бюджетлардан харажатларни амалга ошириш тартиб ва механизмлари бюджетларга бириктирилган солиқларнинг тегишли бюджетларнинг харажатларини қоплаш имкониятларининг фарқланишини келтириб чиқаради. Давлат бунда ўзининг молиявий (бюджет) сиёсати орқали солиқларнинг бюджетларнинг молиявий ресурсларини шакллантиришдаги фарқли имкониятларини тартибга солиши солиқларнинг бириктирилган ва тартибга солувчи гуруҳларга бўлинишига асос бўлади. Бириктирилган солиқлар бу маҳаллий бюджетларга қонун асосида бириктирилган ҳамда уларнинг ўзларининг(маҳаллий ҳокимиятларнинг) молиявий ҳуқуқлари асосида жорий қилган солиқлари ва йиғим(тўлов)ларидан иборат бўлади. Бириктирилган солиқлар(йиғимлар) дан тушадиган даромадлар билан маҳаллий бюджетларнинг харажатлари

<sup>113</sup>Аммо, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 51-моддасида умумдавлат солиқлари сифатида эътироф этилган. Моҳияти жиҳатидан ягона солиқ тўлови маҳаллий солиқлар ҳисобланиб, маълум бир қисми республика бюджетга ажратма қилинади.

Ўртасидаги фарқни қоплашнинг зарурлиги умумдават солиқларининг баъзилари тартибга солувчи сифатида солиқларга айланади. Ўзбекистонда солиқларнинг бундай гуруҳланиши асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 30 ноябрдаги Ўзбекистон Республикасида солиқларнинг рағбатлантирувчи аҳамиятини кучайтиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги ПФ-1014-сонли Фармонида асосан 1995 йилги Давлат бюджетининг асосий кўрсаткичларини тасдиқлашда даромадларни маҳаллий бюджетлар фойдасига қайтадан тақсимлаш ва худудларнинг ривожланиш даражасига қараб умумдават солиқларидан ажратмаларнинг табақалаштирилган меъёрларини белгилаш тартиби киритилиши билан амалга оширилиб келинмоқда. Ҳозирги кунда Бюджет кодексига мувофиқ бириктирилган солиқлар қаторига қуйидагилар кирилади:

юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;

- ягона солиқ тўлови;
- жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
- тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ;
- қўшилган қиймат солиғи;
- акциз солиғи;
- ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;
- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.

Кейинги йиллардан бошлаб, минтақаларнинг ўзини-ўзи молиявий таъминлаш даражасини ошириш, давлат бошқаруви органларининг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатларини шакллантиришдаги роли, мустақиллиги ва масъулиятини ошириш, маҳаллий бюджетларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидagi улушини кўпайтириш мақсадидасув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг тадбиркорлик фаолияти айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ, якка тартибдаги тадбиркорлардан олинадиган қатъий белгиланган солиқ, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган пиво ва ўсимлик ёғига акциз солиғи, чакана савдо тармоқларида сотиладиган олтиндан ясалган заргарлик буюмларига акциз солиғи, мобил алоқа хизматини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўловнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига йўналтириладиган қисми, (абонентнинг рўйхатга олинган жойига қараб Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятларнинг маҳаллий бюджетларига ўтказилади), шунингдек, солиқ хизмати органлари, судлар ва йўл ҳаракати давлат хавфсизлиги бўлинмалари томонидан ундириладиган йиғимлар тўлиқ ҳажмда маҳаллий бюджетлар ихтиёрига ўтказиб берилмоқда.

Солиқларни гуруҳлашда энг асосий мезонлардан бири бу уларни бевосита(тўғри) ва билвосита(эгри) солиқларга бўлиниши бўлиб, солиқларнинг бундай бўлиниши ҳақидаги назарий қарашлар 17- асрнинг

охирлари ва 18-асрнинг бошларидан бошлаб кучайиб бошлади. Аслида тарихий жиҳатдан қараганда билвосита солиқлар дастлаб мавжуд бўлганлиги(асосан ер солиғи, кейинчалик жон бошига солиқ шаклида) ҳақида далиллар келтирилса, Қадимги Римда император Октавиан Август томонидан солиқ ислохотлари ўтказилиши натижасида айланмадан солиқ, акциз ва кул савдоси учун солиқ каби билвосита солиқлар ҳам жорий қилинганлиги маълум. Кейинчалик, солиқларнинг ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилар ўртасидаги ўзаро юкланиш масалалари тадқиқот марказига айланиши билан солиқларни бевосита ва билвосита солиқларга ажратиш масалалари ҳам кучайиб борди. Солиқларнинг аслида бундай гуруҳланишига солиқларнинг юкланиши жараёни катта аҳамият касб этади. Солиқлар давлат томонидан жамият аъзолари-солиқ тўловчилар зиммасига қўйган умумий солиқ мажбуриятини ким қандай тўлайди деган масаланинг ечими солиқларни турли хил мезонларга гуруҳлаш асосида ўрганишга тўртки бўлиб келди. Солиқларнинг тарихий шаклланиши ва унинг турли давлатлардаги ҳолати бевосита ва билвосита солиқларга ажратилиши солиқларнинг моҳияти жиҳатидан эмас, давлатчиликнинг шакли ва молиявий тартибларга қараб гуруҳланиб келинган. Масалан 17-асрда Франциядаги бевосита солиқ деб тан олинган Англияда билвосита солиқлар сифатида эътироф этилган ҳолатлар ҳам мавжуд. Солиқларнинг бевосита ва билвосита гуруҳларга ажратилишининг асосий ва анъанавий мезони солиқни ҳақиқатда ким тўлаши(кимнинг чекига, юкига тушиши)га қараб ажратилишидир. Шу жиҳатдан олган бевосита солиқлар бу унинг тўловчиси ва бюджетга ўтказиб берувчиси ҳам битта шахс(солиқ тўловчи) бўлган солиқлардир. Билвосита солиқлар эса ҳақиқий солиқ тўловчиси билан бюджетга ўтказиб берувчиси бошқа-бошқа шахс(солиқ тўловчи)лар бўлган солиқларга айтилади. Масалан юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бу бевосита солиқ бўлиб, унинг бюджетга тўловчиси ва унинг оғирлигини қабул қилувчи шахс-солиқ тўловчи корхона ҳисобланади. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғида солиқ оғирлиги даромад эгасига тушади, аммо, бу ерда бюджетга ўтказишда солиқ агентлари(иш берувчилар) қатнашадики, уларнинг солиқларни ушлаб қолиб бюджетга ўтказиши билвосита солиқларнинг моҳиятига таъсир қилмади, чунки, олинган даромаддан ушланган солиқлар ва бюджетга ўтказилган солиқлар ҳажми бир хил бўлади.

Моҳияти жиҳатидан ер солиғи, мол-мулк солиғи бевосита(тўғри) солиқлар ҳисобланади. Чунки, бу каби солиқларнинг тўловчиси билан солиқни бюджетга бир хил тартибда ўтказиб берувчилари битта шахс ҳисобланиб, бу солиқлар корхонанинг давр харажатлари(умумий харажатлари) таркибига қўшилиб, молиявий натижалар аниқланаётган корхонанинг зарарига олиб борилади ва фойда ҳажмини камайтиради. Ўзбекистон бюджет тизимида Молия вазирлиги томонидан бюджетга солиқларнинг тушумларини солиқлар бўйича ҳисобга олишда тўғри(бевосита), эгри(билвосита), ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи каби тартибда гуруҳланиши солиқларнинг бевосита ва билвосита гуруҳланишига

дахлсиз бўлиб, Молия вазирлиги томонидан солиқларни уч гуруҳга бўлиниши солиқларни ҳисобга олиш нуктаи назаридан амалга оширилади. Аслида эса солиқлар бевосита ва билвосита солиқларга гуруҳланади. Бевосита солиқларнинг ўзи ҳам одатда икки гуруҳга: шахсий ва реал гуруҳларга бўлинади. Шахсий бевосита солиқлар бу солиқ тўловчининг тўловга қобиллигини кўрсатиб, у солиқ тўловчининг ҳақиқий олган даромадларидан ундирилса, реал бевосита солиқ тўловчининг олган даромадларига унчалик боғлиқ бўлмайди, балки, даромад билан чамабарчас боғланмаган солиқ объектлари, масалан мол-мулк, ер, транспорт воситалари учун тўланадиган солиқларни ифодалайди.

Ўзбекистонда мавжуд солиқ тизимида билвосита солиқлар жумласига қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ ва божхона божи киради. Билвосита солиқларнинг моҳиятини тўлароқ тушуниш учун қўшилган қиймат солиғининг тўланиш жараёнини қуйидаги жадвал орқали ифодалаймиз. Бунда учта шартли "А" "Б" "С" корхона ва уларга тегишли бўлган шартли рақамлардан фойдаланамиз:

№	Кўрсаткичлар	Корхона	Рақам
1.	"А" корхона "Б" корхонадан материал сотиб олди	"А" "Б"	1000.000.
2.	"А" корхона "Б" корхонадан материалга тегишли қўшилган қиймат солиғи сўммаси (20%)	"А" "Б"	200.000
3.	"А" корхона сотиб олинган материалларни ишлаб чиқариш жараёнига сарфлаб унинг устига қиймат қўшди	"А"	1600.000
4.	"А" корхона "С" корхонага маҳсулот сотди	"А" "С"	1600.000
5.	"А" корхона "С" корхонага сотган маҳсулотга тегишли қўшилган қиймат солиғи сўммаси	"А" "С"	320.000
6.	"А" корхона томонидан бюджетга ўтказиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи сўммаси $(320.000 - 200.000) \times 20/100$	"А"	120.000

Ушбу жадвалдан кўринадики, "А" корхона маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида "Б" корхонадан материал сотиб олиб, ундан ишлаб чиқариш жараёнида тўлиқ фойдаланиб, устига қиймат қўшган ҳолда "С" корхонага маҳсулот сотди. Бу жараёнда "А" корхона "Б" корхонадан материал сотиб оли вақтида материалга га тегишли қўшилган қиймат солиғи

сўммаси(20%)ни 200.000 минг сўмни "Б" корхонага тўлайди. "А" корхона ҳам худди "Б" корхона сингари "С" корхонага сотган маҳсулотига қўшилган қиймат солиғи билан бирга сотиб "С" корхонадан сотган маҳсулотга тегишли қўшилган қиймат солиғи сўммаси 320.000 сўмни ундирди. Бирок, бюджетга 120.000 минг сўм ўтказиб берапти. Бу 120.000 минг сўмлик билвосита солиқ "Б" ва "С" корхонага тегишли бўлиб, унинг бюджетга ўтказиб берувчиси сифатида "А" иштирок этади. Ўз навбатида "Б" корхона "А" корхонадан олган 200.000 минг сўмлик қўшилган қиймат солиғи сўммасинининг, "С" корхона "А" корхонага тўлаган 320.000 сўмлик қўшилган қиймат солиғи сўммасининг қанчадир қисмини(бу унинг маҳсулот реализация ҳажмидан келиб чиқиб аниқланади) бюджетга ўтказиб беради. Бу ердан шу нарса кўринадики, билвосита солиқлар кўринча икки кадам билан юради, биринчисини материал сотиб олувчига қўйса, иккинчисини маҳсулот сотиб олувчига қўяди, аммо, солиқ юқини учинчи шахс-ўртада турувчи ишлаб чиқаришни амалга оширган корхона зиммасига юқлайди.

Солиқлар солиқ тўловчиларга тегишлилигига қараб юридик шахслардан олинадиган солиқлар(йиғимлар) ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар(йиғимлар)га бўлинади. *Юридик шахслардан олинадиган солиқлар(йиғимлар)*га қуйидагилар киради: юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқ, қўшимча фойда солиғи, бонус (имзоли ва тижоратбоп топилма бонуслар), сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, мол-мулк солиғи, ер солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона солиқ тўлови, ягона ер солиғи, транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ ягона ижтимоий тўлов, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар, Республика йўл жамғармасига йиғимлар, бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ, айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим, давлат божи, божхона тўловлари, божхона божи ва шу қабилилар. Қуйидагилар жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар ва йиғимлар ҳисобланади: жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, мол-мулк солиғи, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ, айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим, фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари, давлат божи, божхона тўловлари, божхона божи ва шу қабилилар. Шу билан биргаликда юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, агар маҳаллий ҳокимиятлар ўзларининг молиявий ҳуқуқлари сифатида ўз худудларида қайд

этилганлардан ташқари бошқа маҳаллий солиқлар ва йиғимларни жорий этса, тегишлилига қараб юридик ва жисмоний шахслар тўлайдиган солиқларга кириши мумкин.


Солиқлар солиқларнинг ундирилиш объектига кўра даромаддан олинadиган солиқлар, мол-мулкдан олинadиган солиқлар ва айланма(оборот)дан олинadиган солиқларга ажратилади.

### 10.3. Солиқ механизми

Солиқ тизимида солиқ механизми тушунчаси ҳам қўлланилади. Ҳар қайси жараён икки хил тартибда амал қилади. Биринчиси бу табиий ҳаракат бўлиб, категориянинг ички қоидаларига асосланган ҳолда табиий равишда амал қилади. Бундай табиий ҳаракатлар бошқариладиган ва бошқарилмайдиган бўлади. Масалан, табиатдаги фаслларнинг алмашинуви бу бошқариб бўлмайдиган табиий жараён ҳисобланади. Худди шу сингари иктисодиётда ҳам табиий жараёнлар мавжуд бўлади. Аммо, иктисодиётни инсониятнинг ўз яратган ва унинг аксарият жиҳатларини инсон бошқариш имконига эга. Демак, иккинчи ҳолатда бошқариладиган табиий ва ижтимоий-иктисодий ҳаракатларни инсоният уни ўз манфаатлари йўлида бошқариб боради. Солиқларни аслида инсониятнинг ўзи яратган. Унинг мавжудлиги объектив ижтимоий-иктисодий жараён ҳисобланади, аммо, унинг ҳаракати бошқариладиган жараён ҳисобланади. Бундай бошқарилиш унинг механизмларининг мавжудлигини тақозо этади. Солиқ механизми ҳақида ягона фикрлар мавжуд эмас. Аммо, солиқ механизмига нисбатан унинг амалга оширилиш жараёни ва унинг солиқ тизимидаги ўрни нуктаи назаридан ёндошиш лозим. Солиқ тизимида қўлланилган ҳар бир категория аниқ ўзининг чегараси ва ифодаси бўлиши зарур. Агар, "солиқ механизми" деган тушунча қўлланила бошландими, демак, бу тушунча орқали солиқ тизимидаги у ёки бу жараёнларни ифодалаш учун унинг объекти бўлиши керак. Акс ҳолда бу тушунчани қўллашдан мазмун қолмайди.

Дастлаб механизм сўзининг маъноси ва нинг солиқ тизимида тегишлилигини аниқлаб олиш зарур бўлади. Механизм сўзи аслида грек тилидан олинган бўлиб, "μηχανή μηχανή — машина" деган маънони билдириб, бу тушунча асосан машина ва техник қурилмаларнинг ҳаракатга келтирувчи хусусиятлари сифатида кенг қўлланилади. Машина ва техник қурилмаларнинг ички элементларини ҳаракатга келтириш жараёни - механизм сўзи орқали ифодаланади. Демак, механизмнинг асосини объектнинг элементларини маълум бир йўналишда ҳаракатга келтириш жараёнидир. Буни солиқ тизимида нисбатан қўллайдиган бўлсақ, жорий этилган солиқларни ундиришни амалга ошириш учун солиқ сиёсати юритилади(аввалги бобларда тўхталиб ўтилган). Аммо, солиқ сиёсати солиқларни ундиришнинг механизларини яратсада, уларни ҳаракатга келтирувчи элементларнинг ўзаро боғлиқ ҳолдаги ҳаракатини солиқ сиёсати ўзида тўлиқ камраб ололмайди. Шу боисдан ҳам бундай жараёнларни уйғун ҳолда ифодалаш зарурлиги солиқ механизми зиммасига тушади. Солиқ

механизмининг моҳиятини англаш учун аввало унинг таркибий тузилишини аниқлаб олишимиз лозим.



30- расм. Солиқ механизми ва унинг таркибий тузилиши.

Келтирилган расмдан кўринадики, солиқ механизми ўз таркибий тузилишига эга бўлиб, у солиқ элементлари, солиқ ундириш усуллари ва солиққа тортиш тартибларини қамраб олади. Механизм тушунчаси ва солиқ механизмининг таркибий тузилишидан келиб чиқиб, солиқ механизмига таъриф бериш мумкин. *Солиқ механизми бу- солиқ элементлари, солиқ ундириш усуллари ва солиққа тортиш тартибларининг ўзаро боғлиқ ҳолда ҳолати ва ҳаракат қилиш жараёни бўлиб, жорий қилинган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундирилишининг амалий жараёнларини ифодалайди.* Солиқ механизмининг таркибида асосий ўринни эгаллайдиган солиқ элементлари ҳақида аввалги бобларда батафсил тўхталиб ўтилган эди. Қуйида эса солиқ ундириш усуллари ва солиққа тортиш тартиблари хусусида тўхталамиз.

*Кадастр* луғавий маъноси француз тилида "cadastre-рўйхат, реестр" деган маънони билдирса, латин тилида "catastrum яъни, capitastrum (caput-бош)-бош сони" маъносига эга. ади. Кадастр тушунчаси дастлаб ер, аҳоли ва чорва молларининг ҳақиқий ҳисобини юритиш мақсадида қўлланилган бўлиб, бунинг асосий сабаби ҳам солиққа тортиш мақсади бўлган.(бу ҳақда аввалги бобларда келтирилган). Эрамиздан аввалги уч мингинчи йилларда Қадимги Мисрда ерларнинг ҳажмини ўлчаш ва уларни рўйхатга олиш ишлари амалга оширган ва уларнинг ҳисоби юритиб борилган. Қадимги Римда О.Август томонидан ердан олинadиган мажбурий тўлов сифатида «caputium» киритилган, кейинчалик эса аҳолини рўйхатга олиш мақсадида

«caputigum registrum» тушунчаси қўлланила бошланди. Бу даврда солиқ тизимини ислоҳ қилиш борасида «capitastrum» ва «catastrum» категориялари солиқ объектларини изоҳлаш мақсадида қўлланила бошланди. 1718 йилда италиян Джованни Джакомо Мариони томонидан дастлабки илмий асосланган кадастрнинг ишлаб чиқилиши кейинчалик Европанинг аксарият давлатларида ер участкалари ва кучмас мулкларни солиққа тортиш мақсадида асос қилиб олина бошланди ва шу тариқа солиққа тортишнинг асосий усулларидан бири сифатида кадастрли маълумотлар муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Ўзбек давлатчилиги тарихида амал қилган давлатларда ҳам асосий солиқ турлари сифати ерлардан олинган солиқлар давлат хазинасини тўлдиришда муҳим аҳамият касб этганлигини аввалги бобларда келтириб ўтилган.

Бу даврларда ҳам ерлардан солиқ ундиришда уларнинг ҳажмини ва ерлардан олинган солиқ миқдорини ҳисоблаб бориш ишлари амалга оширилган. Ҳозирги жаҳон солиққа тортиш амалиётида кадастрли усул орқали ер участкалари билан биргаликда кучмас мулк объектлари ва транспорт воситаларини солиққа тортиш амалга оширилиб келинмоқда. Демак, солиққа тортишнинг кадастрли усули бу солиқ объектларига солиқ миқдорларини белгилаш ва ундириш ушбу объектларнинг техник, физик ва химиявий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилишини билдиради. Бу ерда объектнинг техник хусусияти деганда унинг тузилиши ва мустаҳкамлиги (сейсмологик хусусиятлари), физик хусусияти эса объектнинг ишлаш қобилияти (масалан транспорт воситасининг от кучи), химиявий хусусиятлари эса ерларнинг тузилиши, унинг унумдорлиги кабилар назарда тутилади. Ўзбекистон солиқ тизимида кадастр усули орқали ер солиғи, мол-мулк солиғи<sup>114</sup>, четдан автомобил транспорт воситаларини олиб киришда акциз солиғи ва Йўл фондига йиғимлар ҳамда транспорт воситаларининг вақтинчалик транзит ҳолда Республика ҳудудидан олиб ўтганлик учун Йўл фондига йиғимлар ундиришда қўлланилиб келинмоқда. Ер солиғини ундиришда кадастр усулидан фойдаланишда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Ер ресурслари, геодезия, картография ва Давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан ерларнинг тузилиши, жойлашуви, унумдорлиги, фойдаланиш даражасига қараб мувофиқлиги каби кўрсаткичларни ўзи ичига олган кадастр маълумотларига асосланади ва қатъий сўмда солиқ бирлигини белгилаш орқали солиқ ундирилади.

Четдан Ўзбекистон ҳудудидага автомобил транспорт воситаларини олиб киришда акциз солиғини ундиришда автомобилларнинг қиймати эмас, балки уларнинг физик ҳажми, бундай автомобиллар учун Йўл фондига йиғимларни ундиришда эса транспорт воситаларининг от кучи ҳамда транспорт воситаларининг вақтинчалик транзит ҳолда Республика

<sup>114</sup>Ҳозирги вақтда мол-мулк солиғини ундиришда транспорт воситаларининг от кучи қараб солиққа тортиш фақат Йўл фондига четдан автомобил транспорт воситаларини олиб кирганлик учун йиғимни ундиришда фойдаланилади.

ҳудудидан олиб ўтганлик учун Йўл фондига йиғимлар ундиришда транспорт воситаларининг сиғими (жойлашув ўрни) каби кўрсаткичларга асосланади. 2012 йилга қадар эса жисмоний шахсларнинг мол-мулкдан олинган солиқни ундиришда уларнинг эгалигидаги автомобил транспорт воситаларининг ҳар бир от кучи (2001 йилда ҳар бир от кучидан 91,4 сўм ёки ҳар бир киловат қувватидан 127,0 сўм) ёки киловат қувватидан келиб чиқиб белгиланар эди. 2012 йил 1-январдан бошлаб транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинган солиқнинг жорий қилиниши билан жисмоний шахсларнинг мол-мулкдан олинган солиқни ундиришда кадастр усулидан воз кечилди. Солиққа тортишнинг кадастр усулининг афзаллиги шундаки, бунда солиқларни ҳисоблаш жараёни осон кечади, аввалдан аниқлаб қўйилган қатъий кўрсаткичларига асосланиб солиқ бирлигига солиқ ставкаларини қўллаш орқали солиқлар ҳисобланади. Аммо, солиққа тортиш кадастрли усули солиқ объектларининг самарадорлик кўрсаткичларини эътиборга олмайди, солиқ объектдан олинган даромадлар ҳажми билан боғланмайди, бу эса солиқ объектига эгаллик қилувчидан солиқ объектдан объектив равишда (масалан, бетоблиги, ишга яроқсизлиги, ноқулай об-ҳаво шароити туфайли ерлардан даромад оломаслиги) унумсиз фойдаланган вақтда ҳам солиқ ундиришга олиб келади. Шу сабабли ҳам мазкур усул солиқларнинг моддий ва табиий ресурслардан самарали фойдаланишга ундаш хусусиятларини ҳам ифодалайди.

Солиқларни ундиришда яна бир кенг қўлланиладиган солиққа тортиш усули бу даромад эгасининг даромад манбаидан олганига қадар солиқ ундириш усулидир. Б усулнинг моҳияти шундаки, солиқ тўловчи ҳисобланган юридик ёки жисмоний шахс даромад манбаига эга бўлиб, ушбу даромадларга эгаллик қилиш (тасарруфига олиши) жараёнидан олдин белгиланган тартибда солиққа тортилиб солиқ ундирилади. Бу усул асосан юридик шахслардан олинган фойда солиғини ҳисоблаш жараёнида корхона ўз акционерлари ва таъсисчиларига ҳисобланган дивидендлар ва фойзаларга тўлов манбаида солиқ солинади, шунингдек, жисмоний шахслардан олинган даромад солиғини ҳисоблашда иш берувчи корхона (солиқ агенти) томонидан солиқ сўммаси даромад манбаида (иш ҳақи ва бошқа солиққа ториладиган даромадларни жисмоний шахс қўлига олганига қадар) ушлаб қолинади. Солиққа тортишнинг ушбу усулининг афзаллиги шундаки, биринчидан даромад эгасини солиқларни бюджетга ўтказиб бериш мажбурияти ва унинг жавобгарлигидан ҳалос этади, солиқларнинг ўз вақтида бюджетга тўланишига имкон яратилиб, ушбу солиқ турлари бўйича солиқларнинг йиғилувчанлигининг даражасини оширади ҳамда солиқ қарздорлиги жуда кам ҳолатларда юзага келади. Камчилиги шундаки, ушбу солиққа тортишда солиқ агентлари томонидан солиқларни ундириш ва ҳисоблашдаги хатолик ва қонунбузарликлар солиқ тўловчининг реал даромадларини камайишига олиб келиши билан биргаликда бундай ҳолатлар ҳақида даромад эгасининг маълумотларга эга бўлиши қийин кечади.

Солиққа тортишнинг кейинги усули *декларация усули* ҳисобланади. Солиқ тортишнинг декларация усули ҳам бошқа иктисодий категориялар ва муносабатлар сингари ўз тарихига эга бўлиб, тарихий манбаларга қараганда дастлабки солиқлар юзага келган қадимги Римда амалда қўлланилган бўлиб, Римда императорлик қилган Октавиан Август томонидан амалга оширилган солиқ ислохотларига бориб тақалади. Яъни ер эгалари ва даромадга эга бўлган шахслар давлатга ўзларининг мол-мулки ва даромадлари бўйича ахборот бериб туриш мажбуриятини юклатилган бўлиб, ушбу маълумотнома кейинчалик декларация номи билан аталган. Чунки, Рим империяси бу даврда жуда кўп жойларни ўз ҳукмронлигида сақлаган бўлиб, улардан солиқларни (товонни) ундиришда бир томондан қийинчилик туғилган бўлса, бошқа томондан солиқларни ундириш харажатлари ошиб кетган, қолаверса, давлатнинг даромадларини аниқлаш мураккаблашиб борган. Солиқ декларациясининг жорий қилиниши эса солиқларни ундириш ишларини осонлаштирган. Солиқ декларацияси гарчи Римда пайдо бўлган бўлсада, унинг луғавий маъноси аксарият бошқа иктисодий-ҳуқуқий тушунчалар сингари латинча "Declaratio"- "эълон, ошкор этаман" деган маънони беради. Ҳозирги кунда эса жаҳон амалиётида солиқ декларацияси "Tax declaration" "tax return" каби терминлар билан изоҳланиб, улар ҳам солиқ декларациясининг мазмунини ифодалайди.

Декларация тушунчасига, жумладан унинг солиқларга тегишлиги бўйича Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида "декларация (лот. declaratio — маълум қиламан, эълон қиламан) бир ёки бир неча ҳуқуматлар, сиёсий партиялар, халқаро ёки жамоат ташкилотларининг дастурий ҳужжат, муҳим халқаро воқеа, конун ва ҳақозоларни умум эътиборига етказувчи баёноти; умумсиёсий принципларни тантанали равишда эълон этиш (мас, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик декларацияси); солиқ тўловчининг даромадлар хусусияти ва миқдори тўғрисида баён қилиши; почта билан мамлакат ташқарисига юбориладиган пул ва қимматбаҳо пакетларга илова қилинадиган ҳужжат; чегарадан ўтувчи шахс ўзида буюмлар, қимматбаҳо нарсалар ва х.к. борлиги ва улар миқдори тўғрисида божхонага топширадиган маълумот (қ. Божхона декларацияси)" сифатида таърифи келтирилган бўлсада, аммо, Солиқ кодексига солиқ декларацияси тушунчасининг моҳияти келтирилмаган. Солиқ декларацияси бу солиқ тўловчилар томонидан ўзларининг олган даромад манбалари ва миқдорлари ҳақида тизимлашган ахборотларни тегишли давлат органларига тақдим этиш шакли ва воситасидир.

Ўзбекистон солиқ тизимида ушбу усул орқали мулкрий даромадлар, (агар бу даромадларга тўлов манбаида солиқ солинмаган бўлса) фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ва улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи тариқасида даромадлар, асосий бўлмаган иш жойидан олинган моддий наф тарзидаги даромадлар, икки ёки ундан кўп манбадан олинган солиқ солинадиган даромадлар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлар, солиқ агентлари

бўлмаган манбалардан олинган даромадлар солиққа тортилади ва бундай даромадга эга бўлган шахслар белгиланган муддатдан кечикмай (Ўзбекистон ва кўпгина давлатларда жорий ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай) белгиланган шаклдаги декларацияни тақдим этади. Солиққа тортишнинг декларация усулининг ўзига хос хусусияти солиқ хизмати органлари қўшимча солиқ манбалари ҳақида маълумотга эга бўлиб, улардан хабардорлиги ошади. Солиқ ундиришнинг декларация усулининг кейинги муҳим хусусияти у солиқ тўловчиларга ўзлари олган даромадларининг солиққа тортилиш даражасини ўлчаб беради. Яъни солиққатортилмай қолган қисми ёки ортиқча тўланган солиқлар хусусида ахборотга эга бўлади. Яна бир хусусияти унинг солиқ тўловчиларнинг солиқ саводхонлигини оширишга хизмат қилиши ҳамда солиқларнинг йиғилувчанлиги даражасини оширишга хизмат қилишидир. Демак, бу усул солиқ тизимида нафақат солиқларни ундиришга хизмат қилади, шу билан биргаликда солиқ маъмурчилиги ва солиқ тўловчиларнинг солиқ маданиятини оширишнинг муҳим омиллари ҳам ҳисобланади.

Солиқ механизмнинг таркибий қисмларига солиққа тортиш тартиблари ҳам қиради. Солиққа тортиш тартибларини солиққа тортиш усулларида фарқлаш лозим. Дунё амалиётида солиққа тортишнинг тўрт хил тартибидан қўлланади. Булар умумий тартиб, марказлаштирилган тартиб, соддалаштирилган тартиб ва халқаро тартиблардир. Солиққа тортишнинг умумий тартиби мамлакатнинг барча ҳудудларида солиққа тортишнинг умумий тамойилларининг амал қилишини билдиради. Бунда ҳар бир солиқ тури бўйича солиқ элементлари (солиқ объекти, базаси, ставкаси, имтиёзларни қўллаш, солиқ ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга ўтказиш) бир хил тартибда қўлланилади. Солиқлар бўйича бериладиган солиқ имтиёзлари ва преференциялари умумий тартибга нисбатан белгиланади. Масалан, Ўзбекистон Республикасида юридик шахсларнинг мол-мулк солиғини ундириш тартиби, яъни солиқ ставкаси, солиқ объекти ва базасини аниқлаш тартиби, солиққа тортиш мақсадида мол-мулкнинг йиллик ўртача қийматини аниқлаш тартиби, солиқ имтиёзлари ва солиқни ҳисоблаб бюджетга ўтказиш тартиби барча ҳудудлардаги солиқ тўловчиларга уларнинг мулкчилик шакли ва қайси тармоққа бўйсинишлигидан қатъий назар бир хил тартибда амал қилади. Солиққа тортишнинг умумий тартиби солиқларнинг адолатлилик тамойилини ўзида акс эттириб, солиқларни бир хил тартибда ундириш, солиқ қонунчилиги нормаларини қўллашни осонлаштиради ва солиқ механизмидан фойдаланишда қулайликларни яратади. Солиқлар бўйича қарздорлик сўммаларининг юзага келиб сабабларини ўрганишни соддалаштиради ва солиқ таҳлилини амалга оширишда қулайлик туғдиради.

Жаҳон амалиётида солиққа тортишнинг марказлаштирилган тартибларидан ҳам қўлланилади. Марказлаштирилган солиққа тортиш тартибининг моҳияти шундаки, бунда солиқлар ва мажбурий тўловларни ундириш билан боғлиқ жараёнлар тизим (тармоқ, концерн, холдинг, корпорация ва ш.к.)нинг битта (асосан энг юқори ташкилот) солиқ тўловчиси



билан амалга оширилади. Бутун бошли тизим(тармоқ) учун солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бош корхона томонидан марказлаштирилган тартибда амалга оширилади. Солиққа тортишнинг мазкур тартибининг афзаллиги шундаки, бунда солиқларни тўлаш жараёни соддалашади, меҳнат ва моддий сарфлар камаяди, солиқ маъмурчилигини соддалашига олиб келади ва солиқ хизмати органлари томонидан ҳам солиқларнинг ундирилишини назорат қилиш жараёнларни соддалашига олиб келади. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига марказлаштирилган тартибда солиқ тўлаш тартиби ва унинг қоидалари назарда тутилмаган бўлсада, аммо, солиқ амалиётида солиқларни ундиришни соддалаштириш мақсадида бундай тартиб истисно тариқасида фойдаланилади. Масалан, Ўзбекистондаги акциз солиғининг йирик донор тармоқлардан бўлган "Ўзтрансгаз" Акционерлик Компанияси томонидан тўланадиган акциз солиғи бутун республика бўйича марказлашган тартибда тўланади.

Солиққа тортиш тартибининг кейинги тури бу соддалаштирилган тартибда солиққа тортиш тартибидир. Мазкур тартиб давлат солиқ сиёсати тактик йўналишларидан келиб чиқиб айрим турдаги солиқ тўловчиларни мақсадли рағбатлантириш ва уларнинг хусусиятларини эътиборга олган ҳолда уларга нисбатан қўлланиладиган солиқ механизмларини ифодалайди. Республикамиз солиқ тизимида ҳам бу тартибдан кенг фойдаланилади. Солиқ кодексига солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби — солиқ солишнинг айрим тоифадаги солиқ тўловчилар учун белгиланадиган ҳамда айрим турдаги солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг, шунингдек улар юзасидан солиқ ҳисоботини тақдим этишнинг махсус қоидалари қўлланилишини назарда тутувчи алоҳида тартиби сифатида келтирилган бўлиб, у асосан ягона солиқ тўловини, ягона ер солиғини ҳамда тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ турлари бўйича қўлланилади. Бу тартибга кўра қишлоқ хўжалик корхоналари ягона ер солиғи, савдо ва умумий оқватланиш корхоналари, микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўлови, яққа тартибдаги тадбиркорлик субъектлари ва айрим юридик шахслар фаолиятдан келиб чиқиб қатъий белгиланган солиқни тўлайдилар. Бу тартибда солиққа тортишнинг асосий хусусиятлари Солиқ кодекси ва бошқа тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда батафсил ёритилган. Давлатлар ўртасида ўзаро ташқи савдо ва бошқа иқтисодий интеграцияларининг кучайиб бориши солиққа тортишнинг кейинги шакли халқаро солиққа тортиш тартибларини юзага келтирди. Давлатлар ўртасида инвестор корхоналар, доимий муассаса орқали фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишни тартибга солиш ҳамда импорт ва экспортни тартиблаш ёки рағбатлантиришни мувофиқлаштириш мақсадида мазкур солиққа тортиш тартиби тамойилларидан фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида ҳам мазкур солиққа тортиш тартибидан асосан 1993 йилдан бошлаб, қўлланилиб келиниб, ҳозирга қадар 76 та халқаро солиққа тортишнинг нормаларини ўзида акс

этирган халқаро шартномалар имзоланган бўлиб, улар орқали амалдаги солиқ қонунчилиги билан биргаликда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган чет-эл компаниялари ва норезидентларини солиққа тортишда кенг қўлланилиб келинмоқда. Солиққа тортишнинг ушбу шаклининг аҳамияти шундаки, халқаро капиталнинг тақсимланиши, инвестицияларни рағбатлантириш, ўзаро товар айирбошлаш жараёнларини рағбатлантиришда муҳим роль ўйнайди ҳамда тадбиркорлик субъектларининг икки томонлама солиққа тортилишининг олди олинади. Албатта, солиққа тортишнинг ушбу келтириб ўтилган тартибларининг қайси биридан фойдаланиш ёки устуворлик бериш давлатнинг иқтисодий, жумладан солиқ сиёсатининг йўналишларидан келиб чиқилади.

#### 10.4. Солиқ менежменти

Солиқ тизими нормал ҳолатда фаолият қилиши бу жараённи ташкил қилиш, уни бошқаришнинг механизмларини яратиш, солиқлар бюджетга жалб қилиш ва уларни ундириш билан боғлиқ таваккалчиликларни баргараф этиш, давлатнинг жорий этилган солиқларни ундириш борасидаги фаолиятининг функционал хусусиятларини аниқлаш, солиқ тўловчиларга нисбатан муносабатларнинг умумий ва аниқ ёндошувларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда иштирок этувчи ваколатли органларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва бу жараёнда бошқарув тамойилларини ишлаб чиқиш, солиқ тўловчиларнинг маданияти, уларнинг солиқ сиёсатига нисбатан муносабатларини баҳолаш, давлат бюджетига солиқли даромадларнинг келиб тушиш жараёнларини илмий асосда амалга ошириш(солиқларни режалаштириш ва прогноزلаштириш), солиқ тизимининг турли босқичлари ва элементларида юзага келадиган турли даражадаги таваккалчиликларни баҳолаш ва уларнинг салбий таъсирини камайитириш ва шу каби муҳим жараёнлар борки буларни эътиборга олмаслик солиқ тизимининг самарали ишлашини ташкил этиш амри маҳолдир. Бу жараёнлар эса солиқ тизимининг муҳим таркибий қисми бўлган солиқ менежментига бўлган эҳтиёжни ва унинг амал қилишини тақозо этади. Солиқ менежменти мазмунан умумий менежментнинг ички моҳиятига асосланади. Менежмент категориясининг ўзи луғавий жиҳатдан турлича мазмунга эга. Масалан, инглиз тилида management, manage- бошқариш, бошқарув, маъмурият деган маъноларни, италянча maneggiare-инструментлар билан муомала қилиш, лотин тилида manus -қўл, француз тилида manage-хўжалик юритиш, бошқариш деган маъноларга эга. Бундан кўринадики, менежментнинг асосида маълум бир фаолиятга таъсир этиш, уни бошқариш ва у билан муносабатга киришиш жараёнлари ётади. Аммо, аксарият мутахассис ва олимларнинг эътирофига кўра бошқарув жараёни менежмент жараёни ва тушунчасидан кенгроқ бўлиб, менежмент асосан ижтимоий-иқтисодий ва социал жараёнларни қамраб олса, бошқарув жамият ва табиатдаги жараёнларга ҳам таълуқлидир ва шу туфайли менежмент бошқарувнинг энг муҳим ва асосий қисми сифатида юзага чиқади.

Ушбуларга асосланиб, солиқ соҳасидаги бошқарув жараёнларининг замонавий шакли сифатида солиқ менежменти ҳам ўз объекти, субъекти, босқичлари ва хусусиятларига эгадир. Солиқ менежменти деганда давлатнинг солиқ тизимига кирувчи элементларнинг ҳолати, ҳаракати, уларнинг ўзаро алоқаси, шунингдек, солиққа тортиш мақсадида тўловчилар фаолиятига давлат томонидан аралашуви(тартиблаш, рағбатлантириш, назорат қилиш)га оид муносабатларни умумий мақсадга йўналтирилган ҳолда бошқаришга оид илмий асосланган фаолият ва жараён тушунилади.

Солиқ менежменти аввало солиқ тизимига кирувчи элементларнинг ўзини бошқариш ҳамда ушбу элементлар билан боғлиқ солиқ тўловчилар фаолиятини бошқариш маконларини қамраб олади. Шу жиҳатдан солиқ менежментининг икки томонини кўриш мумкин. Давлатнинг солиқ менежменти давлатнинг солиқларни жорий этиш ва ундириш билан боғлиқ ўзининг бу борадаги фаолиятини(ваколатли органлар фаолиятини) бошқариш ҳамда давлатга солиқ тўлаш мажбурияти юклатилган юридик ва жисмоний шахсларнинг солиқ тўлаш билан боғлиқ фаолиятини бошқариш(мувофиқлаштириш) солиқ менежментининг қўлланиш чегарасини аниқлаб беради. Солиқ менежменти шу боисдан ҳам қўлама жиҳатидан макро ва микро даражадаги солиқ менежментига бўлинади. Макродаражадаги солиқ менежменти давлатнинг ваколатли органларининг фаолиятининг бир қисми ҳисобланади. Давлат ўзининг марказлаштирилган пул фондларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундираётган экан, бу билан боғлиқ кенг қамровли фаолиятни ташкил этиш, уни оптимал бошқариш ва мувофиқлаштириб туриши талаб этилади. Ўзининг солиқ сиёсати орқали солиқларни жорий этиши, уларнинг ундириш механизмлари ва уларни такомиллаштириш билан боғлиқ фаолиятини йўлга қўйишидан ташқари, солиқлар билан боғлиқ бошқа яна бир қатор муносабатлар тизими ҳам юзага чиқадики, уларнинг ягона мақсад йўлида бошқариш ва мувофиқлаштиришни талаб қилади. Солиқ менежменти эса солиқ сиёсатидан ҳам кенгроқ тарздаги муносабатларни қамраб олади.

Давлат макроиқтисодий солиқ менежменти доирасида бевосита солиқ тизимининг ўзининг фаолиятини бошқариш билан биргаликда солиқ хизмати органларининг бошқа ваколатли органлар билан солиқ тўловчилар ва солиқ объектларини рўйхатга олиш, солиқ тушумларни ҳисобга олиш, солиқларнинг бюджетга жамланиши ва солиқларнинг бюджетлар ўртасида тақсимланиши, солиққа оид мажбуриятлар юзага келиши, солиққа оид қонунбузилишлар бўйича жавобгарлик чораларини белгилаш ва жавобгарликка тортиш, солиқ тизими ҳамда солиқ тўловчилар фаолиятини тадқиқ этиш, солиқ тўловчиларнинг психологик ҳолати ва солиқ тизимига оид мулоҳазаларини аниқлашга оид жараёнлар ва буларни амалга оширувчи солиқ хизмати органларидан ташқари бошқа органларнинг бу билан боғлиқ муносабатларни тартиблайди, бошқаради ва мувофиқлаштиради. Бу жараён билан боғлиқ стратегиялар ва тактикаларни ишлаб чиқади. Солиқ менежменти микро даражада амал қилиши корхоналар томонидан молиявий

менежментнинг таркибий қисми сифатида амал қилади. Корхона доирасида солиқларни тўлаш билан боғлиқ жараёнлардан келиб чиқадиган муносабатларни бошқариш ва мувофиқлаштириш микро даражадаги солиқ менежментининг объектини белгилайди. Микро даражадаги солиқ менежменти уч босқичдаги муносабатларни қамраб олади. Биринчиси бу корхона доирасида солиқларни режалаштириш жараёнларини, иккинчиси, корхонанинг давлат бюджети ва бошқа мақсадли фондларга солиқларни тўлаш билан боғлиқ муносабатларни ҳамда солиқ мажбурияти билан боғлиқ бошқа иқтисодий субъектлар ва давлат органлари билан ўзаро муносабатлардан иборат бўлади.



**31-расм. Солиқ менежменти шакллари ва элементлари.**

Макро даражадаги солиқ менежментини давлат бюджети ва бошқа мақсадли пул фондларига солиқларни ундириш билан боғлиқ муносабатларни бошқариш масаласи ётса, микро даражадаги солиқ менежментини корхонанинг солиқ мажбуриятлари билан боғлиқ жараёнларни бошқариш масаласи асосий ўрин тутаяди.

Юқоридаги расмда келтирилган солиқ менежментининг муносабатларни қамраб олиши унинг элементларининг мазмунини ҳам ташкил этади. Солиқ менежменти элементларининг амалга оширилиши қайд этилган муносабатларни қамраб олади. Бироқ, ҳозирга қадар солиқ менежменти ва унинг элементлари ҳақида иқтисодчи олимлар ўртасида ягона тўхтамага келинмаган. Баъзи иқтисодчилар солиқ менежментини солиқ сиёсати билан синоним сифатида таърифлашса, айримлари уни солиқ механизми билан бирга қўяди. Жумладан, солиқ элементлари хусусида ҳам.

Масалан солиқ назоратини солиқ маъмурчилиги таркибида деб ҳисобловчилар ҳам мавжуд бўлиб, аслида солиқ маъмурчилиги солиқ хизмати органларининг фаолиятини қамраб олиб, солиқ тушумларининг ўз вақтида тушиши ва солиқ қонунчилигига солиқ тўловчилар томонидан қандай амалга оширилиш жараёнларини ҳам назорат қилиш уларнинг фаолиятига қиради. Ваҳоланки, солиқ назорати кенгрок тушунча бўлиб, у солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилатган солиқ назорати доирасидан кенгрок тартибда, яъни жамоатчилик тартиби, Парламентназорати тартиби, акционерлар томонидан қорхонанинг солиқ мажбуриятларини бажаришини назорат қилиш тартиби ва шу қабилар доирасида мавжуд бўлади. Буларга асосланса, солиқ назорати солиқ маъмурчилиги доирасидаги назоратдан ҳам кенгрок муносабатларни қамраб оладики, уни солиқ менежментининг алоҳида элементи сифатида ҳам қараш мумкин. Демак, солиқ менежменти кенг қамровли фаолият бўлиб, у ўзига хос элементларининг амал қилишида намоён бўлади. Солиқ менежментининг энг муҳим элементини *солиқ маъмурчилиги* ташкил этади. Қайд этиш жоизки, солиқ маъмурчилиги тушунчаси бу замонавий тушунча сифатида солиқ жараённи ташкил этиш ва бошқариш муносабатлари тушунчасининг синоними сифатида кириб келди.

Маъмурчилик бу "администрация" халқаро категориянинг ўзбек тилидаги маъноси бўлиб, бу термин лотинча сўз бўлиб, administratio бошқарув, раҳбарлик деган маъноларни англатади. Иқтисодиётда, жумладан солиқ тизимида ҳам у ёки бу термин(категория)ни қўллашда албатта унинг ўзига хос маълум бир муносабатларни ифодалай олиш объекти бўлиши лозим. Шу жиҳатдан олганда солиқ маъмурчилиги ҳам солиқ тизими васолиқ менежменти таркибида маълум бир жараён ва муносабатларни ўзида қамраб олади. Солиқ маъмурчилигига ҳам жуда кўп ёндошувлар мавжуд. Солиқ маъмурчилиги аслида солиқларни ундириш ваколати юклатилган давлат органларининг фаолиятини қамраб олиб, бу фаолият ўзларининг ҳуқуқ ва бурчлари, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни бюджетга жалб қилиши билан боғлиқ ташкилий-услубий жараёнларни, солиқ ундиришга хизмат қилувчи ва солиқ тўловчилар билан солиқларни ундириш борасидаги кенг қамровли ўзаро манфаатга асосланган фаолиятларнинг тизимли равишда бошқарилиши ва мувофиқлаштириш муносабатларини қамра олади. Шу жиҳатдан олганда солиқ маъмурчилиги қуйидаги йўналишларда намоён бўлади:

*Солиқ хизмати органларининг иерархияли тузилиши, уларда фаолиятни ташкил этилиш тартиби.* Давлатнинг тегишли қонунларига асосан солиқ хизмати органларига ёки солиқни ундириш ваколатли органларнинг ҳуқуқий мақоми аниқланади ва уларнинг иерархияли тузилиши ва бўйсиниш тамойиллари, юқори турувчи органнинг йўриқнома, Низом, қарор, буйруқ ва бошва шу тартибдаги маъмурий характердаги ҳужжатларининг ҳуқуқий мақоми белгиланади ва уларнинг қайси доираларда мажбурий тартибда амал қилиш чегаралари кўрсатиб ўтилади. Шунингдек,

солиқ хизмати органларининг фаолиятининг ҳуқуқий асослари белгиланади, уларнинг ваколатлари ва бурчлари, функция ва вазифалари аниқланади.

*Давлат солиқ хизмати органлари ва бошқа ваколатли органларнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисобини юритиш жараёни.* Бу жараён солиқ маъмурчилигининг асосий мазмунларидан бирини ташкил этади. Солиқ ва божхона хизмати органларида солиқлар ва бошқа мажбурий тушумларни ҳисобга олиш, уларни умумлаштириш, маълумотларни қайта ишлаш, жараённи таҳлил қилиш каби ишлари тизимли равишда амалга оширилади. Мавжуд камчиликлар аниқланади ва уни бартараф этиш юзасидан чоратadbирлар амалга оширилади.

*Солиқ тўловчилардан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш юзасидан ташкилий-техник ва ҳамкорлик жараёнлари.* Бунда солиқ хизмати органлари ўзларининг ваколатларидан фойдаланиб, бюджетга солиқ тушумларини ундириш бўйича банк ва молия муассасалари билан ҳамкорлик ишларини ташкил этади, банк муассасаларига солиқларни ундириш(сўзсиз) бўйича тегишли кўрсатмалар, қонун йўл қўйган шароитларда солиқ қарзорлиги бўлган солиқ тўловчиларнинг ҳисобварақларини вақтинчалик музлатиб туриш борасидаги кўрсатмаларни амалга оширади ва тегишли тартибда Молия органлари билан ҳамкорликда солиқ тушумларининг ҳолати бўйича ўзаро маълумотлар айирбошлашни амалга оширади. Шу билан биргаликда ўз ваколатлари доирасида солиқ тушумларининг йиғилувчанлик даражасини аниқлаш борасида танланма кузатиш ишлари(масалан, хронометраж)ни амалга оширилади.

*Солиқ хизмати органларида солиқ объектлари ва уларнинг тушумлари ҳамда солиқ ишини ташкил этишининг автоматлаштирилган(ахборот технологияларини қўллаш) шакллари яратиш ва реализация қилиш.* Солиқ хизмати органларида иш жараёнларини, шунингдек, солиқ объектлари, тушумлари ва солиқ тўловчиларнинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларнинг ягона ахборот базасини яратиш ва унга замонавий ахборот технологияларни қўллаш ишлари ташкил этилади. Ўзбекистон солиқ тизимида бу борада 30 га яқин махсус дастурий маҳсуллардан фойдаланилади.

*Солиқ қонунчилигининг таъминлини юзасидан ҳамкорлик ишларини ташкил этиш.* Солиқ хизмати органлари солиқ назоратини амалга ошириш ва бошқа усуллар билан солиқ қонунчилиги бузилган ҳолларда ушбу ҳолатларга ҳуқуқий баҳо беришда ўзларининг ваколатларидан ташқари ҳолатлар бўйича ҳуқуқ-тартибот органларига тегишли тартибда муурожаатлар қилади ва зарурий ҳамкорлик ишларини амалга оширади. Шунингдек, хўжалик судларига солиқ қарздорлигини ундириш, солиқ тўловчини банкрот деб эълон қилиш, солиқ тўловчининг мол-мулкини ҳатлаш ва шу каби йўналишлар муурожаатлар қилиш ишларини ташкил этади.

*Солиқ тўловчиларга солиқ хизматларини кўрсатиш ва уларнинг солиқ маданиятини ошириш борасидаги ишларни амалга ошириш.* Солиқ хизмати органлари солиқ тўловчилардан солиқларни мажбурий тартибда ундириш

ишлари билан бир қаторда уларга солиқ хизматларини ҳам кўрсатишга мажбур ҳисобланади. Бунда улардан солиқ ҳисоботларини қабул қилиб олиш, солиқ ҳисоботларини электрон тарзда қабул қилиб олиш, солиқ қонунчилигидаги ўзгаришларни уларга белгиланган тартибда етказиш, солиқ тўловчиларнинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича саволларига жавоб бериши, уларга маслаҳат ишларини амалга оширади. Бундан ташқари солиқ тўловчиларнинг маданиятини ошириш бўйича турли хил тадбирларни(тушунтириш, кўрик танловлар ўтказиш, турли хил акциялар ўтказиш, оммавий ахборот воситаларида чиқиш қилиш, турли хил рекламалар бериш ва ш.к.) ҳам амалга ошириб боради.

*Солиқ хизмати органлари ўзида қонунчиликка риоя қилинишини назорат қилиши.* Бу жараён ҳам солиқ маъмурчилигининг муҳим қисми ҳисобланади. Солиқ хизмати органларининг ўзларида умумий қонунларнинг бажарилиши, солиқ тўловчилар билан ўзаро муносабатларида қонунларга риоя қилиниши ҳолатлари, ишонч телефонларига қилинган муносабатларнинг ҳаққонийлиги, солиқ хизмати органлари ходимлари томонидан солиқ объектларини яшириш, солиқ ҳисоботларини нотўғри қабул қилиш, солиқ тўловчиларнинг қонуний муносабатларига жавоб бермаслиқ, солиқ текширувларини ўтказишда ноҳолислиқ қилиниши каби ҳолатларнинг олдини олиш ва улар аниқланганда тегишли тартибда чоралар кўриш ишлари ҳам амалга оширилиб борилади.

Қайд этилганлардан кўринадики, солиқ маъмурчилиги жараёни ўзига хос таркибга ва тузилишга эга бўлиб, у ўзининг турли-тумандаги фаолиятларни(ҳуқуқий, иқтисодий, социал, маданий) қамраб олади. Солиқ тизимининг қанчалик самарали ишлаши кўпинча солиқ маъмурчилигининг самарали ташкил этилиши ва амалга оширилишига боғлиқ бўлади.

#### **Таянч сўз ва иборалар:**

*Тизим тушунчаси, солиқ тизими таркиби, эгри солиқлар, тўғри солиқлар, мол-мулкдан олинадиган солиқлар, айланмадан олинадиган солиқлар, даромаддан олинадиган солиқлар, солиқларнинг гуруҳланиш мезони, солиқ механизми, солиқларни ҳисоблаш усуллари, солиққа тортиш тартиблари, солиқ декларацияси, солиқ менежменти, солиқ маъмурчилиги, солиқ назорати, умумдавлат солиқлар, маҳаллий солиқлар.*

#### **Назорат учун савол ва топшириқлар:**

1. Солиқ тизимининг моҳиятини изоҳлаб беринг.
2. Солиқ тизими қанақа таркибга эга?
3. Солиқлар бюджетга йўналтирилишига кўра қандай гуруҳланади?
4. Маҳаллий солиқларга қайси солиқлар киради?
5. Солиққа тортиш тартиби ва солиққа тортиш усулларининг моҳияти ва уларнинг фарқини айтиб беринг.

6. Солиқ декларациясининг солиқларни ундиришдаги роли ва уни топшириш тартибини изоҳлаб беринг.
7. Солиқ механизми деганда нимани тушунасан? У қанақа таркибга эга?
8. Солиқ менежменти нима?

## 3-БЎЛИМ

### 11-БОБ. ЮРИДИК ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН Фойда солиғи

#### 11.1. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг иқтисодий моҳияти, бюджет тизимида тутган ўрни ва солиқ тўловчилари

Ҳар қандай иқтисодий тизимда ҳоҳ у тоталитар режали иқтисодий тизим бўлсин ҳоҳ бозор муносабатларига асосланган аралаш иқтисодий тизим бўлсин, фойда тушунчаси ва категорияси ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳасидаги корхона, ташкилот ва муассасалар фаолиятининг асосий мақсади бўлади. Фойда бу иқтисодий категория сифатида корхоналарнинг муаян вақт давомидаги иқтисодий фаолиятининг самарадорлигини кўрсатиб берувчи, унинг қилган харажатлар борасидаги сиёсатининг қанчалик тўғри эканлигини таққослаб берадиган, қолаверса, корхонанинг кейинги молиявий сиёсатининг стратегияси ва тактикасини аниқлашга асос бўладиган муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Аслида ишлаб чиқариш соҳасида фаолият кўрсатаётган барча иқтисодий индивидларнинг асосий мақсади ҳам фойда олиш ва у орқали бозордаги рақобат оламида мустақкам ўрин олиш, бозорда ўзининг сўзини ўтказишга қаратилган бўлади. Фойда бу борада корхонанинг барча фаолиятининг умумий кўрсаткичи сифатида бошқарувчи ва мувофиқлаштирувчи функцияси бажариб боради. Фойда тушунчасининг иқтисодий моҳияти бу-мақсади фойда олишга қаратилган хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти давомида амалга оширган харажатлари ва даромадлари ўртасидаги фарқ, кенгрок маънода эса фаолияти фойда олишга қаратилган ҳар қандай иқтисодий индивиднинг иқтисодий ҳатти-ҳаракатларининг молиявий натижасининг ижобий кўрсаткичидир. Фойда турларининг шаклланиши механизмлари ва уларнинг пайдо бўлиш шакллари эса иқтисодий муносабатлар ва маконда турлича рўй беради. Бухгалтерия объекти нуқтаи назаридан даромад ва фойданинг тан олинати шартлари ўзига хос бўлиб, бу ҳолат бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари(2- ва 3-сонли БҲСМлари) асосида аниқланади. Фойда(даромад) тушунчасининг мазмуни бухгалтерия ҳисобининг 2-сонли "Асосий хўжалик фаолиятдан тушган даромадлар" миллий стандартида "Хо'jalik faoliyatidan tushadigan daromad asosiy, operatsion va moliyaviy faoliyatdan olinadigan daromadlardan iborat bo'ladi. .... daromad deganda xo'jalik yurituvchi subyektning oddiy faoliyati davomida olingan daromadlar, shu jumladan mahsulotni sotish (ishlarni bajarish va xizmat ko'rsatish)dan olingan daromadlar, olingan foizlar, dividendlar, royaltilar va boshqalar tushuniladi" деб таърифланган бўлса, бухгалтерия ҳисобининг 3-сонли "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот" миллий стандартида "favqulodda daromad (zarar) - xo'jalik yurituvchi subyektning odatdagi faoliyatidan aniq farq qiladigan, ya'ni tez-tez yoki muntazam sodir bo'lmaydigan voqealar yoki bitimlar natijasida yuz bergan daromadlar yoki xarajatlar" деб, "xo'jalik umumiy faoliyati - xo'jalikyurituvchi subyektning har qanday tadbirkorlik faoliyati bo'lib, uning oddiy

faoliyati, shuningdek xo'jalik yurituvchi subyektning kelgusidagi taraqqiyotga, xo'jalik yurituvchi subyekt iqtisodiy foydalarni mustahkamlash va o'stirishga qaratilgan faoliyatidan iborat" деган мазмунда келтирилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган "Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом"да эса "маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда, бу сотишдан олинган соф тушум билан сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади" деб кўрсатилган. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 22-моддасида соф тушум, таннарх, соф фойда каби тушунчаларнинг таърифи келтирилган бўлсада, аммо, даромад ва фойда тушунчасининг яхлит таърифи акс эттирилмаган.

Демак, фойда корхонанинг умумий фаолиятини ўзида мужассамлаштирар экан, унинг бу хусусияти давлат томонидан фойдага солиқ солишнинг йўналишларини ҳам белгилаб беради. Жаҳон солиқ тизимида корхоналарнинг фойдасини солиққа тортиш аксарият давлатларнинг солиқ тизими катта роль ўйнайди. Республикамиз солиқ тизимида мустақилликнинг дастлабки йилларида корхоналарнинг молиявий натижаларини солиққа тортиш прогрессив солиқ солиққа тортиш қўлланилиб, корхоналар даромаддан солиқ тўлай бошладилар. Албатта бунинг объектив иқтисодий асослари бор эди. Биринчидан, иқтисодий ислохотларнинг дастлабки йилларида иқтисодиётда аксарият корхоналар монопол мавқега эга бўлиб, уларнинг фаолиятини юқори солиққа тортиш механизми орқали субъектив омилар(нархларнинг кескин ўсиши, маҳсулотга бўлган талабнинг юқорилиги, бошқа ўринбосар товарларнинг йўқлиги) эвазига олган даромадларини бюджетга кўпроқ ундиришни тақозо этарди, фойданинг ўрнига даромадни солиққа тортиш даромад таркибидаги иш ҳақи фондинининг ҳаддан зиёд ўсиб кетмаслиги ва мавжуд инфляция даражасини янада ошириб юбормаслиги учун ҳам зарур эди, ваҳоланки, иқтисодий ҳолатнинг бундай шароитида бу энг мақбул йўл ҳисобланиши жаҳон амалиётидан ҳам маълум; иккинчидан, давлат кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошираётган бир даврда, шунингдек, бозор инфратузилмасини шакллантириш, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш зарурати юзасидан кўплаб қўшимча ваколатли органлар тизимини шакллантириш, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш учун давлат инвестиция дастурлари орқали янги корхоналарни барпо этиш бюджетга кўпроқ маблағларни жалб этилишини зарурат қилиб қўйган эди; учинчидан, ривожланган давлатлар тажрибасидан маълумки, иқтисодий таназзул даврларида солиқ юқини ҳаддан зиёд камайтириш ўзини оқламаган, қолаверса, давлат ички имкониятдан кўпроқ солиқ ундириш орқали бўлса ҳам максимал фойдаланмасдан, давлатнинг ташқи қарзлари эвазига муаммони ҳал этиш ҳозирда оғир аҳволга тушиб қолган бир қатор, ҳатто айрим қўшнидавлатларнинг ҳолатига тушиб қолиш эҳтимолдан ҳоли эмас эди.

Корхоналарнинг даромадидан солиқ ундириш «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинadиган солиқлар тўғрисида»ги 1991 йил 15-февралда қабул қилинган қонунга биноан жорий этилган эди. Бу қонун қабул қилинган вақтда Ўзбекистон ҳали солиқ иттифоқ таркибда бўлиб, унинг молия тизимидаги механизмлардан ҳали ҳалос бўлинмаган эди. Шу жиҳатдан ҳам мазкур қонунга кўра фойдадан олинadиган солиқставкасини қўллаётганда ҳисобга олинadиган рентабеллик энг юқори даражаси унинг тармоқдаги ўртача даражасига нисбатан икки ҳисса ортик ҳолда қабул қилинадиган бўлинди(чунки, солиқ иттифоқ қонунида шундай тартиб мавжуд эди), янги улгуржи, харид, чакана ва смета нархларини ва тарифларни ҳисобга олган ҳолда халқ хўжалиги тармоқлари бўйича рентабеллик ва унинг ўртача ҳажмини ҳисоблаш тартиби белгиланди, солиқ солинадиган фойда ҳисоблаб чиқилаётган меҳнатга ҳақ тўлаш учун қилинадиган харажатларнинг норма белгиланадиган меъёри корхоналар томонидан ишлаб чиқариш (иш, хизматлар) ҳажмининг ўсишига ёки фаолиятининг бошқа кўрсаткичларига қараб аниқлана бошланди, халқ хўжалиги тармоқлари ва саноат (асосий фаолият турлари) бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш учун қилинадиган харажатларнинг ўсиш коэффициентларидан фойдаланиш жорий этилди. 1995 йилларга келиб Ўзбекистон иқтисодиётида инкироз ҳолатлари олди олиниб, иқтисодий барқарорликка эришиш кўрсаткичлари таъминланганлигидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 30-ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасида солиқларнинг рағбатлантирувчи аҳамиятини кучайтиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги ПФ-1014-сон Фармонида мувофиқ 1995 йилдан бошлаб солиқ тизимида айрим турдаги солиқ тўловчилар(банклар, суғурта компаниялари, шоу-бизнес фаолият билан шуғулланувчи ва шу каби бошқалар) учун даромад солиғини тўлаш тартиби сақланиб қолган ҳолда, фойда солиғини тўлаш жорий қилинди.

Мулкчилик шаклларида қатъи назар, корхона ва ташкилотлар фойдадан уй-жой ва ижтимоий-маданий қурилишга сарфлаётган маблағларнинг 50 фоизи солиқ тўлашдан озод қилинди ва монополиячи корхоналар учун белгиланган рентабеллик даражаси оширилишининг ҳар бир фоизига фойдадан олинadиган белгиланган солиқ миқдорига нисбатан 0,5 фоизли пункт миқдорига оширилувчи коэффициент жорий этилди. Корхоналарнинг фойдасини солиққа тортиш тартиблари 1997 йил 24 апрелда қабул қилиниб, 1998 йил 1 январдан кучга кирган Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси(бу кодекс 2008 йил 1 январдан бошлаб кучга кирган янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг қабул қилишини билан бекор бўлган)нинг ишга тушишига қадар амал қилиб келинди. Дастлаб даромад(фойда) солиғидан 38 фоизлик ставкада солиқ ундирилиши бу солиқ тури бўйича солиқ тушумлари ҳам бюджетга қатта улушлардан бирини эгаллаб келди. Кейинги йилларда фойда солиғини бўйича солиқ имтиёзларининг кегайтирилиши ва солиқ ставкасининг пасайтирилиб борилиши ушбу солиқ турининг давлат бюджети даромадларидаги улуши ҳам камайиб борди.

Маълумки, фойда солиғи солиқларнинг рағбатлантирувчилик функциясини ўзида кўпроқ акс эттириб, солиқ тўловчиларнинг солиқлар орқали рағбатлантиришда ушбу солиқлардан берилadиган солиқ имтиёзлари оширилиши ва солиқ ставкаларининг йил сайин камайиб бориши тенденцияси давом этмоқда. Солиқларнинг аҳамияти фақатгина бюджетдаги ўрни билан эмас, унинг иқтисодиётда ва солиқ тўловчилар фаолиятига таъсир жиҳатдан ҳам ўлчанади. Гарчи солиқ ставкалари камайиб борсада, солиқ тўловчи корхоналарнинг олган фойдаси ошиб бормоқда.

*Солиқ тўловчилари.* Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси(126-моддаси)га мувофиқ юридик шахслардан олинadиган фойда солиғининг тўловчилари бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари, Ўзбекистонда фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган юридик шахслар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган корхоналардан олинган даромадлар манбаларидан фойда олган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари ҳисобланади. Шу билан биргаликда нотижорат ташкилотлари(агар, улар қонун йўл қўйган доирада тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб даромад(фойда) олса ҳолда ушбу олган даромадлари бўйича солиқ тўловчи ҳисобланади), амалдги солиқ қончилигига мувофиқ солиқ солишнинг айрим тоифадаги солиқ тўловчилар учун белгиланадиган ҳамда айрим турдаги солиқларни ҳисоблаб чиқариш ватўлашнинг, шунингдек улар юзасидан солиқ ҳисоботини тақдим этишнинг махсус қоидалари қўлланилишини назарда тутувчи алоҳида тартибга асосанягона солиқ тўлови ва ягона ер солиғи тўловчилари ҳамда қатъий белгиланган солиқ тўловчилари ҳисобланган юридик шахслар мазкур солиқнинг тўловчилари ҳисобланмайди.

## **11.2. Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғининг объекти ва солиқ базасини аниқлаш тартиби**

Маълумки, солиқ объекти солиқ тури бўйича солиққа тортилиши лозим бўлган, даромад(фойда), мол-мулк, жараён(реализация, ҳаракат, ҳуқуқдан фойдаланиш, руҳсатнома олиш ва ш.к.) ҳисобланиб, юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи бу бўйича солиқ объекти корхонанинги иқтисодий фаолиятида юзага келadиган турли хил фойда ҳажми солиқ объекти ҳисобланади. Амалдаги солиқ қончилигига кўра(Солиқ кодексининг 127-моддаси) Ўзбекистон Республикаси резидентларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг фойдаси ҳамда уларнинг(резидент ва норезидентларининг) мувофиқ чегирмалар қилинмаган ҳолда тўлов манбаида солиқ солинадиган даромадлари(фойдалари) солиқ объекти қилиб белгиланган.

Корхонанинги қуйидаги олган даромадлари солиқ объектига киритилмайди:

Корхонанинги устав фондига (устав капиталига) олинган ҳиссалар, шу жумладан акцияларни жойлаштириш баҳосининг уларнинг номинал

қийматидан (дастлабки миқдоридан) ортиқ суммаси, биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш учун оддий ширкат шартномаси бўйича бириктирилган маблағлар, муассислар таркибидан чиқилаётганда ёки муассис улушининг миқдори камайтирилганда, шунингдек тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки унинг муассислари ўртасида тақсимланаётганда устав фондига ҳисса доирасида олинган маблағлар (мол- мулк ёки мулк хуқуқлар), оддий ширкат шартномаси шеригининг шартнома шериклари умумий мулкдаги улуши қайтариб берилган ёки бундай мол-мулк бўлинган тақдирда, ҳиссаси миқдорида олинган маблағлар, реализация қилинаётган товарлар (ишлар, хизматлар) учун бошқа шахслардан дастлабки ҳақ (бўнак) тарзида олинган маблағлар, бюджетдан олинган субсидиялар, агар маблағларни бошқа шахсга ўтказиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида юз бераётган бўлса, текин олинган маблағлар, ишлар ва хизматлар, олинган грантлар ва инсонпарварлик ёрдами, нотижорат ташкилотлар томонидан устав фаолиятининг таъминоти ва уни амалга ошириш учун олинган, белгиланган мақсадга кўра ёки текин келиб тушган маблағлар, суғурта шартномалари бўйича суғурта товони (суғурта суммаси) тариқасида олинган маблағлар, ижарага берувчи ижара тўловининг қисми тариқасида олган молиявий ижара (лизинг) объекти қийматининг қопламаси, ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъекти муассисларидан унинг мажбуриятларини бажариш учун олинган маблағлар. (Агар, ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайта бошланган тақдирда, ушбу маблағлар жами даромад таркибига киритилади ҳамда солиққа тортилади), инвестор ва давлат мулкни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага биноан инвестиция мажбуриятлари сифатида киритилаётган мол-мулк.

Аввалги бобларда келтириб ўтганимиздек назарий жиҳатдан солиқ базаси бу- солиқ объектининг қисми бўлиб, у солиқларнинг барча тамойилларини ўзида акс эттириб солиқ объектдан ҳақиқатда солиққа тортиладиган қисмини аниқлаб беради. Агар солиқ базасини формула тартибида изоҳлайдиган бўлсак у куйидаги кўринишга эга бўлади:

*Солиқ базаси = (Солиқ объекти) - (Солиқ объектининг солиққа тортилмайдиган қисми) (1).*

Амалдаги солиқ қонунчилигига кўра юридик шахслардан олинган фойда солиғининг базаси бу корхонанинг жами даромадлари билан солиқ базасини ҳисоблашда чегириб ташланган харажатлар ўртасидаги фарк, ундан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида назарда тутилган имтиёзлар ҳамда Солиқ кодексига мувофиқ солиқ солинадиган фойданинг камайрилиши сифатида белгиланган харажатлар суммаларини чегириб ташлаш орқали аниқланади. Аввал таъкидланганидек, солиқ механизмида энг мураккаб жараён бу солиқ базасини аниқлаш жараёни

ҳисобланади. Юридик шахслардан олинган фойда солиғи базасини жуда мураккаб бўлганлиги сабабли уни фойда(зарар)ни гуруҳларга бўлиш орқали тушуниб аниқлаб олишга ҳаракат қиламиз.

Солиқ базасини аниқлаш учун биринчи босқичдаги амалга ошириладиган жараён бу корхонанинг фойдаси(зарари)ни маълум бир мезонлар асосида гуруҳлаб олиш керак бўлади. Бухгалтерия ҳисобининг 3-сонли "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот" миллий стандарти ва "Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом"гаасосанкорхонанинг умумий фойда(зарари)сини куйидагича гуруҳлаш мумкин:

Корхонанинг асосий фаолиятдан кўрилган фойдаси ёки зарари;  
умумхўжалик фаолиятдан олинган фойдаси ёки зарари;  
корхонанинг солиқ тўлангунгача олинган фойдаси ёки зарари;  
корхонанинг соф фойдаси ёки зарари.

Энди корхонанинг олиши мумкин бўлган фойдаси ёки зарарини таркиби бўйича қарайдиган бўлсак улар куйидаги тартибда аниқланади:

1. Корхонанинг асосий фаолиятдан кўрилган фойдаси ёки зарари бу бу маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда билан давр харажатлари ўртасидаги тафовут, ва плюс асосий фаолиятдан кўрилган бошқа даромадлар ёки минус бошқа зарарлар сифатида аниқланади ёки у куйидаги математик кўринишга эга бўлади:

$$АФФ = ЯФ - ДХ + БД - БЗ,$$

*бунда,*

*АФФ — асосий фаолиятдан олинган фойда ёки зарар;*

*ДХ — давр харажатлари;*

*БД — асосий фаолиятдан олинган бошқа фойда;*

*БЗ — асосий фаолиятдан кўрилган бошқа зарарлар;*

*Давр харажатлари деганда* бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан

боғлиқ бўлмаган харажатлар ва сарфлар тушунилади: бошқарув харажатлари, маҳсулотни сотиш харажатлари ва умумхўжалик аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар тушунилади. Бундай харажатларга қайси харажатлар киришлигини аниқлаш учун "Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом" 2-"Давр харажатлари" бўлимидан аниқлаб олиш мумкин.

*Асосий фаолиятдан олинган бошқа фойда деганда* эса корхона фаолияти давомида бошқа корхоналардан удирилган турли хил жарималар, шунингдек етказилган зарарларни ундириш бўйича даромадлар, ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги фойдаси, ишлаб чиқариш ва маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган операциялардан рента даромади, хўжалик юритувчи субъектлар ҳузуридаги ошхоналардан олинган фойда, ёрдамчи хизматлардан олинган фойда, корхона ўзининг асосий воситалари ва бошқа мол-мулк(масалан ортиқча

модди қийматликлар, номоддий активлар) чиқиб кетишидан олинган фойдаси, бошқа корхоналар томонидан даъво билдириш муддати ўтган кредиторлик ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан олинган фойда ва шу кабилар киради.

*Асосий фаолиятдан кўрилган бошқа зарарлар эса* ишлаб чиқариш ва маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган операциялардан кўрилган зарар, хўжалик юритувчи субъектлар ҳузуридаги ошхоналардан, ёрдамчи хизматлардан олинган кўрилган зарарлар, инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча товар-моддий захиралар ҳамда бошқа мол-мулк қиймати тарикасидаги аниқланган зарарлар ва шу кабилар киради.

2. Корхонанинг умумхўжалик фаолиятдан олинган фойдаси ёки зарари.

Корхонанинг умумхўжалик фаолиятдан олинган фойдаси ёки зарари бу асосий фаолиятдан олинган фойда суммаси плюс молиявий фаолиятдан кўрилган даромадлар ва минус зарарлар сифатида ҳисоблаб чиқилади:

$$УФ = АФФ + МД - МХ,$$

бунда,

УФ — умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда ёки зарар;

МД — молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;

МХ — молиявий фаолият харажатлари;

*Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар таркибига* турли хил олинган роялтилар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида улуш кўшган ҳолда қатнашишдан олинган даромад, акциялар бўйича дивидендлар ва облигациялар ҳамда хўжалик юритувчи субъектга тегишли қимматли қоғозлар бўйича олинган даромадлар, корхонанинг мол-мулкни молиявий ижарага беришдан олинган даромадлар, корхонанинг валюта счётлари, шунингдек чет эл валюталаридаги операциялар бўйича ижобий курс тафовутларидан пайдо бўлган даромадлар, корхона томонидан қимматли қоғозларга, шўъба корхоналарга ва ҳоказоларга сарфланган маблағларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар ва шу каби даромадлар киради.

*Молиявий фаолият харажатлари эса* фоизлар (банклар ва бошқа молия-кредит ташкилотлари кредитлари бўйича фоизлар, шу жумладан, муддати ўтган ва узайтирилган ссудалар бўйича фоизлар) бўйича харажатлар, хорижий валюта билан операция бўйича салбий курс тафовутлари ва зарарлар, мол-мулкни молиявий ижарага олиш (лизинг) бўйича фоизларни тўлаш харажатлари, корхона томонидан қимматли қоғозларга, шўъба корхоналарга ва ҳоказоларга сарфланган маблағларни қайта баҳолашдан кўрилган зарарлар, ўз қимматли қоғозларини чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар, молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар, шу жумладан салбий дисконт ва шу кабилардан иборат бўлади.

3. Солиқ тўлангунгача олинган фойда, у умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда плюс фавқулодда (кўзда тутилмаган) вазиятлардан кўрилган фойда ва минус зарар сифатида аниқланади:

$$СТФ = УФ + ФП - ФЗ,$$

бунда,

СТФ — солиқ тўлангунгача олинган фойда;

ФП — фавқулодда вазиятлардан олинган фойда;

ФЗ — фавқулодда вазиятлардан кўрилган зарар;

Фавқулодда вазиятлардан олинган фойда ҳажмига

*Фавқулодда вазиятлардан олинган фойда* бу- кўзда тутилмаган, тасодифий тусга эга бўлган, ҳодиса ёки хўжалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолияти доирасидан четга чиқадиган тусдаги операциялар натижасида пайдо бўладиган ва олинган қутилмаган фойдадир. Бу каби фойдага солиқ тўловчи текин олган мол-мулк, мулккий ҳуқуқлар, шунингдек ишлар ва хизматлар, корхонанинг товар-моддий бойликларни пухта баҳолашдан ҳосил бўлган фойда, инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча товар-моддий захиралар ҳамда бошқа мол-мулк қиймати тарикасидаги олинган фойда ва шу кабилар киради.

*Фавқулодда вазиятлардан кўрилган зарар* бу- хўжалик юритувчи субъектларнинг одатдаги фаолиятдан четга чиқувчи ҳодисалар ёки операциялар натижасида вужудга келадиган ва рўй бериши қутилмаган одатдан ташқари харажатлар моддаларидир. У ёки бу модда фавқулодда зарарлар моддаси сифатида акс эттирилиши учун у қуйидаги мезонларга жавоб бериши керак: юридик шахснинг одатдаги хўжалик фаолияти учун хос бўлмаслиги, бир неча йил мобайнида такрорланмаслиги, бошқарув ходими томонидан қабул қилинадиган қарорларга боғлиқ бўлмаслик керак. Фавқулодда зарарларга турли хил табиий офатлар (ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулотлар ва бошқа моддий бойликларнинг нобуд бўлиши ҳамда бузилиши, ишлаб чиқаришнинг тўхташи оқибатидаги йўқотишлар ва бошқалар) туфайли кўрилган ўрни қопланмайдиган йўқотишлар ва зарарлар, шу жумладан табиий офатлар оқибатларини олдини олиш ёки уларни бартараф этиш билан боғлиқ харажатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида мол-мулкни бепул топширишдан кўрилган зарарлар, яроқсиз маҳсулотдан кўрилган йўқотишлар, ички ишлаб чиқариш сабабларига кўра бекор туриб қолишлардан кўрилган йўқотишлар, ташқи сабабларга кўра (юридик шахснинг айбисиз) бекор туриб қолишлардан кўрилган, айбдорлар томонидан компенсация қилинмайдиган йўқотишлар ва шу каби зарар ва йўқотишлар киради.

Солиқ базасини аниқлаш учун иккинчи босқичдаги амалга ошириладиган жараён бу юқорида келтириб ўтилган тартибда аниқланган солиқ базасига қонунчиликка мувофиқ солиқ базасига қайта қўшиладиган харажатлар (чегириладиган вачегирилмайдиган харажатлар)ни аниқлаб олиш



ва уни солиқ базасига қайта қўшиш жараёнидир. Фойда солиғи базасига қайта қўшиладиган(чегирилмайдиган) харажатларга қуйидагилар киради:

моддий қимматликларнинг табиий камайиши нормаларидан ортиқча йўқотишлар ва бузилишлар;

ходимларга бериладиган ёки солиқ тўловчининг умумий овқатланиш эҳтиёжлари учун ёрдамчи хўжаликлар томонидан ишлаб чиқариладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича нархдаги фарқлар (зарарлар);

белгиланган нормалардан ортиқча харажатлар (хизмат сафарлари, вакиллик харажатлари, ихтиёрий суғурта турлари бўйича суғурта мукофотлари (бадаллари);

хўжалик бошқаруви органини сақлаб туриш учун ажратмалар;

йиллик молиявий ҳисоботни бир ҳисобот даврида бир мартадан ортиқ аудитдан ўтказиш харажатлари;

солиқ тўловчининг фаолиятида талаб этилмайдиган касблар бўйича кадрлар тайёрлаш харажатлари;

дала таъминоти, хизмат мақсадида ходимнинг шахсий автотранспортдан фойдаланганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча тўланган тўловлар;

ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган соғлиқни сақлаш ва дам олишни ташкил қилиш тадбирларига харажатлар;

атроф муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча бўлганлиги учун компенсация тўловлари;

кредит шартномасида муддатли қарзлар учун назарда тутилган ставкалардан ортиқча тўлов муддати ўтган ҳамда узайтирилган кредитлар (заёмлар) бўйича фоизлар;

суд чикимлари;

айбдорлари аниқланмаган ўғирликлар ва камомаддан ёки айбдор томон ҳисобидан зарур суммаларнинг ўрнини қоплаш мумкин бўлмаганда кўрилган зарарлар;

хўжалик шартномалари шартларини ва қонун ҳужжатларини бузганлик учун тўланган ёки тан олинган жарималар, пеня ҳамда бошқа турдаги санкциялар;

ишлатиб келинаётган тўлиқ эскирган асбоб-ускуна учун тўланадиган ҳақ ва шу қабилар.

Бу каби харажатлар мазмунига эътибор бериладиган бўлса, корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятига деярли боғлиқ бўлмаган, корхонада ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришдаги камчилик ва сусткашликлар ҳамда амалдаги қонунларга риоя қилинмаслик оқибатида келиб чиқадиган харажатлар бўлиб, булар корхонанинг молиявий барқарорлигига салбий таъсир этади. Шу боисдан ҳам бундай харажатларни фойда солиғи базасига қайта қўшиш орқали солиқ тўловчиларни бундай харажатларни иложи борича камроқ қилишга ундайди. Шу билан биргаликда солиқ солинадиган базага қайта қўшиладиган харажатлар тоифасига

чегириладиган тарзидаги харажатлар ҳам кирадики, бундай харажатлар улар юзага келган пайтда, жорий ҳисобот даврида солиқ солинадиган фойдани ҳисоблаб чиқаришда чегирилмайди, лекин улар кейинги даврларда, солиқ тўловчининг ҳисоб сисъати билан белгиланган, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддат ичида чегирилиб борилади. Бундай харажатларга қуйидагилар киради:

янги ишлаб чиқаришлар, цехлар, агрегатларни, шунингдек серияли ва оммавий ишлаб чиқариладиган янги маҳсулот турларини ҳамда технологик жараёнларни ўзлаштириш харажатлари;

барча турдаги асбоб-ускуналар ва техник қурилмаларни, уларнинг ўрнатилиш сифатини текшириб кўриш мақсадида комплекс синаб кўриш (ишлаб турган ҳолатида) харажатлари;

ишчи кучлари қабул қилиш ва янги ишга туширилган корхонада ишлаш учун кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ харажатлар;

асосий воситалар ва номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисобланган амортизация суммаси билан ушбу Солиқ кодексида (144-моддасида) белгиланган нормалар бўйича ҳисобланган амортизация суммаси ўртасидаги ижобий фарқ;

шубҳали қарзлар бўйича захира ташкил этиш учун қилинган харажатлар ва шу қабилар киради.

### **11.3. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкалари ва солиқ имтиёзлари**

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкалари солиқ тизимида энг кўп пасайиш тенденциясига эга бўлган ставкалардан саналади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10-октябрдаги "Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонида асосан ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот(хизмат, иш)ларини четга экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантириш мақсадида жами ишлаб чиқарган маҳсулот(хизмат, иш)лар таркибида экспортга йўналтирилган маҳсулот(хизмат, иш)ларнинг улуши 15 фоиздан 30 фоизгача бўлса, умумий солиқ ставкаси 30 фоизга, экспортга йўналтирилган маҳсулот(хизмат, иш)ларнинг улуши 30 фоиздан юқори бўлса, умумий солиқ ставкаси 50 фоизга камайтириладиган ставкалар жорий қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 325-сонли қароридан келиб чиққан ҳолда 2007 йилдан бошлаб хизмат ва сервис соҳасидаги корхоналар томонидан пластик қарточкалар орқали кўрсатилган хизматлар ҳажми доирасида умумий солиқ ставкаси 5 фоизга камайтирилган ҳолда қўлланилади (қаранг: бундай тартибдаги ставкаларни

қўллаш бўйича "Солиқ тамойиллари ва элементлари" бобда аниқ мисоллар келтириб ўтилган).

б-жадвал.

**Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи  
ставкалари (2018 йил учун)**

№	Солиқ тўловчилар	Солиқ ставкаси(фоизда)
1.	Юридик шахслар(2 ва 3-пунктдагиларга таълуқли эмас)	7,5
2.	Тижорат банклари	15
3.	Аукционлар ўтказишдан ҳамда бошқа юридик ва жисмоний шахсларни жалб қилган ҳолда оммавий томошалар ўтказишдан даромад олувчи юридик шахслар учун	35
4.	Ўзи ишлаб чиқарган махсулотини эркин алмаштириладиган валютада четга экспорт қиладиган корхоналар учун жами ишлаб чиқарган махсулоти(хизмат, иш)ида экспортга йўналитирилган махсулот(хизмат, иш)ларнинг улушига қараб <sup>115</sup> :	
	Жами ишлаб чиқарган махсулот(хизмат, иш)лар таркибида экспортга йўналитирилган махсулот(хизмат, иш)ларнинг улуши 15 фоиздан 30 фоизгача бўлса (7,5 -(7,5*30/100))	5,25(умумий солиқ ставкаси 30 фоизга камайтиради(7,5 - (7,5*30/100))
	Жами ишлаб чиқарган махсулот(хизмат, иш)лар таркибида экспортга йўналитирилган махсулот(хизмат, иш)ларнинг улуши 30 ва ундан кўп бўлса	3,75(умумий солиқ ставкаси 50фоизга камайтиради(7,5 - (7,5*50/100))
5.	Хизматлар соҳасидаги корхоналар учун пластик карточкаларни қўллаб кўрсатилган хизматлар ҳажмига қараб <sup>116</sup> :	7,12(умумий солиқ ставкаси 5фоизга камайтиради(7,5 - (7,5*5/100))

Тижорат банклари 2007 йилга қадар даромад солиғини тўлаб келган бўлса, 2007 йилдан бошлаб уларнинг фаолиятини солиқлар орқали рағбатлантириш мақсадида фойда солиғи тўлашга ўтди ва шу йили 18 фоиз ставкада фойда солиғи белгиланган эди. 2018 йилда банклар учун фойда солиғи ставкаси 15 фоиз қилиб белгиланган.

Шунингдек, ушбу солиқ тури бўйича Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг тўлов манбаида олган даромадлари(фойдаси)га нисбатан алоҳида солиқ ставкалари қўлланилади: дивидендлар ва фоизларга — 10 фоиз, суғурта қилиш, биргаликда суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта муқофотларига — 10 фоиз, халқаро алоқа учун телекоммуникациялар, халқаро ташишларга (фрахтдан олинадиган даромадларга) — 6 фоиз. Бундан ташқари фойда солиғи ставкаларини табақалаштирган ҳолда қўллашни назарда тутувчи алоҳида нормалар ҳам мавжудки, улар Ўзбекистон Республикасининг қарорлари ва фармонлари билан белгилаб қўйилган<sup>117</sup>.

<sup>115</sup> Эслатма: Умумий солиқ ставкасининг ўзгаришига қараб ушбу солиқ ставкаси даражаси ҳам ўзгариб боради.

<sup>116</sup> Агар корхона четга махсулот экспорт қилган бўлиб, 4-пунктдаги солиқ ставкалари қўлланилган бўлса, у ҳолда умумий солиқ ставка 4-пунктдаги ставкага нисбатан олинади.

<sup>117</sup> Бунинг учун Давлат солиқ қўмитасининг расмий сайти бўлган soliq.uz. интернет сайтининг "бухгалтерларга маслаҳат" рўқнининг "Солиқ имтиёзлари" кичик рўқнига кириб, унда ҳукумат қарорлари

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ўзида солиқларнинг рағбатлантирувчилик хусусиятини акс эттиридики, бу хусусият ушбу солиқ тури бўйича берилган имтиёзларда кўринади. Мазкур солиқ тури бўйича берилган солиқ имтиёзлари одатда уч гуруҳга бўлинган ҳолда умумлаштирилади. *Биринчи гуруҳдаги солиқ имтиёзлари бу солиқдан тўла озод этиш шаклидаги имтиёзлар бўлиб, уларга қуйидагилар қиради:*

Корхоналарнинг протез-ортопедия буюмлари, ногиронлар учун инвентарлар ишлаб чиқаришдан, шунингдек ногиронларга ортопедик протезлаш хизмати кўрсатишдан, ногиронлар учун мўлжалланган протез-ортопедия буюмлари ва инвентарларни таъмирлаш ҳамда уларга хизмат кўрсатишдан олинган фойдаси; шаҳар йўловчилар транспорти корхоналарининг (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари) йўловчиларни ташиш бўйича хизматлар кўрсатишдан олинган фойдаси; тарих ва маданият ёдгорликларини таъмирлаш ҳамда қайта тиклаш ишларини амалга оширадиган корхоналарнинг ушбу фаолият бўйича олган фойдаси; ички ишлар органлари ҳузуридаги қўриқлаш бўлиналари; халқ банкининг фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан фойдаланишдан олинган фойдаси; ишловчилари умумий сонининг 3 фоиздан кўпроғини ногиронлар ташкил этган юридик шахслар учун юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммаси(белгиланган фоизлик нормадан ортиқ ишга жойлаштирилган ногиронларнинг ҳар бир фоизига юридик шахслардан олинадиган фойдасолиғининг суммаси бир фоиз камайтирадиган ҳисоб-китоб асосида камайтиради) ва шу кабилар.

*Иккинчи гуруҳдаги имтиёзлар солиқ тўловчиларнинг солиқ солинадиган базасини камайтириш шаклида бўлиб, у қуйидаги фойда(ёки харажат) турларига тегишлидир:*

Корхоналар экология, соғломлаштириш ва хайрия жамғармаларига, маданият, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларига, таълим муассасаларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бадаллар берган ёки ҳомийлик ва хайрия тариқасидаги маблағлар ўтказган бўлса ушбу суммаси ҳажмида(аммо, солиқ солинадиган фойданинг икки фоиздан кўп бўлмаган миқдорда) солиқ солинадиган базадан камайтиради.

Товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришни амалга оширувчи корхоналар агар, ишлаб чиқаришни модернизациялашга, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, янги технологик жиҳоз харид қилишга, ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтиришга, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишга, шунингдек ушбу мақсадлар учун олинган

бўйича берилган солиқ имтиёзлари ва солиқ ставкаларининг қўлланиши ҳақида аниқлаштирилган маълумотлар билан танишиш мумкин.

кредитларни узишга маблағлар сарфлаган бўлса, ушбу маблағлари(бирок солиқ солинадиган фойданинг 30 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда) солиқ базасидан камайтирилади.<sup>118</sup>

Диний ва жамоат бирлашмаларининг (касаба уюшмалари, сиёсий партиялар ва ҳаракатлардан ташқари), хайрия жамғармаларининг мулкда бўлган корхоналар фойдасидан шу бирлашмалар ва жамғармаларининг уставда белгиланган фаолиятини амалга ошириш учун йўналтириладиган ажратмалари суммаси фойда солиғи базасидан чегирилади.

Кейинги йилларда фойда солиғи бўйича солиқ имтиёзлари мақсадли равишда бериш тенденциялари ошиб бормоқда. Айниқса, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, хизматлар кўрсатиш ва банк соҳасини ривожлантириш мақсадида мазкур солиқ тури бўйича солиқ тўловчиларга кўплаб солиқ имтиёзлари тақдим қилинган. Бу билан боғлиқ ҳукумат қарорлари ва фармонлари жуда кўп бўлиб, уларнинг ҳар бирининг мазмунини бу ерда акс эттириш имкони йўқлигини эътиборга олиб, юқорида таъкидлагидек, Давлат солиқ қўмитасининг расмий сайти бўлган soliq.uz. интернет сайтининг "Бухгалтерларга маслаҳат" рукнининг "Солиқ имтиёзлари" кичик рукнида бундай тартибдаги солиқ имтиёзлар ҳақида аниқ маълумотлар уларнинг манбалари бўйича келтирилган манбадан фойдаланиш тавсия этилади.

#### **11.4. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ҳисоблаш ва бюджетга ўтказиш тартиби**

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади:

Биринчи босқич: корхонанинг фойда солиғига тортиладиган ва тортилмайдиган фойда ҳажмларини аниқлаб олинади. Солиқ тўловчи бўлган корхонанинг фойда солиғига тортиладиган ва солиққа тортилмайдиган(фойда сифатида қаралмайдиган) фойда турлари юқоридакелтириб ўтилди.

Иккинчи босқич: Корхонанинг солиққа тортиладиган фойда ҳажмидан келиб чиқиб солиқ базасини аниқлаш. Бу ерда солиқ базасини аниқлаётганда корхонанинг бухгалтерияси маълумотлари ва тегишли бухгалтерия ҳисоби регистрларининг маълумотларига асосланиб, 99-"Яқуний молиявий натижалар" ҳисобварағининг дебет ва кредит оборотлари(бухгалтерия ёзувлари сўммаси) ҳар бир ҳўжалик операциялари бўйича аниқлаб чиқиш талаб этилади. Бунда шу нарсага эътибор бериш лозимки, "Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом" талаблари асосида корхонада амалга оширилган харажатларнинг қайсилари маҳсулот

<sup>118</sup>Ушбу харажатлар қилинган солиқ даврдан эътиборан, технологик жиҳоз бўйича эса у фойдаланишга топширилган пайтдан эътиборан беш йил ичида амалга оширилади. Янги технологик жиҳоз харид қилинган (импорт қилинган) пайтдан эътиборан уч йил ичида реализация қилинган ёки текинга берилган тақдирда, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланади ва мазкур имтиёзнинг амал қилиши имтиёз қўлланилган бутун давр учун бекор қилинади.

таннархига олиб борилиши ва қайсилари корхонанинг давр харажатлари орқали зарарига олиб борилиши лозим. Агар, давр харажатларига олиб борилиши лозим бўлган харажатлар маҳсулот таннархига қўшиб юборилса, демак, ушбу сўммага тенг солиқ сўммаси солиқдан яширилган бўлиб чиқади ва солиқни нотўғри ҳисоблашга олиб келади. Бунинг учун харажатларнинг мазмуни, уларни қоплаш услуги, корхонанинг бухгалтерияси ҳисобварақларида ҳўжалик операцияларини тўғри расмийлаштириш ва молиявий натижаларни тўғри аниқлаш талаб этилади.

Учинчи босқич: биринчи ва иккинчи босқичда келтириб ўтилган талаблар асосида корхонанинг солиқ тўлағунга қадар фойдаси ёки зарарини аниқлаб олиб, агар корхонанинг чегирилиши лозим бўлган харажатларнинг жами даромаддан ошиб кетганлиги аниқланса, бу амалдаги Солиқ қонунчилигига кўра (Солиқ кодексининг 161-моддаси) зарар деб эътироф этилади ва солиқ тўловчи қўрилган зарарларни ушбу зарар қўрилган солиқ даврдан кейинги беш йил ичида келгусига тақсимлаб ўтказишни амалга оширишга ҳақли бўлади. Бунда ўтган солиқ даврида ёки ўтган солиқ даврларида ҳисоблаб чиқилган зарари (зарарлари) бўлган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг тўловчилари жорий солиқ даврининг солиқ солинадиган фойдасини қўрилган зарарнинг тўлиқ суммасига ёки бу сумманинг бир қисмига камайтиришга ҳақлидир. Тақсимлаб ўтказилаётган зарарнинг ҳар бир навбатдаги солиқ даврида ҳисобга олинадиган жами суммаси жорий солиқ даврининг ҳисоблаб чиқилган солиқ солинадиган фойданинг 50 фоизидан ошмаслиги керак.Солиқ солинадиган фойда тақсимлаб ўтказилиши керак бўлган зарар суммаси миқдорига фақат йил якунлари бўйича камайтирилиши мумкин.

Тўртинчи босқич: Корхонада чегириладиган ва чегирилмайдиган харажатлар (солиқ базасига қайта қўшиладиган харажатлар) сўммаси аниқланиб, улар учинчи босқичда амалга оширилган тартибдаги ҳисоб-китоб натижаларига қўшилади, яъни солиқ базасига қўшилади. Бунда аввал қайта қўшилган ва ушбу ҳисобот даврига тўғри келадиган чегириладиган харажатлар сўммаси солиқ базасидан айириб ташланади.

Бешинчи босқич: Тўртинчи босқичда аниқланган фойда солиғи базасидан Солиқ кодекси ва ҳукумат қарорлари асосида бошқа берилган солиқ имтиёзларга эга бўлинса, улар кетма-кетлик асосида солиқ базасидан камайтирилади.

Олтинчи босқич: Корхона учун фойда солиғининг ставкаси аниқланади. Агар, солиқ қонунчилигига мувофиқ корхона имтиёзли солиқ ставкаларига эга бўлса, бундай солиқ ставкаларини қўллаш тартиби аниқлаб олинади.

Еттинчи босқич: Солиққа тортиладиган яқуний солиқ базаси ва унга қўлланиладиган солиқ ставкасини аниқлаб, бюджетга тўланадиган солиқ сўммаси аниқланади ва бу оддий қўринишда қуйидаги қўринишга эга бўлади: *Фойда солиғи сўммаси* = (Яқуний солиқ базаси) +(солиқ базасига қайта қўшиладиган харажатлар сўммаси) ± (аввал қайта қўшилган ва ушбу

ҳисобот даврига тўғри келадиган чегириладиган харажатлар сўммаси)- ( солиқ имтиёзлари сўммаси) х (Аниқланган солиқ ставкаси)/100.

Ёки буни бухгалтерия хисоби хисобварақлари бўйича аниқланадиган бўлинса қуйидагича бўлади:

*Фойда солиғи сўммаси* = (Корхона бухгалтериясининг 99-"Якуний молиявий натижалар" хисобварағи кредит обороти) - (Корхона бухгалтериясининг 99-"Якуний молиявий натижалар" хисобварағи дебет обороти) + (солиқ базасига қайта қўшиладиган харажатлар сўммаси) ± (аввал қайта қўшилган ва ушбу ҳисобот даврига тўғри келадиган чегириладиган харажатлар сўммаси)- ( солиқ имтиёзлари сўммаси) х (Аниқланган солиқ ставкаси)/100.

Ёки буни корхоналарнинг томонидан тузиладиган бухгалтерия балансининг 2-иловаси "Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот" маълумотларига асосан аниқланадиган бўлинса қуйидагича бўлади:

*Фойда солиғи сўммаси* = ("Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот"нинг 240-сатрида жамланган молиявий натижа сўммаси) + (солиқ базасига қайта қўшиладиган харажатлар сўммаси) ± (аввал қайта қўшилган ва ушбу ҳисобот даврига тўғри келадиган чегириладиган харажатлар сўммаси)- ( солиқ имтиёзлари сўммаси) х (Аниқланган солиқ ставкаси)/100.

Қуйидаги юридик шахслардан олинadиган фойда солиғини ҳисоблашга оид бир нечта мисолларни келтириб ўтамиз.

Корхона томонидан жорий ҳисобот даврида қуйидаги молиявий натижалар кўрсаткичига эга бўлган ва харажатларни амалга оширган(млн. сўм):

№	Кўрсаткичлар	Сўмма
1.	Сотишдан олинган соф тушум	135
2.	Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари	88
3.	Корхона бошқа корхоналардан шартнома шартларини бажармаганлиги учун ундирилган жарималар	4,5
4.	Корхона ҳузуридаги ошхоналардан олинган фойда ҳажми	13
5.	Корхона ёрдамчи хизматлардан олинган кўрилган зарар ҳажми	3,9
6.	Корхона ўзига тегишли бўлган нинг асосий воситасини ҳисобдан чиқаришдан олган фойдаси	5,7
7.	Ҳисобот даврида корхонанинг давр харажатлари сўммаси	37,2
8.	Корхонанинг мол-мулкни молиявий ижарага беришдан олган даромади	7,1
9.	Корхонанинг банкдаги валюта счётларидаги пул маблағларининг сўмга нисбатан курсининг ижобий фарқ ўзгаришидан олган фойдаси	8,6
10.	Ўз қимматли қоғозларини чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар	4,9
11.	Банклар ва бошқа молия-кредит ташкилотларидан олинган кредитлари бўйича фоиз тўловлари	2,0
12.	Корхонада ўтказилган инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча товар-моддий захиралар ва пул маблағлари сўммаси(кассадан ортиқча чиққан маблағ)	3,8

13.	Ҳисобот даврида табиий офат натижасида аниқланган зарар сўммаси	14,6
14.	Корхонанинг омборида сақланаётган моддий қимматликларнинг табиий камайиши нормаларидан ортиқча йўқотишлар ва бузилишлардан аниқланган зарар сўммаси	3,4
15.	Айбдорлари аниқланмаган ўғирликлар ва камомадлар	2,4
16.	Белгиланган(тасдиқланган) нормалардан ортиқча хизмат сафари харажатлари	3,1
17.	Корхонанинг янги ишга туширилган цехида ишлаш учун кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ харажатлар	6,2
18.	Корхона томонидан шубҳали қарзлар бўйича захира ташкил этиш учун қилинган харажатлар	1,8
19.	Ишлаб чиқаришни модернизациялашга қилинган харажатлар	12,6
20.	Корхона томонидан "Меҳр нури"хайрия жамғармасига ўтказган ҳомийлик ёрдам сўммаси	5,0
21.	Фойда солиғининг умумий ставкаси(фоиз)	7,5

Ушбу маълумотлардан фойдаланган ҳолда корхонанинг асосий фаолиятдан кўрилган фойдаси ёки зарарини, умумхўжалик фаолиятдан олинган фойдаси ёки зарарини, солиқ тўлангунгача олинган фойдаси ёки зарарини, солиқ базасига қайта қўшиладиган чегириладиган ва чегирилмайдиган харажатларини, солиқ имтиёзларини аниқлашиб олишимиз керак бўлади.

**1. Корхонанинг асосий фаолиятдан кўрилган фойдаси ёки зарари = 135-88-37,2+5,7+13,0+4,5-3,9 = 29,1(фойда).**

**2. Корхонанинг умумхўжалик фаолиятдан олинган фойдаси ёки зарари = 29,1+7,1+8,6-4,9-2,0 = 37,9 (фойда).**

**3. Корхонанинг солиқ тўлангунгача олинган фойдаси ёки зарари = 37,9 +3,8-14,6 =27,1(фойда).**

**4. Корхона томонидан солиқ базасига қайта қўшиладиган чегирилмайдиган харажатлари сўммаси =3,4+2,4+3,1 = 8,9.**

**5. Корхона томонидан солиқ базасига ҳисобот даврида қайта қўшиладиган келгусида чегириладиган харажатлари сўммаси = 6,2+1,8 = 9,0.**

**6. Умумий солиқ базаси = 27,1+8,9+9,0 = 45,0.**

**7. Солиқ базасидан чегириладиган солиқ имтиёзлари сўммаси = 12,6+0,9 =13,5.**

Бу ерда солиқ базасидан чегириладиган харажатлар шаклидаги имтиёзлардан корхонанинг "Меҳр нури"хайрия жамғармасига ўтказган ҳомийлик ёрдам сўммаси 5,0 сўмни ташкил этсада юқорида айтиб ўтилганидек, бундай харажатлар солиқ солинадиган фойданинг икки фоиздан кўп бўлмаган миқдорда чегирма қилинади. Бизнинг мисолимизда солиқ солинадиган база сўммаси 45,0 млн. сўмни ташкил этиб, унинг 2,0 фоизи 0,9 млн. сўмни ташкил этади. Шу боисдан солиқ имтиёзи сифатида 5,0 млн.сўм эмас, балки, 0,9 млн.сўмлик харажат белгиланади. Ишлаб чиқаришни модернизациялашга қилинган харажатлар 12,6 млн. сўмлик

имтиёзлар сўммаси бу ерда солиқ базасидан тўлиқ айириб ташланади, сабаби бундай харажатлар солиқ солинадиган базанинг 30 фоизидан ошмасликлерак. 12,6 млн. сўм эса солиқ базаси - 45,0 млн. сўмнинг 28,0 фоизни ташкил этиб мезонга мос келади.

8. Солиқ ставкаси қўлланиладиган солиқ базаси  $45,0 - 13,5 = 31,5$ .

Шундай қилиб, корхонанинг бюджетга ҳисобланган фойда солиғи сўммаси =  $31,5 \times 7,5 / 100 = 2,36$  млн.сўм.

Ушбу мисол тарикасида корхона томонидан имтиёзли(камайтирилган) солиқ ставкасини қўллашни ҳам кўриб ўтмоқчи бўлсак, агар, корхона жами ишлаб чиқарган маҳсулоти 165 млн. сўм бўлиб, унинг 135 млн. сўмлигини миллий иқтисодиёт доирасида қолган 30 млн. сўмлигини эса четга эркин алмаштириладиган валюта(доллор ёки евро)га экспорт қилган бўлса, у ҳолда солиқ ставкаси куйидаги аниқланади. 30 млн. сўмлик маҳсулот жами маҳсулотда  $18,1(30/165 \times 100)$ ни ташкил қилади. Юқорида солиқ ставкасини қўллаш бўйича бу борадаги мезонларни келтириб ўтганимиздек, бундай корхонларга умумий белгиланган солиқ ставкаси 30 фоизга камайтирилган ҳолда қўлланилади. Яъни, бизнинг мисолимиздаги корхона учун аниқлаштирилган солиқ ставкаси  $7,5 - (7,5 \times 30) / 100 = 5,25$  фоизни ташкил этади. У ҳолда корхона бундай шароитда бюджетга 2,36 млн.сўм ўрнига  $(31,5 \times 5,25 / 100)$  1,65 млн.сўмлик фойда солиғини тўлайди.

Ушбу маълумотларни асосланиб, бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари усули бўйича корхонанинг солиқ тўлангунгача олинган фойдаси ёки зарари сўммасини ҳисоблайдиган бўлсак у ҳолда:

Корхона бухгалтериясининг 99-"Яқуний молиявий натижалар" ҳисобварағи кредит обороти =  $135 - 88 + 4,5 + 13,0 + 5,7 + 7,1 + 8,6 + 3,8 = 89,7$ .

Корхона бухгалтериясининг 99-"Яқуний молиявий натижалар" ҳисобварағи дебет обороти =  $3,9 + 37,2 + 4,9 + 2,0 + 14, + = 62,6$ .

Корхонанинг солиқ тўлангунгача олинган фойдаси ёки зарари =  $89,7 - 62,6 = 27,1$ (фойда).

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини даври календарь йил ҳисобланади. Ҳисобот топшириш даври эса йил чораги ҳисобланади.

Фойда солиғининг ҳисоб-китоби солиқ тўловчилар томонидан давлат солиқ хизмати органларига ортиб боровчи яқун билан йилнинг ҳар чорагида ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда тақдим этилади. Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари доимий муассаса жойлашган жойдаги давлат солиқ хизмати органига Ўзбекистон Республикасидаги фаолиятининг хусусияти ҳақидаги ҳисоботни шунингдек юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг ҳисоб-китобини чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар учун йиллик молиявий ҳисоботни топшириш учун белгиланган муддатларда тақдим этади.

Солиқ тўловчилар фойда солиғи тўловини ҳисобот даври мобайнида жорий тўловларни тўлаш орқали амалга оширади. Бунда жорий тўловларнинг

суммасини аниқлаш учун солиқ тўловчилар жорий ҳисобот даври биринчи ойнинг 10-кунигача давлат солиқ хизмати органига жорий ҳисобот даври учун тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойдадан ва солиқ ставкасидан келиб чиқиб ҳисобланган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг суммаси ҳақида маълумотнома тақдим этадилар <sup>119</sup>. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича жорий тўловлар ҳар ойнинг 10-кунидан кечиктирмай йил чораги бўйича юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммасининг учдан бир қисми миқдоридан тўланади. Ҳисобот даврида тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойда энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан кам миқдорни ташкил этадиган солиқ тўловчилар жорий тўловларни тўламайди.

Бу ерда шуни эътиборга олиш керакки, агар корхона томонидан тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойдадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган фойда солиғи суммаси ҳисобот даври учун бюджетга тўланиши лозим бўлган фойда солиғи суммасига нисбатан 10 фоиздан кўпроқ камайтирилган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи жорий тўловларни юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб пеня ҳисоблаган ҳолда қайта ҳисоблашишимумкин. Ўзбекистон Республикаси норезидентининг доимий муассасаси юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини, шунингдек соф фойдадан олинадиган солиқни жорий тўловларни тўламасдан йилга бир марта, ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кейин бир ой ичида тўлайди.

Фойда солиғи тўловчилари бошқаларга тўланадиган дивидендлар ва фоизларни ва Ўзбекистон Республикаси норезидентларига даромадларни фойда солиғи белгиланган ставкаларни чегирмаларни амалга оширмасдан тўлов манбаида ушлаб қолиши ва Ўзбекистон Республикаси норезидентларига дивидендлар, фоизлар ва тўловларни тўлаш санасидан кечиктирмай бюджетга ўтказиши, фойда солиғи ҳисоб-китобини давлат солиқ хизмати органларига тўлов амалга оширилган ҳисобот даври тугагандан кейин йигирма беш кундан кечиктирмай тақдим этиши, давлат солиқ хизмати органларига Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклдаги, бу шахсларнинг солиқ тўловчининг идентификация рақами, уларнинг номи, даромадининг умумий суммаси ва солиқ даври учун ушлаб қолинган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг умумий суммаси кўрсатилган маълумотномани солиқ даври тугагандан кейин ўттиз кун ичида тақдим этиши даромад оловчи шахсларга уларнинг талабига биноан, даромад суммаси ва солиқ даври учун ушлаб қолинган солиқнинг умумий суммаси ҳақида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва

<sup>119</sup>Қаранг: Фойда солиғининг суммаси ҳақида маълумотнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 4 мартдаги 23, 2013-8-сон қарорига 1-илоvasи билан тасдиқланган Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича солиқ ҳисоботи шаклларида келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклда маълумотнома тақдим этиши лозим бўлади.

#### **11.5. Кредит, суғурта ташкилотлари ҳамда қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари даромадларига солиқ солиш тартиби**

Маълумки, кредит ва суғурта ташкилотлари ҳамда қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиларининг иқтисодий фаолияти ва уларнинг молиявий натижаларининг шаклланиши ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Уларда даромадни аниқлаш ва фаолият бўйича қилинадиган харажатларнинг мазмунига ҳам ўзига хос тарзда бўлади. Булар эса ушбу ташкилотларнинг фойдасини солиққа тортишнинг ўзига хос тарзда кечишини билдиради.

*Авалло кредит молиявий натижаларининг шаклланишига қарайдиган бўлсак, уларнинг банк хизматларни реализация қилишдан олинadиган даромадларига қуйидагилар киради:*

Кредит ташкилотининг ўз номидан ва ўз ҳисобидан пул маблағларини жойлаштиришдан, кредитлар ҳамда заёмлар беришдан олинadиган фоизлар, бошқа фоизли даромадлар, мижозларнинг, шу жумладан вакил банкларнинг ҳисобварақларини очганлик ва юритганлик ҳамда уларнинг топшириғига биноан ҳисоб-китобларни амалга оширганлик учун олинган ҳақ (шу жумладан жўнатма, инкассо, аккредитив ва бошқа операциялар, банк операцияларини амалга ошириш учун мўлжалланган тўлов карталарини ҳамда бошқа махсус воситаларни расмийлаштирганлик ва хизмат кўрсатганлик учун, ҳисобварақлар бўйича кўчирмаларни ҳамда бошқа ҳужжатларни тақдим этганлик учун ва суммаларни қидирганлик учун воситачилик ҳақи ҳамда бошқа пул мукофотлари), пул маблағларини инкассация қилишдан, векселлардан, тўлов ва ҳисоб-китоб ҳужжатларидан ҳамда мижозларга касса хизмати кўрсатишдан олинadиган даромадлар, нақд пулли ва нақд пулсиз шаклда амалга ошириладиган валюта операцияларини ўтказишдан, шу жумладан чет эл валютасини сотиб олиш ёки сотиш, жумладан мижознинг ҳисобидан ва унинг топшириғи бўйича операцияларда воситачилик ва бошқа мукофотлар, валюта бойликлари билан операция қилишдан олинadиган даромадлар, учинчи шахслар учун пул шаклида ижро этилишини назарда тутувчи банк кафолатлари, мажбуриятлари, аваллари ва кафилликлари беришга доир операциялардан олинadиган пул шаклидаги мукофот, ҳужжатларни ва қимматликларни сақлаш учун махсус жиҳозланган хоналар ва сейфларни ижарага беришдан олинadиган даромадлар, пул маблағлари, қимматли қоғозлар, бошқа бойликлар ва банк ҳужжатларини етказиб берганлик, таниганлик учун ҳақ, қимматбаҳо металллар ҳамда қимматбаҳо тошларни ташиганлик ва сақлаб турганлик учун ҳақ, форфейтинг ва факторинг операцияларини амалга оширишдан олинadиган даромадлар, кредит ташкилотлари томонидан ўз профессионал фаолиятдан олинadиган бошқа даромадлар.

Кредит ташкилотларининг молиявий натижаларини аниқлашда Солиқ кодексининг 142-моддасида кўзда тутилган фойда солиғини ҳисоблаб чиқишда чегириладиган моддий харажатлар, 143-моддасида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, 144-моддасида назарда тутилган Амортизация харажатлари, 145-моддасидаги бошқа харажатлар ва 146-моддасида белгилаб қўйилган ҳисобот даврининг солиқ солинадиган фойдадан келгусида чегириладиган харажатларидан ташқари кредит ресурслари учун тўловлар, пул маблағлари ва қимматликларни ташиш ҳамда сақлаш харажатлари, мижозларнинг депозит ҳисобварақлари, шу жумладан жисмоний шахсларнинг омонатлари бўйича ҳисобланган ва тўланган фоизлар, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган нормалар доирасида таваккалчилик операциялари бўйича захираларга ажратмалар шаклидаги харажатлари ҳам жами даромадлардан чегириб ташланади. Кейинги босқичда эса агар банк ташкилоти солиқ имтиёзларига эга бўлса, улар ҳисобга олинган ҳолда юқорида келтириб ўтилган тартибда фойда солиғи базаси аниқланади ва солиқ ҳисоблаб чиқилади.

*Суғурта ташкилотларининг даромадларига солиқ солишининг ўзига хос хусусиятлари.*

Суғурта ташкилотларида ҳам молиявий натижаларнинг шаклланиши ўзига хос тартибга эга бўлиб, уларнинг суғурта хизматларни реализация қилишдан олинadиган даромадларига қуйидагилар киради:

суғурта қилиш, биргаликда суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта мукофотлари (бадаллари). Бунда биргаликда суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта мукофотлари (бадаллари) суғурталовчининг (биргаликда суғурта қилувчининг) даромадлари таркибига фақат унинг биргаликда суғурта қилиш шартномасида белгиланган суғурта мукофотидаги улуши миқдорида қўшилади;

аввалги ҳисобот даврларида шакллантирилган суғуртавий техник захираларни камайтиришнинг (қайтаришнинг) қайта суғурта қилувчиларнинг суғурта захираларидаги улуши ўзгариши ҳисобга олинган ҳолдагисуммалари;

суғурта қилиш, биргаликда суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича пул мукофоти, шунингдек қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича танъемалар (фойдадан олинadиган ҳақ);

қайта суғурта қилишга ўтказилган таваккалчилик бўйича суғурта тўловлари улушининг ўрнини қайта суғурта қилувчилар томонидан коплаш суммалари;

қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича мукофотлар депосига ҳисобланган фоизлар суммалари;

суғурта қилдирувчининг (наф олувчининг) етказилган зарар учун жавобгар шахсларга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқини реализация қилишдан олинadиган, қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчига ўтган даромадлари;

суғурта агенти, брокер, воситачи хизматларини кўрсатганлик учун мукофот;

суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларига хизматлар кўрсатганлик учун суғурталовчи томонидан олинган пул мукофоти;

суғурта хизматлари кўрсатишдан ва қўшимча суғурта фаолиятдан олинган бошқа даромадлар.

Суғурта ташкилотларининг молиявий натижаларини аниқлашда ҳам Солиқ кодексининг 142-моддасида кўзда тутилган фойда солиғини ҳисоблаб чиқишда чегириладиган моддий харажатлар, 143-моддасида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, 144-моддасида назарда тутилган Амортизация харажатлари, 145-моддасидаги бошқа харажатлар ва 146-моддасида белгилаб қўйилган ҳисобот даврининг солиқ солинадиган фойдадан келгусида чегириладиган харажатларидан ташқари қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича тўланган тўлов суммалари, аввалги ҳисобот даврларида шаклантирилган суғурта техник захиралари ўсишининг қайта суғурта қилувчиларнинг суғурта захираларидаги улуши ўзгариши ҳисобга олинган ҳолдаги суммаси, суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш мажбуриятлари бўйича амалга оширилган ҳамда ҳисобланган тўлов суммалари, фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтган йиллардаги суғурта ходисалари бўйича тугалланмаган тўлов суммалари, шу жумладан даъво муддати доирасидаги мажбуриятлар суммаси, суғурта ходисаси рўй берганлиги ҳақида маълум қилинган, лекин зарар миқдори тақдим этилмаган шартномалар бўйича суғурта суммалари, суғурта ташкилоти суғурта ходисалари рўй беришини бартараф этиш ва унинг олдини олишга доир тадбирларни (превентив тадбирларни) модиялаштиришга сарфлайдиган маблағлар суммалари, суғурта ташкилотлари захира фондларининг миқдори суғурта ташкилотлари устав фондининг 25 фоизига етгунига қадар мазкур ташкилотлар ўз даромадларининг 20 фоизигача миқдорида захира фондларига қиладиган ажратмалар суммаси, суғурта фаолияти билан боғлиқ ўзга юридик шахсларнинг хизматларига тўланган ҳақ ва шу каби харажатлар чегириб ташланган ҳолда фойда солиғи базаси аниқланади ва юқоридаги тартибда солиқ имтиёзлари (агар мавжуд бўлса) қўлланилган ҳолда солиқ ҳисоблаб чиқилади.

*Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари даромадларига солиқ солишининг ўзига хос хусусиятлари*

Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиларидан фойда солиғини ундиришда уларнинг молиявий натижаларини аниқлашда уларнинг даромадлари қуйидаги таркибга эга бўлиши мумкин:

Қимматли қоғозларни реализация қилишдан олинadиган даромадлар (қимматли қоғозлар, бундан қарз қимматли қоғозлари ҳисобланган облигациялар, депозит сертификатларимустасно, иштирок этиш улуши бўйича — реализация қилиш қиймати ва олиш қиймати (ҳисса) ўртасидаги ижобий фарқ сифатида юзага келадиган даромад, қарз қимматли қоғозлари бўйича — реализация қилиш қиймати билан реализация қилиш

санасидаги дисконт амортизацияси ва (ёки) мукофот инобатга олинган ҳолда олиш қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатидаги даромад), қимматли қоғозлар бозорида воситачилик ва бошқа хизматлар кўрсатишдан олинadиган даромадлар, мижозларнинг маблағларидан фойдаланишдан юзага келадиган даромаднинг бир қисми сифатидаги даромадлар, депозитар хизматлар, шу жумладан қимматли қоғозлар тўғрисида ахборот тақдим этиш, депо ҳисобварағини юритиш бўйича хизматлар кўрсатишдан олинadиган даромадлар, қимматли қоғозлар эгалари реестрини юритиш бўйича хизматлар кўрсатишдан олинadиган даромадлар, қимматли қоғозлар билан биржада ва биржадан ташқарида савдоларни ташкил этиш бўйича хизматлар кўрсатишдан олинadиган даромадлар, ҳисоб-китоб-клиринг фаолияти бўйича даромадлар, қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган инвестиция активларини бошқариш бўйича даромадлар, қимматли қоғозлар бозорида маслаҳат хизматлари кўрсатишдан олинadиган даромадлар, профессионал фаолиятдан олинган бошқа даромадлар.

Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиларининг молиявий натижаларини аниқлашда ҳам Солиқ кодексининг 142-моддасида кўзда тутилган фойда солиғини ҳисоблаб чиқишда чегириладиган моддий харажатлар, 143-моддасида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, 144-моддасида назарда тутилган Амортизация харажатлари, 145-моддасидаги бошқа харажатлар ва 146-моддасида белгилаб қўйилган ҳисобот даврининг солиқ солинадиган фойдадан келгусида чегириладиган харажатларидан ташқари тегишли лицензияга эга бўлган савдони ташкил этувчиларга бадаллар тарзида тўланадиган харажатлар; профессионал фаолиятни амалга ошириш муносабати билан пайдо бўладиган савдо қилиш жойларини сақлаб туриш ва уларга хизмат кўрсатиш харажатлари; қимматли қоғозлар муомаласи ва уларни ҳисобга олиш билан боғлиқ ўзаро электрон алоқани ташкил этиш ҳамда олиб бориш бўйича харажатлар; қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ошқор этиш билан боғлиқ харажатлар; ўз мижозларининг топшириғига биноан акциядорлик жамиятларининг бошқарув органларида иштирок этиш харажатлари ва шу кабилар чегириб ташланади. Фойда солиғини ҳисоблаш эса юқорида келтирилган тартибда ҳисобланади ва бюджетга ўтказилади.

Қорхоналар томонидан бюджетга ҳисобланган фойда солиғи сўммаси солиқ тўловчининг бухгалтериясида қуйидагича акс эттирилади.

Бюджетга ҳисобланган фойда солиғи сўммасига:

Дебет-8910-"Фойданинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича ишлатилиши" ҳисобварағининг "Фойда солиғи бўйича харажатлар" суб ҳисобварағи;

Кредит-6410-"Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик" ҳисобварағининг "Фойда солиғи бўйича қарздорлик" суб ҳисобварағи.

Бюджетга тўланган фойда солиғи сўммасига:

Дебет-6410-"Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик" ҳисобварағининг "Фойда солиғи бўйича қарздорлик" суб ҳисобварағи.

Кредит-5100-"Ҳисоб-китоб" ҳисобварағи(агар солиқ сўммаси нақд пулда тўланган бўлса кредит-5000-"Ғазна" ҳисобварағи).

Йилнинг охирида 8900-"Фойданинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича ишлатилиши" ҳисобварағининг ёпилишига:

Дебет - 9900-"Яқуний молиявий натижа" ҳисобварағи;

Кредит-8900-"Фойданинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича ишлатилиши" ҳисобварағи.

#### **Таянч сўз ва иборалар:**

*Фойда, даромад, ялпи тушум, солиқ объекти, солиқ базаси, молиявий натижалар, ялпи фойда, асосий фаолиятдан олинган фойда(зарар), умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда(зарар), қайта қўшиладиган харажатлар, чегириладиган харажатлар, давр харажатлари, молиявий операциялар, фавқулодда фойда, фойда солигидан имтиёзлар, солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби, зарарларни қоплаш, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари.*

#### **Назорат учун савол ва топшириқлар:**

1. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг иктисодий моҳияти ва унинг солиқ тизимида тутган ўрни нималардан иборат?
2. Нима учун 1995 йилга қадар фойдадан эмас даромаддан солиққа тортиш тартиби қўлланилди? Сабабини изоҳланг.
3. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг тўловчилари кимлар саналади?
4. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг объекти ва солиқ базасини аниқлаш тартибини айтиб беринг.
5. Нима учун юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи базасига қайта қўшиладиган харажатлар қайта қўшилади?
6. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи рағбатлантирувчи солиқми ёки тартибловчими? Фикрингизни асосланг.
7. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби қанақа?
8. Корхоналарнинг умумхўжалик фаолиятдан олган даромадлари қандай аниқланади?
9. Суғурта компаниялари ва қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларини юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича солиққа тортишнинг хусусиятларини айтиб беринг.
10. Тижорат банклари юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлаш тартибини тушунтириб беринг.

## **12-БОБ. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИ**

### **12.1. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг иктисодий моҳияти, бюджет тизимида тутган ўрни ва солиқ тўловчилари**

Солиқларнинг дастлабки шаклланиши ва ривожланиш жараёнлари аввало жисмоний шахслар(аҳоли)ни солиққа тортиш билан боғлиқ бўлган. Қадимий қулдорлик давлатларида давлат хазинасининг асосий даромад манбаи бошқа давлатларни босиб олиш ва улардан ундирилган(хамма давлатлар эмас, йирик давлатларда, масалан Рим давлати) ўлпонлар билан биргаликда аҳолидан ундириладиган солиқлар асосий роль ўйнаган. Аҳолидан ундириладиган солиқлар орасида уларга берилган ерлардан ундирилган турли хил солиқлар(бундай солиқлар турли давлатчилик ва турли даврларда турлчича аталган) ва жон бошига солиқлар асосий роль ўйнаган. Даромаднинг ўзини тўғридан тўғри солиққа тортишнинг вазифасини жон бошига солиқ ўтаган. Жон бошига солиқ тури Қадимги Рим давлати ва унинг емирилишидан кейин феодал давлатлар тизимида ҳам аксарият давлатларда амал қилиб келган. Бирок, бундай солиқлар кейинчаликдиний таълимотларни ривожлантиришда ва диний тартибда солиқундиришда ўзига хос хусусиятга эга бўлган. Масалан, ислом динида асосий солиқ тури сифатида «закот»(زكاة) деб номланган <sup>120</sup> мажбурий тўлов даромаддан ундирилган(албатта маълум қондаларга асосланган ҳолда). Қуръоннинг тарихий оятларидан қадимда яҳудий ва насроний жамоалар учун ҳам диний солиқлар қўлланилганлигини кўриш мумкин.

Демак, Арабистон ярим ороли, Византия ва Сосонийлар давлатларидаги христианлик ва яҳудийлик динларига эътиқод қилувчи аҳоли учун ислом пайдо бўлишидан олдин бундай солиқ тури маълум бўлган. Қадимда христианлар ўртасидаги табақавий тенгликни сақлаш мақсадида бой ва ўрта ҳол христианлик динига эътиқод қилувчи аҳоли ойлик даромаднинг ўндан бирини (десятина) солиқ сифатида черковга олинган. Яҳудийларда эса диний мажбурият сифатидаги солиқ «солихлик» (цедака) деб аталган. Умар ибн ал-Хаттобнинг давлат ҳукми доирасини янги ҳудудларга кенгайтиришда солиқлар сиёсатидан унумли фойдалана олганлигини кўриш мумкин. Янги шаклланаётган солиқ тизимида мусулмон бўлмаган аҳолидан жон боши ҳисобида олинадиган жузья солиғи муҳим ўрин тутди. Ал-Жизйя (الجزية) институти Араб халифалиги ўтмишдошлари – Сосонийлар (224-651) ва Византия империялари давлат тизимида ҳам мавжуд бўлган. Умар ибн ал-Хаттоб ҳукумати томонидан даромад солиғининг мазмуни ўзида акс эттирилган жузья солиғи табақалаштирилган(солиқ тушунчаси билан айтганда прогрессив солиққа тортиш) ҳолда яъни, бойларда–48 дирҳам, ўрта ҳоллардан–24 дирҳам ва камбағаллардан–12 дирҳам миқдорида ундирилган.

<sup>120</sup> Аммо, ҳозирги кунда ислом фикхшунослиги билан шугулланувчи аксарият олимларнинг фикрига кўра закот ва солиқлар умумий хусусиятга эга бўлсада, уларни синоним сифатида ишлатиш моҳияти, йўналиши ва жорий қилиниши нукта назаридан мумкин эмас деб ҳисоблайдилар.



Бизнинг миллий давлатчилик тарихида амал қилган қадимий дастлабки давлатчилик шакллари-Бактрия, Парфия, Тохористон, Эфталитлар, Қадимги Фарғона давлатларида кейинчалик амал қилган Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжукийлар, Ануштегинийлар давлатчилигида ҳамда ўрта асрлардаги давлатчилик шаклларида аҳолидан олинadиган даромад солиғи кўпинча мол-мулк ва ер солиғи билан биргаликда жон бошидан олинadиган солиқлар сифатида ундириб келинган. Даромад солиғининг қорхоналардан ва аҳолидан алоҳида-алоҳида ундирилиши европада, аниқроғи 1798 йилда Англияда жорий қилинган бўлиб, бунда аҳолининг айрим тоифларига даромад солиғини белгилашда бир қатор мезонлар, масалан, уйда хизматкорнинг мавжудлиги ёки тўрт ғилдиракли енгил саябонга эгаллиги, шунингдек, ўша вақтларда нуфузли товарлар деб ҳисобланувчи айрим предметларга эгаллигига асосланган. 1842 йилдан бошлаб эса бутун Англиядаги аҳолидан даромад олишига қараб солиқ ундирилиш жорий қилинди. Кейинчалик аҳолидан даромад солиғи 1891 йилда Пруссияда 1914 йилдан бошлаб эса Францияда жорий қилинди. Россияда бу солиқнинг жорий қилиниши 1812 йилда помещикларнинг даромадларидан йиғимларни ундириш билан бошланди. Николая II даврида эса 1916 йил 6 апрелда "Давлат даромад солиғи тўғрисида"ги қонуни жорий қилинди. 1917 йил 12 июндаги вақтинчалик ҳукумат томонидан қабул қилинган "Давлат даромад солиғининг окладини ошириш ҳақида"ги Низомнинг жорий қилиниши билан даромад солиғини 89 разрядларга бўлинган даромадлар бўйича солиқ ставкалари белгиланди ва солиқ ставкалари 1 фоздан 33 фозгача табақалаштирилиб қўйилди. Иккинчи жаҳон уруши даврида Собик иттифоқ Олий Совети томонидан (1943 йил, 30 апрелда) "Аҳолидан олинadиган даромад солиғи тўғрисида"ги қарорига асосан кўп йиллар даврида, яъни 1960 йилгача солиқ тўловчилар маълум бир тоифаларга бўлинган ҳолда солиқ ундириб келинди. 1942 йилда жорий ҳарбий харажатларни қўшимча қоплаш мақсадида махсус ҳарбий солиқ жорий этилди, шунингдек, чин етим қолган болаларни химоя қилиш махсус фонди тузилиб, буйдоқлик ва кам болали(боласиз) оилалар учун махсус солиқлар жорий этилиб, ушбу фондга йўналтирилди. Ушбу солиқ тури эса Собик иттифоқ емирилганига қадар амал қилиб келди.

Республикамизда жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи мустақилликнинг дастлабки йилларида, 1991 йил 15 февралда қабул қилинган ва ўзида 6 та бўлим, 27 моддadan иборат бўлган "Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинadиган даромад солиғи тўғрисида"ги Қонун билан жорий қилинди. Ушбу қонунга асосан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан даромад солиғи 1997 йил 24 апрелда қабул қилиниб, 1998 йил 1 январдан кучга кирган ва 2008 йил 1 январгача амал қилган Солиқ кодекси қабул қилинганига қадар амал қилди. Ҳозирги кунда жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи янги тахрирда қабул қилинган ва амалда бўлган Солиқ кодекси(2008

йилдан кучга кирган)га, у асосда ишлаб чиқилган қонуности меъёрий ҳужжатлар ҳамда Президент қарорлари ва фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида ундириб келинмоқда.

Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи моҳияти жиҳатидан аҳолининг қонуний даромад манбаига эга бўлган тоифаларининг ва ушбу солиқ тури бўйича солиқ тўлаш мажбурияти юклатилган қисмига ўз даромадлари доирасида бюджетга солиқ тўлашнинг мажбурийлигини билдиради. Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи давлат томонидан аҳолига қулай иш ўринлари ва даромад олиш имкониятларини яратиб берганлиги, давлатнинг ўзи берган даромад(иш хақи, мукофотлар)лари ҳамда аҳолининг маълум бир тоифаларининг иқтисодий ҳатти-ҳаракатлари оқибатида қонуний даромадга эга бўлганлигининг сабаблари ва бир қисмини бюджетга йўналтирилишини характерлайди. Бу ерда давлат аҳолининг даромад манбаига эга бўлишининг асосий қафили ва даромад берувчиси сифатида юзага чиқади. Давлатнинг жамиятга кўрсатаётган ижтимоий хизматларини асосан аҳоли истеъмол қилади, шундай экан, аҳолининг маълум бир тоифалари(ишга яроқли, даромад манбаига эга, лаёқат ёшига етган)дан солиқлар ундирилиши объектив ижтимоий-иқтисодий заруратдир.

Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг бюджет даромадларидаги улушининг охириги ўн йил давомида кескин фарқланмаслиги бу даврлар мобайнида аҳоли жами пул даромадларида иш ҳақининг улуши билан ўртача ойлик иш ҳақининг аввалги йилга нисбатан ўсиши ўртасидаги кескин фарқланишларнинг йўқлиги ҳам таъсир қилади. Охириги кўрсаткич шунингдек, миллий иқтисодиётимизда макроиқтисодий барқарорлик асосида иқтисодий ўсиши таъминланиб инфляция кўрсаткичларининг минимал даражада жиловланиб борилмоқда. Аҳоли даромадларининг йиллар давомида ўсиши ўртасидаги фарқнинг секинлашиши иқтисодий нукта назаридан аввалги йил базис даромадининг юқорилиги билан ифодаланади.


Ўзбекистон Республикаси "Фуқаролик кодекси"(16-моддаси)да жисмоний шахслар деганда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар тушунилади деб таъриф берилган. Амалдаги Солиқ кодексининг 167-моддасига кўра жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг тўловчилари бўлиб, солиқ солинадиган даромадга эга бўлган жисмоний шахслар жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи тўловчилари ҳисобланади.

## **12.2. Жисмоний шахслар жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг солиқ объекти ва солиқ базаси**

Жисмоний шахслар оладиган қуйидаги даромадлар: Ўзбекистон Республикаси резидентларининг Ўзбекистон Республикасидаги ва ундан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлари, Ўзбекистон Республикаси

норезидентларнинг Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадлари ҳамдаякка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлар солиқ солинадиган объект ҳисобланади. Аммо, қонунчиликка асосан қатъий белгиланган солиқ солинадиган даромадларга эга бўлган жисмоний шахслардан олиннадиган даромадлар объекти ҳисобланмайди.

Жисмоний шахслар жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғининг базаси жисмоний шахслар томонидан қонунчилик асосида оладиган жами даромадлари ва ушбу даромадлардан солиққа тортилмайдиган даромадларни чегириб ташлангандан қолган даромадлардан иборат бўлади. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига кўра жисмоний шахсларнинг жами даромадлари тўртта гуруҳга ажратилади:



### 31- расм. Жисмоний шахсларнинг жами даромадлари таркиби ва жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи базаси.

*Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар* бу- иш берувчи билан меҳнатга оид муносабатларда бўлган ва тузилган меҳнат шартномасига (контрактига) мувофиқ ишларни бажараётган жисмоний шахсларга ҳисобланадиган ва тўланадиган барча тўловлар ҳисобланади. (Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларига кирувчи даромадлар Солиқ кодексининг 175-моддасида батафсил келтирилган).

*Жисмоний шахсларнинг мулкӣ даромадлари таркиби* бу- фойзалар, дивидендлар, мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар, жисмоний шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкни реализация қилишдан олинган даромадлар, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаганидан кейин хусусий корхона мулкдори, оилавий корхона иштирокчиси ҳамда фермер хўжалиги бошлиғи ихтиёрида қоладиган фойда

суммаси каби даромадлардан иборат бўлади. (Бундай даромадларнинг турлари Солиқ кодексининг 176-моддасида тўлиқ келтирилган).

*Моддий наф тарзидаги даромадлар* бу- солиқ тўловчи томонидан юридик шахдан моддий наф тарзида олинган даромадлар и тушунилади. (Солиқ кодексининг 177-моддасида уларнинг тури келтирилган.)

*Жисмоний шахсларнинг бошқа даромадлари* эса юқорида келтирилган даромад гуруҳларига кирмайдиган ва улар томонидан қонуний тартибда олиннадиган даромадлардан иборат бўлиб, бу каби даромадларнинг тўлиқ баёни Солиқ кодексининг 178-моддасида батафсил берилган.

*Шу билан биргаликда юридик шахслар томонидан жисмоний шахсларга қилган қўйидаги харажатлари (жисмоний шахслардан олиннадиган даромадлар) солиқ объектига кирмайди:*

- ✓ меҳнат шартномалари ноқулай бўлган ишларда банд бўлган ходимларни меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сут, даволаш-профилактика озик-овқати, газланган шўр сув, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаш харажатлари;

- ✓ касаба уюшмаси қўмитаси томонидан амалга ошириладиган тўловлар, шу жумладан аъзолик бадаллари ҳисобидан касаба уюшмаси аъзоларига бериладиган моддий ёрдам;

- ✓ ходимларни иш жойига олиб келиш ва қайтариб олиб кетиш харажатлари;

- ✓ диний расм-русумлар ва маросимларни, байрам тантаналарини ўтказиш, вакиллик харажатлари, шаҳар йўловчилар транспортида ходимларнинг хизмат катновлари учун фойдаланиладиган йўл қарточкаларини олиш, шунингдек юридик шахснинг ходимларнинг меҳнат ва дам олиш шартномаларини таъминлаш билан боғлиқ ҳамда муайян жисмоний шахсларнинг даромади ҳисобланмайдиган бошқа харажатлар;

- ✓ ходимга хизмат вазифаларини бажариш учун зарур бўлган махсус кийим-бош, махсус пойабзал, формали кийим-бош бериш харажатлари ёки уларни пасайтирилган баҳоларда сотиш муносабати билан қилинган харажатлар, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда айрим тоифадаги ходимларни ўз хизмат вазифаларини бажариши чоғида озик-овқат билан таъминлаш харажатлари;

- ✓ ходим бошқа жойга ишга ўтказилганда ёхуд кўчиб борганда кўчиш, мол-мулкни кўчириб бориш, жой ижараси (йўл харажатлари учун бериладиган пул) билан боғлиқ харажатларни тўлаш ёки бу харажатларнинг ўрнини қоплаш харажатлари;

- ✓ хизмат сафарларидаги компенсация тўловлари (тасдиқловчи ҳужжатлар асосида хизмат сафари жойига бориш ва у ердан қайтиб келиш учун, шу жумладан жой банд қилиш учун ҳақ тўлашни қўшган ҳолда ҳақиқатда амалга оширилган тўловлар, уй-жойни ижарага олиш бўйича ҳақиқатда амалга оширилган тўловлар, қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида хизмат сафарида бўлган вақт учун тўланадиган кундалик харажатлар учун ҳақ);

✓ конун ҳужжатларида назарда тутилган нормалар доирасида ходимга тўланадиган компенсация тўловлари(доимий иши йўлда кечадиган, ҳаракатланиш ва (ёки) қатнов тусига эга бўлган, шунингдек вахта усулида ишларни бажаришда ходимга компенсация тўловлари, хизмат ишлари учун шахсий автомобилдан фойдаланганлик учун компенсация тўловлари, дала таъминоти);

✓ меҳнатда майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлик билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича тўловлар;

✓ боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан тўловлар;

✓ талабаларнинг таълим олиши учун Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юрти билан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича пулли-контракт асосида ўтказиладиган тўловлар;

✓ Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган юридик шахсларга ҳаётни узоқ муддатли суғурталаш бўйича тўланадиган суғурта мукофотлари;

✓ ходимларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш харажатлари ва шу каби даромадлар.

Шунингдек, агар, жисмоний шахс ўз хоҳишига кўра унинг даромадидан даромад солиғини ушлаб қолиш ҳақида илтимоснома тарзидаги мурожаатларга асосланган ушланмалар, суд ёки бошқа органларнинг қарорига биноан бирон бир ушлаб қолинган даромадлар жисмоний шахснинг даромадидан солиқ ҳисобланаётган солиқ базасидан чегирилмайди. Агар, жисмоний шахс чет эл валютасида ифодаланган даромадларга эга бўлса, бундан даромадлар бўйича солиқ базасини аниқлашда даромад олинган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича миллий валютада ҳисобланади.

### **12.3. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича солиқ имтиёзлари ва солиқ ставкалари**

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари, фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича жуда кўплаб солиқ имтиёзлари белгилаб қўйилган. Бу каби имтиёзлар тури ва уларни қўллаш тартиблари кўп бўлиб, уларни қуйидаги уч гуруҳга бўлиш мумкин:

Биринчи гуруҳ. *Жисмоний шахсларнинг солиқ солинмайдиган даромадлари.* Бундай даромадларга моддий ёрдам суммалари, йўлланмалар қийматини юридик шахслар томонидан тўлиқ ёки қисман қоплаш суммалари, ўз ходимларига ва уларнинг болаларига амбулатория ва (ёки) стационар тиббий хизмат кўрсатишнинг учун иш берувчи томонидан тўланган суммалар, Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари ва давлат пул мукофотларига сазовор бўлган жисмоний шахслар олган бир йўла бериладиган давлат пул мукофоти ёки шунга тенг баҳодаги эсдалик совғаларининг қиймати, халқаро спорт мусобақаларида совринли ўринларни

эгаллаганлиги учун спортчилар олган бир йўла бериладиган пул мукофоти, уй хўжалигидан олинган даромадлар(саноат асосидагидан ташқари), халқаро ҳамда республика танловлари ва мусобақаларида олинган буюм тарзидаги совринларнинг қиймати, жисмоний шахслардан мерос ёки ҳадя тартибда, шунингдек текин олинган пул ва натура шаклидаги даромадлар, меҳнат шартномаси бекор қилинганда энг кам иш ҳақининг ўн икки баравари миқдори доирасида тўланадиган ишдан бўшатиш нафақаси, олинган алиментлар, давлат пенсиялари, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олиш учун (ўзининг ўқиши ёки йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг ўқиши учун) йўналтириладиган суммалари каби даромадлар кириб, улар солиққа тортилмайди. (Жисмоний шахсларнинг солиқ солинмайдиган даромадларининг яна бошқа турлари ҳам мавжуд бўлиб, бу гуруҳга кирувчи даромадларни солиқдан озод этилишнинг айрим истисноли тартиблари ҳам мавжуд бўлиб улар Солиқ кодексининг 31 боб, 179-моддасида тўлиқ баён этилган, шу сабабли ушбу манбага қараш тавсия қилинади).

Иккинчи гуруҳ. *Жисмоний шахсларни тўлиқ солиқ солишдан озод қилиш қилиш тартибдаги солиқ имтиёзлар.* Бу имтиёзлар қуйидагиларга жорий қилинади:

❖ хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарининг: бошлиқлари ва ходимлари, консуллик муассасаларининг мансабдор шахслари, уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, маъмурий-техник ходимлари ҳамда уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимларининг уйларида ишловчилар;

❖ халқаро ноҳукумат ташкилотларнинг мансабдор шахслари;

❖ Ўзбекистон Республикаси мудофаа, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари, ички ишлар органлари ҳамда божхона органларининг оддий хизматчилари ва бошлиқлари таркибига кирувчи шахслар;

❖ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг, умумий юрисдикция судларининг ва хўжалик судларининг судьялари, шунингдек прокуратура органларининг мансаб даражаларига эга бўлган ходимлари;

❖ концерт-томоша фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлган шахслар ( ушбу фаолиятдан олинган даромадлари бўйича) ва шу қабилар. (Бу каби шахсларга солиқ имтиёзларини қўллашда айрим истисноли ҳолатлар ҳам мавжуд бўлиб, улар Солиқ кодексининг 180-моддасида тўлиқ баён этилган бўлиб, ушбу манбага қараш тавсия қилинади).

Учинчи гуруҳ. *Жисмоний шахсларни қисман (даромад олинган ҳар бир ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридидаги даромадлар бўйича) озод қилиш қилиш тартибдаги солиқ имтиёзлар.* Мазкур имтиёзларга эга бўлган жисмоний шахсларга «Ўзбекистон Қаҳрамони», Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган шахслар, учала даражадаги Шухрат ордени билан тақдирланган шахслар,

уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек доираси қонун ҳужжатлари билан белгиланувчи уларга тенглаштирилган шахслар, болаликдан ногирон бўлиб қолганлар, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронлари, собиқ СССРни, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш ёки ҳарбий хизматнинг ёхуд ички ишлар органларидаги хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланганлиги, контузия бўлганлиги ёки шикастланганлиги оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда ички ишлар органлари ходимларининг ота-оналари ва бева хотинлари (бева эрлари), икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ёлғиз оналар, икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ва боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олмайдиган бева аёл ва бева эркеклар, болалигидан ногирон бўлган, доимий парваришни талаб қиладиган фарзанди билан бирга яшаб, уни тарбиялаётган ота-онадан бири ва шу қабила қиради. (Бу гуруҳга кирувчи даромадларни солиқдан озод этилишининг айрим истисноли тартиблари ҳам мавжуд бўлиб улар Солиқ кодексининг 31 боб, 180-моддасида тўлиқ баён этилган, шу сабабли ушбу манбага қараш тавсия қилинади).

Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг ставкаси прогрессив солиқ ставкаси ҳисобланиб, ушбу солиқ ставкаси мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ шедуляр тартибда, яъни, даромаднинг мос қисмларига равишда табақалаштирилган тартибда белгиланган эди.

Шунингдек, амалдаги солиқ қонунчилиги бўйича жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини қўллашда маълум бир ёндошувлар ҳам амал қилади. Масалан, айрим тоифадаги жисмоний шахсларнинг даромадларига энг кам ставка қўлланилади. Яъни, баланд тоғли, чўл ва сувсиз ҳудудларда ишлаганлик учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган коэффициентлар бўйича қўшимча тўловлар тариқасида олинган даромадларга. Бунда чўл ва сувсиз жойларда, баланд тоғли ва табиий-иқлим шароити ноқулай ҳудудларда ишлаганлик учун юридик шахслар ходимларининг иш ҳақига коэффициентлар ҳисоблашнинг энг юқори суммаси ҳисоблаш пайтидаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридан белгиланади. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан вақтинчаликкишлоқ хўжалиги ишларига юборилган жисмоний шахсларнинг шу ишларни бажаришдан олинган даромадларига, мол-мулкни ижарага беришдан олинган, жисмоний шахслардан текин олинган улушлар, пайлар ва акциялар тарзидаги олинган ва жисмоний шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган қўчмас мулкни реализация қилишдан олинган даромадларга энг кам ставка қўлланилади. Меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган аёлларнинг даромадларидан олиш даражаси 20 фоиздан ошмаслиги лозим. Меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли «Имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб

чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли қарори билан тасдиқланган «Меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ходимлар учун иш вақтининг чекланган муддати», «Аёллар меҳнатидан фойдаланиш тўлиқ ёки қисман тақиқланган меҳнат шароити ноқулай бўлган ишлар рўйхати» каби ҳужжатларда келтириб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси норезиденти ҳисобланадиган жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон Республикасидаги даромадлар манбаидан олинган даромадларига жумладан, дивидендлар ва фоизларга - 10 фоиз, халқаро ташишларда транспорт хизматлари кўрсатишдан олинadиган даромадларга (фрахтдан олинadиган даромадларга) - 6 фоиз, меҳнат шартномалари (контрактлари) ва фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича олинган даромадларга ва бошқа даромадларга - 20 фоиз ставкалар бўйича даромад манбада чегирмаларсиз солиқ солинади.

#### **12.4. Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини ҳисоблаш ва бюджетга ўтказиш тартиби**

Ушбу солиқнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, даромад эгаси гарчи жисмоний шахслар ҳисоблансада, ушбу солиқни ҳисоблаш ва бюджетга ўтказиш солиқ агентлари, яъни иш берувчиларнинг зиммасига юклатилган. Шу боисдан ҳам ушбу солиқ тури бўйича жавобгарлик(солиқларни тўғри ҳисоблаш, солиқдан ушланмаларни тўғри аниқлаш ва ушлаб қолиш ҳамда бюджетга ўтказишга ўтказиш) юридик шахслар(иш берувчилар)да бўлади. Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш ва ушлаб қолиш солиқ солинадиган база ҳамда ставкалардан келиб чиққан ҳолда даромад ҳисобланишига қараб, йил бошидан ортиб борувчи якун бўйича ҳар ойда жисмоний шахснингасосий иш жойи бўйича солиқ агенти томонидан амалга оширилади.

Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ ставкасини қўллаш мақсадида энг кам иш ҳақи миқдори йил бошидан ортиб борувчи якун бўйича (йил бошидан тегишли даврнинг ҳар бир ойи учун энг кам иш ҳақларининг суммаси) ҳисобга олинади. Бунда жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи суммасини, шунингдек энг кам иш ҳақининг қаррали миқдорларида назарда тутилган имтиёзларни ҳисоблаб чиқариш учун энг кам иш ҳақи миқдорининг жорий йилнинг 1 январидидаги ҳолати инобатга олинади.Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг ҳисоблаб чиқарилган суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жисмоний шахсларнинг шахсий жамғариб борилadиган пенсия ҳисобварақларига ўтказиладиган ҳар ойлик мажбурий бадаллар суммасига камайтирилади.

Жисмоний шахснинг асосий бўлмаган иш жойидан ёки бошқа юридик шахслардан совға, моддий ёрдам ва бошқа турлардаги ёрдам олган жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи суммасини қайта ҳисоб-китоб

қилиш жисмоний шахс даромадлари тўғрисида декларация топширганда, давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади. Йил мобайнида асосий иш (хизмат, ўқиш) жойи ўзгарган тақдирда, жисмоний шахс жорий йилда ўзига тўланган даромадлар ва ушлаб қолинган жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи суммалари тўғрисидаги маълумотномани янги асосий иш (хизмат, ўқиш) жойидаги бухгалтерияга дастлабки иш ҳақи ҳисоблангунига қадар тақдим этиши шарт. Илгариги иш (хизмат, ўқиш) жойидан маълумотнома тақдим этилмаган ёки солиқ тўловчининг идентификация рақами тақдим этилмаган тақдирда, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи белгиланган энг юқори ставка бўйича ушлаб қолинади. Маълумотнома ёки идентификация рақами кейинчалик тақдим этилган тақдирда, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи суммаси илгариги асосий иш (хизмат, ўқиш) жойида олинган даромадлар инobatга олинган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Янги асосий иш (хизмат, ўқиш) жойида жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш календарь йил бошидан буён илгариги ва янги иш (хизмат, ўқиш) жойларидан олинган жами даромаддан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Меҳнат шартномаси бекор қилингандан сўнг ходимга илгариги асосий иш жойида тўловлар амалга оширилган тақдирда, мазкур тўловларга жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи имтиёзлар қўлланилмаган ҳолда солинади. Юридик шахс бу ходимга тўлаган даромаднинг жами суммаси ва ундан жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг ушлаб қолинган умумий суммаси ҳақида бу юридик шахс ҳисобга қўйилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига ўттиз кун ичида ёзма шаклда маълум қилиши шарт. Асосий бўлмаган иш жойидан ёки бошқа юридик шахслардан олинган даромадларга тўлов манбаида жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш жами даромад суммасидан солиқ имтиёзлар қўлланилмаган ҳолда, белгиланган ставкалар бўйича ҳисобланишига қараб, йил бошидан ортиб боровчи яқун бўйича амалга оширилади.

Агар асосий бўлмаган иш жойидан ёки бошқа юридик шахслардан даромадлар олаётган жисмоний шахс бухгалтерияга ўз даромадидан жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг энг юқори ставкаси бўйича ушлаб қолиш тўғрисида ариза берса, даромадлар тўлаётган юридик шахслар жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини солиқ имтиёзларни қўлламаган ҳолда энг юқори ставка бўйича ушлаб қоладилар. Жисмоний шахснинг асосий бўлмаган иш жойидан ёки бошқа юридик шахслардан совға, моддий ёрдам ва бошқа турлардаги ёрдам олган жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи суммасини қайта ҳисоб-китоб қилиш жисмоний шахс даромадлари тўғрисида декларация топширганда, давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади. Йил мобайнида асосий иш (хизмат, ўқиш) жойи ўзгарган тақдирда, жисмоний шахс жорий йилда ўзига тўланган даромадлар ва ушлаб қолинган жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи суммалари тўғрисидаги

маълумотномани янги асосий иш (хизмат, ўқиш) жойидаги бухгалтерияга дастлабки иш ҳақи ҳисоблангунига қадар тақдим этиши шарт. Илгариги иш (хизмат, ўқиш) жойидан маълумотнома тақдим этилмаган ёки солиқ тўловчининг идентификация рақами тақдим этилмаган тақдирда, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи белгиланган энг юқори ставка бўйича ушлаб қолинади. Маълумотнома ёки идентификация рақами кейинчалик тақдим этилган тақдирда, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи суммаси илгариги асосий иш (хизмат, ўқиш) жойида олинган даромадлар инobatга олинган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилинади. Янги асосий иш (хизмат, ўқиш) жойида жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш календарь йил бошидан буён илгариги ва янги иш (хизмат, ўқиш) жойларидан олинган жами даромаддан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Агар, асосий бўлмаган иш жойидан даромадлар олган жисмоний шахслар мавжуд бўлса, бу тўғрисида солиқ агентлари (иш берувчилар) солиқ даври тугаганидан сўнг ўттиз кун ичида давлат солиқ инспекциясига солиқ тўловчи-жисмоний шахснинг идентификация рақами, фамилияси, исми, отасининг исми, доимий яшаш жойи манзили, ўтган солиқ даври яқунлари бўйича даромадларнинг умумий суммаси ва жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг ушлаб қолинган умумий суммаси шунингдек, солиқ агентининг идентификация рақами, номи ва жойлашган ери (почта манзили) каби маълумотларни ўз ичига оладиган қуйидаги маълумотномани тақдим этади:

**Ҳисобланган ва амалда тўланган даромадлар  
суммалари ҳамда жисмоний шахслардан олинadиган  
даромад солиғининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисидаги  
МАЪЛУМОТЛАР  
(йил бошидан ўсиб боровчи яқун билан тўлдирилади)**

(сўмда)

N	Қўрсаткичлар	Сатр коди	Тўловчининг маълумотлари бўйича
1	<b>Йил бошидан даромад олган жисмоний шахслар сони, жами (киши)</b>	001	
	шу жумладан:		
	асосий иш жойи бўйича	002	
	асосий бўлмаган иш жойи бўйича	003	
2	<b>Ҳисобланган даромадларнинг умумий суммаси</b>	004	
2.1	шулардан солиқ агенти билан меҳнатга оид муносабатларда бўлмаган жисмоний шахснинг ёзма аризасига кўра жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ушлаб қолинмаган моддий наф тарзидаги даромадлар	005	
3	<b>Солиқ солишдан озод қилинадиган даромадларнинг умумий суммаси</b>	006	
4	<b>Солиқ солинадиган даромадларнинг умумий суммаси (солиқ</b>	007	

	<b>солинадиган база), шу жумладан:(004-сатр - 005-сатр - 006-сатр)</b>		
4.1.	- солиқ солиш шкаласи бўйича солиқ солинадиган даромадлар	008	
4.2.	- дивиденд ва фоизлар тарзидаги даромадлар	009	
4.3.	- Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 181-моддасида кўрсатилган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг энг кам ставкаси бўйича солиқ солинадиган даромадлар	010	
4.4.	- жисмоний шахснинг аризасига асосан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг энг юқори ставкаси бўйича солиқ солинадиган даромадлар	011	
	<b>Бюджетга ҳисобланган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг умумий суммаси, шу жумладан</b>	012	
5.1.	- 008-сатрда кўрсатилган даромадлар бўйича	013	
5.2.	- 009-сатрда кўрсатилган даромадлар бўйича	014	
5.3.	- 010-сатрда кўрсатилган даромадлар бўйича	015	
5.4.	- 011-сатрда кўрсатилган даромадлар бўйича	016	
<b>6.</b>	<b>ШЖБПХга ҳисобланган бадалларнинг умумий суммаси</b>	017	
<b>7</b>	<b>Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва фуқароларнинг сугурта бадаллари чегирилган ҳолдаги ҳисобланган даромадларнинг умумий суммаси (004-сатр - 012-сатр - 017-сатр фуқароларнинг сугурта бадаллари ҳисобланган суммаси)</b>	018	
<b>8</b>	<b>Жисмоний шахсларга тўланган даромадларнинг умумий суммаси</b>	019	
<b>9</b>	<b>Бюджетга тўланган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг умумий суммаси</b>	020	
<b>10</b>	<b>ШЖБПХга тўланган бадалларнинг умумий суммаси</b>	021	

Жисмоний шахсларнинг дивидендлар, фоизлар тарзидаги даромадлари, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг

белгиланган энг кам ставкаси бўйича солиқ солинадиган даромадлари ҳамда жисмоний шахснинг ёзма аризаси асосида белгиланган энг юқори ставка бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинадиган даромадлари бўйича, уларнинг олинган жойидан қатъи назар, маълумотнома тақдим этилмайди. Солиқ агентлари йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-қунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молия ҳисоботини тақдим этиш муддатида давлат солиқ хизмати органларига ҳисобланган ва амалда тўланган даромадлар суммалари ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисидаги маълумотларни топширади.

*Ҳисобланган солиқ тўлаш тартиби.* Тўлов манбаида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг ҳисоблаб чиқарилган суммаси бюджетга солиқ агенти томонидан пул маблағларини олиш учун хизмат кўрсатувчи банкка ҳужжатларни тақдим этиш билан бир вақтда тўланади(иш ҳақи бўйича ойнинг биринчи ярми аванс олинган вақтда солиқ тўланмайди). Агар юридик шахснинг банк ҳисобварағида иш ҳақини тўлаш ва бир вақтнинг ўзида ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинган солиқларни

мутаносиб суммада бюджетга ўтказилади. Агар, солиқ агенти(иш берувчи) ўз ходимларига иш ҳақини қонун талаблари асосида натура шаклда(масалан, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулоти ёки омбордаги бошқа маҳсулотлар билан) тўлаган бўлса, у ҳолда ой тугаганидан кейин беш кун ичида ушлаб қолинган солиқларни бюджетга ўтказиб беради.

## **12.5. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигини декларация усулида ундириш тартиби**

Маълумки, солиқ декларацияси <sup>121</sup> бу солиқ тўловчилар томонидан ўзларининг олган даромад манбалари ва миқдорлари ҳақида тизимлашган ахборотларни тегишли давлат органларига тақдим этиш шакли ва воситасидир.

Ўзбекистон солиқ тизимида ушбу усул орқали мулкий даромадлар, (агар бу даромадларга тўлов манбаида солиқ солилмаган бўлса) фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ва улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи тариқасида даромадлар, асосий бўлмаган иш жойидан олинган моддий наф тарзидаги даромадлар, икки ёки ундан кўп манбадан олинган солиқ солинадиган даромадлар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлар, солиқ агентлари бўлмаган манбалардан олинган даромадлар солиққа тортилади ва бундай даромадга эга бўлган шахслар белгиланган муддатдан кечикмай (Ўзбекистон ва кўпгина давлатларда жорий ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай) белгиланган шаклдаги декларацияни тақдим этади. Агар солиқ тўловчининг асосий бўлмаган иш жойидан олган даромадларидан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи унинг аризасига кўра белгиланган энг юқори ставка қўлланилган ҳолда ушлаб қолинган бўлса,

даромадлар тўғрисида декларация тақдим этилмайди. Жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация солиқ тўловчининг олинган йиллик даромади тўғрисидаги ёзма аризасидан иборат бўлади.

Жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларациясига асосий иш жойи бўйича тўланган даромадлар ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган шаклдаги маълумотнома илова қилинади(қаранг: бундай шакллар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 4 мартдаги 23, 2013-8-сон қарорига 1-илоvasи билан тасдиқланган жисмоний шахслардан олинадиган солиғи бўйича солиқ ҳисоботи шаклларида илова тарзда берилган). Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларациясида: солиқ тўловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, жинси, фуқаролиги, доимий яшаш жойи манзили;

солиқ тўловчининг идентификация рақами;

бюджетга ўтказиш учун маблағлар етарли бўлмаса, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи банк ҳисобварағидаги қолдиқ маблағларга

---

<sup>121</sup>Декларация-лотинча "Declaratio"- "эълон, ошкор эътибор" деган маънони беради.

солиқ солиниши лозим бўлган даромадлар турларга ажратиб кўрсатилган ҳолда олинган жами йиллик даромад;

даромадларнинг манбалари;

даромад олиш билан боғлиқ харажатлар, мажбурий тўловлар, чиқимлар ва ажратмаларнинг суммалари;

жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинadиган солиқ бўйича имтиёзлар;

ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси;

ҳақиқатда тўланган солиқ суммаси ва шу кабилар маълумотлар акс эттирилади.

Жисмоний шахс томонидан давлат солиқ инспекцияларига тақдим этилган жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияда тўланиши лозим бўлган жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи суммасининг камайишига олиб келувчи хатолар аниқланган тақдирда, жисмоний шахс декларацияга зарур ўзгаришлар киритиши лозим бўлади. Жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияни ўзгартириш ҳақидаги ариза жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини тўлаш муддати тугагунга қадар берилса, бу билан боғлиқ жавобгарликдан озод қилинади. Шунингдек, агар жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияни ўзгартириш ҳақидаги ариза жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини тўлаш муддати тугагундан кейин, бироқ хатолар давлат солиқ хизмати органи томонидан аниқлангунга қадар берилса, солиқ тўловчи солиқнинг етишмаётган суммасини ҳамда унга тегишли пеняни тўласагина жавобгарликдан озод этилади. Шу билан биргаликда декларация қилиниши шарт бўлмаган даромадларни олган солиқ тўловчилар доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларацияни ихтиёрий равишда тақдим этишлари ҳам мумкин.

Грант олган жисмоний шахс даромадлар тўғрисидаги декларацияни топшираётганда грант бўйича олинган даромад суммасини, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи миқдорини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш бўйича органининг тегишли хулосасини кўрсатади. Мол-мулкни ижарага беришдан даромад олаётган жисмоний шахс, агар ушбу даромадларга жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг тўлов манбаида солиқ солинмаса, белгиланган муддатларда жами йиллик даромад тўғрисида декларация тақдим этиш билан бир қаторда ижарадан даромадлар пайдо бўлган кундан эътиборан биринчи ой тугагундан кейин беш кунлик муддатда дастлабки тарздаги декларация ҳам тақдим этади. Мол-мулкни ижарага беришдан даромадлар олиш тугаган тақдирда жисмоний шахс доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор этиши лозим бўлади. Агар солиқ тўловчи даромадлар тўғрисидаги декларацияни тақдим этмаган бўлса, давлат солиқ хизмати органи ўзидаги мавжуд маълумотлар

асосида солиқ суммасини энг юкори ставка бўйича ҳисоблашга ва солиқ тўловчига тўланиши лозим бўлган ҳисобланган солиқ суммаси тўғрисида билдиришнома топширишга ҳақли. Солиқ тўловчи томонидан жами йиллик даромади тўғрисида декларация тақдим этилган тақдирда, солиқнинг якуний суммаси ушбу декларация ҳисобга олинган ҳолда аниқланади.

Жисмоний шахслар томонидан жорий йилнинг 1 апрелига қадар топширган солиқ декларацияси натижасида аниқланган солиқ сўммалари(қайта ҳисоб-китоб бўйича)ни 1 июнидан кечиктирмай тўлайдилар. Мол-мулкни ижарага беришдан даромадлар оладиган жисмоний шахслар жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини тақдим этилган дастлабки декларация асосида ҳар ойда даромад олинган ойдан кейинги ойнинг бешинчи кунигача тўлайдилар. Йил тугагач, жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинadиган солиқнинг йиллик суммаси ҳақиқатда олинган даромад бўйича ҳисоблаб чиқарилади. Бу сумма билан йил мобайнида тўланган суммалар ўртасидаги фарқ келгуси йилнинг 1 июнидан кечиктирмай солиқ тўловчидан ундирилиши ёки унга қайтарилиши керак.

Жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинadиган солиқ тўланган сана қуйидагилардир:

юридик шахслар ёки жисмоний шахслар томонидан банкдаги ҳисобварағидан тўлангани тақдирда — уларнинг банкдаги ҳисобварағидан маблағлар ҳисобдан чиқарилган кун;

жисмоний шахслар томонидан нақд пул маблағлари киритилган тақдирда — банк кассасига маблағлар тўланган сана.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳисоблаб чиқариладиган жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини тўлаш тўлов хабарномасида кўрсатилган муддатларда амалга оширилиши керак. Жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғини хорижий давлатда жойлашган банк ҳисобварағидан чет эл валютасида тўлаши мумкин. Бунда жисмоний шахслардан олинadиган, миллий валютада ифодаланган солиқ жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи тўланган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича чет эл валютасида қайта ҳисоблаб чиқилади.

## **12.6. Хорижий давлатларда жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг ўзига хос хусусиятлари**

Жаҳон солиқ тизимининг ажралмас қисмини аҳоли даромадларин солиққа тортиш ҳисобланади. Жаҳоннинг аксарият давлатларида жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи давлат(федерал) бюджетнинг даромадларини шакллантиришда катта роль ўйнайди. Бунинг солиқнинг энг ривожланган ҳолатларидан бири бу АҚШ солиқ тизимида учрайди. Маълумки, давлат тузилиши нуктаи назаридан АҚШ федерал давлат ҳисобланиб, унинг солиқ тизими ҳам уч поғанадан: федерал солиқлар, штат



солиқлари ва муниципал маҳаллий солиқлардан иборатдир. АҚШда аҳолидан олинadиган даромад солиғи "personal income tax" ёки "individual income tax" солиғи деб аталади ва у тўрт турга бўлинади:

1. Федерал даромад солиғи (Federal income tax);
2. Штатлар даромад солиғи (State income tax);
3. Социал ҳимоялаш солиғи (Social Security tax ёки Social Insurance Tax);
4. Тиббий суғурта учун тўловлар (Medicare tax).

Федерал даромад солиғи (Federal income tax) бутун давлат миқёсида бир хил тартибда прогрессив солиқ ставкаларини қўллаган ҳолда ундирилади. Аммо, бу солиқ айрим штатларда (масалан, Аляска, Флорида, Невада, Южная Дакота, Техас, Вашингтон, Янги-Гемпшир ва Теннесси каби) ундирилмайди, яъни бу штатларда яшовчи аҳоли фақат федерал даромад солиғини тўлайдилар. Бироқ, бу штатларда даромад солиғи ўрни босадиган бошқа солиқлар, масалан Невада штатида кимор ўйинлари ва шоу бизнесдан олинadиган махсус солиқлар (gambling tax) ундирилса (айниқа Лас-Вегас шаҳрида), Янги-Гемпшир ва Теннесси штатларида аҳолидан банкдаги депозитларидан олган фойдаси ҳамда дивидендлардан оладиган даромадларидан 5-6 фоизлик солиқ ундирилади. Федерал даромад солиғини тўлашда солиқ тўловчиси-жисмоний шахс ўзи учун ёки оиласи (турмуш ўртоғи учун ёки бутун оиласи учун солиқ тўлаши ёки тўламаслигини танлайди. Келгуси йилда ўтган йилда олган даромадлари бўйича солиқ декларациясини топширганда ана шундан келиб чиқиб солиқ тўлайди. АҚШда ушбу солиқни ундириш механизмлари ўзига хос хусусиятга эга. Бундай хусусиятнинг дастлабкиси, бу даромад эгасининг солиқни тўлаш тартибини танлашидир. Яъни ходим у ёки бу ташкилот (корхона, фирма ва ш.к.)га ишга киришда солиқни қандай шаклда тўлаши мумкинлигини танлайди. Биринчи шакли бу иш берувчи даромад солиқларни ушлаб қолади ва қолган қисмини даромад эгасига беради. Бунда солиқ ставкалари махсус шкалаларни қўллаган ҳолда солиқ ҳисобланиб ўртача 17-18 фоиз атрофида солиқ ундирилади. Иккинчи шаклида даромаддан солиқ ушланмасдан тўлиқ даромад эгасига берилади, бунда эса йилнинг охирида солиқни жисмоний шахс ўзи ҳисоблаб тўлайди. Иккала шаклда ҳам жисмоний шахс солиқ хизмати органларига олган даромадлари ҳақида декларация топширади. Солиқни тўлашнинг бундай тартибининг жорий қилиниши АҚШда солиқ маслаҳатининг ривожланишига таъсир қилди. Чунки, жисмоний шахс қайси шаклда солиқ тўлаши унга иктисодий самарадорлиги ва жавобгарликни аниқлаш учун солиқ масалаҳатчиларига мурожаати ошади.

Социал ҳимоялаш солиғи (Social Security tax ёки Social Insurance Tax) асосан пенсия фонди ҳамда ногиронлар ва ишсизларга нафақа тўлашни таъминлашга қаратилган давлат дастурини амалга ошириш мақсадида ундирилади. Ушбу солиқ жисмоний шахснинг умумий иш ҳақи шаклидаги даромадларидан 4,2 фоиз (2014 йил учун) ва иш берувчининг иш ҳақи фондидан 6,2 фоиз ундирилади. Агар, жисмоний шахс ўзи солиқ тўласа у

ҳолда (4,2+6,2) 10,4 фоизда ушбу солиқни ҳам ўзи учун ҳам иш берувчи учун ҳам тўлайди. Иш берувчилар жисмоний шахснинг йиллик даромадининг 117 минг доллар миқдорига қадар ушбу социал солиқни 6,2 фоиз миқдорда ушлаб қолади, 117 минг доллардан ошган қисмидан солиқ ушланмайди.

Тиббий суғурта учун тўловлар (Medicare tax) ҳам худди социал ҳимоялаш солиғи сингари камбағал ва қари ёшдаги аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг давлат дастурини молиялаштириш мақсади иш ҳақидан ундириладиган солиқ бўлиб, ҳам иш ҳақи йиллик даромаднинг 200 минг долларгача бўлган қисми сўммасидан 1,45 фоиз миқдорда, 200 минг доллардан ошган қисмидан эса 2,35 фоиз миқдорда ҳамда иш берувчи корхона (ташкилот)дан ҳам шунча миқдорда солиқ ундирилади. Агар, солиқ тўловчи ўзи солиқни тўласа, у ҳолда ушбу солиқни 2,9 фоиз миқдорда тўлайди. Даромад эгаси ва иш берувчи ўртасида солиқни тўлаш борасидаги ўзаро келишувларда кўпинча корхоналар жисмоний даромадлардан ундириладиган солиқларни умумий тартибда 25 фоиз миқдорга асосланади.

Бу ҳолда иш берувчи жисмоний шахсга қанча даромад олганлиги ва улардан қанча солиқлар ушлаб қолганлиги ҳақида маълумотнома беради. Йилнинг охирида эса жисмоний шахс давлат солиқ хизмати органлари (IRS- Internal Revenue Service-Федерал Солиқ хизмати)га олган даромадлари ҳамда ундан иш берувчи томонидан даромадларидан ушлаб қолинган солиқлари ҳақида маълумотларни акс эттирадиган солиқ декларациясини топширади.

Агар, ортиқча тўланган бўлса, ортиқча тўланган солиқ сўммаси даромад эгасига қайтариб берилади, агар, кам солиқ ушланган бўлса, у ҳолда кўшимча солиқ тўланади. Жисмоний шахслар ўтган йилнинг олган даромадлари бўйича жорий йилнинг 1 январидан 15 апрелга қадар солиқ декларацияларини Федерал Солиқ хизматига топширади. Агар, декларацияларни тўлиришда қийинчилик туғилган бўлса, декларацияни электрон шаклда айрим муҳим маълумотларни киритган ва даромадлар билан боғлиқ ҳужжатларни Федерал Солиқ хизматининг махсус сайти (Turbo Tax ёки Turbo Art) орқали 15-30 долларлик тўловни тўлаш эвазига солиқ маслаҳатлари олиши мумкин (бу сайтда онлайн тартибда ёки ходимлар томонидан декларация тўлдирилган ҳолда жисмоний шахсга қайтарилади).

АҚШда корхоналар томонидан жисмоний шахсларга тўланadиган даромадларни ва жисмоний шахсларни икки гуруҳга бўлади. Даромадларни "Боғлиқлик хизматлар учун тўловлар (компенсациялар)" (Compensation for Dependent Services) ва "Мустақил хизматлар учун тўловлар" (Compensation for Independent Services)га ажратиб олинади. Шунга мувофиқ тарзда "Боғлиқлик хизматлар учун тўловлар (компенсациялар)" шаклидаги даромадларни олувчиларни ходимлар (employee) деб номланса, "Мустақил хизматлар учун тўловлар"ни олувчиларни эса пудратчилар (independent contractor) деб аталади.

Пудратчилар (independent contractor) шаклида даромад тўлаш ва ундан солиқ ундириш анча қулай бўлиб, бунинг учун иш берувчилари ходимга W-9 шаклидаги махсус бланкларни тўлдириб олади ва келгуси йилнинг

январининг 31 санасигача 1099 формадаги маълумотни тақдим этади, бунда ходимга ҳисобланган иш ҳақи ва ундан ушлаб қолинган солиқлар ҳақида маълумотлар акс эттирилган бўлади ва ушбу форманинг бир нусхасини Федерал Солиқ хизматида ҳам юборади. Федерал Солиқ хизмати эса ушбу форма маълумотлари билан жисмоний шахс топшириладиган солиқ декларациясидаги маълумотларни таққослаб, қўшимча ҳисоб-китобларни(ортиқчасини қайтариш ёки камини ундириш) амалга оширади.

Агар, биринчи шаклда яъни "Мустақил хизматлар учун тўловлар" даромад тўланса у ҳолда бу иш берувчиларга кўпроқ маъсулиятни юклайди. Чунки, бундай тартида иш берувчилар социал ҳимоялаш солиғи(Social Security tax ёки Social Insurance Tax) ва тиббий суғурта учун тўловлар(Medicare tax)ни ҳисоблаб уни ушлаб қолишлари зарур бўлади. Бундан ташқари жисмоний шахсдан унинг иш ҳақидан(117000 доллар қийматидан) (4,2+1,45) 7,65 фоиз миқдорда солиқ ушлаб қолиши билан биргаликда иш берувчи корхона ҳам шунча миқдорда, яъни иш ҳақи фондидан 7,65 фоиз миқдордаги солиқни ўзи қўшимча тўлайди. Бундан ташқари бу тартибда иш берувчи (117000 доллар қийматидан) 6 фоиз миқдорда(540 доллар) федерал ишсизлик солиғи(Federal Unemployment Tax)ни ҳам тўлайди. Шу жиҳатдан олган иш берувчиларга "Мустақил хизматлар учун тўловлар" шаклда даромад тўлаш ноқулай ҳисобланади.

АҚШда жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини Техас штатида яшовчи жисмоний шахс мисолида кўриб чиқамиз. Олайлик Техас штатида яшовчи фуқаро 75000 доллар миқдорда даромад олди. АҚШ солиқ қонунларига кўра барча учун стандарт чегирмалар мавжуд бўлиб, у бир йилда(2014 йил учун) 6100 долларни ташкил этади. Техас штатида юқорида айриб ўтганимиздек, федерал даромад солиғи амал қилмайди. Ушбу шахс бошқа чегирмаларга эга эмас деб ҳисоблайлик(агар у битта боласи бўлса 3900 доллар чегирмага эга бўлади). У ҳолда ушбу шахснинг даромад солиғи базаси 68900 долларни ташкил этади. АҚШда 2014 йил учун ёлғиз ўзи яшайдиган ва даромад солиғи тўлайдиган жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ставкалари қуйидагича белгиланган:

-жадвал.  
**АҚШда ёлғиз ўзи яшайдиган ва даромад солиғи тўлайдиган жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ставкалари**<sup>122</sup>

Даромад минимал чегараси	Даромад максимал чегараси	Ундириладиган солиқ миқдори	(+) %	Ошган қисмидан
\$ 0	\$ 8925	\$ 0.00	10	\$ 0
8925	36250	892	15	8,925
36250	87850	4991	25	36250
87850	183250	17891	28	87850
183250	398350	44603	33	183250
398350	400000	115586	35	398350
400000	----	----	39,6	----

Ушбу солиқ ставкасини шкаласидан фойдаланиб даромад солиғини ҳисоблайдиган бўлсак, 68900 доллар даромаднинг 8925 доллар миқдоридан 10% миқдорда яъни 892,5 долларлик, 8925-36250 ўртасидаги даромаддан 4098,75 доллар, 68900-36250 ўртасидаги даромаддан эса 8162,5 долларлик солиқ ундирилади. Агар ундирилган барча солиқларни ҳисобласак,  $892+4098,75+8162,5 = 13153,75$  долларни ташкил қилади. Бундай шароитда ушбу жисмоний шахснинг штат даромад солиғи сўммаси умумий 19 фоизни ташкил этмоқда. Маълумки, иш берувчилар социал ҳимоялаш солиғи(Social Security tax ёки Social Insurance Tax) ва тиббий суғурта учун тўловлар(Medicare tax)ни ҳисоблаб уни ушлаб қолишлари зарур бўлади, сабаби бу солиқлар федерал солиқлар ҳисобланади. Агар, ушбу солиқлар ҳам даромаддан ушлаб қолинадиган бўлса, социал ҳимоялаш солиғи-  $68900*4,2\% = 2893,8$  доллар, тиббий суғурта учун тўловлар учун эса-  $68900*1,45\% = 999,0$  долларлик солиқ ундирилади. Жами ундирилган солиқлар эса  $13153,75+2893,8+999 = 17046,6$  долларни ташкил қилади. Бу эса 68900 долларнинг 24,7 фоизни ташкил этади. Шу боисдан юқорида иш берувчилар томонидан жисмоний шахсларга 25 фоизлик миқдорда солиқ ушлаб қолиш таклифини беришининг мазмуни ҳам шунда кўринади.

Албатта ушбу мисолимиз федерал даромад солиғисиз ундирилган. Агар, ҳам федерал ҳам штат даромад солиғини ундириш тартибини ҳам кўрмоқчи бўлсак, бир йилда 100000 доллар миқдордаги даромадга эга бўлган Калифорния штатида яшовчи жисмоний шахсдан даромад солиқлари, федерал, штат ва социал солиқларни ундириш тартибини кўрадиган бўлсак у қуйидагича ундирилади.

Бунинг учун Калифорния штати учун штат даромад солиғининг ставкаларини аниқлаб олишимиз лозим. Бу эса (2018 йил учун) қуйидагича белгиланган<sup>123</sup>:

№	Ёлғиз даромад солиғи тўлайдиганлар учун солиққа тортиладиган даромадлар чегараси	Биргаликда(турмуш ўртоғи билан) даромад солиғи тўлайдиганлар учун солиққа тортиладиган даромадлар чегараси	Энг юқори солиқ ставкаси(фоиз)
1.	\$0+	\$0+	1,00
2.	\$7124+	\$14248+	2,00
3.	\$16890+	\$33780+	4,00
4.	\$26657+	\$53314+	6,00
5.	\$37005+	\$74010+	8,00
6.	\$46766+	\$93532+	9,30
7.	\$ 1000 000+	\$ 2000 000	10,30

Бу солиқ ставкалари Калифорния штати учун белгиланган бўлиб, бу штат АҚШдаги энг бой штатлардан бири бўлиб, солиқ ставкаларини белгилашда 1 млн. доллардан ортиқ шкаланинг киритилиши ҳам бундай даромад олувчилар бу штатда кўпчиликни ташкил этишидан келиб чиқиб белгиланган. Федерал тартибдагидек, штатларда ҳам солиқ тўловчи ўзи учун(ёлғиз) ёки турмуш ўртоғи билан биргаликда солиқ декларациясини

<sup>122</sup>Манба: <http://www.worldwide-tax.com/>

<sup>123</sup><http://www.tax-rates.org/california/income-tax>

топшириши мумкин. Бундай ҳолатлар учун даромад чегаралари ва уларга белгиланган солиқ ставкалари ҳам турлича белгиланади. Энди ушбу маълумотлардан келиб чиқиб, солиқ тўловчи ўзи ёлғиз ҳолда (ўз даромадлари бўйича) солиқ декларацияси асосида солиқ ҳисобланишини аниқлаймиз(доллор ҳисобида).

АҚШда федерал ва Калифорния штатида кесимида декларация асосида жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғини ҳисоблаш тартиби

№	Кўрсаткичлар	Калифорния штати учун даромад солиғи	Федерал даромад солиғи
1.	Декларация қилинаётган умумий даромад	100 000	100 000
2.	Солиқ ҳисоблашда даромаддан чегирмалар(солиққа тортилмайдиган минимум):		
	Стандарт (федерал) солиқ чегирмалар	-	6100
	Штаат бўйича солиқ чегирмалар		7009,76
3.	Умумий солиққа тортиш базаси	100 000	86980,24
4.	Калифорния штати бўйича солиқ ставкалари асосида ундириладиган даромад солиғи		
	\$ 0,00+ \$7124*1%	+\$ 71,24	
	\$ 7124+ \$9766*2%	+\$ 195,32	
	\$16890+\$9767*4%	+\$ 390,68	
	\$26657+\$10340*6%	+\$ 620,88	
	\$37005+\$9761*8%	+\$ 780,88	
	\$46766+53234*9,3%	+\$ 4950,76	
	Жами штат даромад солиғи сўммаси	+\$ 7009,76	
5.	Федерал солиқ ставкалари асосида ундириладиган даромад солиғи		
	\$ 0,00+ \$8925*10%		+\$ 892,5
	\$8925+\$27325*15%		+4098,75
	\$36250+\$51330*25%		+\$12832,5
	Жами федерал даромад солиғи сўммаси		+\$17823,75
6.	Штаат даромад солиғи сўммаси	+\$ 7009,76	
7.	Федерал даромад солиғи сўммаси		+\$17823,75
8.	Ходимдан ушлаб қолинган жами даромад солиғи		+\$24833,51
9.	Солиқ ушлаб қолинганда сўнги даромад		+\$75166,49

Демак, Калифорния штатида яшовчи фуқаронинг 100000 долларлик даромадидан 7009,76 долларлик штат даромад солиғи ва 24833,51 долларлик федерал даромад солиғи ундирилиб, даромад солиғининг даромаддаги улуши эса 24,8 фоизни ташкил этади. Энди бунга социал солиқлар социал ҳимоялаш солиғи(Social Security tax ёки Social Insurance Tax) ва тиббий суғурта учун тўловлар(Medicare tax)дан ундириладиган қисми (100000\*4,2%,

100000\*1,45%) 5650 долларни ҳам қўшсак, у ҳолда ходимнинг ҳақиқий қўлига оладиган даромади 69516,49 долларни ташкил қилади.

*Буюк Британияда жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини ундиришининг хусусиятлари*

Буюк Британияда жисмоний шахслардан олинadиган даромадларини солиққа тортишда даромад солиғи -Income Tax ва мажбурий миллий суғурта

тўловлари (National Insurance) ундирилади. Даромад солиғини ундиришдаги хусусиятларидан бири бу айрим турдаги пенсиялар, мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар ҳам даромад солиғи сифатида солиққа тортилишидир. Солиқни ундиришда солиққа тортилмайдиган минимум(Personal Allowance)лар қўлланиладики, у ҳудудлар бўйича табақаланади. Бунинг умумий миқдори бир йиллик даромадлар бўйича ҳар йили ўзгариш туриши мумкин бўлиб, 2017-2018 йиллар учун 10000 фунт стерлинг қилиб белгиланган. Буюк Британияда жисмоний шахслардан даромад солиғини ундиришдаги қўлланиладиган солиққа тортилмайдиган минимумни қўллашда ходимларнинг туғилган вақтлари ҳам эътиборга олинади. Масалан, 1948 йилга қадар туғилган шахсларга нисбатан солиққа тортиладиган минимумнинг йиллик миқдори 15000 фунт стерлинггача қўлланилади. Буюк Британияда аҳолидан ундириладиган даромад солиғини ундириш мажбурияти иш берувчилар(солиқ агентлари) зиммаларига юклатилган. Иш берувчилар ушлаб қолинган солиқлар ва қўлланилган солиққа тортилмайдиган минимумларни қўлланиши ҳақида солиқ хизмати органи(Буюк Британияда бу орган "Revenue and Customs" деб аталади)га тақдим қилиб боради. Буюк Британияда 2017-2018 йил учун жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи учун солиқ ставкалари прогрессив тарзда қуйидагича белгиланган<sup>124</sup>:

№	Солиққа тортиладиган даромад чегаралари(фунт стерлинг)	Солиқ ставкаси(фоиз)
1.	31865	20
2.	31866-150000	40
3.	150000 ва ундан ошадиган	45

Мисол учун Лондон шахрида яшовчи фуқаронинг йиллик даромади 158400 фунт стерлингни ташкил қилди. Иш берувчи ташкилот(корхона) ходимдан даромад солиғини қуйидагича ундиради. Дастлаб биринчи шкалага тушадиган даромаддан солиққа тортилмайдиган минимумни чегириб ташлаган ҳолда ундан солиқ ҳисобланади. Яъни (31865-10000<sup>125</sup>)\*20% = 4373 фунт стерлинг, 150000-31866 орасидаги даромаддан эса (118134\*40% ) 47253,6 фунт стерлинг, 150000 дан ошадиган қисмидан эса (158400-150000)\*45%) 3780 фунт стерлинг миқдорда, жами эса (4373+47253,6+3780) 55406,6 фунт стерлинг миқдорда солиқ ундирилади. Агар, шу билан биргаликда мулкни ижарага беришдан даромад олган бўлса, у ҳолда ушбу турдаги даромадларга солиқ ставкалари ҳудудий табақаланиш ва шахарлар мақомидан келиб чиққан ҳолда ўрнатилган бўлиб, ундан келиб чиқиб солиқ тўланади. Бундай даромадлар эса солиқ декларацияси орқали тўланади.

Буюк Британияда жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи иш берувчилар(корхона, ташкилот) томонидан PAYE(PAY AS You Earn-даромадингиздан тўлов) схемаси асосида ушлаб қолинади ва тўланади.Солиқ хизмати органлари(Revenue and Customs) ҳар бир солиқ тўловчига солиқ

<sup>124</sup><http://www.worldwide-tax.com/>

<sup>125</sup> Баъзи жойларда ходимнинг розилигига кўра умумий даромаддан ёки солиққа тортиладиган дастлабки

даромад гурухидан чегирилади. Бу борада ҳам айрим тоифадаги аҳолига имтиёзлар берилган. Биз бу ерда солиққа тортиладиган дастлабки даромад гурухидан чегирилган ҳолда келтириб ўтаяпмиз.

коди(Tax code) беради, агар солиқ тўловчи жисмоний шахснинг даромади ўзгаридан бўлса, ушбу солиқ кодида акс эттирилиб қўйилади ва буни солиқ хизмати органлари солиқ тўловчи жисмоний шахсга(унинг солиқ коди ўзгарганлиги, даромад манбаларида хатоликлар мавжудлиги ва шу кабилар ҳақида) тўлов коди хабарномаси(PAYE Coding Notice) ни юбориш орқали маълум қилади. Ушбу хабарномалар бир вақтнинг ўзида иш берувчига ҳам тақдим қилинади ва жисмоний шахснинг даромад олиш билан боғлиқ ҳужжатларида солиқ коди ва бошқа маълумотлар бирга сақланади, иш берувчининг иш ҳақи бериш ҳақидаги қайдномада (Plaeslip) акс эттирилади. Буюк Британияда жисмоний шахсларга иш берувчилар томонидан кўрсатилган хизматлар(масалан, тиббий суғурта қилиниши, шахсий машиналарига ёқилги маҳсулотларини берилиши ва шу кабилар) жисмоний шахснинг жами даромадидан чегирилади ва бу ҳақда иш берувчи солиқ хизмати органларини дарҳол хабардор қилиши, солиқ тўловчи томонидан тақдим қилинадиган солиқ декларациясида акс эттирилиши шарт бўлади.

#### Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг тарихий хусусиятларини нималардан иборат?
2. Жисмоний шахсларнинг солиққа тортиладиган даромадларига нималар қиради?
3. Жисмоний шахсларнинг қайси даромадлари солиққа тортиш объекти ҳисобланмайди?
4. Жисмоний шахсларнинг мулкӣ даромадларига нималар қиради?
5. Жисмоний шахсларнинг жами даромадлари таркиби нималардан иборат?
6. 2015 йил учун жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг ставкалари қандай ўрнатилган? Солиқ декларациясининг солиқларни ундиришдаги роли ва уни топшириш тартибини изоҳлаб беринг.
7. Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини ҳисоблаш тартибини биласизми? Ўзингизнинг иш ҳақи тарзидаги даромадларингиздан даромад солиғини ҳисоблаб кўринг.
8. Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини ҳисоблаш ва бюджетга ўтказиш тартибини изоҳлаб беринг.
9. Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини ундиришда солиқ декларациясининг аҳамияти ва уни қўллашнинг хусусиятларини айтиб беринг.

## 13-БОБ. ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ

### 13.1. Қўшилган қиймат солиғининг иқтисодий моҳияти, бюджет тизимида тутган ўрни ва солиқ тўловчилари

Маълумки, солиқларнинг ривожланиши ва шаклланиш босқичида савдони яъни айланмани солиққа тортиш қадимдан бўлиб келган. Давлатчилик тарихида ўзаро урушлар оқибатида бошқа давлатлар(ҳудудлар)ни босиб олиш эвазига давлатни кучайтириш ва молиялаштиришнинг энг қабих усуллариининг қамайтирилиши ва кейинчалик давлатлар ўртасида савдо муносабатларининг ривожланиб бориши солиққа тортиш тизимида эгри солиқларнинг ҳам ролини ошириб борган. Бу даврларда қўшилган қиймат солиғи деб номланганмаган бўлсада "Оборот солиғи" айнан ҳозирги қўшилган қиймат солиғининг ролини бажарган. Баъзи бир манбаларга кўра қўшилган қиймат солиғи айнан шу ном билан аталиши 18-асрларнинг ўрталарида Курфюрлар Саксонияси давлати(Германия)да амал қилган бўлиб, у кейинчалик оборот солиғи- Umsatzsteuer (USt) ва ҳозир Германияда у қўшилган қиймат солиғи- Mehrwertsteuer (MWSt) деб юритилади. Қўшилган қиймат солиғи моҳияти жиҳатидан Собик иттифоқ даврида ҳам амал қилган. Россияда октябрь революциясидан кейин "ҳарбий коммунизм" даври деб аталган 1917-1922 йилларда илгари амал қилиб келинган солиқ тизими тубдан ўзгартирилган эди. Аввалиги солиқларнинг ўрнига мол-мулк солиғи, капиталнинг ўсиши солиғи, нуфузли товарларга истеъмол солиғи жорий қилинди. 1918 йилда савдо фаолияти билан шуғулланadиган корхоналар учун айланмадан 5 фозлик йиғим жорий қилиндики, бу солиқлар ва йиғимлар акцизлар билан биргаликда қўшилган қиймат солиғининг ҳам ролини бажариб келинган.

Солиқ иттифоқ даврида оборот солиғи энг прогрессив ва адолатсиз солиқ тури сифатида фойдаланди. Яъни, оборотдан олинadиган солиқни ундиришда ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида(масалан, ип калаваси маҳсулот сифатида газламага айлантириш учун ўтказилганда ва ундан кейинги то истеъмолга тайёр маҳсулот бўлиб боргунга қадар оборот солиғига тортилиб борган) солиққа тортилиб, солиққа тортишнинг каскад усули ҳам деб ном олган. 1930 йилларнинг бошларига келиб эса, Собик иттифоқда барча солиқлар ва йиғимларнинг умумий сони 60 тага яқинлашиб қолди ваулар корхоналарнинг ривожланишига тўсиқ бўла бошлади. Шундан келиб чиқиб айрим солиқлар ва йиғимларни унификациялаштирилди. Давлат корхоналари оборот солиғи ва фойдадан бюджетга ажратмалар каби тўловларни амалга ошириш белгиланган бўлса, кооператив шаклидаги корхоналар эса оборот солиғи ва даромад солиғини тўлайдиган бўлди. Оборот солиғи илгари белгиланган акцизларни ҳам ўз ичига олган бўлиб, маҳсулот реализация қилинган вақтда тўлаш механизмлари жорий қилиниб, маҳсулот истеъмоли давридаги оралиқ истеъмол, яъни қайта ишлашга мўлжалланган маҳсулотлар солиққа тортилмайдиган бўлди. Ўтган асрнинг 80 йилларининг иккинчи ярмида импорт ва экспорт операцияларни амалга оширувчи корхоналар учун импорт-экспорт солиғини тўлаш белгилаб

қўйилди. 1991 йилда киритилган сотувдан солиқ барча турдаги корхоналарнинг айланмаларидан 5 фоизлик миқдорда ундириш белгиланган эди, аммо, сал ўтиб, у қўшилган қиймат солиғига алмаштирилди. Қўшилган қиймат солиғи сифатида юзага келиши эса жаҳон хўжалигидаги интеграциялашувнинг кучайиши билан боғлиқ эди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг жаҳон солиқ тизимидаги умумий хусусиятлардан бири ўзаро интеграцияларнинг кучайиши билан солиқларни ундириш жараёнларининг ҳам ўзаро интеграциялашувидир. Интеграциялашувнинг кучайиши эса солиқларни ундириш жараёнини бир томондан енгиллаштирса, бошқа томондан қийинлаштиради.

Ўтган асрнинг 50 йилларидан бошлаб "Умумий бозор"нинг шаклланиши бошланди, унинг кейинги вақтларда кучайиб бориши тенденцияси кузатилмоқда. Ушбу бозор маконида товарлар ва хизматларнинг эркин алмашинуви ва уларнинг истеъмолини соддалаштиради. 1951 йилда "Европа кўмир ва пўлат уюшмаси"нинг ташкил этилиши, 1957 йилда Римда ташкил этилган ва европанинг олти давлати: Германия, Франция, Италия, Белгия,

Голландия, Люксембургни бирлаштирган "Умумий бозор" ва кейинчалик "Европа иқтисодий ҳамкорлиги" ва ҳозирги кунда "Европа иттифоқи", "Анд ҳамкорлиги", "Кариб умумий бозор бирлашмаси", "Марказий америка умумий бозори", "Ягона иқтисодий макон" ва шу кабиларнинг юзага келиши

солиқларни ундириш борасидаги ҳамкорликни ҳам уйғунлаштиришни талаб этмоқда. Бу хусусиятлар солиқларни ундириш жараёнида хусусий омиллар

билан бирга умумий омилларга таянилишнинг зарурлиги, айрим солиқ турлари бўйича умумий келишувларни амалга оширишнинг эҳтиёжнинг туғилиши ва шу кабиларда акс этади. Масалан, 1958 йилдаги келишувга мувофиқ қўшилган қиймат солиғи, истеъмоли солиғи ва бошқа эгри солиқлар

бўйича умумий келишувлар жорий этилди. 1977 йилдан бошлаб эса қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашнинг ягона методикаси жорий қилинди. Бунга асосий сабаб қўшилган қиймат солиғи хусусиятига қўра товарларнинг реализацияга қаратилган бўлиб, ягона методиканинг киритилиши, бюджетга асосий маблағ жалб этувчи қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ тушумларининг ҳажмини аниқлаш ишларини соддалаштиришдан иборат эди.

ҚҚС бошқа солиқлардан фарқли равишда умумий бозор шароитида солиқларни ундириш механизмига катта таъсирга эгалиги ва уни фискал хусусиятининг юқорилиги 1993 йил 1 ноябрдан бошлаб ушуб солиқ тури бўйича солиқ ставкасининг минимал чегараси (15%дан кам бўлмаслик шarti) ва айрим солиқ турлари бўйича бериладиган солиқ имтиёзларининг юқори чегараси (5%дан юқори бўлмаслиги шarti) ҳам келишиб олинди.

Солиқларни ундириш тартиблари бир неча марта ўзгартирилди, албатта бу умумий бозор конъюктурасининг мураккаблашуви, бозорга олиб чиқилаётган товар(хизмат, иш)ларнинг диверсификациялашуви, товар айланмасининг тезлашуви, умумий бозорда товарларнинг истеъмолининг фарқланишуви, ҳаттоки сиёсий устунлик ҳолатларига боғлиқ эди. Қўшилган қиймат солиғини Европа иттифоқи ҳудудида ундириш механизмлари


такомиллаштирилди. Европа иттифоқининг 2006 йил 28 ноябрда "Қўшилган қиймат солиғининг умумий тизими тўғрисида"ги янги Директивасига қўра 2007 йил 1 январдан бошлаб қўшилган қиймат солиғини ундиришда янги механизмлар жорий қилинди. Аслида жаҳон солиқ тизимида қўшилган қиймат солиғи номи билан жорий қилиниши Франциялик олим Морис Лоре<sup>126</sup> томонидан 1954 йилда ушбу солиқ турининг номи ва унинг хусусиятларининг очиб берилиши, оборот солиғи(turnover tax, sales tax)га нисбатан афзалликларини эътиборга олган ҳолда Франция ҳукумати мазкур солиқ турини 1954-1958 йилларда Франциянинг мустамлакаси бўлган Кот-д'Ивуар республикасида қўлланилган ва яхши самара берганлиги сабабли уни Францияда тўлиқ қўлланида бошланди. Ўзбекистон солиқ тизимида ушбу солиқ илгари Собиқ иттифоқ даврида амал қилган оборот солиғи ўрнига 1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинadиган солиқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан жорий қилинган. Қўшилган қиймат солиғининг иқтисодий моҳияти қуйидагиларда кўринади: Биринчидан, қўшилган қиймат солиғи ўзида солиқларнинг прогрессив хусусиятини ўзида акс эттириб, фискал мақсадлар учун қулай ҳисобланади. Чунки, қўшилган қиймат солиғи бу мазмунан истеъмоли солиғи бўлганлиги сабабли у ишлаб чиқариш ва истеъмоли товар(хизмат)ларини истеъмолини қамраб олганлиги сабабли унинг объекти кенг бўлади ва бюджетга солиқ ундиришда катта роль ўйнайди. Иккинчидан, қўшилган қиймат солиғи оборот солиғидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиб, солиқларнинг адолатлилик тамойилини ўзида акс эттиради. Оборот солиғида ҳар бир ишлаб чиқариш ва истеъмоли босқичи қамраб олинган бўлса, қўшилган қиймат солиғида якуний босқич яъни, маҳсулот(хизмат)нинг реализацияси қамраб олинади. Учинчидан, қўшилган қиймат солиғи солиқ тизимидаги энг муҳим жараёнлардан бири солиқларнинг юкланишини ўзида акс эттиради. Солиқларнинг юкланиши бу солиқ оғирлигининг бир солиқ тўловчидан бошқа бир солиқ тўловчига ўтказилиш жараёни ҳисобланади.

Қўшилган қиймат солиғи солиқларнинг юкланишини ишлаб чиқариш ва истеъмоли, талаб ва таклиф ўртасида тақсимлаб туриши орқали ортикча солиқ юқининг пайдо бўлиши олдини олади ва солиқни имконияти борларга ўтказиб туради(истеъмоли жараёни бу солиқ тўловчининг молиявий имкониятларини ўлчашнинг бир шакли сифатида амал қилади). Тўртинчидан, қўшилган қиймат солиғи бир томондан давлатнинг иқтисодиётга аралашувида муҳим дастак вазифасини ўташ орқали истеъмоли тартиблашда ва рағбатлантиришда кенг фойдаланилса, бошқа томондан унинг(солиқнинг) ўзи бозор механизмлари орқали ҳам истеъмоли тартиблайди ҳам ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий фаолиятини тартиблайди(ҳаражатлар, истеъмоли борасидаги фаолиятининг

<sup>126</sup> Морис Лоре у даврларда Франциянинг Иқтисодиёт вазириликда солиқлар ва йиғимлар бўйича департаменти директори бўлиб ишлаган ва солиқ назарияси бўйича ўзининг хиссасини қўшган олимлардан бири саналади. Шу билан биргаликда М.Лорис томонидан импорт товарлари ва нархни тартиблаш мақсадида "Taxe Laure" солиғи ишлаб чиқилган ва жорий этилган.

самарадорлигини кўрсатиб беради). Бешинчидан, кўшилган қиймат солиғи миллий иқтисодийни ҳимоялашда ҳам муҳим воситачи сифатида юзага чиқади. Ушбу таъкидланганлардан кўринадики, кўшилган қиймат солиғи соликларнинг барча функциялари(фискал, қайта тақсимловчи, рағбатлантириш, тартибланиш)ни ўзида акс эттирадиган кам сонли солиқ турларидан бири ҳисобланади.

Ҳар бир солиқнинг амал қилиши унинг тўловчилари орқали юзага чиқади. Республикада кўшилган қиймат солиғининг тўловчилари сифатида(Солиқ кодексининг 197-моддасига кўра) қуйидагича белгиланган:




Товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилувчи жисмоний шахслар, ўз эҳтиёжлари учун божсиз олиб кириш нормалари доирасида товарлар олиб кирган ҳолатда солиқ тўловчи ҳисобланмайди. Божсиз олиб кириладиган товарлар қиймати Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат божхона Давлат қўмитаси томонидан "Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарларни божсиз олиб киришининг меъёрий нормалари"га<sup>127</sup> асосан белгиланган. Унга кўра қўшни давлатлардан келтириладиган 10 АҚШ доллари қийматидаги истеъмол товарларига (Қозғистон, Қирғизистон, Афғонистон, Туркманистон, Тожикистон), бошқа давлатлардан келтириладиган 1000 АҚШ доллари қийматидаги товарлар учун божхона тўловлари тўланмайди. Бу меъёр Ўзбекистон Республикасидаги жисмоний шахслар манзилига ташқаридан келувчи почта жўнатмаларига нисбатан қўлланилмайди.

<sup>127</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1996 йил 10 сентябрда 279-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган "Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарларни божсиз олиб киришининг меъёрий нормалари".

Ягона солиқ тўловини тўловчилар бўлган юридик шахслар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига йилнинг навбатдаги чораги бошлангунига қадар бир ойдан кечиктирмасдан, янги ташкил этилаётган ягона солиқ тўловини тўловчилар бўлган юридик шахслар эса фаолият бошлангунига қадар тақдим этиладиган ёзма билдиришга асосан ихтиёрий асосда кўшилган қиймат солиғини тўлаши мумкин.

### 13.2. Кўшилган қиймат солиғи объекти ва солиқ базасини аниқлаш тартиби

Солиқ қонунчилигига мувофиқ(Солиқ кодексининг 198-моддаси) кўшилган қиймат солиғининг объекти сифатидасолиқ солинадиган оборот ва солиқ солинадиган импорт белгиланган. Солиқ солинадиган объектни аниқлаш учун эса унинг элементларини аниқлашни тақозо қилади.



**32- расм. Кўшилган қиймат солиғи объекти элементлари.**

*Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти деганда қуйидагилар эътироф этилади:*

Мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини ўтказиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш, шу жумладан:товарни ва бошқа мол-мулкни жўнатиш (сотиш) ва устав фондига (устав капиталига) кўшилган ҳисса;

мол-мулкни бепул бериш (ишларни бепул бажариш, хизматларни бепул кўрсатиш), шу жумладан юридик шахс ходимларига уларнинг мазкур юридик шахсдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган шахсий эҳтиёжлари учун мол-мулкни бепул бериш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа товарларга (ишларга, хизматларга) алмаштириш учун мол-мулкни бериш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш);

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ходимга иш ҳақи ҳисобига ёки муассисга (иштирокчига) дивидендлар тўлаш ҳисобига мол-мулк бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш);

гаров билан таъминланган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, гаровга қўювчи томонидан гаров нарсасини бериш;

заём шартномалари асосида товар-моддий захираларни бериш;

битта юридик шахснинг бир таркибий бўлинмаси томонидан бошқа таркибий бўлинмасига, (агар таркибий бўлинмалар мустақил солиқ



тўловчилар бўлса) мол-мулкни бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш;

мол-мулкни молия ижарасига (шу жумладан лизингга) бериш;

тўловни бўлиб-бўлиб тўлаш шарт билан товарни жўнатиш;

мол-мулкни оператив ижарага бериш;

интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқни ўтказиш ёки улардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш;

*Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш жойини аниқлаш:*

Куйидаги шартлар ёхуд улардан бири мавжуд бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди товарларни реализация қилиш жойи деб эътироф этилади:

товар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган бўлса ва битим натижасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқарилмайдиган ёки жўнатиш ёки ташиш бошланган пайтда товар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган бўлса.

Куйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ишларни, хизматларни реализация қилиш жойи деб эътироф этилади, агар:

ишлар, хизматлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган кўчмас мулк билан боғлиқ бўлса (Бундай ишлар, хизматлар жумласига, хусусан, қурилиш, монтаж, қурилиш-монтаж, ишга тушириш-созлаш, таъмирлаш, реставрация қилиш, кўкаламзорлаштириш ишлари, шунингдек кўчмас мулкни ижарага бериш қиради); ишлар, хизматлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган кўчар мулк билан боғлиқ бўлса (Бундай ишларга, хизматларга монтаж қилиш, созлаш, йиғиш, қайта ишлаш, ишлов бериш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш қиради);

хизматлар ҳақиқатда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туризм, маданият, санъат, таълим, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кўрсатилаётган бўлса;

ишларни, хизматларни сотиб олувчи фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга ошираётган бўлса;

ходимлар бериш агар ходимлар сотиб олувчи ўз фаолиятини амалга ошираётган жойда ишлаётган бўлса;

кўчар мулк ижарага берилганда (транспорт воситалари бунга кирмайди);

товарларни (ишларни, хизматларни) олиш бўйича воситачи (ишончли вакил), шунингдек ушбу бандда назарда тутилган хизматларни амалга ошириш учун шартноманинг (контрактнинг) асосий иштирокчиси номидан жалб этувчи шахс хизматлари кўрсатилганда;

алоқа хизматлари кўрсатилганда ва шу каби ҳолатлар.

*Солиқ солинадиган импортни белгилаш*

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кирилаётган товарлар солиқ солинадиган импортдир(солиқ қонунчилигига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган товарлар бундан мустасно).

*Реализация қилиш обороти амалга оширилган сана*

Товарлар жўнатиш (берилган) кун, товарларни реализация қилиш обороти амалга оширилган санадир. Агар товарларни жўнатиш амалга оширилмаса, товарга бўлган мулк ҳуқуқи олувчига ўтказилган кун реализация қилиш обороти амалга оширилган санадир.

Гаровга қўйилган мол-мулк (товар) гаровга қўювчи томонидан топширилганда гаров нарчасига бўлган мулк ҳуқуқи ўтказилган сана гаровга қўювчи учун реализация қилиш обороти учун сана ҳисобланади. Юридик шахснинг ходимларига уларнинг мазкур юридик шахсдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган шахсий эҳтиёжлари учун иш ҳақи ҳисобига, шу жумладан бепул товарлар берилганда, ишлар бажарилганда, хизматлар кўрсатилганда товар берилган, ишлар бажарилган, хизматлар кўрсатилган ҳамда ҳисобварақ-фактура ва (ёки) ишлар бажарилгани, хизматлар кўрсатилгани фактини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар расмийлаштирилган кун оборот амалга оширилган санадир.

Тара шартномада назарда тутилган муддатда қайтарилмаса, бу тарани қайтариш учун белгиланган сана қайтарилиши лозим бўлган таранинг реализация қилиш обороти амалга оширилган сана бўлади.

Ишларни, хизматларни реализация қилиш обороти амалга оширилган сана куйидаги шартлардан бири бажарилганда бошланади:

ҳисобварақ-фактура ёзиб берилганда;

ишлар бажарилганлиги, хизматлар кўрсатилганлиги фактини тасдиқловчи ҳужжатлар расмийлаштирилганда. Ушбу қисм қондалари бошланиши бир ҳисобот даврига, тамомланиши эса бошқа ҳисобот даврига тўғри келадиган ишларга, хизматларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Шартноманинг (контрактнинг) амал қилиши даврида ишларни, хизматларни олувчи уларнинг натижаларидан ўз ишлаб чиқариш фаолиятида доимий асосда фойдаланиши мумкин бўлган тақдирда, доимий (узлуксиз) асосда реализация қилиш ишлар бажарилганлигини, хизматлар кўрсатилганлигини аниқлатади. Ишлар, хизматлар Ўзбекистон Республикаси норезидентдан олинган тақдирда, ишлар, хизматлар олинганлиги тўғрисидаги ҳужжат расмийлаштирилган сана оборот амалга оширилган санадир.

*Куйидагилар товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти бўлмайди:*

солиқ тўловчининг харажатлари сифатида қараладиган, унинг ўз эҳтиёжлари учун товарларни бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш, битта юридик шахснинг бир таркибий бўлинмаси томонидан бошқа таркибий бўлинмасига ишлаб чиқариш эҳтиёжлари (завод ички обороти) учун (агар таркибий бўлинмалар мустақил солиқ тўловчилар бўлмаса) мол-мулк берилиши, ишлар бажарилиши, хизматлар кўрсатилиши, солиқ тўловчининг ўз эҳтиёжлари учун ўз кучи билан қурилиш, монтаж, қурилиш-монтаж ишларини бажариши, қайтариладиган тарани жўнатиш, (қайтариладиган тара маҳсулот солиб жўнатиш, қиймати ушбу маҳсулот қийматига

киритилмайдиган ҳамда шу маҳсулотни етказиб бериш учун тузилган шартномада (контрактда) белгиланган шартларда ва муддатларда маҳсулот етказиб берувчига қайтарилиши лозим бўлган тарадир. Агар тара белгиланган муддатда қайтарилмаса, бундай тарани бериш солиқ солинадиган оборотга киритилади), юридик шахснинг иштирокчиси (муассиси) муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиққанда (чиқиб кетганда), шу жумладан тугатилганлик (банкротлик) ёки қайта ташкил этилганлик муносабати билан чиққанда (чиқиб кетганда) унга дастлабки ҳисса доирасида мол-мулкни бериш, шунингдек оддий ширкат шартномаси бўйича шерикка (иштирокчига) унинг мазкур шартнома бўйича шериклари (иштирокчилари) умумий мулкда бўлган улуши қайтарилаётганда ёки бундай мол-мулк тақсимланганда мол-мулкни бериш, асосий воситаларни, номоддий активларни ва тугалланмаган қурилиш объектларини бепул асосда бериш, банклар ва сугурта ташкилотлари томонидан мол-мулкни ўз филиалларига бериш, оддий ширкат шартномаси бўйича шерикнинг (иштирокчининг) улуши сифатида товарларни (ишларни, хизматларни), бошқа мол-мулк ва мулквий ҳуқуқларни бериш, товарларни ва бошқа мол-мулкни қайта ишлаш асосида бериш, ишончли бошқарув шартномаси асосида мол-мулкни мулкдордан ишончли бошқарувчига бериш, ишончли бошқарув шартномаси тугатилган тақдирда, мол-мулкни мулкдорга бериш, объект қийматини ижарага берувчи (лизингга берувчи) оладиган ижара (лизинг) тўловининг бир қисми тарзида қоплаш, товарлардан фойдаланишнинг кафолатли муддати даврида уларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича қўшимча ҳақ олмасдан ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш ва шу кабилар солиқ объекти ҳисобланмайди.

Қўшилган қиймат солиғининг базаси солиқ базасини аниқлашнинг умумий қоидаларига асосланган ҳолда ва унинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда аниқланади:

**Қўшилган қиймат солиғи базаси** = (Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти) - (Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти сифатида тан олинмаган оборотлар) - (солиқдан озод этилган оборотлар (имтиёзлар) ± (белгиланган муддат ичида солиқ базасига тузатиш киритилган оборотлар ҳажми).

Қўшилган қиймат солиғи базаси товар(хизмат, иш)ларни реализация қилишнинг тармоқлар, соҳалар ва фаолият турларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб аниқланади.

Бунда реализация қилинаётган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати асосида, унга қўшилган қиймат солиғини киритмаган ҳолда белгиланади.

Қўшилган қиймат солиғи базасини аниқлаётганда агар, солиқ тўловчи корхона *товарлар (ишлар, хизматлар) таннархидан ёки товарлар олинган нархдан паст нархларда реализация қилган бўлса*, солиқ тўловчининг ўз эҳтиёжлари учун ўзи ишлаб чиқарган товарларни бериш, ўз кучи билан

ишларни бажарганлиги (хизматлар кўрсатганлиги)дан келиб чиқиб белгиланади.

*Товарлар қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллардан тайёрланган тақдирда*, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғини киритмаган ҳолда уларни қайта ишлаш хизматларининг қиймати асосида, акциз тўланадиган товарлар бўйича эса, уларни қайта ишлаш хизматлари қиймати асосида, акциз солиғини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

*Қурилиш, қурилиш-монтаж ва таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий ишлар, хизматлар бўйича*, шунингдек объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришда шартномавий нархлардан келиб чиққан ҳолда ҳисоб-китоб ҳужжатлари ҳақ тўлаш учун тақдим этилган, бажарилган ва буюртмачи томонидан тасдиқланган ишларнинг, хизматларнинг қўшилган қиймат солиғи киритилмаган қиймати солиқ солинадиган базадир.

*Импорт қилинган товарлар реализация қилинганда*, солиқсолинадиган база реализация қилинаётган товарларнинг қўшилган қиймат солиғи киритилмаган қийматидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Бунда солиқ солинадиган база мазкур товар импорт қилинганда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинган қийматдан паст бўлиши мумкин эмас. Акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган базага акциз солиғининг суммаси ҳам киритилади.

*Асосий воситалар ва номоддий активлар реализация қилинган тақдирда*, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳам ўз ичига оладиган, уларнинг реализация қилиш нархи билан қолдиқ қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида белгиланади. *Мол-мулк молиявий ижарага, шу жумладан лизингга берилганда*, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи суммасини ўз ичига оладиган, чиқиб кетаётган актив қиймати билан унинг баланс (қолдиқ) қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида белгиланади, солиқ тўловчи томонидан ишлаб чиқарилган товарлар молиявий ижарага (лизингга) берилганда эса, қўшилган қиймат солиғини ўз ичига оладиган, чиқиб кетаётган активнинг қиймати солиқ солинадиган базадир.

*Қурилиш тугалланмаган объект реализация қилинган тақдирда*, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳам ўз ичига оладиган, қурилиш тугалланмаган объектни реализация қилиш нархи билан баланс қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида белгиланади.

*Кредит ташкилоти томонидан гаров билан таъминланган мажбуриятни қоплаш ҳисобига олинган мол-мулк реализация қилинган тақдирда*, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи суммасини ўз ичига оладиган, реализация қилиш нархи билан қарзни қоплаш ҳисобига мазкур гаров мол-мулкни олинган қарз суммаси ўртасидаги ижобий фарқ сифатида аниқланади.

*Воситачилик шартномаси, топшириқ ёки воситачилик хизматлари кўрсатиш бўйича* бошқа шартнома асосида ўзга шахснинг манфаатларини




10.	Швеция	25	12; 6; 0	Moms	Mervärdesskatt
11.	Чехия	21	15	DPH	Daň z přidané hodnoty
12.	Аргентина	21	10,5; 0	IVA (Impuesto al Valor Agregado)	IVA (Impuesto al Valor Agregado)
13.	Мексика	15	0	IVA	IVA (Impuesto al Valor Agregado)
14.	Норвегия	25	14; 8	MVA	Merverdiavgift
15.	Сербия	20	8; 0	PDV	Porez na dodatu vrednost
16.	Туркия	18	8; 1	KDV	Katma değer vergisi
17.	Швецария	8	3,8; 2,5	MWST, TVA, IVA	Mehrwertsteuer, Taxe sur la valeur ajoutée, Imposta sul valore aggiunto
18.	Хорватия	22	0	PDV	Porez na dodanu vrijednost
19.	Уругвай	23	14	IVA	Impuesto al Valor Agregado
20.	Украина	20	0	ПДВ	Податок на додану вартість
21.	Россия	18	10; 0	НДС	Налог на добавленную стоимость

Агар жадвалга эътибор берадиган бўлсак, дунёнинг аксарият

давлатларида қўшилган қиймат солиғи бўйича умумий(стандарт) солиқ ставкалари билан бирга пасайтирилган ҳамда "ноллик" ставкалардан ҳам фойдаланилади. "Ноллик" солиқ ставкалари Буюк Британия, Россия, Хорватия, Сербия, Аргентина, Швеция, Польша, Ирландия, Латвия ва Исроил давлатлари солиқ тизимида кенг фойдаланилади.

Ўзбекистон солиқ тизимида "ноллик ставка куйидаги ҳолатларда қўлланилади:



33- расм. Ўзбекистон солиқ тизимида ноллик ставкалар

Келтирилган расмдан кўриш мумкинки, Республикамиз солиқ тизимида ҳам бир қатор соҳалар ва фаолият турлари учун мақсадли равишда ноллик ставкалар қўлланилади. Аммо, ноллик ставкаларни қўллашда айрим хусусиятли ҳолатлар ҳам эътиборга олинади. Масалан, товарларни чет эл валютасида экспортга реализация қилишда қимматбаҳо металллар оборотида ноль даражали ставка қўлланилмайди. Шунингдек, товарларнинг экспорт қилинганлиги тасдиқланмаган тақдирда, мазкур товарларни реализация қилиш оборотида белгиланган ставка(20 фоизлик) бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади. Товарларнинг экспорт қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар сифатида эса контракт (контрактнинг белгиланган тартибда тасдиқланган кўчирма нусхаси), товарларни экспорт қилиш режимида чиқаришни амалга оширувчи божхона органининг белги қўйилган божхона юк декларацияси, Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан ўтказиш пунктида жойлашган божхона органининг товарлар тайин этилган мамлакатга жўнатилганлигини тасдиқловчи қайд белгиси қўйилган товарга

илова қилинадиган ҳужжатлар тақдим қилиниши керак.

Чет эл тарафи ўзаролик принципида амал қилган тақдирда, чет эл дипломатик ваколатхоналари ҳамда уларга тенглаштирилган ваколатхоналарнинг расмий фойдаланиши учун, шунингдек бу ваколатхоналар дипломатик ва маъмурий-техник ходимларининг, шу жумладан улар билан бирга яшаётган оила аъзоларининг, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмасалар ҳамда Ўзбекистон Республикасида доимий яшаётган бўлмасалар, шахсий фойдаланиши учун реализация қилинаётган товарларга (ишларга, хизматларга) ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Дипломатик сервис хизмати томонидан кейинчалик чет эл дипломатик ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарга реализация қилиш учун олинаётган товарларга (ишларга, хизматларга) ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади. Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишда ноль даражали ставка қўлланилиши татбиқ этиладиган Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган чет эл дипломатик ваколатхоналарининг ва дипломатик ваколатхоналарига тенглаштирилган халқаро ташкилотларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, «божхона ҳудудида қайта ишлаш» божхона режимига жойлаштирилган товарларни қайта ишлаш бўйича бажарилган ишларга (кўрсатилган хизматларга), агар қайта ишлаш маҳсулотлари Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиладиган бўлса, ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади. «Божхона ҳудудида қайта ишлаш»


қўлланиладиган фаолият ва соҳалар.

божхона режимига жойлаштирилган товарларни қайта ишлаш бўйича бажарилган ишларга (кўрсатилган хизматларга), агар кейинчалик қайта ишлаш маҳсулотлари божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ

«эркин муомалага чиқариш» режимига жойлаштириладиган бўлса, у ҳолда белгиланган ставка (20) фоизлик бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади.

Халқаро йўналишда ташишлар бўйича кўрсатиладиган транзит юкларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб ташиш, ва йўловчилар, багажлар, юклар ва почтани халқаро йўналишда ташиш хизматларига уларни реализация қилиш оборотига ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади. Сув таъминоти, канализация, санитария тозалаш, иссиқлик таъминоти бўйича аҳолига кўрсатиладиган хизматларга, шу жумладан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари аҳоли номидан оладиган, шунингдек идоравий уй-жой фонди уйларида яшаётган аҳоли учун Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг бўлинмалари томонидан олинадиган ана шундай хизматларга ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади.

Қўшилган қиймат солиғининг муҳим хусусияти шундаки унда солиқ ставкалари, яъни ноллик солиқ ставкаси моҳияти жиҳатдан солиқ имтиёзи сифатида амал қилади. Шу жиҳтадан олганда қўшилган қиймат солиғи механизмида солиқдан озод этиш ва ноллик ставкани қўллашни фарқлаш лозим бўлади.




**34- расм. Қўшилган қиймат солиқ механизмида қўшилган қиймат солиғидан озод этиш ва ноллик ставкаларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари.**

Расмдан кўринадики, қўшилган қиймат солиғида солиқдан озод этилиш ва ноллик ставкалар мазмунан ўхшаш бўлсада, улар ўзаро фарқли жиҳатларга ҳам эга. Аслини олганда ноллик ставка математика қоидалари нуқтаи назаридан ноль даражада йўқликни, яъни ҳеч қанақа миқдорни ифодаламайди. Аммо, бу ерда у маълум бир мақсадли солиқдан озод этиш

хизматга ноллик солиқ ставкасини қўллашдан мақсад аҳолини ижтимоий химоя қилиш мақсадида қўлланилиб, бунда ушбу хизмат кўрсатувчи корхоналар аҳолига етказиб берилаётган хизматларга қўшилган қиймат солиғини қўшмасдан етказиб беради. Ўз навбатида эса бошқа корхоналар(сохалар)га етказиб берилган коммунал хизматларга эса қўшилган қиймат солиғининг амалдаги(20 фоизлик) ставкаларини қўллаган ҳолда хизматларни реализация қилади. Агар, аҳолига ноллик ставкани қўллаган ҳолда хизматлар кўрсатувчи корхоналар бошқаларга олинган материал қийматликлар ва бошқа хизматлар учун тўлаган қўшилган қиймат солиғини тўлаш бўйича зарар кўрадиган бўлса, уҳолда бундай зарар бюджетдан белгиланган тартибда ёки ушбу солиқ тўловчининг бюджетга солиқ ва бошқа мажбурий тўловлари бўйича бошқа қарздорликлари ҳисобига ўтказилиши тартибда қоплаб берилади.

Қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳам амалдаги солиқ қонунчилиги бўйича фаолият, махсулот(хизмат, иш)ларнинг иқтисодиётда ва ижтимоий ҳаётда тутган ўрнига қараб солиқ имтиёзлари берилган.



тарзида фойдаланилади. Масалан, аҳолига кўрсатиладиган коммунал

**35-расм. Ўзбекистон солиқ қонунчилигида қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзларнинг турлари.**

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 37-бобининг 208-211 моддалари бевосита қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ тўловчиларга берилган солиқ имтиёзларининг турлари, уларни солиқ тўловчилардан фойдаланиш тартиблари шартлари, солиқ имтиёзларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган бўлиб, ушбу имтиёзлар сонинингжуда кўплигини олиб бу ерда уларнинг барчасига тўхталиб ўтишни лозим топмадик. Шу боисдан ҳам Солиқ кодексининг тегишли моддаларининг мазмунини билан танишиб чиқишни тавсия қиламиз. Бу ерда яна шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасига четдан олиб кириладиган товарлар(хизмат, иш)ларни импорт қилишда улардан қўшилган қиймат

солиғини ундиришнинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, бу жараённинг айрим жиҳатлар божхона қонунчилиги асосан амалга оширилади.

### 13.4. Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи сингари мураккаб бўлмасда аммо, қўшилган қийматнинг юзага келиши ва унинг ҳаракати анча кенг ҳисобланади. Агар, қўшилган қиймат солиғи жаҳон солиқ тизимида жорий қилинган даврдан буёғини оладиган бўлсак, уни ҳисоблашнинг асосан тўртта усули амал қилади. Улар қуйидагилардир.

*Биринчи усул.* Бу "Тўғри қўшиш усули" бўлиб, бу усулда қўшилган қийматни иш ҳақи тарзидаги даромадлар ва фойдага ажратиб олиш орқали уларнинг ҳар бирига қўшилган қиймат солиғи ставкасини кўпайтириш орқали аниқланади. Яъни,  $V_A = V + M$ , бу ерда,  $V$ -иш ҳақи тарзидаги даромадлар,  $M$ -олинadиган фойда сифатида қаралади. Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш эса солиқ ставкасини уларнинг йиғиндисига кўпайтириш орқали аниқланади. Яъни,  $R(V + M) = VAT$  (Value Added Tax-қўшилган қиймат солиғи). Бу ерда  $R$ -солиқ ставкаси (инглизча "rate-ставка, фоиз" сўздан олинган). Аммо, таъкидлаш керакки бу усулда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш унчалик тўғри бўлмайди. Чунки, иш ҳақи даромадлари қўшилган қийматнинг таркибига кирсада, аммо, фойда ҳажми мазмунан қўшилган қиймат таркибида қатнашмайди, бу усулни қўллаш эса ҳар бир давлатнинг қўшилган қиймат солиғи объекти ва базани аниқлаштириш тартибларига ҳам боғлиқ бўлади.

*Иккинчи усул.* Бу усул "Билвосита қўшиш усули" деб аталади. Бу усулнинг моҳияти қўшилган қиймат таркиби сифатида худди биринчи усулдаги каби иш ҳақи даромадлари ва фойда ҳажми олиниб, солиқни ҳисоблаш эса уларнинг ҳар бирига солиқ ставкасини кўпайтириш орқали аниқланади. Яъни  $RV + RM = VAT$ .

*Учинчи усул.* Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашнинг учинчи усули "Тўғридан-тўғри чегириш усули" бўлиб, бунда солтиб олинган материал ва маҳсулот реализациясининг ўртасидаги фарқ сўммасига солиқ ставкасини кўпайтириш орқали солиқ сўммаси аниқланади. Яъни,  $R(O-I) = VAT$ . Бу ерда  $O$ -маҳсулот реализацияси,  $I$ -материаллар қиймати.

*Тўртинчи усул.* "Билвосита чегириш усули" бўлиб, бунинг моҳияти материалларга тегишли ва сотилган маҳсулот(хизмат, иш)ларга тегишли қўшилган қиймат солиғини алоҳида ҳисобга олиш ҳамда қўшилган қиймат солиғини улар ўртасидаги фарқ сифатида аниқлаш ҳисобланади ва у қуйидагича кўринишга эга бўлади:  $RO - RI = VAT$ . Бу усул одатда ҳисобга олиш усули ҳам деб аталади. Бизнинг республикамизда ҳам ушбу ҳисобга олиш усулидан фойдаланилади. Қайд қилинган қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашнинг усулларини қўллашнинг ўзига хос мураккаблик томонлари ҳам мавжуд. Масалан, биринчи ва иккинчи усул кўпроқ меҳнат ва ҳисоб-

китобларни талаб қилиб, улар асосан бухгалтерия ҳисоби маълумотларини қайта ишлашни талаб қилади. Аммо, юқорида айтиб ўтганимиздек, мазкур усулларнинг қайси бирини танлаш ҳар бир давлатнинг солиқ тизими хусусиятларидан келиб чиқиб белгиланади. Ҳозирги кунда кўпроқ оммалашган усул сифатида тўртинчи- "Билвосита чегириш усули" бўлиб, бунда хатоликлар камроқ учраши мумкин.

Энди бевосита Республикамиз солиқ тизимида қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш тартибига келсак, аввало бунинг учун "қўшилган қиймат" ва "қўшилган қиймат солиғи"нинг фарқини аниқлаб олсак. Қўшилган қиймат бу корхонада тақдор ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулот ишлаб чиқариш(хизматлар кўрсатиш) мақсадида сотиб олинган материалларни қайта ишлаб уларни тайёр маҳсулот қилиб тайёрлаш жараёнида корхонада турли хил қўшилган қийматларнинг қўшилишини ифодалайди. Масалан, мебел ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона четдан ёғоч ва бошқа материалларни сотиб олиб уни тайёр маҳсулотга келтириш учун ишлаб чиқариш соҳасидаги ходимларга иш ҳақи, электр энергия, ёқилғи-мойлаш материаллари, асосий воситаларнинг эскириши, ишлаб чиқариш мақсадида бошқа корхоналарнинг айрим хизматлари(масалан, транспорт)дан фойдаланиш ва шу каби харажатларни амалга ошириб маълум бир қиймат ҳосил қилади. Олайлик 1500 млн. сўмлик материал сотиб олган бўлиб, ушбу материаллар ҳисобига яратилган(реализация қилинган) маҳсулот ҳажми 2800 млн.сўмни ташкил этди. Демак, бу ерда корхонада яратилган қўшилган қиймат  $2800 - 1500 = 1300$  млн. сўмдан иборат бўлади. Бу ерда қўшилган қийматнинг таркибини эса ходимларга иш ҳақи, электр энергия, ёқилғи-мойлаш материаллари, асосий воситаларнинг эскириши, ишлаб чиқариш мақсадида бошқа корхоналарнинг айрим хизматлари кабилар ташкил қилади. Бошқача қилиб айтганда Ўзбекистон шароитида қўшилган қиймат деганда сотиб олинган маҳсулот реализацияси ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган "Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом"га мувофиқ маҳсулот(хизмат, иш)ларнинг таннархига олиб бориши мумкин бўлган харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Буни математик ифодада кўрадиган бўлсак у қуйидагича бўлади:

*Қўшилган қиймати* = (Маҳсулот реализацияси қиймати) - (Ишлаб чиқариш мақсадларида сотиб олинган материаллар ва ярим тайёр маҳсулотлар қиймати)  
ёки

*Қўшилган қиймати* = (Маҳсулот реализацияси қиймати) - (Корхона томонидан "Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом"га мувофиқ маҳсулот(хизмат, иш)ларнинг таннархига олиб бориши мумкин бўлган қилган харажатлари қиймати).



Бундан кўринадики, қўшилган қийматнинг таркиби ва ҳажми корхонанинг харажатлар сиёсатига ҳам боғлиқ бўлади. Аммо, миллий ҳисоблар тизими бўйича ялпи қўшилган қиймат билан корхонадаги қўшилган қиймат ўртасида фарқ мавжуд бўлади. Юқорида айтиб ўтилганидек, ялпи қўшилган қийматнинг ўртача 7 фоизи қўшилган қиймат солиғи сифатида бюджетга жалб қилинади. Қўшилган қиймат солиғи эса корхонада юзага келган қўшилган қийматни белгиланган ставкада солиққа тортилишни билдиради. Қўшилган қиймат ва қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашни аниқроқ ва соддароқ тушуниш мақсадида қуйидаги шартли мисолдан фойдаланамиз:

8-жадвал.

**Корхонада қўшилган қиймат ва қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш тартиби**

№	Кўрсаткичлар	Сўмма
1.	Ҳисобот даврида корхона томонидан ишлаб чиқариш мақсадларида сотиб олинган материаллар қиймати	2500.000
2.	Сотиб олинган материалларга тегишли ва корхонага кириш қилинган(ҳисобга олинган) қўшилган қиймат солиғи	500.000.
3.	Сотиб олинган материалларни тўлиқ сарфлаган ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар реализацияси	4200.000
4.	Маҳсулотлар реализациясига тегишли қўшилган қиймат солиғи	840.000
5.	Қўшилган қиймат солиғи ставкаси(фоиз)	20
6.	Қўшилган қиймат (4200.000-2500.000)	1700
7.	Корхона бюджетга тўлаши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи сўммаси (840.000-500.000)	340.000

Ушбу мисолдан кўринадики корхонада ишлаб чиқариш жараёнида юзага келган қўшилган қийматни белгиланган солиқ ставкаси(20 фоиз)да солиққа тортиш асосида аниқланган сўмма билан корхона маҳсулотни реализация қилиш жараёнида бошқа корхонада ундирилган қўшилган қиймат солиғи ва сотиб олган материаллар учун бошқа корхонага тўлаган ва кириш қилган қўшилган қиймат солиғи ўртасидаги фарқ сўммага тенг. Яъни,  $Қўшилган қиймат солиғи = (Сотиб олинган материалларни тўлиқ сарфлаган ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар реализацияси) - (Ҳисобот даврида корхона томонидан ишлаб чиқариш мақсадларида сотиб олинган материаллар қиймати) \times 20 / = (4200.000) - (2500.000) \times 20 / 100 = 340.000.$

$Қўшилган қиймат солиғи = (Маҳсулотлар реализациясига тегишли қўшилган қиймат солиғи) - (Сотиб олинган материалларга тегишли ва корхонага кириш қилинган(ҳисобга олинган) қўшилган қиймат солиғи) = (840.000 - 500.000) = 340.000.$

Демак, бундан кўринадики қўшилган қийматнинг ўзини аниқлаб, уни белгиланган ставкада солиққа тортиш билан кириш қилинган қўшилган қиймат солиғи(тўлаган) ва реализацияга тегиши(ундирилган) қўшилган қиймат солиғи ўртасидаги фарқ бир хил қийматга эга бўлади.

Республикамиз солиқ тизимида қўшилган қиймат солиғи сўммасини аниқлашда асосий бухгалтерия ҳужжатлари сифатида "Ҳисобварақ-фактура"

асосий ўрин тутати. Бу ҳужжат қатъий ҳисобот ҳужжати бўлиб, унда қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим бўлади:

- ✓ ҳисобварақ-фактуранинг тартиб рақами ва ёзиб берилган санаси;
- ✓ ҳисобварақ-фактура илова қилинадиган товар жўнатиш ҳужжатларининг ёки шартноманинг рақами ва санаси;
- ✓ солиқ тўловчининг ва товарлар (ишлар, хизматлар) сотиб олувчининг номи, жойлашган ери (почта манзили) ҳамда идентификация рақами;
- ✓ реализация қилинган товарларнинг, бажарилган ишларнинг, кўрсатилган хизматларнинг номи ва ўлчов бирликлари (уларни кўрсатишнинг имконияти бўлса);
- ✓ ўлчов бирлигидан (уларни кўрсатишнинг имконияти бўлса) келиб чиққан ҳолда реализация қилинган товарларнинг, бажарилган ишларнинг, кўрсатилган хизматларнинг ҳисобварақ-фактура бўйича сони (ҳажми);
- ✓ шартнома (контракт) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олмаган ҳолда, қўшилган қиймат солиғини ўз ичига оладиган давлат томонидан тартибга солинадиган нархлар (тарифлар) қўлланилган тақдирда эса, солиқ суммасини ҳисобга олган ҳолда ўлчов бирлигига тўғри келадиган нарх (тариф);
- ✓ реализация қилинаётган товарлар, бажарилаётган ишлар, кўрсатилаётган хизматлар жами сонининг (ҳажмининг) қўшилган қиймат солиғисиз қиймати;
- ✓ акциз тўланадиган товарлар бўйича акциз солиғининг ставкаси ва суммаси;
- ✓ товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) сотиб олувчисига тақдим этилаётган қўшилган қиймат солиғи ставкаси ва суммаси;
- ✓ реализация қилинган товарлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар жами сонининг (ҳажмининг) акциз тўланадиган товарлар бўйича акциз солиғи, қўшилган қиймат солиғи ҳамда транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ ҳисобга олинган қиймати.

Қўшилган қиймат солиғи солинадиган оборотни ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган оборотни амалга ошираётган юридик шахслар, шунингдек қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлмаган юридик шахслар товарларни (ишларни, хизматларни) олувчи шахсга ҳисобварақ-фактура тақдим этишлари мажбурийдир( аммо, бунгайўловчилар ташишни йўл чипталари билан расмийлаштириш, товарлар (ишлар, хизматлар) аҳолига нақд пулда реализация қилинган ҳолларда сотиб олувчига фискал хотирали назорат-касса машинаси чеки, терминал чеки, квитанция бериш, товарларнинг экспорт-импорт тарзида етказиб берилишини расмийлаштириш, қабул қилиб олиш-топшириш далолатномаси расмийлаштириладиган молиявий ижара (шу жумладан лизинг) шартномаси бўйича мол-мулкни топшириш, банк операцияларини мижознинг шахсий ҳисобварағидан кўчирма бериш орқали расмийлаштириш, суғурта

хизматларини топшириқ шартномаси ва (ёки) суғурта полиси орқали расмийлаштириш ва шу каби операциялар кирмайди).

Келгусида товарларни етказиб бериш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш учун олдиндан тўланган ҳақ (бўнак) ёзилган ҳисобварақ ҳисобварақ- фактура бўлмайди. Қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлмаган, шунингдек қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод қилинган оборотни амалга ошираётган юридик шахслар ҳисобварақ-фактурада қўшилган қиймат солиғи суммасини кўрсатмайдилар ҳамда «қўшилган қиймат солиғисиз» деган штамп босади (ёзиб қўяди).

Ҳисобварақ-фактурада товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати ва қўшилган қиймат солиғи суммаси миллий валютада кўрсатилади. Тузилган шартномаларнинг шартларига биноан товарларига, ишлари ва хизматларига нархлар (тарифлар) чет эл валютасида белгиланадиган юридик шахслар ҳисобварақ-фактураларни чет эл валютасида ёзиб, айна бир вақтда уни ҳисобварақ-фактура ёзиб берилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича қайта ҳисоблаган ҳолда миллий валютада ифодалади.

Товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчи солиқ солинадиган базага уни кўпайтиришга (камайтиришга) қаратилган тузатиш киритган тақдирда, мазкур товарларни (ишларни, хизматларни) олувчи томонидан тасдиқланадиган қўшимча ҳисобварақ-фактура тузилади. Бу қўшимча ҳисобварақ-фактурада ҳужжатнинг мажбурий реквизитлари билан биргаликда қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олмаган ҳолда солиқ солинадиган базага тузатиш киритиш миқдори (салбий ёки ижобий), қўшилган қиймат солиғи суммасига тузатиш киритиш миқдори (салбий ёки ижобий) ҳам кўрсатиб ўтилади. Ҳисобварақ-фактуранинг шакли, уни тўлдириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 4 мартдаги 23, 2013-8-сон қарорига 1-иловаси билан тасдиқланган қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботи шакллариغا илова қилинган 7-илова-харид қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактуралар (ҳисобварақ-фактура ўрнини босадиган ҳужжатлар) реестри, 8-илова- реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактуралар (ҳисобварақ-фактура ўрнини босадиган ҳужжатлар) реестри ҳамда "Ҳисобварақ-фактураларни ҳисобга олиш ва расмийлаштири тартиби"да тўлиқ баён этилган бўлиб, қўшилган қиймат солиғини тўғри ҳисоблаш учун ушбу ҳужжатларнинг мазмуни билан тўлиқ танишиб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

*Бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини аниқлашда ҳисобга олинadиган солиқ суммасини аниқлаш*

Қорхоналар томонидан юқоридаги тартибда бюджетга қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашда аввал амалга оширилган ёки тўлаган қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олиши мумкин. *Бунда қуйидаги ҳолатларга эътибор берилadi:* Агар, қорхона қўшилган қиймат солиғи тўловчиси ҳисобланса, товарлардан (ишлардан, хизматлардан) солиқ солинадиган

оборотлар, шу жумладан ноль даражали ставка қўлланиладиган оборотлар мақсадида фойдаланилган бўлса, олинган товарларга (ишларга, хизматларга) етказиб берувчи томонидан ёзилган ҳисобварақ-фактура ёки тақдим этиладиган қўшилган қиймат солиғи алоҳида ажратиб кўрсатилган бошқа ҳужжат мавжудлиги каби ҳолатларнинг биронтаси мавжуд бўлса солиқ сўммаси ҳисобга олинади. Агар импорт қилинган товарлар бўйича солиқни бюджетга тўлашдан озод этиш тарзида бўшаган маблағларни аниқ мақсадларга йўналтириш шarti билан имтиёз берилган бўлса ҳам қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинади.

Ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган товарларни экспортга реализация қилиш обороти мақсадида фойдаланиладиган, ҳақиқатда олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича тўланиши лозим бўлган (тўланган) қўшилган қиймат солиғи товарлар экспортдан солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикасидаги банк ҳисобварағига келиб тушган валюта тушумининг улушида ҳисобга олинади. Товарлардан фойдаланишнинг кафолатли муддати даврида уларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича қўшимча ҳақ олмасдан ишлар бажарилганда, хизматлар кўрсатилганда моддий ресурслар бўйича тўланиши лозим бўлган (тўланган) қўшилган қиймат солиғи суммаси, шу жумладан эҳтиёт қисмлар ва деталлар қиймати юқоридаги кўрсатилган шартларга риоя этилган тақдирда ҳисобга олинади. Умумбелгиланган солиқларни тўлашга ва (ёки) қўшилган қиймат солиғини ихтиёрий тўлашга ўтилган тақдирда, юридикшахс бундай турдаги тўловларга ўтилган пайтдан эътиборан товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қолдиқлари бўйича қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Шу билан биргаликда бюджетга ўтказиладиган қўшилган қиймат солиғи сўммасини аниқлашда олинаётган асосий воситалар, номоддий активлар ва қурилиши тугалланмаган объектлар бўйича, шунингдек молиявий ижарага, шу жумладан лизингга бериш учун олинаётган мол-мулк, қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлмаган юридик шахслар томонидан, шунингдек қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқарувчи юридик шахслар томонидан фойдаланиш учун олинган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди реализация қилиш жойи деб эътироф этилмайдиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғи суммаси ҳисобга олинмайди.

Солиқ солинмайдиган оборот учун фойдаланиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича маҳсулот етказиб берувчиларга ва импорт бўйича тўланиши лозим бўлган (тўланган) қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмайди, балки ушбу товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қийматида ҳисобга олинади. Солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган оборот мавжуд бўлганда солиқ солинадиган оборотга, шу жумладан ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган оборотга, шунингдек юридик шахснинг ўз эҳтиёжлари учун (харажатлар сифатида қараладиган) оборотга тўғри келадиган қўшилган қиймат солиғи суммаси ҳисобга олинади.

Қўшилган қиймат солиғи учун солиқ даври календарь йил ҳисобланади. Ҳисобот даври эса қўшилган қиймат солиғи тўлайдиган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун йил чораги, микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар учун бир ой ҳисобланади. Қўшилган қиймат солиғининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи яқун билан:

қўшилган қиймат солиғи тўловчи микрофирмалар ва кичиккорхоналар томонидан — йилнинг ҳар чорагида ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса — йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда;

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан — ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

Қўшилган қиймат солиғининг ҳисоб-китоби билан бир вақтда солиқ даври мобайнида олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактуралар реестрини тақдим этади. Солиқ тўловчилар, қўшилган қиймат солиғининг ҳисоб-китоби билан бир вақтда солиқ даври мобайнида олинган ва реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактуралар реестрларини тақдим этади(бунга кредит ва сугурта ташкилотлари кирмайди). Қўшилган қиймат солиғини тўлаш қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлган микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китобини тақдим этиш учун белгиланган кундан кечиктирмай, микрофирмалар ва кичик қорхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан эса ҳар ойда, кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай амалга оширилиши лозим. Импорт қилинадиган товарлар бўйича қўшилган қиймат солиғини тўлаш божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

*Солиқ тўловчиларнинг қўшилган қиймат солиғини тўлашда бюджет билан ўзаро муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари(ортиқча тўланган ёки зарарни қоплаш тартиби)*

Агар, қўшилган қиймат солиғи тўловчилари томонидан солиқ сўммаси ортиқча тўланган суммаси юзага келса, солиқ тўловчининг бошқа солиқлар бўйича қарзи бўлмаган тақдирда, белгиланган тартибда солиқ тўловчига қайтарилади. Ҳисобга олиннадиган қўшилган қиймат солиғи суммасининг солиқ даври яқунларига кўра ҳисобланган солиқ суммасидан ортиқчилиги сақланиб қолган тақдирда, ушбу ортиқча сумма кейинги солиқ даврига ўтказилади ва қўшилган қиймат солиғи бўйича келгуси тўловлар ҳисобига ўтказилади ёхуд солиқ тўловчига мазкур моддада белгиланган тартибда қайтарилади.Ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган оборот ҳисобидан ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча

суммаси давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчининг солиқни қайтариб бериш тўғрисидаги ёзма аризасини олган пайтдан эътиборан ўттиз кун ичида солиқ тўловчига қайтарилади.

Қўшилган қиймат солиғи суммасини пул маблағларини банк ҳисобварағига ўтказиш йўли билан солиқ тўловчига қайтариш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.Солиқ тўловчи қўшилган қиймат солиғи суммасини қайтариш учун солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига қуйидаги ҳужжатларни ёзма аризага тўрт нусхада илова этган ҳолда тақдим этади:

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича юридик шахс қарзларининг солиштирув далолатномаси. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзларнинг солиштирув далолатномаси ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-кунига қадар тузилади ва бир календарь ой мобайнида амал қилади;

қўшилган қиймат солиғининг ҳисоб-китоби;

агар юридик шахсга илгари қўшилган қиймат солиғи қайтариб берилган бўлса, қайтарилган суммалар ва қайтариб бериш санаси тўғрисидаги маълумотлар.

Корхоналарга улар томонидан ортиқча тўланган солиқ сўммалари Солиқ кодексининг 57-моддаси қоидаларига асосан Ортиқча тўланган солиқ суммаларини қайтариш давлат солиқ хизмати органи қайтариш учун солиқ тўловчининг ёзма аризаси асосида ҳулоса тақдим этган тақдирда, қайтариш тўғрисидаги ариза топширилган санадан эътиборан ўттиз иш куни ичида тегишли молия органлари томонидан амалга оширилади.

Солиқ тўловчи ҳисобланган қорхона томонидан қўшилган қиймат солиғини бўйича солиқ сўммаларини бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттиради.

*Корхона томонидан бошқалардан сотиб олган материалларга тегишли қўшилган қиймат солиғи сўммасига:*

Дебет: 4410- "Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича аванс тўловлари" ҳисобварағи

Кредит: 6010-"Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоблашишлар" ҳисобварағи.

*Корхона томонидан бошқалардан сотиб олган материалларга тегишли қўшилган қиймат солиғининг ҳисобдан чиқарилиши сўммасига:*

Дебет: 6410-"Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар(тури бўйича)" ҳисобварағи

Кредит: 4410- "Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича аванс тўловлари" ҳисобварағи.

*Корхона томонидан реализация қилинган маҳсулотларга тегишли қўшилган қиймат солиғи сўммасига:*

Дебет: 4410-"Харидор ва буюртмачилардан олиннадиган ҳисоблар" ҳисобварағи

Кредит: 6410-"Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар(тури бўйича)" ҳисобварағи

*Корхона томонидан бюджетга ҳисобланган қўшилган қиймат солигини ўтказиб берилиши(тўланиши) сўммасига:*

Дебет:5110-"Ҳисоб-китоб" ҳисобварағи

Кредит: 6410-"Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар(тури бўйича)" ҳисобварағи.

#### **Таянч сўз ва иборалар:**

**Қўшилган қиймат, қўшилган қиймат солиғи, оборот, реализация, таннарх, амортизация, материаллар, маҳсулот реализациясига тегишли қўшилган қиймат солиғи, материалларга тегишли қўшилган қиймат солиғи, маҳсулотни юклаб жўнатиши, солиқни ҳисоблаш, ноллик солиқ ставкаси, импорт.**

#### **Назорат учун савол ва топшириқлар**

1. Қўшилган қиймат солиғини Республикамиз солиқ тизимига жорий қилиниш сабабларини изоҳлаб беринг.
2. Қўшилган қиймат солиғи деганда нима тушунилади?
3. Қўшилган қиймат солиғи ва қўшилган қийматнинг нима фарқи бор?
4. Қўшилган қийматнинг таркибига нималар киради?
5. Қўшилган қиймат солиғида ноллик ставкани қўллаш тартиби қандай?
6. Қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш ва ноллик ставкани қўллашнинг нима фарқлари мавжуд?
7. Импорт товарларни қўшилган қиймат солиғига тортиш механизмини тушунтириб беринг.
8. Қўшилган қиймат солиғини ҳисоб-китобларини амалга оширинг.
9. Қўшилган қиймат солиғини тўлаш муддатлари қандай?
10. Қўшилган қиймат солиғининг хорижий давлатлар тажрибаси билан Республикамиздаги ҳолатни қиёсий таққосланг.
11. Қўшилган қиймат солиғини ундиришда қанақа музаоммолар мавжуд? Мушоҳада қилинг.

## **14-БОБ. АКЦИЗ СОЛИҒИ**

### **14.1. Акциз солиғининг иқтисодий моҳияти ва бюджет тизимида тутган ўрни**

Акциз солиғи қадимий солиқ турларидан бири саналади. Унинг моҳиятини тўлароқ англаш учун унга тарихий, этимологик ва иқтисодий моҳияти жиҳатдан қараш лозим бўлади. Қадимги Рим давлатида асосий солиқ тури бўлган "трибут" деб номланган умумий солиқ билан биргаликда акцизлар ҳам давлат хазинасини тўлдиришда катта роль ўйнаган. Римнинг кейинги даврларида акциз солиғи сотувдан солиқ ва совун солиғи сифатида ундириб келинган. Ҳаттоки, Рим императори Веспасиан ҳукмронлик қилган эрамининг 70-йилларида умумий ҳолатхоналарга ҳам акциз солиғи солинганлиги ҳақида манбаларда келтирилади.<sup>129</sup> Қадимги Мисрда эса(эраמידан аввалги икки мингинчи йилларнинг бошларида) пиво маҳсулотлари учун акцизлар ундирилган. Францияда 1345 йилда ҳукмдор Филипп VI томонидан ароқ, пиво маҳсулотлари билан биргаликда туз маҳсулотларига ҳам акцизлар жорий қилинди. 1643 йилдан бошлаб Англияда миллий маҳсулотлар ва импорт қилинадиган товарлардан тамаки ва пиво маҳсулотларига жорий қилиниб, қейинчалик савдони ривожлантириш мақсадида импорт маҳсулотларидан акцизлар бекор қилинган.

Акциз солиғининг жаҳон солиқ тизимидаги ривожланиши кўпроқ тегишли даврларда маҳсулотлар айирбошлаши ва истеъмолида муҳим ўрин тутган маҳсулотлар билан боғлиқ бўлган. Масалан, қадимдан алкоғоли маҳсулотлардан вино, пиво, ароқ маҳсулотлари ҳамда тамаки маҳсулотларнинг истеъмоли юқори бўлган бўлса, туз маҳсулоти танқис бўлганлиги ва кўпинча товар айирбошлаш воситаси сифатида ҳам қўлланилганлиги сабабли ҳам давлатнинг хазинаси, ҳам туз маҳсулотларини истеъмолини тартиблаш(эҳтиёткорона муносабатда бўлиш) мақсадида тузларг акциз солиғи жорий қилинган. Бу Европанинг аксарият давлатлари билан бир қаторда 1690 йилларда Шарқ давлатларидан Хитойда ҳам тузга акцизлар белгиланганлиги хусусида манбаларда келтирилади.<sup>130</sup> Акцизларнинг АҚШ ва Россияга кириб келиши 1750 йилларга тўғри келади. АҚШда бу солиқнинг жорий этилиши виски(коньяк) маҳсулотларига жори қилинишдан бошлаган бўлса, Россияда бу солиқ аввал "ичимликлардан йиғимлар" номи билан ундирилган, кейинчалик эса алкоғоли маҳсулотлар билан бир қаторда шакар, керосин, тамаки маҳсулотларга ҳам жорий қилинган. 19-асрнинг бошларида келиб Россияда давлат хазинасида спирт маҳсулотларидан тушган тушумлар энг катта улушни эгаллаган. Октябрь революциясига қадар молия вазирлиги қошида махсус акцизлар бошқармаси фаолият кўрсатган бўлиб, акциз ундирувчи деган лавозимлар ҳам киритилган<sup>131</sup> Собиқ иттифоқ даврида акциз солиғининг жорий этилиши 1921 йилдан бошланиб, у даставвал, спиртли маҳсулотлар, чой, керосин, кофе,

<sup>129</sup>Моммзен Т. История Рима. Ростов - на - Дону, 1997. Т. II. С. 596.

<sup>130</sup>Shao-kwan Chen, A. M. The system of taxation in China in the Tsing Dynasty, 1644 - 1911. N. Y., 1914. P. 80.

<sup>131</sup>Ровинский К. И. Податная инспекция в России (1885 - 1910). Спб., 1910. С. 194 - 195.

шакар, ёритувчи мосламалар, туз ва бошқа бир қатор химиявий маҳсулотларга жорий қилинди. 1930 йилларда амалга оширилган солиқ ислохотларидан кейин эса акциз солиғи янгидан жорий қилинган айланмадан солиқ ичига қўшиб юборилди.

*Акциз солиғининг этимологик моҳиятига* (луғавий маъноси) келадиган бўлса, акциз сўзи француз тилида *accise* ва лотин тилида *accido-* "қирқиб олмоқ" деган маъноларни ангалатади. Акциз сўзининг лотин тилидан кириб келиши *accido-* "қирқиб олмоқ" маъноси билан биргаликда *accisum* –кертик, ўйма, тиш" каби маъноларга ҳам эга. Қадимги Римда *incision (cisa)* (белги), Қадимги Грецияда *assidere* (ёнида ўтирмақ, яъни суд ишлари кўрилатганда судья ёнида ўтирган шахс-акциз ундирувчи маъносида) каби маъноларга ҳам қўлланилган. Акцизларнинг жаҳон солиқ тизимидаги қўлланилиши уч хил номда: акцизлар, акциз пошлиналари ва акциз солиғи номлари билан мавжуд. Буюк Британияда акциз пошлиналари *"excise duty"* деб номланса, акциз солиғи *"excise tax"* деб номланган ҳолда уларнинг чегаралари ажратилади. АҚШда эса *"excise tax"* (акциз солиғи) тушунчаси билан биргаликда акцизларга нисбатан *"internal revenue tax"* тушунчасидан ҳам фойдаланилади (бу асосан кўпроқ ички истеъмол товарларини истеъмолига нисбатан қўлланилади).


Ўзбекистон ССРда эгри солиқлардан асосан икки тури қўлланилган бўлиб, булар айланмадан (оборотдан) солиқ ва сотишдан солиқ. Бу солиқ турлари истеъмол солиғи гуруҳига киради. Бу солиқ турлари 1992 йилга қадар қўлланилди. Айланмадан солиқ маҳсулотнинг ҳар бир айланишидан олинар эди, бошқача айтганда ишлаб чиқарувчилар томонидан товарларни ишлаб чиқаришдан тортиб то охириги истеъмолчига боргунча бўлган ҳаракатда кўп маротаба солиққа тортилган. Сотишдан солиқ эса маҳсулот реализациясининг охириги босқичида товар қийматининг улуши сифатида бир маротаба олинган. Собик Иттифокда айланмадан солиқ саноат маҳсулотлари реализациясидан олинган. Бу асосан тамаки, алкоголь маҳсулотлари ва тўқимачилик саноати маҳсулотларини ташкил қилган. Оғир саноат маҳсулотлари (нефть, газ, автомобиль саноатларидан ташқари), медикаментлар, гушт, сабзавотлар ишлаб чиқаришлари айланма солиғига тортилмаган. Шу сабабдан кўпчилик олимларнинг фикрича собик Иттифокда қўлланилган айланмадан солиқ халқаро стандартларга ва солиқ моҳиятига кўра аксарият товарлар бўйича сотишдансолиққа ўхшаса-да, тамаки ва алкоголь маҳсулотлари бўйича акциз солиғига тортишга ўхшайди деб ҳисоблашади. Айланмадан солиқ собик Иттифок бюджетига катъий ўрнатилган улуш сифатида тушган бўлиб, маҳсулотдан олинадиган фойдага боғлиқ бўлмаган. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил

15 февралдаги «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги Қонунга 1992 йил 14 январда киритилган (N:521-ХПсонли ЎзР Қонуни) ўзгаришларга мувофиқ 1992 йилдан бошлаб мамлакатимизда акциз солиғи жорий қилинди.

*Акциз солиғи ҳам бошқа солиқлар сингари ўз иқтисодий моҳиятига эга.* Акциз солиғининг иқтисодий моҳияти биринчидан унинг худди қўшилган

қиймат солиғи каби юқори фискаликка эга бўлиб, давлат бюджети даромадларини шакллантиришда катта аҳамият касб этади.

Акциз солиғининг иқтисодий моҳиятининг иккинчи жиҳати бу истеъмолни тартиблашдаги муҳим аҳамиятидир. Акциз солиғи қўшилган қиймат солиғидан фарқли равишда истеъмолни тартиблашда кенг маконда амал қилмаслиги ва у кўпроқ давлат механизмлари орқали амал қилишидир. Қўшилган қиймат солиғи эса истеъмолни тартиблашда асосан бозор механизмларига орқали амалга оширади ва истеъмолнинг барча жабҳаларини қамраб олади. Бу жиҳатдан бу икки солиқ ўзаро фарқланади. Акциз солиғининг истеъмол ва шу орқали даромадларга таъсир этишини тушунтириш учун америкалик олимлар К.Р.Макконнел ва С.Л.Брюларнинг машҳур “Экономике” китобида келтирилган куйидаги расмдан фойдаланамиз. Маълумки, акциз солиғини юки назарий жиҳатдан олиб қаралганда ишлаб чиқарилаётган товарга бўлган талаб ва таклифга боғлиқ равишда истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчи ўртасида тақсимланади. Агар ишлаб чиқарилаётган товарга бўлган талаб юқори бўлса ёки талаб ноэластик бўлса, унда акциз солиғининг асосий юки истеъмолчига тушади, агарда таклиф юқори бўлса ёки таклиф ноэластик бўлса акциз солиғи юки кўпроқ ишлаб чиқарувчи зиммасига тушади<sup>132</sup>. Умуманолганда акциз солиғининг жорий этилиши ёки унинг ставкасининг оширилиши ишлаб чиқаришда самарадорликни пасайтиришни келтириб чиқарса, истеъмолнинг нисбатан камайишига олиб келади.



36-расм. Акциз солиғининг ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчига таъсири<sup>133</sup>.

<sup>132</sup> Талабнинг нархга биноан эластиклиги бу нархнинг ўзгаришига жавобан талабнинг нақадар ўзгарганлигини билдиради. /Иқтисодиёт назарияси. А.Ўлмасов, А.В.Ваҳобов. – Т.: “Шарқ”, 2006. – 122 б./

<sup>133</sup>Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс:принципы, проблемы и политика / Пер. 16-го англ. изд. –М.: ИНФРА-М, 2006. – с. 723.

Бунга кўра бир шиша винога 2 доллар миқдорда акциз солиғининг жорий этилиши, бир шиша винонинг нархиди 8 доллардан 9 долларга ошишини келтириб чиқаради (кутилганидек нарх 2 долларга ошмайди—муаллифдан) ва сотиладиган винолар сонини 15 млн донадан 12,5 млн донага қисқартиради. Бюджетга солиқ тушумлари 25 млн долларни (2 доллар x 12,5 млн. шиша вино) ташкил этади. Ҳар бир шиша винодан 2 доллар акциз солиғининг ундирилиши нафақат истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчилар томонидан умумий ҳолатда 25 млн. доллар солиқни тўланишига олиб келади, балки ишлаб чиқариладиган ва истеъмол қилинадиган винолар сонини мувозанатини 2,5 млн донага камайтиради. D талаб эгри чизигида жойлашган *ab* кесма 2,5 млн. шиша винонинг ҳар бири учун акциз солиғи жорий қилингунга қадар олиниши мумкин бўлган меъёрий даромаднинг миқдорини кўрсатади, S таклиф эгри чизигида жойлашган *cb* кесма 2,5 млн. шиша винонинг ҳар бири учун акциз солиғи жорий қилингунга қадар сарфланадиган меъёрий харажатни кўрсатади. Акциз солиғи жорий этилиши муносабати билан 2,5 млн дона кам ишлаб чиқарилган (сотилган) вино натижасида даромад камаяди, бу эса *abc* учбурчак орқали акс эттирилган. Бу учбурчак акциз солиғи жорий қилиниши натижаси самарадорликнинг пасайишини кўрсатади (Бу ортиқча солиқ юки ҳам деб аталади)<sup>134</sup>.

Бу солиқ тури санокли истеъмол товарларигагина жорий қилиниши билан бирга икки хил аҳамиятга моликдир, яъни биринчидан давлат бюджети даромад қисмининг асосий манбаларидан бири бўлса, иккинчидан, акциз ости товарлари (асосан ижтимоий жиҳатдан зарарли бўлган товарлар) га бўлган эҳтиёжни чеклаш ҳамда бу солиқни товарлар талаб ва таклифининг иктисодий регулятори сифатида қарашимиз мумкин. Кўшилган қиймат солиғи сингари, мамлакатимиз мустақиллигидан сўнг жорий қилинган акциз солиғи ҳам товар нархиди оширувчи эгри солиқ бўлгани учун истеъмолчи бу солиқ оғирлигини кўтаришга мажбурдир.

Солиқ психологияси нуктаи назаридан барча солиқлар истеъмол предмети ҳисобланади, акцизлар ҳам шулар жумласига қиради ва товарнинг нархида ўтирганлиги учун улар кўзга қуринмайди, солиқнинг катта кичиклигини билмаган сотиб олувчи унинг нархида солиқ ўтирганлигини билмай туриб товарни сотиб олади.

Акциз солиғининг иктисодий моҳиятининг яна бир муҳим жиҳатларидан бири бу миллий бозорни ҳимоялашнинг муҳим воситаси сифатидаги ролидир. Давлат ўзининг солиқ сиёсатида миллий бозорни ҳимоялаш (протекционизм) да солиқлардан фойдаланишда акциз солиғидан ҳам кенг фойдаланадики, бунда божхона божи ва қўшилган қиймат солиқлари билан биргаликда акциз солиғи ҳам катта аҳамиятга эга бўлади. Четдан киритиладиган товарларга акциз солиқларини жорий этиш орқали миллий товар ишлаб чиқарувчиларнинг фаолияти ҳимояланиб, уларнинг фаолият қилишига замин яратилади, шу билан биргаликда истеъмолни

тартиблашда, баъзи ҳолларда эса рағбатлантириш амалга оширилади. Бугунги кунда Ўзбекистонда четдан олиб кириладиган импорт товарларининг 96 турига акциз солиғи жорий қилинган бўлиб, уларнинг аксарияти миллий товар ишлаб чиқарувчилар томонидан ҳам жаҳон стандартларига мувофиқ ишлаб чиқарилмоқда. Акциз солиғи бундан ташқари истеъмолни тартиблаши айрим турдаги маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши ва унинг истеъмолидан аҳоли соғлиғига ва улар орқали жамиятга зарар келтириши эҳтимоли бўлган товарлардан келадиган зарарларнинг бир қисмини уларнинг зиммасига юклаши тарзида ҳам амалга оширилади. Масалан алкоғолли ва тамаки маҳсулотларни истеъмолни биртомондан давлат бюджетидан солиқни сақлаш харажатларини ошишига олиб келса, бошқа томондан алкоғолли маҳсулотларни истеъмол қилиш орқали турли хил нохуш ҳолатлардан кўриладиган зарарларни бундай товар ишлаб чиқарувчилар зиммасига юклаш (улардан юқори солиқлар олиш) солиқларнинг адолатлилик тамойилини ифодалайди. Бунда эса акциз солиғи асосий роль ўйнайди.


#### 14.2. Акциз солиғининг тўловчилари

Амалдаги солиқ кодексида асосан (229-модда) қуйидагилар акциз солиғининг тўловчилари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида акциз солиғи солинадиган товарларни (акциз тўланадиган товарларни) ишлаб чиқарувчилар;

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига акциз тўланадиган товарларни импорт қилувчилар;

оддий ширкат акциз тўланадиган товар ишлаб чиқарган тақдирда, оддий ширкат шартномасининг оддий ширкат ишларини юритиш зиммасига юклатилган шериги (иштирокчиси). Шунингдек, акциз тўланадиган товарларнинг айрим турлари бўйича акциз тўланадиган товарлар ишлаб чиқарувчи бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан акциз солиғини тўловчи этиб белгиланиши мумкин.



37- расм. Ўзбекистон Республикасида акциз солиғи тўловчилар.

<sup>134</sup>Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс:принципи, проблемы и политика / Пер. 16-го англ. изд. –М.: 445



Акциз солигининг ўзига хусусияти шундаки, унинг тўловчиларининг аниқланиши акциз ости товарлар(акциз солиғига тортиладиган товарлар)нинг сони ва бундай товарларни ишлаб чиқарувчиларга боғлиқ бўлади.

Четдан импорт қилинадиган маҳсулотлар бўйича акциз солигининг тўловчилари эса бундай операцияларни амалга оширадиган юридик ва жисмоний шахсларнинг фаолиятига боғлиқ бўлиб, улар йил давомида ўзгариб туради. Жисмоний шахсларнинг акциз солиғи тўловчилари сифатидарўйхатга олиниши уларнинг Республикамиз ҳудудига акциз солиғига тортиладиган товарлар рўйхатига кирган товарларни олиб киришда “Ўзбекистон Республикаси ҳудудига жисмоний шахслар томонидан товарларни акциз солиғи солинмасдан олиб киришнинг чекланган нормалари”дан ортиқ миқдор ёки ҳажмда олиб киришига боғлиқ бўлади. Бундай меъёрлар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Давлатбожхона қўмитаси томонидан тасдиқлаган ва Ақдия вазирлигидан 1998 йил

13 мартда 412-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган“Ўзбекистон Республикаси ҳудудига жисмоний шахслар томонидан акциз солиғи солинмай олиб кириладиган товарларнинг миқдорий чекланган нормалари”да белгиланган бўлиб, уларнинг миқдори қуйидагича белгиланган:

9-жадвал.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига жисмоний шахслар томонидан товарларни акциз солиғи солинмасдан олиб киришнинг чекланган нормалари

№	Товарлар номи	Ўлчов бирлиги	Максимал чекланган миқдори
1.	Ковурилган ёки ковурилмаган, кофеинли ёки кофеинсиз кофе	Кг	2
2.	Осетр увиқдирини (икраси)	Кг	0,5
3.	Увиқдирик ўрнини босувчи	Кг	1
4.	Қандолат маҳсулотлари	Кг	5
5.	Плиткали ва брикет шоколад	Кг	2-5
6.	Дон маҳсулотлари, дон бошоқли ўсимликлар, крахмал ва ун, унли қандолат маҳсулотлари	Кг	10
7.	Сабзавот, мева, ёнғоқ ва бошқа ўсимликлардан қайта ишланган маҳсулотлар	Кг	5
8.	Аралашган озиқ-овқат маҳсулотлари		2
9.	Пиво	Литр	2
10.	Алкогольсиз ичимликлар, шарбатлар (цитрус ўсимликлари шарбагидан ташқари)	Литр	2
11.	Барча турдаги алкоголь маҳсулотлар (пиводан ташқари)	Литр	2
12.	Барча турдаги тамаки маҳсулотлари	Қути	10
13.	Парфюмерия – ҳар бир туридан	Дона	2
14.	Автомобил косметикаси – ҳар бир туридан	Дона	2
15.	Ювиш ва тозалаш воситалари	Кг	5
16.	Табийий ва сунъий теридан тайёрланган маҳсулотлар, мактаб портфели ва ранецдан ташқари – ҳар бир туридан	Дона	1 донадан, 3 тадан ортиқ бўлмаган миқдорда
17.	Табийий теридан кийим ва кийимга тегишли буюмлар	Дона	Ҳар бир туридан 1 донадан, 3 тадан ортиқ бўлмаган миқдорда;
18.	Табийий мўйнадан тайёрланган устки кийим ва бош кийимлар	Дона	Ҳар бир туридан 1 донадан, 3 тадан ортиқ бўлмаган миқдорда

19.	Гилам ва гилам маҳсулотлари	Кв.м.	15
20.	Машина ва қўлда тўқилган трикотаж маҳсулотлари	Дона, тўппам	Ҳар бир туридан 1 донадан; кўрпа-ёстик жилдлари – 5 тўппам
21.	Кулолчилик маҳсулотлари	Дона, тўппам	24 донадан ортиқ бўлмаган 1 тўппам
22.	Биллур идишлар	Дона, тўппам	12 донадан ортиқ бўлмаган 1 тўппам
23.	Қимматбаҳо тошлар ва қимматбаҳо металдан тайёрланган заргарлик буюмлари	Грамм	Умумий оғирлиги 30 граммдан ортиқ бўлмаган 5 та маҳсулот
24.	Қимматбаҳо бўлмаган тақинчоқлар	Кг	0,5 кг дан ортиқ бўлмаган миқдорда
25.	Ошхона анжомлари, пичоқлар, санҷиқлар ва бошқа асл бўлмаган металдан, шу жумладан қимматбаҳо металл билан қопланган анжомлар	Дона, тўппам	24 донадан ортиқ бўлмаган 1 тўппам
26.	Видео ва аудиоаппаратлар	Дона	Ҳар бир туридан 1 донадан, 3 тадан ортиқ бўлмаган миқдорда
27.	Турли соатлар	Дона	2
28.	Кандил, ёритиш асбоблари	Дона	2

Демак, ушбу жадвалда келтириб ўтилган товарларни Республикамиз ҳудудига олиб киришда мазкур минимал меъёрдан ортиқ олиб кирган жисмоний шахслар акциз солиғи тўловчиси ҳисобланади ва бу меъёрлардан ортган қисмига тегишли акциз солиғи сўммасини тўлагандан сўнг акциз солиғи тўловчиси мақомини йўқотади.

### 14.3. Акциз солиғи объекти ва солиқ базаси

Амалдаги қонунчиликка кўра(Солиқ кодекси 230-моддаси) қуйидаги жараён ва операциялар акциз солигининг объекти ҳисобланади:

- Акциз тўланадиган товарларни реализация қилиш(шу жумладан:товарни сотиш (жўнатиш), гаров билан таъминланган мажбурият бажарилмаган тақдирда, гаровга қўйилган акциз тўланадиган товарларни гаровга қўювчи томонидан топшириш, акциз тўланадиган товарларни бепул топшириш, акциз тўланадиган товарларни иш берувчи томонидан иш ҳақи ҳисобига ёлланган ходимга қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда топшириш ёки ҳисобланган дивидендлар ҳисобига юридик шахснинг муассисига (иштирокчисига) топшириш, акциз тўланадиган товарларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа товарларга (ишларга, хизматларга) айирбошлаш учун топшириш;

- акциз тўланадиган товарларни юридик шахснинг устав фондида (устав капиталига) ҳисса ёки пай бадали тариқасида ёхуд оддий ширкат шартномаси бўйича шерикнинг (иштирокчининг) ҳиссаси сифатида топшириш;

- акциз тўланадиган товарларни юридик шахснинг иштирокчисига (муассисига) у юридик шахс таркибидан чиққан (чиқиб кетган) тақдирда ёки юридик шахс қайта ташкил этилганлиги, тугатилганлиги (банкротлиги) муносабати билан топшириш, шунингдек оддий ширкат шартномаси доирасида ишлаб чиқарилган акциз тўланадиган товарларни мазкур шартнома шеригига (иштирокчисига) унинг шартнома иштирокчилари



умумий мулкидаги мол-мулкдан улуши ажратиб берилган ёки бундай мол-мулк тақсимланган тақдирда топшириш;

- акциз тўланадиган товарларни улуш қўшиш асосида қайта ишлашга топшириш, шунингдек улуш қўшиш асосида хом ашё ва материалларни, шу жумладан акциз тўланадиган хом ашё ва материалларни қайта ишлаш маҳсули бўлган акциз тўланадиган товарларни ишлаб чиқарувчи томонидан қайта ишлашга берилган хом ашё ва материалларнинг мулкдорига топшириш;

- ишлаб чиқарилган ва (ёки) қазиб олинган акциз тўланадиган товарларни ўз эҳтиёжлари учун топшириш;

- акциз тўланадиган товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона худудига импорт қилиш ва шу кабилар.

*Бироқ, қуйидагиларга акциз солиғи солинмайди:*

Акциз тўланадиган товарларни уларнинг ишлаб чиқарувчилари томонидан экспортга реализация қилишга<sup>135</sup>, кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг божхона худудидан олиб чиқиб кетилиши шarti билан «божхона худудига қайта ишлаш» божхона режимига жойлаштирилган товарлардан ишлаб чиқарилган қайта ишлаш маҳсули бўлган акциз тўланадиган товарларни топширишга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиладиган тартибда инсонпарварлик ёрдами сифатида, давлатлар, ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар томонидан ҳайрия ёрдами мақсадида, шу жумладан техник кўмак кўрсатиш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича халқаро ва чет эл ҳукумат молия ташкилотлари томонидан берилган заёмлар (кредитлар) маблағлари ҳисобига, шунингдек грантлар ҳисобига юридик шахслар томонидан олиб қилинган, акциз тўланадиган товарларни импорт қилишини, акциз тўланадиган товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона худудига акциз солиғи солинмайдиган товарларни олиб кириш нормалари доирасида жисмоний шахслар томонидан импорт қилиниши ҳамда ваколатли давлат органининг ёзма тасдиғи мавжуд бўлган тақдирда, телекоммуникациялар операторлари ва тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техник воситаларини сертификатлаштириш бўйича махсус орган томонидан олинадиган тезкор-қидирув тадбирлари тизими техник воситаларини импорт қилинишига доир операциялар. Шунингдек, ҳукумат қарорларида истисно тариқасида белгиладиган операциялар ёки товарларнинг импорт(экспорт) қилиниши солиқ объектидан чиқарилиши мумкин.

*Солиқ базаси.* Солиқ кодексининг 232-моддасига кўра акциз солиғининг ставкалари мутлақ суммада (қатъий) белгиланган акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган база акциз тўланадиган товарларнинг натурда ифодаланган ҳажми асосида аниқланади. Акциз солиғининг ставкалари фоизларда (адвалор) белгиланган ишлаб

<sup>135</sup> Айрим турдаги маҳсулотларнинг экспорт қилиниши жараёни акциз солиғининг объекти ҳисобланади. Бундай товарларнинг рўйхати эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

чиқарилаётган акциз тўланадиган товарлар бўйича, реализация қилинган акциз тўланадиган товарларнинг акциз солиғи ҳамда қўшилган қиймат солиғи киритилмаган қиймати солиқ солинадиган базадир.

Иш ҳақи ҳисобига, ҳисоблаб чиқарилган дивидендлар ҳисобига, бепул ёки бошқа товарларга (ишларга, хизматларга) айирбошлаш учун бериладиган акциз тўланадиган товарлар бўйича, шунингдек товарлар таннархидан паст нархларда реализация қилинган тақдирда солиқ тўловчи товарларни топшириш пайтида унинг ҳақиқий таннархидан кам бўлмаган даражада белгиладиган нарх асосида ҳисобланган қиймат солиқ солинадиган базадир. Қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллардан ишлаб чиқарилган акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган база акциз тўланадиган товарларни ишлаб чиқаришга доир ишлар қийматини ҳамда қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллар қийматини ўз ичига олади. Акциз солиғининг ставкалари фоизларда (адвалор) белгиланган импорт қилинаётган акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган база божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқладиган божхона қиймати асосида белгиланади.

Акциз солиғи базасини аниқлаш жараёнида ҳўжалик операцияларининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда унинг таркибига тузатишлар киритилиши мумкин. Бундай тузатишлар киритиш эса, агар, истеъмолчи томонидан товарлар тўлиқ ёки қисман қайтарилган ёки битим шартлари ўзгартирилганда ёки қилинган баҳолар ўзгарганда ҳамда сотиб олувчи сийловдан (скидкадан) фойдаланган ҳолатларда амалга оширилади.

Солиқ солинадиган базага тузатишни киритишда бир йиллик муддат доирасида, кафолат муддати белгиланган товарлар бўйича эса кафолат муддатига амал қилинади, яъни шу муддатлар доирасида амалга оширилиши лозим. Ўз навбатида солиқ солинадиган базага тузатиш киритиш янги ҳисобварақ-фактура ёки тузатиш киритиш лозимлигини ва унинг юз берганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Солиқ тўловчилар акциз солиғи базасини аниқлашда уларнинг товарлари экспорт қилинганлигини тасдиқлаш учун маълум бир ҳужжатлар асосида бу жараёни тасдиқлайдилар. Бу учун эса улар экспорт қилинадиган акциз тўланадиган товарларни етказиб бериш учун тузилган контракт, товарларни экспорт режимида чиқаришни амалга оширувчи божхона органининг белгиси қўйилган божхона юк декларацияси, Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидаги ўтказиш пунктида жойлашган божхона органининг товарлар тайинланган мамлакатга жўнатилганлигини тасдиқловчи белгиси қўйилган товарга илова қилинадиган ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим бўлади.

#### **14.4. Акциз солиғи ставкалари ва солиқни ҳисоблаш тартиби**

Акциз солиғининг бошқа солиқлардан фарқли жиҳатларидан бири шундаки, бу солиқ турида солиқ ставкалари ҳар бир солиққа тортиладиган товарлар, яъни акциз ости товарларига нисбатан белгиланади. Бунда эса

товарнинг қийматига нисбатан фоизларда (адвалор) ва (ёки) натурада ифодаланган ўлчов бирлигига мутлақ суммада (қатъий) белгиланади. Акциз тўланадиган товарлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланади. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, акциз ости товарлари миллий иқтисодиёт доирасида ишлаб чиқарилган ва четдан Республикамиз ҳудудига импорт тарзида олиб кириладиган товарлар рўйхати алоҳида-алоҳида тузилиб, уларга белгиланган солиқ ставкалари ҳам алоҳида белгиланган.

1995 йилдан бошлаб давлат бюджетда даромадларни шакллантириш анча барқарорлашгандан сўнг республикамизда бошқа солиқ турлари сингани акциз солиғига тортиладиган товарлар рўйхати ва айрим маҳсулот турлари бўйича солиқ ставкалари камайтирилди. 1999 йилдан бошлаб улушнинг ошиши соддалаштирилган тартибни қўллаш натижасида солиқтушумларини ўрнини қоплаш ва ички бозорни ҳимоялаш мақсадида айрим акциз ости товарларига нисбатан оширилган ставкалар жорий этилди. Акциз солиғи билвосита солиқ ҳисобланиб, мамлакат ички бозорини ҳимоялашда ва зеб-зийнат, соғлиқ учун зарарли бўлган товарларга нисбатан нархни тартибга солишда кенг қўланилади. 2003 йилдан акциз солиғини ҳисоблаш тартибида туб ўзгаришларнинг бошланиш даври бўлди, айни ушбу йилдан бошлаб алкоғолли маҳсулотларга нисбатан республикамизда биринчи марта қатъий акциз солиғи ставкалари белгилаш амалиёти жорий этилди. Мамлакатимизда акциз солиғини қатъий ставкалар бўйича ундириш амалиёти 2003 йилдан кейинги даврда кенг қўлланилиб бошланди, 2005 йилдан ўсимлик ёғи ва тамаки маҳсулотларга нисбатан қатъий ставкалар қўлланилди ва ҳозирга келиб республикада ишлаб чиқариладиган акциз солиғи белгиланган 21 та товарлардан 14 тасига қатъий ставкаларда акциз солиғи ундирилмоқда.

*Солиқни ҳисоблаш тартиби.* Акциз солиғининг яна ўзига хос хусусияти ва бошқа солиқлардан фарқи шундаки, бунда акциз солиғига тортиладиган товарларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, солиқни ҳисоблаш тартиблари ва усуллари ҳам фарқланади. Шу билан солиқ ставкаларининг фоизларда (адвалор) ва (ёки) натурада ифодаланган ўлчов бирлигига мутлақ суммада (қатъий) белгиланишига қараб ҳам солиқларни ҳисоблаш тартиби фарқланади. Биз шу боисдан акциз солиғини ҳисоблашнинг айрим турлари бўйича ҳисоблаш тартибини келтириб ўтамиз. Амалдаги тартиб бўйича солиқ тўловчилар акциз солиғини ҳисоблашда ва бюджетга тўлашда жорий тўловларни ҳисоблайдилар. Жорий тўловлар бўйича акциз солиғи ҳисобланганда қуйидаги тартибда амалга оширилади.

*Акциз солиғи бўйича жорий тўловларни ҳисоблаш = (Солиқ даври учун акциз солиғи бўйича тахмин қилинаётган солиқ солинадиган база) × (Солиқнинг белгиланган ставкаси) - (Акциз солиғи тўлаб берилган хом ашё бўйича чегирилиши лозим бўлган солиқ суммаси) / 3.*

Акциз солиғини бундай ҳисоблаш ва бюджетга жорий тўловларни тўлаш агар, корхона солиқ сўммаси тўланган хом-ашёдан маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, у ҳолда хом-ашё тўланган учун солиқ сўммаси бюджетга ҳисобланган

солиқ сўммасидан чегириб ташланади. Солиқ сўммасининг 3 га бўлиниши эса ойнинг ҳар декадаси (ўн кунлиги) учун жорий тўловлар қилинади. Амалдаги Солиқ кодексининг 199-моддасига мувофиқ товарларни ва бошқа мол-мулкни давал асосида бериш қўшилган қиймат солиғи бўйича солиққа тортиш мақсадида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти ҳисобланмайди. Шунга асосан қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллар қиймати ушбу материални қайта ишлаб берувчи корхонада қўшилган қиймат солиғига тортилмайди. Мазкур ҳолатда қайта ишлаш хизматларининг қийматидан келиб чиқиб давал хом ашёсини қайта ишлаб берган корхона қўшилган қиймат солиғини тўлайдилар. Қайта ишлашга берилган хом ашё бўйича акциз солиғи ҳисоблаш пайтида акциз тўланадиган товарларни ишлаб чиқаришга доир ишлар қийматини ҳамда қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллар қийматидан келиб чиқиб солиқ солинадиган база аниқланади. Буни аниқроқ тушунтириш учун қуйидаги шартли мисолни келтирамиз:

10- жадвал

**Давал хом ашёсини қайта ишловчи корхонада акциз ва қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш тартиби**

	Минг сўм	ҚҚСга тортиладиган база	ҚҚС суммаси (20% ставкада)	Акциз солиғига тортиладиган база	Акциз солиғи суммаси (25% ставкада)
Қайта ишлашга берилган хом ашё қиймати	100,0	X	X	100,0	25,0
Қайта ишлаш хизматлари қиймати	80,0	80,0	16,0	80,0	20,0
Товарлар (иш ва хизматлар) жами қиймати	180,0	X	X	180,0	45,0
Бюджетга ўтказиладиган ҚҚС	16,0	X	X	X	X
Бюджетга ўтказиладиган акциз солиғи	45,0	X	X	X	X

Юқорида келтирилган шартли мисолдан кўриниб турибдики, давал асосида хом ашёни қайта ишловчи корхонада қўшилган қиймат солиғи ҳисоблашда солиқ солинадиган базага давалга олинган хом ашёнинг қиймати киритилмайди. Ушбу тартиб 2010 йилнинг 15 мартда Адлия Вазирлигидан 2086-сонли рақам билан рўйхатдан ўтган “Қайта ишлашга берилган хомашё билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс этириш тартиби тўғрисидаги Низом”да белгиланган меъёрларга мос келади. Мазкур низомга мувофиқ давал асосида қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллар қайта ишловчига берилганда унинг қиймати буюрмачи балансида ҳисобдан чиқарилмайди ва мос равишда 1070 «Четга

қайта ишлаш учун берилган материаллар» счётида ҳисобга олинади. Демак қайта ишлаш учун берилган хом ашё ва материалга бўлган мулк ҳукуки буюртмачининг ўзида сақланиб қолади ва унга нисбатан қўшилган қиймат солиғи ҳисобланмайди.

Агар, корхона алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлса, солиқни қуйидаги тартибда ҳисоблайди. Олайлик алкоғол маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхона ҳисобот даврида жами бўйича 1500 дал бирликда маҳсулот (этил спирти) ишлаб чиқариб, 1000 дал <sup>136</sup> маҳсулотни реализация қилди ва 100 дал бирлик маҳсулотни эса ўз эҳтиёжлари учун сарфлаган. Реализация қилинган маҳсулотнинг 600 дал бирликдаги маҳсулотни четга экспорт қилган. Бу ҳолда бюджетга ушбу маҳсуло тури бўйича солиқ сўммаси қуйидагича ҳисобланади: Дастлаб солиқ солинадиган база аниқлаб олинади. Бизнинг мисолимизда солиқ солинадиган база (1000+100-6000=500) 500 дални ташкил қилади. Сабаби Солиқ кодексининг 230-моддасига кўра корхона ишлаб чиқарилган акциз тўланадиган товарларни ўз эҳтиёжлари учун топширса солиқ объектига киритилса, ушбу моддага мувофиқ, акциз тўланадиган товарларни уларнинг ишлаб чиқарувчилари томонидан экспортга реализация қилиши солиқ объекти сифатида қаралмайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 2270-сонли қарорининг 13-1-иловасига кўра 2015 йил учун этил спирти маҳсулотининг 1 дал учун 4183 сўмлик солиқ ставкаси белгиланган. Шундан келиб чиқиб, ушбу корхонанинг реализация қилган этил спирт маҳсулоти учун бюджетга ҳисобланган солиқ сўммаси қуйидагича ҳисобланади.

*Этил спирти учун акциз солиғи сўммаси* = (Шакланган солиқ базаси) × (Солиқ ставкаси) = (1000+100-6000) × 4183 = 2091500 сўм.

Таъкидлангандек, акциз солиғини ҳисоблашда ҳар бир акциз солиғига тортиладиган товарнинг хусусиятидан келиб чиқади. Шу боисдан ҳам акциз солиғини ҳисоблашнинг ягона усули мавжуд бўлмайди. Шу билан биргаликда Республкамизга импорт қилинадиган товарлар бўйича ҳам акциз солиғини ҳисоблаш ўзига хос усулда ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кириладиган товарлар бўйича акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ солиш объекти бўлиб божхона юк декларациясининг 45-устунида кўрсатилган, товарнинг божхона расмийлаштируви пайтида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича сўмларда қайта ҳисобланган товарнинг божхона қиймати ҳисобланади.

Акциз солиғи суммаси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$A_{\text{мик}} = B_{\text{к}} \times A_{\text{ст}} / 100,$$

бу ерда:

$A_{\text{мик}}$  - акциз солиғи суммаси

<sup>136</sup>1 дал-10 литрга тенг.

$B_{\text{к}}$  - божхона қиймати;

$A_{\text{ст}}$  - акциз солиғи ставкаси.

Олиб кириладиган, акциз тўланадиган алоҳида турдаги товарлар бўйича акциз солиғи суммаси товарнинг божхона қийматидан фойзаларда ёки бир бирлик ўлчови учун АҚШ долларларида белгиланади. Мажбурий равишда маркаланадиган, олиб кириладиган акциз тўланадиган товарларга акциз солиғини тўловчилар акциз маркаларини харид қилиш чоғида контракт (баёнот берилган) қийматидан ҳисобланган акциз солиғи суммасининг 100 фойзини тўлайдилар, бунда акциз маркаларининг номинал қиймати акциз солиғи суммасидан ортиқ миқдорда тўланади, маблағлар белгиланган тартибга кўра республика бюджетига кирим қилинади.

Маркаланган, акциз тўланадиган товарлар олиб кирилганда акциз солиғи суммаси божхона қийматидан келиб чиқиб қайта ҳисобланади. Тўланадиган акциз солиғи суммасини ҳисоблаб чиқариш божхона юк декларацияси ва унга доир қўшимча варақларда тегишли тартиб асосида амалга оширилади.

Демак, юқоридагилардан кўринадики, акциз солиғини ҳисоблаш усуллари ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, ҳар бир акциз солиғига тортиладиган товарлар тури бўйича ҳисоблаш тартибини батафсил ўрганиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 4 мартдаги 23, 2013-8-сон қарорига 1-иловаси билан тасдиқланган акциз солиғи бўйича солиқ ҳисоботи шакллари ва унда келтирилган иловалар билан танишиб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

#### 14.5. Акциз маркаларни қўллаш тартиби

Республикамизда акциз солиғи бўйича солиқ тушумларини бюджетга келиб тушишининг бир маромдалигини таъминлаш ҳамда акциз солиғига тортиладиган айрим турдаги маҳсулотларни истеъмоли ва уларнинг хусусиятларини эътиборга олган ҳолда уларнинг қалбакилаштиришнинг олдини олиш мақсадида 1996 йил 1 октябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ва унинг худудига четдан келтириладиган тамаки маҳсулотларини ва спиртли ичимликларни (пиводан ташқари) мажбурий равишда акциз маркалари билан маркалашнинг жорий этилди. 1996 йил 1 октябрдан бошлаб: спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларида Ўзбекистон Республикасининг акциз маркалари бўлмаган ҳолда уларни Ўзбекистон Республикаси худудида ишлаб чиқариш ва унинг худудига келтириш, транспортда ташиш (халқаро транзитдан ташқари), сақлаш (ишлаб чиқарувчи томонидан маҳсулот маркалангунга қадар технологик жараёнга мувофиқ сақлашдан ташқари), сотиш учун комиссияга ва консигнацияга қабул қилиш; пиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини уларда акциз маркалари бўлмаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси худудида сотиш тақиқланади.

Республика ташқарисига экспорт қилинадиган, халқаро транзит мақсадлари учун мўлжалланган, божсиз савдо дўконлари учун Ўзбекистон Республикаси худудига келтириладиган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг рухсатномаси бўлган тақдирда қўрғазмалар ўтказиш учун келтириладиган, жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан белгиланган акцизсиз келтириш нормалари доирасида четдан келтириладиган (юбориладиган) спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари акциз маркалари билан маркаланмайди.

Алкоголли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларига акциз маркаларининг дизайни ҳар 2 йилда янгиланган турилади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси билан биргаликда акциз маркаларининг дизайни алмаштириладиган жорий йилнинг 1 февралигача: химиянинг қўшимча даражалари жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда янги намунадаги акциз маркаларининг дизайнини ишлаб чиқарилган ва тасдиқландилар, янги намунадаги акциз маркаларини жорий этиш тўғрисидаги Ҳукумат қарори лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритадилар. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига эски намунадаги акциз маркалари билан маркаланган алкоголли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини сотишга янги намунадаги акциз маркалари жорий этилган кундан бошлаб тўққиз ой мобайнида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рухсат берилади.

Эски намунадаги акциз маркалари билан маркаланган ҳамда улгуржи ва чакана савдо тармоқларидаги алкоголли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари янги намунадаги акциз маркалари жорий этилган кундан бошлаб тўққиз ой ўтгандан кейин маркаланмаган ҳисобланади ва белгиланган тартибда олиб қўйилади. Спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини акциз маркалари билан маркалаш шиша идишни очишда марка йиртилиб кетадиган, пачка ёки бошқа истеъмол идиши очиладиган қилиб (товарга шикаст етказмаган ҳолда ундан маркани олиб ташлаш имконини бермайдиган елимдан фойдаланган ҳолда) амалга оширилади. Маркалаш тартиби ва усули норматив ҳужжатлар билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига экспорт учун тайёрланган ёки халқаро транзит мақсадлари учун четдан келтирилган акциз маркалари билан белгиланмаган спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини (шу жумладан товар айирбошлаш асосида ёки хом ашё берган ҳолда тайёр маҳсулотдан фойдаланиш учун келтирилган) сотиш тақиқланади. Акциз маркалари мажбурий тартибда маркаланиши зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ва четдан келтирувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг буюртманомалари бўйича «Агробанк» ОАТБнинг ҳудудий бўлимлари томонидан берилади:

алкоголли маҳсулотлар маҳаллий ишлаб чиқарувчиларига — буюртма берилётган акциз маркалари миқдори номинал қийматининг 50 фоизи тўланганда;

тамаки маҳсулотлари маҳаллий ишлаб чиқарувчиларига — буюртма берилётган акциз маркалари миқдорининг номинал қиймати тўлиқ тўланганда;

алкоголли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини импорт қилувчилар — буюртма берилётган акциз маркалари сонининг тўлиқ номинал қиймати ва акциз солиғининг барча суммаси тўланганда.

Ишлаб чиқарувчилар ва импортчилар томонидан акцизмаркаларининг номинал қиймати бўйича сотиб олиш учун пул маблағлари «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси Босма фабрикасининг тегишли банк ҳисоб рақамига ўтказилади.

Акциз маркалари «Агробанк» ОАТБ минтақавий бўлимлари томонидан қуйидагиларга берилади:

алкоголли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотларини импорт қилувчиларга — буюртманомада Давлат божхона қўмитасининг бутун акциз солиғи суммаси, шунингдек буюртма берилган акциз маркалари сонининг тегишли номинал қиймати тўланганлиги тўғрисидаги белгилари мавжуд бўлган тақдирда;

алкоголли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотларининг маҳаллий ишлаб чиқарувчиларига — буюртманомада «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси Босма фабрикасининг буюртма берилган акциз маркалари сонининг тегишли номинал қиймати тўланганлиги тўғрисидаги белгиси мавжуд бўлган тақдирда.

Акциз маркалари бериш, шунингдек фойдаланилмаган ва шикастланган маркаларни қайтариш тартиби ва муддатлари Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитасининг йўриқномаси билан белгиланади. Акциз маркаларида маҳсулотни ишлаб чиқарувчи корхоналар ва импорт қилувчиларнинг кодлари қайд этилади, шунингдек алкоголли маҳсулот қуйиладиган истеъмол идишининг литрдаги ҳажми кўрсатилади».

Солиқ ва божхона органлари акциз солиғини ҳисоблаб чиқиш учун марка харид қилувчилар томонидан ҳисоб-китоблар ва бошқа ҳужжатлар ўз вақтида тақдим этилиши устидан назоратни амалга оширадилар, ҳисобга олишни юритадилар ва акциз солиғи суммаси тушуми тўғрисидаги ҳисоботларни тузадилар. Сотиб олинган акциз маркалари уларни харид қилган спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан маркалашни амалга ошириш учун бевосита ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилади. Спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини импорт қилувчилар томонидан сотиб олинган маркалар кўрсатиб ўтилган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар (етказиб борувчилар) томонидан буюртма бажарилиши жараёнида фойдаланиш учун уларга берилади).

Чакана ва улгуржи савдо корхоналарига товарларни мажбурий маркалаш амалга киритилган пайдан бошлаб импорт қилинадиган ва республикада ишлаб чиқариладиган спиртли ичимликлар ва тамаки

маҳсулотларини акциз маркаларисиз сотиб олиш ва сотиш тақиқланади. Акцизланиши керак бўлган товарлар қолдиқларининг эгалари акциз маркалари билан мажбурий маркалаш жорий этилган кунда маҳаллий ҳокимият органлари ва солиқ органлари ходимлари иштирокида қайта рўйхатдан ўтказиш, қолдиқни чиқариб ташлаш ва уларни маркалаш чораларини кўришлари шарт.

Акциз маркалари акциз солиғи тўланганлиги далили ҳисобланади. Тамаки маҳсулотларининг маҳаллий ишлаб чиқарувчилари акциз маркаларини уларнинг номинал қиймати бўйича, алкоғолли маҳсулотларнинг маҳаллий ишлаб чиқарувчилари эса — акциз маркалари номинал қийматининг 50 фоизини тўлагандан кейин сотиб оладилар. Тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли маҳсулотларни импорт қилувчилар акциз маркаларини уларнинг номинал қиймати бўйича сотиб оладилар. Акциз маркаларининг қиймати акциз солиғи тўлашда ҳисобга қўшилмайди. Акциз маркаларини сотиб олиш харажатлари (шу жумладан, уларнинг номинал қиймати), шунингдек, акциз маркалари билан маркалаш бўйича харажатлар тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликлар ишлаб чиқарувчилар ҳамда импорт қилувчилар чиқимларига тегишли бўлади.

Алкоғолли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини импорт қилувчилар акциз маркаларини акциз солиғини тўлиқ ҳажмда тўлагандан кейин сотиб оладилар. Тўланган акциз солиғи импорт қилувчиларга юридик шахсларга фақат контракт бекор қилинганда, фойдаланилмаган (шу жумладан, шикастланган) акциз маркалари топширилган шартларда, жисмоний шахсларга эса фойдаланилмаган (шу жумладан, шикастланган) акциз маркалари тақдим этилган шартларда қайтарилиши мумкин.

Акциз маркалари қатъий ҳисобда турадиган бланкалар ҳисобланади. Акциз маркалари сақланиши ва улардан белгиланган мақсадда фойдаланиш бўйича жавобгарлик маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарга ва импорт қилувчиларга юкланади. Акциз маркалари акциз солиғи тўловчилари томонидан, транспортда ташиш харажатлари киритилмаган ҳолда, номинал қиймати бўйича ҳисобга олинади. Солиқ ва божхона органлари акциз маркалари ҳисобдан чиқарилишининг тўғрилиги устидан доимий назоратни амалга оширади. Акциз маркаларидан фойдаланиш ва уларни сотиш, шунингдек акциз маркалари билан маркаланмаган тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларни савдо тармоғи (чакана, улгуржи) орқали сотишни назорат қилиш давлат солиқ ва божхона органлари томонидан амалга оширилади.

#### 14.6. Акциз солиғини бюджетга тўлаш тартиби

Акциз солиғи бўйича солиқ даври йил чораги ҳисобланади. Акциз солиғининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига йилнинг ҳар чорагида, солиқ давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот

топшириладиган муддатда тақдим этилади. Солиқ тўловчилар солиқ даври мобайнида жорий тўловларни киритиш орқали акциз солиғини тўлайдилар.

Акциз солиғи бўйича жорий тўловларнинг суммасини аниқлаш учун солиқ тўловчилар жорий солиқ даври биринчи ойининг 10-кунигача давлат солиқ хизмати органига жорий солиқ даври учун акциз тўланадиган товарларни реализация қилишнинг тахмин қилинаётган ҳажми ҳамда акциз солиғининг белгиланган ставкасидан келиб чиқиб ҳисобланган акциз солиғининг суммаси ҳақида қуйидаги шаклдаги маълумотномани тақдим этадилар:

**бўйича**  
(акциз тўланадиган товар номи)  
**акциз солиғи бўйича жорий тўловларни ҳисоблаш учун**  
**МАЪЛУМОТНОМА**

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Сумма
Солиқ даври учун акциз солиғи бўйича тахмин қилинаётган солиқ солинадиган база	010	
Солиқнинг белгиланган ставкаси	020	
Солиқ солинадиган база ва ставкадан келиб чиқиб ҳисобланган солиқ суммаси (010-сатр × 020-сатр)	030	
Акциз солиғи тўлаб берилган хом ашё бўйича чегирлиши лозим бўлган солиқ суммаси	040	
Бюджетга тўланиши лозим бўлган акциз солиғи суммаси (030-сатр - 040-сатр)	050	
Ойлик жорий тўловлар суммаси (050-сатр / 3)	060	

Акциз солиғи бўйича жорий тўловлар ҳар ойнинг 25-кунидан кечиктирмай йил чораги бўйича акциз солиғи суммасининг учдан бир қисми миқдоридан тўланади. Яъни, жорий ойнинг 13-кунидан кечиктирмай — жорий ойнинг биринчи ўн кунлиги учун;

жорий ойнинг 23-кунидан кечиктирмай — жорий ойнинг иккинчи ўн кунлиги учун;

келгуси ойнинг 3-кунидан кечиктирмай — ҳисобот ойнинг қолган кунлари учун.

Акциз тўланадиган товарларни реализация қилишнинг тахмин қилинаётган ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган акциз солиғи суммаси солиқ даври учун бюджетга тўланиши лозим бўлган акциз солиғи суммасига нисбатан 10 фоиздан кўпроқ камайтирилган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи жорий тўловларни бюджетга тўланиши лозим бўлган акциз солиғининг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб пеня ҳисоблаган ҳолда қайта ҳисоблашга ҳақли.

Акциз солиғини тўлаш ҳисоб-китобларни топшириш муддатларидан кечиктирмай амалга оширилади. Импорт қилинадиган товарлар бўйича акциз солиғини тўлаш божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда амалга оширилади. Акциз маркалари билан тамғаланиши лозим бўлган импорт қилинадиган акциз тўланадиган товарлар бўйича акциз солиғи акциз маркалари олингунига қадар тўланади.

Акциз солиғининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири акциз солиғига тортилдиган айрим маҳсулотларнинг реализацияси ва унинг сотиб олиниши ҳамда уларнинг ҳисобини олиш жараёнлари маълум тартиб асосида амалга оширилишидир. Респубикамизда акциз тўланадиган товарлар реализациясидан тушган пул маблағларининг ҳисобини юритиш ва назорати

2004 йилнинг 26 июлида Адлия вазирлигидан 1390-сон билан рўйхатга олинган “Айрим турдаги акцизли товарларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг ҳисоб тизими тўғрисидаги” Низомга мувофиқ тартибга солинади. Мазкур низом ички бозорда янги автомобиллар, алкоғолли ва тамаки маҳсулотлари,

ўсимлик мойи, автомобиль бензини, дизель ёқилғисини сотиш, савдо тушумини банкка топшириш ва банклар томонидан кўрсатилган товарларни сотишдан олинган ушбу тушумни юридик шахсларнинг банк ҳисоб рақамларига қайд этиш тартибини, шунингдек ишлаб чиқариш ҳажмининг акцизли товарларни сотиш ҳажмига мувофиқлиги мониторингини амалга ошириш тартибини белгилайди. Бунга асосан алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини сотиш тартиби, ўсимлик мойини сотиш тартиби, бензин ва дизель ёқилғисини сотиш тартиби, янги енгил автомобилларни сотиш ва тушган пул маблағларининг ҳисобини юритиш тартиби алоҳида белгиланган:

Республикада ишлаб чиқарилган алкоғолли маҳсулотларини сотиш ва банкларда тушган пул маблағлари ҳисобини юритишда ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан алкоғолли маҳсулотнинг улгуржи сотилиши худудий ихтисослаштирилган улгуржи савдо базалари орқали амалга оширилиб, кейин алкоғолли маҳсулот билан савдо қилиш ҳуқуқига доир махсус ружсат гувоҳномаларига ва назорат-касса машиналари билан жиҳозланган турғун савдо шохобчаларига ва залларига эга бўлган алоҳида юридик шахсларга сотилиши белгиланган. Алкоғолли маҳсулотлар импорти ва унинг улгуржи сотилиши фақат улгуржи савдо ҳуқуқига доир ружсат гувоҳномаси бўлган юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

Улгуржи савдо фаолиятни амалга ошириш учун лицензия бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5-ноябрдаги 242-сонли қарори<sup>137</sup> билан тасдиқланган “Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги” Низомга асосан энг кам ойлик иш ҳақининг камида 3500 баравари миқдоридан пул маблағлари ҳолида шакллантирилган устав фондига эга бўлган юридик шахсларга берилиши мумкин.

Яна бир асосий акцизоти товар ҳисобланаган тамаки маҳсулотларини реализация қилиш учун ҳам махсус тартиб белгиланган. Республикада ишлаб чиқариладиган тамаки маҳсулотларини улгуржи сотишни ишлаб чиқарувчи корхоналар фақат улгуржи савдони амалга ошириш ҳуқуқига доир ружсат гувоҳномаларига эга бўлган юридик шахсларга, шунингдек назорат-касса машиналари билан жиҳозланган турғун савдо залларига эга бўлган ва тамаки маҳсулоти билан савдо қилиш ҳуқуқига доир махсус ружсат гувоҳномалари олган юридик шахсларга нисбатан амалга оширадилар.

Улгуржи савдо корхоналари республикада ишлаб чиқарилган тамаки маҳсулотларини фақат назорат-касса машиналари билан жиҳозланган турғун савдо залларига эга бўлган ва белгиланган тартибда тамаки маҳсулоти билан савдо қилиш ҳуқуқига доир махсус ружсат гувоҳномаларини олган юридик шахсларгагина фақат сотишлари мумкин. Нефт маҳсулотларини сотиш корхоналари томонидан автомобилга ёнилғи қуйиш шохобчаларига бензин ва дизель ёқилғисини сотиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарори билан тасдиқланган “Моддий-техника ресурсларининг стратегик турларини сотиш махсус тартиби тўғрисидаги” Низом<sup>138</sup> билан белгиланган тартибда амалга оширилади. Монопол маҳсулот сифатида белгиланган маҳсулотларни, жумладан бензин ва дизель ёнилғиси биржа (кимошди) савдоларига қўйиш белгиланган нарх даражасидаги бошланғич нарх билан амалга оширилади.

Маҳсулотлар биржа ва кимошди савдоларида талаб ва таклифнинг бозор нархлари бўйича сотилади. Биржалар ҳар ҳафтада очик матбуотда ва Интернет тармоқларидаги ўз саҳифаларида сотилган маҳсулотнинг ўртача биржа нархи котировкаларини (кимошди савдоси нархларини) эълон қилишадилар. Маҳсулотларни биржа ва кимошди савдолари орқали сотишда бошланғич нархдан ортикча олинган пул маблағлари ишлаб чиқарувчи корхоналар тасарруфига ўтади.

Истеъмолчилар билан нефть базалари ўртасидаги шартномаларга биноан тартибга солинадиган белгиланган нархлар бўйича:

давлат бюджетидан молиялаштирилдиган ташкилотларга бензин ва дизель ёнилғиси ажратилган лимитларга мувофиқ, шунингдек давлат стратегик захирасини тўлдириш ва янгилаш учун ҳақи олдиндан 100 фоиз тўланган ҳолда, давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми учун қишлоқ хўжалиги истеъмолчиларига дизель ёнилғиси, етказиб берилган ресурслар ҳақи 60 кун мобайнида тўлиқ тўланган ҳолда, 60 фоизининг ҳақини олдиндан тўлаш шарти билан сотилиши белгилаб қўйилган. Нефт маҳсулотларини сотиш корхоналари томонидан уларни аҳолига сотиш мақсадида автомобилга ёнилғи қуйиш шохобчаларига бензин ва дизель ёқилғисини бериш фақат автомобилга ёнилғи қуйиш шохобчаларида юридик шахс мақоми ва нефть маҳсулотларини сотиш ҳуқуқига доир лицензия мавжуд бўлганида амалга оширилади. Автомобилга ёнилғи қуйиш шохобчалари автомобиль бензини ва дизель ёқилғисини фақат олдиндан 100 фоиз ҳақ тўлаш шарти билан харид қиладилар.

Акциз тўланадиган товарлар бўйича акциз солиғи божхона хизматлари томонидан сўмларда ундирилади ва ҳар 5 кунда республика бюджетига кирим қилинади. Олиб қилиладиган, акциз тўланадиган товарларга акциз солиғининг ҳисоби ва унинг бюджетга келиб тушиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизматининг худудий бошқармалари амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси худудига олиб

<sup>138</sup> "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2004 йил, 5-сон, 57-модда.

<sup>137</sup> "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2005 йил, 43-44-сон, 331-модда.

кириладиган, акциз тўланадиган товарлар бўйича акциз солиғини тўлаш бошқа божхона тўловларини тўлашдан олдин ёки у билан бир вақтда амалга оширилади. Тўлдирилган «Божхона юк декларацияси» билан бирга тақдим этилган, тўлашга қабул қилинганлиги тўғрисида банк белгиси бўлган тўлов топшириқномаси тўловчи томонидан акциз солиғи тўланганини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган товарларга акциз солиғининг суммаси республика бюджетига 26-бўлимнинг 11-параграфига кирим қилинади.

Давлат божхона қўмитаси ҳудудий божхона бошқармаларининг қарорига кўра тўловчига, Божхона тўловларини кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлашни тақдим этиш тўғрисидаги йўриқномага мувофиқ товарларнинг божхона расмийлаштируви санасидан бошлаб 2 ойдан ошмайдиган муддатга акциз солиғини кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш тақдим этилиши мумкин.

Ортиқча келиб тушган акциз солиғи суммаси ўттиз кун ичида қайтарилиши ёки келгуси тўловлар ҳисобига киритилиши керак.

Улар тўланган ёки ундирилган пайтдан бошлаб бир йил давомида тўловчи ортиқча тўланган ёки ундирилган акциз солиғи суммалари қайтарилишини талаб қилиб, мурожаат этиши мумкин.

Ортиқча тўланган акциз солиғи суммаларини қайтариш божхона органларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш билан амалга оширилади:

тўловчининг ёзма аризаси, унда ортиқча тўлаш ёки ундириш сабаблари кўрсатилади, шунингдек пул маблағлари қайтарилиши керак бўлган тўловчининг банк реквизитлари берилади;

акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш ва ундириш учун асос бўлган божхона юк декларацияси;

ижроси тўғрисида банк белгиси қўйилган, акциз солиғининг тегишли суммаларини тўлашга оид тўлов ҳужжати;

товарлар (ишлар, хизматлар) чегарадан ҳақиқатда олиб ўтилгани тўғрисида чегара божхонасининг белгиси қўйилган (зарур ҳолларда) товарга илова қилинувчи ҳужжатлар.

Ортиқча тўланган акциз солиғи суммаларини қайтариш умумий тушумлар ҳисобига амалга оширилади.

Солиқ тўловчи ҳисобланган корхона томонидан акциз солиғини бўйича солиқ сўммаларини бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттиради.

*Корхона томонидан реализация қилинган маҳсулотларга тегишли акциз солиғи сўммасига:*

Дебет: 4410-"Харидор ва буюртмачилардан олинадиган ҳисоблар" ҳисобварағи

Кредит: 6410-"Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар(тури бўйича)" ҳисобварағи

*Корхона томонидан бюджетга ҳисобланган акциз солиғини ўтказиб берилиши(тўланиши) сўммасига:*

Дебет:5110-"Ҳисоб-китоб" ҳисобварағи

Кредит: 6410-"Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар(тури бўйича)" ҳисобварағи.

#### **Таянч сўз ва иборалар:**

*Акциз, акцизостии товарлари, хом-ашё, давал хом-ашё, дал, "трибут", акциз маркалари, айланмадан солиқ, солишдан солиқ, истеъмол, акциз солиғи тўловчиси, акциз солиғи объекти, акциз солиғи базаси, акциз солиғи ставкалари, импорт маҳсулотлари, талаб, таклиф, истеъмолчи зиммасидаги солиқ, чекланган нормалар, акциз солиғини ҳисоблаш, акциз солиғини бюджетга тўлаш, декада.*

#### **Назорат учун савол ва топшириқлар**

1. Акциз сўзининг луғавий маъноси нима?
2. Нима учун оборот солиғи ва сотишдан солиғи ўрнига акциз ва қўшилган қиймат солиқларига ўтилди?
3. Акциз солиғининг истеъмолни тартиблашдаги роли қандай?
4. Акцизостии товарларни деганда қайси товарлар тушунилади?
5. Акцизостии товарларини белгилаш қайси мезонларга кўра амалга оширилади?
6. Акциз солиғи ва товарлар истеъмолида акциз маркаларини қўллашдан асосий мақсад нима?
7. Акциз солиғи қандай ҳисобланади?
8. Акциз солиғи бўйича қанақа имтиёзлар белгиланган?
9. Акциз солиғи базаси қандай аниқланади?
10. Сизнингча импорт маҳсулотларини акциз солиғига тортиш ички истеъмолни рағбатлантирадими ёки тартиблайдими?
11. Акциз солиғини бюджетга ўтказиш тартиби қандай?
12. Сиз чет элдан Республикамиз ҳудудига акциз солиғидан озод қилинадиган товарлар ва уларнинг чекланган миқдорларини биласизми?

## 15-БОБ. МОЛ-МУЛК СОЛИГИ

### 15.1. Мол-мулк солигининг иқтисодий моҳияти, бюджет тизимидаги аҳамияти ва солиқ тўловчилари

Мол-мулк солиғи ер солиғи билан биргаликда энг қадимий вадастлабки солиқ турларидан бири ҳисобланади. Агар, Қадимги Рим, Греция давлатларида турли хил мол-мулкларга нисбатан солиқлар солинган бўлса, асосий солиқлардан бир қул сақлаганлиги ва уни сотганлиги учун солиқ ундирилган. Қуллар ҳам мол-мулк сифатида қаралган. Масалан, Римнинг кейинги даврларида мерос солиғи, қул сақлаганлиги учун солиқ, пойтахтнинг маҳсулот фондига солиқ, уй қурганлик учун солиқ, чорва моллари учун йиғим, уй-жойлар учун йиғим, қул сотганлик учун йиғим, извошчилардан олинадиган йиғим, ҳаммомчилардан олинадиган йиғим ва шу кабиларни ундиришда турли даражадаги мол-мулклар асос қилиб олинган. Эрамиздан аввалги IV минг йилликда юзага дастлаб қулдорлик жамияти бўлган Месопотамия ва Мисрда кўшимча маҳсулот олишнинг асосий усули жамоага бирлашган деҳқонларни эксплуатация қилиш йўли билан рента ундирилган бўлса, Европа давлатларида қулларни беаёв ишлатиш-улардан олинадиган солиқлар деб ҳисобланган. Эрамиздан аввалги XVI - XII асрларда қадимги Мисрдаги давлатчилик ҳукмроник қилган вақтларда солиқларни ундириш Нил дарёси бўйида суғориш иншоатларини қуриш мақсадида ундирилган. Чунки, бу даврда деҳқончилик ва чорвачилик асосий турмуш манбаи бўлиб, деҳқончиликни ривожлантириш учун сунъий суғориш қурилмаларини қуришга киришилган, бу мақсадда ундириладиган солиқлар манбаи эса аҳоли ва зодгонларнинг ихтиёридаги чорва моллари ҳисобланган. Умумий жараён шундаки, давлатчиликнинг дастлабки даврларида ("Дань") ўлпон давлатнинг асосий даромад манбаи бўлган бўлса, бу кучли давлатлар (босқинчи) давлатларда асосий роль ўйнаган, ўз навбатида енгилган (босиб олинган) давлатлар, худудлар) давлатларда эса ўлпонни тўлаш учун фуқароларнинг асосий мол-мулки бўлган ер, чорва моллари ва зебу-зийнат ва шу каби мол-мулкларидан турли хил солиқлар ундирилган, шу жиҳатдан мол-мулк ва ер солиғи кўпинча биргаликда амал қилган, ҳатто ҳозирги даврда ҳам Франциянинг айрим худудларида мол-мулк солиғи ер участкаларидан олинадиган солиқларни ҳам қамраб олади.

Солиқ назарияси билан шуғулланган аксарият олимлар солиқларнинг иқтисодий моҳиятини юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкнинг бегоналашуви, яъни уларнинг мол-мулкнинг бир қисми давлат ихтиёрига ўтказилиш жараёни сифатида ифодалайди. Бу ерда мол-мулкка эга бўлганларнинг мол-мулки қиймат шаклида давлат ихтиёрига ўтиши назарда тутилади. Шундайлардан рус олимларидан С.Ю. Витте "Солиқлар деганда умумий давлат ётоқхонасида жойлашиш учун олий ҳуқуқни олиш мақсадида даромад ва мол-мулкдан мажбурий тартибда тўланадиган йиғимлар (ҳадя) тушунилади" <sup>139</sup> деса, Ф.Нитти "Солиқ бу-жамоа истеъмолини қондириш

мақсадида фуқаролар томонидан давлатга ва маҳаллий ҳукуматга берадиган бойлигининг бир қисмидир" деб таърифлайди. <sup>140</sup> Мол-мулкдан солиқ ундириш диний ақидалар ва уларнинг ёйилишида муҳим роль ўйнаган. Масалан, Яҳудийлар чорва-моллари, ҳосил, урушда орттирилган ўлжалар ва мол-мулкларнинг ўндан бирини ҳар ойда цедака солиғи сифатида ибодатхонани таъмирлашга ишлатганлар, руҳонийлар, камбағаллар, бева ва етимлар орасида таркатганлар. Демак, бу солиқлар христиан ва яҳудий динларидаги диндорларнинг мажбуриятлари саналиб, давлат аҳамиятига молик бўлмаган. Ислом динида ҳам закот солиғи мусулмонларнинг бой табақалари учун диний фарз сифатида жорий этилди. Христианлик ва яҳудийликдан фарқли ўлароқ закот солиғи мусулмонлардан йилига бир марта йиғиб олинадиган бўлди. Аввалига Муҳаммад пайғамбар ва халифа Абу Бакр даврида (632-634) закот солиғи Қуръонда буюрилганидек, фақат фақирлар, мискинлар, садақа [закот] йиғувчилар, қўнғиллари исломга ошна қилинувчи кишилар, қулларни озод қилиш учун, қарздорлар ва мусофирларга тарқатилди. Европа давлатларида бу солиқ мол-мулк солиғи номи билан юзага келиши феодал тарқоқликнинг ривожланиши ва манифактуранинг ривожланиши билан боғлиқдир.

Феодал тарқоқликнинг кучайиб бориши эса давлатларнинг уюшмаларини ва унга мувофиқ солиқларнинг ҳам такомиллашиб боришига асос бўлди. Бу ҳолат айниқса ер ва савдо муносабатлари кейинчалик эса манифактура ривожланган Европа давлатларида, жумладан, Франция, Англия ва Германияда анча шаклланиб борди. Францияда XV асрларга келиб қироллик ва феодал катта ер эгаларининг ўртасидаги қаттиқ зиддиятлар оқибатида Францияда йирик марказлашган давлат ва унинг ўзига хос молиявий тизими шаклланди. Бу вақтларда Францияда хашслардан олинадиган тўғри солиқ ("taille personelle") ва мол-мулкдан олинадиган ("taille reille") солиқлар асосий солиқ сифатида юзага келди. Бизнинг давлатчилигимиз тарихида мавжуд бўлган давлатчилик шакллари энг қадимийлари вақтида ҳам мол-мулкдан солиқ ундириш мавжуд бўлганлиги ҳақида тарихий манбаларда келтирилади. <sup>141</sup> Дастлабки қадимий давлатлар Парфия, Бактрия, Фарғона, Тохаристон, Эфталитлар, Ашиналийлар кейинчалик эса Сомонийлар давлати, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Ануштегинийлар давлатчилигида ҳам асосий солиқлар сифатида мол-мулкдан турлича солиқлар ундириб келинган. Салжуқийлар вақтида солиқ тизими анча ривожлантирилган. Мамлакатда Бош вазирга (Девони аъло) бўйсинувчи Истифо девонлиги солиқлар ва бошқа молиявий маблағларнинг кирим чиқимларини олиб бориш билан бирга солиқ йиғувчиларнинг ҳисоботларини қабул қилиб, Бош вазирга бу ҳақда ахборот тайёрлаш билан ҳам шуғулланган. Ҳар бир солиқ турлари бўйича солиқ тўловчилар ва уларга тегишли бўлган мол-мулк, ерлар ва бошқа солиқ объектларининг рўйхатини тузиб чиққан.

<sup>139</sup>Витте С.Ю. Конспект лекций о Государственном хозяйстве. СПб., 1914, с. 35.



<sup>140</sup>Нитти Ф. Основные начала финансовой науки, с. 241.

<sup>141</sup>Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. "Шарк" нашриёти, Т.: 2001, 34-102 бет.

Юртимизда XIII-асарнинг 20 йилларидан тортиб то 1370 йилларгача ўз ҳукмронлигини ўрнатган Чингизхон истилоси даврида муғуллар томонидан солиқ тизимига анча ўзгартиришлар киритилди. Бу ўзгартиришлар солиқларнинг сонининг ортиши ва унинг ҳажмининг юқорилиги билан изоҳланади. бу даврда дехқонлардан ундириладиган "Калон" солиғи ҳосилнинг 1/10 қисми сифатида, чорвадорлардан ундириладиган "Кўпчир" солиғи эса ҳар 100 бош қорамолдан биттаси ундириладиган бўлди. Шунингдек, Аҳолидан "Шулси" деган солиқ ундирилиб, ҳар бир отар қўйдан битта миқдорда ва ҳар 1000 отдан битта миқдорда солиқ жорий қилинди. А.Темур ҳукмронлиги даврида давлатнинг бошқарув тизими икки бўғинга, яъни Даргоҳ ва Девонларга бўлинган. Давлатнинг молиявий ва солиқларни ундириш билан боғлиқ ишларни Мулкчилик ва солиқ ишлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги томонидан ташкил этилган. Мулкчилик ва солиқ ишлари вазирлиги турли сабабларга кўра эгасиз қолган мол-мулкларни рўйхатга олиш, уларни тақсимлаш, савдогарлардан закот ва бож тўловларни олиш, жорий қилинган солиқларнинг ҳисобини юртиш ва уни ундириш ишларини ташкил этиш, мамлакат чорвалари яйловзор ва майзавор ерларни бошқариш, улардан тушадиган даромадларни ҳисобга олиш, мулкчилик бўйича меросхўрлик мақомларини белгилаш масалалари билан шуғулланишган. Молия ишлари вазирлиги эса давлат ғазнасига келиб тушган даромадларнинг сарфлаш ҳамда уни назорат қилиш, даромадларни кўпайтириш йўллари аниқлаш ишлари билан шуғулланишган.

Россияда октябрь революциясидан кейин "ҳарбий коммунизм" даври деб аталган 1917-1922 йилларда илгари амал қилиб келинган солиқ тизими тубдан ўзгартирилди. Аввалги солиқларнинг ўрнига мол-мулк солиғи, капиталнинг ўсиши солиғи, нуфузли товарларга истеъмол солиғи жорий қилинди. 1917 йил 24 декабрда "Тўғри солиқларни ундириш тўғрисида" декрет қабул қилинди. Хусусий мулкнинг бекор қилишини билан уй-жойлардан олинадиган солиқлар, ер солиғи, мол-мулк солиғи бекор қилинди ва айрим кичик шаҳарларда сақланиб қолди. Асосий солиқлар сифатида даромад солиғи ва хунармандчилик солиғи сақланиб қолди. Шу билан биргаликда айрим маҳаллий солиқлар, масалан кундуздан мўйнасидан тайёрланган кўйлак ва бош кийимлар, граммофонлар, отлар, ва бўйдоқлик учун махсус солиқлар ҳам киритилди. 1922-1929 йилларда ҳам солиқ тизимига бир қанча ўзгартиришлар киритиб борилди. Айниқса, бу вақтда қишлоқ хўжалигидан ундириладиган солиқлар қайта такомиллаштирилди. 1921 йилда натурал солиқлар бўйича 2 та йирик декрет қабул қилинди ва қишлоқ хўжалиги учун картошка, нон ва ёғ маҳсулотларига алоҳида натура солиғи киритилди. 1987 йилдан бошлаб корхоналарда молиявий натижаларни шакллантириш ва маблағларни тақсимлаш ҳамд ўз-ўзини молиялаштириш механизмларининг кучайтирилиши фойдани тақсимлаш тартибларини ҳам ўзгартиришга олиб келди. Корхоналар олган фойдасидан бюджетга ажратмалар қилиш, фондлар учун тўловлар ҳамда юқори турувчи органларни сақлаш тўловларини амалга оширилади бошланди.

Республикамиз мустақил солиқ тизимида мол-мулк солиғини жорий этилиши «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги 1991 йил 15-февралда қабул қилинган қонуни билан амалга оширилди. Ушбу қонунга асосан Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахслардан ундириладиган мол-мулк солиғи 1997 йил 24 апрелда қабул қилиниб, 1998 йил 1 январдан кучга кирган ва 2008 йил 1 январгача амал қилган Солиқ кодекси қабул қилинганига қадар амал қилди. Ҳозирги кунда ушбу солиқ янги таҳрирда қабул қилинган ва амалда бўлган Солиқ кодекси(2008 йилдан кучга кирган)га, у асосда ишлаб чиқилган қонуности меъёрий ҳужжатлар ҳамда Президент қарорлари ва фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида ундириб келинмоқда.

**Солиқ тўловчилар.** Мол-мулк солиғи юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқларга бўлинади.Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчилар қуйидагилар ҳисобланади:Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиқ солинадиган мол-мулкка эга бўлган юридик шахслар — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари;агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз мулкида кўчмас мулкка эга бўлган юридик шахслар — Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари. Агар кўчмас мулк мулкдорининг жойлашган ерини аниқлаш имкони бўлмаса, бу мол- мулк қайси шахснинг эгалигида ёки фойдаланишида бўлса, шу шахс солиқ тўловчи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси норезидентининг фаолияти солиқ қонунчилигига кўра Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассаса орқали амалга ошириладиган фаолият деб эътироф этилади.

Нотижорат ташкилотлар ва солиқ солишининг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар *юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчилар ҳисобланмайди.* Аммо, нотижорат ташкилотлар асосий фаолияти билан бирга кўшимчи равишда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширса, бундай фаолиятга хизмат қилувчи мол-мулклар доирасида мол-мулк солиғининг тўловчиси бўлади.

## **15.2. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг объекти ва солиқ базаси**

Солиқ кодексининг 266-моддасига мувофиқ юридик шахслар эгалик қилган қуйидагилар мол-мулклари солиқ объекти бўлиб ҳисобланади:

1. Асосий воситалар, шунингдек, молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича олинган асосий воситалар.

*Солиққа тортиш мақсадида мол-мулк деганда*эгалик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш объектлари бўла оладиган моддий объектлар, шу жумладан пул маблағлари, қимматли қоғозлар, улушлар (пайлар,ҳиссалар) ҳамда номоддий объектларназарда тутилади.

*Asosiy vositalar* - uzoq davom etadigan vaqt mobaynida (bir yildan ko'proq vaqt davomida) moddiy ishlab chiqarish sohasida ham, noishlab chiqarishsohasida ham amal qiladigan, shuningdek ijaraga berish uchun foydalaniladigan moddiy aktivlardir. (Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг - "Асосий воситалар" 5-сонли миллий стандарти).

Амалдаги солиқ кодексининг 21-моддасига қўрамолиявий ижара мол-мулкни (молиявий ижара объектини) эгалик қилиш ва фойдаланишга ўн икки ойдан ортиқ муддатга шартнома бўйича топширишда вужудга келадиган ижара муносабатлари бўлиб, молиявий ижара шартномаси куйидаги талаблардан бирига жавоб бериши керак:

молиявий ижара шартномасининг муддати тугагач, молиявий ижара объекти ижара олувчининг мулкига ўтса;

молиявий ижара шартномасининг муддати молиявий ижара объекти хизмат муддатининг 80 фоизидан ортиқ бўлса ёки молиявий ижара объектининг молиявий ижара шартномаси тугаганидан кейинги қолдиқ қиймати унинг бошланғич қийматининг 20 фоизидан кам бўлса;

молиявий ижара шартномасининг муддати тугагач, ижарага олувчи молиявий ижара объектини шу ҳуқуқни амалга ошириш санасидаги бозор қийматидан паст нарх бўйича сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлса;

молиявий ижара шартномасининг амал қилиши даврида ижара тўловларининг жорий дисконтланган қиймати молиявий ижара объектининг молиявий ижарага топшириш пайтидаги жорий қийматининг 90 фоизидан ошиб кетса. Жорий дисконтланган қиймат бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

## 2. Тугалланмаган қурилиш объектлари.

Тугалланмаган қурилиш объектлари жумласига муайян қурилиш объектига доир лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган норматив муддатда, агар қурилишнинг норматив муддати белгиланмаган бўлса, қурилиш бошланганидан эътиборан йигирма тўрт ой ичида қурилиши тугалланмаган объектлар қиради.

## 3. Белгиланган муддатда ишга туширилмаган асбоб-ускуналар.

Белгиланган муддатда ишга туширилмаган асбоб-ускуналар жумласига монтаж қилиниши талаб этиладиган ҳамда реконструкция ва (ёки) модернизация қилинаётган объектларда лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган муддатларга мувофиқ капитал қўйилмалар ҳисобига ишга тушириладиган асбоб-ускуналар қиради. Лойиҳа-смета ҳужжатларида асбоб-ускуналарни ишга тушириш муддатлари бўлмаган тақдирда, буюртмачи сифатида иш қўраётган юридик шахснинг раҳбари томонидан тасдиқланган муддатлар солиқ солиш объектини белгилаш учун қабул қилинади, лекин бу муддатлар асбоб-ускуналар монтаж қилишга топширилган пайдан эътиборан бир йилдан кўп бўлмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари учун куйидагилар солиқ солиш объектидир: Ўзбекистон Республикасининг

норезидентлари бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ доимий муассаса фаолияти билан боғлиқ қайси асосий воситалар бўйича ҳисоб юритаётган бўлса, ўша асосий воситалар, ушбу доимий муассаса фаолияти билан боғлиқ бўлмаган, мазкур норезидентларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган кўчмас мулк.

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширмайдиган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган, уларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган кўчмас мулк солиқ солиш объектидир. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган Ўзбекистон Республикасининг норезиденти томонидан мулк қилиб олинган (реализация қилинган) кўчмас мулк объекти тўғрисидаги маълумотларни ушбу объектлар жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органига рўйхатдан ўтказилганидан кейин ўн кун ичида маълум қилиши шарт.

## Юридик шахслардан олинadиган мол-мулк солигининг солиқ базаси

Солиқ солинадиган базани аниқлашда куйидагиларга асосланади:

Асосий воситалар бўйича — асосий воситаларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати. Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати ушбу мол-мулкнинг бошланғич (тикланиш) қиймати билан солиқ тўловчининг ҳисоб сисёсатида белгиланган усуллардан фойдаланилган ҳолда ҳисоблаб чиқилган амортизация ҳажми ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Норматив (белгиланган) муддатда тугалланмаган қурилиш объектлари ва ишга туширилмаган асбоб-ускуналар бўйича — тугалланмаган қурилишнинг ва ўрнатилмаган асбоб-ускуналарнинг ўртача йиллик қиймати.

Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг кўчмас мулк объектларига нисбатан ушбу мол-мулкнинг ўртача йиллик қиймати солиқ солинадиган базадир.

Солиқ солиш объектларининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати (ўртача йиллик қиймат) солиқ давридаги ҳар бир ойнинг охири кунидаги ҳолатга кўра солиқ солиш объектларининг қолдиқ қийматларини (ўртача йиллик қийматларини) қўшишдан олинган сумманинг ўн иккидан бир қисми сифатида ортиб боровчи яқун билан аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг кўчмас мулк объектлари бўйича солиқ солинадиган база мазкур объектларга бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилган қиймат асосида аниқланади.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчи томонидан юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлаш назарда тутилмаган фаолият турлари амалга оширилган тақдирда, солиқ солинадиган база солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган мол-мулк ҳисобини алоҳида-алоҳида юритиш асосида аниқланади. Алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиш имконияти бўлмаган тақдирда, солиқ солинадиган база фаолиятдан олинadиган соф тушумнинг умумий ҳажмида юридик

шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлаш назарда тутилган соф тушумнинг солиштирма салмоғидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

*Юридик шахслардан олинadиган мол-мулк солиғи базасини аниқлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:*

Биринчи босқич: Асосий воситалар ҳамда узоқ муддатли(молиявий ижарага) ижарага олинган асосий воситаларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати аниқланади. Бунинг учун 0100-" Асосий воситалар" ҳисобварағи ва 03-" молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар" ҳисобварақларининг дебет Асосий воситалар ҳамда узоқ муддатли(молиявий ижарага) ижарага олинган асосий воситаларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати обороти бўйича дастлабки (тикланиш) қиймати сўммалари йиғиндисидан ушбу асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олиб борувчи ҳисобварақ-0200- "Асосий воситаларнинг ва молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг жамланган эскириши" даги йиғилган сўмма айриб ташланиб асосий ва молиявий ижарага олинган мол-мулкнинг қолдиқ қиймати топилади.<sup>142</sup>

Иккинчи босқич: Норматив муддатда ишга туширилмаган, қурилиши тугалланмаган объектнинг қиймати эса агар корхона ўз кучи билан қурилишни амалга ошираётган бўлса, 08-"Капитал қўйилмалар" ҳисобварағи дебет оборотида йиғилган сўмма олинади. Тугалланмаган қурилиш объектлари жумласига муайян қурилиш объектига доир лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган норматив муддатда, агар қурилишнинг норматив муддати белгиланмаган бўлса, қурилиш бошланганидан эътиборан йиғирма тўрт ой ичида қурилиши тугалланмаган объектлар қиради. Объект қурилишига доир лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган норматив муддатда қабул қилинмаган бўлса ушбу мол-мулк солиқ базасига қўшилади. Масалан, муайян қурилиш объектига доир лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган норматив муддат 2015 йил 1 май қилиб белгиланган бўлсада аммо объекти асосий воситаларни қабул қилиш-кирим далолатномаси орқали корхонанинг асосий воситалар ҳисобварағига ўтказилмаган бўлса, у ҳолда ушбу объектнинг қийматини 2015 йил 1 майнинг охириги кунидаги қиймати бўйича йиллик ўртача қиймати аниқланади.

Учинчи босқич: Белгиланган муддатда ишга туширилмаган ускунанинг қиймати эса корхона бухгалтериясининг 0700- "Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар" ҳисобварағининг дебет обороти сўммаси олинади. Асбоб-ускуналарнинг лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан ўрнатилиш муддати ёки Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси билан белгиланган муддатда ўрнатилмаган бўлса, у ҳолда бу каби мол-мулкнинг қиймат мол-мулк солиғининг солиқ базасини аниқлашда базага қўшилади. . Лойиҳа-смета

<sup>142</sup>Эслатма: 2013 1 январга қадар корхонанинг номоддий активларининг ҳам қолиқ қиймати корхоналарнинг мол-мулкнинг йиллик ўртача қийматига солиққа тортиш мақсадида киритилар эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»гиПҚ-1887-сонли қарори билан Солиқ кодексининг 266-267-моддаларига юридик шахсларнинг мол-мулк солиғининг солиқ солиш объектдан ҳамда солиқ солиш базасидан номоддий активларни чиқариладиган бўлди.

ҳужжатларида асбоб-ускуналарни ишга тушириш муддатлари бўлмаган тақдирда, буюртмачи сифатида иш кўраётган юридик шахснинг раҳбари томонидан тасдиқланган муддатлар солиқ солиш объектини белгилаш учун қабул қилинади, лекин бу муддатлар асбоб-ускуналар монтаж қилишга топширилган пайдан эътиборан бир йилдан кўп бўлмаслиги керак.

Тўртинчи босқич: Корхонага тегишли солиққа тортиладиган мол-мулкларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати ҳисоблаб чиқилади. Бунинг учун қуйидаги шартли мисол асосида келтирамыз(млн.сўм):

Кўрсаткичлар	Календарь йилидаги ойларнинг охириги кунидаги ҳолати бўйича:												1-12 устун/12
	1-ой	2-ой	3-ой	4-ой	5-ой	6-ой	7-ой	8-ой	9-ой	10-ой	11-ой	12-ой	
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	
Асосий воситалар шу жумладан (молиявий ижарага олинган)	250	255	240	275	300	300	300	300	300	300	320	320	(250+255+240+275+300+300+300+300+320+320)/12 =3160/12 =263,3
Норматив муддатда ишга туширилмаган, қурилиши тугалланмаган объектнинг қиймати													
Белгиланган муддатда ишга туширилмаган ускунанинг қиймати													

Ушбу шартли мисолда корхонанинг солиққа тортиш мақсадида йиллик ўртача қиймати солиқ объекти сифатида олинadиган мол-мулкнинг календарь йилининг ойлари охириги кунларидаги сўммасини 12 ойлар бўйича йиғиндисини календарь йилидаги ойлар(12) сонига бўлиш орқали аниқланган. Бизнинг мисолимизда бу 263,3 млн. сўмни ташкил этади. Норматив муддатда ишга туширилмаган, қурилиши тугалланмаган объектнинг қиймати ва белгиланган муддатда ишга туширилмаган ускунанинг қиймати бўйича ҳам худди шундай усул билан аниқланади.

### 15.3. Мол-мулк солиғига тортиш мақсадида юридик шахсларнинг асосий воситаларини қайта баҳолашни ўтказиш тартиби ва унинг аҳамияти

Амалдаги қонунчиликка<sup>143</sup> мувофиқ корхоналар ўзларига тегишли асосий фондларни ҳар уч йилда бир марта қайта баҳолашни ўтказиб туриши

<sup>143</sup>Қаранг: 1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида низом (Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг Адлия вазирлиги томонидан 4.12.2002 йилда 1192-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган).

лозим.<sup>144</sup> Асосий фондларни қайта баҳолаш бу асосий воситаларнинг тикланиш қийматини бозор нархларининг замонавий даражасига мувофиқлаштириш учун уни вақти-вақти билан аниқлаштириш ҳисобланади. Қайта баҳолаш солиқлар ва амортизация ажратмаларини мақбуллаштириш имконини беради. Бу эса маҳсулот таннархи, молиявий натижалар ва компаниянинг мавқеига таъсир кўрсатади. 1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида Низомда билан қорхона ва ташкилотларга асосий воситаларнинг ҳар бир гуруҳи учун қайта баҳолашнинг қуйидаги усуллари билан бирини мустақил танлаш ҳукуқи берилган:

1). Қайта баҳолашни ўтказиш даврида 1 январга шаклланган, баҳоланаётганларига айнан ўхшаш бўлган янги объектларга ҳужжатлар асосида тасдиқланган бозор нархлари бўйича алоҳида объектлар қийматини бевосита ҳисоблаш усули;

2). Асосий фондлар турлари бўйича ва уларни харид қилиш даврига боғлиқликда табақаланган асосий фондлар қийматини ўзгартириш индексларини қўллаган ҳолда айрим объектларнинг дастлабки (тикланиш) қийматини индекслашдан усули. Таъкидлаш мумкинки, индекслаш усули қайта баҳолашни ўтказиш харажатларини қисқарттиришни истайдиганлар учун яроқлидир. Бироқ ушбу усул бошқарувчилар учун, айниқса қорхонадаги ишларнинг реал ҳолатини билишни хоҳлайдиган мулкдор учун доим ҳам фойдали бўлмайди.

Қорхоналар ўзларининг асосий фондларини қайта баҳолашда қуйидаги: асосий воситалар, ўрнатиладиган ускуналар, тугалланмаган қурилиш объектлари ва молиявий ижара шартномаси, шу жумладан лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар ни қайта баҳолайдилар, Асосий фондлар қийматини қайта баҳолаш 1 январь ҳолати бўйича (1 февралгача) қайта баҳолашни ўтказиш даврида нархлар даражасидан келиб чиқиб ўтказилади. Қайта баҳолаш чоғида асосий фондларнинг тўлиқ тикланиш қиймати, яъни улар худди шундай янги объектларга тўлиқ алмаштирилган тақдирда ташкилот амалга ошириши керак бўлган харажатларнинг тўлиқ қиймати қайта баҳолаш санасида мавжуд бўлган бозор нархлари (тарифлари) бўйича аниқланади, бунга объектларни харид қилиш (қурилиш), ташини, ўрнатиш (монтаж қилиш) харажатлари, импорт қилинадиган объектлар учун эса - шунингдек божхона тўловлари ва ҳоказолар киритилади.

Маънан эскирган объектларнинг тўлиқ тикланиш қиймати шунингдек, объектларнинг маънан эскириши тегишли нархлар (тарифлар)нинг ўзгариш даражалари ва суръатларида акс этишидан келиб чиқиб, қайта ҳисоблаш

<sup>144</sup> 2013 йил 1 январга қадар бундай қайта баҳолаш ҳар йилиги ўтказилар эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги ПҚ-2099-сонли "Ўзбекистон Республикасининг 2014 йили асосий макроеқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги Қарорига асосан Асосий воситаларни ҳар йили мажбурий қайта баҳолаш бекор қилиниб, уларни ҳар уч йилда бир марта ўтказиш белгиланди.

санасида мавжуд бўлган нархлар (тарифлар) бўйича уларни тайёрлашга доир мавжуд харажатлар асосида аниқланади. Ташкилотлар мулкида, уларнинг хўжалик юретишида, тезкор бошқарувида бўлган ва молиявий ижара шартномаси бўйича олинган, уларнинг техник ҳолатидан қатъи назар, ишлаб турган ва фойдаланилмайдиган, консервацияда бўлган, ҳисобдан чиқаришга тайёрланган, лекин белгиланган тартибда тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилмаган барча асосий воситалар, шунингдек тугалланмаган қурилиш объектлари ва ўрнатиш учун мўлжалланган ускуналар қайта баҳоланиши керак. 1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни қайта баҳолаш олдинги қайта баҳолаш натижасида олинган объектларнинг дастлабки (тикланиш) қийматидан, йил давомида келиб тушган асосий фондлар бўйича эса - ҳисобга олиш қийматидан амалга оширилади.

Ер участкалари ва табиатдан фойдаланиш объектларининг қиймати қайта баҳоланмайди, қонунчиликда белгиланган тартибда хусусийлаштирилган ер участкалари бундан мустасно. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан асосий фондларни қайта баҳолаш чоғида индекс усулини қўллаш учун ҳар йили 31 декабрга қадар тегишли индекслар ишлаб чиқилади ва расмий равишда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Микрофирма ва кичик қорхоналар томонидан индекс усулини қўллаш чоғида навбатдаги қайта баҳолашни ўтказиш даврида сўнгги қайта баҳолашдан кейин ўтган йиллар учун оммавий ахборот воситаларида ҳар йили эълон қилинадиган, асосий фондлар қийматини ўзгартириш индекслари ҳисобга олинади.

*Хўжалик юритувчи субъектлар бухгалтерия ҳисобида асосий фондлар объектларини қайта баҳолаш натижаси қуйидагича акс эттирилади:*

а) асосий фондлар объектларини қўшимча баҳолаш суммасига:

асосий воситалар (0100), молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар (0300), капитал қўйилмалар (0800), ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни (0700) ҳисобга олиш ҳисобварақлари дебети - асосий воситалар объектларининг дастлабки (тикланиш) қийматини қўшимча баҳолаш суммасига;

асосий воситалар эскиришини ҳисобга олиш ҳисобварақлари кредити (0200) - асосий воситаларнинг ва молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг жамланган эскиришини қўшимча баҳолаш суммасига;

8510-"Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар" ҳисобварағи кредити - асосий фондлар объектларининг дастлабки (тикланиш) қийматини қўшимча баҳолаш ва жамланган эскириши суммалари ўртасидаги фарқ суммасига;

б) асосий фондлар объектларини арзонлаштириш суммасига:

асосий воситалар эскиришини ҳисобга олиш ҳисобварақлари дебети (0200) - асосий воситалар, шунингдек молиявий ижара шартномаси бўйича

олинган асосий воситалар жамланган эскиришини арзонлаштириш суммасига;

8510-"Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар" ҳисобварағи дебети - илгари қайта баҳоланган асосий фондлар объектининг қўшимча баҳолаш суммаси ёки аввалги қўшимча баҳолашлар суммаларининг асосий фондлар ушбу объектини аввалги арзонлаштиришлар суммасидан ошадиган суммаси доирасида арзонлаштириш суммасига;

9430-"Бошқа операцион харажатлар" ҳисобварағи дебети - ушбу объектни арзонлаштиришнинг илгари қайта баҳоланган асосий фондлар мазкур объектини қўшимча баҳолаш суммасидан ёки аввалги қўшимча баҳолашлар суммаларининг асосий фондлар ушбу объектини аввалги арзонлаштиришлар суммасидан ошадиган суммасига (яъни арзонлаштириш суммасининг, яъни асосий фондларнинг мазкур объекти бўйича 8510-"Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар" ҳисобварағида ҳисобга олинган қолдиқ суммасидан ошишига);

асосий воситаларни (0100), молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар (0300), капитал қўйилмалар (0800), ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни (0700) ҳисобга олиш ҳисобварақлари кредити - асосий фондлар объектларининг дастлабки (тикланиш) қийматининг арзонлаштириш суммасига.

Асосий фондни қайта баҳолаш бир томондан мол-мулк солиғини ундиришда катта аҳамиятга эга бўлса, бошқа томондан корхона фондларини молиявий бошқаришда ҳам таъсирчан ролга эгадир.

Корхоналарнинг мол-мулкнинг йиллик ўртача қийматини аниқлаш ва мол-мулк солиғини ундириш жараёнини тўғри амалга ошириш учун корхоналарнинг асосий фондларига амортизация (эскириш) ҳисобланиш жараёнини ҳам билиш талаб этилади. Корхона ва ташкилотлар асосий фондларга амортизация ҳисоблаш Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг -"Асосий воситалар" 5-сонли миллий стандарти, Солиқ кодекси(144-моддаси) ва Молия вазирлигининг бошқа бу жараёнга оид меъёрий ҳужжатларига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг -"Асосий воситалар" 5-сонли миллий стандартида *amortizatsiya* eskirishning baholangan xizmat muddati davomida aktivning amortizatsiya qilinadigan qiymatini muntazam taqsimlash va qayta o'tkazish tarzida qiymat bilan ifodalanishidir-deb taъrif berilgan. Ushbu standart talablari b'uyicha amortizatsiya qilinadigan qiymat foydali yoki me'yoriy xizmatning butun muddati davomida subyektning xarajatlariga amortizatsiya ajratmalari ko'rinishida muntazam taqsimlanadi.

Amortizatsiya turli usullarni qo'llanish yo'li bilan hisoblanadi:

- Amortizatsiyani baravar (to'gridan-to'gri) hisoblash;
- Amortizatsiyani bajarilgan ishning hajmiga mutanosib tarzda hisoblash (ishlab chiqarish usuli).

Amortizatsiyani baravar (to'gridan-to'gri) hisoblash usuli shundan iboratki, asosiy vositalarning eskirishi (amortizatsiyasi) ularni foydali ishlatish muddati

davomida asosiy vositalar qiymatidan bir xil ulushda hisoblab chiqariladi. Amortizatsiyani hisoblashning ishlab chiqarish usuli - bu usul har bir aniq yil davomida asosiy vositani ishlab chiqarishni hisobga olishga asoslangan. Ushbu usul bo'yicha eskirishning yillik miqdorini hisoblash uchun asosiy vositani foydali ishlatishning butun muddati uchun umumiy ishlab chiqarish miqdorini, aniq bir yilda qancha ishlab chiqarilishini bilish zarur. Ishlab chiqarish sifatida mahsulotning ishlab chiqarilgan birligi miqdorini, necha soat ishlaganini qabul qilish mumkin.

Asosiy vositalardan intensiv foydalanilganda, shuningdek fan-texnika taraqqiyoti asosiy vositalarning eskirishiga katta ta'sir o'tkazganda asosiy vositalarning eskirishi jadallashirilgan amortizatsiya yo'li bilan ifodalanadi, bu esa quyidagi usullar bilan chiqariladi:

- Amortizatsiyaning ikki baravar ko'paytirilgan me'yori bilan kamayadigan qoldiq usuli;
- Yillar yigindisi usuli (kumulativ usul).

Qoldiqning kamayishi usuli aktivning foydali xizmat muddati davomida amortizatsiya qilinadigan summaning kamayib borishini bildiradi. Bu usulning mohiyati shundan iboratki, baravar (to'gridan-to'gri) ishlab chiqarish usulidagi eskirish me'yori asosiy vositaning qoldiq qiymatiga qo'llaniladi (ko'paytiriladi).

Yillar yigindisi usuli (kumulativ usul) - bu usulning mohiyati shundan iboratki, har bir yilda amortizatsiya me'yori amortizatsiya muddatining oxirigachakelgan amortizatsiya qilinadigan qiymatdagi ulush sifatida aniqlanadi. Bu ulush amortizatsiya ajratmalari tugaguncha kelgan to'liq yillarning miqdorini amortizatsiya muddatini tashkil etuvchi yillarning tartib soni miqdoriga taqsimlash yo'li bilan aniqlanadi.

Солиқ кодексига мувофиқ солиққа тортиш мақсадида ер участкалари ва табиатдан фойдаланишга доир бошқа объектлар (сув, ер ости бойликлари ва бошқа табиий ресурслар), маҳсулдор чорва моллари, кутубхона фонди, музей кимматликлари (музей ашёлари), конун ҳужжатларида белгиланган тартибда консервациялашга ўтказилган асосий воситалар, архитектура ёдгорликлари, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, йўлақлар, сайилгоҳлар, хиёбонлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасарруфида бўлган ободонлаштириш иншоотлари, қиймати илгари тўлиқ чегирилган мол-мулк ва асосий воситалар ва номоддий активлар таркибига ўтказилмаган капитал қўйилмаларга амортизация ҳисобланмайди. Амортизация меъёрлари эса куйидаги гуруҳлар ва уларга белгиланган меъёрлар бўйича ҳисобланади:

Гуруҳлар тартиб рақами	Кичик гуруҳлар тартиб рақами	Асосий воситаларнинг номи	Амортизациянинг йиллик энг юқори нормаси, фонсларда
I		Бинолар, иморатлар ва иншоотлар	
	1	Бинолар, иморатлар	
	2	Нефть ва газ кудуклари	
	3	Нефть-газ омборлари	
	4	Кема катнайдиган каналлар, сув каналлари	
	5	Кўприклар	

	6	Дамбалар, тўгонлар	
	7	Дарё ва денгиз причал иншоотлари	
	8	Корхоналарнинг темир йўллари	
	9	Киргокни мустаҳкамловчи, киргокни химояловчи иншоотлар	
	10	Резервуарлар, цистерналар, баклар ва бошка сизимлар	
	11	Ички хўжалик ва хўжаликлараро сугориш тармоғи	
	12	Ёпиқ коллектор-дренаж тармоғи	
	13	Ҳаво кемаларининг учиш-қўниш йўллари, йўлаклари, тўхташ жойлари	5
	14	Богларнинг ва хайвонот богларининг иншоотлари	
	15	Спорт-соғломлаштириш иншоотлари	
	16	Иссиқхоналар ва парниклар	
	17	Бошка иншоотлар	
<b>II</b>		<b>Узатиш қурилмалари</b>	
	1	Электр узатиш ҳамда алоқа қурилмалари ва линиялари	
	2	Ички газ қувурлари ва қувурлар	
	3	Водопровод, канализация ва иссиқлик тармоқлари	
	4	Магистрал қувурлар	8
	5	Бошқалар	
<b>III</b>		<b>Куч-қувват берадиган машиналар ва усқуналар</b>	
	1	Иссиқлик техника усқуналари	
	2	Турбина усқуналари ва газ турбиналари қурилмалари	
	3	Электр двигателлари ва дизель-генераторлар	
	4	Комплекс қурилмалар	
	5	Бошка куч-қувват берадиган машиналар ва усқуналар (ҳаракатланувчи транспортдан ташқари)	8
<b>IV</b>		<b>Фаолият турлари бўйича иш машиналари ва усқуналар (ҳаракатланувчи транспортдан ташқари)</b>	
	1	Иқтисодиётнинг барча тармоқларига тегишли машиналар ва усқуналар	
	2	Қишлоқ хўжалиги тракторлари, машиналари ва усқуналари	
	3	Коммутациялар ва маълумотларни узатиш рақамли электрон усқуналари, рақамли тизимлар узатиш усқуналари, рақамли алоқа ўлчов техникаси	
	4	Йўлдош, уяли алоқа, радиотелефон, пейжинг ва транкинг алоқа усқуналари	
	5	Узатишлар тизимлари коммутацияларининг ўхшаш усқуналари	
	6	Киностудияларнинг махсус усқуналари, тиббий ва микробиология саноати усқуналари	
	7	Компрессор машиналари ва усқуналари	
	8	Насослар	
	9	Юк кўтариш-транспорт, юк ортиқ-тушириш машиналари ва усқуналари, тупроқ, карьер ҳамда йўл-қурилиш ишлари учун машиналар ва усқуналар	
	10	Устун-қозиқ қокитиш машиналари ва усқуналари, майдалаш-янчиш, саралаш, бойитиш усқуналари	15
	11	Технологик жараёнлар учун барча турдаги сизимлар	
	12	Нефть қазиб чиқариш ва бургулаш усқуналари	
	13	Бошка машиналар ва усқуналар	
<b>V</b>		<b>Ҳаракатланувчан транспорт</b>	
	1	Темир йўлнинг ҳаракатдаги таркиби	
	2	Денгиз, дарё кемалари, балиқчилик саноати кемалари	
	3	Ҳаво транспорти	8
	4	Автомобиль транспортининг ҳаракатдаги таркиби, ишлаб чиқариш транспорти	

	5	Енгил автомобиллар	
	6	Саноат тракторлари	20
	7	Коммунал транспорт	10
	8	Махсус вахта вагонлари	
	9	Бошка транспорт воситалари	20
<b>VI</b>		<b>Компьютер, периферия қурилмалари, маълумотларни қайта ишлаш усқуналари</b>	
	1	Компьютерлар	
	2	Периферия қурилмалари ва маълумотларни қайта ишлаш усқуналари	20
	3	Нусха кўчириш-кўпайтириш техникаси	
	4	Бошқалар	
<b>VII</b>		<b>Бошка гуруҳларга киритилмаган асосий воситалар</b>	
	1	Кўп йиллик дов-дарахтлар	10
	2	Бошқалар	15

Солиқ солиш мақсадлари учун ҳар бир кичик гуруҳ бўйича амортизация ажратмалари амортизация нормасини қўллаш орқали, белгиланган энг юқори нормадан ошмаган ҳолда ҳисоблаб чиқилади. Солиқ солиш мақсадлари учун амортизацияни ушбу моддада белгиланганидан пастроқ ва солиқ тўловчининг ҳисоб сиёсатида мустаҳкамлаб қўйилган нормалар бўйича ҳисоблашга йўл қўйилади.

Фойдаланишда бўлган асосий воситалар объектларини оладиган солиқ тўловчи ушбу асосий воситалар объекти бўйича амортизация нормасини мазкур асосий воситалар объектидан аввалги мулкдорлар томонидан фойдаланилган йиллар (ойлар) сонига камайтирилган фойдаланиш муддатини ҳисобга олган ҳолда белгилашга ҳақлидир. Номоддий активлар учун қилинган харажатлар солиқ тўловчи томонидан, уларнинг бошланғич қиймати ва унумли фойдаланилиши муддатидан, лекин солиқ тўловчининг фаолияти муддатидан ортиқ бўлмаган муддатдан келиб чиққан ҳолда, ҳисоблаб чиқилган нормалар бўйича ҳар ойда эскириш тарикасида жами даромаддан чегириб ташланади.

Унумли фойдаланиш муддатини аниқлаб бўлмайдиган номоддий активлар бўйича амортизация нормалари беш йилга, лекин солиқ тўловчининг фаолият муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга мўлжаллаб белгиланади.

Демак, асосий фондларга амортизация ҳисоблаш ва уларни вақти-вақти билан қайта баҳолаш юридик шахсларнинг мол-мулкидан солиқ ундиришда муҳим аҳамият касб этади. Амалиётда бир томондан, корхоналар қайта баҳолашнинг асосий воситанинг энг кам қийматини олиш имконини берадиган усулни қўллашни афзал кўради. Уларнинг нуқтаи назарига кўра, бу нарса мол-мулк солиғи ҳисоб-китобида солиқ солинадиган базани камайтириш имконини беради, бироқ асосий восита қийматининг пастлиги амортизацияга ажратмаларни камайтиради, бу эса, ўз навбатида, солиқ солинадиган фойданинг жиловсиз ўсишига ва, бунинг оқибатида, фойда солиғининг ошишига олиб келади. Бошқа томондан, оборот капиталининг камомади мавжуд бўлган ва солиқ босими салмоқли бўлган бозор иқтисодиётининг шароитида корхоналар уларни қайта баҳолаш чоғида

асосий восита қийматини оширишдан манфаатдор бўлишлари мумкин. Бу ҳолда маҳсулот таннархига киритиладиган амортизация ажратмалари фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган базани камайтиради. Бундан ташқари, улар одатда мол-мулк солигини кўп қарра оширади ва, корхонанинг ҳисобварақларида қолган ҳолда, асосий воситани такрор ишлаб чиқариш ва ўз оборот маблағларини тўлдириш учун ишлатилиши мумкин.

Қайта баҳолаш мол-мулкни ёки унинг бир қисмини сотиш чоғида муҳим, чунки фойда солиғи ва қўшилган қиймат солиғи активнинг сотиш ва баланс қийматлари ўртасидаги фарқдан келиб чиқиб ҳисобланади. Ниҳоят, корхонага кредит бериш, унинг устав капиталини кўпайтириш ёки асосий воситани бошқа корхонанинг устав капиталига киритиш нуқтаи назаридан, асосий восита қийматининг даражаси пасаймаслиги учун ҳам муҳимдир. Бу масалалар ҳам, солиқ солиш тизимидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектларни қизиқтиради.

#### **15.4. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг ставкаси, солиқ имтиёзлари ва солиқни ҳисоблаш тартиби**

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкалари ўзида мазмунан пропорционал(мутаносиб), прогрессив ва регрессив солиқ ставкаларининг хусусиятларини акс эттиради. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси дастлабки вақтларда 2 фоиз қилиб белгиланган бўлса, охириги 15 йиллар давомида унинг даражаси 3-5 фоиз атрофдан тебраниш хусусиятга эга бўлиб келмоқда.

Корхоналарнинг маҳсулот экспорт қилишини мол-мулк солиғи орқали ҳам рағбатлантириш мақсадида уларга табақалаштирилган солиқ ставкалари белгиланган. Бунда солиқ ставкаларини қўллаш тартиби юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи бўйича қўлланиш тартибига ўхшашдир(юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи бўйича қўлланиш тартибига қаранг). шунингдек, ушбу солиқ тури бўйича прогрессив солиқ ставкаси ҳам қўлланиладики, бунда агар корхоналар олиб келинган асбоб-ускуналарни ўз вақтида ўрнатмаса, яъни асосий воситалар ҳисобварағига киримга олмаган тақдирда, бундан ускуналардан самарали фойдаланишга ундаш мақсадида умумий белгиланган ставка (5,0 фоизлик) ставканинг икки баробари миқдорда қўлланилади.

Ушбу ставкалар асосида эса корхоналар бюджетга тўлайдиган мол-мулк солиғи сўммасини ҳисоблайдилар. Мол-мулк солиғи ҳисоблаш эса юқорида келтириб ўтилган солиқ базаси ва унга аниқлаштирилган(қайси солиқ ставкаси қўлланилиш даражаси) солиқ ставкасини қўллаш асосида ҳисоблаб чиқилади. Буни математик ифода кўринишда ифодалайдиган бўлсак қуйидаги кўринишга эга бўлади:

*Мол-мулк солиғи сўммаси(юридик шахс) = (Солиқ солинадиган объектларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати) - (Солиқ солинадиган объектларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати) -(Солиқ солинадиган базадан*

*камайтириладиган мол-мулкларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати) x (Солиқ ставкаси).*

Бу ерда солиқ солинадиган базадан камайтириладиган мол-мулкларнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматини ҳисоблашда қуйидаги мол-мулкларнинг қиймати олинади:

✓ Коммунал хўжалиги объектларининг. Коммунал хўжалиги объектларига қуйидагилар қиради: водопровод тармоқлари (сув чиқариш иншоотлари билан), канализация тармоқлари (тозалаш иншоотлари билан), газ ва иссиқликни тақсимлаш тармоқлари (улардаги иншоотлар билан), коммунал-маиший эҳтиёжлар учун қозонхоналар (шу жумладан асбоб-ускуналар);

✓ маданият ва санъат, таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий таъминот соҳасига қирадиган ижтимоий-маданий соҳа объектларининг;

✓ суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари объектларининг;  
✓ табиатни муҳофаза қилиш ва санитария-тозалаш мақсадлари, ёнғин хавфсизлиги учун фойдаланиладиган объектларнинг. Объектларни табиатни муҳофаза қилиш, санитария-тозалаш мақсадлари ва ёнғин хавфсизлиги учун фойдаланиладиган объектларга киритиш тегишли табиатни муҳофаза қилиш ёки давлат ёнғин назорати органининг маълумотномаси асосида амалга оширилади;

✓ умумий фойдаланишдаги темир йўллар ва автомобиль йўллари, магистраль трубопроводлар, алоқа ва электр узатиш линияларининг, шунингдек ушбу объектларнинг ажралмас технологик қисми бўлган иншоотларнинг;

✓ консервация қилиниши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган асосий ишлаб чиқариш фондларининг;

✓ солиқ тўловчининг балансида бўлган ҳамда тадбиркорлик фаолиятида фойдаланилмаётган, фуқаро муҳофазаси ва сафарбарлик аҳамиятига молик объектларнинг;

✓ шаҳар ва шаҳар атрофидаги йўналишларда йўловчилар ташийдиган шаҳар йўловчилар транспорти ташкилотлари транспорт воситаларининг (автобуслар, трамвайлар, троллейбуслар, метрополитен поездлари);

✓ тузилган шартномаларга мувофиқ юридик шахснинг буюртмаси бўйича ишлар бажариш учун касаначиларга бепул фойдаланишга берилган асбоб-ускуналарнинг (фойдаланиш даврига);

✓ телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-кидирув тадбирлари тизими техник воситаларининг;

✓ кўпи билан ўн йил давомида ишлатиб келинаётган машина ва асбоб-ускуналарнинг ва шу қабилар.

Шу билан биргаликда Солиқ кодекси(269-моддаси)га мувофиқ солиқ имтиёзлари тартибида юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқдан қуйидагилар озод қилинади:соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия



ҳамда ижтимоий таъминот, таълим, маданият ва санъат ташкилотлари; уй-жой-коммунал хўжалиги ва бошқа умумфуқаровий аҳамиятга молик шаҳар хўжалиги корхоналари (уй-жой-коммунал ва бошқа умумфуқаровий аҳамиятга молик шаҳар хўжаликлари жумласига уй-жой фондини бевосита бошқариш, сақлаш ҳамда ундан фойдаланишни амалга оширувчи ташкилотлар, санитария тозалаш ва йиғиштириш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, шаҳарлар ҳамда шаҳарчаларни ташқи ёритиш, водопровод сув олиш иншоотларидан, тақсимланадиган тармоқлардан фойдаланиш ва сувни тақсимлаш, канализация тармоқларидан фойдаланиш газ тақсимланадиган тармоқлардан фойдаланиш ҳамда газни тақсимлаш, қозонхона, иссиқлик тақсимланадиган тармоқлардан фойдаланиш ва коммунал-маиший эҳтиёжларга ҳамда аҳолига иссиқликни тақсимлашни бевосита амалга оширувчи ташкилотлар, хизмат биноларининг хўжалик бошқармалари, ўт ўчириш командалари, уй-жой-коммунал хўжалигининг хўжалик бошқармалари, уй-жой-коммунал хўжалиги ва шаҳар хўжалигининг умумфуқаровий аҳамиятга молик бошқа корхоналари киради); янги ташкил этилган корхоналар — давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборанки йил мобайнида (мазкур имтиёз қайта ташкил этилган юридик шахслар негизда ташкил этилган корхоналарга, шунингдек бошқа корхоналар ҳудудида шу корхоналардан ижарага олинган асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда ўз фаолиятини амалга ошираётган юридик шахсларга нисбатан қўлланилмайди) ва шу каби мол-мулклар.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг солиқ даври календарь йил ҳисобланади. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига йилда бир марта, йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади. Агар кўчмас мулк солиқ тўловчининг солиқ бўйича ҳисобга олиш жойида жойлашмаган бўлса, ҳисоб-китоб кўчмас мулк жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилади. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ Солиқ даври мобайнида солиқ тўловчилар юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича жорий тўловлар тўлайдилар.

Жорий тўловлар миқдорини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ тўловчилар жорий солиқ даврининг 10 январига, янги ташкил қилинганлари эса давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай, давлат солиқ хизмати органларига мўлжалланаётган солиқ солинадиган базадан (тегишли йил учун мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматидан (ўртача йиллик қийматидан) ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган жорий солиқ даври учун юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотномани тақдим этадилар. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича мажбуриятлари солиқ даврида юзага келган солиқ тўловчилар юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси

тўғрисидаги маълумотномани солиқ мажбурияти юзага келган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай тақдим этадилар.

Корхоналар томонидан бюджетга ҳисобланган солиқ сўммаси бўйича жорий тўловлар микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан — юридик шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ йиллик суммасининг тўртдан бир қисми миқдорида йилнинг ҳар чораги учинчи ойининг 25-кунидан кечиктирмай, микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар эса юридик шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ йиллик суммасининг ўн иккидан бир қисми миқдорида ҳар ойнинг 10-кунидан кечиктирмай тўланади.

Солиқ даври мобайнида мўлжалланаётган солиқ солинадиган база ўзгарган тақдирда солиқ тўловчи юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси тўғрисида аниқлаштирилган маълумотнома тақдим этишга ҳақли. Бунда солиқ даврининг қолган қисми учун жорий тўловларга юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг ўзгариш суммасига тенг улушларда тузатиш киритилади. Солиқ даврида тўланиши лозим бўлган юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси жорий тўловлар ҳисобга олинган ҳолда, ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай бюджетга ўтказилади. Солиқ даврида юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича жорий тўловлар суммаси ҳисоб-китобга кўра бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасига нисбатан 10 фоиздан ортиқ камайтирилган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи жорий тўловларни юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб, пеня ҳисоблаган ҳолда қайтадан ҳисоблаб чиқади.

Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бўйича юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда давлат солиқ хизмати органлари томонидан қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезиденти доимий муассасанинг солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига солиқ солинадиган мавжуд мол-мулк тўғрисидаги маълумотномани ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 25 январидан кечиктирмай тақдим этиши шарт. Тақдим этилган маълумотнома асосида давлат солиқ хизмати органи юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси ҳисоб-китобини ўн кун ичида амалга оширади ва тўлов хабарномасини ёзиб беради;

Ўзбекистон Республикасининг кўчмас мулкка эга бўлган норезидентларига кўчмас мулк жойлашган ердаги Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари солиқ тўловчининг ёки кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлари давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг маълумотлари асосида тўлов хабарномасини ёзиб беради.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари томонидан йилда бир марта, солиқ

ҳисоботи давридан кейинги йилнинг 15 февралидан кечиктирмай тўланиши керак.

### **15.5. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ундириш тартиби**

Юридик шахслардан ташқари жисмоний шахслар ҳам мол-мулк солиғи тўловчилари ҳисобланади. Солиқ кодексининг 272-моддасига кўра мулкда солиқ солинадиган мол-мулки бўлган жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл фуқаролари, шунингдек юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ тўловчиларидир.

Агар кўчмас мулк мулкдорининг жойлашган ерини аниқлаш имкони бўлмаса, бу мол-мулк қайси шахснинг эгалигида ёки фойдаланишида бўлса, ўша шахс солиқ тўловчидир. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг солиқ объекти бу Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган уй-жойлар, квартиралар, дала ҳовли иморатлари, гаражлар ва бошқа иморатлар, жойлар, иншоотлар ҳисобланади. Солиқ солишобъектидир.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан белгиладиган солиқ солиш объектларининг инвентаризация қиймати тўловчилар учун солиқ солинадиган базадир. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкни баҳолаш бўйича ваколатли орган томонидан аниқланган солиқ солиш объектининг баҳоси мавжуд бўлмаган тақдирда, мол-мулкнинг қонун ҳужжатлари билан белгиладиган шартли қиймати солиқ солинадиган базадир. Битта жисмоний шахс бир нечта солиқ солиш объекти бўйича тўловчи бўлган тақдирда, солиқ солинадиган база ҳар бир объект бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоблаб чиқилади.

*Солиқдан имтиёзлар.*

Қуйидагиларнинг мулкда бўлган мол-мулкка жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ солинмайди:

1) «Ўзбекистон Қаҳрамони», Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражадаги Шухрат ордени билан тақдирланган фуқароларнинг. Мазкур имтиёз тегишинча «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони дафтarchалари, орден дафтarchаси ёки мудофаа ишлари бўйича бўлимнинг маълумотномаси асосида берилади;

2) уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек доираси қонун ҳужжатлари билан белгиланувчи уларга тенглаштирилган шахсларнинг. Мазкур имтиёз уруш ногиронининг (қатнашчисининг) тегишли гувоҳномаси ёки мудофаа ишлари бўлимининг ёхуд бошқа ваколатли органнинг маълумотномаси асосида, бошқа ногиронларга (қатнашчиларга) эса ногироннинг (қатнашчининг) имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида берилади;

3) ўн нафар ва ундан ортиқ болалари бор аёлларнинг. Мазкур имтиёзни бериш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг болалар борлигини тасдиқловчи маълумотномаси асос бўлади;

4) пенсионерларнинг. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси асосида берилади;

5) I ва II гуруҳ ногиронларининг. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади;

6) собиқ СССРни, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш ёки ҳарбий хизматнинг ёхуд ички ишлар органларидаги хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланганлиги, контузия бўлганлиги ёки шикастланганлиги оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ҳамда ички ишлар органлари ходимлари ота-оналарининг ва бева хотинларининг (бева эрларининг). Имтиёз «Ҳалок бўлган аскарнинг бева хотини (бева эри, онаси, отаси)» ёки «Ички ишлар органлари ҳалок бўлган ходимининг бева хотини (бева эри, онаси, отаси)» штампи қўйилган ёхуд пенсия гувоҳномасини берган муассаса раҳбарининг имзоси ва ушбу муассаса муҳри билан тасдиқланган тегишли ёзувли пенсия гувоҳномаси асосида берилади. Агар мазкур шахслар пенсионер бўлмаса, имтиёз уларга собиқ СССР Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик қўмитаси ёки Ички ишлар вазирлигининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ёхуд Ички ишлар вазирлигининг тегишли органлари томонидан берилган ҳарбий хизматчининг ёки ички ишлар органи ходимининг ҳалок бўлганлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида берилади. Собиқ СССРни, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш ёки ҳарбий хизматнинг ёхуд ички ишлар органларидаги хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида ёки фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ёхуд ички ишлар органлари ходимларининг бева хотинларига (бева эрларига) имтиёз фақат улар янги никоҳдан ўтмаган тақдирда берилади.

Ушбу белгиланган имтиёзлар мулкдорнинг танлашига биноан фақат бир мол-мулк объектига тааллуқли бўлади. Ушбу солиқ имтиёзлари жисмоний шахслар томонидан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган ёхуд юридик шахсга ёки яқка тартибдаги тадбиркорга ижарага берилган солиқ солиш объектларига нисбатан қўлланилмайди.

Иқтисодий ислохотларнинг дастлабки вақтларида жисмоний шахсларнинг мол-мулкдан ундириладиган солиқлар иккита солиқ турига асосан, яъни мол-мулк солиғи ва жисмоний шахслардан олинadиган транспорт солиғига асосида ундирилар эди. Солиқларни унификациялаштириш натижасида кейинчалик, 2002 йилдан бошлаб жисмоний шахсларнинг транспортдан олинadиган мол-мулк солиғидан транспорт воситалари солиқ объектдан чиқарилиб, жисмоний шахслардан

транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ билан бирхиллаштирилди.

Агар, солиқ солиш объектилари жисмоний шахслар томонидан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланилган ёхуд улар юридик шахсга ёки якка тартибдаги тадбиркорга ижарага берилган тақдирда, шунингдек жисмоний шахсларнинг мулкида бўлган яшаш учун мўлжалланмаган жойлар бўйича жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ юридик шахслар учун белгиланган ставка бўйича тўланади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш солиқ тўловчининг яшаш жойидан қатъи назар, солиқ солиш объекти жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг маълумотлари асосида амалга оширилади. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси мол-мулкнинг 1 январга бўлган ҳолатига кўра инвентаризация қийматидан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. Бир нечта мулкдорнинг умумий улушли мулкида бўлган иморатлар, бинолар ва иншоотлар учун жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ мулкдорларнинг ҳар бири томонидан уларнинг ушбу иморатлар, бинолар ва иншоотлардаги улушига мутаносиб равишда тўланади.

Мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи календарь йил мобайнида бир мулкдордан бошқасига ўтган тақдирда, жисмоний шахсларнинг мулкига солинадиган солиқ аввалги мулкдор томонидан шу йилнинг 1 январидан эътиборан у мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини йўқотган ойнинг бошланишига қадар, янги мулкдор томонидан эса унда мулк ҳуқуқи вужудга келган ойдан эътиборан тўланади. Янги иморатлар, бинолар ва иншоотлар бўйича жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ улар барпо этилган йилдан кейинги йил бошидан эътиборан тўланади. Мерос бўйича ўтган мол-мулк учун жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ меросхўрларда мулк ҳуқуқи вужудга келган ойдан эътиборан тўланади.

Солиқ солиш объекти йўқ қилинган, вайрон бўлган, бузиб ташланган тақдирда, жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ундириш мол-мулк йўқ қилинган, вайрон бўлган ёки бузиб ташланган ойдан эътиборан тўхтагилади. Солиқ суммасини қайта ҳисоб-китоб қилиш маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан берилган йўқ қилинганлик, вайрон бўлганлик, бузиб ташланганлик фактини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда, амалга оширилади. Календарь йил мобайнида имтиёз ҳуқуқи вужудга келган (амал қилиши тугаган) тақдирда, жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни қайта ҳисоб-китоб қилиш ушбу ҳуқуқ вужудга келган (амал қилиши тугаган) ойдан эътиборан амалга оширилади. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлаш тўғрисидаги тўлов хабарномаси солиқ тўловчиларга давлат солиқ хизмати органи томонидан

ҳар йили 1 майдан кечиктирмай топширилади. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни солиқ даври учун тўлаш ҳисобот йилининг 15 октябрга қадар амалга оширилади.

#### **Таянч сўз ва иборалар:**

*Мол-мулк, "Дань", даргоҳ, девон, мол-мулк қиймати, асосий фондлар, номоддий активлар, амортизация, асосий фондларни қайта баҳолаш, асосий фондларнинг йиллик ўртача қиймати, солиққа тортиладиган мол-мулклар қиймати, мол-мулк солиғи тўловчилари, мол-мулк солиғи ставкалари, солиқ базани аниқлаш, мол-мулк солиғини ҳисоблаш тартиби, бинолар, иншоотлар, мерос тартибда ўтган мол-мулк, мол-мулкни хатлаш, мол-мулк инвентаризацияси, инвентаризация қиймати.*

#### **Назорат учун савол ва топшириқлар:**

1. Мол-мулкларни солиққа тортишнинг тарихий рвиожланиш жараёнини қисқача изоҳлаб беринг.
2. Мол-мулк тушунчаси в унинг ҳуқуқий ва иқтисодий моҳияти нималардан иборат?
3. Асосий фондлар деганда нима тушунилади?
4. Номоддий активларга қайси активлар киради?
5. Корхоналардан мол-мулк солиғини ундиришда мол-мулкнинг йиллик ўртача қиймати қандай аниқланади?
6. Мол-мулк солиғини юридик шахслар қандай тартибда тўлайди?
7. Юридик шахслардан ундириладиган мол-мулк солиғи қандай ҳисобланади?
8. Асосий фондларни қайта баҳолашнинг моҳияти ва уни ўтказиш тартибини тушунтириб беринг.
9. Жисмоний шахслардан мол-мулк солиғини ундириш тартиби қандай?
10. Жисмоний шахслардан мол-мулк солиғини ундиришда солиқ имтиёзлари қандай қўлланилади?
11. Жисмоний шахслардан мол-мулк солиғини ҳисоблашда мол-мулкнинг инвентаризация қиймати қандай тартибда аниқланади?

## 16-БОБ. ЕР СОЛИГИ

### 16.1. Ер солигининг тарихий ривожланиш жараёни

Таъкидланганидек, ер солиғи солиқларнинг пайдо бўлиши даврдан то ҳозирги кунга қадар энг асосий солиқлардан бири ҳисобланади. Бу солиқ Қадимги Рим, Греция давлатларидан тортиб, Шарқ давлатларидаги қадимги давлатларда ва кейинчалик феодал тузум давлатларида ҳам асосий солиқ тури сифатида ўрин эгаллаган. Масалан Қадимги Римда ер солиғи мавжуд бўлиб, ушбу солиқдан солиқ тушумларини кўпайтириш ва соддалаштириш мақсадида ҳар бир ерларнинг кадастрларини аниқлаш, ҳар бир мол-мулк ва ер эгаларининг декларациялар тошшириш мажбуриятлари жорий қилинган. Аслида солиқ декларациясининг ҳам пайдо бўлиши ерлардан солиқларни ўз вақтида ундириш ҳамда солиқ объектларини тўғри аниқлаш заруратидан келиб чиққан. Чунки, Рим империясига қарашли ўз ерларидан ташқари босиб олинган ерлардан солиқ ундиришнинг мураккаблашиб бориши давлатга қарашли барча ерларни рўйхатга олиш ва уларнинг жойлашуви ҳамда тури(ҳосил берадиган, денгиз бўйларидаги, чўл ва тоғли жойлардаги ерлар) бўйича рўйхатини олиб чиқилган.

Ер солиғи Арабистонда Муҳаммад Пайғамбар даврида ҳам ва ундан кейин ҳукмронлик қилган Умар ибн ал-Хаттоб даврида кенг ривожланди. Умар ибн ал-Хаттоб даврига келиб, давлатчиликнинг тезлик билан ривожланиб бориши шароитида анватан ёки сулҳан истило этилган ерларнинг ҳар иккисига ҳам экинзорлар ҳосилларидан олинадиган хирож солиғи тайин этила бошланди. Аста-секин Араб халифалиги амалиётида хирожнинг уч тури шакллана бошлади: мисоҳа, муқотама, муқосама. Биринчи турдаги солиқ (مِسْحَاة – мисоҳа) олиш тартиби куйидагича бўлган: ишлов берилган ер бир неча қисмга бўлиниб, унинг маълум бир қисмида етиштирилган ҳосил давлатга тўлигича натурал ҳолда солиқ қилиб олинган. Иккинчи турдаги солиқ (مِقَاتِمَا – муқотама) эса қатта ердан фойдаланиш учун бир неча йил олдин, белгиланган пул миқдори билан олинган. Учинчи турдаги солиқ (مِقَاسِمَا – муқосама) ерда етиштирилган умумий ҳосилнинг бир қисми ҳолида давлат фойдасига олинган. Араб-мусулмон давлати бюджетининг юксалишидаги асосий манба ролини ушр (عِشْر – араб тилидан сўзма-сўз: ўндан бир) солиғи ўйнади. Ушр солиғи йиғилган ҳосилнинг (1/10) қисмига тенг. Аксарият манбаларда бу солиқ алоҳида, баъзан хирож солиғининг таркибий қисми сифатида талқин этилади. Ушр солиғи халифа Умар ибн ал-Хаттоб даврида ўзининг аниқ кўринишига эга бўлди. Забт этилган ҳудудларнинг янги динни қабул қилган деҳқонлари ўз экинзорларидан хирож солиғи ўрнига ушр солиғи тўлаганлар. Лалмикор ва ариқлардан суғориладиган ерлардан тўлиқ ушр, қудук, ҳовуз, мешларда суғориладиган ерлардан эса ярим ушр олинган.

Формациялашувнинг феодализм шаклининг пайдо бўлиши ва унинг ривожланиб бориши ер эгаллигининг феодал шаклига ўтиши билан ер солиғи Европа давлатлари жумладан, Франция, Германия, Англия, Италия ва бошқа

даврларда ер солиғини ундириш билан боғлиқ солиқ назариялари ҳам кенг ривожланиб борди. 18-асрнинг ўрталарида Францияда пайдо бўлган ва иктисодий тараққиёт негизи табиат, асосан ер деб ҳисоблаган физиократлар оқими(физиократизм французча physiocrates, грекча φύσις — табиат ва κρίτος — куч, ҳокимияти, ҳукмронлик деган маънони беради) тарафдорлари(Асосан, Ф.Кенэ, О.Мирабо) асосий урғуни ер солиғига эътибор берган. Уларнинг фикрича ягона ер солиғини жорий этиш ва ундириш давлатнинг солиқ сиёсатининг асосий масаласи бўлиши лозим. Унинг фикрича агар фермерлар миллий даромадни яратиб уни истеъмол қилмас экан, у ҳолда солиқ ҳам тўламаслиги керак, миллий даромаднинг табиати уни ким яратса асосий қисмини у реализация қилиш деган ғояни илгари суради. Франциянинг ер билан боғлиқ муаммолари ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг пасайишининг сабаблари сифатида солиққа тортишнинг номақбул усулларининг қўлланилиши, ортиқча солиқ юқининг мавжудлиги, нуфузли товарларнинг ортиқчалиги, суд харажатларининг ортиқчалиги, қишлоқда яшайдиганларнинг иктисодий эркинчилиги, эркин савдо бозорининг йўқлиги, ташқи савдонинг ривожланмаганлиги ҳамда энг муҳимларидан миллий даромаднинг яратувчиларига унинг бир қисмининг қайтиб келмаслигидалиги каби омилларни кўрсатиб таҳлил қилиб беради. Физиократларнинг фикри бўйича Франциядаги феодализм қолдиқлари тугатилиб, фискал (солиқ) тизимни рационализация(оқиланалаштириш), рентадан ягона солиқ олинини жорий қилиш, майда ер участкалари бирлаштирилиб, дон савдосидаги барча протекционистик тўсиқлар бартараф этилиши керак деб ҳисоблаганлар.

Эрамиздан аввалги минг йилликнинг иккинчи ярмида қадимги Ҳиндистон давлатида солиқларни ундириш борасидаги давлат ишлари махсус "Ману қонунлари"да акс эттириб кўйилган. Унда белгилаб қўйиладиги, подшоҳ ўз салтанати учун солиқларнинг жуда кам қисмини олади. Солиқларнинг миқдори эса олтин ва чорва молларининг 2 фоизи, ёғ, буғдой ва асалнинг 12,5 фоизи ҳажмида белгиланган. Ерларнинг олий табақали коҳинларга, оддий деҳқонларга тегишлилиги ва жойлашган жойига қараб солиқлар табақалаштирилган тартибда ундирилган.<sup>145</sup> Эрамиздан аввалиги 2280 - 2270 йилларда Хитойда князлик қилган Юйнинг солиқ ислохотлари ўзига хос хусусиятга эга бўлган. Яъни, ерлар минг бирлик(балки гектар бўлган) ўлчов асосида 9 та маъмурий ҳудудларга бўлинган ҳолда ҳар бир 100 бирлик ерлардан олинган ҳосилларга солиқлар табақалаштирилган ҳолда белгиланган. Масалан, дастлабки, 100 бирлик маҳсулотлари тўлалгича давлат ихтиёрига олинган бўлса, кейинги 100 бирликлар бўйича маълум бир қисмлари солиққа тортилган.<sup>146</sup> Эрамиздан аввалиги IV асрда Хитой марказлашган империясида эса ер солиғини

шу каби давлатларда ҳам асосий солиқ турларидан бири бўлиб келди. Бу

<sup>145</sup> Каранг: Тарасов П. И. Очерк науки финансового права. Введение. Общая часть. Особенная часть. Ярославль, 1883. С. 34.

<sup>146</sup> Каранг: Бичурин Н. Я. Статистическое описание Китайской империи (в двух частях). М.: Восточный дом, 2002. С. 145.

ундириш билан дастлабки ёзув шаклидаги расмий қонун чиқарилиб, бутун мамлакатга тарқатилади ва ер солиғини ундиришда ана шу қонунга асосланган. Бу қонунга кўра ерларнинг унумдорлиги ва солиқ тўловчининг мақомига кўра 2/3 қисмгача ҳосилдан солиқ ундирилган. Солиқларни ундириш ҳуқуқлари эса кўпинча оқсоқоллар кенгашига берилган бўлиб, бу кенгаш солиқларни ундириш билан биргаликда айрим ҳолларда ботқоқлик ва тоғли ерлардан солиқ ундиришда маълум даражада солиқ имтиёзларини қўллаш ҳуқуқига ҳам эга бўлган.<sup>147</sup>

Милоддан аввалги VI-III асрларда Хитойда пайдо бўлган. "Легист" оқими намояндаси бўлган. Шан Яннинг фикрича, давлат равнақи учун икки масалани хал этиш зарур: дон ва уруш (атрофдаги ерларни босиб олиш), деҳқонлар рўйхатини ўтказиш, қонун йўли билан йиғилган дон миқдорига боғлиқ ягона солиқ тизимини киритишни тақлиф этади. Аҳолини деҳқончилик билан шуғулланишга, меҳнат қилишга мажбур этишда солиқлардан унумли(яъни, восита сифатида) фойдаланиш зарурлиги айтилади. Хитойлик олим «Гуан-Цзи» (м.а. IV а.) ўз асаридида ҳам хўжаликни давлат томонидан тартибга солиш ва усуллари ҳақида фикр билдириб, легистлардан фарқли равишда давлат товар-пул муносабатларини чекламаслиги, давлат хўжалигини барқарор сақлаш учун товарлар баҳоларини ушлаб туриш лозимлиги, «Ерни бошқариш» учун давлат ернинг табиий хусусиятларини яхши билиши кераклиги, ер майдонлари нисбатан текис тақсимланиши зарурлиги, деҳқонларни иш қизиган даврда бошқа юмушларга жалб этмаслик, солиқ тизими шароитига қараб (ер унумига боғлиқ равишда) бўлиш тақлиф этилган. Унинг фикрича давлат деҳқонлардан солиқ ундиришда аввало ернинг *кадастри*ни тузиш лозим, ана шундагина адолатли солиқ ундирилади деган ғояларни илгари суради. Солиқларни ундиришда аниқ ҳисоб-китобларга асосланиш лозимлиги таъкидланади. Асарда ер ва сув (тоғ ва денгиз) ларни давлат ихтиёрига ўтказиш ва улардан даромад йўлида фойдаланиш, баҳоларни тартибга солиш йўли ва бошқа кўпгина иқтисодий ғоялар илгари сурилади.

X-XII асрларда Хитойда ҳукмронлик қилган Сун сулоласи даврида солиқларни ундириш тартиблари анча такомиллаштирилди. Ерлар император, катта амалдорлар ва ҳарбийлар ўртасида тақсимлаб берилиб, ердан фойдаланувчи деҳқонлар эса давлатга ва ер эгасига рента тўлаб келган. Асосий солиқ тури "икки маргалик йиғим" деб номланган йиғим бўлиб, ушбу йиғим доим ошиб борган. 1070- 1076 йилларда Хитойда ўша пайтда давлат бошлиғи бўлган Ван Аньши томонидан давлатда катта ислохотлар ўтказиб унда ерларни ўлчаш ва солиқларни ундириш тизимига ҳам катта ўзгартиришлар киритилди. Бу унинг томонидан жорий қилинган "Янги қонунлар" деб аталувчи концепциясидан ўрин олади. Илгари солиққа

<sup>147</sup>Қаранг: Зиновьева Е. М. "Центр" и "места" в политической культуре традиционного Китая // Традиции в общественно-политической жизни и политической культуре КНР / Отв. ред. М. Л. Титаренко, Л. С. Переломов. М.: Наука, 1994. С. 203.

тортишнинг жисмоний меҳнат билан ишлаб бериш шаклидаги солиқундириш тартиби пул шаклида ундириш шаклига ўтказилди. 1200 йилларнинг бошларида Хитойнинг Муғуллар томонидан босиб олинishi ва унга қарши кураш олиб борган Чжу Юаньчжана ҳукмдорлиги вақтида ҳам солиқ тизими анча ривожлантирилди. Бу даврларда бўз ерларга ишлов берган деҳқонларга солиқ имтиёзлари жорий қилинди, уларга давлат томонидан кредитлар ажратиш тартиблари жорий қилинди ёки илгариги солиқлардан қарзларидан воз кечилди. Бу вақтларда ер ва жон бошига солиқлар катта роль ўйнади. Солиқ ундиришни адолатли амалга ошириш мақсадида 1370 йилдан бошлаб ерларнинг рўйхати тузилди ва уларнинг кадастрлари ишлаб чиқилди ва бу "Сарик реестр" деб номланди. 1387 йилда эса бутун Хитойда ягона ерларнинг реестри яратилди ва хитой тилида "рибичейшўйча-того" деб номланди. Ушбу ҳужжатда ҳар бир ерга бириктирилган деҳқонлардан ундириладиган солиқлар аниқ қилиб белгилаб қўйилди. Феодал хўжалик даврида Осиёда солиқларнинг ривожланиши Усмонлик империясида ҳаманча шакллантирилди. XV асрнинг охирига қадар Усмонлик империясида ерлар давлатга қарашли бўлган. Ерларни ягона тақсимловчи шахс султоннинг ўзи бўлган асосий ерлардан ундирилган(айниқса босиб олинган Европа давлатларидаги ерлардан) солиқлар шахсан султоннинг газнасига жалб қилинган. Усмонлик империясининг амал қилган вақтларида солиқларни ундириш тартиблари ҳам ўзгариб борди. Қишлоқ хўжалигидан солиқларни ундиришда феодал рентани ундиришнинг учта шакли ривож топди. Булар ишлаб бериш, маҳсулот ҳамда пул шаклида рента ундириш эди. Буларнинг ичида маҳсулот орқали рента солиғини тўлаш кенг ривожланди. Деҳқонлар олинган ҳосилнинг ўндан бир қисми микдориди(бача ҳосил ва чорва молларнинг ҳам, ҳатто ем-хашақлардан) солиқ тўлаш лозим бўлган. Бундан ташқари аҳоли ер эгаларига ҳарбий мақсадлар учун алоҳида "авориз" деб номланувчи солиқларни ҳам тўлаган.

Қадимги Русь давлатида, айниқса Олтин Ўрда ҳукмронлиги вақтида барча ерлар, аҳоли ва чорва моллари рўйхати тузиб чиқилган ва ерларнинг кадастри ҳам алоҳида ишлаб чиқилган. Солиқларни ундиришда икки хил бошқарувлик, бир томондан баскаклар томонидан солиқлар ундирилган бўлса, маҳаллий князлар томонидан ҳам солиқлар ундириб борилган. Кейинчалик баскаклар томонидан асосий солиқлар-савдо солиғи, ер солиғи, жон бошидан олинладиган солиқ, ишлов берилмаган ерлардан олинладиган солиқлар, бож тўловлари ҳамда ҳарбий мажбуриятдан озод қилинганлик учун солиқлар ундириб борилган.

## **16.2. Ватанимизда амал қилган давлатчилик ва чет эл боқинчиликлари даврида ер солиғини ундиришнинг хусусиятлари**

Ватанимизда қадимда ва ўрта асрларда амал қилган давлатчилик ва боқинчиликлар (Эрон, Македония, Араб, Муғул, Чор Россия боқини) даврида ҳам ер солиғи асосий солиқлардан бири бўлган. Бақтрия давлатида Аҳамонийликлар ҳукмронлик даврларида давлат хазинасига турли хил

маҳсулотлардан солиқлар ундириш жорий қилинган. Ерлар бир неча табақаларга бўлинган бўлиб, улардан олинadиган солиқлар ҳам табақалаштирилган ҳолда ундирилган. Солиқлар асосан натура шаклида ва қисман пул шаклида ҳам қабул қилинган. Милоддан аввалги II-I асрларда қадимги Фарғона давлатида, Милоддан аввалги II-I асрларда минтақанинг Бактрия қисмида пайдо бўлган Тохаристон давлатида, Кушон давлатида ҳам пул ислохотлари ўтказилиб, муомалага олтин тангаларни критик орқали ташқи савдо алоқалар ривжлантирилган. Шунга асосланган ҳолда аҳолидан олинadиган ва ташқи савдони амалга оширишдан олинadиган солиқлар ҳам натура ҳам пул шаклларда ундириб келинган. Кушонлар давлатидан сўнг уларнинг ўрнига келган Эфталитлар давлатида ҳам ер солиғи ва хунармандчилик солиқлари асосий солиқлардан ҳисобланган. Сомонийлар давлати Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Ануштегинийлар ҳукмронлиги вақтларида ҳам ер солиғи ундириб келинган. Юртимизда XIII-асарнинг 20 йилларидан тортиб то 1370 йилларгача ўз ҳукмронлигини ўрнатган Чингизхон истилоси даврида муғуллар томонидан солиқ даврда деҳқонлардан ундириладиган "Калон" солиғи ҳосилнинг 1/10 қисми сифатида ундирилган.

Солиқларни ундириш тизими Амир Темур ва Темурийлар даврида ўзига хос тартибда ривожланиш хусусиятига эга бўлди. А.Темур ҳукмронлиги даврида давлатнинг бошқарув тизими икки бўғинга, яъни Даргоҳ ва Девонларга бўлинган. Давлатнинг молиявий ва солиқларни ундириш билан боғлиқ ишларни Мулкчилик ва солиқ ишлари вазири ҳамда Молия вазири томонидан ташкил этилган. Мулкчилик ва солиқ ишлари вазирилиги турли сабабларга қўра эгасиз қолган мол-мулкларни рўйхатга олиш, уларни тақсимлаш, савдогарларда закот ва бож тўловларни олиш, жорий қилинган солиқларнинг ҳисобини юртиш ва уни ундириш ишларини ташкил этиш, мамлакат чорвалари яйловзор ва майзозор ерларни бошқариш, улардан тушадиган даромадларни ҳисобга олиш, мулкчилик бўйича меросхўрлик мақомларини белгилаш масалалари билан шуғулланишган. А.Темур давлат бошқаруви даврида солиқларни ундириш масаласини доим ўзининг назоратида олиб борган, сабаб солиқларнинг ошиши раиятнинг норозилиги ва унинг заифлашувига олиб келади ва ўз навбатида давлатнинг куч-қудратига салбий таъсир этади деб ҳисоблаган. Ер солиғини ундиришда эса табақалаштирилган ёндошув амал қилган. Агар, солиқ тўловчи-ер эгаси бирон саҳрони обод қилса ёки қориз (ер ости иншооти) қурса, бирон боғ кўқартирса, ёхуд биронта хароб бўлиб ётган жойни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч қандай ўлпон олинмаган. Иккинчи йили раият уз розилиги билан берган маблағлар солиқ сифатида ҳисобга ўтаверган. Фақат фаолиятнинг учинчи йилидан солиқ қонун-қондасига мувофиқ улардан хирож йиғилган.

Хирож солиқлари экиндан олинган ҳосил ва ерларнинг унумдорлигидан келиб чиққан ҳолда олинган. Агар ерлар лалмикор ерлар тоифасига кирган бўлса, унда ҳосилнинг 1/4 қисми миқдорда солиқ

ундирилган. Солиқлар пишиб етилмагунча солиқ олиш таъқиқланган, агар солиқ тўловчи ўзи солиқларни ҳисоблаб ғазнага тўласа, у ҳолда солиқ тўловчилар юборилмаган. Солиқлар бўйича имтиёзларнинг қатъий амал қилиши эса бозорларда маҳсулотлар нархининг камайишига ва пулнинг қадрининг ошишига олиб келган. Шунингдек, мадрасадаги талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида эса мадрасаларга ажратилган вақф ерлардан солиқ ундиришни А.Темурнинг ўзи қатъий маън қилган ва бир чақа ҳам солиқ давлат ғазнасига келиб тушмасин деган буйруқ берган. Булардан кўринадики, А.Темур солиқ сиёсатининг адолатли ундирилиши тарафдори бўлган ва унинг амал қилинишини қатъий назорат қилиб борган.

Бухоро Амирлигида давлатнинг молия-ҳазина ишларини, шунингдек, солиқлар ундирилишиустидан назоратни девонбегилар томонидан олиб борган. Амирга тегишли мол-мулк ва келиб тушган солиқ тушумларнинг ҳисобини "Мушриф" лавозимидаги шахслар томонидан амалга оширилган. Мамлакатдаги барча ерлар хон (амир)га тегишли бўлган. Бухорода ер-сув мулкчилигининг уч шакли мавжуд эди бўлган, яъни, давлат ерлари (бу амлок ерлар деб ҳам аталган); мулк ерлари (хусусий); ва вақф ерлари. Давлат ерларининг бир қисми деҳқонларга фойдаланиш учун берилган, бир қисми йирик ер эгаларига, ҳукмрон сулола аъзоларига, йирик давлат мансабдорларига суюрғол сифатида берилган. Мулк ерларининг бир қисми давлат хизмати билан боғлиқ бўлмаган шахсларга, иккинчи қисми давлат хизмати билан боғлиқ (масалан, жасорат кўрсатганларга) шахсларга тегишли бўлган. Амирликда солиқларнинг манбалари асосан ерлар олинadиган солиқлар, хунармандлардан олинadиган солиқлар, савдо сотиқ ишларидан ҳамда турли хил божлар ва махсус йиғимлар ташкил этган.

Хива хонлигида ҳам иш юритиш тартиблари, бошқарув механизмлари ва ерларга эгалик турлари ҳам Бухоро амирлигидаги жараёнларга ўхшаш бўлган, шу билан биргалкида айрим ўзига хос хусусиятларга ҳам эга бўлган. Хива хонлигида ҳам ер асосий бойлик ҳисобланган. Бухоро амирлигидаги каби улар эгалик шаклига қўра уч гуруҳга бўлинган: давлат ерлари (амлок), шахсий мулк (хусусий ерлар), вақф ерлари. Бирок, ер эгалиги Бухоро хонлигидаги бир қанча фарқ киларди: Хон ва унинг қариндошлари барча ерларнинг деярли ярмига эгалик қилишган. Қолган ерлар давлат ихтиёрига олинган (вақф ерларидан ташқари). Давлат ва хусусий ерлар деҳқонларга ижарага берилган. Деҳқонлар олган ҳосилнинг ярмини ижарага тўлаганлар ва шу сабабдан уларни "яримчилар" деб ҳам аташган. Бу даврларда Хива хонлигида ерлардан -салғут солиғи ундирилган.

Қўқон хонлигидаги ҳокимиятни бошқарув тартиблари Бухоро ва Хива хонлиқларидан деярли фарқ қилмаган. Қўқон хонлигида ҳам ерга эгалик шакли уч турда: амлок, хусусий, вақф ерлари шаклида бўлган. Ерларнинг асосий қисми давлатга қарашли бўлган-амлок ерларни хоннинг шахсан ўзи тасарруф этган. Амлок ерлар деҳқонларга ижарага берилган. Ернинг бир қисмига эса хусусий кишилар эгалик қилган. Мулкларнинг кўпчилиги 30-60

сотихгача бўлган. Хусусий ер эгаларининг олган ҳосилининг бирдан бешдан бир қисмини солиқ сифатида ундирилган.

XIX асрнинг 50 йилларидан кейин Ўрта Осиёга Чор Россиясининг босқинчилик ҳаракатлари кучайиб борди ва 70 йиллардан бошлаб уларнинг тўла ҳукмронлигининг бошланиши бошқа соҳалар сингари Амирлик ва Хонликлар даврида амалда бўлиб келган солиқлар тизими деярли тубдан ўзгартирилди, бунда солиқларнинг сони ортиши, айримларининг бекор қилиниши билан бирга солиқ ставкаларининг миқдори ҳам ортиб бориши ҳисобига рўй берди. 1986 йилда Туркистон ўлкасини бошқаришнинг тартибларини ўз ичига олган ва қонун кучига эга бўлган "Низом"ни жорий этиб, унда барча иктисодий тартиблар кўзда тутилган эди. Унга кўра, барча ерлар давлат ерлари деб эълон қилинди. Маҳаллий халқнинг ғазабини жиловлаш мақсадида уларга ерлар мерос тартибида бериш амалиёти жорий қилинди, аммо бунинг замирида ерлардан катта солиқлар олиш ҳисобига маҳаллий халқни тутқунликда ушлаб туриш сиёсати турган эди.

Ерга эгалик қилувчилар сонини оширишни амалга оширгандан сўнг Чор Россиясининг деҳқонларга ер ажратишининг асл моҳияти, ўтрок маҳаллий аҳолига ажратиб берилган ерларни жамоа ва қишлоқларга бириктириш орқали солиқ тўлашнинг "доиравий шакли" деган тартиб жорий қилиндики, унга кўра солиқ бирлиги қилиб илгаридек, алоҳида олинган хўжалик, ҳовли эмас, балки жамоа ва қишлоқ белгилаш орқали ерлардан ундириладиган солиқларга жавобгарликни жамоалаштириш сиёсатини амалга оширишга қаратилган эди. Ер солиғи бўйича қарздорларнинг маъсулиятини бошқа бой кишиларга ўтказилиш амалга оширилди. Тартиб белгилаб қўйилдики, солиқ ундирувчилар томонидан солиқ қарзини ўзлари тўлашга рухсат қилинди, бу орқали бир томондан кейинги ҳолатларда тўланган солиқлар ҳисобига қўшимча равишда маблағ ундириш(судхўрликка ўхшаган) ҳамда ер эгаларининг тобеллиги ошириб борилди. Ер солиғини ундиришда аста секин унинг ставкасини ошириш сиёсати амалга оширилди. 1870-1890 йилларда ер солиғи икки мартага оширилган бўлса, 1890 йилларнинг охирида ер солиғидан тушган тушум 4 млн. сўм бўлган ҳолда, у 1916 йилга келиб қарийиб 40 млн. сўмни ташкил этган, яъни солиқ юки деярли 10 мартага оширилган. 1869-1896 йиллар давомида Чор Россияси хазинаси учун ўлкадан олинган умумий даромадлар 160 млн. сўмдан ошган. 1905-1910 йиллар оралиғида хўжалик ва оилаларни рўйхатга олиш натижасида солиқ ставкаси 70 фоиздан 6 марта даражагача оширилди. Солиқ тушумларининг ҳажмини ошириш мақсадида Туркистон Ҳисоб палатаси томонидан солиқ тўловчилар сони ва уларнинг иктисодий имкониятларини аниқлаш мақсадида аҳолининг мол-мулки, ер участкалари ҳам аҳоли сони рўйхатдан ўтказилиб, улар бўйича кадастр ишлаб чиқилган. Чунки, Чор ҳукумати Туркистон губебенаторлиги олдига бошқа масалалар қатори йиллик солиқ тушумларини кўпайтириш ва олинган даромадларни Чор ҳукумати ихтиёрига юбориб туриш вазифасини ҳам қўйган эди.

Собиқ иттифок даврида "Янги иктисодий сиёсат" даврини қамраб олган 1922-1929 йилларда ҳам солиқ тизимига бир қанча ўзгартиришлар киритиб борилди. Айниқса, бу вақтда қишлоқ хўжалигидан ундириладиган солиқлар қайта такомиллаштирилди. 1921 йилда натурал солиқлар бўйича 2 та йирик декрет қабул қилинди ва қишлоқ хўжалиги учун картошка, нон ва ёғ маҳсулотларига алоҳида натура солиғи киритилди. Шу билан биргаликда ҳам натура, ҳам рубль шаклида ундириладиган ягона ер солиғи ҳам жорий қилинди. Ер солиғи унинг ставкалари вақти-вақти билан ўзгартирилиб борилди ва бу солиқ иттифокнинг емирилганига қадар амал қилиб келди.

### 16.3. Ер солиғининг бюджет тизимида тутган ўрни ва солиқ тўловчилари

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1993 йил 6 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Ер солиғи тўғрисида"ги қонуни<sup>148</sup> билан жорий қилинган. бу қонунга кўра ер солиғини жорий этиш ва уни ундиришда унинг миқдори ушбу ер участкасининг сифати, қандай жойдалиги ва сув билан қандай таъминланганлигига қараб белгиланади. Ўз мулкида, эгалигида ёки фойдаланишида ер участкалари бўлган юридик ва жисмоний шахслар ҳар йили ер солиғи тўлайдиган бўлдилар. Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг қарорига биноан ижарага ер участкалари олган юридик ва жисмоний шахслар ер солиғи ўрнига маҳаллий бюджетга ижара ҳақи тўлайдилар, унинг миқдори томонларнинг келишуви бўйича, лекин қонун ҳужжатларида назарда тутилган ер солиғининг бир ставкасидан кам ва уч ставкасидан кўп бўлмаган миқдорда, ерлардан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланилганда бир ставкаси миқдорда белгиланди. Кимнингдир мулкида, эгалигида ва фойдаланишида бўлган ҳар бир ер участкаси учун ер солиғи ставкаларининг миқдорлари ер участкасининг сифати, қандай жойдалиги ва сув билан қандай таъминланганлигига қараб табақалаштирилган ҳолда жорий қилинди.

Бу даврларда ер солиғини ундириш тартиблари ва механизмлари такомиллаштирилиб борилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 октябрдаги ПФ-2086-сон «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони<sup>149</sup> асосан Республикада қишлоқ хўжалиги экинзорларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг пировард меҳнат натижаларидан иктисодий манфаатдорлигини кўчатириш ҳамда солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва бир хил қилиш мақсадида, 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғи

<sup>148</sup> Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 24 апрелдаги 397-I-сон «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган.

<sup>149</sup> Мазкур Фармон Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 17 июндаги ПФ-4116-сонли «Солиқ имтиёзлари тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартишлар киритиш ҳамда баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги Фармони<sup>149</sup> асосан ўз кучини йўқотган.



жорий этилди. Мазкур фармонга асосан қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари қўйидаги умумдавлат ва маҳаллий солиқларни яъни даромад (фойда) солиғи, қўшилган қиймат солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, мол-мулк солиғи, ер солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ва бошқа маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ўрнига фақат ягона ер солиғини тўлайдилар. Ер солиғининг жами бюджет даромадларидаги улуши унчалик катта улушни эгалламайди. Агар, ер солиғи тўловчилари сони 2007 йилда 161265 тани ташкил этган бўлса, 2010 йилда уларнинг сони 93031 тага тушиб қолган, яъни, 7000 яқин солиқ тўловчига камайган. Шу билан биргаликда ер солиғи таркибида ягона ер солиғи тўловчилари ҳисобланган фермер хўжаликларига солиқ имтиёзларининг берилиши ва уларнинг ўзаро оптималлашиб бориши (йириклашуви) оқибатида солиқ тўловчилар сонининг камайишига олиб келган. Аммо, уларга ер бириктирилган ер участкалари сони қисқармаган. Бутун дунёда ер участкаларига солиқ солиш прогрессив характерга эга. Чунки, солиқлар тикланмайдиган ресурслардан самарали фойдаланиш ва уларга эҳтиёткорлик асосида ёндошишга ундайди. Бундан ташқари ерлар кадастр усули бўйича солиққа тортиладиган, бу усулда солиқ тушумлари ер участкаларидан олинган даромадлилик даражасига боғлиқ эмас. Мазмунан олиб қараганда ер солиғи тўловларидан тушган маблағ энг аввало ерларни муҳофаза қилишни яхшилашга, ерларнинг унумдорлигини оширишга, ирригация ва мелиорация ишларига, ерга эгалик қилувчилар ва ердан фойдаланувчиларни, шу жумладан ижарачиларни рағбатлантиришга, ер тузиш ишларини ташкил этишга, Давлат ер кадастри юритиш ва худудни ижтимоий ривожлантиришга сарфланадиган, яъни ҳозирги кунда ягона ер солиғи Молия вазирлиги ҳузуридаги "Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фонди" орқали қайд этилган мақсадларда сарфланадиган, бу жиҳатдан олганда ер солиғи нисбатан мақсадли йўналтирилган солиқлардан бири саналади.

Амалдаги Солиқ кодексига (278-модда) кўра ер участкаларидан фойдаланганлик учун бюджетга тўловлар ер солиғи ёки ер учун ижара ҳақи тариқасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ижарага берилган ер участкалари учун тўланадиган ижара ҳақи ер солиғига тенглаштирилади. Ер участкаларини ижарага олган юридик шахсларга юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ставкалари, юридик шахслардан олинадиган ер солиғини тўловчилар учун белгиланган имтиёзлар, солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби татбиқ этилади. Юридик шахслар мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида фойдаланиладиган ер участкалари учун ер солиғи тўлайдилар. Маълумки ер солиғи таркибий жиҳатдан юридик шахслардан олинадиган ер солиғи, жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи ҳам қишлоқ хўжалиги

корхоналари тўлайдиган ягона ер солиғидан иборат. Шу боисдан ҳам қуйида ана шу тартибда солиқ ундириш тартибларини ёритамиз.

#### **16.4. Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи объекти, солиқ базаси ва солиқ имтиёзлари**

Солиқ кодексининг 279-моддасига мувофиқ мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлган юридик шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари ер солиғини тўловчиларидир. Агар, кўчмас мулк ижарага берилган тақдирда, ижарага берувчи ер солиғини тўловчи бўлади. Ер участкасидан бир нечта юридик шахс биргаликда фойдаланган тақдирда, ҳар бир юридик шахс ер участкасининг фойдаланилаётган майдонидаги ўз улуши учун ер солиғини тўловчидир.

Шу билан биргаликда нотижорат ташкилотлар (агар, тадбиркорлик фаолияти амалга оширилган тақдирда, нотижорат ташкилотлар тадбиркорлик фаолиятида фойдаланилган ер участкалари бўйича ушбу бўлимда назарда тутилган тартибда ер солиғи тўловчилари ҳисобланади), солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибида солиқ тўлайдиган солиқ тўловчилар (ягона ер солиғи тўловчилар бу тоифага кирмайди) ер солиғининг тўловчилари ҳисобланмайди.

*Юридик шахслардан олинадиган ер солиғининг объекти* бу-мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида юридик шахсларда бўлган ер участкаларидир.

Аммо, қуйидагиларга солиқ солиш объекти сифатида қаралмайди: аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлар (майдонлар, кўчалар, тор кўчалар, йўллар, суғориш тармоғи, соҳил бўйи ерлари ва бошқа шу каби ерлар); аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш ва дам олиши учун фойдаланиладиган ерлар (дарахтзорлар, боғлар, сайилгоҳлар, хиёбонлар, шунингдек ариқ тармоқлари эгаллаган ерлар); коммунал-маиший аҳамиятга молик ерлар (дафн этиш жойлари, маиший чиқиндиларни йиғиш, қайтадан ортиш ва саралаш жойлари, шунингдек чиқиндиларни зарарсизлантириш ҳамда утилизация қилиш жойлари ва бошқа шу каби жойлар) ва захира ерлар.

*Юридик шахслардан олинадиган солиғининг базаси* солиқ объекти сифатида белгиланган ва Солиқ кодексига асосан солиқ солинмайдиган ер участкалари майдонлари чегириб ташланган ҳолдаги умумий майдони ҳисобланади. Агар, ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи йил мобайнида солиқ тўловчига ўтган бўлса, ўша ер участкалари учун солиқ солинадиган база ер участкаларига тегишли ҳуқуқ вужудга келганидан кейинги ойдан эътиборан ҳисоблаб чиқарилади. Ер участкасининг майдони камайтирилган тақдирда, солиқ солинадиган база ер участкаси майдони камайтирилган ойдан эътиборан камайтирилади.

Юридик шахсларда ер солиғи бўйича имтиёз ҳуқуқлари вужудга келган тақдирда, солиқ солинадиган база ушбу ҳуқуқ вужудга келган ойдан эътиборан камайтирилади. Ер солиғи бўйича имтиёз ҳуқуқи бекор қилинган тақдирда, солиқ солинадиган база ушбу ҳуқуқ бекор қилинганидан кейинги ойдан эътиборан ҳисоблаб чиқарилади.

Солиқ қонунчилига кўра *юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича солиқ имтиёзлари* асосан икки хил тартибда: юридик шахсларнинг ўзларини солиқ тўлашдан тўла озод этиш ва ер участкаларини солиқдан озод этиш(солиққа тортмаслик) тартибда белгилангандир.

*Ер солиғини тўлашдан озод қилинадиган юридик шахслар:*

1. маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ташкилотлари — ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни амалга оширишда фойдаланадиган ер участкалари учун;

2. ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон чернobilчилари» ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941—1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари ташкил қилган юридик шахслар, (савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслардан ташқари);

3. ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектлари(юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайтадан бошланган тақдирда, ушбу имтиёз қўлланилмайди ҳамда солиқ суммаси имтиёз қўлланилган бутун давр учун тўлиқ миқдорда ундирилади);

*Солиқдан озод қилинадиган(солиққа тортилмайдиган) ер участкалари:*

соғломлаштириш аҳамиятига молик ерлар, рекреация аҳамиятига молик ерлар, тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар, сув фонди ерлари, электр узатиш линиялари, уларнинг подстанциялари ва иншоотлари эгаллаган ерлар, умумдавлат алоқа линиялари эгаллаган ерлар, маданият, таълим ва соғлиқни сақлаш объектлари эгаллаган ерлар, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари эгаллаган ерлар, умумий фойдаланишдаги темир йўллари, шаҳар электр транспорти йўллари ва метрополитен линиялари, спорт ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш мажмуалари, оналар ва болаларнинг дам олиш ҳамда соғломлаштириш жойлари, дам олиш уйлари ҳамда ўқув-машқ базалари эгаллаган ерлар, аҳоли пунктларининг сув таъминоти ва канализация иншоотлари эгаллаган ерлар, магистрал нефть ва газ қувурлари эгаллаган ерлар; магистрал иссиқлик трассалари эгаллаган ерлар, самолётларнинг учуш-қўниш майдонлари, ерда бошқариш йўлкалари ва тўхташ жойлари, фуқаро авиацияси аэропортларининг радионавигация ва электр-ёритиш ускуналари эгаллаган ерлар, Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига

киритилган объектлар қурилиши учун ажратилган ерлар(норматив қурилиш муддати даврида), консервацияга қўйилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинган объектлар эгаллаган ерлар (уларнинг консервацияси даврида), гидрометеорология ва гидрогеология станциялари ҳамда постлари эгаллаган ерлар, юридик шахс балансида бўлган ва хўжалик фаолиятида фойдаланилмайдиган фуқаро муҳофазаси ҳамда сафарбарлик аҳамиятига молик алоҳида жойлашган объектлар эгаллаган ерлар, ихота ўрмон дарахтзорлари эгаллаган ерлар, қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун янги ўзлаштирилаётган ерлар (уларни ўзлаштириш ишлари бажариладиган даврда улар ўзлаштирилган вақтдан эътиборан беш йил мобайнида), мелиорация ишлари амалга оширилаётган мавжуд суғориладиган ерлар (ишлар бошланганидан эътиборан беш йил муддатга), янги барпо этилаётган боғлар, токзорлар ва тутзорлар эгаллаган ерлар (дарахтларнинг қатор ораларидан қишлоқ хўжалиги экинларини экиш учун фойдаланилишидан қатъи назар, уч йил муддатга), илмий ташкилотларнинг қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик ва ўрмон фондидаги ерлари ва шу кабилар қиради. Бундай тартибда солиқ имтиёзларини қўллаш бўйича ўзига хос тартиб ва қоидалари(шартлари) мавжуд бўлиб, бу ҳолатлар Солиқ кодексининг 282-моддасида батафсил ақс этирилган бўлиб, ушбу манбага қараш тавсия қилинади. Таъкидлаш жоизки, агар, берилган ер участкалари белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган бўлса бундай ерларга солиқ имтиёзлари қўлланилмайди.

#### **16.5. Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича солиқ ставкалари ва солиқни ҳисоблаш тартиби**

Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ставкасини белгилаш бошқа солиқлардан фарқли равишда ўзига хос хусусиятга эга. Бунинг ўзига хослиги шундаки солиқ ставкаси ер участкасининг жойлашган жойи, ернинг таркибий тузилиши(унумдорлиги), фойдаланиш мақсади(қишлоқ хўжалиги мақсадида ёки ишлаб чиқариш мақсадида шу каби), ер участкалари жойлашган жойларда коммуникациясининг даражаси(масалан, Тошкент шаҳри, вилоят марказлари, йирик шаҳарлар) ва шу кабиларга қараб белгиланишидир. Буни эса қуйидаги мезонлар бўйича гуруҳлаш мумкин.

1- Мезон. Қишлоқ хўжалига яроқли суғориладиган ерларга нисбатан базавий ставкалар. Бунда Республика туман(шаҳар)лари бўйича 1 класс бўйича 1 гектарига қатъий сўмда солиқ белгиланган. Масалан, 2015 йилда Жиззах вилоятининг Янгиобод туманида энг паст ставка 1 гектарига 6 364,7 белгиланган бўлса, Самарқанд вилоятининг Ургут туманида энг юқори солиқ ставкаси белгиланган, яъни, 1 гектарига 28 365,1 сўмни ташкил этади.

2-Мезон. Қишлоқ хўжалига яроқли суғориладиган ерларга нисбатан базавий ставкаларга тузатувчи коэффициентларни қўллаш. Бунда ерларнинг класслар бўйича уларнинг балл бонитетидан келиб чиқиб

тузатувчи(оширувчи) коэффициентлар белгиланган. Бундай йўналишдаги солиқ ставкалари 2015 йил учун қуйидагича белгиланган:<sup>150</sup>

Ер класслари	Балл бонитети	Коэффициентлар (базавий ставка)
I	0 — 10	
II	11 — 20	1,50
III	21 — 30	2,25
IV	31 — 40	3,29
V	41 — 50	4,67
VI	51 — 60	6,78
VII	61 — 70	9,00
VIII	71 — 80	11,68
IX	81 — 90	14,36
X	91 — 100	17,50
	Баҳоланмаган ерлар	4,67

3-Мезон. Суғорилмайдиган пичанзор ва яйлов жойлар учун солиқ ставкалари. Бунда вилоятлар кесимида чўл, адир ва тоғли жойлар бўйича 1 гектар ер учун солиқ ставкалари қатъий сўмда белгиланган.

4-Мезон. Лалмикор шудгорли, бўз ерлар ва қўп йиллик қўчатзор ерлар учун солиқ ставкалари. Бунда солиқ ставкалари вилоятлар кесимида текислик, адир, тоғли ва тоғолди зоналарга ажратилган ерларнинг 1гектарига солиқ ставкалари қатъий сўмда солиқ ставкалари белгиланган.

5-Мезон. Кишлоқ хўжалик ва ўрмончилик ишлаб чиқаришида фойдаланмайдиган бошқа ерларга солиқ ставкалари. Бундай тартибда белгиланган солиқ ставкалари сув ҳавзалари, коллектор йўллари, каналлар учун алоҳида, умумий ва ҳовли қурилишлар учун алоҳида ҳамда кишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланмайдиган бошқа ерларга солиқ ставкалари вилоятлар кесимида белгиланган.

6-Мезон. Республиканинг шаҳар ва посёлкалари кесимида юридик ва жисмоний шахслар томонидан фойдаланиладиган ер участкаларига нисбатан солиқ ставкалари. Бу тартибда солиқ ставкаларининг белгиланиши шаҳар ва посёлкаларнинг жойлашуви ва коммуникация даражасидан келиб чиқиб 4 та зоналарга ажратилган ҳолда табақалаштирилган солиқ ставкалари белгиланган. Жисмоний шахсларга эса уларга яқка тартибда уй-жой қурилиши учун ажратиладиган ер участкаларига нисбатан табақалаштирилган солиқ ставкалари белгиланган. 1 зона учун белгиланган солиқ ставкалари 2, 3 ва 4-зоналарга қараганда юқорироқ белгиланган.

7-Мезон. Республиканинг вилоятлари кесимида юридик шахслар томонидан кишлоқ жойларидаги фойдаланиладиган ер участкаларига нисбатан солиқ ставкалари. Бунда солиқ ставкалари ерларнинг суғориладиган(аҳоли пункти ва аҳоли пунктдан ташқарида жойлашган), лалмикор-ййлов ҳамда ерларнинг конлар билан банд этилганлигига қараб табақалаштирилган ҳолда белгиланган.

8-Мезон. Тошкент шаҳрида жойлашган ер участкаларидан юридик ва жисмоний шахслар томонидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари. Тошкент шаҳридаги ер участкалари учун юридик ва жисмоний шахслар томонидан фойдаланилган ер участкалари учун солиқ ставкалари 5 та зонага<sup>151</sup> бўлинган ҳолда белгиланган. Жисмоний шахсларга нисбатан солиқ ставкалари эса уларга яқка тартибда уй-жой қуриш учун ажратилган ерлар учун белгиланган(2015 йил учун):

Зона	Юридик шахслар учун 1 гектари учун солиқ ставкалари(сўмда)	Жисмоний шахсларга яқка тартибда уй-жой қуриш учун ажратилган ерлар учун базавий солиқ ставкалари( 1 кв.м. учун сўмда)
1.	86 250 000	494,5
2.	69 000 000	419,8
3.	51 750 000	345,0
4.	34 500 000	270,3
5.	17 250 000	195,5

Демак, юқоридагилардан кўринадики юридик шахслар учун(ягона ер солиғи учун бунга кирмайди) солиқ ставкаларини қўллашда турли хил ҳолатлар ва хусусиятлар эътиборга олинган ҳолда табақалаштирилган ҳолда қўлланилган. Албатта бу солиқ ставкаларини қўллашда бошқа хусусиятлар ҳам мавжуд бўлиб, агар, ер участкаси мулкдорининг, ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачининг айби билан қишлоқ хўжалиги ерларининг сифати ёмонлашган (бонитет балли пасайган) тақдирда, ер солиғи ернинг сифати ёмонлашганига қадар белгиланган ставкалар бўйича юридик шахслар томонидан тўланади.Шаҳарлар ва шаҳарчаларнинг маъмурий чегараларида жойлашган кишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик ерлар учун ер солиғи кишлоқ хўжалиги ерлари учун белгиланган ставкаларнинг икки баравари миқдорда тўланади.

*Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш тартиби*

Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ҳар бир солиқ даврининг 1 январига бўлган ҳолатга кўра ҳисоблаб чиқарилади ва ер солиғининг ҳисоб-китоби ер участкаси жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органига ҳисобот йилининг 15 февралига қадар тақдим этилади.Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Юридик шахслардан олинадиган ер солиғини ҳисоблашни агар математик формула асосида ифодалайдиган бўлсак, у қуйидаги кўринишда бўлади:

$$Eр\ солиғи\ сўммаси(юрдик\ шахслар\ учун) = (Солиққа\ тортиладиган\ ер\ участкаси\ ҳажми) \cdot (Солиқ\ тўлашдан\ озод\ этилган\ ер\ участкалари\ ҳажми)\ x\ солиқ\ ставкаси.$$

Агар ўрнатилган солиқ ставкаларига тузатувчи коэффициентлар қўлланиладиган бўлса у ҳолда ушбу формула қуйидагича кўриниш олади:

<sup>150</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий қонуни 497

макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги 2270-сонли қонуни 498

Қарорнинг 20-илласи.

<sup>151</sup>Илгари 14 зонага бўлинган эди.Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроектисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги 2099-сонли Қарорига асосан 5 та зонага ихчамлаштирилди.

*Ер солиғи сўммаси*(юридик шахслар учун) = (Солиққа тортиладиган ер участкаси ҳажми) -(Солиқ тўлашдан озод этилган ер участкалари ҳажми) х (Солиқ ставкаси).х тузатувчи коэффициент.

Мисол. Олайлик Самарқанд вилояти Қаттақурғон туманида жойлашган юридик шахснинг жами эгаллаган ер майдони 3,5 гектарлик ер майдонига эга бўлиб, унинг 1,2 гектари қишлоқ хўжалига яроқли суғориладиган ерлар жумласига кириб, кадастр рўйхати бўйича 4 класс ер участкаси ҳисобланади. Корхонанинг 0,5 гектарлик ер участкаси доимий фойдаланишга берилган, профилактика ва даволаш ишларини ташкил этиш учун қулай табиий шифобахш омилларга эга бўлган ер участкаси ҳисобланади. 0,2 гектарлик ер участкаси эса электр узатиш линиялари ва умумдават алоқа линиялари билан банд. Қолган ерлари эса лалмикор-яйлов ҳисобланади. Ушбу маълумотларга фойдаланиб ушбу корхонанинг 2015 йил учун ер солиғи сўммасини ҳисоблайдиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги 2270-сонли Қарорининг 20-иловасига кўра юридик шахслардан олинadиган ер солиғи ставкалари белгиланган бўлиб, корхонанинг 1,2 гектари қишлоқ хўжалига яроқли суғориладиган ерлар жумласига кирганлиги учун бундай ерлар учун Самарқанд вилояти Қаттақурғон тумани учун 13 747,8 сўм, бундай ерлар учун (4 классдаги ерларга) тузатувчи коэффициент 3,29 қилиб белгиланган. Корхонанинг доимий фойдаланишга берилган, профилактика ва даволаш ишларини ташкил этиш учун қулайтабиий шифобахш омилларга эга бўлган 0,5 гектарлик ер участкаси ва электрузатиш линиялари ва умумдават алоқа линиялари билан банд бўлган 0,2 гектарлик ер участкаси эса Солиқ кодексининг 282-моддасига мувофиқ солиққа тортилмайдиган ер участкаларига қиради. Корхонанинг қолган 1,6 гектар лалмикор-яйлов ери учун 2015 йилда Самарқанд вилояти бўйича(бундай ерларга солиқ ставкалари туманлар кесимида белгиланмаган) солиқ ставкаси 1 гектари учун 262 270 сўм қилиб белгиланган. Энди бу рақамларни юқоридаги иккинчи формула асосида ҳисоблайдиган бўлсак у қуйидагича бўлади:

*Ер солиғи сўммаси*(юридик шахслар учун) = (Солиққа тортиладиган ер участкаси ҳажми) -(Солиқ тўлашдан озод этилган ер участкалари ҳажми) х (Солиқ ставкаси).х тузатувчи коэффициент = 3,5 га-0,7 га =2,8 га. Бу ерда ер участкаларига турлича солиқ ставкалари белгиланганлиги учун уларга алоҳида солиқ ставкаларини қўллаймиз. Яъни,

$(1,2 \times 13\,747,8 \times 3,29) + (1,6 \times 262\,270) = 54273,1 + 419632 = 473905,1$  сўм. Демак, ушбу корхонанинг ер солиғи сўммаси 473905,1 сўмни ташкил этади.

Солиқ тўловчилар ер солиғини тўлаш, юридик шахслар томонидан йилнинг ҳар чорагида, йил чораги иккинчи ойининг 15-кунига қадар тенг улушларда амалга оширилади.Солиқ даври мобайнида ер солиғи тўлашнинг белгиланган муддатидан кейин мажбуриятлар юзага келганда, ушбу суммани

тўлаш мажбуриятлар юзага келган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай амалга оширилади.Ягона ер солиғи тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан ер солиғини тўлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

ҳисобот йилининг 1 сентябрига қадар — йиллик солиқ суммасининг 30 фоизи;

ҳисобот йилининг 1 декабрига қадар — солиқнинг қолган суммаси.

#### 16.6. Жисмоний шахслардан олинadиган ер солиғи

*Жисмоний шахслардан олинadиган ер солиғининг тўловчилари* бўлиб Солиқ кодексининг 287-моддасига кўра ер участкаларига мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида эга бўлган жисмоний шахслар, шунингдек юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ижарага берилган ер участкалари учун тўланадиган ижара ҳақи ер солиғига тенглаштирилади. Ер участкаларини ижарага олган жисмоний шахсларга ер солиғини тўловчилар учун белгиланган имтиёзлар, солиқни ҳисоблаб чиқариш ва солиқни тўлаш тартиби татбиқ этилади.Уй-жой, яшаш учун мўлжалланмаган иморат ва иншоотлар мерос бўйича ўтиши билан биргаликда мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи ва фойдаланиш ҳуқуқи ўтган ер участкалари учун ер солиғи мерос қолдирувчининг солиқ мажбуриятлари ҳисобга олинган ҳолда меросхўрлардан ундирилади.

*Жисмоний шахслардан олинadиган ер солиғининг объекти* бу-деҳқон хўжалиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган,якка тартибда уй-жой қурилиши учун мерос қилиб қолдириладиган, умрбод эгалик қилишга берилган,жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун берилган, хизмат юзасидан берилган чек ерлар, мерос бўйича, ҳада қилиниши ёки олинниши натижасида уй-жой ва иморатлар билан биргаликда мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтган ер участкалари, конун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулк қилиб олинган ер участкалари ҳамда тадбиркорлик фаолияти юритиш учун фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкаларидир.

*Жисмоний шахслардан олинadиган ер солиғининг солиқ базасини* кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органнинг ер участкаларининг майдонига доир маълумотлари ташкил қилади.

Солиқ базасини аниқлашда жисмоний шахсларга жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун фуқароларга берилган, шунингдек якка тартибдаги гаражлар эгаллаган ер участкаларининг майдонлари бўйича ер участкаларини берган ташкилотлар бошқарув органларининг маълумотларига, хизмат юзасидан берилган чек

ерларнинг майдонлари бўйича эса ўз ходимларига ер участкалари берган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маълумотларига асосланади.

*Жисмоний шахслардан олинadиган ер солиғи бўйича имтиёзлар:*

Солиқ кодексининг 290-моддасига мувофиқ ер солиғини тўлашдан қуйидаги тоифадаги жисмоний шахслар озод қилинади:

- ❖ «Ўзбекистон Қаҳрамони», Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражадаги Шухрат ордени билан тақдирланган фуқаролар;
- ❖ уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек доираси қонун ҳужжатлари билан белгиланувчи уларга тенглаштирилган шахслар;
- ❖ I ва II гуруҳ ногиронлари;
- ❖ ёлғиз пенсионерлар;
- ❖ боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар;
- ❖ Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этганлик учун имтиёзлар оладиган фуқаролар (шу жумладан вақтинча юборилган ёки хизмат сафарига юборилган фуқаролар).

Шунингдек, аҳолига яқка тартибдаги уй-жой қурилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида берилган ер участкалари бўйича ер участкаси берилган ойдан кейинги ойдан эътиборан икки йил муддатга солиқ тўлашдан озод қилинади. Жисмоний шахслардан олинadиган ер солиғи бўйича берилган имтиёзларни қўллаш бўйича ўзига хос тартиб ва шартлар мавжуд бўлиб, ушбу ҳолатлар Солиқ кодексининг 290-моддасида акс эттирилган бўлиб, ушбу манбага қараш тавсия этилади.

*Жисмоний шахслардан олинadиган ер солиғи бўйича солиқ ставкаларини қўллаш худди юридик шахслардан олинadиган ер солиғи ставкалари сингари ўзига хос хусусиятларга эгадир. Бунда ҳам солиқ ставкаси ер участкасининг жойлашган жойи, ернинг таркибий тузилиши(унумдорлиги), фойдаланиш мақсади, ер участкалари жойлашган жойларда коммуникациясининг даражаси(масалан, Тошкент шаҳри, вилоят марказлари, йирик шаҳарлар) ва шу қабиларга қараб белгиланган. Агар, жисмоний шахслардан олинadиган ер солиғи бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги 2270-сонли Қарорининг 20-иловасига асосан 2015 йилги солиқ ставкаларини қарайдиган бўлсак, қишлоқ жойларда жойлашган ер участкалари фойдаланганлик учун аҳолидан олинadиган ер солиғи ставкалари қуйидагича белгиланган:*

Кўриш мумкинки, қишлоқ жойларда жойлашган ер участкалари фойдаланганлик учун аҳолидан олинadиган ер солиғи ставкалари ернинг деҳқон хўжалигини юритиш мақсадида ажратилиши бўйича суғориладиган ва лалмикор ерлар учун алоҳида, шунингдек, жамоатчилик шаклида боғдорчилик ва полизчиликни юритиш учун ажратилган ер участкалари учун солиқ ставкалари алоҳида ҳар бир сотихига нисбатан белгиланган.

**Қишлоқ жойларда жойлашган ер участкалари фойдаланганлик учун аҳолидан олинadиган ер солиғи ставкалари(2018 йил учун)**

Худудлар	Ер участкасининг 0,01 гектари учун солиқ ставкаси (сўмда)			
	Деҳқон хўжалигини юритиш учун ажратилган ер участкалари учун солиқ ставкалари			Жамоатчилик шаклида боғдорчилик ва полизчиликни юритиш учун ажратилган ер участкалари учун солиқ ставкалари
	Суғориладиган ерлар		Лалмикор ерлар	
Аҳоли пунктларида	Аҳоли пунктларидан ташқари			
Қорақолпоғистон Республикаси:				
Шимолӣ	2 283,2	1 144,6	228,4	1 207,5
Марказий	3 656,4	1 829,2	370,3	–
Жанубий	4 061,9	2 030,4	407,7	1 493,9
Андижон вилояти	4 293,0	2 144,6	425,7	1 663,8
Бухоро вилояти	4 056,4	2 027,1	376,2	1 486,4
Жиззах вилояти	3 801,8	1 901,5	273,2	1 068,2
Қашқардарё вилояти	3 801,8	1 901,5	269,7	1 046,6
Навоий вилояти	3 946,2	1 972,3	325,8	1 294,7
Наманган вилояти	4 109,9	2 055,5	407,7	1 577,1
Самарқанд вилояти	4 335,0	2 167,9	502,4	1 960,5
Сурхандарё вилояти	4 673,8	2 337,7	656,8	2 552,9
Сирдарё вилояти	3 833,2	1 917,1	283,6	1 096,2
Тошкент вилояти	4 324,7	2 162,6	499,0	1 947,9
Фарғона вилояти	4 044,1	2 022,3	372,6	1 460,0
Хоразм вилояти	4 061,9	2 030,4	384,3	1 493,9

Шу билан биргаликда шаҳар жойларидаги истикомат қилувчи жисмоний шахсларга яқка тартибда уй-жой қуриш учун ажратилган ер участкалари учун ҳам солиқ ставкалари белгиланган бўлиб, уларнинг белгиланиши тегишли шаҳардаги ер участкаларининг коммуникация таъминоти ва бошқа омилларга асосланган ҳолда зоналарга ажратилишига қараб қатъий сўмда белгиланган. Масалан, Тошкент шаҳрида бундай зоналар 5 тага(Тошкент шаҳри бўйича солиқ ставкаси юқорида келтирилган), вилоят марказлари ва уларнинг таркибига қирувчи шаҳарларда эса 4 та зоналарга ажратилган ҳолда солиқ ставкалари белгиланган. Бундай солиқ ставкалари махсус жадвалларда келтирилган бўлиб, 2015 йил учун ер солиғининг юридик ва жисмоний шахслар учун ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги 2270-сонли Қарорининг 20-иловасида тўлиқ келтирилган бўлиб, ушбу манбага қараш тавсия қилинади.

Агар жисмоний шахсга ажратилган ерлардан тадбиркорлик фаолияти мақсадида фойдаланилса, ёки уларга тегишли уйлар, дала ҳовли иморатлари, яқка тартибдаги гаражлар ва бошқа иморатлар, иншоотлар, жойлар юридик шахсга ёки яқка тартибдаги тадбиркорга ижарага берилганда ер участкалари учун ер солиғи жисмоний шахслардан юридик шахслардан олинadиган ер

солигини тўлаш учун белгиланган ставкалар бўйича ундирилади жисмоний шахсларга берилган ер солиғи бўйича солиқ имтиёзлари қўлланилмайди.

*Жисмоний шахслардан олинadиган ер солигини ҳисоблаш тартиби* худди улардан ундириладиган мол-мулк солиғи сингари ер эгалари томонидан эмас, балки солиқ хизмати органлари томонидан ҳисоблаб чиқилади ва бу ҳақда улар жисмоний шахсларга(тўлов хабарномаси орқали) етказилади. Бунда солиқни тўғри ҳисоблаш мақсадида Давлат солиқ хизмати органлари ер солигини тўловчилар бўлган жисмоний шахсларнинг ҳисобини мунтазам юритиб боради. Агар жисмоний шахслар ер солиғи бўйича солиқ имтиёзларни олиш ҳуқуқига эга ҳужжатларга эга бўлса, уларни ер участкаси жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига мустақил равишда тақдим этиши лозим. Ер солиғи суммаси ва уни тўлаш муддатлари кўрсатилган тўлов хабарномаси жисмоний шахсларга давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳар йили 1 майдан кечиктирмай топширилади. Йил мобайнида ер участкаси майдони ўзгарганда ва имтиёзларга бўлган ҳуқуқлар вужудга келганида (бекор қилинганда) давлат солиқ хизмати органлари мазкур ўзгаришлардан кейин бир ой ичида ер солигини қайта ҳисоб-китоб қилишлари ҳамда солиқ тўловчига ер солиғи суммаси ва уни тўлаш муддатлари кўрсатилган янги ёки қўшимча тўлов хабарномасини тақдим этишлари керак.

Ер солиғи ер участкасининг мулкдори, ерга эгалик қилувчи, ердан фойдаланувчи ёки ижарачининг яшаш жойидан қатъи назар, ер участкаси жойлашган ҳудуддаги туман ёки шаҳарнинг маҳаллий бюджетига тўланади. Йил мобайнида ажратилган ер участкалари учун ер солиғи жисмоний шахслар томонидан ер участкаси ажратилганидан кейинги ойдан эътиборан тўланади. Ер участкаси майдони камайтирилган тақдирда, ер солигини тўлаш ер участкаси камайтирилган ойдан эътиборан тўхтатилади (камайтирилади).

Ер солиғи бўйича имтиёзлар белгиланган тақдирда, бу солиқ имтиёз ҳуқуқи вужудга келган ойдан эътиборан тўланмайди. Ер солиғи бўйича имтиёзларга бўлган ҳуқуқлар бекор қилинган тақдирда, бу солиқ мазкур ҳуқуқ бекор қилинганидан кейинги ойдан эътиборан тўлана бошлайди. Белгиланган тартибда берилган ер участкалари учун ер солиғи ер участкасидан фойдаланиш фактидан қатъи назар, жисмоний шахслар томонидан тўланади. Жисмоний шахслар уларга етказилган "Тўлов хабарнома"да кўрсатилган ер солиғи сўммасини жорий йилнинг 15 октябрдан кечиктирмай тўлашлари лозим бўлади. Агар, бу давр мобайнида солиқ сўммаси тўламанса солиқ хизмати органлари томонидан фуқаролик судларига тегишли жисмоний шахслардан солиқ қарздорлигини ундириш билан боғлиқ даъволарни киритишга асос бўлади ва суд томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда пеня ҳисоблаш тартибда солиқ сўммаси билан биргаликда ундирилади.

## 16.7. Ягона ер солигини ундириш механизми

Маълумки қишлоқ хўжалиги бошқа тармоқлардан ишлаб чиқариш жараёнининг ташкил этилиши ва унинг мавсумийлиги ҳамда уларнинг асосий ишлаб чиқариш воситаси ер эканлиги бу тармоққа оид солиқ сийёсатини ҳам ўзгача тартибда амалга оширишни тақозо этади. Бу тармоқнинг иқтисодий хусусиятининг яна бир муҳим томони бу ерда етиштирилган маҳсулотларнинг аксарияти бошқа саноат тармоқлари учун хом-ашё вазифасини ўтайди. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг маҳсулоти таннархи даражаси эса бошқа маҳсулотлар нархига ҳам бевосита таъсир этади. Бундай ташқари бу тармоқ меҳнат сиғимини кўп талаб этади. Айниқса бизнинг республикамиз сингари қишлоқ хўжалиги асосий тармоқлардан бири сифатида ўринга эгалиги бу тармоқда солиқ ундиришнинг ўзига тартиблари, жумладан соддалаштирилган солиққа тортишни қўллашни тақозо этади.

Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 октябрдаги ПФ-2086-сон «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солигини жорий этиш тўғрисида»ги Фармонида<sup>152</sup> асосан Республикада қишлоқ хўжалиги экинзорларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг пировард меҳнат натижаларидан иқтисодий манфаатдорлигини кўчайтириш ҳамда солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва бир хил қилиш мақсадида, 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғи жорий этилди. Мазкур фармонга асосан қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари қўйидаги умумдавлат ва маҳаллий солиқларни яъни даромад (фойда) солиғи, қўшилган қиймат солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, мол-мулк солиғи, ер солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ва бошқа маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ўрнига фақат ягона ер солигини тўлайдилар.

Амалдаги Солиқ кодексига мувофиқ *ягона ер солигини тўловчилари бўлиб* қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар ва қишлоқ хўжалиги йўналишидаги илмий-тадқиқот ташкилотларининг тажриба-экспериментал хўжаликлари ва таълим муассасаларининг ўқув-тажриба хўжаликлари ҳисобланади.

Шу билан биргаликда бир вақтнинг ўзида ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва ўзи етиштирган мазкур маҳсулотни қайта ишлаш ёхуд ер участкаларидан фойдаланган ҳолда фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш асосий фаолият тури бўлган юридик шахслар; қишлоқ хўжалигини юритиш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ўзларига белгиланган тартибда берилган ер участкаларига эга бўлган юридик шахслар ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва ўзи етиштирган мазкур

<sup>152</sup>Мазкур Фармон Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 17 июндаги ПФ-4116-сонли «Солиқ имтиёзлари тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгаришлар киритиш ҳамда баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги Фармонида асосан ўз кучини йўқотган.

маҳсулотни қайта ишлаш улуши реализация қилиш ёки қайта ишлаш учун олинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ўз ичига олувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлаш умумий ҳажмида камида 50 фоизни ташкил этадиган юридик шахслар солиқ солиш мақсадида қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар бўлиб ҳисобланади.

*Қуйидагилар ягона ер солиғини тўловчилар сифатида қаралмайди:*

Ўрмон ва овчилик хўжаликлари ҳамда юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари ягона ер солиғи тўловчилари ҳисобланмайди.

Ягона ер солиғини тўлаш тартибини қўллаш учун солиқ тўловчи ҳар йили жорий солиқ даврининг 1 февралига қадар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ўтган солиқ даврида қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлашнинг умумий ҳажмида қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ўзи етиштирган ва қайта ишлаган улуши(улушни аниқлашда эса бошқа соҳалардан олинган даромадлар қўшилмайди) кўрсатилган маълумотномани тақдим этади.

Агар ўтган солиқ даври якунлари бўйича ягона ер солиғи тўловчи бўлган қишлоқ хўжалик қорхонаси юқоридаги солиқ тўловчи мезонини аниқлаш шартларига жавоб бермаса, ҳолда бундай қорхоналар жорий солиқ даврининг бошидан бошлаб умумбелгиланган солиқларни ёки ягона солиқ тўловини тўлашга ўтади.

Агар, микрофирмалар ва кичик қорхоналар тоифасига кирадиган солиқ тўловчи қайд этилган шартларга жавоб бермай қўйган солиқ давридан кейинги йилнинг 1 февралидан кечиктирмай давлат солиқ хизмати органига солиқ солиш тартибини танлаш тўғрисида ёзма билдириш тақдим этади. Мабодо бундай ариза тақдим қилинмаса, бу солиқ хизмати органлари томонидан қорхонанинг умумбелгиланган солиқларни тўлашга розилиги деб қабул қилинади. Ягона ер солиғини тўлашдан умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтган солиқ тўловчи умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтган солиқ даврининг биринчи чораги учун юридик шахслардан олинган фойда солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича жорий тўловларни тўлашдан озод қилинади.

Умумбелгиланган солиқларни ёки ягона солиқ тўловини тўлашга ўтган ягона ер солиғини тўловчи белгиланган тартибга мувофиқ фақат навбатдаги солиқ даври бошидан бошлаб яна ягона ер солиғини тўлашга ўтишга ҳақли бўлади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлаш билан боғлиқ бўлмаган фаолият турларини амалга оширишда ягона ер солиғи тўловчи мазкур фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиши ва ягона солиқ тўловини ёки қатъий белгиланган солиқ тўланиши назарда тутилган фаолият доирасида қатъий белгиланган солиқни тўлаши шарт. Ер участкалари ижарага (шу жумладан ички хўжалик пудратига) берилганида ягона ер солиғини тўлаш мажбурияти ижарага берувчининг зиммасида сақланиб қолади.

*Ягона ер солиғининг объекти бу-қонун ҳужжатларига мувофиқ қишлоқ хўжалигини юритиш учун эгалик қилишга, фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкаларидир.*

*Ягона ер солиғининг базаси* бўлиб ер участкаларининг норматив қиймати ҳисобланади. Республикамиз солиқ тизимида ягона ер солиғини ҳисоблашда ерларнинг норматив қийматини солиқ базаси сифатида белгиланиши 2004 йил 1 январдан бошлаб Самарқанд ва Тошкент вилоятлари қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун тажриба тарикасида амалга оширила бошланди. Бунгача эса солиқ базасини аниқлаш ерларнинг унумдорлиги ва бошқа кўрсаткичларига асосланган ҳолда уларни классларга(10 та классга) ажратиш асосида уларнинг 0-100 ораллигида балл бонтигига асосланган ҳолда амалга оширилди эди. Норматив қиймат асосида ягона ер солиғи базасини аниқлаш тартиби 2005 йилда Сурхондарё вилоятидаги, 2006 йилда Андижон, Бухоро ва Хоразм вилоятларидаги, 2007 йилда Навоий, Жиззах ва Фарғона вилоятидаги, 2008 йилдан бошлаб эса Қорақолпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Наманган, Сирдарё вилоятидаги қишлоқ хўжалиги қорхоналаридан ягона ер солиғи базасини аниқлашда ерларнинг норматив қийматидан фойдаланиш тажрибаси қўлланила бошланди.

Солиқ солинадиган ер участкаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган норматив қиймати солиқ солинадиган базадир. Ерларнинг норматив қийматини аниқлаш тартиби ва унинг ўзига хос хусусиятлари эса "Ўзбекистон Республикасидаги қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчиларнинг қишлоқ хўжалик ерлари метёрий баҳосини аниқлашнинг муваққат "йўриқномаси" асосида аниқланади(Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилган рақами: 1563, 19.04.2006 йил. Ушбу манбага қараш тавсия қилинади). Эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи йил мобайнида вужудга келган ер участкалари учун солиқ солинадиган база ер участкаларига бўлган ҳуқуқ вужудга келган ойдан кейинги ойдан бошлаб ҳисоблаб чиқарилади. Ер участкаси майдони камайтирилган тақдирда, солиқ солинадиган база ер участкаси майдони камайтирилган ойдан бошлаб камайтирилади. Юридик шахсларда ягона ер солиғи бўйича имтиёзга бўлган ҳуқуқлар вужудга келганда солиқ солинадиган база бу ҳуқуқ вужудга келган ойдан бошлаб камайтирилади. Ягона ер солиғи бўйича имтиёзга бўлган ҳуқуқ тугатилган тақдирда, солиқ солинадиган база бу ҳуқуқ тугатилган ойдан кейинги ойдан бошлаб кўпайтирилади.

*Солиқ кодексининг 367-моддасига кўра қуйидагилар ягона ер солиғини тўлашдан озод қилинади:*

1) Ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан(агар, ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тугатилган ва



фаолият қайта тикланган тақдирда ушбу имтиёз қўлланилмайди ҳамда солиқ суммаси имтиёз қўлланилган бутун давр учун тўлиқ миқдорда ундирилади).

2) Юридик шахслар, ер участкасининг қайси қисмида томчилатиб суғоришдан фойдаланилаётган бўлса, ўша қисмида томчилатиб суғориш тизими жорий қилинган ойдан бошлаб беш йил муддатга.

Қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар — ягона ер солиғи тўловчиларга эса Солиқ кодекси 282-моддасида белгиланган ер солиғи бўйича имтиёзлар ҳам татбиқ этилади (ушбу манбага қараш тавсия қилинади).

*Ягона ер солиғини ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби*

Ягона ер солиғи суммаси ер участкаларининг норматив қиймати ва ягона ер солиғининг белгиланган ставкасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. Ягона ер солиғининг норматив қийматига нисбатан 2015 йил учун солиқ ставкаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисидаги 2270-сонли Қарорининг 20-иловасига кўра 6,0 фоиз қилиб белгиланган, шунингдек, ушбу қарорга мувофиқ агар ер участкалари умумий қурилиш ва ҳовлилар билан банд бўлган қисми бўйича амалдаги (6 фоизлик) ставка 2,0 коэффициентга кўпайтирилган ҳолда қўлланилади. Ерларнинг норматив қийматлари ва уларга киритилган ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамкорликда ишлаб чиқилади ва улар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда қишлоқ хўжалик қорхоналарига етказилиб борилади.

Ягона ер солиғининг ҳисоб-китоби ер участкаси жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органига жорий солиқ даврининг 1 майгача тақдим этилади. Йил давомида берилган ер участкалари учун ягона ер солиғи ер участкаси берилганидан кейинги ойдан бошлаб тўланади. Ер участкаси олиб қўйилган (камайтирилган) тақдирда, ягона ер солиғини тўлаш ер участкаси олиб қўйилган (камайтирилган) ойдан бошлаб тўхтатилади (камайтирилади). Ер участкасининг таркиби ва майдони йил давомида ўзгарган, шунингдек ягона ер солиғи бўйича имтиёзларга бўлган ҳуқуқ вужудга келган (туғатилган) тақдирда, солиқ тўловчилар давлат солиқ хизмати органларига ҳисобот йилининг 1 декабригача ягона ер солиғининг аниқлик киритилган ҳисоб-китобини тақдим этишлари шарт. Ягона ер солиғини тўлаш эса ҳисобот йилининг 1 сентябригача — йиллик солиқ суммасининг 30 фоизини, ҳисобот йилининг 1 декабригача — солиқнинг қолган суммаси тўлаш тартибида амалга оширилади.

#### **Таянч сўз ва иборалар:**

*Мисоҳа, муқоама, муқосама, уиш, физиократизм, кадастр, "Сарик реестр", "авориз", рента, "Калон" солиғи, "Муширф", амлок ерлар, кадастр, ер участкалари, ер бонитети, ер класси, суғориладиган ерлар,*

*бонитет қиймати, ер солиғи ставкалари, ботқоқ ерлар, чўл ерлар, яйлов ерлар, ер солиғи имтиёзлари, ер солиғини ҳисоблаш тартиби.*

#### **Назорат учун савол ва топшириқлар:**

1. Ер солиғини қадимги давлатлардаги хусусиятларини айтиб беринг.
2. Ер солиғи ватанамиз ҳудудида амал қилган давлатчилик шаклларида қандай амал қилган?
3. Вақф ерлар деганда нима тушунилади?
4. Араб босқинчилиги вақтида қанақа ер солиғи турлари жорий қилинган?
5. Ер кадастри нима?
6. Ерларнинг бонитет қиймати деганда нима тушунилади?
7. Юридик шахслардан олинадиган ер солиғининг ставкалари қандай белгиланган?
8. Юридик шахслардан олинадиган ер солиғининг базасини аниқлаш тартибини айтиб беринг.
9. Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича қанақа солиқ имтиёзлари белгиланган?
10. Ерларнинг балл бонитети класси деганда нима тушунилади?
11. Юридик шахслардан олинадиган ер солиғини тўлаш муддатлари қандай?
12. Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи ставкалари қандай белгиланади?
13. Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғини ундириш тартиби қандай?

## 17-БОБ. ЯГОНА СОЛИҚ ТЎЛОВИ

### 17.1. Ягона солиққа тортиш назарияси ва амалиётининг ривожланиши

Солиққа оид назарияларнинг ривожланишида солиқларнинг адолатлилик тамойилининг ўрнатилиши билан боғлиқ масалаларнинг муҳокама қилиниши солиққа тортишнинг муқобил вариантларини юзага келтира бошлади. Қандай тартибда солиққа тортиш солиқларнинг адолатлилик тамойилини ўзида акс эттириши ҳақидаги баҳслар ягона солиққа тортиш назариясининг вужудга келишига асос бўлди. Ягона солиққатортиш назарияси тарафдорларининг фикрига кўра бундай тартибда солиққа тортиш барча солиқларни битта манбага қаратади, уни ундиришнинг қулайлиги давлатнинг солиқларни тўплашдаги харажатларини камайтиради(чунки, тарихий тараққиётнинг аксарият даврларида солиқларни ундириш билан боғлиқ давлатнинг катта аппарати шуғулланишган, баъзи вақтларда уларга қилинган харажатлар ундирилган солиқлардан ошиб кетган), солиқ тўловчи эса битта солиқ тўлаганлиги сабабли давлатнинг солиқ сиёсатидан норози бўлмайди деган ғоялар ўрта асрларда, кейинчалик эса XVIII асрларга келиб охирида бундай таълимотлар кучая бошлади. Ягона солиққа тортиш амалиёти аслида дастлаб Францияда француз ёзувчиси ва давлат арбоби Сабастьен Де Вобаннинг таклифига кўра амалдаги солиқларнинг ўрнига ерлардан ва саноатдан олинадиган даромадлардан 5 фоиздан 10 фоизгача миқдорда ягона солиқ ундириш жорий қилинган.<sup>153</sup> Аммо, Францияда ва бошқа Европа давлатларида саноатнинг ривожланиши солиққа тортишнинг умумий тартибларини ривожлантиришни тақозо қилди. Францияда юзага келган физиократлар томонидан илгари сурилган ягона ер рентаси сифатидаги солиққа тортиш назариясининг ривожланишида уларнинг кишлоқ хўжалиги миллий даромадни яратувчи асосий манбаи сифатидаги қарашларидан келиб чиқади. Уларнинг намояндаларидан бўлган Ф.Кенэ ернинг унумдорлиги ва унинг кадастр хусусиятидан келиб чиқиб, ердан олинадиган даромаднинг<sup>2/7</sup> қисми сифатида ундирилиш лозим деб ҳисоблаган.

XIX асрда Америка ёзувчиси ва иктисодчиси Генри Джордж ерлар меҳнат билан яратилмаган, ундан келадиган даромад давлатнинг асосий даромади ҳисобланиб барча солиқлар ердан келадиган даромадга боғлиқ бўлади, шу боисдан ҳам ҳамма солиқларни бекор қилиб ягона солиқ ундириш лозим деган ғояни илгари сурган.

Иктисодчи К.Маркс эса ўзининг 1848 йилда ёзган "Коммунизм манифести"да капитализмнинг солиқ тизимини танқид қилиб, ягона прогрессив даромад солиғини ундириш лозимлиги илгари сурган. Унинг фикрича даромаддан ягона солиқни ундириш капитал ва капитализмни йўқ қилиш курали сифатида баҳолаб, ягона солиққа тортишнинг сиёсий жиҳатларини кўрсатиб берган. XIX асрнинг 50-йилларида Француз иктисодчилари Э. Жирарден ва Э.Меньелар капиталга нисбатан ягона

солиққа тортиш назариясини илгари сурган. Улар ўз назарияларини барча даромадларнинг манбаси ва уларнинг қайта айланиши бу капитал бўлиб, капиталнинг шакли кўплиги ва унинг ҳаракати юқори бўлганлиги туфайли капиталдан 1-2 фоиз солиқ ундириш давлат харажатларини қоплашга етади деган ғоя билан асослайди.

Айрим иктисодчилар, жумладан П. Прудон ўз тадқиқотларида ягона солиққа тортиш тартиби бошқа барча солиқларнинг хусусиятларини ўзида акс эттира олмайди, юқори даромад олувчилар билан кам даромадга эга бўлганларни солиққа тортишда ягона солиққа тортиш адолатли тарзда солиққа торта олмайди. Ягона солиқ тортишда эгри ва тўғри солиқлар уйғунлашиб кетади, аммо, эгри солиқлар билан тўғри солиқларни битта тизимида умумлаштириш солиқларнинг адолатлилик тамойилини аниқлаш имкони мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Италиялик олим Ф.Нитти эса ягона солиқ тортиш ўзида солиқларнинг тенглик ва умумийлик тамойилларини акс эттира олмайди ва шу жиҳатдан уни истисно ҳолатларда қўллаш лозим деб ҳисоблаган.

Колумбия университети(АҚШ) профессори Э. Селигман тўғри солиқларни солиққа тортиш механизмларини таҳлил қилиб барча тўғри солиқларни битта ягона солиқ орқали ундиришнинг афзалликларини исботлаб берган бўлса, ўз навбатида Россиялик олим А.Исаев эса ягона даромад солиғи(тартиби)ни амалиётда ундириш имкони йўқлигини кўрсатиб, даромадлар ҳажми ва уларнинг манбалари турли туман шароитда бир хил тартибда солиққа тортиш ўз моҳиятига эга эмас деб ҳисоблаган. А.Исаев ягона солиққа тортиш тартибини асосан ер, участкалари, уйлар ва хунармандчилик соҳасини солиққа тортишда самара бериш мумкинлигини изоҳлаган. Ягона солиққа тортиш назариясининг илдизи асосан классик иктисодиёт намояндаларидан бўлган У.Петтининг қарашларига бориб тақалади. У.Петти ягона тартибда солиқ ундириш солиқларнинг адолатлилик тамойилини ўзида акс эттиради, солиқ тўловчи қанча солиқ тўлаётганлигини эмас, балки, оз сонли солиқ тўлашини ҳис қилади, бу эса давлатга солиқ ундиришда қўл келади. У. Петти ўзининг 1662 йилда ёзган "Солиқлар ва йиғимлар ҳақида трактатлар" номли асарида ягона акциз солиғини жорий қилиш назариясини ҳам келтиради. У.Петтининг фикрича акциз бу истеъмол жараёнида ундирилиши боис, ким даромадга эга бўлса, унинг истеъмоли кўп бўлади, бу эса солиқлар бой табақанинг зиммасига кўпроқ тушишини билдиради, шу боисдан ҳам барча солиқларни битта акцизда акс эттириш солиққа тортишнинг самарадорлигини беради деб ҳисоблаган. У давлатнинг солиқларни ундириш харажатларини ягона солиқ ўзида ифодалаб, солиқ оғирлигини камайтиради деган ғояни илгари сурган. Аммо, У.Петтининг бу қарашлари кўп танқидга учраганлиги боис бу ғоясини каттик ҳимоя қила олмаган. Шунингдек, ягона солиққа тортишнинг афзалликларига бағишланган илмий назарий қарашлар инглиз иктисодчиси ва файласуфи Ж.Локк (1632-1704), Рус иктисодчилар мактабининг асосчиларидан бири И.Т.Посошковлар(1652-1726) томонидан амалга оширилган бўлса, немис

<sup>153</sup>Кулишер И.М. Очерки финансовой науки, 1919, с. 147.

иктисодчиси Э.Пфейффер эса ягона харажатлар солиғининг тарафдори сифатида, давлат харажатлари қанча кўп бўлса, солиқлар ҳам шунча кўп бўлиши лозим ва шунга мувофиқ солиқлар харажатлардан ягона тартибда ундирилиш ғоясини илгари суради.

XX асрда юз берган жаҳон иқтисодий инқирозлари трансмиллий компаниялар иқтисодий тараққиётда муҳим роль ўйнасада, аммо иқтисодиётнинг барча қондаларига тўла жавоб бера олмаслигини кўрсатди. Шу боисдан иқтисодиётда муҳим бўлган тармоқ ёки фаолият соҳаларини алоҳида давлат сиёсати орқали ривожлантириш лозимлиги кун тартибига чиқа бошлади. Бу борада қишлоқ хўжалиги, тадбиркорликнинг кичик шакли, яъни кичик бизнесни ривожлантиришда солиқлар орқали рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқишга урғу берилди бошланди. Ўтган асрнинг 70-йилларидан сўнг бу жараён кучайиб борди, айниқса АҚШдаги 70-80 йилларда юз берган иқтисодий инқирозлар кичик бизнес субъектларига нисбатан соддалаштирилган солиқ тортиш тартибини қўллашни кучайтира бошлади. Айниқса, бу "Рейганомика" деб ном олган 80 йиллардаги солиқ иқтисодий ислохотлар, жумладан, солиқ ислохотлари даврида ягона солиққа тортиш тизимини янада кучайтирилди.

Республикамизда ҳам иқтисодий ислохотларнинг дастлабки даврлариданоқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида ҳуқуқий асослар яратила бошланди, уларнинг молия-кредит механизмлари орқали қўллаб-қувватлашнинг муҳим усулларидан бири сифатида солиқлар орқали рағбатлантириш механизмлари яратилди. Ўзбекистон солиқ тизимининг олдига қўйилган вазифалардан бири сифатида кичик бизнеснинг фаолиятини рағбатлантириш вазифаси белгиланди. Республикамизда соддалаштирилган солиққа тортиш тартибининг жорий қилиниши ва унинг кичик бизнес субъектларига қўллаш асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 27 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 1997 йилги Давлат бюджети муносабати билан солиқ ислохотини чуқурлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-1565 сонли Фармонида мувофиқ амалга оширилди. Унга кўра 1997 йилдан бошлаб амалдаги солиқлар ўрнига маҳсулотни сотиш (ишлар, хизматларни бажариш)дан тушган даромаднинг 25 фоизига қадар миқдордаги ягона солиқни жорий этиш йўли билан барча мулкчилик шаклидаги кичик корхоналар учун солиққа тортишнинг табақалаштирилган соддалаштирилган тизими жорий қилинди. Бу даврда солиқ сиёсатидаги энг муҳим йўналишлардан бири бу кичик бизнес субъектларига нисбатан алоҳида тартибдаги рағбатлантирувчи солиққа тортиш тартибларининг қўлланиши бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 9 апрелдаги ПФ-1987-сонли Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 апрелдаги Солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимига ўтган кичик корхоналарга солиқ солиш тартиби

тўғрисида"ги 159-сон қарорига <sup>154</sup> асосан кичик корхоналар учун солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллаш тартибиялпи умумдавлат солиқларини, шунингдек, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари томонидан жорий этиладиган маҳаллий солиқлар ва йиғимларни тўлаш ўрнига ягона солиқ тўлашни назарда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 9 апрелдаги ПФ-1987-сонли Фармонида кичик бизнес субъектларининг мезони сифатида уларда йиллик ишловчилар сони белгилаб берилган бўлиб, унга кўра *1998 йилдан 2004 йилга кичик ва ўрта бизнес субъектларининг куйидаги мезонлари амал қилди:*

мулкчилик шаклидан қатъи назар, ишлаб чиқариш тармоқларида йилига ўрта ҳисобда кўпи билан 10 нафар; савдо, хизмат кўрсатиш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаси тармоқларида кўпи билан 5 нафар иш билан банд ходимга эга бўлган микрофирмалар;

мулкчилик шаклидан қатъи назар, саноат соҳасида йилига ўрта ҳисобда кўпи билан 40 нафар; қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқларида — кўпи билан 20 нафар; илм-фан, илмий хизмат кўрсатиш, чакана савдо ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаси тармоқларида — кўпи билан 10 нафар иш билан банд ходимга эга бўлган кичик корхоналар;

мулкчилик шаклидан қатъи назар, кичик корхоналар учун йилига ўрта ҳисобда белгиланганидан ортиқ, аммо саноат соҳасида 100 нафардан, қурилишда — 509 нафардан, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқларида, улгуржи савдо, умумий овқатланиш соҳаларида — 30 нафардан, чакана савдо, хизмат кўрсатиш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларида — 20 нафардан ошмайдиган иш билан банд ходимга эга бўлган ўрта корхоналар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-1987-сон Фармонида ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида" ги 2003 йил 30 августда қабул қилинган ПФ-3305-сонли Фармонига кўра *2004 йилдан 2014 йилгача куйидаги мезонлар амал қилди:*

ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони 20 кишидан, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган тармоқларда 10 кишидан, улгуржи, чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 5 кишидан ошмаган микрофирмалар;

қуйидаги тармоқларнинг ўртача йиллик ходимлари сони:

<sup>154</sup>Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги 244-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроеқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига асосан бекор қилинган.

енгил ва озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочни қайта ишлаш, мебель саноати ва қурилиш материаллари саноати — 100 кишидан;

машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш, қурилиш ҳамда бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳалари — 50 кишидан;

фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳаси (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган соҳалар — 25 кишидан ошмаган кичик корхоналар».

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги "Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4609 -сонли Фармонига асосан 2014 йил 1 январдан бошлаб кичик бизнес субъектларини солиққа тортиш мақсадида қуйидаги мезон ўрнатилди:

ишлаб чиқариш соҳасида йилига ўрта ҳисобда йигирма нафардан, хизмат кўрсатиш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида — ўн нафардан, улгуржи, чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида — беш нафардан ошмайдиган ишчи ходимларга эга бўлган микрофирмалар;

қуйидаги соҳаларда йилига ўрта ҳисобда иш билан банд бўлган: енгил, озиқ-овқат ҳамда қурилиш материаллари саноатида — икки юз нафардан;

металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочсозлик ҳамда мебель саноатида — юз нафардан;

машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш, қурилиш ва бошқа ишлаб чиқариш — саноат соҳасида — элик нафардан;

илм-фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида — йигирма беш нафардан ошмайдиган ходимга эга бўлган кичик корхоналар.

Шу билан биргаликда ушбу Фармон билан саноатнинг кўп меҳнат талаб қиладиган айрим тармоқлари бўйича кичик корхоналар ишчиларининг чекланган ўртача йиллик сонини ўрта ҳисобда амалдагидан икки бараварга ошириладиган тартиби белгиланди.

Демак ҳозирги кунда ягона солиқ тўлови жорий қилиниш мезонлари такомиллаштирилиб борилмоқда. Шу билан биргаликда солиқ тўлаш тартибининг ўзи ҳам кичик бизнес субъектларига қулай тарзда жорий қилинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги "Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-3620-сонли Фармонига асосан кичик бизнес субъектларини жадал ривожлантиришни янада рағбатлантириш ҳамда унинг мамлакат иқтисодийётидаги аҳамияти ва улушини тубдан ошириш мақсадида алкоғолли

маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари кичик бизнес субъектларига 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлаш ўрнига ягона солиқ тўлови жорий этилди ва бу билан уларга солиқ преференциялари кучайтирилди.

Кичик бизнес субъектларининг солиқ тўлаш борасида уларга берилган имкониятлардан бири бу 2006 йил 1 январдан бошлаб ягона солиқ тўловини тўловчи микрофирмалар ва кичик корхоналарга, ягона солиқ тўлови миқдорини бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммасига, бироқ 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорга, камайтирган ҳолда қўшилган қиймат солиғи тўлаш ҳуқуқи берилгани ва республика ишлаб чиқарувчи корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган суюлтирилган газ учун, қонунҳужжатларига мувофиқ ҳисоблаб чиқиладиган 21 фоиз миқдорида акциз солиғи жорий этилганлиги бўлиб, ушбу омиллар ҳам бу солиқ тури бўйича солиқ тушумларининг ортишига таъсир кўрсатган.

#### **17.2. Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибда ягона солиқ тўлови бўйича солиқ тўловчилари ва солиққа тортишнинг умумий қоидалари**

Маълумки, солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби солиқ тўловчиларнинг айрим тоифалари учун қўлланилиб, у ўз ичига ягона солиқ тўловини, ягона ер солиғини ҳамда тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқни қамраб олади. Қатъий белгиланган солиқни тўлаш белгиланган фаолият турларини амалга оширувчи ягона солиқ тўлови тўловчилар ва ягона ер солиғини тўловчилари ушбу фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишлари ҳамда белгиланган тартибда қатъий белгиланган солиқ тўлашлари шарт.

Солиқ даври мобайнида, солиқ солиш тартиби ўзгарган тақдирда, солиқ тўловчи бу ҳақда солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган шаклда ёзма равишда хабардор этади. Бунда ўтган давр учун солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўша даврда амал қилган солиқ солиш тартибидан келиб чиққан ҳолда тўлаш бўйича мажбуриятлар солиқ тўловчиларда сақланиб қолади. Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган солиқ тўловчилар учун, тўлов манбаида солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ушлаб қолиш мажбуриятлари ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига қуйидаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятлари сақланиб қолади:

- 1) тўлов манбаида ундириладиган фойда солиғи;
- 2) Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари томонидан бажариладиган (кўрсатиладиган) ишлар (хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғи;

- 3) акциз тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқаришда солинадиган акциз солиғи;
- 4) ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар;
- 5) конун ҳужжатларида белгиланган айрим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- 6) божхона тўловлари;
- 7) ягона ижтимоий тўлов;
- 8) давлат божлари;
- 9) товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим;
- 10) давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар (ягона солиқ тўловини ва ягона ер солиғини тўловчилар бундан мустасно);
- 11) автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) вақтинчалик олиб кирганлик учун Республика йўл жамғармасига йиғим.

Ушбу келтирилган солиқлар ва солиқсиз тўловларни ягона ижтимоий тўлов ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан ташқарисини агар, ушбу фаолиятларни амалга оширса ёки бундай тўловларнинг объектларини содир этган(амалга оширган)да тўлайдилар.

Қуйида келтирилган 38-расмдан кўринадики, Солиқ кодексининг 350-моддасига мувофиқ ягона солиқ тўловини тўловчилар бўлиб, микрофирмалар ва кичик корхоналар, ходимларнинг сонидан қатъи назар: савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, лотереялар ташкил қилиш бўйича фаолиятни амалга ошириш доирасидаги юридик шахслар ҳамда оддий ширкат ишларини юритиш зиммасига юклатилган (ишончли шахс) шерик (иштирокчи) — якка тартибдаги тадбиркорлар ҳисобланади.

Ягона солиқ тўлови қуйидаги микрофирмалар ва кичик корхоналарга татбиқ этилмайди: акциз солиғи тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни ва

ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган фойдали қазилмаларни қазиб олишни амалга оширувчи микрофирмалар ва кичик корхоналарга(махсус печлардан фойдаланган ҳолда энергия тежайдиган замонавий технологиялар асосида пишиқ ёғиш ишлаб чиқарувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар бунга кирмайди), қатъий белгиланган солиқ тўлаш назарда тутилган фаолият доирасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналарга ва маҳсулот тақсимотида оид битимлар иштирокчиси бўлган микрофирмалар ва кичик корхоналар ва шу кабиларга.



**38-расм. Ягона солиқ тўловчилари ва тўловчилари ҳисобланмайдиган субъектлар.**

Микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига ходимларининг сони бўйича конун ҳужжатларида белгиланган(бу ҳақда юқорида келтириб ўтилган) мезонга мос келадиган юридик шахслар киради. Бунда: ходимларнинг сони ҳисобот йили учун ходимларнинг ўртача йиллик сонидан келиб чиққан ҳолда аниқланади, ходимларнинг ўртача йиллик сонини аниқлашда эса ўриндошлик, пудрат шартномалари ва бошқа

фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича ишга қабул қилинган ходимларнинг, шунингдек унитар (шўъба) корхоналарда, ваколатхоналар ва филиалларда ишлаётганларнинг сони ҳам ҳисобга олинади. Шунингдек, юридик шахсларни микрофирмалар ва кичик корхоналар тоифасига киритишда юридик шахснинг асосий фаолият (ихтисослиги) турига тўғри келадиган ходимлар сонининг мезони қабул қилинади.

*Солиқ солиш мақсадида савдо ва умумий овқатланиш корхоналари* жумласига савдо фаолияти, умумий овқатланиш соҳасидаги фаолият ўтган ҳисобот йили якунлари бўйича асосий фаолият тури бўлган юридик шахслар киради. Умумий овқатланиш соҳасидаги фаолият деганда кулинария, шунингдек бошқа озиқ-овқат маҳсулотини тайёрлаш, реализация қилиш ва уларни истеъмол қилишни ташкил этиш бўйича фаолият тушунилиб, корхоналарнинг ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот бўлган товарларни реализация қилиш, шу жумладан уларни мустақил юридик шахс бўлмаган фирма

дўконлари орқали реализация қилиши, воситачи, ишончли вакил томонидан воситачилик, топширик шартномаси бўйича товарларни реализация қилиши, шу жумладан давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни реализация қилиши ҳамда тайёрлов фаолиятини амалга оширувчи корхоналар томонидан товарларни реализация қилиши билан боғлиқ фаолиятлари савдо фаолияти деб ҳисобланмайди.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар(қонунга мувофиқ истисно этилганлардан ташқари) ягона солиқ тўловини тўлашни назарда тутадиган солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини ёки умумбелгиланган солиқлар тўлашни ихтиёрий равишда танлайдилар. Бунинг учун кейинги ҳисобот даври бошланишига камида бир ой қолганда, янги ташкил этилган микрофирмалар ва кичик корхоналар эса, давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн беш кундан кечиктирмасдан солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органини ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган шаклда ёзма равишда хабардор этади. Микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловини тўлашдан ихтиёрий равишда воз кечган тақдирда ҳисобот даври тугаганидан сўнг ўн кун ичида давлат солиқ хизмати органларига тақдим қилинадиган ёзма билдириш асосида кейинги ҳисобот давридан бошлаб умумбелгиланган солиқлар тўлашга ўтиши мумкин.

Агар, ҳисобот йили тугаши билан қонунда белгиланган ходимлар сони мезонига мос келмайдиган ягона солиқ тўловини тўловчилар давлат солиқ хизмати органларига йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиш муддатидан кечиктирмай тақдим этиладиган ёзма билдириш асосида кейинги ҳисобот йилидан бошлаб умумбелгиланган солиқлар тўлашга ўтади. Ягона солиқ тўловини тўловчилар ягона солиқ тўловини тўлаш ҳуқуқидан маҳрум бўлган ўтган ҳисобот йили учун умумбелгиланган солиқлар бўйича ҳисоб- китоблар асосида ягона солиқ тўлови юзасидан қайта ҳисоб-китобни амалга оширади. Ягона солиқ тўлови бўйича қайта ҳисоб-китоб ягона солиқ тўловини тўлаган ҳисобот даври учун амалга оширилади. Бунда умумбелгиланган солиқлар суммаси ҳисобланган ягона солиқ тўлови суммасидан ошиб кетган тақдирда ошган сумма бюджетга тўланади, аммо, ҳисобланган ягона солиқ тўлови суммаси умумбелгиланган солиқлар суммасидан ошиб кетса, бюджет билан қайта ҳисоб-китоблар амалга оширилмайди.

Ягона солиқ тўлови бўйича қайта ҳисоб-китоб ўтказиш учун ягона солиқ тўловини тўловчилар йил якунлари бўйича ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобини тақдим этиш муддатидан кечиктирмай солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига белгиланган шаклда ва тартибда умумбелгиланган солиқларнинг ҳар бир тури бўйича ҳисоб-китобларни, белгиланган шаклда ҳисоблаб чиқарилган умумбелгиланган солиқлар суммаси тўғрисидаги маълумотномани тақдим этадилар.

### **17.3. Ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солиш объекти ва базасини аниқлаш тартиби**

Ягона солиқ тўловининг объекти бўлиб, ялпи тушум ҳисобланади. Ўз навбатида ялпи тушум таркибига қуйидагилардан иборат бўлади:

- товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушум(агар, ягона солиқ тўловчиси қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи ва транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқни тўловчиси бўлса, товарларни реализация қилишдан тушган тушумни аниқлашда ушбу солиқларни чегириб ташлайди)

- бошқа даромадлар(бошқа даромадларнинг таркиби Солиқ кодексининг 132-моддасида келтириб ўтилган, ушбу манбага қараш тавсия этилади).

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушум деганда эса қуйидагилар назарда тутилади:

қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари учун — ўз қучлари билан бажарилган, тегишинча қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ишларини реализация қилишдан тушган тушум. Бунда, агар юқорида қайд этилган ишларни материаллар билан таъминлаш мажбурияти шартномага биноан буюртмачининг зиммасида бўлса, ушбу материалларга бўлган мулк ҳуқуқи буюртмачининг ўзида сақланиб қолган тақдирда, ўзқучлари билан бажарилган ишларни реализация қилишдан олинадиган тушум бажарилган ҳамда тасдиқланган ишларнинг буюртмачи материалларининг қиймати киритилмаган ҳолдаги қиймати сифатида белгиланади;

савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун — товар обороти;

мол-мулкни молиявий ижарага (лизингга) берувчи юридик шахслар учун — молиявий ижара (лизинг) бўйича фоизли даромад суммаси;

воситачилик ва топширик шартномалари ҳамда воситачилик хизматлари кўрсатишга оид бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатадиган юридик шахслар учун — кўрсатилган хизматлар учун ҳақ суммаси;

тайёрлов ташкилотлари учун — реализация қилинган товарларнинг харид қиймати билан сотиш қиймати ўртасидаги фарқ сифатида ҳисоблаб чиқарилган ялпи даромад;

лотерея ўйинларини ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга ошириш доирасида юридик шахслар учун — ўйин чипталарини уларда кўрсатилган нарх бўйича тарқатишдан тушган тушум;

товарларни таннархидан ёки олиш баҳосидан паст баҳоларда реализация қилувчи, шунингдек товарларни текинга берувчи юридик шахслар учун — товарлар таннархи ёки уларни олиш баҳоси ва шу қабиляр.

Узоқ муддатли контрактларни бажаришда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушадиган тушум ушбу Кодекс 130-моддасининг еттинчи — ўнинчи қисмларида назарда тутилган тартибда ҳисобот даври мобайнида узоқ муддатли контрактларни ҳақиқатда босқичма-босқич ижро этишга оид қисмида ҳисобга олинади.

Ягона солиқ тўловини ҳисоблашда қуйидагилар солиқ солиш объекти сифатида қаралмайди:

1) устав фондига (устав капиталига) олинган ҳиссалар, шу жумладан акцияларни (улушларни) жойлаштириш баҳосининг уларнинг номинал қийматидан (дастлабки миқдоридан) ортиқ суммаси, оддий ширкат шартномаси бўйича биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш учун бирлаштирилаётган маблағлар;

2) муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиқарилаётганда (чиқарилаётганда), шунингдек тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки унинг муассислари (иштирокчилари) ўртасида тақсимланаётганда устав фондига (устав капиталига) ҳиссалар доирасида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулк ҳуқуқлар);

3) шартнома муассислари (иштирокчилари) умумий мулкидаги ҳиссаси қайтариб берилган ёки бундай мол-мулк бўлинган тақдирда, оддий ширкат шартномаси шериги (иштирокчиси) томонидан ҳиссаси миқдоридан олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулк ҳуқуқлар);

4) реализация қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) учун олдиндан ҳақ тўлаш (бўнак) тариқасида бошқа шахслардан олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулк ҳуқуқлар);

5) мулк ҳуқуқи уларга ўтган пайтга қадар мажбуриятларни қонун ҳужжатларига мувофиқ таъминлаш сифатида гаров ёки закат тарзида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулк ҳуқуқлар);

6) бюджетдан берилган субсидиялар;

7) агар маблағларни (мол-мулкни ёки мулк ҳуқуқларни) ўтказиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида амалга оширилса, текин олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулк ҳуқуқлар), ишлар ва хизматлар;

8) олинган грантлар ва инсонпарварлик ёрдами;

9) суғурта шартномалари бўйича суғурта товони (суғурта суммаси) тариқасида олинган маблағлар;

10) воситачига ёки бошқа ишончли вакилга воситачилик, топшириқ шартномаси ёки воситачилик хизматларини кўрсатишга оид бошқа шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муносабати билан, шунингдек комитент ёхуд бошқа топшириқ берувчи учун воситачи ёки бошқа ишончли вакил томонидан қилинган харажатларни қоплаш ҳисобига келиб тушган мол-мулк (ҳақ тўлови бундан мустасно);

11) объект қийматининг ижарага берувчи (лизинг берувчи) томонидан олинган ижара (лизинг) тўловининг бир қисми тарзида қопланиши;

12) телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-кидирув тадбирлари тизимининг текин олинган техник воситалари, шунингдек мазкур воситалардан фойдаланишга ва уларга хизмат кўрсатишга доир хизматлар;

13) ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектининг муассисларидан (иштирокчиларидан) унинг мажбуриятларини бажариш учун олинган маблағлар. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тугатилган ва фаолият қайта тикланган тақдирда ушбу маблағлар солиқ солиш объектига киритилади ва уларга солиқ солиниши лозим;

14) инвестор билан давлат мулкни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага мувофиқ инвестиция мажбуриятлари сифатида киритилаётган мол-мулк.

Баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолаш чоғида курсдаги ижобий ва салбий фарқлар ўртасидаги сальдо солиқ солиш объекти ҳисобланади. Салбий курс фарқи суммаси ижобий курс фарқи суммасидан ортиқ бўлган тақдирда ошиб кетган сумма ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган базани камайтирмайди.

*Ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солиш базаси*

Ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солиш базасини аниқлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

*Ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солиш базаси=(қорхонанинг жами фаолияти бўйича шакланган ялпи тушум) — (қонунчиликка мувофиқ солиқ объекти сифатида қаралмайдиган тушумлар(даромадлар)) — (солиқ кодексининг 356-моддасида назарда тутилган даромадлар).*

Солиқ кодексининг 356-моддасида назарда тутилган даромадларга эса қуйидагилар қиради:

- ✓ давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлар;
- ✓ тўлов манбаида солиқ солинадиган дивидендлар ва фоизлар тариқасида олинган даромадлар;
- ✓ дивидендлар тариқасида олинган ва қайси юридик шахсдан олинган бўлса, ўша юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) йўналтирилган даромадлар;
- ✓ ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги даромадлар;
- ✓ кўп оборотли қайтариладиган таранинг қиймати, (агар унинг қиймати товарларни (ишлар ва хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумнинг таркибига илгари киритилган бўлса);
- ✓ маҳсулот етказиб берувчиларнинг сийлови (скидка) тариқасида ва асосий воситаларни тугатишда уларнинг илгари қайта баҳолашлардаги қийматининг камайиши суммасидан ортган қисми ҳисобига олинган бошқа даромадлар ва шу қабилилар.

Шунингдек, ягона солиқ тўлови базасини аниқлашда қуйидаги даромадлар белгиланган лимитлар доирасида камайтирилади, яъни: лотерея ўйинларини ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга ошириш

доирасида юридик шахслар учун — ютуқ (мукофот) фондининг суммасига, бироқ тарқатилган чипталарга чиққан ютуқларнинг (мукофотларнинг) умумий суммасидан ортик бўлмаган миқдорига; брокерлик ташкилотлари учун — битим суммасидан биржага ўтказиладиган воситачилик йиғими суммасига; воситачилик, топшириқ шартномаси бўйича воситачилик хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар учун — реализация қилинган товар улушида товарларни импорт қилишда тўланган божхона тўловлари суммасига камайтирилади.

#### 17.4. Савдо<sup>155</sup> ва умумий овқатланиш корхоналаридан ташқари кичик корхона ва микрофирмалар томонидан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқиш тартиби

Ягона солиқ тўлови солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. Ягона солиқ тўлови ставкалари эса савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун алоҳида ва бошқа соҳалардаги кичик корхона ва микрофирмалар учун алоҳида белгиланиб келиномокда.

#### 2018 йилги кичик корхона ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови ставкалари(савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан ташқари)<sup>156</sup>

№	Солиқ тўловчилар	Солиқ солинадиган базга нисбатан солиқ ставкаси(фоизда)
1.	Иктисодиёт барча тармоқларидаги корхоналар учун (2-11 банддагилардан ташқари)	6
2.	Саноат соҳасидаги корхоналар	5
3.	Курилиш ташкилотлари	5
4.	Оммавий ахборот воситалари, нашриёт, полиграфия ташкилотлари, телерадио компаниялари тахририятлари	5
5.	Компьютер дастурий маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш жами маҳсулот(хизмат, иш)ларнинг реализациясидаги камида 80 фоизни ташкил этадиган корхоналари	5
6.	Божхона расмийлаштириш хизматларини кўрсатувчи корхоналар(божхона брокерлари)	6
7.	Ломбардлар	30
8.	Гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш учун лицензияси бўлган юридик ва jisмоний шахсларни жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад оладиган корхоналар	30
9.	Тайёрлов ва таъминот-сотил ташкилотлари, брокерлик идоралари, воситачилик, топшириқ ва шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатадиган корхоналар	33

<sup>155</sup>Бу тартибдаги солиқни ҳисоблаб чиқариш улгуржи савдо корхоналарига таълуқлидир.

<sup>156</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги 2270-сонли Қарорининг 10-1-илоvasи.

10.	Қимматли қоғозлар бозорида брокерлик фаолиятини амалга оширадиган корхоналар	13
11.	Ўзик-овқат ва ноозик-овқат товарлар билан қилиш учун стационар савдо қилиш жойларини ижарага беришга ихтисослашган (ижарага беришдан олиннадиган даромад 60%дан кўп) корхоналар	30
12.	Ўзи ишлаб чиқарган товарлар, ишлар, хизматлар экспортининг эркин алмаштириладиган валютадаги ҳиссаси қуйдаги миқдорларни ташкил этадиган корхоналар учун сотишнинг умумий ҳажмида	
	15 фоиздан 30 фоизгача бўлганда	Умумий солиқ ставкаси 30%га камайди
	30 фоиз ва ундан юқори фоизни ташкил қилса	Умумий солиқ ставкаси 50%га камайди
13.	Хизматлар соҳаси корхоналари учун пластик карталарни қўллаган ҳолда хақи тўлангани кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича	Умумий солиқ ставкаси 5%га камайди

Кичик корхона ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови юқорида таъкидлаб ўтилганидек, дастлабки вақтда унинг юқори ставкаси 25 фоиз қилиб белгиланган бўлса, унинг даражаси ҳозирги кунда 6 фоизни ташкил қилади, яъни солиқ ставкалари босқичма-босқич камайтирилиб келиномокда. Шунингдек, худди юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи ва мол-мулк солиғида қўлланилган сингари кичик корхоналарнинг ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулоти(хизмат, иш)ни эркин алмаштириладиган валютада экспорт қилинишини рағбатлантириш мақсадида уларга белгиланган умумий солиқ ставкасини камайтириш тартиблари қўлланилган(бу тартибни қўллаш фойда солиғи ва мол-мулк солиғидагидек амалга оширилади).

Кичик корхоналар эса бюджетга тўлайдиган ягона солиқ тўлови сўммасини эса шаклланган солиқ базаси ва ушбу солиқ ставкаларидан келиб чиқиб ҳисоблайдилар. Бироқ, бунда ўзига хос хусусиятлар мавжуд. Бу шундан иборатки, 2011 йилнинг 1 июлидан бошлаб ягона солиқ тўловчилари тўловчилари(чакана савдони амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган қатъий белгиланган солиқ миқдоридан кам бўлмаган миқдорда тўлайдиган чакана савдо корхоналари, ягона ер солиғи тўловчилари, оилавий корхоналар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида кичик саноат зоналарини бошқариш дирекцияларига ва тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари ҳузурида кичик саноат зоналарини бошқариш ягона дирекцияларидан ташқари) ягона солиқ тўловини Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига белгиланган тартибда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тегишли йил учун тасдиқланган ставкалар бўйича, лекин энг кам миқдордан — эғаллаб турган ер майдонидан келиб чиқиб, меъёрий ҳужжатларда<sup>157</sup> кўрсатилган пасайтирувчи

<sup>157</sup>Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 3 мартда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 2203.



коэффициентларни ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб чиқарилган ер солиғининг уч барабаридан кам бўлмаган миқдорда тўлаб келмоқдалар.

Бундай тартибда ягона солиқ тўловини ҳисоблаш ва тўлашнинг моҳияти шундан иборатки, бунда ягона солиқ тўловининг энг кам миқдорини ҳисоблаб чиқаришда юридик шахслар томонидан мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида фойдаланиладиган ер участкалари ҳисобга олинади. Бунда ер участкаларини ҳисобга олишда эса Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 280-ва 282-моддасида кўрсатиб ўтилган солиқ солиш объекти сифатида қаралмайдиган ва солиқ солинмайдиган ер участкалари эътиборга олинмайди, яъни умумий ер майдонидан чегириб ташланади. Ер ҳажмини аниқлашда шунингдек, агар, ер участкасидан бир нечта юридик шахс биргаликда фойдаланганда солиқ тўловчи томонидан фойдаланилаётган ер участкаси майдонига тўғри келувчи улушдан келиб чиқиб аниқланади, агар алоҳида бино бир нечта юридик шахс балансида турган бўлса, у ҳолда солиқ тўловчи балансида турган хоналар майдонига мутаносиб равишда ҳисоблаб чиқарилган ер солиғи суммасидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Мабодо юридик шахс тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун бинони ёки бинонинг бир қисмини ижарага олса, ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори мазкур юридик шахс томонидан ижарага олинган хоналар майдонидан келиб чиқиб ҳисобланади. Агар юридик шахс кўп қаватли бинонинг бир қисмини ижарага олса, ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори бино эгаллаган умумий ер майдони ва мазкур юридик шахс томонидан ижарага олинган хоналарга тўғри келувчи улушдан келиб чиқиб ҳисобланади. Солиқ тўловчи кичик корхона ва микрофирмалар ҳар йили 1 февралгача солиқ бўйича ҳисобга қўйилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига белгиланган шакл бўйича Маълумотнома<sup>158</sup>-ягона солиқ тўловининг энг кам миқдорининг ҳисоб-китобини тақдим этадилар.

Ягона солиқ тўловчи кичик корхона ва микрофирмалар ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори ҳар чоракда ҳисоблаб чиқаради ва уни куйидаги тартибда(усулда) ҳисоблайди:

*Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори = 3 x (Ер солиғи ставкаси) x (Корхона амалга оширилаётган фаолият туридан келиб чиқиб қўлланиладиган кўрсатилган пасайтирувчи коэффициент) x (Корхонанинг жойлашган жойидан келиб чиқиб қўлланиладиган пасайтирувчи коэффициент).*

Бу ерда:

**3-** чоракдаги ойлар сони;

**Ер солиғи ставкаси**-мазкур жой ва ер тоифаси учун белгиланган энг кам ставкаси. Яъни, корхона жойлашган жойда бундай ерлар учун энг кам зона ёки класс бўйича белгиланган солиқ ставкаси олинади.

<sup>158</sup> Қаранг: маълумотноманинг шакли "Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом"да илова қилиб келтирилган.

**Корхона амалга оширилаётган фаолият туридан ва жойлашган жойидан келиб чиқиб қўлланиладиган кўрсатилган пасайтирувчи коэффициентлар:**

Тўловчилар	Коэффициент
<b>Амалга ошираётган фаолият турига боғлиқ ҳолда (К<sub>1</sub>)</b>	
1. Асосий фаолият тури товар ишлаб чиқариш (саноат соҳаси) бўлган микрофирма ва кичик корхоналар	0,5
2. Асосий фаолият тури қуйидагилар бўлган ташкилотлар: улгуржи савдо (ўзининг ёки ижарага олган оморхоналари мавжуд бўлган тақдирда); автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни ташиш бўйича хизматлар (автотранспортни сақлаш учун ер участкалари мавжуд бўлган тақдирда) кўрсатиш; автотранспортни таъмирлаш ва унга техник хизмат кўрсатиш (автотранспортни сақлаш учун ер участкалари мавжуд бўлган тақдирда); божхона назорати остида божхона оморларида товарларни сақлаш бўйича хизматлар (ўзининг ёки ижарага олган оморхоналари мавжуд бўлган тақдирда) кўрсатиш	0,35
3. Машина-трактор парклари	0,35
4. Улгуржи, улгуржи-чакана ва чакана дорихона ташкилотларига	0,2
5. Янги цехларни қуришни, уларнинг модернизациясини, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни амалга оширувчи, шу жумладан, инвестиция мажбуриятларига мувофиқ инвестицияларни амалга оширувчи, ушбу ишларни амалга ошириш даврида товарлар ишлаб чиқаришни амалга оширмаётган микрофирма ва кичик корхоналар — ушбу ишларни амалга ошириш даврига, бироқ ушбу ишларни амалга оширишни бошлаш санасидан бошлаб 24 ойдан ошмаган даврга	0,35
6. Қурилиш учун ажратилган ерларда уй-жой қуришни амалга оширувчи микрофирма ва кичик корхоналар — норматив қурилиш даври (у мавжуд бўлмаганда — 1 йил) учун	0,35
7. Кон ва карьерларни ободонлаштиришни, шу жумладан, уларнинг рекультивациясини амалга оширувчи микрофирма ва кичик корхоналар	0,1
8. Автовокзаллар, автостанцияларни ташкил этадиган юридик шахслар	0,35
<b>Юридик шахснинг жойлашган ерига боғлиқ ҳолда (К<sub>2</sub>)</b>	
Амалга ошираётган фаолият туридан қатъи назар, бориш қийин бўлган ва тоғли худудларда жойлашган ташкилотлар учун	0,7

Мисол. Кичик корхона энгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, унда ишловчилар сони бўйича умумий мезонларга жавоб берадига у ягона солиқ тўловчиси ҳисобланади. Корхона бир неча ер участкасига эга ҳисобланади. Бунда маъмурий, ишлаб чиқариш ва савдо (фирма дўкони) юритилиши учун эгаллаган хоналари куйидагича:

1-сон участка (1 500 кв. м (0,15 га) майдонга эга маъмурий бино) ва 2-сон участка (1 700 кв.м (0,17 га) майдонга эга фирма дўкони) — Тошкент шаҳрида жойлашган;

3-сон участка (3500 кв.м (0,35 га) майдонга эга ишлаб чиқариш хоналари) — Самарқанд шаҳрида жойлашган.

Ўзи ишлаб чиқарган товарларнинг эркин алмаштириладиган валютада экспортнинг умумий реализацияси ҳажмидаги ҳиссаси 50 фоизни ташкил этади.

Ушбу корхонанинг 2015 йилнинг январь — июнь ойлари учун кўрсаткичлари қуйидагича:

(минг сўм)

Давр	Солиқ солинадиган ялпи тушум (ЯСТ ҳисоб-китобининг 040-сатри)	Ягона солиқ тўлови	
		ставка, фоизда	сумма (ЯСТ ҳисоб-китобининг 120-сатри)
2015 йилнинг январь — март ойлари	150500,0	2,5	3762,5
2015 йилнинг январь — июнь ойлари	230 120,0	2,5	5753,0

Илгариги ҳисобот даврида (2015 йилнинг биринчи чорагида) ягона солиқ тўловининг энг кам миқдорини ҳисобга олган ҳолда ягона солиқ тўлови қўшимча ҳисобланмаган.

Юқорида келтирилган жадвал бўйича асосий фаолият тури товарлар ишлаб чиқариш (саноат соҳаси) бўлган кичик корхоналарга, амалга оширилаётган фаолият турига нисбатан пасайтирувчи коэффициент белгиланган — 0,5 (K1).

Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдорининг йиллик ҳисоб-китоб суммасини аниқлаймиз:

Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори  $_{\text{йил учун}} = 3 \times [(0,15 \times 17250 000) + (0,17 \times 17250 000) + (0,35 \times 12 157 048)] \times 0,5 = 3 \times (2587500+2932500+4254966,8) \times 0,5 = 14662450,2$  сўм.

Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори 2015 йилнинг иккинчи чораги (апрель — июнь) учун қуйидагича:

Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори  $_{\text{чорак учун}} = 14662450,2 / 4 = 3665612,55$  сўм.

Белгиланган формулага мувофиқ бутун корхона бўйича ягона солиқ тўловининг ҳисоб-китоб суммаси 2015 йилнинг иккинчи чораги (апрель — июнь) учун қуйидагича:

Ягона солиқ тўловининг ҳисоб-китоб суммаси  $_{\text{чорак учун}} = (230 120000 - 150500000) \times 5 \% = 3 981 000$  сўм.

Ягона солиқ тўловининг ҳисоб-китоб суммаси (3 981 000 сўм) ягона солиқ тўловининг энг кам миқдоридан ортганлиги учун (3 665 612,55 сўм) ягона солиқ тўлови қўшимча ҳисобланмайди.

Ер солиғи эса бир чорак ҳисобида ҳисоблаб чиқарилади:

$_{\text{Ер солиғи}} = ((\text{ер участкаси (ижарага олинган хона) майдони} \times \text{белгиланган ставка}) / 4).$

Бу ерда 4 сони йилдаги чораклар сони шу, сабабли 4 га бўлинади.

Агар кичик корхона ягона солиқ тўловининг энг кам миқдорини ҳисобга олган ҳолда ягона солиқ тўловини тўлашни бошлаган бўлса, ерсолиғи ушбу юридик шахсга ягона солиқ тўловининг энг кам миқдорини ҳисобга олган ҳолда ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби татбиқ этилган ҳисобот чорагидаги ойларни инобатга олиб ҳисоблабчиқилади, яъни:

$_{\text{Ер солиғи}} = (\text{ер участкаси ва (ёки) ижарага олинган хона майдони} \times \text{белгиланган ставка}) / 12 \times \text{ягона солиқ тўловининг энг кам миқдорини ҳисобга олган ҳолда ягона солиқ тўлови ҳисоблаб чиқарилган ва тўланган ҳисобот чорагидаги ойлар сони}.$

Ҳисобланган ягона солиқ тўлови суммасини юқорида келтирилган тартибда ҳисоблаб чиқарилган ягона солиқ тўлови суммаси билан таққослаш учун ягона солиқ тўловининг ҳисоб-китоб суммаси бутун корхона бўйича аниқланади.

Бунда ягона солиқ тўловининг ҳисоб-китоб суммаси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$_{\text{Ягона солиқ тўловининг ҳисоб-китоб суммаси}} = (\text{Ягона солиқ тўлови бўйича солиқ имтиёзлар қўлланилмаган ҳолдаги ҳисобот чораги учун солиқ солинадиган ялпи тушум}) \times (\text{Ягона солиқ тўловининг белгиланган ставкаси}).$

Ягона солиқ тўловининг ҳисоб-китоб суммаси бутун корхона бўйича ушбу белгиланган Маълумотнома-ҳисоб-китоб асосида аниқланади.

Агар кичик корхона- юридик шахс ҳисобот чораги мобайнида ягона солиқ тўловининг энг кам миқдорини ҳисобга олган ҳолда ягона солиқ тўловини тўлашни бошлаган бўлса, ягона солиқ тўловининг ҳисоб-китоб суммаси ушбу юридик шахсга ягона солиқ тўловини энг кам миқдорини ҳисобга олган ҳолда ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби татбиқ этилган ҳисобот чорагидаги ойларни инобатга олиб аниқланади, яъни:

$_{\text{Ягона солиқ тўловининг ҳисоб-китоб суммаси}} = (\text{Ягона солиқ тўловининг ҳисоб-китоб суммаси} / 3 \times \text{Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдорини ҳисобга олган ҳолда Ягона солиқ тўлови ҳисоблаб чиқарилган ва тўланган ҳисобот чорагидаги ойлар сони}).$

Мисол, юридик шахс 2015 йилнинг май ойида ягона солиқ тўловининг энг кам миқдорини ҳисобга олган ҳолда ягона солиқ тўловини тўлашни бошлади. Белгиланган формула бўйича ҳисобланган 2015 йилнинг II чораги учун ягона солиқ тўловининг ҳисоб-китоб суммаси 450 минг сўмни ташкил этди. Ушбу юридик шахсга ягона солиқ тўловининг энг кам миқдорини ҳисобга олган ҳолда ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби 2015 йил II чорагининг икки (май ва июнь) оий мобайнида татбиқ этилганлигини ҳисобга олган ҳолда, 2015 йилнинг II чораги учун ягона солиқ тўловининг ҳисоб-китоб суммаси 300 минг сўмни (450 минг сўм / 3 х 2) ташкил этади.

Шуни эътиборга олиш керакки, ягона солиқ тўловининг ҳисоб-китоб суммаси ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори суммасидан кам бўлган

ҳолдагина ягона солиқ тўлови қўшимча ҳисобланади. Бу ҳолда ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори суммасининг ягона солиқ тўловининг ҳисоб-китоб суммасидан ортан қисмига ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоби бўйича ҳисобланган ягона солиқ тўлови суммаси қўшимча ҳисобланади. Агар ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоб суммаси ягона солиқ тўлови нинг энг кам миқдоридан ошса ёки унга тенг бўлса, унда ягона солиқ тўлови қўшимча ҳисобланмайди ва ягона солиқ тўлови Ўзбекистон Республикасининг Солиқкодексида белгиланган тартибда тўланиши лозим, яъни ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоби бўйича ҳисобланган сумма тўланади.

Агар ҳисобот даври якуни бўйича корxonанинг асосий фаолият тури худди шундай фаолият турини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган қатъий белгиланган солиқ суммаси миқдорига ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори белгиланган чакана савдо бўлса, корхона ягона солиқ тўловини ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан чакана савдо корxonалари томонидан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ тўлайди. Бунда қўшимча ҳисобланган ягона солиқ тўлови суммасининг ўсиб боровчи якуни олдинги ҳисобот даври учун ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоби бўйича ҳисобланган ягона солиқ тўловининг қўшимча ҳисобланган суммасига тенг деб қабул қилинади.

#### **17.5. Савдо ва умумий овқатланиш корxonалари томонидан ягона солиқ тўловини ҳисоблаш тартиби**

Қонунчиликка мувофиқ ўтган йил якунлари бўйича асосий (соҳа) фаолият тури савдо фаолияти ва умумий овқатланиш соҳасидаги фаолият бўлган юридик шахслар белгиланган тартибда ҳисобот йили бошидан бошлаб ягона солиқ тўловини тўлашлари лозим бўлади. Савдо ва умумий овқатланиш корxonалари сифатида рўйхатдан ўтказилган янги ташкил этилган юридик шахслар ягона солиқ тўловини давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан жорий йил тугагунига қадар, 1 октябрдан кейин рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар эса кейинги йил тугагунига қадар тўлайди.

Агар ягона солиқ тўлови тўловчиларда жорий солиқ даврининг кетма-кет келувчи икки чораги давомида савдо фаолияти ва умумий овқатланиш соҳасидаги фаолият асосий фаолият тури бўлмаса, улар умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтишга ҳақли. Агар юридик шахслар ҳисобот йили якунлари бўйича ягона солиқ тўловчилари бўйича белгиланган шартларга жавоб бермасалар, улар келгуси йил бошидан эътиборан умумбелгиланган солиқлар тўлашга ўтиши керак, бунга солиқ солиш тартибини танлаш ҳуқуқи сақлаб қолинандиган микрофирмалар ва кичик корxonалар кирмайди).

Ҳисобот йили тугагунидан кейин ягона солиқ тўловчилари бўйича белгиланган шартларга жавоб бермай қолган микрофирмалар ва кичик корxonалар 1 февралдан кечиктирмай солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига солиқ солиш тартиби танланганлиги

тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган шакл бўйича ёзма билдириш тақдим этиши шарт. Солиқ тўловчи томонидан ёзма билдиришнинг белгиланган муддатда тақдим этилмаганлиги унинг умумбелгиланган солиқларни тўлашга берилган розилиги деб ҳисобланади.

Бошқа тармоқлардаги кичик корхона ва микрофирмалардан фарқли равишда савдо ва умумий овқатланиш корxonалари учун ягона солиқ тўлови ставкалари ва солиқни ҳисоблаш тартиби ҳамда соддалаштирилган тартибдаги солиқ тўлаш шакллларини танлаш ҳуқуқи йўқлиги ва бошқа маҳсул қоидалар бўйича ҳам фарқланади.

Савдо ва умумий овқатланиш корxonаларига ягона солиқ тўлови ставкалари бошқа тармоқлардагилардан фарқли равишда корxonанинг географик жойлашуви ва аҳоли сонига қараб табақалаштирилган ҳолда белгиланган. Чунки, солиқ ставкаларининг бундай тартибда белгиланиши уларнинг савдо айланмаларининг, қолаверса, молиявий натижаларининг даражаси бундай фаолиятга талабнинг даражасини белгилувчи худудий қулайлик ва аҳоли сонига боғлиқлигидан келиб чиқади. Ўз навбатида бундай шаклдаги корxonалар томонидан ушбу ўрнатилган солиқ ставкаларидан келиб чиққан ҳолда ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ҳам ўзига хос тартибда амалга оширилади. Яъни, савдо фаолиятини амалга оширувчи корxonалар уларнинг улгуржи ва чакана фаолият билан шугулланишига қараб ҳам фарқланади. Масалан, улгуржи савдо корxonалари томонидан ягона солиқ тўловини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби юқорида кўриб ўтилган тартибда яъни, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган тартибда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тегишли йил учун тасдиқланган ставкалар бўйича, лекин энг кам миқдордан — эгаллаб турган ер майдонидан келиб чиқиб, меъерий ҳужжатларда<sup>159</sup> кўрсатилган пасайтирувчи коэффициентларни ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб чиқарилган ер солигининг уч бараваридан кам бўлмаган миқдорда тўлайдилар (бундай тартибда солиқни ҳисоблаш усули юқорида келтириб ўтилди).

Савдо ва умумий овқатланиш корxonалари фаолиятини солиққа тортиш механизмларининг такомиллаштирилиши муносабати билан чакана савдо, умумий овқатланиш ва курилиш соҳасида фаолият юритувчи ташкилотлари 2011 йилнинг 1 январидан бошлаб солиқлар, жумладан, ягона солиқ тўловини ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг белгиланган энг кам меъёрларидан келиб чиқиб ҳисоблаш ва тўлашни амалга ошириб келмоқдалар.

Бу тартибда ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқиш учун аввало корхона учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлаб олиш зарур бўлади. Бу эса "Иқтисодиётнинг айрим

<sup>159</sup> Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 3 мартда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 2203.

тармоклари хўжалик юритувчи субъектлари учун ходимлар сони ва Меҳнатга ҳақ тўлаш фонднинг энг кам меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом" (Адлия вазирлигидан ўтган рўйхат рақами 2173, 2010 йил 28 декабрь) белгиланган тартибда аниқланади. Бу Низомга қўра чакана савдо ва умумий овқатланиш ташкилотларида ходимларнинг энг кам сони чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида ишга қанча меҳнат кучи сарфланиш меъёрларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Чакана савдо ташкилотларида асосий ходимлар сонининг энг кам меъёрларини аниқлашда олти кунлик иш ҳафтасини ҳар кунги иш муддати 12 соат (ҳафтасига жами 72 соат)дан келиб чиқиб асосий ходимлар сонининг энг кам меъёри унинг савдо майдонига қараб аниқланади:

**Олти кунлик иш ҳафтасини ҳар кунги иш муддати 12 соатни (ҳафтасига жами 72 соатни) ташкил этган чакана савдо ташкилотларида асосий ходимлар сонининг энг кам МЕЪЁРЛАРИ**

Савдо майдони, м. кв.	Ходимлар сонининг энг кам меъёри, киши	
	шаҳарларда	бошқа аҳоли пунктларида
25 гача	2	1
26 — 50	3	1
51 — 75	4	2
76 — 100	5	3
101 — 125	6	4
126 — 150	7	
151 — 175	8	5
176 — 200	9	
200 м. кв.дан ошган ҳар 50 м. кв. га	1	1

Агар, йирик ўлчамли товарларни сотувчи ва ушбу товарларни намуна сифатида кўргазмага қўювчи (мебель ва автомобилотранспорт воситаларини сотиш дўконлари, йирик ўлчамли майишй ва бошқа техникаларни намоиш

қилиш учун кўргазма майдонлари, савдо заллари, қурилиш моллари дўконлари) савдо зали майдони 200 квадрат метрдан ортиқ бўлган чакана савдо ташкилотлари учун савдо зали майдони 176 дан 200 квадрат метргача бўлган чакана савдо ташкилотларига белгиланган асосий ходимлар сонининг энг кам меъёри қўлланилади. Автоёқилги қуйиш шохобчаларида ёқилги қуйиш колонкаларига хизмат кўрсатувчи асосий ходимлар сонининг энг кам меъёри эса ёқилги қуйиш колонкасининг техник тавсифномасида белгиланган меъёрлардан келиб чиқиб аниқланади. Бундай меъёрлар мавжуд бўлмаган тақдирда, асосий ходимлар сонининг энг кам меъёри ёқилги қуйиш колонкалари сонидан келиб чиққан ҳолда қуйидагича аниқланади:

Тошкент шаҳрида — битта ёқилги қуйиш колонкаси учун 1 та ходим;  
бошқа аҳоли пунктларида — иккита ёқилги қуйиш колонка учун 1 та ходим.

Чакана савдо ташкилотлари учун белгиланган асосий ходимлар сонининг энг кам меъёри маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан

Умумий овқатланиш ташкилотлари асосий ходимлари сонининг энг кам меъёрини аниқлаш эса етти кунлик иш ҳафтасини ҳар кунги иш муддати 12 соатни (ҳафтасига жами 84 соатни) ташкил этган умумий овқатланиш ташкилотларида асосий ходимлар сонининг энг кам меъёри ташкилотнинг турига ва хизмат кўрсатиладиган столлар сонини инobatга олган ҳолда белгиланган ҳар бир лавозим ва касблар бўйича ходимлар сонининг энг кам меъёрларини қўшиш орқали аниқланади:

**Етти кунлик иш ҳафтасини ҳар кунги иш муддати 12 соатни (ҳафтасига жами 84 соатни) ташкил этган умумий овқатланиш ташкилотларида асосий ходимлар сонининг энг кам**

**МЕЪЁРЛАРИ**

Умумий овқатланиш ташкилотларининг шакли (тури)	1 столга (4 ўринга мўлжалланган стандарт стол) хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган хизмат кўрсатувчи ходимлар (официантларни ўз ичига олган ҳолда) сони			Бармен (бар мавжуд бўлганда)	Ошпаз	Тарқатишда хизмат қиладиган ходимлар	Ошхона ишчиси
	Тошкент шаҳри	Бошқа шаҳар	Бошқа аҳоли пункти				
Ресторан	0,35	0,25	0,2	1	3	—	2
Кафе	0,25	0,2	0,1	1	2	—	1
Кафе (ўзига ўзи хизмат кўрсатиш йўналиши мавжуд бўлган)	0,2	0,15	0,1	1	2	1	1
Чойхона	—	—	—	—	2	1	1
Ошхона	—	—	—	—	2	1	1
Кафетерий, кичик ошхона, буфет	—	—	—	—	1	1	1
Бошқа турдаги ташкилотлар (ошхона мавжуд бўлмаганда)	0,2	0,15	0,1	1	—	—	—

Агар ташкилотдаги ошхоналар мустақил юридик шахс мақомига эга

махсус ажратилган жойларда кўчма (сайёр) савдони амалга ошириш учун вақтинча ташкил этилган чакана савдо шохобчаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

бўлганда ушбу меъёрлар қўлланилади. Банкет залларига эга хизмат кўрсатувчи столлар сони 50 тадан ортиқ бўлган кафе ва ресторанлар учун 50 та столга хизмат кўрсатувчи умумий овқатланиш ташкилотлари учун белгиланган асосий ходимлар сонининг энг кам меъёри қўлланилади. Умумий овқатланиш ташкилотлари учун белгиланган асосий ходимлар сонининг энг кам меъёри маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан махсус ажратилган жойларда кўчма (сайёр) савдони амалга ошириш учун вақтинча ташкил этилган объектларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Умумий овқатланиш ташкилотининг иш вақти режими ҳафтасига 84 соатдан ортиб кетса, юқорида аниқланган асосий ходимлар сонининг энг каммеъёрларига кўпайтириш коэффициенти(яъни,  $84/72=1,17$ ), агарда 84 соатдан кам бўлса, асосий ходимлар сонининг аниқланган энг кам меъёрига камайтириш коэффициенти( $72/84$ ) (камайтириш коэффициенти 0,5 дан кам бўлмаслиги керак) қўлланилади. Бунда, коэффициентнинг миқдори умумий овқатланиш ташкилоти амалдаги иш вақтининг меъёрий иш вақтига нисбатини акс эттиради.

*Чакана савдо ва умумий овқатланиш ташкилотларида меҳнатга ҳақ тўлашфондининг энг кам меъёрларини аниқлаш*

Чакана савдо ва умумий овқатланиш ташкилотларида меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини ҳисоблаб чиқаришда ташкилотлардаги барча ходимларнинг сони (асосий ходимлар сонининг аниқланган энг кам меъёри ҳамда маъмурий ва техник ходимлар) ҳисобга олинади. Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари "Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари хўжалик юритувчи субъектлари учун ходимлар сони ва Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом"да чакана савдо ва умумий овқатланиш ташкилотларида хизматчи ва ишчи касбларнинг куйидаги рўхати тавсия этилган:

#### I. Чакана савдо ташкилотлари

##### 1. Асосий ходимлар:

сотувчи (дорихона провизори);

сотувчи-консультант;

кассир;

кадоқловчи;

қассоб;

товар тахловчи;

бўлим, секция мудир;

ёқилғи қуйиш станцияси оператори;

ёқилғи ва ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари қуёвчиси;

буюм (мебель) йиғувчи;

юк ортувчи-туширувчи.

##### 2. Бошқарув ходимлари:

директор (мудир);

директор (мудир) ўринбосари;

бош ҳисобчи, ҳисобчи;

товаршунос;

экспедитор;

омбор мудир (омборчи).

##### 3. Техник ходимлар:

асбоб-ускуналарни таъмирловчи ва эксплуатация килувчи ходим;

рассом-безовчи;

фаррош;

ҳовли тозалигига қаровчи ходим;

қоровул.

#### II. Умумий овқатланиш ташкилотлари

##### 1. Асосий ходимлар:

официант;

бош ошпаз, ошпаз;

буфетчи, бар (майхона) сотувчиси;

тайёр маҳсулотни тарқатишда хизмат қиладиган ходим;

ошхона ишчиси.

##### 2. Бошқарув ходимлари:

директор (мудир);

директор (мудирнинг) ўринбосари;

зал мудир;

бош ҳисобчи, ҳисобчи;

кассир;

экспедитор;

омбор мудир (омборчи).

##### 3. Техник ходимлар:

асбоб-ускуналарни таъмирловчи ва эксплуатация килувчи ходим;

швейцар (дарбон), гардеробчи;

қоровул, кўриқчи;

фаррош;

ҳовли тозалигига қаровчи ходим;

боғбон.

Ушбу тавсиялардан фойдаланган ҳолда чакана савдо ва умумий овқатланиш ташкилотлари маъмурий ва техник ходимларининг сони мустақил равишда маъмурий ва техник функцияларга бўлган эҳтиёжларидан келиб чиқиб аниқланади. Агар раҳбар ёки мулкдор бир вақтнинг ўзида маъмурий функцияларини ҳамда асосий ходимнинг функциясини бажарса, унда ушбу ходим асосий ходимлар сонига киритилади.

Чакана савдо ва умумий овқатланиш ташкилотларида меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари қуйидаги тартибда аниқланади.

$M\text{X}\text{T}\Phi_{\min} = K\text{X}\text{C} \times T_k \times \text{И}\text{X}\text{Э}\text{К}\text{М}$  бунда:

$M\text{X}\text{T}\Phi_{\min}$  — меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг ойлик энг кам меъёри;

$K\text{X}\text{C}$  — аниқланган ташкилотдаги ходимлар сони;

$T_k$  — ҳисобланган тариф коэффициентлари.

$\text{И}\text{X}\text{Э}\text{К}\text{М}$  — белгиланган иш ҳақининг энг кам миқдори (2015 йил Январдан 118 400 сўми ташкил этади).

Бу ерда аниқланган ташкилотдаги ходимлар сони Олти кунлик иш ҳафтасини ҳар кунги иш муддати 12 соатни (ҳафтасига жами 72 соатни) ташкил этган чакана савдо ташкилотларида асосий ходимлар сонининг энг кам меъёрлари ва етти кунлик иш ҳафтасини ҳар кунги иш муддати 12 соатни (ҳафтасига жами 84 соатни) ташкил этган умумий овқатланиш ташкилотларида асосий ходимлар сонининг энг кам меъёрлари (қаранг: бу меъёрлар юқорида жадвал шаклда келтирилган) ҳамда ушбу меъёрларга кўпайтирувчи(74/72) ёки камайитирувчи(72/84) коэффициентларни қўллаш орқали аниқланади. Масалан, олайлик шаҳарда жойлашган минимаркет савдо зали 145 кв.м.ни, иш вақтининг режими эса ҳафтасига 84 соатни ташкил этади. Олти кунлик иш ҳафтасини ҳар кунги иш муддати 12 соатни (ҳафтасига жами 72 соатни) ташкил этган чакана савдо ташкилотларида асосий ходимлар сонининг энг кам меъёрларида эса савдо майдони 126-150 кв.м.гача бўлган жойлар учун минимал ходимлар сони 7 нафардан кам бўлмаслиги (агар кишлоқ жойда жойлашган бўлса 4 нафар) белгилаб қўйилган. Бирок, минимаркетнинг иш вақтининг режими эса ҳафтасига 84

соатни ташкил этганлиги(яъни 72 соатдан кўп бўлганлиги) сабабли кўпайтирувчи коэффициент қўлланилади. Бу коэффициент 1,17(84/72)ни ташкил этади. Демак, минимаркет минимаркетда асосий ходимларнинг энг кам сони меъёри =  $7 \times 1,17 = 8$  та ходимни ташкил қилади.

Тк — ҳисобланган тариф коэффициентини ҳисоблаш учун иш ҳақининг ягона тариф сеткасида келиб чиққан ҳолда ишнинг ўртача разряди, ташкилотнинг тури ва шаклига қараб табақалаштирилади (дифференциация қилинади) ва бунда қуйидаги жавдалдаги маълумотлардан фойдаланилади:

Ташкилот номи	Ягона тариф сеткаси бўйича ишнинг ўртача разряди
Чакана савдо ташкилоти учун	2
<b>Умумий овқатланиш ташкилотлари учун:</b>	
Ресторан	4
Кафе	3
Чойхона	2
Ошхона	2
Бошқа турдаги ташкилотлар (ошхона мавжуд бўлмаганда)	2
Кафетерий, кичик ошхона, буфет	2

Юқоридаги мисолмиздаги минимаркет учун энг кам иш ҳақи фондиди аниқлайдиган бўлсак, минимаркетда ишларнинг ўртача разряди ягона тариф сеткаси бўйича 2-разрядни ташкил қилади. Ягона тариф сеткаси бўйича ҳисоб учун олинadиган 2-разрядли ишнинг тариф коэффициенти 2,725 ни ташкил қилади.

Белгиланган иш ҳақининг энг кам миқдори (ИХЭКМ) = 2015 йил Январдан 118 400 сўмни ташкил этади.

Белгиланган формулага мувофиқ ( $M\Phi_{\min} = XС \times Tк \times ИХЭКМ$ ) минимаркетда меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёри =  $8 \times 2,725 \times 118 400 = 2 581 120$  сўмни ташкил қилади.

Агар, корхона учун ходимлар сони ва иш ҳақи фондининг энг кам меъёрларини аниқлашнинг бошқача ҳолатдаги мисолни келтирадиган бўлсак, олайлик кафедахизмат кўрсатадиган столнинг сони 15 та бўлиб, унинг иш вақтининг режими — ҳафтасига 84 соатни ташкил қилади. Хизмат кўрсатадиган 15 та столи бор кафед асосий ходимлар сонининг энг кам меъёри қуйидагилардан иборат(юқорида келтирилган жадвалларга қаранг): 1 столга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган официантлар сони-0,25 нафар, ошпаз-2 нафар ва ошхона ишчиси 1 нафар.Бу ерда кафед иш вақти режими ҳафтасига 84 соатдан ортиб кетмаган, шу боисдан ҳам, белгиланган энг кам миқдордаги асосий ходимлар сони меъёрига кўпайтириш (ошириш) коэффициенти қўлланилмайди.

Шундай қилиб, кафед асосий ходимлар сонининг энг кам меъёри =  $0,25 \times 15 + 2 + 1 = 7$  та ходимни ташкил қилади.

Белгиланган иш ҳақининг энг кам миқдори (ИХЭКМ) = 118 400сўм.

Белгиланган формулага мувофиқ ( $M\Phi_{\min} = XС \times Tк \times ИХЭКМ$ ) кафед меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёри =  $7 \times 2,998 \times 118 400 =$

Кейинги босқичда ягона солиқ тўловчилари ҳақиқатдаги Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрига тенг ёки ундан ортиқлигини аниқлайди, агар тенг ва ортиқ бўлса тўловлар кўшимча ҳисобланмайди, агар, кам бўлса кўшимча ҳисобланади ва у қуйидагича ҳисобланади:

$$ҚБ = M\Phi_{\text{энг кам}} - M\Phi_{\text{ҳақиқат}}$$

Бу ерда:

ҚБ — тўловларни кўшимча ҳисоблаш амалга ошириладиган база;

$M\Phi_{\text{энг кам}}$  — Корхонанинг ҳисобот чораги учун аниқланган

Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёри;

$M\Phi_{\text{ҳақиқат}}$  — ҳисобот чораги учун ҳақиқатдаги меҳнатга ҳақ тўлаш фонди.

Агар, корхонада ходимлар сонининг энг кам меъёрига рия қилинмаганда солиқ тўловчининг ҳақиқатдаги Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди энг кам меъёридан ортиқ бўлган ҳолда ҳам кўшимча тўловлар ҳисобланмайди. Масалан, Тошкент шаҳрида жойлашган савдо зали майдони 58 квадрат метр бўлган мини-маркетда асосий ходимлар сонининг энг кам меъёри 4 кишини ташкил қилади.Бутун ташкилот бўйича Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди энг кам меъёрини ҳисоблаш учун ходимларнинг умумий сони, директор (экспедитор вазифасини ҳам ўзи бажарувчи) ва бухгалтерни қўшиб ҳисоблаганда 6 кишини ташкил қилади.Чакана савдо ташкилотлари учун ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг ўртача разряди 2 ни ташкил қилади. Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга

2 484 742,4 сўмни ташкил қилади.

ҳақ тўлашнинг 3-разрядига мувофиқ келувчи тариф коэффициенти 2,725 га тенг. Белгиланган энг кам иш ҳақининг миқдори эса (2015 йил бошида) 118400 сўмни ташкил этади.

У ҳолда ушбу мини-маркет бўйича Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёри ( $M_{\text{min}} = K_{\text{ХС}} \times T_{\text{к}} \times I_{\text{ХЭКМ}}$ ) чорак учун ҳисобланганда  $5\ 807\ 520$  сўмни ташкил қилади  $((6 \times 2,725 \times 118400) + (6 \times 2,725 \times 118400) + (6 \times 2,725 \times 118400))$ .

Амалда ташкилотда 5 киши ишлайди. Бунда ушбу ходимларнинг ҳақиқатдаги Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ҳисобот чораги учун 6 250 000 сўмни ташкил қилган. Ташкилотдаги ходимларнинг ҳақиқатдаги сони ходимлар сонининг белгиланган меъёридан кам бўлишига қарамасдан тўловлар қўшимча ҳисобланмайди, чунки ҳақиқатдаги Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёридан ортиб кетган.

Агар чакана савдо, умумий овқатланиш ёки қурилиш ташкилотлари асосий фаолият тури билан бир қаторда бошқа фаолият турлари билан ҳам шуғулланса, у ҳолда меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёри бутун ташкилот бўйича ходимлар сонининг энг кам меъёридан келиб чиқиб, асосий ходимлар, маъмурий, техник, ёрдамчи ходимлар, шунингдек асосий бўлмаган фаолият тури билан банд бўлган ходимлар сонини қўшиш йўли билан юқорида келтирилган белгиланган ишларнинг ўртача разряди тариф коэффициентини қўллаган ҳолда аниқланади. Мисол учун, асосий фаолият



тури чакана савдо бўлган ташкилот сартарошлик хизматларини кўрсатади. Бутун ташкилот бўйича ходимлар сонининг энг кам меъёрини ҳисоблашда чакана савдо бўйича асосий ходимлар сонининг энг кам меъёри — 5 киши, маъмурий ходимлар — 2 киши ва сартарошхонада фаолият юритувчи ходимлар — 3 киши кўшилади. Бундай ҳолатда мазкур ташкилот бўйича Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёри бутун ташкилот бўйича ходимлар сонининг энг кам меъёридан (10 кишидан) келиб чиқилиб, чакана савдо ташкилотлари учун белгиланган ишларнинг ўртача разряди тариф коэффициентини (2,725) қўлланилган ҳолда аниқланади.

Ҳисобот чораги учун қўшимча ҳисобланган тўловлар эса қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$КҚ = ҚБ \times УС / 100, \text{ бу ерда:}$$

КҚ — қўшимча ҳисобланган тўловлар суммаси;

ҚБ — аниқланган тўловларни қўшимча ҳисоблаш амалга ошириладиган база;

УС — тўловларнинг умумий ставкаси.

Тўловларнинг умумий ставкаси бу-тегишли тоифадаги тўловчилар учун белгиланадиган ягона ижтимоий тўлов, фуқароларнинг суғурта бадаллари ставкаларини ва жисмоний шахсларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказиладиган 1 фоизга камайтирмаган ҳолдаги жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ставкасини ўз ичига олувчи умумий ставка. (Агар, тўловларнинг умумий ставкасини ҳисоблайдиган бўлсак, у ҳолда 2015 йил учун у Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги 2270-сонли Қарорига кўра кичик корхона ва микрофирмалар учун ягона ижтимоий тўлов ставкаси 15%, фуқароларнинг суғурта бадаллари ставкаси-7%, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг энг қуйи ставкаси -8,% яъни, (15+7+8,5) 30,5 фоизни ташкил қилади).

Ушбуни мисол тариқасида тушунтирадиган бўлсак, мисол учун шаҳарда жойлашган мини-маркетнинг савдо залининг-майdonи — 115 кв. м; иш вақти режими — ҳафтасига 84 соат; маъмурий ходимлар сони — 1 нафарни ташкил қилади. Мини-маркетда иш вақти режими (ҳафтасига 84 соат) ҳафтасига 72 соатдан ортиб кетгани учун асосий ходимлар сонининг энг кам меъёрига кўпайтирувчи коэффициент қўлланилади =  $84/72 = 1,17$ . Демак, мазкур мини-маркет бўйича асосий ходимлар сонининг энг кам меъёри =  $6 \times 1,17 = 7$  ходимни ташкил этади. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрини ҳисоблаш учун мини-маркет бўйича барча ходимларнинг умумий сони, 1 та директорни (экспедитор ва бухгалтер вазибаларини ҳам ўзи бажарувчи) ҳам қўшиб ҳисоблаганда =  $7 + 1 = 8$  ходимни ташкил қилади. Мини-маркет учун ягона тариф сеткаси бўйича ишларнинг ўртача разряди 2 ни ташкил қилади. Ягона тариф сеткаси бўйича ишларнинг 2-

разрядига мувофиқ келувчи ҳисоб учун олинадиган тариф коэффициенти 2,725 га тенг.

Белгиланган энг кам иш ҳақининг миқдори (2015 йилда) 118400 сўмни ташкил этади. Тўловларнинг умумий ставкаси 30,5% ташкил этади. Белгиланган формулага мувофиқ ( $МҚТФ_{\min} = ХС \times Т_k \times ИХЭКМ$ ) мини-маркет бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёри =  $8 \times 2,725 \times 96 \times 105 =$  ойига 2 581 120 сўмни ташкил қилади. Чорак учун меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёри суммаси ( $3 \times 2 581 120$ ) 7 743 360 сўмни ташкил қилади. Корхона томонидан эса чорак учун ҳақиқатдаги Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди 6 425 750 сўмни ташкил қилган. Демак, фарқ мавжуд бўлиб, корхона қўшимча ягона солиқ тўловини ҳисоблашига тўғри келади ва у қуйидагича бўлади:

$$ҚБ = 7 743 360 - 6 425 750 = 1 317 610 \text{ сўм. Демак, корхона бюджетга қўшимча } 1 317 610 \text{ сўм солиқни қўшича ҳисоблаб ўтказилади.}$$

Қўшимча ҳисобланган тўловлар суммаси қуйидагича тенг:

$$КҚ = 1 317 610 \times 30,5\% = 401 871,0 \text{ сўм.}$$

Ягона солиқ тўловининг солиқ даври календарь йил бўлиб, йил чораги эса ҳисобот даври ҳисобланади. Солиқни бюджетга ўтказишда қўшилган қиймат солиғи тўловчилар учун ягона солиқ тўлови суммаси бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи суммасига, лекин ягона солиқ тўлови суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорга камайтирилади. Қўшилган қиймат солиғини ихтиёрий равишда тўлашга календарь йил бошидан эътиборан ўтмаган тўловчилар ягона солиқ тўлови суммасини қўшилган қиймат солиғи ҳисоблаб чиқарилган ҳисобот даврига тўғри келадиган суммага камайтиради.

Ягона солиқ тўловининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи яқун билан йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-қунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

Ягона солиқ тўлови қуйидагича тўланади:

микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан — ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай;

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан — ҳар ойда, кейинги ойнинг 25-қунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай.

Юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида олинган тушум солиқ тўловчининг ялпи тушумига тўлиқ миқдорда қўшилади. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланган фойда солиғининг суммаси Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасида ягона солиқ тўловини тўлаш чоғида ҳисобга олинади.

### 17.6. Қатъий белгиланган солиқни тўлаш тартиби

Ягона солиқ тўловининг яна бир шаклларида бири бу қатъий белгиланган солиқ ҳисобланади. Солиқ кодексининг 370-моддасига мувофиқ ушбу солиқ тўловчилари бўлиб, фаолиятнинг айрим турларини тавсифловчи физик кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда солиқ солинадиган айрим фаолият турларини амалга оширувчи юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар, яқка тартибдаги тадбиркорлар ҳисобланади.

Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик шаклида фаолиятни амалга оширишда оилавий тадбиркорлик субъекти номидан иш кўрадиган яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзосигина қатъий белгиланган солиқни тўловчи бўлади. Қатъий белгиланган солиқ солинадиган фаолият турларининг рўйхати, шунингдек фаолиятнинг мазкур турларини тавсифловчи физик кўрсаткичлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Фаолиятнинг айрим турларини тавсифловчи физик кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда солиқ солинадиган айрим фаолият турларини амалга оширувчи солиқ тўловчилар фаолиятнинг қатъий белгиланган солиқ тўлаш татбиқ этиладиган қисмига доир солиқ солишнинг бошқа тартибини танлаш ҳуқуқига эга эмас. Қатъий белгиланган солиқ тўлаш татбиқ этиладиган фаолият билан бир қаторда фаолиятнинг бошқа турларини амалга оширувчи юридик шахслар фаолиятнинг мазкур турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишлари ва умумбелгиланган ёки ушбу бўлимда белгиланган солиқларни тўлашлари шарт.

Асосий фаолият тури бўйича қатъий белгиланган солиқни тўловчилар бўлган юридик шахслар учун бошқа даромадлар тоифаси кирувчи (Солиқ кодексининг 132-моддаси бўйича) даромадларига солиқ солинмайди (аммо, дивидендлар ва фоизлар, биргаликдаги фаолиятдан олинган даромадлар, шунингдек ижарадан олинган даромадларга солиқ солинади). Агар, ушбу солиқ тўловчи мол-мулкни ижарага беришдан даромад олса, у ҳолда умумбелгиланган солиқлар ёки ягона солиқ тўлови жорий этилади.

Қатъий белгиланган солиқ белгиланган фаолият турини тавсифловчи физик кўрсаткич солиқ солинадиган объектдир. Солиқ солинадиган база физик кўрсаткичларнинг сонидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Қатъий белгиланган солиқ суммаси солиқ тўловчининг календарь ойида ишлаган кунлари сонидан қатъи назар, солиқ солинадиган база ва белгиланган ставкадан<sup>160</sup> келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Қатъий белгиланган солиқнинг солиқ даври-бир ой ҳисобланади. Солиқ тўловчилар қатъий белгиланган солиқ ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига:

янги ташкил қилинаётган (бошловчи) солиқ тўловчилар томонидан — давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай, фаолият юритаётган солиқ тўловчилар томонидан эса ҳисобот йилининг 15

<sup>160</sup>Қаранг: Қатъий белгиланган солиқ тури бўйича солиқ ставкалари юридик ва жисмоний шахслар қесимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроектисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги 2270-сонли Қарорининг 11 ва 12-иловаларида келтирилган.

январигача тақдим этилади. Солиқ солиш объекти ўзгарган тақдирда, солиқ тўловчилар аниқлик киритилган ҳисоб-китобни навбатдаги тўловни тўлаш муддатидан кечиктирмай тақдим этишлари шарт.

Қатъий белгиланган солиқ юридик шахслар томонидан ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан эса ни тўлаш: тадбиркорлик фаолияти амалга оширилган ойнинг 25-кунидан кечиктирмай ҳар ойда, яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан солиқ тўловчи давлат рўйхатидан ўтказилган жой учун белгиланган ставкалар бўйича тўланади. Агар фаолият амалга оширилган жой учун қатъий белгиланган солиқ ставкалари давлат рўйхатидан ўтказилган жой учун белгиланган ставкалардан фарқ қилса, қатъий белгиланган солиқ энг юқори ставка бўйича тўланади.

Яқка тартибдаги тадбиркорлар яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш доирасида қатъий белгиланган солиқ тўлаш билан бир қаторда қуйидагиларни тўлайдилар:

- ✓ божхона тўловлари;
- ✓ ер қабридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар;
- ✓ сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ — сув ресурсларидан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланилганда;
- ✓ акциз солиғи — акциз тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқарилганда;
- ✓ бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари;
- ✓ давлат божи;
- ✓ автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) вақтинчалик олиб кирганлик учун Республика йўл жамғармасига йигим.

Агар яқка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини муайян муддатга тўхтатса, у ўз фаолиятини тўхтатгунига қадар тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказувчи органга фаолиятни вақтинчалик тўхтатиш тўғрисида ариза бериш билан бир вақтда давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани топширади. Яқка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти вақтинча тўхтатилганлиги ёки қайта тикланганлиги тўғрисидаги аризани олган тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи орган келгуси иш куни тугагунига қадар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига яқка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти вақтинча тўхтатилганлиги ёки қайта тикланганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклда ахборот тақдим этади.

*Савдо фаолиятини амалга оширувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан қатъий белгиланган солиқни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари*

Савдо фаолиятини амалга оширувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрларида

даромадларнинг ҳамда амалга оширилган товар операцияларининг ҳисобини юритишлари шарт.

Даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрлари куйидагилардир:

чакана савдо фаолияти билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорнинг даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш дафтари;

Товар чеклари дафтари.

Даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрларининг шакли Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланади.

Даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрлари якка тартибдаги тадбиркорни солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан якка тартибдаги тадбиркорнинг аризаси асосида рўйхатдан ўтказилади.

Даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрлари охириги ёзув киритилган пайтдан эътиборан беш йил мобайнида якка тартибдаги тадбиркорда сакланади ва улар рақамланган, ип ўтказиб боғланган ҳамда тегишли давлат солиқ хизмати органининг мухри билан тасдиқланган бўлиши керак.

Якка тартибдаги тадбиркор фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига:

савдо фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан, бундан тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарлар олиб кирадиган якка тартибдаги тадбиркорлар мустасно, — йилнинг ҳар бир чораги якунлари бўйича ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай;

тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб кирадиган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан — ҳар ойнинг якунлари бўйича ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай тақдим этилади.

Солиқ тўловчининг календарь ойида ишлаган кунлари сонидан қатъий назар, қатъий белгиланган солиқ тадбиркорлик фаолиятининг тури ва солиқ тўловчининг фаолиятни амалга ошириш жойига қараб белгиланган ставкалар бўйича тўланади. Фаолиятнинг бир неча тури билан шуғулланувчи солиқ тўловчилар қатъий белгиланган солиқни фаолиятнинг ҳар бир тури учун мазкур турдаги фаолиятга нисбатан белгиланган ставкалар бўйича алоҳида-алоҳида тўлайдилар. Қатъий белгиланган солиқни ҳисоблаб чиқариш солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади. Янги рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор, шу жумладан оилавий тадбиркорлик субъекти қатъий белгиланган солиқни якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўлайди.

### Таянч сўз ва иборалар:

*Ягона солиқ назарияси, ягона солиқ, соддалаштирилган солиқ тизими, ягона солиқ тўлови, савдо корхоналари, умумий овқатланиш корхоналари, қатъий белгиланган солиқ, савдо фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркор, меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёри, ягона тариф сеткаси, ходимлар сонининг энг кам меъёри, тўловларни қўшимча ҳисоблаш амалга ошириладиган база, тариф коэффиценти, иш вақти режими, асосий ходимлар сонининг энг кам меъёрларига қўнайтириш коэффиценти, ягона солиқ тўлови ставкалари, ягона солиқ тўлови базаси, ягона солиқ тўловини тўлаш муддатлари.*

### Назорат учун савол ва топшириқлар:

1. Ягона солиқ тўлови ва ягона солиқнинг нима фарқи мавжуд?
2. Ягона солиқ назарияларнинг моҳиятини қисқача изоҳлаб беринг.
3. Соддалаштирилган солиқ тартиби деганда нима тушунилади?
4. Ягона солиқ тўловини кимлар тўлаш ҳуқуқига эга?
5. Кичик корхона нима?
6. Микрофирмалар деб қандай корхоналар айтилади?
7. Ягона солиқ тўловининг солиқ ставкаларини қандай табақалаштирилган?
8. Савдо соҳасидаги корхоналарни солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятларини санаб беринг.
9. Умумий овқатланиш корхоналаридан ягона солиқни ундириш тартиби қандай?
10. Савдо корхоналарида ягона солиқ тўловини ҳисоблаш тартибларини биласизми?
11. Ягона солиқ тўлови бўйича қанақа солиқ имтиёзлари белгиланган?
12. Қатъий белгиланган солиқ деганда нима тушунилади?
13. Қатъий белгиланган солиқни кимлар тўлайди?
14. Якка тартибдаги тадбиркорларни солиққа тортиш тартибини тушунтириб беринг.
15. Юридик шахслар ҳам қатъий белгиланган солиқни тўлаши мумкинми?

## ГЛОССАРИЙ

ТЕРМИН	Рус тилида	Инглиз тилида	Ўзбек тилидаги шарҳи
Асосий воситалар	Основные средства	fixed assets	деб, корхонада кўпийил фойдаланиладиган меҳнат куруллари: яъни бинолар, иншоотлар, машиналар ва асбоб-ускуналар.
Асосий (операцион) фаолият бўйича пул оқимлари	Денежные потоки от основной деятельности	Cash flows from operating activities	хўжалик жараёнларини корхонанинг пул маблағларига, фойда миқдорига таъсирини ифодалайди.
Айланма маблағлар	Оборотные средства	current assets	айланма фондлар, муомала фондлари ва бошқа ҳаракатдаги активларда турган пул маблағлари.
Бошқарув тамойиллари	Принципы управления	principles of management	иктисодиётнинг барча соҳаларини бошқариш тизимининг тузилиши ва амал қилинишини белгилаб берувчи асосий қоида.
Бошқарув тизими	Системы управления	Control systems	бошқаришнинг мақсадлари, таркиби, шакли ва усулларни мажмуаси. У динамик бўлиб, иқтисодий - иқтисодий шароитлар ўзгариши билан унинг унсурларини аниқ мазмуни ҳам ўзгаради.
Баланси ликвидлиги	Ликвидность баланса	balance Liquidity	балансдаги ликвид бўлган маблағларнинг мажбуриятларни қоплаш даражаси тушунилади.
Брак маҳсулот	Бракная продукция	bar products	тасдиқланган андоза ва техника шартларга мос келмайдиган маҳсулот.
“Баланс”	Баланс	Balance	лотинча бис – икки марта, банд – тарози палласи сўзларидан таркиб топиб, том маънода икки палла деган маънони англатади ва тенглик тушунчаси сифатида ишлатилади.

Бир сўмлик товар маҳсулотига кетган харажат	Затраты на один сум товарной продукции	The cost of one sum of commodity products	ишлаб чиқариш таннархини товар маҳсулоти ҳажмига нисбати тарикасида аниқланади.
Дебитор қарзлари	Дебиторская задолженность	Receivables	айнан таҳлил қилинаётган корхона айланма маблағларининг бир қисми бошқа корхоналар айланмасида қатнашиши тушунилади.
Дебиторлик қарзларининг айланиш куни	Оборачиваемость дебиторской задолженности в днях	Accounts receivable turnover in days	дебиторлик мажбуриятларининг мавжуд суммасини таҳлил этиш даврининг келендарь кунига кўпайтириш ва сотишдан олинган соф тушум суммасига бўлиш асосида аниқланади.
Индукция	Индукция	Induction	тадқиқотни ёки бирор объектни (ходисани, жараёни) хусусийликдан умумийлик сари ўтирилиши тушунилади.
Ички хўжалик резервлар (имкониятлари)	Внутрихозяйственные резервы	Intra reserves	хўжалик юритиш самардорлигини ошириш имкониятини аниқлашда ижобий таъсир этувчи омиллар ҳаракатини кучайтириш ва уларнинг салбий таъсирини тугатиш тушунилади.
Иқтисодий-математик усуллар	Экономико-математические методы	Economic-mathematical methods	интеграл, корреляция, регрессия, омиллар тизимини детерминлашган моделларда акс эттириш, назарий ўйин қабилар.
Инвестиция фаолияти	Инвестиционная деятельность	Investment activities	номоддий активларни сотиб олиш ва сотиш, узок муддатли моддий активлар сотиб олиш учун етказиб берувчиларга тўланган пуллар ва унга тенглаштирилган маблағлар чиқим устунда акс эттирилади.

<b>Ижтимоий меҳнат унумдорлиги</b>	Социальная производительность труда	Social productivity	моддий ишлаб чиқаришда банд бўлган ҳар бир ишловчи ҳисобига ҳосил қилинган миллий даромад миқдори билан ўлчанади
<b>Индивидуал меҳнат унумдорлиги</b>	Индивидуальная производительность труда	Individual productivity	индивидуал (якка тартибда ишловчининг (локал) участка, цехдаги, корхона, тармоқдаги) ишловчининг ишлаб чиқарган маҳсулоти.
<b>Кредитор қарзлари</b>	Кредиторская задолженность	Accouns payable	ўзга корхоналарнинг айланма маблағларининг бир қисми айнан таҳлил қилинаётган корхона айланмасида қатнашиши тушунилади.
<b>Кредиторлик қарзларининг айланиш куни</b>	Оборачиваемость кредиторской задолженности в днях	Accouns payable turnover in days	кредиторлик мажбуриятларининг мавжуд суммасини таҳлил этиш даврининг келендарь кунига кўпайтириш ва сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таънарихи суммасига бўлиш асосида аниқланади.
<b>Лeverаж</b>	Лeverаж	Leverazh	хусусий капиталнинг ўзган қисми бўлиб, кўрсатиб хусусий капитал рентабеллиги коэффициентини билан жами инвестициялар орасидаги фарқ коэффициентини олинади.
<b>Метод(усул)</b>	Метод (способ)	The method (method)	юнон тилидан олинган бўлиб, табиат ҳамда жамиятда содир бўлаётган ҳодиса ва жараёнларни ўрганиш ва билиш усулидир. Муайян фаннинг предметини ўрганиш усули.
<b>Методология(услугия)</b>	Методология	Methodology	муайян фаннинг предметини ўргатиш усули, унда қўлланиладиган ёндашувлар, усуллар мажмуаси.
<b>Материаллар самараси</b>	Материалотдача	Materialootdacha	моддий харажатларнинг бир сўми ҳисобига қанча маҳсулот ишлаб чиқарилганлигини

			кўрсатади.
<b>Материал сизими</b>	Материалоемкость	consumption of materials	бир сўм товар маҳсулоти ишлаб чиқариш учун қанча (неча тийин) моддий харажатлар тўғри келишини кўрсатади.
<b>Молиявий натижа</b>	Финансовый результат	Financial results	корхона фаолиятининг фойда суммаси ва рентабеллик даражасида ифодаланган яқундир.
<b>Муддатли ликвидлик коэффициенти</b>	Коэффициент срочной ликвидности	Quick ratio	у пул маблағлари, соф дебиторлик қарзлари суммасини жорий мажбуриятларга бўлиш орқали аниқланади.
<b>Мутлак ликвидлик коэффициенти</b>	Коэффициент абсолютной ликвидности	Absolute liquidity ratio	у пул маблағларининг жорий мажбуриятларига нисбати сифатида аниқланади.
<b>Молиявий мустақиллик коэффициенти</b>	Коэффициент финансовой независимости	The financial independence	у корхонанинڭ ўз маблағларининг хўжалик маблағлари умумий суммасига нисбати тарикасида аниқланади.
<b>Меҳнат омиллари</b>	Факторы труда	labor Factors	корхонанинڭ ишчи кучи билан таъминланиши, иш вақтидан фойдаланиш ва меҳнат унумдорлиги даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар.
<b>Меҳнат воситалари омиллари</b>	Факторы средств труда	Factors labor funds	корхонанинڭ асосий воситалар билан таъминланганлиги, таркиби, техник ҳолати ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.
<b>Меҳнат предметлари омиллари</b>	Факторы предметов труда	Factors objects of labor	корхонанинڭ хом ашё ва асосий материаллар билан таъминланганлигини ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.

<b>Махсулотни бир текисда ишлаб чиқариш</b>	Ритмичная производства продукции	Rhythmic production	махсулотни тузилган жадвал асосида, махсулотнинг олдиндан аниқланган ассортиментни ва сифатига мувофиқ етказиб бериш ва сотишни ўз вақтида таъминланиши.
<b>Махсулот сифати</b>	Качества продукции	quality products	унинг барча мўлжалланган мақсадда фойдаланишга яроқли хусусиятларининг мажмуаси.
<b>Меҳнат унумдорлиги</b>	Производительность труда	productivity	моддий ишлаб чиқаришда вақт бирлиги давомида ҳосил қилинган махсулот миқдори билан ўлчанади
<b>Моддий ресурслар</b>	Материальные ресурсы	Material resources	ишлаб чиқаришнинг муайян циклида фойдаланишда бўлган ва шу циклда ишлаб чиқарилган махсулот (иш ва хизматлар) таннархига ўз қийматини тўлиқ ўтказиб борувчи буюмлар.
<b>Махсулот таннархи</b>	Себестоимость продукции	product cost	махсулотни ишлаб чиқариш, сотиш ва корхона молиявий фаолияти бўйича барча харажатларнинг пул орқали ифодаланиши.
<b>Молиявий фаолият</b>	Финансовая деятельность	Financial activities	бўлимида акция чиқаришдан келиб тушган тушум, узоқ ва қисқа муддатли қарзларни келиб тушиши ва чиқимлар акс этади.
<b>Моддий текширувлар</b>	Материальная проверка	Material inspection	моддий бойлиқлар, пул маблағлари ҳақиқий қолдигини бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан қиёслаш орқали амалга оширилади.
<b>Омилли таҳлил</b>	Факторный анализ	Factor analysis	натيجا кўрсаткичининг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг таъсир доирасини ҳисоблаш усуллари мажмуасини ўзида ифода эттирган таҳлилдир.

<b>Омилар</b>	Факторы	factors	у ёки бу иқтисодий кўрсаткичга ижобий ҳамда салбий таъсир кўрсатувчи фаол харажат қилувчи кучлар тушунилади.
<b>Операцион фойда(асосий фаолияти фойдаси)</b>	Операционная прибыль (прибыль от основной деятельности)	Operating profit (operating profit)	ялли фойдадан давр харажатлари ва бошқа операцион харажатлар чегирилиши ва асосий фаолиятдан бошқа даромадлар кўшилиши натижасида ҳосил бўлган фойда.
<b>Пул оқимлари</b>	Денежные потоки	monetary flows	пул ва пул маблағларининг ҳамда сўм ва ўзга эквивалентларининг кирими ва чиқими.
<b>Пул эквивалентлари</b>	Денежные эквиваленти	Cash equivalens	эркин алмаштириладиган қисқа муддатли ликвидланадиган, қиймати ўзгариши хатарига камроқ мойил бўлган инвестициялар.
<b>Пул маблағлари</b>	Денежные средства	Cash	кассадаги нақд пул ва талаб бўйича бериладиган депозитлар, шунингдек, ҳисоб-китоб. валюта ва ўзга банк ҳисоб рақамларидаги маблағлар.
<b>Пассив (нофаол) асосий воситалар</b>	Пассивные основные средства	Passive fixed assets	бинолар, иншоотлар ва транспорт воситалари.
<b>Ретроспектив(жорий) таҳлил</b>	Ретроспективный (текущий) анализ	Retrospective (current) analysis	ҳисобот даври тугаши билан бухгалтерия, статистик ва тезкор ҳисоботлар ҳамда ҳисобдан ташқари ахборот манбаларига асосан ўтказиладиган таҳлил.
<b>Рентабеллик</b>	Рентабельность	Profitability	жами ижтимоий ишлаб чиқариш ва ҳар бир корхонанинг иқтисодий ҳамда молиявий самарадорлигини ифодоловчи кўрсаткич.

Рақобат	Конкуренция	Competition	лотинча сўздан олинган булиб, мақсадга эришиш учун кураш, корхоналар ўртасидаги соф курашни билдиради.
Сотилган маҳсулот	Реализованная продукция	products sold	товарлар истъмолчиларга жўнатилиб унинг хақи мол юборувчиларнинг банкдаги ҳисоб - китоб рақамига ўтказилиши тушунилади.
Соф маҳсулот	Чистая продукция	Net output	товар маҳсулот билан уни ишлаб чиқаришга қилинган моддий сарфлар ва асосий воситалар ва номоддий фаолларнинг амортизацияси суммаси ўртасидаги фарк.
Солиқ тўлагунга қадар фойда	Прибыль до уплаты налогов	Profit before tax	умумхўжалик фаолиятдан келган фойдага фавқулоддаги фойдани кўшилиши ва фавқулоддаги зарарни чегирлиш орқали ҳосил бўлган фойда.
Соф фойда	Чистая прибыль	Net profit	солиқ тўлагунга қадар фойдадан даромад (фойда) солиғи ва фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимларни чегирлиши орқали аниқланган фойда.
Товар маҳсулоти	Товарная продукция	commercial products	барча ишлаб чиқариш босқичларини ўтган, тўла бутланган, техника назорати бўлимидан ўтган ва оморга топширилган маҳсулот.
Таксимланмаган фойда	Нераспределенная прибыль	retained earnings	корхонанинг ҳисобида турган соф фойдаси.
Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда(ҳисобот фойдаси)	Прибыль от общехозяйственной деятельности	Profit from general economic activity	операцион фойдага молиявий фаолиятнинг даромадларини кўшилиши ва молиявий фаолият бўйича харажатлар чегирлиши орқали ҳосил бўлган фойда.
Устав капитали	Уставный капитал	Authorized capital	ўз маблағлар мабнаининг асосини ташкил этади.

## ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### Ўзбекистон Республикаси Қонулари:

1. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. «Халқ сўзи», 2013 й., 254 (5928)-сон; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-1-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги руҳсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Қонуни. «Халқ сўзи», 2012 й., 248 (5668)-сон; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 51-сон, 575-модда.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Оидавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонуни. Халқ сўзи», 2012 й., 82 (5502)-сон; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 17-сон, 188-модда.
4. Ўзбекистон Республикасининг "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Қонуни. «Халқ сўзи», 2009 й., 78 (4741)-сон; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 16-сон, 197-модда.
5. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги Қонуни. «Халқ сўзи», 2008 й., 144-145 (4554-4555)-сон; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 278-модда.
6. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон.
7. Ўзбекистон Республикасининг "Солиқ маслаҳати тўғрисида"ги Қонуни. «Халқ сўзи», 2006 й., 187 (4086)-сон; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 37-38-сон, 374-модда.
8. Ўзбекистон Республикасининг "Микрокредит ташкилотлари тўғрисида"ги Қонуни. «Халқ сўзи», 2006 й., 186 (4085)-сон; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 37-38-сон, 372-модда.
9. Ўзбекистон Республикасининг "Микромолиялаш тўғрисида"ги Қонуни. «Халқ сўзи», 2006 й., 183 (4082)-сон; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 37-38-сон, 369-модда.
10. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуни. «Халқ сўзи», 2004 й., 263 (3538)-сон; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 512-модда.
11. Ўзбекистон Республикасининг "Хусусий корхона тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 2004 й., 1-2-сон, 8-модда; «Халқ сўзи», 2004 й., 16 (3369)-сон; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 3-сон, 28-модда.
12. Ўзбекистон Республикасининг "Жамоат фондлари тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 2003 й., 9-10-сон, 141-модда;

- «Халқ сўзи», 2003 й., 208 (3320)-сон; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 19-сон, 172-модда.
13. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 2003 й., 9-10-сон, 137-модда; «Халқ сўзи», 2003 й., 207 (3319)-сон; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 19-сон, 168-модда.
  14. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат статистикаси тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 2003 й., 12-сон, 219-модда; «Халқ сўзи», 2002 й., 280(3108)-сон; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 24(60)-сон, 194-модда.
  15. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 2003 й., 12-сон, 215-модда; «Халқ сўзи», 2002 й., 281-282(3109-3110)-сон; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 24(60)-сон, 192-модда.
  16. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 2002 й., 12-сон, 213-модда; «Халқ сўзи», 2002 й., 283-284(3111-3112)-сон; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 24-сон, 190-модда.
  17. Ўзбекистон Республикасининг "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 2002 й., 4-5-сон, 68-модда; «Халқ сўзи», 2002 й., 112(2940)-сон; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й., 10(46)-сон, 69-модда.
  18. Ўзбекистон Республикасининг "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 2002 й., 1-сон, 10-модда; «Халқ сўзи», 2002 й., 15-16-сон; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й., 2-сон, 12-модда.
  19. Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик ширкатлари тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 2002 й., 1-сон, 8-модда; «Халқ сўзи», 2002 й., 12-сон; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й., 2-сон, 9-модда.
  20. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат кадастрлари тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 19-модда; «Халқ сўзи», 2000 й., 258-сон; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2000 й., 11-сон, 160-модда.
  21. Ўзбекистон Республикасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 8-модда; «Халқ сўзи», 2001 й., 3-сон; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2000 й., 11-сон, 153-модда.
  22. Ўзбекистон Республикасининг "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 142-модда; «Халқ сўзи», 2000 й., 113-сон.

23. Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 140-модда; «Халқ сўзи», 2000 й., 114-сон.
24. Ўзбекистон Республикасининг "Нодавлат ноижорат ташкилотлари тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 1999 й., 5-сон, 115-модда; «Халқ сўзи», 1999 й., 89-90 (2128-2129)-сон.
25. Ўзбекистон Республикасининг "Лизинг тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 1999 й., 5-сон, 108-модда; «Халқ сўзи», 1999 й., 83 (2121)-сон.
26. Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 1999 й., 1-сон, 8-модда; «Халқ сўзи», 1999 й., 6(2044)-сон.
27. Ўзбекистон Республикасининг "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 91-модда; «Халқ сўзи», 1998 й., 100 (1881)-сон.
28. Ўзбекистон Республикасининг "Дехқон хўжалиги тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 88-модда; «Халқ сўзи», 1998 й., 114 (1895)-сон.
29. Ўзбекистон Республикасининг "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 86-модда; «Халқ сўзи», 1998 й., 114 (1895) -сон. (Янги тахрирда).
30. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. Олий Мажлис Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 82-модда; «Халқ сўзи», 1998 й., 109-110 (1890-91)-сон.
31. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси. Олий Мажлис Ахборотномаси, 1998 й., 2-сон, 36-модда.
32. Ўзбекистон Республикасининг "Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида"ги Қонуни. «Халқ сўзи», 1998 й., 10-сон; Олий Кенгаш Ахборотномаси, 1998 й., 1998-сон, 4-модда.
33. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат солиқ хизмати тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда; «Народное слово», 1997 й., 193 (1715)-сон.
34. Ўзбекистон Республикасининг "Бож тарифи тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 228-модда; «Халқ сўзи», 1997 й., 233 (1740)-сон.
35. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда; «Халқ сўзи», 1997 й., 200-сон.
36. Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-сон, 295-модда.



37. Ўзбекистон Республикасининг "Табиий монополиялар тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 1997 й., 4-5-сон, 106-модда; «Халқ сўзи», 1997 й., 103 (1620)-сон. (Янги тахрирда).
38. Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 142-модда; «Халқ сўзи», 1996 й., 187 (1439)-сон.
39. Ўзбекистон Республикасининг "Хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 126-модда; «Халқ сўзи», 1996 й., 187 (1439)-сон.
40. Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 61-модда; «Халқ сўзи», 1996 й., 118-119 (1372-1373)-сон. (Янги тахрирда).
41. Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 54-модда; «Халқ сўзи», 1996 й., 108 (1361)-сон.
42. "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда; «Халқ сўзи», 1996 й., 10 (1263)-сон.
43. Ўзбекистон Республикасининг "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги Қонуни. «Халқ сўзи», 1994 й., 201 (949)-сон; Олий Кенгаш Ахборотномаси, 1994 й., 10-сон, 252-модда.
44. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуни. «Халқ сўзи», 1993 й., 219-сон; Олий Кенгаш Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 338-модда.
45. Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни. «Халқ сўзи», 1993 й., 183-сон; Олий Кенгаш Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда.
46. Ўзбекистон Республикасининг "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги Қонуни. «Халқ сўзи», 1993 й., 104 (609)-сон; Олий Кенгаш Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 225-модда. (Янги тахрирда).
47. Ўзбекистон Республикасининг "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуни. «Халқ сўзи», 1993 й., 113 (618)-сон; Олий Кенгаш Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 221-модда.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари:**

48. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони. 2017 йил, 7 феврал.
49. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-

- қувватлаш йили"да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида"ги ПФ-5308-сонли Фармони.
50. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 июндаги "Маҳаллий бюджетларни шакллантиришда жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5075-сонли фармони.
51. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 декабрдаги "Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини ошириш, маҳаллий бюджетларга тушумларнинг тўлиқлигини таъминлаш бўйича солиқ ва молия органлари жавобгарлигини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони.
52. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-3454-сонли қарори.
53. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 февралдаги "Солиқ қонунчилигини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Ф-5214-сонли фармойиши.
54. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 майдаги "Имтиёзлар ва преференциялар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ПҚ-3756-сонли қарори.
55. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июндаги "Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3802-сонли қарори.
56. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш контсепцияси тўғрисида»ги ПФ-5468-сонли фармони.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари:**

57. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик—ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
58. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент : Ўзбекистон, 2016. - 56 б.
59. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш—юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Тошкент: "Ўзбекистон", 2017. – 48 б
60. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: : "Ўзбекистон", 2017. – 488 б.

#### **Асосий адабиётлар:**

61. Ваҳабов А., Тошматов Ш., Хайдаров Н. Молия саводхонлиги асослари. –Т.: “Бактерия-пресс”, 2016. –288 бет
62. Ваҳобов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. Дарслик. –Т.: “Шарк”, 2017. –448 б.
63. Шамсутдинов Ф., Шамсутдинова Ш. Чет мамлакатлар солиқ тизими. Дарслик. –Т.: “Фан ва технология”, 2017. –508 б.
64. Маликов Т., Ваҳобов А. Молия. Дарслик. –Т.: “НОШИР”, 2018. –712 б.
65. Поляк Г.Б., Паскачева А.Б., Астафьев М.П. Бюджет и бюджетная система: Учебник для вузов. М.: Юрайт, 2014. –111 с.
66. Хайдаров М.Т., Ашурова Д.С. Иқтисодий ва ижтимоий ривожланишни прогнозлаштириш. Дарслик. Т.: “Иқтисод”, 2007.- 185 б.

#### **Қўшимча адабиётлар:**

67. Тарасова В., Владика М., Саприкина Т., Семикина Л. Налоги и налогообложение. Учебник. –М.: “Кнорус”, 2017. –488 с.
68. Дорофеева Н., Брилон А., Брилон Н. Налоговое администрирование. Учебник. –М.: “Дашков и К”, 2017. –296 с. Игонина Л.Л. Инвестиция. – М.: Экономист, 2005. – 478 с.
69. Красавина Л. Международные валюты и кредитные отношения. –М. –Инфра-М, 2004.

#### **Даврий наشرлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар:**

70. Аллаяров Ш., Эшонкулов З. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масалалари //Молия. 2016, №2. –103 б.
71. Ўзбекистоннинг 2018 йилги ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси. 2018 йил.
72. Ўзбекистон республикаси Молия вазирлигининг “Фуқаролар учун давлат бюджети-2019”. расмий наشري. 2019 йил.

#### **Интернет сайтлари:**

73. <http://www.lex.uz> (норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими)
74. <http://www.mf.uz> (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги)
75. <http://www.soliq.uz> (Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси)
76. <http://www.cbu.uz> (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки)
77. <http://www.gki.uz> (Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси)
78. <http://www.stat.uz> (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси).

Худойқулов С.К.

## МОЛИЯ ВА СОЛИҚЛАР

Дарслик

“ИҚТИСОДИЙОТ” – 2020.

Муҳаррир:  
Мирҳидоятова Д.М.

Мусаҳҳиҳ:  
Матхўжаева А.О.

Лицензия: №10-4286 14.02.2019й. Босишга рухсат этилди 20.02.2020.  
Қоғоз бичими 60x84 1/16. Times гарнитураси. Шартли босма табағи 34,6.  
Адади 20 нусха. Баҳоси келишилган нарҳда.

“ZARAFSHON FOTO” ХКнинг матбаа бўлимида чоп этилди.  
100066. Тошкент шаҳри Ислон Каримов кўчаси, 49-уй.